



Sharq Yulduzi

Оалик,
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

6

1984

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

53-аил чиқиши

Мундарижа

НАСР

Ҳақим Назир
Тоҳир Зухра қиссаси
2

Иброҳим Раҳим
Генерал Равшанов
Роман. Давоми.
88

Барот Бойқобилов
Юлдузли осмон, Достон
59

МУШОИРА

Самарқанд ва Навоий
области шоирлари
165—178

ПУШКИНХОНЛИК

Омон Матжон
Езмок-чизмок
гарчи умум таомил...
179

Гулчеҳра Муродалиева
Пушкиннинг Натальяга
айтган сўнги сўзлари
179

ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ — АДАБИЕТЛАР ДУСТЛИГИ

Анжей Шипковский
Қуёш, сув ва
ўзбек нақши
181

Сергей Баруздин
Тошкент ҳавосидан
оламан нафас
186

Владислав Шошин
Ўзбекистон — қалбим
ҳамрови
187

БОЛАЛАР АДАБИЕТИ: ҚУВОНЧЛАР, ТАШВИШЛАР, РЕЖАЛАР

Худойберди Тўхтабоев
Ижобий қаҳрамон —
давр фарзанди
189

Бердиали Имомов
Болалар драматургияси
уфқи
190

Пўлат Мўмин,
Қаҳрамоннинг
жозиба кучи
193

Исмоил Саъдуллаев
Маҳоратнинг бир
қирраси
194

Файзулла Салаев
Сеҳрли жилолар
196


Қурдош Қаҳрамонов
Танқидчиликдаги
муҳим мавзу
197

САЊЪАТ

Валентин Оскоцкий
Тамарахоним музейи
199

ГУЛҚАИЧИ

Анвар Обиджон
Спитамен ҳақида ким
қандай ёзар эди?
206



Ҳаким Назир

Тодуш Зодуш Қисса



Қисса

Биринчи боб

Баъзи ўртоқларим менга «омадли боласан» деб ҳавас қилишадди... «Омад» нима ўзи? Уқитувчиларнинг саволига дадил жавоб беришу қийин фанлардан «беш»га илинишми, овга борганда кўпроқ балиқ тутишу ўзига ярашган кийим топиб кийишми ёки футбол ўйнаганда бир-икки тўпни кетма-кет дарвозага киритишми?.. Уларча мана шуларнинг ҳаммаси омаддан эмиш. Тавба, бундай ҳол кимда учрамайди? Дунёда «тасодиф» деган гап ҳам бор, ахир!

Гапни, яхшиси, мактабни битиришдан бошлай қолай:

Мактабни тугатиб, аттестат олиш ҳаммага олам-олам қувонч келтирса-ю, мен бўлсам...

...Катта-ю-кичик байрам либосида. Мактабда лим-лим одам. Ҳамманинг кўзи дарахтлар соясидаги стол ёнида тантанали овоз билан рўйхат ўқиётган аямда. Аямнинг сўнгги вақтларда, хиёл чарчаганиданми, ёноқлари бўртиброқ чиққан, йирик қора кўзларидаги ҳорғинлик жилмайиб турсалар ҳам сезиларди. У ўнинчи синфни битирган икки группа ўқувчилардан кимларнинг совхозда қолиб ишлаши, кимларнинг шаҳарга бориб техникум, институтларга кирмоқчи эканини айтиб ўтди. Битта менинг номимни айтмади. Номи чиққанлар бориб унинг қўлидан «Аттестат» деб ёзилган кўк дафтарчани фахрга тўлиб олишар, биринчи марта устозга катталарча қўл беришиб, раҳмат айтиб қўйишарди. Болалар бир-бирларини қучоқлашиб табриклашаркан, мен ўнғайсизликни сездирмай боғ кўча томон юзландим. Шу пайт болалар тўхтатишди. Қарасам, улар ичида райондаги ҳунар-техника билим юртида ўқиётган ўртоқларим — велосипед етаклаган Абил «бака-банг», Илҳом турибди. Улар каникул қилиб қишлоққа келишганди.

— Аянг нега отингни айтмадилар, Тоҳир? Ё мен эшитмай қолдимми-а? — деди Илҳом. Мен нима дейишимни билмай турувдим, яна сўради. — Ўзинг қаерга борадиган бўлдинг?

— Қаерга борарди, олий мактабга-да! — деди Абил ҳавас қилаётганини яширмай. — Тоҳир ови юрган бола. Доим ошиғи олчи. Дадасини биласанми, ҳа, унинг қўли космосга узатсаям етади!

— Лоп-қопингни қўй. Аравакаш бўлмоқчиман, — дедим бепарволик билан.

— Э, бизларга ўхшаб-а! — Абил хахолаб кулди. — Тарақа-туруқ қилиб, дала-даштда чанг-тупроқ ютиб-а? Қўйсанг-чи! Сеникидақа дадам бўлганда-чи, ҳей, пўрим студент бўлволардим-да, ҳамёним пулга тўла, шаҳарда ялло қилиб юрардим, чиройлик қизлар билан қўлтиқлашиб...

— Сенга студентлик шунақа яллама-ёрим экан-да, Абил? — деди дакки бериб Илҳом. — Қойил галавангга! Унақа бўлса нега институтга кирмадинг? Билим юртига бўйнингдан бойлаб оборгани йўқ-ку!

— Оғайнилар қўйшмади-да! Биттаси ўзинг эмасми: «Уч йилда ҳам ўрта маълумотли, ҳам машина мутахассиси бўлиб чиқамиз» деб ташвиқот қилаверган!..

— Ажаб қилган эканман. Бўмаса ҳозир ўнинчини амал-тақал қилиб битирардинг-у, на институтга кираолардинг, на бир ҳунарни бошини тутаолардинг. Ундан кўра менга «раҳмат» де, — деди Илҳом ва менга тикилди... — Тўғрисини айт, оғайни, нима қилмоқчисан буёғига?

— Айтдим-ку, — сўзимда унча қатъият сезилмади шекилли, Илҳом астойдил огоҳлантирди:

— Яхши ўйлаб кўр, оғайни, чўлни кўргансан-ку...

Абил «бака-банг» қанчалик ҳавойи фикр қилса, Илҳом шунчалик жиддий мулоҳаза юритарди. Менинг чўлқуварлар қаторига киришимга кўзи етмас, буни хомхаёл деб биларди. Ҳозирча ичимдаги сирни уйдагилардан бошқа ҳеч ким билмасди. Тўғриси, сиримни яна битта кишидан яширмасдим. У ҳам бўлса, ҳалиги ўртоқларим қатори икки йил бурун билим юртига ўтиб кетган мактабдошим Зухра эди. У бугун мактабда битириш маросими бўлишини биларди. Ўзим айтган эдим. Негадир келмади...

Биргалашиб мактабдан чиқдик. Юринглар демасам ҳам, уйимгача эргашиб келишди. «Аттестатни ювиш керак» дерди Абил, томоғи тақиллаб. Синглим Иқбол уйда экан, овқатга унади. Кўп ўтмай, эшикдан машина сигнали эшитилиб, дадам кириб келди. Дадамнинг оқ оралаган сочи силлиқ тарашланган, мўйлови кузалган, вақти чоғ эди. Чорпояда қуруқ гап сотиб ўтирганимизни кўриб:

— Уртоқларингни меҳмон қилмайсанми, ахир сени атайдан табриклагани келишибди, — деб болалар билан қуюқ омонлашди-да, уларни шифтларига гуллар, товуслар расми солинган, бурчагига бир жуфт саъвали қафас илинган шийпонимизга таклиф этди. — Қани, жиянлар, юқорига, ҳа, балли, балли...

Шу пайт эшикдан шофёр йигит яшиқда пиво олиб кирди-да, қирғоғига кулранг мрамар плиталар қопланган цемент ҳовузга солди. Кейин боғчадан помидор, бодринг ўзиб чиқиб, тўғрашга тушди. Дадамнинг елиб-югуриб дастурхон тузашга киришганидан хижолат чеккан ўртоқларим, қарашиб юборайлик дейишганди, кўнмади.

Бугун дадам бошқача бўлиб қолганди. Олдинлар ишдан кела солиб, душда ювинарди-да, шийпонда духоба болишга ёнбошлар, Иқбол дамлаб келган аччиқ кўк чойдан ичиб, саъваларнинг чирқ-чирқ сайроғига маст бўлиб дам оларди. Баъзан чарчаб келиб, кўзи илинса, биз ҳовлида оёқ устида юриб, шивирлашиб сўзлашардик. Овқат тайёр бўлгандагина, ўшанда ҳам жуда эҳтиётлик билан уйғотардик. Аям бизни шунга ўргатган эди.

Бугун дадамнинг, умрида биринчи марта, биз болалар билан улфатчилик қилиши. Дастурхон ёнига ўтириб, шампан қадахларини пивога тўлдириб болаларга узатди.

— Тортинманглар, жиянлар, энди ёш бола эмассизлар. Ҳа, фақат чанқов бостига...

Иккинчи қадаҳ ичилгандан сўнг, дадам хушчақчақлик билан:

— Бугунгиси ҳамир учидан патир, қуюқроғи Тохиржон олий мактабга қадам қўйганда бўлади. Шундайми?— деб менга маъноли боқди.

Мен кўзимни ундан олиб қочишга ҳаракат қилдим. Дадам буни сезса-да, ўзини сезмаганга олди. Лунжини шишириб овқат чайнаётган Абил, «ана, кўрдингларми», дегандай бароқ қошини учуриб қўйди.

Аям келди. Бизнинг улфатчилигимизни кўриб, ранги бир оз ўзгарди-ю, сирбой бермай очиқ юз билан ўртоқларимга «хуш келибсизлар» деб қўйди. Дадамнинг:

— Ўғилчангизни табрикладингизми, аяси?— деган саволига:

— Ҳа, мактабда кўп қатори табриклаганман...— дея жавоб қилди.

Аям дастурхонга келмаса ҳам болаларни унинг салобати босди — пиво ичишни тўхтатишди. Илҳомнинг имоси билан тезда қўл артиб, рухсат сўрашди. Мен ҳам қайтармадим.

Хайрлашаётган Абил кафтини кафтимга қаттиқ чапиллатиб уриб:

— Қойил даданга, студентлик зиёфатини ҳозирдан ваъда қилворди. Ўзига ишонмаса шундай дермиди. Ҳа, сенинг ошиғинг олчи турмай меники турсинми!— деди.

Унинг сўзида ҳавасдан кўра ҳасад кўпроқ эди. Илҳом бўлса ҳар вақтдагидай ўйчан ҳолда:

— Ҳолва деган билан оғиз чучирмиди...— деб қўйди.

Менинг эса кўнглим хижил. Дадам билан аям ўртасида анчадан буён бўлиб келаётган машмаша яна қўзғалган: гап менинг келажаким устида борарди. Дадам вақтни ўтказмай институтга тайёрланиш кераклигини эслатганди.

— Шу аҳдингиздан қайта қолинг, дадаси, кира олишига ҳеч кўзим етмайди,— деди аям менга қараб.— Ўзингни кўнглинг қалай, Тохиржон?

Менинг ҳам институтга қоқилмай киришимга кўзим етмасди. Асосан баҳоларим «беш», «тўрт» бўлса ҳам минг мулоҳаза билан, олдин ишга жойлашсам-у, кейин сиртдан ўқишга кирсам, деган хаёлда юрардим. Буни илгари ҳам айтгандим. Ҳозир ер чизиб ўтиравердим. Мендан садо чиқмагач, дадам аямга ёпишди:

— Муаллима, тушунган одам деб ким айтади сизни! Ҳамма ўқисам деса-ю, сиз болангизни илмсиз қолдирасизми?

— Ундаймас, дадаси. Ҳар ким кўрпасига қараб оёқ узатиши керак демоқчиман...

— Нима, чоғимиз келмас эканми? Шукр, ўзимизга етгудай обрўмиз бор, агар керак бўлса...— У ёғини негадир айтмади дадам.

Мунозара узоққа чўзилди. Дадам, мени ҳар қандай қилиб бўлса-да, ўқишга киритмоқчи. Бир куни улфатлари олдида: «Шу битта-ю битта ўғлимни олий маълумотли қилмасам отимни бошқа қўяман» деб қасам ичганини ўз қулоғим билан эшитганман. Ҳозир, ўша аҳдидан қайтмаслигини очиқ айтди.

— Сенда, ўғлим, забон деган нарса йўқроқ... Шу соддалигинг, нўноқлигинг бўлса, тузукроқ бир ишни бошини тутолмайсан, итнинг кейинги оёғи бўлиб, қаланғи-қасанғилар ичида қолиб кетасанми деб кўрқаман. «Емонлар олдида юргандан кўра, яхшилар кетида юр» деган гап ҳам бор. Қўлингга дипломинг бўлса, битта стол эгаси бўласан...

«Стол эгаси» бўлиш. Ўқишдан мақсад шу эканми? Негадир аччиғим чиқди, лекин ўзимни босиб, кулги аралаш дедим:

— Дадажон, очиги менда унақа мансаб-пансабга қизиқиш йўқ. Мен бирорта ҳунар эгаси бўлсам дейман ўртоқларимга ўхшаб. Олий маълумотни ишлаб туриб олса ҳам бўлади...

— Менга ўхшаб-а?— деб кулиб қўйди аям. Ҳақиқатан аям техникум маълумоти билан мактабда ишлаб юриб, мен туғилганимдан кейин сиртдан пединститутда ўқиган экан.

— У давр бошқа эди, аяси, ҳозир бошқа,— деди дадам ўзиникини маъқуллаб ва шу ҳафта ичида институтга керакли хат-ҳужжатларни тайёрлаб, шаҳарга мени ўзи бошлаб борадиган бўлди.

Юрагимга ғулғула тушди. Тўғриси айтганда, менга шаҳар йўлини тўсиб турган нарса фақат имтиҳондан қўрққанамгина эмасди: Синфдошларим билан ўртамизда «Бир-биримиздан ҳеч қачон айрилмаймиз, баримиз чўлда қўриқ очаётганлар қаторига қўшиламмиз» деган қаттиқ аҳд-паймон бор эди. Ана шу синфдошларим ичида менга энг яқини — ҳали тилга олганим Зуҳра эди. Уни ташлаб кетишим ҳеч мумкин эмасди...

Иккинчи боб

С аккизинчи синфда ўқиб юрган кезларим. Бир куни директор синфимизга содда кийинган, нозиккина, рангпаргина қизчани бошлаб кирди-да:

— Мана сизларга янги ўқувчи, Зуҳра Жавлонова,— деб таништирди.

Қиз орқадаги партага ўтаркан, болалар уни тузукроқ таниб олиш учун кўз қирлари билан кузатишди. Кейин эътибор бермай қўйишди. Қиз ҳеч нарсага парво қилмай эски сариқ папкасидан бир китоб олди-да, уни варақлашга тушди. Танаффус вақтида болалар қаердан, нима сабабдан келганини сўрашганди, Зуҳра гапни қисқа қилиб қўяқолди. Шундан сўнг болалар бири олиб, бири қўйиб чандишга тушишди. Бири «мингаймас» деса, бири «ичидан пишган, одамови» деди. Қизлар «ўзимиздақа қишлоқ қизи экан-у, нимасига димоғ қилади» дейишди.

Бир хил одам бегоналар ичига кириб қолганида дастлаб тортиниброқ турса ҳам, кейин тез элакишиб кетади. Зуҳра унақалардан эмас. Дарсга ҳам зиқ қилиб келади-да, охири кўнғироқ чалиниши биланоқ ҳаммадан олдин зинғиллаб жўнаб кетади.

Кунларнинг бирида математика ўқитувчиси уни доскага чиқариб, масала ишлатмоқчи бўлганди, «тайёр эмасман, кейинги гал чиқарман» деди. Аямнинг тарих дарсида ҳам берилган саволга жавоб тополмай, узр сўради. Аям синф раҳбари бўлгани учун ҳам Зуҳрага қизиқиш қолди. У билан алоҳида суҳбатлашиб, яқиндан танишиш, ҳолаҳволини яхшироқ билиб олиш учун уйига борди.

Зуҳра водийнинг тоққа туташган қишлоғида яшарди. Отаси участка милиционери бўлиб, онаси чорва фермасида сигир соғувчи экан. Ўтган қиш оғир келиб, сигир-бузоқларнинг ҳоли танглашди. Қалин қор-муз остида қолган ем-хашакларни очиб олиш вақтида Зуҳранинг онаси шамоллаб қолади, оғир зотилжам касаллигидан вафот этади. Қон қақшаб қолган Зуҳра ғам чека-чека озиб-тўзиб, ётиб қолади. Район марказига яқин жойда яшовчи бева аммаси Ёқутхон бориб Зуҳрани боқиб ўтиради. Зуҳра сал тузалгач, уйи ёлғиз қолган аммаси энди кетай деса, Зуҳра қўймайди. Бу орада дадасининг иши ўзгарилиб, район милиция бўлимига ўтади. Шундан сўнг улар Ёқутхон амманинг уйига кўчиб келишади.

— Бечора қиз ташвишда экан. Кўнглини кўтариб, ёрдам беришимиз керак,— деди аям.

Зуҳрага ёрдамлашиб туришни синфимиз старостаси Гавҳарга топширилди. Бу ишга оғринибгина кўнган Гавҳар уч-тўрт кун ўтгач, аямга нолиб қолди:

— Бу қизингиз тўғри келмади, опа, ёрдам берай десам, «Вақтим йўқ» дейди. Нима, кетидан ялиниб юраманми?..

Аям ўзи сўзлашса, Зуҳра: «Мунақа ёрдамчи керакмас менга. Димоғдор, қақилдоқ экан. Ёрдам бериш ўрнига нуқул: «Қишлоқдан нега келдинглар? Ойинг нима бўлиб ўлди. Нега кўпчиликка аראлашмайсан?» деб гап қовлаштиради», деди...

— Бўлмаса сенга ўғил болалардан бири ёрдам берса-чи? — деб аям Абилнинг номини айтган эди, Зухра «қайдам» деб елкасини қисди.

Бир ҳафта ўтгач Абил ҳам айниди. Кейин бу ишни менга топширишди. Дардан сўнг пионер бўлмасида қолиб, дарс тайёрлайдиган бўлди. Мен бирон оғиз ҳам дарсга алоқасиз сўз айтмасликка ҳаракат қилардим. Икки-уч сафардан сўнг қизнинг ўзи гапга тушиб, Абилдан сўз очди:

— Жа шум бола кўринади-я, ўша!

— Ҳа, нима бўлди? — сўрадим қизиқиб.

— Биров билмасин-у... мени ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ кинога таклиф этапти. Мен йўқ десам, «бўлмаса дарсни уйингга бориб тайёрлайлик» дейди...

Зухранинг кўнглига қил сиғмайди-ю, тагин «қовоғингга тош осиб олганмисан», деб аския ҳам қилармиш, бепаросат. Уни аччигидан тушуришга ҳаракат қилиб, юпатиб:

— Қўявер, Абил ўзи шунақанги сурбет, найрангларини фақат болаларгамас, ўқитувчиларгаям ишлатади, — дедим.

Қиз ўқишда қийналарди. Икковлашиб шунча ҳаракат қилсак ҳам, «уч»дан боши чиқмасди. Айрим фанлардан «икки»си ҳам бор эди. Бир куни ўзидан-ўзи юрагини очиб:

— Биласизми, Тоҳир, — деди биринчи марта отимни айтиб. Менга ғалати туюлди бу. Мен ундан салкам бир ёш катта эдим. — Ҳаракат қилганим билан фойдаси йўққа ўхшайди. Қишлоғимда бўлганимда фермага ўтиб кетардим, оймнинг ўрнига. Ўзлариям чақиривудди. Янги ферма очишяпти. Дадам кўнса кетардим...

— Ўқишни чала қолдириб-а, яхшимас.

— Бари бир бўлмаяпти... Програмадан икки ойча орқада қолиб кетганман. Ўзимниям, сизларниям қийнаб нима қиламан!

Қарасам, қиз мактабдан совиган. Бунга аямга етказдим. Аям қиз билан бафуржа гаплашди. Мактабни ташлаш керакмаслиги, астойдил уринса ўқишида, албатта, ўзгариш бўлишлигини айтди, зехни, қобилияти яхши эканлигини уқдириб, кўнглини кўтарди. Аям оғир пайтда Зухрага енгиллик туғдириш учун атайин унинг «икки» баҳосини «уч»га, «уч»баҳосини «тўрт»га ўзгартириб қўйди.

Аямнинг бу чорасини кимдир сезиб, директорга чақибди. Директоримиз Сатторов асли юрист, тартиб-интизом ўрнатишни яхши кўрадиган киши. Қаттиққўл, муомалага уста. Ҳар гапида «Илтимос, азизим, барака топкур» деб қўяди, кишиларни ширин сўзи билан ишга солади, камчилигини кўрсатганда ҳам оғир ботмайдиган сўз қилади. Шундай одам педсоветда биринчи марта аямга қаттиқроқ гапириб, уни «қолоқ ўқувчини ҳимоя қилиш», «келишувчилик»да айблади. Сатторов доим мажлисларда «процент», «илғорлик», «қолоқлик» деган сўзларни кўп ишлатарди. «Бизда «иккичилар» битта ҳам бўлмасин, юз процент ўзлаштирувга эришиб, мактабимиз шаънини кўтарайлик» деяверарди. Аям бир мажлисда, «Сизга процент зарурми, болаларнинг билим даражаси зарурми? Кейинги икки-уч йил ичида биронта ўқувчимиз олий мактабга киролмади. «Урин топилмади» деб ўз-ўзимизни юпатамиз. Агар ўқувчимизнинг билими, қобилияти етарли бўлса «ўрин топиларди», деган экан. Ҳа, у тилёгламаликни билмайдиган тўғри сўз одам эди. Унинг даккисини директор кўнглига тугиб юрган эканми, Зухра воқеаси баҳонасида, тўкиб солди: «Одамнинг сўзи билан иши бир бўлгани яхши, азизим Эъзозхон, ўзингиз сифат-сифат деб дам урасиз-у, аммо мана қилган ишингиз!» деб аямнинг даммини қирқиб қўймоқчи бўлди.

Аям билан директор ўртасидаги келишмовчилик аслида илгарирокдан бошланган эди. Директорнинг яқин кишиси — физика, математика ўқитувчиси Боқиев дағал муомалали киши эди. Болаларда бир одат борки, баъзи ўқитувчиларга ҳайиқиб, баъзиларига ҳурмат билан қарашади. Боқиевдан бўлса, ҳам ҳайиқишар, ҳам ҳурматлашарди. Негаки, у қўпол бўлгани билан ўз фанини чуқур билар, яхши

тушунтирарди, яна ўқитувчиларнинг энг кексаси эди. Шунга қарамасдан, унинг бир одати ҳеч кимга ёқмасди. У лақаб қўйишни яхши кўрарди. Дарсда болаларни унар-унмасга «пўстак», «тошбақа қадам», «лодон», «тўнка» деб қойиб берарди. Баъзиларни «сарак»ка, баъзиларни «пучак»ка чиқарарди. Шу ҳақда ўқувчилардан ариза тушганда, аям ўқувчилар тарафини олиб: «Муштдай бошидан болаларнинг пешонасига: «бу унақа, бу мунақа» деб тамга босиш яхшимас, ўсиб келаётган ниҳолларни қаёққа эгсанг эгилади, эгиб олиш ўз қўлимизда. Аммо эгаман деб синдириб қўйишдан эҳтиёт бўлайлик!..» деган эди.

Ўтган йили бўлиб ўтган гаплар эсимда. Директор ўқиши, хулқи паст бўлган бир нечта болани тузук характеристика ёзиб, ҳунар-техника билим юртига ўтказиб юбормоқчи бўлган, аям бунга қарши чиққан, характеристикаларга қўл қўймаган. (Ўшанда аям вақтинча илмий мудар эди).

Хулласи, аямнинг Зухрага нисбатан кўрган «вақтинчалик чораси» ўз натижасини бера бошлади. Унинг ўқиши анча яхшиланди, мактабдан кетиш фикридан қайтди. Кейинги кунларда хиёл чехраси очилиб, руҳи кўтарилгандай бўлди. Буни мен қиз қулоғида зирак пайдо бўлгандан билдим. Энди у ёнимдан ажрамас, менга ҳар хил савол ёғдирарди. Мен ундан вақтимни аямасдим.

Бир куни синф мажлисига ота-оналар чақирилди. Зухранинг дадаси Жавлон ака ҳам келди. Танишдик. Милиция формаси кийган, хушмуомала, очик киши экан. Мени «укажон»лаб гапирди. Қизига ёрдам берганим учун раҳмат айтди. Яна кўпчилик ўртасида сўзлаб, «сизларда ўзаро ёрдам яхши йўлга қўйилган экан, Тоҳиржон қизимга қарашмаганида мактабдан кетиб қолиши турган гап эди» деди. Қайтишда Жавлон ака мен билан қуюқ хайрлашиб, «уйимизга боргин» деб қўйди.

Унинг таклифи менга ёқди. Лекин нима деб ҳам бораман? Яна одамгарчилик қилиб айтди қўйди-да, деб ўйладим. Зухранинг ўзи, «сиз дадамга маъқул келибсиз, синфдошингни чақиргин, дарсни уйда тайёрланглар, дедилар» деб қолди. Дадаси ҳам, аммаси ҳам Зухрага, уйни ёлғизлатмай мактабдан тезроқ қайтгин, деб тайинлашар экан. Шу куни унинг уйида дарс тайёрлайдиган бўлдик.

Район марказидан четроқ, дала йўлида, сувоқлари кўчган пахса деворли пастқам ҳовлига Зухранинг кетидан кириб бордим. Кўримсизгина ҳовлининг бир чеккасида, чийдан ясалган товукҳона ёнида, бир хотин юрибди. Бу Зухранинг аммаси бўлса керак. Сочлари оқарган бўлса-да, анча тетик. Хотин менга ётсираб қаради, саломимга хушламайгина алик олди-да, товукларга дон соча кетди. Мен нима қилишимни билмай турардим. Бир зум ўтгач у мenden кимлигимни, қайси маҳаллалик, кимнинг боласи эканлигимни сўраб қолди. Мен дадамнинг номини айтишим билан бирданига совуқ муомаласи йўқолиб, чехраси очилди-да:

— Э, ҳа, мундоқ демайсанми, укам, раис буванинг ўғиллари экансан-да! — деб дадам билан аямнинг соғлигини қайта-қайта сўрай кетди. (Дадам илгари колхозда раис бўлган, ҳозирда сельпода ишласа ҳам, «Раис бува» дейишаверарди). Кейин амма тўсатдан:

— Вой, эсим қурсин, меҳмонни ўтиришга таклиф қилмасдан... Қани, жонимни қоқий, айвонга чиқ! — деди шошилиб. Уйдан кийимини ўзгартириб чиққан Зухрага бир нималар деб им қоқди.

Мен айвон лабига ўтириб китоб-дафтарлар очаётгандим, ошхонага ўтаётган амма:

— Аввал таом, баъдаз калом, дейишган, жонимни қоқий! — деб қўйди.

Зухра хонтахтага дастурхон ёзди, чой, овқат келтирди. Унинг чаққон ҳаракатларини кўриб, эсимга синглим Иқбол келди. «Иқболни бу қизнинг ёнига қўйиб, иш ўргатиш керак экан. Унга иш буюрсанг, бир сўзингга ўн сўз қўндиради, тантиқ!..»

Кутилмаган меҳмондорчиликдан жуда ўнғайсизландим. Томо-

гимдан овқат зўрға ўтди. Дастурхонни тезроқ йиғақолсин деган хаёлда уйимда зарур ишим борлигини эслатдим.

— Унақа бўлса борақолинг, бугун дарсни ўзим тайёрларман,— деди Зухра. У самимий гапирган бўлса-да, мен шундоқ чиқиб кетишни эп кўрмадим. Бир соатча ўтириб, дарс тайёрладик. Кетаётганимда амма:

— Мана, уйимизни кўриб олдинг, бемалол келавергин, жонимни қоқий,— деди очиқ қўнгиллилик билан. Унга Зухра ҳам қўшилишди.

Аммо кўп ўтмай бир гап бўлиб, бу уйдан оёғимни тортдим.

Зухра негадир икки кун ўқишга келмади. Учинчи куни келиб, бошқа партага ўтирди. Танаффусда мен ундан нима бўлганини суриштирдим. Тортиниб турди-турди-да, кейин очиғига кўчди. Мен Зухраникига борган кунимнинг эртаси мактабда Гавҳар Зухрани бир чеккага тортиб: «Тоҳир билан қариндошмисизлар?» деб сўрабди. (Зухраникига борганимни кўрган ё эшитган шекилли.) Зухра «йўқ» деса ҳам, болалар ўртасида «Тоҳир билан Зухра қариндош бўлишибди» деган гап тарқалибди. Баъзи болалар бу гапни бошқача тушунишибди. Абил менга тиржайиб: «Қиздан ҳам омадинг кепти» деб қўйди. Илҳом: «Зухра дўст бўлсанг, арийдиган қиз» деди. Илҳом тўғри кўнгилда айтган бўлса-да, Абилнинг сўзида ғайирлик сезилиб турарди. Буни Абил шу куни бўлган комсомол мажлисида ҳам сездириб қўйди. (Бу мажлисда мени синф комсорги қилиб сайлашди). Комсомол ишига қатнашмаётган пассив болалар танқид қилинганда, Абил пассивлар қаторига Зухрани қўшди. Очиқ кўнгил бўлган Зухрада жиззакилик ҳам бор эди. Коллективга энди қўшилаётганда Абилнинг танқиди, яна бошқа бекорчи миш-мишлар унинг шаштини қайтариб қўйди. Мен:

— Парво қилма, Зухра, бу гаплар ўтиб кетади,— деб юпатишга ҳаракат қилсам, у қошини чимириб туриб:

— «Қариндош» деган сўзни ўзингиз айтгандирсиз-да?— деди.

— Ҳеч нарса деганим йўқ, Зухра. Борди-ю, шундай деганимдаям нимаси ёмон?

Менинг бу ҳазилимдан Зухра юзини ўгириб олди. Анчагача аразлаб юрди...

Учинчи боб

Танаффус вақти коридорда директорга дуч келдим. У саломимга одатдагидан кўра қуноқроқ алик олди-да, «бормисан, бу ёққа юрчи» деб мени кабинетига бошлаб кирди. Нима иши боракан, дея ҳайрон бўлиб турувдим, у:

— Ўтир, Тоҳиржон, ўтир, ўғлим,— деб иш столига ўтириб, мени кўндаланг қўйилган узун столга таклиф этди. Мени синф комсорги бўлиб сайланишим билан табриклади. Бундан ўзимни ноқулайроқ сездим-у, лекин директорнинг эътибори кўнглимни кўтаргандай бўлди. Кейин ўқишларим, ишларим, уй ичларимгача сўраб чиққач, «Сени нима учун синф комсорги қилиб сайлашганини биласанми?»— дея сўради.

Кутилмаган саволдан довдираб қолдим.

— Билмадим...

— Билишинг керак, ўғлим. Сенга ишонишаркан, сени ҳурмат қилишаркан. Ҳурмат бор жойда масъулият ҳам бўлади. Демак, сен шунга лойиқ бўлишинг керак. Ҳар бир қадамнингни ўйлаб босасан, энди ҳамма нарсада намуна кўрсатасан. Аввало ингизом масаласида. Дарвоқе, кеча дарсдан эртароқ чиқиб кетибсизларми, Тоҳиржон?

— Охирги дарсимиз физкультура эди. Негадир муаллим кечикди. Беш-ўн минут кутгандан кейин, болалар бирин-кетин чиқиб кетишди. Мени бўлса, Салим райкомга олиб кетди.

Шуни айтгандим, директорнинг авзойи сал ўзгарди, устарада қирилган ялтироқ, япасқй бошини қўли билан силаб қўйди-да, шу яхшими дегандай қошини керди.

— Шу, сафар, энди... — деб дудуғландим.

— Фақат шу сафармас, ўғлим. Синфда мунақанги ўзбошимчалик, тартиббузарлик бўлиб туради. Муаллим кечиккан экан, дарров менгами, илмий мудиргами айтишларинг керак эди. Дарс соатини бўш қолдирмасдик. Сен ақлли боласан, ишонаман, энди бунақа ўзбошимчаликка йўл қўймайсан. Тартиб-интизомга кўз-қулоқ бўлиб, синфнинг шаъни учун курашасан. Келишдикми?

Мендан «ҳа» жавобини олгач, директор ўрнидан турди. Мен ҳам турдим. «Боракалло» деб елкамга қоқиб қўйди. Чиқиб кетаётгандим, яна тўхтатди-да, янги келган қизнинг ўқишларини сўради. Мен ёрдам бериб турганимни, Зухранинг ўқишида ўзгариш бўлганини айтдим.

— Боракалло, — деди яна директор бу ишимдан мамнун бўлгандай. Кейин ниманидир ўйлаб, ўз одатича бошини силаб олди-да, ўсмоқчилагандай сўради. — Хўш, ҳалиги... Баъзи сўзлар қулоғимга чалинди, ўғлим. Уша қизнинг уйига бориб турибсанми? Боришинг майли, гап ундамас-ку, бир хил болалар бўлади қизларга тегажоқлик қиладиган. Тагин бирон беҳуда гап-сўз оралаб қолмаса бўлгани. Чунки, қишлоқ жойда бунақа гап тез тарқалади. Узинг тушунадиган боласан, сенга гард юкмасин дейман-да...

И-я, бу қанақаси бўлди? Жуда галати, дудмол, кап-катта одамга ярашмайдиган гап... Ўзимни қўярга жой тополмай қолдим, иситмам чиқиб, қулоғим шангиллаб кетгандай бўлди. Жиги бийроним чиқиб: «Кимдан чиқди бу гап? Тегажаклик қилган ким экан? Абилни айтмаяпсизми?» деворгим келди-ю, ичимга ютдим.

— Кўнглиннга олма, ўғлим, ҳаддим сиққанидан гапни сирасини айтдим. Бундан кейин қулоғига шундақа гап эшитилмас деган умиддаман... — деди директор.

— Мен ҳам эшитишни истамасдим, — дедим жаҳлимни зўрға босиб.

Овозим шахтроқ чиқди шекилли, директорнинг ранги ўзгарди, гапни хаспўшлашга тушди:

— Албатта, бу сўзларим ёлғиз сенгамас, ҳаммага тегишли. Умуман мактабими шаънига доғ туширмаслик устида... Хўш, келишдик-а?

Елкамни қисиб қўйдим. Нимани келишдик ўзи — билмайман. Кабинетдан чиққач, бу суҳбатни ўйларканман, ҳам кулгим қистайди, ҳам алам қилади. «Бизнинг Зухра билан ўртамызда бошланган ўртоқчиликнинг бошқаларга қандай даҳли бор-а? Уғил бола билан қиз бола ўртоқ бўлмасин, деган қонун борми? Нима сабабдан тўғри ўртоқчиликни бошқача тушунишади, бошқа нарсага йўйишади? Хўп, баъзи оғзига кучи етмаганлар нимага йўйса-йўяр, лекин бунга директор қулоқ солгани қизиқ...»

Май байрами олдидан мактаб коридорига эълон осилди. Юқори синф болалари оталикдаги совхозга ҳашарга чиқишлари керак экан. Директор синф комсоргларини тўплаб:

— Ҳаммага тайинланглар, биронтаси четда қолмасин, — деб огоҳлантирди.

Директоримиз ҳашарлар ва бошқа тадбирларга алоҳида эътибор беради. Ўқувчиларга баҳо берганда аввало шу ишларга қандай қатнашишини ҳисобга олади. Шунисига қараб уларни «актив» ва «пассив»га ажратади. Шу сабабдан биз тез-тез бўлиб турадиган ҳашарлар, шанбаликлар ва бошқа йиғинлардан қолмасликка ҳаракат қилардим. Байрамдаги ҳашарга ҳамма борса ҳам, Зухранинг боришига кўзим етмади. Унга директорнинг сўзларини айтгандим, ёқмагандай:

— Мен нима қиламан? — деди.

— Сенга оғир иш қилдирмасмиз, балки ошпазлик қиларсан, — деб маслаҳат берган бўлдим.

Гапим жавобсиз қолди. Бошқа қистамадим. Эртасига ҳам бу ҳақда оғиз очмадим. Мени ҳам босди: бормаса, «пассив»лар қаторига тушириб қўйилиши турган гап эди.

Болалар баҳор байрамини соғинишган, ҳашар баҳонасида бир яйраб келамиз, деб ичлари қизиб қолди. Байрам арафаси... Икки катта юк машинасида далага йўл олдик. Ҳамма хурсанд-ку, менинг кўнглим гап. Буни ҳеч кимга сездирмайман.

Катта йўлдан чиқиб боришда одмигина кийинган, орқасига сафар халта осган бир қиз югура келиб машинага қўл кўтарди. Бу Зухра эди. Машинани тўхтатиб, уни ёнимизга тортиб чиқардим. Худди ичимга чироқ ёқилгандай бўлди...

Қуёш чарақлаб чиққан. Қирларда гиламдай яшил майсалар. Мева дарахтлари бодроқдай оппоқ гулларга бурканган. Асаларилар, қушлар яйрашган... Болалар ўртасида қий-чув, ашула тобора авжга чиқарди. Биз ихчам, енгил кийинишиб олганмиз. Кўпчилик қизлар шарвар, похол шляпа кийиб олгани учун уларни ўғил болалардан ажратиб бўлмасди. Айримлари худди узоқ саёҳатга жўнаётгандай халта, чамадонлар кўтариб олишган. Чолғу асбобларни қўлтиқлаганлар ҳам бор. Ҳаммадан Абил ўтиб тушган: алпинистлардай елкасига брезент қопчасини осиб, қўлига ҳасса тутиб олибди.

— Э, ҳа, бунинг балиқ тутадиган ёғоч-ку?!

— Чўлда балиқ нима қилсин?

— Қўяверинглар, кейин биласанлар, — деб қўйди Абил сирли қилиб.

Бизга аям билан домла Боқиев раҳбар бўлиб боришганди. Улар совхоз бўлим бошлиғи билан сўзлашиб, шу куни катта шийпонда байрам кечаси уюштиришди. Ким дошқозонда шўрва пиширган, ким катта бакда чой қайнатган, ким супирган-сидирган... Болалар дастурхон ёзилган шийпонни обод қилиб, то қоронғи тушгунча ўйин-кулги қилишди. Мактаб бадий ҳаваскорлари концертини томоша қилиш учун келган совхоз ишчилари хурсанд бўлишди. Илҳом дўмбира чертиб, халқ дostonларидан парча айтди, ҳажвий шеърлар ўқиди, Абил андижон полкасига ўйнади.

Қизларнинг ҳам рақсга тушмагани қолмади. Гавҳар қўшиқ айтди. Бир чеккада индамай ўтирган Зухрани ҳам ўйинга тортишди. Кўнмади. Мен Зухранинг олдига бориб, «билганингча ўйнайқол...» деб ялиндим. Ҳар қалай у, аразини сездирмасдан, аранг ўртага тушди. Олдинига оҳиста, тортиниб, кейин бирдан қизишиб шундоғам рақсга тушдики, ҳамманинг оғзини очириб қўйди. Чапак, қийқирик билан иккинчи марта ўртага тортганларида Зухра хоразмча лазгини қойиллатиб ижро этди.

Ўртаси ҳаммамиз далага чиқдик. Узоқдан гиламдай кўриниб, кўзимизни қамаштирган кўкатлар — пахтанинг офати гўмай, ажриқлар экан. Қаричга келиб қолган гўза ниҳолларини босиб ётарди. Янги очилган кўриқ ер бу ёввойи ўтнинг қони эди. Вазифа — экинни шу офатдан қутқариш. Совхоз бўлими бошлиғининг маслаҳати билан ўқувчилар тўрт бригадага бўлинди: иккита қизлар бригадаси, иккита ўғил болалар бригадаси. Уларга тозаланадиган майдонлар ажратиб берилди. Бригадалар ўзаро мусобақалашиб, иш бошладилар. Голиб бригадага совхоз бўлимининг мукофоти тегадиган бўлди. Мукофотнинг нималиги эса сир тўтилди.

Аям билан Боқиев ишимизни кузатиб юришарди. Ишлаётганлар орасида битта Зухра кўринмасди. Уни аям бўлим ошпазига ёрдамчи қилиб қолдирганди. Зухра шийпонда картошка, пиёз артиб ўтириб зериккан, далани бошига кўтариб юрган болаларнинг ёнига боргиси келиб қолганди. Тушки овқатдан кейин у ошпаздан сўраб ҳам ўтирмай далага чиқди.

Тонгдан чарақлаб чиққан қуёш далаю даштни, атрофдаги сарғимтил қум барханларини хумдондай қиздириб юборганди. Чош-гоҳга яқин, айниқса ҳарорат кўтарилиб, ҳаммамиз қора терга ботдик. Ишловчиларга чой, яхна ташиб, етказиб бўлмасди. «Қани энди салқин жой бўлса-ю, бирпас нафасни ростлаб олсак» деймиз. Чўл жойда тиккайган дарахт анқонинг уруғи. Болалардан бири: «Каналга бориб

чўмилиб келмаймизми?» деб қолди. (Ярим чақиримча наридаги тўқай ёнидан канал оқаркан). Бу гап Боқиевнинг қулоғига етиб борганди, у: «Каналда чўмилиш хавфли!» деб йўл бермади. Болалар, «аянгла айт!» деб мени қисташди. Аям, домла билан бир оз гижиллашгандан сўнг, рухсат берди.

Дастлаб ўғил болалар жўнашди. Улар орасида сузишни билмайди-ганлар йўқ экан. Болалар қайтишгач, чўмилишни хоҳлаган қиз болаларга аямнинг ўзи бош бўлиб борди. Яхшиям боргани. Қизлардан биттаси сузишга нўнокроқ экан, оқиб кетишига оз қолибди. Кўплашиб қутқариб қолишибди. Аям: «Бу гап шу ерда қолсин», деб тайинласа-да, Гавҳар ёйиб юборди. У чўкаётган қизнинг сочларидан қандай тортқилаб чиқарганини оғиз кўпиртириб айтиб мақтанди.

Биз топшириқни яхши уддалаб, совхоз директорининг ташаккурномасини олдик. Бўлим бошлиғи бизни ҳурмат билан кузатаркан, бажарган ишимизга пул ваъда қилганди, аям унга:

— Қўйинг, ўртоқ Фармонов, ҳашарга келиб, оталиғимиздан пул олсак, уят бўлади, — деди.

Фармонов эса ўз сўзида туриб:

— Бари бир қилинган меҳнатга пул ёзилади, — деб туриб олди. Бу гап Боқиевга маъқул тушди шекилли, аямга «майли денг» дегандай бош қимирлатди.

— Бўлмаса, — деди аям пайтдан фойдаланиб, — бизга пул ўрнида бошқа нарсадан ёрдам берсанглар...

— Масалан? — деди Фармонов, ҳамма нарсага тайёрлигини билдириб.

— Мактабда фойдаланиш учун сизлардан олинган трактор бекор ётибди, бузуқ экан. Иложи бўлса... янғиси билан алмаштиринглар, ё бўлмаса ўшани яхшилаб ремонт қилдириб беринглар. Бизда уни ўрганишга қизиққан болалар кўп. Тўғрими, домла?

Энди ўйланиб қолган Боқиев:

— Тўппа-тўғри айтдингиз, Эъзозхон, — деб аямни қувватлади ва бўлим бошлиғига писанда қилиб қўйди. — Ахир биз машина тилини билган кадрларни сизларга тайёрлаб берамизда!..

Тўртинчи боб

Кечқурун аям уйга хомуш қайтди. Одатда у ишдан келди дегунча мен билан Иқболдан шу кунги дарсларнинг қандай ўтганини сўрарди. Агар биз ўқитувчиларнинг сўроғига тузук жавоб берган бўлсак, чиройи очилиб, чарчоғини унутар; паст баҳо олиб келсак, томоғидан овқат ўтмай қоларди. Бугун эса дарсларимизни ҳам суриштирмади. Уйга кириш биланоқ, мени чақириб олдига ўтқазди-да, сўраб қолди:

— Болалар ҳашарга бориб келишганидан хурсандми?

— Ҳим, — дедим мен хиёл ажабланиб.

— Битта-яримтасида ранжиш, чарчаш аломатлари сезилгани йўқми?

— Йўқ, — дедим таажжубим ошиб. — Қайтага, икки кунда бир хафталик дам олдик, дейишди-ку!

— Болалар рози бўлсаям, аммо катталар норози, — деди аям ўз хафачилиги сабабини очиб. У кейинги вақтларда кўнглидагини мендан яширмайдиган бўлиб қолганди.

Директор аямни чақириб, ҳашарнинг қандай ўтганини сўрабди. Аям ҳашар яхши ўтгани, совхоздагилар миннатдор бўлиб қолишгани, болалар хурсанд бўлиб қайтишганини айтган экан, директор гапни негадир айлантириб болаларнинг қаерда ётиб-турганларию бўш вақтларида нималар қилганлари, нима еб-ичганларигача суриштирибди. Аямнинг гапларига директор қаноат ҳосил қилмай, «ҳеч қанақа шўхлик қилишмадими?» — дея сўрабди яна.

Аямнинг кўзларидаги ташвишни кўриб, ачиниб кетдим. У бола-

ларга қанча жағ уриб, бошлиқларнинг буйруғини ўрнига қўйиб келсинда, раҳмат эшитиш ўрнига... Ғазабим қўзиб кетди. Эрталабоқ директорга кириб гапирмоқчи бўлдим.

— Бажариб келган ишларимизни-да!..

— Йўқ, йўқ, болам, енгилтаклик қилмагин! Керак бўлса ўзи чақириб қолар...

Эртаси миямга дарс кирмади. Кун бўйи кутдим. Директор чақирмади. Ўзимча кираверай деб чоғландим-у, аямнинг маслаҳатини ўйладим. Иннайкейин директорга кириш олдидан Зухра билан ҳам сўзлашиб олсам дегандим. Бугун Зухрадан дарак бўлмади. Кеча мазаси қочиб эртароқ кетганди. Хавотирландим. Дарсдан чиқиб, уйига бордим. Зухра айвонда кийим дазмоллаётган экан. Ранги синиққан, бошини бойлаб олган. Шамоллаган кўринади.

— Совуқ сувда чўмилмагин дегандим-а!..

— Фақат уникимас. Бу кеча ухламай чиқдик аммам билан...

— Нима бўлди?

— Дадам ишдан қайтмади. Азонда милиция бўлимига бориб сўрасам, «хавотир олманглар, даданг оператив топшириқ билан юрибди» дейишди. «Оператив топшириғи» нима экан деб суриштирсам, ўтган кун кечаси райпотребсоюзнинг қайси бир магазини ўғри урибди. Қоровулнинг оғзига латта тиқиб, қўл-оёғини бойлаб, қулфни бузиб... Уша ўғрилари машинада қидириб юришганмиш.

— Унақа бўлса, — дедим мен ҳам ташвишга тушиб, — милиция бўлимидан хабар олиб туриш керак. Балки, тутишгандир. Ўзим бориб келайми?

Ошхона томондан амманинг ялинчоқ овози келди:

— Тезда хабар олиб келақол, жонимни қоқий!..

Чиқиб бораётганимда кетимдан Зухра эргашди. Биз район марказигача бўлган икки чақиримча масофани бир зумда ўтдик. Милиция бўлимида бошлиқ йўқ экан. Бошқалари: «Биз ҳеч нарса айтолмаймиз» дейишди.

Қайтиб келсак, эшикда Зухранинг дадаси миниб юрадиган яшил мотоцикл турибди. Кўрибоқ Зухра: «Дадам қайтибдилар!» деб хурсанд бўлганди, мотоцикл яқинида турган дароз бир рус милиционер унга салмоқли товuşда:

— Сиз милиция лейтенанти Жавлон Қоплоновнинг қизимисиз?.. Дадангиз салом айтдилар... Касалхонадан... — деди-да, бир парча қоғоз топширди. Зухранинг юраги нақ қинидан чиқаёзиб, апил-тапил қоғозга кўз югуртди. Унда дадасининг фамилияси, касалхона адреси ва палатаси ёзилганди.

— Нима қилди дадамга? Қанақа?.. — Зухранинг саволларига сержант боягича салмоқилаб:

— Ўзингизни босинг, синглим. Аҳволлари дуруст. Сал жароҳатланган. Докторлар чорасини кўряпти, — деди-ю, бошқа сўз айтмай жўнаб кетаётган эди, Зухра тўхтатди-да, мотоциклга мингашиб кетди.

Кейин мен ҳам касалхонага жўнадим.

Мени касалхонага киритишмади. Зухрани чақиртирдим. Кўзлари қизариб кетганди. Унинг ҳаяжон ичида айтган узук-юлуқ сўзларидан мен шуни тушундим: дадаси ўғрилари тутиш пайтида ярадор бўлган. Докторлар операция қилган. Ҳозир аҳволи оғир...

Бешинчи боб

Мактабимиздагилар менинг Зухрага яқинлигим, унинг оила аҳволдан хабардорлигимни билиб қолишган. Шунинг учун эрталаб мактабга боришим билан магазин ўғрилари қандай қўлга туширганликлари, Зухранинг дадаси, унинг аҳволи ҳақида

сўрашди. Фақат директоргина жим эди. У дарсини тугатиб, чиқиб кетаётганида менга ер остидан қараб:

— Иккинчи смена охирида киргин, иш бор,— деб қўйди.

Дарсларим тугагандан сўнг соат учда касалхонага бормоқчи эдим. Зухра кутади. Мен насал олдида турсам, Зухра уйига келиб парҳез овқат қилиб боради. Шундай ваъдалашгандик.

Иккинчи смена тугагач, қабулхонага кирсам, у ерда Абил билан Гавҳар туришибди. Қулоғлари директор кабинетининг қия очиқ эшигига қадалган.

— Сизларни ҳам чақирганмилар?

— Ҳа,— деди шивирлаб Абил,— ичкарида аянг билан домла. Кираверсакмикин-а?

— Тўхта, ўзлари чақиришар,— деди пичирлаб Гавҳар.

Бу вақт директорнинг томоғини қира-қира алланималар дея бўғилаётгани эшитилди. Яна қулоқ солсак, гап ҳашар тўғрисида кетаётган экан. Болалар: «Бизда нима гаплари борикин-а?» деб пичирлашаркан, менинг қулоғим ичкарида. Директор зарда аралаш дерди:

— Сизларни, азизларим,— дерди директор,— ҳашарнинг болалар тарбиясидаги аҳамиятини яхши англамагансиз, шундай муҳим, тadbирга енгил қарагансиз деб бўлмайди. Шундайми, домлажон?

Домла безовталаниб йўталди:

— Мен нима дердим, ўртоқ Сатторов. Мана ҳамма ишга бош-қошлар...

Аямнинг шахдам овози келди:

— Домлажон, нимаики иш қилган бўлсак, бамаслаҳат қилдик-ку!..

— Қйзишманглар, барака топкурлар,— деб директор юпатишга тушди.— Сизларга ўргатгулиги йўқ, икковингиз ҳам тажрибали педагогсизлар. Болалар билан, айниқса ўсмир ёшдагилар билан ишлашда алоҳида сергаклик қилинмаса бўлмайди-а? Улар кун сайин қанот ёзгпти, кучи қайнаб тошгпти, бамисоли қайнар булоқдай. Сал қўйиб берсанг, қайси кўчаларга кириб кетмайди...

— Мунчалик хавфсирашнинг ҳожати бормикин, ўртоқ Сатторов?— деди аям, унинг сўзини бўлиб.

— Ахир, балоғат ёши хавфли ёш-да, азизим!

— Нимаси хавфли экан? Ўзимиз бекорга кўпиртираётганимиз йўқми? Ўз қўлимизда ўсиб-унаётган ниҳоллардан ўзимиз гумонсираб ўтирсак...

— Сўзларимни тўғри тушунинг, барака топкур, мен тарбия ишида эҳтиёткорлик керак, демоқчиман. Эҳтиёт бўлмасак юзимизни ерга қаратиб қўйишлари ҳеч гапмас-да! Болалар шўх. Уларни жиловини маҳкамроқ тутиб, бутун куч-диққатларини ишга буриб юбормасак бўлмайди. Ана шунда беҳуда санқишлар, ўйинқароқликлар барҳам ейди. Шундай эмасми?

— Сиз ҳам сўзларимни тўғри тушунинг,— деди аям унча оғир ботмайдиган қилиб.— Ўсмирларга қаттиққўллик қилибгина қолмай, ўсиб бораётган ақл-фаросатларини қўллашимиз ҳам керак, демоқчиман. Уларга озгина эрк-ихтиёр ҳам бериб турайлик-да, ўзларича мустақил ҳаракат қилиш, яшашга ўрганишсин... Домла, нега индамай-сиз?

— Аянг тузляяптилар-ку!— деди секин Абил.

— Ҳей, бизни чақиришмайди шекилли-а?— деди тоқатсизлик билан Гавҳар.

— Жим турларинг,— дедим бутун диққатимни қулоққа тўплаб.

— Ёзозхоннинг ҳам сўзларида жон бор,— деди домла ноилож қолиб.— Болаларимизни ҳадеб папалайверсак, сояпар, такасалтанг бўб қолади. Ҳозирдан мустақил яшашга ўргатайлик демоқчисиз-да?

— Сиз, устозлар,— деди директор икковларига баравар жавоб қайтариб,— болаларнинг ихтиёри билан ҳам ҳисоблашайлик демоқчи-

сизлар, бунга қарши эмасман. Аммо ҳамма нарсанинг ўз вақти-соати бор. Муҳим топшириқларни адо этиш чоғидамас, албатта! Мана, болаларни иш вақтида ўз майлига қўйиб бериш оқибати...

Сатторов асл мақсадига энди очиқ кўчганди, олдинданок буни пайқаб турган аям дарров жавобини қила қолди:

— Нима бўпти, ўртоқ Сатторов, осмон узилиб ерга тушибдими? Топшириқни бажармай қайтган бўлсак бошқа гап эди. Икки кунда неча гектар гўзани ёввойи ўтдан тозалаб бердик. Охирида совхоз раҳбарлари ташаккур эълон қилишди. «Яна келиб туринглар» дейишди. Нима керак тагин?..

— Жекирманг, азизим! Сиз билан биз муҳим масалани муҳокама қилияпмиз. Тарбиявий, ахлоқий масалани... Менга жиддий маълумот тушди. Кеча районда совхоз директорини кўрдим. У: «Болаларингиз тузук ёрдамлашди-ю, локин шўхликка берилишмаганда бунданам унумлироқ ишлашган бўларди», деди.

— Очиқроқ айтаверинг, ўртоқ Сатторов.

— Хўш, куннинг қоқ ўртасида ишни ташлаб кетишгани-чи?

— И-я, бу гап қаердан, қайси ваҳимачидан чиқди?— деди аям ажабланиб.

Мен ортиқ ўтиролмадим, эшикдан бош суқиб:

— Мумкинми?— дедим.

— Э, Тоҳиржон, келдингми, киравер!— деди пешонасини тириштириб, силлиқ бошини силаб турган директор. Шерикларимга ҳам кўзи тушди.— Кираверинглар сизлар ҳам...

У ясама илжайиш билан кутиб олди. Аям жим ўтирар, домла бўлса бизни кўрмагандай шипга боқиб турарди. Биз чиқиб кетишга осон бўлсин деб эшик яқинидаги стулларга ўтирдик. Директор, бизни ҳеч нарсадан беҳабар деб ўйлаб, гапнинг даромадини узоқдан бошлади. Ҳашарнинг яхши ўтгани, болаларнинг ишларидан хурсандлигини билдирган бўлди. Кейин ҳалиги совхоз директорининг сўзларига ўтиб, «ишни ташлаб кетиш» воқеасини суриштира кетди: буни аввал ким бошлагани, қаерда, қанча вақт ўйнаганимиз ва ҳоказо ва ҳоказо...

Мен кун жуда қизиқиб кетиб, ҳаллослаб қолганимиздан кейин ҳаммамиз баравар чўмилишни талаб қилганимиз, раҳбарларимиз рухсати билан ярим соатча чўмилганимизни айтдим. Сатторов жавобимдан қаноатланмагандай пешонасини тириштирди, аям билан домлага қаради:

— Болакайларни терлаб турган вақтида сувга, яна тез оқар сувга тушириш яхши бўлмаган. Совуқда биронтаси шамоллаб қолса ким жавоб беради?..— Сатторов бир оз қараб тургач, гинасини тўкди.— Директор деган ўз мактаби ҳаётидаги ҳамма воқедан хабардор бўлиши керак. Сизлар менинг энг ишонган кишиларим бўлатуриб, афсуски, бор гапни айтмадинглар. Хўш, ўғил болалар билан қиз болаларнинг бир жойда чўмилишига ижозат берганларинг нимаси?

Бу «янгилик»дан ҳаммамиз ёқамизни ушлаб қолдик.

— Ўртоқ Сатторов, ким бўлса ҳам сизга гапни бошқача қилиб етказибди. Башарти ўғил болалар билан қизлар бирга боришганда нимаси ёмон эди?

— Ёмон деётганим йўқ, мени тўғри тушунинг, азизим. Баъзи бировлар гапни чувалаштирмасин, деётимман-да!

— Мана, болаларнинг ўзлари айтишсин.

— Ўғил болалар билан қизлар бошқа-бошқа бригада бўлганимиз учун чўмилишга ҳам бошқа-бошқа бордик-ку!— дедик биз.

— Бўлмаса бир қизнинг сувга оқиб кетгани-чи, у ҳам нотўғрими? «Оббо, оймим ҳаммамнинг оғзини пишиқлаган бўлсалар-да, бари-бир ипидан-игнасигача етказибди қайси бир чақимчи!»— деган гап ўтди кўнглимдан. Ҳамма аямга тикилиб қолди. Аям гижинди-ю, ўзини оғирликка солиб, деди:

— Сизга айтишга арзийдиган гап эмасди бу. Ҳамон сизга шундоқ ваҳимали бўлиб етиб келган экан, айтиб бера қолайлик. Мана, воқеа

кахрамонининг ўзи ўтирибди. Балки, ўзинг айтиб берарсан-а, Гавҳар?

Гавҳар ерга кириб кетгудай тумшайиб олди. Аям, «гап шу ерда қолсин» деб кеча менга айтиб берган воқеани сўзлади...

Қизлар чўмилишиб, ким ўзарга сузишаётганда бирдан: «Гавҳар йўқ! Гавҳар йўқ!» деган шовқин кўтарилибди. Гавҳарни қидиришиб югур-югур, тўс-тўполон бошланибди. Сузағон қизлар, шулар ичида Зухра ҳам сувга шўнғибди-ю, қидириша бошлашибди. Бир вақт Зухра ҳам кўринмай қолибди. Шунда қамишзордан битта йигитми-болами, югура келиб сувга ўзини ташлабди-да, кўздан ғойиб бўлибди...

Бир вақт ҳалиги қидирувчиларнинг қоқ ўртасидан балиқдай иланг-биланг этиб, биттаси чиқиб қолибди. Қарасалар — Гавҳар! Куйиб-пишиб аям: «Э, башаранг қурмасин, бу нима қилганинг» деса, «кечирасиз, устоз, ҳазил қилувдим!» дермиш. Қизлар ҳам ўртага олиб роса таъзирини беришибди. Гавҳар қилган қилигига пушмон еб, кечирим сўрабди. «Жон устоз, ҳеч ким билмай қўя қолсин» деб ялинибди.

Елкасини қисиб, кўзларини бақрайтириб тинглаган директор, Гавҳарга юзланди:

— Шунақами, қизим?

— Ҳазил қилувдим...— деди ерга қараганча Гавҳар.

— А, ҳазил дегин, ҳим...— деди бўшашиб директор ва ер остидан домла Боқиевга «бу қандоқ бўлди?» дегандай қараб олди.

— Ана шунақа арзимаган нарса бўлгани учун сизга айтма-гандик,— деди аям.

Директор сал шаштидан тушган бўлса-да, сир бой бергиси келмай: «Бу масалани педсоветда кўришга тўғри келади» деб қўйди. Чиқиб кетаётганимизда Боқиев, ўртадаги оғир жимликни йўқотиш учун бўлса керак:

— Тоҳиржон,— деди менга мулоимлик билан,— Зухра кўринмайди, касал бўлиб қолдимикин?

— Касалмас,— дедим ва дадаси билан бўлган воқеани айтувдим, домла ўнғайсизланиб:

— Ия, хабарсиз қолибман-ку,— деди.

— Жавлон Қоплоновнинг жасорати тўғрисида газетада ёзиб чиқди-ку,— эслатди аям ва Боқиевга енгил тегишди.— Шунақа турмушдан орқада қолиб юрасиз, домла...

— Дангалчилигингиз қолмади-да, аяжон,— деб қўйди хижолат чекиб домла.

Мен касалхонага шошилардим. Кетимдан Абид эргашди. Нарироққа боргач, гап ташлади:

— Мен-чи, Зухрангга қойилман!

— Нимасига?

— Раққосалигигаям, сузоғонлигигаям...

Олтинчи боб

— Шундай қилиб, брат, ўғриларни тутиш осон бўлмади. Икки мотоциклда операцияга чиқдик. Ўғрилар изини топишда бизга «Олапар»имиз роса иш берди. Ақли овчарка-да! У бизни тоғ томонга бошлаб кетди. Ярим кеча. Одам одамни кўролмайди. Фақат мотоцикл фонарида «Олапар» кетидан боряпмиз. Ўнг-сўлимиздаги тошлар, дарахтлар одамга ўхшаб кўринарди. «Олапар» илон изи йўллардан тобора баландликка бошлаб чиқяпти. Бир пайт десанг, «Олапар» хуриб қолди. Узоқда гулхан ялиғлангандай бўлди. Олдинги мотоцикл рулида мен, ёнимда милиция лейтенанти Жавлон Қоплонов. «Хушёр бўл, Петя, яқинлашдик, хушёр бўлинглар, ўртоқлар! Ўғриларни тирик тутишимиз керак!» деб қўйди у. «Олапар» қадамини яна илдамлатди. Энди гулханнинг шуъласи кўзимизни қамаштира

бошлади. Аланга ёругида кишиларнинг шарпаси сезилди. Бирдан тоғ бағрида момақалдироқдай гулдурос кўтарилди. Яхшилаб кулоқ солсак, юк машинасининг гулдуроси экан бу. Яқинлашиб борарканмиз, юк машинаси қум-шағалларни чирс-чирс сачратиб ўрнидан жилди. Қоплонов ўша машина томон баландлатиб тўппончадан ўқ узди. Оралигимиз юз қадамча қолганда машинадан биз тарафга ўқ отилди. «Олапар» эса катта хавфдан дарак бериб, овози борича вовиллашга тушганди. Машиналарнинг ҳамда қўл фонарларининг ўчиб-ёниб турган чироғида отишма давом этди. Юк машинаси бурилиш жойда қояга зарб билан урилгани, алланиманинг пақиллаб ёрилгани эшитилди. Шу зумдаёқ, десанг, брат, биз машинани қуршаб олдик-ку!.. Ўғриларнинг иккитаси машинадан таппа-таппа ташлаб, тоғ дарасига ўзини урганди, Қопонов бизни улар томонга юборди. Дарага қочганлардан биттасини «Олапар» таппа босиб тушди, иккинчиси бизга қараб ўқ отди. Биз чап бера бориб, унга етиб олдик. Қаттиқ олишувдан сўнг, ўғрининг икковини қўлга олдик. Бу пайт Қоплонов қоя тошга тақалганча гуриллаб турган машина олдида эди. Негадир машина кабинасида олов тутар, шофёр ўзини қаёққа уришини билмай типирчиларди. Билсак, машина қояга урилганда бензин баки ёрилиб, кабина ёнган, эшиклари бузилиб, очилмай қолган. Қоплонов бўлса, зўр бериб эшикни очиш, шофёрни оловдан қутқариш ҳаракатида экан. Мен Қоплоновнинг ўзига шикаст етишидан қўрқдим, уни бу ёққа тортиб, «қўяверинг, баттар бўлсин» десам, у мени итариб юборди-да, бор кучини сарфлаб, шофёрни тортқилаб туширди. Шунда шофёрнинг кийимларига туташган олов старшинамизнинг юз-кўзларига урилди...

Петя чуқур нафас олиб, жим бўлди. Пешонасини бойлаган бу жиккак, дароз рус милиционерни куни кеча Зухраларнинг эшигида кўргандим. Бугун касалхона эшигида учрашдик. Зухранинг ичкаридан чиқишини кутиб турардим. Ҳикоясининг давомига қизиққандим:

— У ёғи маълум, брат, операциямиз муваффақиятли ўтди. Аммо лейтенантимиз кўзи лат еди. Мана, ўғрига раҳм қилишнинг оқибати, — деб қўйди куюниб.

Шу пайт Зухра чиқиб қолди. Кўзимга чиройи очикроқ кўринди. Петя Зухрадан дадасининг аҳволини синчиклаб сўради. Салом айтиб қўйишини сўраб, хайрлашди. Зухра фартуғини елкамга ёпиб, мени ичкарига киритиб юборди. Ўзи чиқиб кетаётиб, «Тезда келаман» деб қўйди.

Оёқ учида палатага кирдим. Жавлон ака юз-кўзлари докага чандилганича ётарди. Қимир этмайди. Жон асари йўқдай. Юрагим шув этиб кетди. Лекин, тўғриси, ҳалиги ҳикоядан кейин, кўзимга бу киши одатдагидан бўлакча, дostonларда ўқиганим — ўлимни ҳам писанд қилмайдиган Алпомишдай бўлиб гавдаланди. У гўё дилимдагини пайқагандай, хиёл бошини қимирлатди-да, хаста товушда дудуғланиб: «Шу ердამисан?» деди. «Ҳа!» дейишим билан таниб: «Тоҳиржон... Раҳмат... сув...» деди. Куйиб, моматалоқ бўлиб кетган лабларига аста қошиқ билан чой ичирдим.

Ярим соат ўтар-ўтмас Зухра касалга бульон олиб келди. Мен чиқиб кетаётсам, йўлда бир чол учради. Кўк яктаги устидан қават-қават белбоғ боғланган, серсоқол, ўсиқ киприклари кўзларини қоплаган. Қадди тетиккина бу чол Қўшоқ ота. Уйимизга икки-уч марта борган. У тўхтаб, мен билан омонлашди-да:

— Хабаринг бор-ми-йўқми, болам, бу касалхонада бир милиса ўғлим ётибди... Кўриб чиқай деб келувдим, киритмади, — деди.

— Жавлон аками? Ҳа, кўриб чиқдим, — дедим ва касалнинг аҳволи тузуклигини билдирдим.

Қўшоқ ота кулоғини тутиб, эшитди-да:

— Хайрият, хайрият, — деди. — Нақ ўтакамиз ёрилди-я! Яхшики, ўғриларни вақтида қўлга туширди. Бўлмасам, менинг куним битиб, буёқдагиларнинг уйи куйиб кетарди. Ахир ўн минглик асил муюмни ўмарса-я, янги пулга!..

Қўшоқ ота менга эргашиганича сўзлаб келарди. Қизиқиб қолиб, «буни қаердан билдингиз?» дегандим, у киши ўғри урган магазиннинг қоровули бўлиб чиқди. «Буёқдагилар деб кимни айтяпсиз?» десам, «магазин мудирни билан сотувчи-да!» деди. Магазин мудирни отанинг жияни экан. Улар ҳозир сўроқ бераётганмиш. Отанинг ўзини ҳам неча марта сўроқ қилишибди.

— Сизни нима деб сўроқ қилади, бува? — деб сўрадим.

— Нима деб дейсанми? — деди тагин қулоғини оғзимга яқинлаштириб. — «Ўғриллар дўкон эшигига келгунча шарпасини сезмадингизми?» дейди. «Қулоқ курғур том битган бўлса на қилай, болам!» дедим. «Ўғриллар неча киши эди?» дейди. «Қоронғуда қандай кўрай?» дедим. «Қўл-оёгингизни бойлаб, оғзингизга латта тикқунча индамай туравердингизми?» дейди. «Эсхонам чиқиб, жоним ҳиқилдоғимга кеп қолган бўса на қилай?» дедим.

Чолнинг сўзлари кулгимни қистатса ҳам ўзимни тутиб турардим. Бизнинг кўча муюлишига яқинлашганимизда, ота сўради:

— Даданг ишдан келганмикин-а, болам? Аммо, зап феъли кенг одам-да, барака топкур, — у эшигимизгача келди. Дадам уйда дам олаётган экан. Чолни негадир хушламайгина қарши олди, йўлакдаги чорпоёга ўтказди. Мен келтирган чойдан қуйиб узатди-да, чол эшитадиган овозда ҳол-аҳвол сўради.

— Аҳволлар ўзингизга маълум, раис бува, — деди қария. — Бошга иш тушганда дўст-ёрлар ёдга келаркан. Сизни зиёрат қилай, бошимиздаги синоатларни айтиб, маслҳатлашай деб келганим...

Қария кўчада менга айтган гапларини такрорлади. Яна жиянинг қандайдир илтимослари борлигини билдирди. Унинг чайналиб айтаётган сўзларига қараганда тергов идораси магазин мудиридан ҳам шубҳаланаётган экан. Бу гапларни эшитиб, дадамнинг авзойи ўзгарди, чолга рўйхуш бермай қўйди.

— Энди, нима қилгин дейсиз, Қўшоқ ота?

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, раис бува, ҳамма паст-баландни биласиз. Иложи борича бир қўллаб...

— Нима, жиянингизнинг ўзидан хавотирлик бирон жойи борми?

— Й-йўқ, тагин фалокат босиб, тухматга йўлиқиб кетмасин деяпман-да, раис бува. Эҳтиёт чора учун биронтасига айтиб қўясизми, дейман-да...

— Агар хавотирлик жойи бўмаса, ҳеч қанақа тухматга йўлиқмайди. Бекордан-бекорга ваҳима қилиб, подадан олдин чанг чиқариб юришнинг ҳожати йўқ. Менда бошқа сўзингиз?... — дадам бу билан «гап тамом» ишорасини қилди. Чол хижолат тортиб, дудуғланди. Дадам ўрнидан турганда чол ҳам турди:

— Сал суяб юборармикансиз деб келувдим, раис бува, илгариги кадрдонлигимиз ҳурмати... — деганича ноумид чиқиб кетди.

Кўп ўтмай аям ишдан келди, дам олмай таъби хуфтон бўлиб, ҳовли айланиб юрган дадамга деди:

— Бу чол нималар деб юрибди ўзи? «Раис бувага ёрдам сўраб келувдим» дейдими?

Дадам ҳозиргина бўлиб ўтган кўнгилсиз суҳбатни айтган эди, аям ўйланиб қолди.

— Сизга суйкалиб юрарди, қўтир эчкига ўхшаб. Туғилган кунингизми, ё бошқа баҳоналар билан йўқлаган, сийлаган... Мана энди, ҳадди сиғиб ўша сийловлари бадалига ёрдам сўраётгандир-да. Қўл остингиздаги ходимлар бошига ташвиш тушибди. Агар ҳалоллигига кўзингиз етса, ёрдам бера қолинг...

— Э, қизиқ гапларни гапирасиз-а, аяси! Билиб бўладими, хайвонни олмаси сиргида, одамни олмаси ичида, деганлар...

Дадам сельпода раис. Таниш-билишлари жуда сероб. Кўплари «раис бува», «хўжайин» деб дадамнинг соясига кўрпача солгудай бўлишади. Тез-тез телефон қоқиб, ҳол-аҳвол сўраб турувчилар ундан кўп. Дадам қишда тумов бўлиб, уч-тўрт кун ишга чиқмаганди, келди-

кетди зўрайиб, эшигимиздан одам аримай қолди. Дадам меҳмондўст: ҳафта сайин меҳмон чақирмаса кўнгли жойига тушмайди.

Баҳор кунларидан бирида уйимизга машиналарда гала-гала одам ёпирилди. Ҳаммасининг қўлида тугун-терсак, яшик-пашиқлар. Ўзи нима гап деб ҳайрон бўламан. Дадам бўлса парвойи фалак, нарсаларни қабул қилиб, ертўлага жойлаяпти. Одамларнинг гангир-гунгүри орасидан: «Моро бўсин, қуллуқ бўсин, хўжайин, юзга киринг!» деган сўзлар эшитилади. Шундагина бугун дадамнинг туғилган куни эканини билдим. Ойим ишда, у ҳам бундан беҳабар, балки. Дарров мактабга қўнғироқ қилдим.

Аям келганча меҳмонларнинг ўзлари худди ўз уйларидай ишга киришиб кетишди: самоварга олов ташлашган, ўчоққа катта қозон осишган, дастурхон ёзишган, бояги келтирилган катта тугунларнинг биридан бутун қўй гўштини олиб майдалашган... Хуллас, ўшанда бошланган кабобхўрлик, ошхўрлик, ичкиликбозлик эртаси ҳордиқ куни кечгача чўзилганди.

Бу галги меҳмондорчилик тугагунча уй юмушининг оғирлиги аям билан менга тушди. Аям қаттиқ ҳориб-чарчаса ҳам тишини-тишига қўйди. Фақат меҳмонлар жўнагач, дадамга:

— Отангиз эшон ўтганмилар дейман, муридлар эшигингизга ётиб олгудай бўляпти,— деган эди, дадам парво қилмасдан:

— Меҳмон ҳам сийлаган жойга келади-да, аяси,— деди.

Аям киноя қилиб:

— Сийлаганиданмикин, ёки...— деди-ю, менинг олдимга у ёғини айтолмади. Дадамнинг пешонаси тиришиб кетди-ю, яна ўзини босди.

— Яхшиликка яхшилик қайтади-да...

Бу нима дегани экан, деб ўйлаб тургандим, эсимга Зухранинг аммасини: «Даданг кўп сахий, қўли очиқ одам. Ҳамма ҳурмат-иззат қилади», деган гаплари тушди.

Дарҳақиқат, катталар: «Ғиёсиддин Нуриддинович, палончига палон нарса зарур бўлиб қолибди. Тўғрилатиб беринг!» дея илтимос қилса, оддий танишлар: «Раис бува, болангиздан айланай, палон нарсадан ёрдам бериб юборсангиз, яхшилигингизни у дунё-бу дунё унутмайман!» деб ёлборади. Дадам бу илтимосларни қондиргиси келса, бирон магазинчигами, омборчигами телефон қоқиб: «Палончи олдинга келади, илтимосини қондир!» дейди.

Баъзи илтимослар дадамни ўйлатиб қўяди. Бир куни дадам телефонга қуллоқ тутиб, ғалати бир ҳолга тушди. Ранги ўзгарди, эгилган-букилган ҳолда ҳадеб «хўп бўлади, хўп бўлади» дейди. Трубкани жойига қўйгандан кейин, креслога ўтирди-да, хаёлга чўмди.

— Дада, нима гап бўлди?— десам бошини сарак-сарак қилиб:

— Э, сўрама, ўғлим. Қишлоқнинг қозиси бўлгандан кўра, шаҳарнинг тозиси бўл, деганлари рост экан... Телефон қилган бошлиқнинг гапини эшит! «Уйдаги гилам тақир тўқимга ўхшаб қолибди. Янгангиз, буни ремонт қилдириб беринг, деб қўймаяпти. Шунга каерда ремонт қилади?» эмиш. Бунинг маънисини англайсанми? «Гиламимни янгилаб бер» дегани. Бир бошлиқнинг хотини: «Импорт мебель керак эди. Қаердан топса бўлади?» дейди. Бу ҳам талаб... Қошки булар осонликча топиладиган матоҳлар бўлса! Ўзингни гаровга қўйиб бўлса ҳам топиб берасан, топиб бермай кўр-чи, орадан қора мушук ўтиб қолиши ҳеч гапмас!..

Тавба, нега дадам ҳар хил оғирликни устига олаверади? Катталардан андиша қилиб, қийналаверади? Улар олдида иззат-ҳурмати йўқолиб қолишидан қўрқармикин? Тил қисқлик жойи борми десам, унақага ўхшамайди. Эсимда, бир куни Қўшоқ ота уйимизга қоп орқалаб келди. Уни аямга топшириб:

— Жияним бериб юборди. Қизингизга атаб олиб қўяркансиз,— деди.

Очиб қарасак, чет эл палоси, ялт-юлт этиб турибди. Аям сельпога телефон қоқиб, дадамдан:

— Буни сиз буюрганмидингиз? — деб сўраган эди, дадам: «Йўқ», деб жавоб берди.

Аям палосни қайтариб юборди. Кейин дадам аямга: магазин мудирини чақириб танбеҳ берганини айтди.

Кўпинча аям дадамнинг ишидан норози бўлади.

— Энди бошқа нима иш ҳам қила оламан... — деб қўяди дадам ўйга чўмиб.

Мен дадамнинг аҳволига баъзида ачинсам, баъзида гижинаман...

Еттинчи боб

Мен одатдагича дарсдан сўнг касалхонага бордим-да, уйга кеч қайтдим. Шийпонда дадам каттакон чарм папкадаги даста-даста қоғозларни хонтахта устига ёйиб олди-да, чўт қоқиб нималарнидир ҳисоблаб ўтирарди. Мени кўриши билан олдига чақирди-да, дабдурустдан сўради:

— Биринчи сменада ўқияпсанми? Дарслар нечада тугайди?

— Соат иккида, — дедим, нимага ўсмоқчилаб қолганидан хавотирланиб.

— Ҳозир неча бўлди? — деди айвон деворидаги катта соатга имо қилиб. Соат эндигина еттига занг чалганди.

Мен индамай навбатдаги танбеҳни кутдим. Негадир дадам кейинги кунларда асабий кайфиятда юрар, сал нарса баҳона бўлиб, синглимини, ҳаммамизни силтаб ташларди.

Мен сенинг дарсларингни текширолмайман. Аянга тўла ишониб қўйганман. Уқишларинг қанақа кетяпти ўзи? Саккизинчи синф охирлаб қолибди. Билишимча, бу йил беш фандан имтиҳон топшираркансизлар. Шунга тайёрланыпсанми?

— Тайёрланыпман, шерикларим билан.

— Қайси шерикларинг билан?

— Биттаси, танимассиз, Зухра деган қиз. Аямнинг маслаҳати билан...

— Ҳа, анави милиционернинг қизими? Аянг, ўша билан дарс тайёрлагин дедими?.. Сендан бошқа одам йўқ эканми, унга ёрдам берадиган?..

— Аям буюрдила...

— Аям... аям... — дадамнинг тилига сўз келмай қолди. — Кеча директорингни кўрдим. Айтишига қараганда, сен кейинги вақтларда бошқа нарсаларга чалғиб, ўқишни бўшаштирган кўринадан...

— Бўшаштирмайман, — дедим дадамнинг суриштириб қолиши сабабини пайқаб. Демак, Сатторов «чалғиб қолиш...» маъносида нималардир деган. Чўчиб тургандим, дадам бу галча паст келиб, огоҳлантирди:

— Ҳа, ўғлим, бошқа ишларга чалғимасдан, ўқишингни пайида бўл. Тагин аянг билан менинг юзимни ерга қаратиб қўймагин!

— Ерга қаратмайман, — дедим дадил.

«Катта кетвординг, Тоҳирвой! Уйламай сўз бердинг. Ундан кўра аҳволингни танглигини очиқ айтаверсанг бўларди!.. Йўқ, Зухранинг бошига оғир иш тушиб, унинг ташвишига шерик бўлаётганимни очиқ айтмайми? Унга боқишаман деб ўз ўқишимга яхши қараёлмаяпман, деса-да ёқадими дадамга. «Нима учун фақат сен қарашинг керак, бошқалар ҳам қарашсин-да!» деса-чи! Бошқалар қарашармиди унга. Биттаси Гавҳарми? Дадам совхоз директори деб димоғи кўтарилган, унча-мунчани назарига илмайди. Содда, оддий кийиниб юрадиган Зухрани «келгинди» деб камситади. Уғил болаларга бириктирилса, Зухранинг ўзи чиқишолмайди. Нима қилиш керак? Ҳалиям бўлса ўша тайтик, қақилдоқ Гавҳар билан гаплашиб кўрсам зора раҳми келиб, ёрдам беришга кўнса!..»

Танаффус вақтида Гавҳарни бир чеккага чақириб гаплашдим.

Ҳаммасини айтдим, йўқ, ёрдамлашишга кўнмади: «Зухранг мени кўролмади!» деди.

Уйимга папкални кўйиб чиқдим-да, ҳар кунгидан кечроқ касалхонага бордим. Зухра дадасини овқатлантираётган экан. Коридорда узоқ кутдим. Бир пайт у чойнак кўтариб чиқди-да, ўзини кўрмаганга олиб, ошхона томонга ўтди. Хавотирланиб кетидан бордим:

— Даданг тузукмила?

— Раҳмат,— деди-ю, бошқа сўз айтмай ўз ишига алақсиди.

Нима гап ўзи?— десам, зарда билан:

— Келиб нима қилардингиз. Уша... чиройликка эргашиб юр-вермайсизми?— деб қолди.

— Қимни айтяпсан?

— Билиб туриб билмасликка оласиз!..

Мен касалхонадалигимни унутиб кулиб юбордим. Зухрада мунақа гаш кўриш одати йўқ эди, қаердан чиқди?

— Қимдан эшитдинг?

— Ўз кўзим билан кўрдим, ҳалигина...

Доп этиб эсимга Гавҳар билан кўчада гаплашиб турганим тушди.

— Э-ҳа... Сенинг ташвишингни қилаётгандим.

— Нима ташвиш?— сўради жаҳл билан.

Мен оғзи бўшлиқ қилиб, Гавҳар билан ўртамизда ўтган гапларни айтиб бермайманми, баттар балога қолдим. Икки қиз тунов куни уришиб қолишган экан. Гавҳар, бадий ҳаваскорлик тўгараги старостаси эмасми, Зухрага, унинг ташвишларидан беҳабар, «туппа-тузук ўйинчи экансан, ўйнаб берасан» дебди. Зухра: «Дарс тайёрлашга вақтим йўқ-ку, тўгарагингга бало борми?» деган экан, Гавҳар: «Дарс тайёрламасанг ҳам муаллима сенга яхши баҳо қўяди... Етим қиз деб ачинганиданми ёки ўғли билан яқинлигинг учунми-а?»— деб унинг ярасига туз сепабди.

Зухра менга зардасини сочди:

— Шундоқ юзсиз одамдан ёрдам сўраб юрибсизми ҳали! Мунақа фикрингиз боракан, олдин ўзимга билдирмайсизми? Балки у ёрдам бераман дегандаям, мен хоҳламасдим...

Кўнгил аломат нарса экан. Бир вақт мен «Сирли сандиқ» деган эртақ ўқигандим. Кўнгил ҳам ўшанга ўхшайди. Уни калит солиб очмагунингча билолмайсан. Ҳозир Зухра кўзимга оддий бир ўқувчи қизмас, бошқача кўриниб кетди. Мен Гавҳар билан ёрдам ҳақида сўзлашиб чакки қилганимни аниқ сездим. Зухрадан янада қаттиқроқ дакки эшитишдан чўчиб турардим. Унинг: «Ўзингиз ёрдам беролмасангиз, майли, бошқа иложини топарман» деб қолиши мумкин эди. Ҳар қалай у ўзини босиб, деди:

— Сизнинг бу ерга ҳар куни келишингиз шартмас. Дадам тузалаптилар. Аммам ҳам келиб турадилар. Ўтилган дарслар конспектини ўзингизми, Иқболданми уйимга етказсангиз бўлгани...

Хўп туйғун қиз-да! Уйлаб гапиряпти. Менинг ҳам ғамимни еяпти-ю, лекин аҳволи танг, жиддий ёрдамга муҳтож. «Бир иложини топарман» дегани билан, қаердан топарди? Шу аҳволда ҳам ўзига ишончини йўқотмайди-я!..

Хаёл суриб қайтарканман, дадамнинг сўзлари эсига тушди. «Бугун тагин қаерларда қолдинг?» деса, нима дейман. Кеча ичидаги гапнинг ҳаммасини айтмади. Бирданига бугун кўтара савдо қилса-чи? Юрагим орқамга тортиб кетди: у ёқда директорнинг, яна айрим кишиларнинг кўзига ёмон кўриниб юрибман, бу ёқда Зухранинг ғам-ташвишлари...

Товба, нега бошқалардай беғам-беташвиш яшаш йўқ-а, менда? «Сен омадли боласан» деганлар ичимдагини билишмайди-да! Баъзиларга ҳавасим келади. Дунёни сув босса тўпиғига чиқмайди. Нега мен ўшанақа эмасман?..

Саккизинчи боб

Имтиҳонлар бошланмасдан мактабимиз коридорида фото кўргазма пайдо бўлди. Кўргазма тепасига катта-катта қизил харфлар билан: «Бизнинг ҳунар-техника билим юртимизга марҳамат!» деган сўзлар ёзиб қўйилган. Болалар атрофида гирди-капалак. Яна «Билдириш» ҳам пайдо бўлди. Унда юқори синфлар учун кинофильм кўрсатилиши ёзилганди.

Танаффусга чиқсак, ҳалиги «билдириш» ёнида ўсиқ сочлари силлиқ таралган, иссиқ ёз бўлишига қарамай қорамтир костюм кийиб, кўкрагига ҳар хил значоқлар таққан бир пўрим йигитча турибди. Бу меҳмон ким экан, деб қараб турсак, у бизни ўз олдига имлаб чақирди. Кейин у томоғини қириб, йўталиб олди-да, худди мажлисда ваъз қилаётгандай сўзларини чертиб-чертиб деди:

— Укалар, сингиллар! Кимки ажойиб ҳужжатли фильм кўришни истаса, дарсдан сўнг физкультура залига марҳамат!..

«Кино» деса болаларда жон борми! Яна тагин шу ернинг ўзгинасида, теп-текин... Меҳмоннинг яқинига бориб тикилсак, ўзимизнинг эски танишимиз: уч йил бурун шу мактабнинг саккизинчи синфини битириб кетган Учқун. Айтишларича, у билим юртида комсорг бўлганмиш. Узғариб, савлатли бўлиб кетганини қаранг-а! Уркиникидай қирра бурун, мўйлов...

Дарсдан кейин зал ўқувчилар билан тўлди. Олдинги ўринларни ёш болалар эгаллаб олишган. Фильм бошланган заҳоти Учқун кўлига худди биллиард таёғидай узун чўп тутиб саҳнага чиқди. Экраннинг четида туриб олиб, чўпини кўринишларга тўғрилаб, ваъз қила кетди. Илгарилари овозсиз кинолар қўйилганда бир одам томошабинларга фильм воқеаларини «ана ундоқ бўляпти, мана мундоқ бўляпти» деб тушунтириб турган экан. Учқуннинг ҳозирги ҳаракати ўшани эслатиб, шовқин-сурон кўтаришгани учун Учқуннинг сўзларини яхши эшитмасдик. Унинг эълонисиз ҳам экрандаги манзаралар тушунарли эди. Унда чўлқуварларнинг ишлари кўрсатилаётганди. Тракторлар, экскаваторлар, бульдозерлар чанг-тўзон кўтариб, қум тепаларни ағдар-тўнтар қилишяпти, барханларни суряпти...

Бирдан экранни олов қоплаб, ёнғин чиққандай бўлди. Ёш болалар:

— Вой-бўй!.. — дея қичқариб, зални бошларига кўтаришди.

Тўқайга ўт кетган, уни чўлқуварлар ёндириб, ер очишмоқда эди. Чўлда қаттиқ шамол эсар, ўт, худди кучли денгиз тўлқинидай ҳаммаёқни тутиб бормоқда эди. Юрагимга ваҳима тушди: «Бундоқ ёнғинда одамлар қандай омон қоларкин-а? Эртақларда айтилган ўтда ёнмас, сувда чўкмас ботирлар шулар эмасми?!»

Залдагиларнинг нафаслари ичларига тушган, тагин нималар бўларкин деб экранга кўз қадаб турганларида, фильм тугаб, Учқуннинг овози эшитилиб қолди:

— Ҳозир сизларга фильмиимизнинг бош қахрамони меҳмон бўлиб келса нима дейсизлар?

— Раҳмат, деймиз! — дейишди ажабланган болалар.

— «Раҳмат»нинг ўзи етмайди. Суюнчисига ўйнаб берасизлар... Бу ёққа, ҳов Уста бува! — деб эшик томонга қаради у.

Эшикдан кекса киши кулганича кириб келди. У сочини устарада қирдирган, соқолини қисқа қилиб тарашлатган, шоп мўйлов киши эди. У ўзининг кушчақчақлиги билан ҳаммамизга ёқиб қолди. Болалар уни қуршаб кўкрагидаги қўш орденга яқиндан тикилишар, саволга тутишарди.

— Отахон билим юртимизнинг бош устаси, дипломсиз инженер бўладилар.

Учқун болалардаги қизиқсинишдан фойдаланиб, уларни ўйинга таклиф этди. Чапак чалиб ўзи даврага тушди. Бошқалар таранг қилиб

турганди, ўйнагиси келиб турган Абилни ўртага чиқаришди. У ди-
канглаб андижон полькасига ўйнай кетди.

Ўйин охирлаганда болалар Учқунга:

— Бошқа қаҳрамонлар қаерда?— деб савол беришди.

— Уларми?..— Учқун негадир тутилинкараб, мийғида кулди.

— Агар қаҳрамонларимизнинг энг кенжасини сўрасанглар,—
деди гапга аралашиб Уста бува,— мана...

Бува шапкасини бостириб кийган, сочлари ўсиқ, қора кўзойнак
таққан йигит расмини кўрсатди. Биз расмга тикилиб турарканмиз,
бува:

— Танидинглар?— деди. Биз елкамизни қисиб тургандик, Уста
бува кулиб юборди.— Э, баракалла, ахир рўпарангизда-ку, ўзи!

— Ия, ия!— деб ҳаммамиз ағрайиб қолдик. «Қаҳрамонлар
кенжаси» деб бува Учқунни айтаётган экан. Мен қойил қолганимдан:
«Келинлар, кўтарамиз!» дейманми, бирданига ўнтача бола чака-
чарвидай ёпишиб, уни осмонга копток қилиб ирғита бошлашди.
У «бўлди, бўлди» деб бақирганича болалар қўлидан аранг қутилди.

— Ростданам ўзингизми?— деймиз, гижимланган костюм-шими-
ни тўғрилаётган Учқунга. У кулимсираб, кўзини қисиб қўйди.

— Бошқалариям узоқдамас, бизнинг билим юртимизда. Танишги-
ларинг келса, марҳамат, боринглар,— деди Учқун.— Шу баҳонада
билим юртимизни ҳам кўриб келасизлар.

— Биз сизларга меҳмон бўлдик, сизлар ҳам бизларга меҳмон
бўлинглар, жиянчалар. Кейин хурсанд бўласизлар,— деб қўшиб қўйди
Уста бува.

Ҳозиргина қаердандир қайтган аям, бир чеккада болаларнинг
хангомасини кузатиб турганди, меҳмонлар олдига келиб Уста бува
билан қуюқ омонлашди:

— Кечирасиз, Уста бува, райкомда ушланиб қолдим. Катта
рахмат, болаларимизни хурсанд қилганларингиз учун. Шундай
бўлишини кутгандик. Қани, марҳамат,— деб ичкарига таклиф этганди,
Уста, билим юртида кутиб туришганини айтиб, узр сўради.

— Бу биринчи ва охирги учрашувимиз эмас...

Меҳмонлар қайтишарқан, элакишиб қолган болалар уларга
эргашишди. Эшикка чиқишганида ёш болалардан бири Уста буванинг
пинжиги кириб, савол берди.

— Ота, сиз анақа.. артистмисиз?

— И-я, бу нима деганинг, жиянча?

— Олов ўйнатади-ку, циркда,— деди бола.

— Мен артистмас, машина ҳайдовчиман,— деди Уста бува
боланинг нима демоқчи бўлганини англаб.

— Бўмаса қанақа қилиб оловда?..

— Ҳа, ёниб кетмадингиз демоқчисан-да, а, жиянча?

— Ҳм,— деди ваҳимасини яширмай бола.

— Ахир мен пўлат кема ичидаман-ку, олов чўтми пўлат кемага!..

Тўққизинчи боб

Меҳмонларга эргашиб билим юртига бориб келган Абилнинг оғзи
қулоғида. Танаффус вақти болаларга билим юртида кўрган-билганла-
рини нақ оғиз кўпиртириб мақтарди.

— Бува: «Боринглар, кейин хурсанд бўласизлар» дегандила-ку,
чиппа-чин экан... Ана бино-ю, мана бино: яп-янги, қават-қават,
осмонўпар. Синфларига кирсанг, худди музейга ўхшайди. Ҳа, катта-
кон саройдай гаражини айтмайсизларми! Гиж-гиж машина ойнадай
ярқираб, жийрондай кишнаб, мани мингин деб... Ҳа, биттасини миниб,
танлаб ҳам қўйдим...

— Вой-бў, тагин қуруқ аравани опқочдинг-ку!— дейишди бола-
лар.

— Ҳей, ишонмайсанларми? Мана, Илҳомдан сўраларинг, у ҳам борган.

Ҳамма Илҳомга қаради. Болалар, Илҳом ҳозир Абилнинг мақтовларини чиппака чиқаради деб туришганди, қайтанга қўшимча қилди:

— Ҳаммаси тўғри. Абил клуби билан стадионини айтмади.

— Ҳа, ҳа, — деди Абил, — клуби билан стадиони шаҳарниқидан қолишмайди. Мазза!

— Бассейн-чи, бассейнини?.. — эслатди Илҳом.

— Ҳа, бассейни ундан зўр!

— Нима, ўша билим юртига кирмоқчимисан? — сўрадим мен.

— Бўмаса-чи! — деди астойдил Абил. — Бу ерда вақтингни ўтказиб юргандан кўра, у ерга кирсанг, ҳам ўқиш, ҳам ҳунар! Уч йилда қарабсанки, механизатор бўлволасан, анувларга ўхшаб...

— «Анувларинг» ким!

— Кечя кинода кўргандик-ку! Унақа қаҳрамонлар кўп экан билим юртида. Нима, ўшалардек бўлолмаимизми биз?

Елғончиликда ном чиқарган Абилнинг ҳозирги ҳикоясини болалар берилиб эшитишди. Саккизинчи синфни битираётганларнинг кўпи ўйга толди. Мен Абилнинг ҳаракатини кузатдим: ўз сўзида турармикан ё бетайинлигини қилиб айнармикин? Йўқ, айнамади. У техника-билим юртига кирувчиларни рўйхат қилувчи секретарь хотин олдига, директор қабулхонасига кирди, ўзини ёзиб қўйишни сўради, Секретарь унга синовчан тикилди:

— Сен туппа-тузук ўқувчимизсан-ку! Аввал директор билан гаплашиб кел-чи, рухсат берармикин?

— И-я, бу нима деганингиз, опажон? — деди Абил ажабланиб.

— Билим юртига ёмон ўқувчилар юбориладими? Ушандоқ жойга-я?

— Йўқ энди... Ўзимча айтяпман-да — деди секретарь ўнғайсизланиб.

— Тўғриси, айтаверинг, опажон.

— Тўғриси-чи, укам, кўнглингга келмасин-у, мактабимиз ўзига ёқмаган болаларни жўнатгучи эди.

— Ҳозир ҳам-а?

— Ҳозирми? — деб секретарь олдидаги рўйхатга қараб олди, — Қайдам...

— Қани, қани... — Абил рўйхатга тикилди. — И-я, анави «иккинчи» Тўхта дудуқ ҳам кирибди-ку! Унинг ўзи хоҳладими?

— Қаёқда, — деди секретарь ва очигига кўчди. — Бир бало қилиб кўндирамыз-да! Яхши характеристика бериб... Гап шу ерда қолсин, укажонлар.

Менинг аччиғим чиқди, Абил кетгач, опага дедим:

— Шу яхшими?.. Тўхтани ўзингиз биласизми? Эртаю кеч кўчада, дарс тайёрлаш ўрнига чурвақалар билан хоккей ўйнагани-ўйнаган. Ўтакетган прогулчи. Шунга ўхшаган қолюқлар юборилса, билим юртидагилар масхара қилишмайдими: палон мактабдан, чиққан болаларни мазаси йўқ, уларга ўқитувчилар парвосиз қарашган, унақа-мунақа деб. Номимизга яхши бўладими? Директоримиз ҳар сўзларида «Мактаб шаънига иснод келтирмайлик» дейдилар-ку?!

Секретарь опа бу ёғини ҳазилга олди:

— Ке, укам, ақлини кўп ишлатаверма, тез қариб қоласан. Ундан кўра ҳашар қилишиб юбор. Шошиб қолдим...

Хуллас, опа қўймасдан мени ёнига ўтқазди. Уша Тўхтага ёзилган характеристикадан менга нусха кўчиртирди. Ундаги: «Тузук ўқувчи, интизоми яхши, меҳнатга қобилиятли» деган сўзларга келганда ҳеч қўлим бормади-ю, ноилож кўчириб бердим. Секретарь опа бу характеристикани мактаб партия ташкилоти секретари бўлган аямга ҳам қўл қўйдирмоқчи бўлганди, у қўл қўймади. Бу нарса директор билан аям ўртасида тортишувга сабаб бўлди. Аям:

— Характеристикага ёлгон-яшиқ баҳоларни киритиш керакмас, бор гапларни ёзиш керак эди,— деса, директор:

— Бу гаплар бамаслаҳат ёзилган. Масалан, меҳнат ўқитувчисининг фикрича, шу болада меҳнатга, ҳунарга ишқибозлик бор экан,— деб баҳона қилди.

— Буни нима билан исботлаймиз, ўртоқ Сатторов?

— Бола тракторчилар курсида актив қатнашармиш-ку?!

— Ишламайдиган тракторчилар курсида-я?

— Дарров танқидга ўтдингиз-да, аяжон! Доим ишдан кемтик топасиз...

— Кемтик бўлгандан кейин уни яширишнинг ҳожати йўқ. Ўзи номига курсимиз бор. Трактор нималигини ўрганишади. Аммо уни ҳайдай олиш ҳам керак-ку! Жойидан жилолмайдиган машинанинг нима фойдаси бор! Мен буни оталиқ вакилига ҳам айтгандим. Ваъдани қонлаб берди-ю, амалда дом-дараксиз кетди. Оғизда: ҳунар, ҳунар, деймиз, амалда ўзимиз ҳам бунга панжа орасидан қараймиз!..

— Азизим-эй, нинадай нарсани туядай қилиб юборасиз-а!

— Болаларимизни ҳунарга йўллаш арзимаган ишмас. Шундай экан, Тўхтага ўхшаганларни мажбуран жўнатиш уят, ўшандоқ ҳунар маконини менсимаслик бўлади. Афсуски, ота-оналар ўртасида билим юртига паст назар билан қарайдиганлар учраб туради. Аммо шулар қаторига сизни қўшгим келмасди, ўртоқ Сатторов!..

Директорнинг қапалаги учиб, аямга захархандалик билан боқди-ю, ортиқча сўз айтолмай, чиқиб кетди. Шу пайт кутилмаганда Тўхта найнов билан Абил кириб келди. Гапни дудуғланиб Тўхта бошлади:

— М-мени ю-юборманг, ж-жон, устоз, илтимос!..

— Нима учун?— деди аям ҳайрон бўлиб.— Билим юрти яхши жой-ку! Ҳам ўқитади, ҳам қизиққан касбингни ўргатади. Нима, касб ўрганишни хоҳламайсанми?

— Х-хоҳлайман-у, ҳозир бў-бўмийди-да, устоз. У-уяламан...

— И-я, нимадан уяласан?

— Б-баҳоларимдан... Ш-шу аҳволда борсам, нима дейишади. Қ-қолоқ, «ақли пўстак» деб чалпишмайдами!

— Ким айтди сени «ақли пўстак» деб?

Тўхта миқ этмади.

— Агар бу йил боришга уялсанг, бормай қўя қол,— деди аям унинг елкасига қоқиб.— Астойдил ҳаракат қилиб, баҳоларингни тузатиб олгин, янаги йилда юборамиз. Бўптими?

Тўхта худди қорбоддан қимматли совға олган гўдакдай севиниб, тиржайганча чиқиб кетди.

— Ҳа, ўғлим,— деди аям энди Абилга қараб,— сен ҳам айнадингми?

— Йўқ, устоз, мен бормоқчиман.

— Бориш фикрингни эшитиб хурсанд бўлдим. Директор билан сўзлашдингми?

— Сўзлашсам, руҳсат бермадила. Ердам беринг, устоз.

— Нега руҳсат бермадилар? Сўрамадингми?

— Ўзимизга кераксан, дедилар. Сиз гаплашиб беринг, устоз.

— Хўп, мен гаплашаман. Фақат ўзинг айт-чи, билим юртига боришдан мақсадинг нима?

— Ҳунар ўрганиш...— Абил бир оз тутулиб, самимий боқиб турган аямга кўнглини очди.— Иннакейин, ишлатиб мояна ҳам бераркан...

Унинг дадаси бундан уч йил бурун вафот этган, аяси колхозда ишлаб, қол-кампиру болалари бўлиб, беш жонни аранг боқарди. Ўйинқароқ, ўқитувчиларни кўп безовта қилган боладан шу гапларнинг чиқиши аямга ёқди. Абилнинг юрагидагини аниқ билгандан кейин, уни қувватлашга сўз берди. Аям директорга айтган экан, ораларида шундай кескин гап бўлибди:

— «Ўзимизга кераксан» деб бекорга айтмадим. У имтиҳонлардан

ўртача баҳо оляпти-ку, лекин бадий ҳаваскорлар ичида танилган, олимпиадада яхши баҳо олиб, газетага тушган. Ахир, аяжон, мактабнинг шаъни учун керак-да, шунақалар!

— Наҳотки мактаб шаънини кўтарадиган нарса — якка-ю ёлғиз ҳаваскорлар, ҳўжа кўрсинга қилинган ишлар, ўткинчи ютуқлар бўлса?!

— Сиз қачон қарамай, менинг фикримни тескарисига бурасиз. Ахир ўзингизга маълум, бизнинг мактабда бадий ҳаваскорлар бармоқ билан санарли-ку, борини ҳам жўнатиб юборамизми?!

— Нега бармоқ билан санарли бўлсин. Афсуски, сиз якка-ёлғиз мисоллар соясида кўпчиликни кўрмаяпсиз. Агарда-чи, яхши эътибор берсак, имкон туғдирсак, Абилга ўхшаганлар кўп чиқади болалар ичидан. Менимча, Абилнинг йўлини тўсиб, келажак тақдирига зомин бўлмайдик!..

Унинчи боб

Имтиҳон тугаган куни кечқурун Иқбол ҳовлимизга Зухрани бош-лаб келди. Зухранинг кутилмаганда келиши ҳаммамизни ҳайрон қолдирди. У ўзича келдими ё синглим қистаб олиб келдими, билолмадим. Аям ийманиб турган Зухрани ўз ёнига тақлиф этди. Дадам ундан дадасининг соғлигини суриштираркан, кетидан:

— Медаль муборак бўсин, — деб қўйди.

Дадам хонтахта остидаги қизил папкасидан бугунги газетани олиб кўрсатди. Унда милиция лейтенанти Жавлон Қоплонов жиноятчиларни тутишда кўрсатган жасурлиги учун медаль билан мукофотлангани ёзилганди. Мен, «бу янгиликни вақтида билмабман» деган хаёлда узрли Зухрага қарадим. Шу чоғ айвонда телефон жиринглади-да, дадам туриб кетди. Шийпонда учов қолдик. Энди Зухра ўзини бемалол тутиб, сўзга киришди. Аямга жиддий бир маслаҳат билан келибди. У мактабдан кетиш фикрига турибди..

— Нима учун кетмоқчисан? — сўради аям ҳайратланиб.

— Мактабда қийин бўляпти. Ўзимгаям, бошқаларгаям...

— А-а, кимга, масалан?..

Зухра у ёғини айтолмай, менга қараб олди. Бу қарашидаги маънони ўзимча тушундим: имтиҳон вақтлари касалхонага боришим, қолдирган дарсларини ёзиб, Иқболдан етказиб турганларим — ана шуларни кўзда тутаётгандир Зухра. Мен бўлсам, ич-ичимдан дейман: «Зухрага етарли ёрдам беролганимда, балки мактабдан кетишни ўйламасмиди...»

— Нима, Тоҳиржон ёрдам беришдан бош тортяптимиз? — сўради аям.

— Йўқ, яхши ёрдам бериб келдилар. Бўмаса... — томоғига бир нима тиқилгандай ютинди. — Бўмаса саккизинчида қолиб кетардим...

— Ундоқ бўлса нега кетмоқчи бўлиб қолдинг?

— Бу ерда ҳаммага ёмон кўриниб юргандан кўра, билим юртига ўта қолай... Иннайкейин дадамга ҳам қарашиб турмасам бўмийди...

— Шунақа дегин? — Аям чуқур ўйга толди, қизнинг юрагига қўл солиб кўрмоқчи бўлди. — Балки, даданг «билим юртига ўтгин» деб мажбур қилаётгандирлар?

— Йўқ, дадам ҳеч мажбур қилмайдилар, доим кўнглимга қарайдилар.

Зухра аямга суяниб қолганди. Аям эса, билим юртида қийналса, бутунлай ўқишдан маҳрум бўлиб қоладими деб кўрқарди. Зухра, билим юртида ишонган одами борлигини айтди. У ҳам бўлса — тунов куни мактабга борган Уста бува бўлиб, у Зухранинг тоғаси экан. Тоғаси кеча уйга келибди, Зухранинг ўқишларини суриштиргач, билим юртига ўтишни маслаҳат берибди.

— «Нима бўлсаям ўз қўлимда бўласан. Аянг раҳматликни касби

расмана касб эди. Сени ҳам ўша касбга тайёрлаб чиқаришга мен кафил. Унақа сиқилиб юрмагин, жиян!» дедилар. Тоғамни дадам жуда ҳурмат қиладила, гапларини қайтармайдила...

Аямни кўнгли жойига тушди: худди ўз фарзандининг бахти очилгандай хурсанд бўлди:

— Ундай бўлса, майли, қизим. Омадингни берсин,— деди. Қизни бағрига босиб, пешонасидан ўпиб, эшиккача хайрлашиб чиқаркан, меъга тайинлади.— Зухраҳон бемаҳалда ёлғиз кетмасин, уйигача кузатиб қўйгин.

Ўзим ҳам шунга чоғланиб тургандим. Бирга кетдик.

— Мендан ҳам бекитадиган сириг боракан-да, Зухра?

— Нега ундай дейсиз?

— Кетиш ниятинг боракан, олдинроқ айтсанг бўлмасмиди?

— Айтганим билан сиз кўнмасдингиз. Мени айнитишга ҳаракат қилардингиз...

— Ҳеч айнитмасдим. Қайтага-чи, ўзим ҳам сен билан кетардим.— Тилимдан шу гап чиқди-ю, аммо дилимда бошқача хаёл эди. Зухра буни пайқагандай:

— Сиз ҳеч кетолмайсиз-да...— деди.

— Кетардим,— дедим қайтариб.

— Аянгиз жавоб бермаслар...

— Аям жавоб берадилар-у, дадам...

Дадамнинг ниятларини Зухрага биринчи марта айтиб бердим. Шундан сўнг Зухра сал умидсизликка тушгандай жим борди-да, кейин:

— Бориб турсангиз бўлгани, билим юрти узоқмас-ку,— деб қўйди.

— У ёғидан хотиржам бўл. Ўзинг ҳам уйимизни кўриб олдинг, мана...

Шундан кейин сўхбатимиз унча қовушавермади. Зухра уйи томон йўл оларкан, мен ундан каникулда қаерда бўлишини сўрадим. Унинг дадаси докторлар маслаҳатича ёзда тоғ санаторийсида даволаниши керак экан. Зухра бирга бораркан. Буни эшитиб, дадим ичимга тушиб кетди. Унга алланималар демоқчи бўлдим-у, тилимга сўз келавермади. У ҳам шу ҳолга тушганди. Эшигига етгач, ойнинг хира шуъласида бир зум бир-биримизга тикилиб турдик-да, қўл беришиб хайрлашдик. Изимга қайтатуриб: нега хайрлашувда ундан энди қачон кўришамиз, хат ёзасанми деб сўрамадим-а, деб ўзимни койидим. Наҳотки, шу кетганича кузгача кўришмасак, хабарлашмасак-а?! Юрагим орқамга тортиб кетди. Қоронғилик қаърига кириб борарканман, ўзимни худди жуда яқин, жондан ҳам азиз нарсамни йўқотиб қўяётгандай сездим...

Уйга келсам, шийпонда аям Иқбол билан гурунглашиб ўтиришибди. Аямнинг: «Илашимлигини қара, бирпасда уйимизга қовушиб, қўлимдан чойнакни олди, ҳаммамизга чойни ўзи қуйиб узатди-я. Сен ҳам ўша опангга ўхшагин, қизим!» дегани қулоғимга чалинди. Зухранинг аямга ёққанини биламан-а, лекин дадамгачи? Шуниси қизиқтирарди мени. Аямнинг кайфияти жуда яхшилигидан фойдаланиб, шуни сўрадим, айтмаганига қўймадим.

— Тўғриси айтайми, ўғлим? Кўнглингга олмайсан-у, даданг: «Ўғлинг ғамини еб юрган қиз шуми? Олқиндига ўхшайди-ку!» деди. Қовоғингни солма. Менинг гапимни эшит: «Унақа деманг, дадаси, бечорани ташвишлар эзиб қўйди. Бўлмаса нозандай қиз. Ақлли-хушли, одоблигини қўяверинг!..» дедим.

Ун биринчи боб

Каникул бошланиб, ўртоқларим қафасдан озод бўлган қушлардай яйрашиб қолди. Уларга ҳавасим келади. Уйга мени тез-тез чақириб келишади. Ҳали стадионга, ҳали кинога... Қишлоғимиз теграсида сайр этадиган қир-адирлар бор. Балиқ овлайдиган кўллар, чўмиладиган сойлар...

Баъзи-баъзида болаларга қўшилиб, қаерга бормай, унақа ўйинларга қатнашмай, ҳамма вақт кўнглимнинг бир чеккаси бўш тургандай. Бу бўшлиқни ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайдигандай. Лоақал унинг битта хати келганда ҳам майлиди...

Каникулнинг қолган ярмида бизни мактаб ремонтига чақиринди. Ишга берилиб, пича унутарман дегандим, бўлмади. Ёзининг икки ойи назаримда икки йилга чўзилгандай.

Ўқиш бошланишини ҳеч қачон бунчалик энтикиб кутмагандим. Худди бугун-эрта папкасини қўлтиқлаган Зухра тим-қора хумор кўзларини порлатиб йўлимда учрайдигандай. Лекин ҳадеганда дараги бўлавермади. Унинг уйига Иқболни юбордим. Иқбол: «Зухра опам тоғдан қайтмабдилар» деган хабар топиб келди. Бир ҳафта ўтказиб билим юртига борсам, болалар пахтага чиқиб кетишган экан. Ҳайронликда қолдим. Шу алпозда яна бир-икки ҳафтани ўтказдим. Куз ҳам ўтиб борапти, изғиринли кунлар бошланяпти, тез-тез ёмғир ёғиб турибди. Теримчиларнинг қайтишидан дарак йўқ. Куз оғир келиб, бизнинг мактабдан ҳам юқори синф болаларини совхозга пахта теримига чиқаришди. Зухра билан ўша ерда кўришар эканмиз, деб қўйдим ичимда. Совхознинг биз ўрнашган бўлими билан хунар-техника билим юрти талабалари ўрнашган бўлим оралиғи беш чақиримча, тепалик орқасида, дейишди.

Бир куни бошлиғимиз — физкультура муаллимидан «ўртоқларимни кўриб келаман», деб икки-уч соатга жавоб олдим. Кун салқин, чўл шамоли ёсиб турибди. Бошимга қулоқчин, устимга пахталик чопон, оёғимга кирза этик кийиб олиб, йўлга тушдим. Пахта майдонлари, баланд-паст тепаликлар... Кўзимга таниш далалар, чайлалар чалинди — баҳорда ҳашарга келган жойларимиз. Кўзим тўрт бўлиб далалардаги, хирмон атрофидаги теримчиларга тикиламан. Узоқдан бир хил кийимдаги теримчиларни бир-бирдан ажратиб бўлмайди. Бир пайт, эгнига эски жемпер, жинси шим ва резинка этик кийган ўспирин мен томонга келаверди. Яқинроқ келган сари кўзимга оловдай кўринади. Қарасам, Зухра!.. Ҳаяжондан юрагим қинидан чиқиб кетгудай бўлди. «Зухра» деб бақириб юборибман. У гўза тупларини шитирлатиб, чопиб келди-ю, худди синглим Иқболнинг одатича икки қўлини бўйнимга ташлади. Қаттиқ ачомлаганча мен уни азот кўтариб қўйдим. Шу чоғ ўзимни худди уйқудан янги турган одамдай ғалати ҳис қилдим. Зухра кўзимга чехраси анча очилган, тўлишгандай кўринди. Қани, дадам кўрса. Гапини-чи, «олқинди» эмиш-а!..

— Жуда қизиқ...

— Нима «жуда қизиқ?» — сўради ўзининг кутилмаган ҳаракатидан ноқулай аҳволга тушиб, қизарганча узоқларга тикилган куйи Зухра.

— Сен яқинимда бўлганингда ҳеч нарса ўйламасдим. Узоққа кетганингда-чи, ҳадеб хаёлимга келавердинг...

— Ростдан-а?

— Нима, ўзинг бунақа бўлмадингми? Биттаям хат ёзмадинг...

— Ёздим-у, юбормадим, — деди Зухра.

— Қўй, ҳазилингни.

— Ишонинг, ёздим. Ўхшалмади... Гап тополмадим...

— Нега тополмасакансан? Ахир қандай дам олганинг, дадангни соғлиқлари... Иннайкейин, Уш жуда аломат жой дейишади-ку! Чиройли манзараларини... кўргандирсан, ахир?

— Кўрдим: тоғ-адирлари, қайнар булоқ, шаршаралари, сайроқи қушлари кўп... Унақалар ўз қишлоғингизда ҳам бор-да.

— Хуллас, ёзгим келмади, дегин. Соғинмагансан-да...

— Қўйинг унақа гапларни, — деди Зухра жилмайишга мойил кўзларини мenden яшириб. Кейин бирданига нимадандир чўчиб: «вой ўлай!» деди-ю, дала тарафга югура кетди.

Мен нима бўлганини билмай ён-веримга алангласам, кўзим зовур

ёқалаб келаётган «виллис»га тушди. Ким экан деб ўйлаб олганимча йўқ эди, машина рўпарамга келиб тўхтади. Унинг эшигидан бир одам айиқ полвондай лапанглаганча чиқди. Қарасам, баҳорги ҳашар вақтида кўрганим — Фармонов. У кела солиб паншахадай панжаси билан елкамдан тутди-да, афтимга қараб чақчайди.

— Ҳа, бола, нима қилиб юрибсан?— деди ёлғондака ишайиб.— Мен ҳеч нарса деёлмай елкамни қисиб турувдим, дағ-дағага ўтди.— Нима қилдинг, қиз бола билан бу ерда, дуварак?..

Тилим танглайимга ёпишиб қолгандай:

— Ҳзим...— дедим зўрға.

— Ҳалиям «ўзинг!» Утган сафар келганингда ўзбошимчалик қилиб, ишни бузган ҳам — ўзинг!— деди баттарроқ ўдағайлаб.

Бекордан-бекорга ўдағайлаётгани менга алам қилиб кетди:

— Нима демоқчисиз, амаки?

— Аввало мен сенга «амаки» эмасман, дуварак! Мен бу совхозда...

— Бўлим бошлиғи,— дедим ундан олдинроқ.

— Ҳа, билар экансан. Бу далаларнинг ҳаммаси, унда ишлаётганларнинг бариси менинг жавобгарлигимда. Бекорчи хўжаларнинг даламда сандироқлаб юришига йўл қўёлмайман, терим палласида!

— Нега «бекорчи хўжа» дейсиз? Мен ҳам теримга ёрдам бераётганлардан бўламан!

— Кўрдим теримга ёрдам бераётганингни,— деди Фармонов кесатиқ билан.

Мен, мактаб болалар билан нариги бўлимда ишлаётганимни, илгариги мактабдошим Зухрани кўриб кетиш учун бошлиғимдан сўраб келганимни айтдим. Бари бир Фармонов жаҳлдан тушмади.

— Нима учун келганингни кўрдим, ўз кўзим билан...— деди Фармонов, худди мени ўғирлик устида тутгандай ва машинаси томон судради.— Қани юр, бошлиғинг олдига! Сени таъзирингни бериб, жўнатворсин. Бу ерда бузуқчилик қилиб юрма!

Машинасида худди қафасда ўтиргандай сиқилиб борарканман, ваҳима ичида ўйларим: шу кўполлиги бўлса бу одам ҳозир мени мактабдошларим ўртасига қўйиб, оғзига келган гап билан шарманда қилмасайди!..

Болалар теримга чиқишган, шийпонда хабар олгани келган директор турган экан, Фармоновга худо берди. Машинадан туша унга қўл узатаркан, мени чалпишга тушди. Мен бир теримчи қизни «йўлдан уриб» олиб кетаётганимда, Фармонов тутиб олганмиш... Қуруқ туҳматни қаранг-а!

— Елғон!— дедим ўзимни тутолмай. Чўрт кесарлигимни билган Сатторов илжайди.

— Ҳзингни бос, ўғлим, хафа бўлма,— деб у мени шийпонга бошлади. Утиришга таклиф этди. Чой қуйди. Кейин юмшоқ товушда гап сўради. Мен бор гапни айтиб бердим.

— Ҳаммаси шуми?

— Шу!— дедим.

— Энг нозик жойини айтмадинг-ку, бола!— деб Фармонов орага суқилди.

Мен ҳам, Сатторов ҳам унга қарадик. Фармонов ошқовоқдай калласини сарак-сарак қилди. Биров эшитаётгани йўқми деб ён-верига аланглаб олди-да, Сатторов томонга эгилиб, шивирлади... Сатторовнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди, ранги ўзгариб, «аттанг, аттанг» деди, менга ачингандай боқди:

— Наҳотки?

Бу катталарнинг шивир-шивири-ю, галати қилиқлари менга кулгили бўлиб туюлди-да, елкамни қисдим:

— Ҳзи нима гап?

— Ҳа, муғомбир бола! Қилғиликни қилиб, яна туя кўрдингми, йўқ-а?

— Қалака қилманг мени, амаки!— дедим Фармоновга, энди

ўзимни босолмай.— Очиқ айтинг, нима, арпангизни хом ўрибманми!
— Э-ҳе, тилинг бурро-ку, бола! Қўрққан олдин мушт кўтарар дегин!

Директор чапақай жаҳлим чиққанини сизди, яна нордонроқ бир сўз айтиб юборишимдан чўчиди шекилли:

— Энди, ўртоқ Фармонов, Тоҳиржон болалик қилган. Кейин ўзимиз гаплашамиз,— деб юпатмоқчи бўлди, Фармоновга кўз қисиб кўйди.

Фармонов ўрнидан турди, Сатторов уни машинасигача кузатиб бораркан, унга ялинчоқлик билан:

— Жон, ўртоқ, бу ҳодисани катталарнинг қулоғига етказманг. Мактабимиз шаънига доғ тушмасин. Ўзимиз тинчитамиз,— деганини эшитдим...

Мен энди фартуғимни олиб, далага чиқай деб турган эдим, директор йўлимни тўсди:

— Тўхта, ўғлим, бир маслаҳатлашиб олайлик. Шу синоатдан кейин бу ерда қолишинг қандай бўларкин-а?.. Емон отлиқ бўлиб оғизга тушсанг, болалар олдида бош кўтариб юришинг қийин. Яхшиси уйингга жўнай қоласанми-а? «Бир иши чиқиб қолибди» деб қўя қоларман сўранганларга...

Директорнинг бу юмшоқ муомаласи менга наштардай ботди.

— Ёш боламанми, мени алдайсиз? Нега ишдан ҳайдаясиз? Гуноҳим нима?

— Ёш бола бўлмасанг, гуноҳингни нечук тушунмайсан? — деди директор энди ясама муомаласини йиғиштириб.— Очиқчасига... айтишимни кутяпсанми?.. Ахир хилватда бировнинг қизига кўз олайтиришни нима деса бўлади? Шармандалик-ку, бу!..

Мени титроқ босди. Шу тобда кўзимга Сатторов мактаб болаларининг катта тарбиячиси — педагог эмас, Фармоновга ўхшаш қўпол одам бўлиб кўриниб кетди. Жавоб қайтаришга тилим бормаи қолди. Сенинг юрагингдагини тушунмаган, тушуниб у ёқда турсин, тамом тескариликка йўлган одам билан тортишиб ўтиришининг ҳожати борми?..

Белимдаги фартуғни шартта ечиб, шийпонга улоқтирдим-да, жўнаб кетдим.

— Ҳей, ўғлим, менга қара!— бақирди Сатторов. Қарамадим. У гўлдираганча қолди.— Майли қилмишингдан кўр, бола. Ҳаддингдан ошиб кетибсан. Бўш қўйборганимизнинг касри бу!..

Ўйлайвериб бошимга оғриқ кирди. Уйга келиб ётиб олдим. Аям бутун сирдан хабардор бўлди-ю, дадам мени даладан шамоллаб қайтган гумон қилди...

Уқувчилар пахтадан қайтишди. Янги йил ҳам кирди. Шу орада бир-икки марта директорни кўрдим-у, тагин пахтадаги гап эсига тушмасин деб ўзимни четга олдим. Зора эсидан чиққан бўлса, деб юрүвдим, йўқ, унутмаган экан, бир куни мени кабинетига чақириб қолди. Уша гап...

— Бўлар иш бўлди,— деди Сатторов, гўё мени аягандай.— Энди бу масалани ўртага қўйсақ, сенга ҳам, мактабимизга ҳам ярашмаган гап бўлади. Яхшиси-чи, ўғлим, сўз берасан...

— Шундай, ўғлим. Қилмишингга очиқ иқроп бўласан, ёзма тарзда,— деди ва олдимга қалам билан қоғоз қўйди. Мен елкамни қисиб унга бақрайиб қолдим. У, ёш гўдакка ўргатгандай деди.— Ёз!.. Товба қилдим, иккинчи мунақа номаъқулчиликни қилмайман деб...

Шу тобда томоғимга бир нима тиқилиб келди-ю, лекин мактабда ўтирганимни ўйлаб, ўзимни аранг босдим, ҳеч нима демасдан, шартта туриб, чиқиб кетдим. «Товба, ахлоқий бузуқ иш қилдим, деб бўйнимга олармишман. Қачонгача мени гўдак ҳисоблаб, калака қиладилар-а?! Ундан кўра мактабдан кетсам кўчада қолармидим...»

Юрагинг сиқилганда биринчи бўлиб хасратингга шерик бўлади-ган, кўнглингдагини топиб, сенга одилона маслаҳат кўрсатадиганинг — онанг.

— Менга қолса-чи, болам,— деди аям.— Директорнинг кўзига ёмон кўриниб юргандан кўра, техника-билим юртига ўтиб кетганинг ҳам маъқул эди. Фақат даданг!..

— Дадам билан гаплашиб, унга тушунтирсангиз-чи?

— Тушунтиришдан фойда чиқармиди. Дадангни муддаосини биласан-ку! Мактабни битирганингдан кейин қандай қилиб бўлса ҳам институтга киритиш...

— Қандай қилиб, ахир? Мен учун имтиҳонни дадам тошпиради-ларми?— дедим кулгим қистаб.— Кучим етмаса, унда ора йўлда қоламан-ку!

— Ақлингга балли, ўғлим. Катталардай фикр юритадиган бўб қоляпсан. Билим юрти эшигини катта очиб: қани, даргоҳимизга марҳамат, сизни ўрта маълумот олишингиз баробарида хоҳлаган касб эгаси ҳам қиламиз, деб турса...

— Шароитларини айтмайсизми!

— Шароитларини кўябер. У ердаги ўқиш даври меҳнат стажи бўлиб қўшилишини айтгин. Яна, олий мактабга катта йўл, дегани-я! Қани дадангга буни тушунтираолсак...

Ташвишим ошиб, миям гангиб юргандим, директор мени кўриб: «Ҳа, айтганимни қилмадинг-а?» деб қолди. Директоримизнинг синчковлиги, ҳамма икир-чикирларга аралашаверишини сезардим-у, кўнглида гина сақлаш одати борлигини билмас эканман. Нима демоқчи бўляпти ўзи? Йўқ айбларимни ўртага солиб, мани кўпчиликка шарманда қилмоқчимми? Ундан кўра кўзига кўринмай қўя қолсам-чи?.. Шахарга, холаминикига кетсам-чи?.. Уйлай-уйлай, астойдил шу фикрга келдим. Йўлга тайёргарлик кўра бошладим.

— Уйлагин, ўғлим,— деди аям, бу ҳаракатимни билиб.— Кетсанг яна хунук бўлади. «Айби бораканки, қочибди» деган гап-сўз тарқалади. Эл оғзига элак ёпиб бўлмайди, деганлар.

Мен иккиланаман. Унга-мунга алаҳсиб, ўзимни юпатмоқчи бўламан. Лекин қулоғим остидан директорнинг «айбларинг» деган сўзи кетмайди. Айбим нимада ўзи? Синфдош қиз билан дўст тутинганимдами? Дўст тутинсам айбми? Ахир Зухра бечорага кимдир ёрдам бериши керак-ку?! Ердам берсам нима қилибди? Аямнинг тошпириғи ҳам шундай бўлганиди-ку! Ахир яқин кишинг қийналиб қолганини кўра-била турсанг-у, ёрдам беришдан юз ўгирсанг, шу одамгарчилик бўладими?

Ун иккинчи боб

Аямнинг раъйини қайтариб, холаминикига кетганим яхши бўлмабди. Бир ҳафта юриб қайтсам, мактабда, маҳаллада дув-дув гап: «Тоҳиржон Нуриддинов гуноҳ иш қилиб, қочиб кетибди», «Директор уни мактабдан ҳайдармиш...» Баъзилар бўлса: «Бир қиз Тоҳирни билим юртига эргаштириб кетибди», деган овоза тарқатишибди. Буниси ўтиб тушди. Товба, мен шунақа лақма эканманми, биттаси юр, деса, эргашиб кетаверадиган. Ўзим ҳам билим юртига жон деб борардим-а, уйда тўсқинлик бўлмаганда!.. Болалар менга ғалати қарай бошлашди. Бир хиллари бетга чопарлик қилиб: «Ҳа, ошна, бу гал овинг юришмабди-да?» деса, айримлари кўзларини қисиб, лабларини бурганча масхаралаб ўтишарди.

Уйланиб қолдим: «Директор мени ёмон кўриб қолмаса шу гап-сўзлар бўлмасди. Энди бу ердан кетмасам бўлмайди!.. Дадамни кўндириш керак. Нима учун аям гаплашолмайди-а, дадам билан? Ҳурмат қилганиданми ё ҳайиққаниданми? Улар ўртасида ўхтин-ўхтин машмаша чиқиб туради. Менинг устимдамас, бошқа нарсалар устида. Айниқса дадамнинг улфатчиликка кўп қатнашиши, тонг отар базмларда қолиб кетиши устида... Яна менинг тўғримда сўз очиб, янги жанжал чиқаришдан чўчиётган бўлса-чи! Майли, унда ўзим гаплашаман, дангалига...»

Оқшом дадамнинг чиройи очилиб турганини кўрдим-да, аста сўз очдим...

— Нима, нима,— ўшқирди у.— Бу сўз бир оғзингдан чиқди иккинчи чиқмасин! Сени ўқитишдан мақсадим — тракторга миндириб, қора мойга белаб қўйишмас...

Суҳбатимизга қулоқ солиб турган аям, ўзини босолмай:

— Ҳой, нима деяпсиз, дадаси,— деди яқин келиб,— трактор минганларни мунча оёқ ости қилмасангиз? Бутун элни ётқизиб-турғизаётганлар ана шу ҳунар эгалари-ку, ахир! Инсоф билан гапирингда!..

— Бу ташвиқотингизни шогирдларингизга қилинг, аяси!— деди дадам ундан баланд келиб.— Очиғини айтсам-чи, училищига мактабдан қочганлар киради, ҳа, ўқувини эвлалмаганлар!..

— Аяжон,— дедим ёлвориб,— ҳадеб ўзингизни хуноб қилавермасдан дадамнинг сўзларига хўп дея қолсангиз нима қиларкин, а?

— А-а? Нима, аҳдингдан қайтмоқчимисан? Мен сени катта киши бўб қолдинг деб суюниб юрсам, шу ерда жиндак болалигинг сезилиб қолди-я!— Мен миқ этолмадим.— Қайси она ўз боласининг келажақ тақдирига бефарқ қарай олади, а?!

Янглишганим учун узр сўрадим...

Ичим тўлиб, кўнглимни кимга ёзишни билмайман. Зухрани кўргим келади. Дадасини ҳам анчадан бери кўрганим йўқ эди. Эрта билан бозордан иккита патир билан анор олдим-да, Зухраларниқига жўнадим. Уларнинг эшигидан гарч-гурч амиркон этикли олифта, гажакли, қулоқларига бир парчадан қашқар болдоқлар таққан хотин чиқиб келаётган экан. У менга сурмали кўзларини жаланглатиб, ўсмали қошларини чимириб турди-да:

— Сиз ким бўласиз, оповси?— деди.

— Менми?..— Шошиб қолиб, таваккалига дедим:— Зухранинг акаси...

— Акаси? Вой, ажабми?— Ишонмасдан яна гапни айлантирди.— Ешсиз-ку?..

— Хасаниман,— дедим, ўзимни кулиб юборишдан аранг сақлаб.

— А, ажабми?

Олифта хотин елкасини қисди-да, орқасига қарай-қарай жўнаб кетди. Ҳайрон бўлиб қолдим: «Ким экан у? Мунча қизиқмаса менга?» Ҳовлига кирсам, айвонда Зухра аммаси билан гижиллашиб турибди.

— Нима гап ўзи? У хотин ким эди?

Аммаси жавоб бермай, товуқхона томон ўтди. Қовоғи солиқ Зухра мени кўриб, бирдан хохолаб кулиб юборди-да:

— Элчи,— деди. Унинг овозида, важоҳатида ҳеч кўрилмаган ҳол бор эди. У аломат бир жумбоқ қаршисида ўзини йўқотиб қўйган одамга ўхшарди.

Мен бақрайганча қотдим.

— Нима деяпсан ўзинг? Ким экан у?

— Айтдим-ку, «элчи» деб,— деди яна қотиб кулганича. Ўзини аранг босиб олганидан сўнг, мени айвоннинг лабидаги беқасам кўрпачага, ёзуғлик дастурхонга таклиф этди, ўзи чойнакни кўтариб ошхонага ўтди. Мен қаққайганимча туравергандим, Зухра чиқиб, яна қистади:

— Утиравермайсизми, ахир!.. Меҳмондорчиликни ўзимиз давом эттирамиз!

— Ахир нима бўлди, ўзи? Гапиралоқ!..

Мен қўймаганимдан кейин, Зухра «ҳеч кимга айтмаслик» шарти билан бор гапни айтиб берди. Чиндан ҳам қизиқ воқеа бўлган экан.

Бояги хотин Зухранинг эшигидан худди ўғри мушукдай секин кириб келибди. Кўзи аланг-жалаңг, бировни қидиргандай. Зухра «келинг, хола» деб олдига борганакан, маҳкам елкасидан тутиб, «Вой,

оповси ўргилсин сиздан, худди ўзим кўзлаган, жажжигина қиз экансиз» дермиш... Зухра унинг чангалидан аранг сирғалиб чиқибди-ю, лип этиб уйга кирибди. Қайтиб қорасини кўрсатмабди. Деразадан қараса, хотин амма билан ҳучоқлашиб узоқ кўришибди. Амма уни ўтқизишга жой тополмай, ҳовлиққанча тахмондан азиз меҳмонларга ишлатиладиган қалин беқасам кўрпачани олиб, тагига солибди. Дастурхон ёзишга киришганида, хотин амманинг енгидан ушлаб: «Овора бўманг, холамоий, чой бўлса бафуржа ичаверамиз. Утиринг, бирпасгина сўзлашиб олайлик», — деб ёнига тортибди.

Улар дарров тил топишишибди: хотин аммани «холамоий» деса, амма: «пошша, пошшахон» дермиш. «Бирпасгина сўзлашамиз» деган одам бемалол чордона қуриб, гапни чортанг қилибди. Гоҳ овозлари баланд, гоҳ паст эшитилармиш. Зухра сезса, «пошша» ўлгудай авроқчи, гап орасида аммага бир нималар ваъда қилармиш, «укам ундоқ, укагинам мундоқ» деб аллакимни мақтармиш. «Акамнинг данғиллаган участкалари, яп-янги «Волга»лари бор» деб оғиз кўпиртирармиш. Зухра бу чучмал гапларни эшитган сари гижинибди. Бир кўнгли шартта хотинни олдига чиқиб: «ҳой, пошша опа, бу ерга янглишиб келибсиз, сиз кўзлаган одамлар бошқа, йўлингиздан қолманг!» дегиси келибди-ю, аммасидан ҳайиқибди. Хотин жилиши билан аммаса олдига чиқиб: «Мунча гапни чўзмасангиз, сўзларига маҳлиё бўлиб!» деса, аммаса: «Қулчиликка келдим деб бўйин эгиб турса нима қилай» дермиш. Пошшахонга: «Келганингиз учун раҳмат, лекин қизимиз энди ўн еттига қадам қўйди, узр!» деган экан, у бўш келмасдан «унашиб қўяверайлик, бир йил ҳадемай ўтиб кетади» дебди. Амма: «Қизим ўқиб ҳунар эгаллаш ҳаракатида. Икки йилсиз ўқиши битмайди. Ундан кейин қизимизнинг ихтиёри ўзида, дадасида. Мен бир нарса деёлмайман, деб қутулмоқчи бўлган экан, «Қизингиз тўйдан кейин ҳам ўқиверади. Сиз ота-бола билан сўзни пишитиб қўйинг, жон холамоий, яна келаман» дебди сурбет...

Зухра бу гапларни менга кула-кула сўзлаб берди. Азбаройи менга ишонганидан ичига ютиб кетолмади. Айтишга айтди-ю, уялганидан қулоқларигача қизариб кетди. Мен ҳам ноқулай аҳволга тушдим. Сал вақт бир-биримизга қарай олмай қолдик...

— Дадангларни кўргани келувдим, — дедим ниҳоят сўзни бошқа ёққа буриб.

— Мени-чи? — деди Зухра боягидай ҳазил оҳангида.

— Сени ҳам, — дедим.

Хуллас, суҳбатимиз қовушмади. Ичимда йиғилиб қолган гапларим бор эди, бўғзимдан чиқмади.

— Хўп, дадангларни сўраб қўйгин, — дедим-да, ўрнимдан қўзғолдим.

Кўчада чойхона томондан қўлтиқтаёқни дўқиллатиб келаётган Жавлон амакини учратдим. У, пешонаси ва юзлари чандик, кўзларида қора кўзойнак, ранг-рўйи ўзгариб кетган, чап оёғини судраб босар эди. Зўрға танидим. Раҳмим келиб кетди.

— Сизни кўргани келувдим, — дегандим нақ боши осмонга етгудай бўлиб, қуюқ омонлашди.

— Ўзим ҳам сенга кўз тутган эдим, укам, — деди кўнглини очиб. — Узоқламай келиб турсанг яхши бўларди. Зухра янги мактабга бориб қолди. Тағин қоқилиб, юзи шувит бўлиб қолмаса, дейман. Ёрдамингни тўхтатмасанг, деганидим, ука...

Ўн учинчи боб

«Пошшахон» воқеаси мени ўйлатиб қўйганди. Ғўё Зухранинг уйига борсам, яна ўша сатанг дуч келиб: «Ҳай, бола, сен Зухранинг акасимассан, отинг ҳам Ҳасанмас!» деётгандай туюларди. Лекин Жавлон амакининг самимий муомаласи, «келиб тургин» дегани менга далда берарди. Бирмунча вақтни ўтказдим-да, таваккал қилиб яна

уларниқига бордим. Уйда аммадан бошқа ҳеч қайсиси йўқ экан. Амма негадир одатдагидан совуқроқ қарши олди. Тагимга кўрпача ҳам солмади. Чайналиб-чайналиб, бировларни «тил» қилиб деди:

— Оғзи кўчада қолган қўшни хотинлар сени бу ерга келиб юрганингни кўришибди. Кимлигингни сўрашди. Бўйи егиб қолган кизниқида бегона йигит нима қилиб юрибди, деб ҳайрон бўлишди. Мен, «у бегонамас, қадрдонимизни боласи; йигитмас, ўқувчи бола-ку» десам, «мўйлови сабза уриб қолибди-ку» дейишади.

Амма буни кулгига олиб, «оғзи кўчада қолган»ларнинг гийбати дея масҳаралаяндай гапирса ҳам гап оҳангидан уларга қўшилиша-ётгани сезиларди. Нима демоқчи бўлгани тушунарли эди. Шундоқ пайтларда айтишса керак-да, ер ёрилмади-ю, ерга кирмадим деб...

Узоқ вақт бу уйдан оёғимни тортдим. Зухра билан кўришишнинг иложи қолмади. Билим юрти район марказига яқин, ярим соатчалик йўл-ку, боришга юрагим бетламайди. Менинг ўзимдан ҳадигим йўқ, оғзига кучи етмаганлар нима деса деяверсин. Лекин янги жойда Зухра гап-сўз бўлмасин, дейман. Кўришувга пайт пойлайман.

Дам олиш куни ҳаво булут, баҳор ёмғирининг ҳиди келади. Кўчага чиққим келмай, дарс тайёрлаб ўтирсам, велосипедда Абил кириб келди. Эгнида қорамтир, торгина билим юрти формаси, велосипед дастасига халта, пақирча илган, «сирли» таёғини чандиган. Оғзи қулоғида, босар-тусарини билмайди. «Балиқ овлаймиз!» деб туриб олди.

— Шу ҳавода-я! Осмонни қовоғи солиқ-ку, қара! — Чиндан ҳам баҳор оҳирлаб қолганига қарамай, осмонни тоғ-тоғ булутлар қоплаб, ҳаммаёқни қоронғилик босиб келмоқда эди.

— Айни шунақа ҳавода балиқлар гужғон ўйнайди. Шаппа-шаппа қармоққа илинганини кўриб, оғзинг очилсин. Пақирчани тўлатиб, балиқ шўрва қайнатамиз. Мазза!

Суҳбатимизни эшитиб турган аям:

— Бора қол, ўғлим, ўртоғинг билан. Балиқ шўрвадан бизгаям олиб келинглар! — деб кулиб қўйди.

Эринибгина ўрнимдан турдим-да, анчадан бери минилмай чанг босиб ётган мотоциклнинг бўшашган баллонига дам бердим, болтларини маҳкамладим. Холаваччам неча ой миниб, тунов куни шалоғини чиқариб ташлаб кетганди. Ҳозир кўчага чиққим, айниқса Абилнинг қуруқ сафсаталарини эшитгим йўқ эди-ю, лекин билим юртидагилар ҳақида бирор янгилик биларман, деган умид туғилди. Йўлда ёнма-ён борарканмиз, сўрадим:

— Билим юртига ўтганинг аниқми? Энди пушаймонинг йўқми?

— Бўмаса-чи! Ўзи аканг қарағай борадиган жой экан. «Лабдаҳанинг борақан» дейишиб, группага староста қилиб қўйишди. Биттаси мени «даст панжаси келишган кўринади» деганакан, дарров бадиий ҳаваскорлар тўғарагига олишди. Май байрамида, десанг, саҳнага чиқиб чилдирмани даканглатдим-ку, энг кўп чапак олган аканг қарағай бўлди. Бизнинг билим юртимиз-чи, Белоруссиядаги билим юрти билан мусобақада экан, ёзда ансамблнинг энг яхши аъзолари саёҳатга юборилади, дейишяпти. Эҳ, мазза! Борсанг, антиқа нарсаларни кўрсатаман. Борсанми? Ҳа, айтмоқчи, бошқа синфдошларни, қизларни, соғинмадингми?

Абил бир вақт Зухрага тил тегизиб, бизнинг дўстлигимизни бузмоқчи бўлиб, яхшигина «сабоқ» олганди. Ҳозир унинг отини кўпчиликка қўшиб айтгани ҳам шундан.

— Яхши ўқишяптими? — сўрадим ўзимни бепарволикка солиб.

— Ў, нимасини айтасан. Агарда Зухрани сўрасанг-чи, ўқишдаям, ишдаям бало. У Мария деган қиз билан топишиб олган, кеча-ю кундуз бирга. Мария комсомол бюросига аъзо. Зўр, шаддод қиз!

Абилнинг тилини қичитиб, бошқа сўз сўрамадим. Биз қишлоқнинг этак томонидаги кўлчаларга яқинлашгандик. Бу кўлчалар баҳор кези сой тошганида ҳосил бўлади. Уларда майда балиқлар кўп бўларди. Ҳордиқ кунлари бу ерда қармоқ тутган болалар гужғон ўйнарди. Бугун

ҳеч зоғ йўқ. Биз кўлга қармоқ солганимизда ёмғир тезлашди. Шошиб қолдик. Яқин ердаги қайрағочлар тагига бориб бирпас кутдик. Ёмғир тинавермагач, қайтишга чоғландим. Абил эса парво қилмай, қармоқнинг силкинишини кутар, «Албатта, қулоқ шўрва ичиб кетамиз!» деб кулгимни қистатарди. Хуллас, у балиқ тутмасдан қайтишни ор билдими, ўжарлик қилиб турволди. Шундан сўнг мен орқамга қайтдим. Абил эса:

— Билим юртимизга, албатта, боргин-а, оғайни, кутаман!— деб тайинлаганча қолди.

Сувга тушган мушукдай уст-бошимнинг шалаббоси чиқса ҳам, кўнглим анча ёзилгандай бўлди. Билим юртига боришим учун баҳона топилгандай эди...

Бир куни ҳаво чарақлаб турганда дарсдан эртароқ чиқиб, район маркази томон йўл олдим. Районнинг чўлга туташ, янги обод бўлган жойидаги баланд темир дарвоза узоқдан кўриниб турар, дарвоза пештоқиға қизил бўёқда билим юрти номи ёзилган, кўзга элас-элас чалинарди. Дарвоза ёнида мени енгига қизил лента боғлаган қоровул чол кутиб олди-да, қаердан, нима учун келганимни суриштирди. Мен гапни қисқа қилиб ўтиб кетай дегандим, йўлимни тўсди.

— Сен, болакай, ҳовлиқмай тур. Бу ернинг ўз тартиби бөр. Танаффус бошлансин, керакли одамнинг қақриб бераман,— деди.

Кутдим. Кўп ўтмай кўнғироқ чалинди. Бу ернинг кўнғироғи ҳам мактабникидан бошқачароқ, жаранглаб эшитиларди. Бирпасда баланд бинолар олдидаги кенг ҳовли болаларга тўлди. Отнинг қашқасидай таниш болалар ҳам кўриниб қолишди. Қоровул эзмаланиб суриштиргунча Абил, Илҳомлар мени кўриб олдимга югуриб келишди. Абил қоровулнинг феълени билгани учунми, унга мени «қишлоқ мактабининг вақили, билим юртимиз билан танишгани келган» деб таништирди. Қоровул эса «қанақа қилиб шу ёш бола мактаб вақили бўлсин» дегандай елкасини қисганди, Абил хушёрлик қилиб: «Ҳам Мамажон тоғанинг жияни» деб қўшиб қўйди. Қоровул «Мамажон тоғанинг жияни нечта ўзи?» деганиди, Абил: «Кўп жуда!» деди. Кейин мен Абилдан:

— Нега энди Уста бувани пеш қилдинг?— десам, Абил:

— Уста бувадан ҳамма ҳайиқади,— деди.

Биз кириб боргунимизча ҳовли юзи бўшаб қолган, болалар ўзларини нарёқдаги майдонга уриб, ҳар хил ўйинга берилишган эди. Бир тўдаси тўп теспа, бошқалари нарироқда волейбол ўйнашмоқда. Ҳаммадан ҳам чекка-чекка жойларда бошланган теннис, хоккей ўйини қизиқарли эди. Майдон чинакамига катта стадионни эслатарди. Абил билан Илҳом майдонда кунига мусобақа тинмаслигини, ўзлари ҳам ўйинларда анчагина усталик кўрсатишганини бири олиб, бири қўйиб, сўзларди. Уларнинг хурсандликлари сезилиб турарди.

— Мана бу ёқни кўрсатайми, Тоҳир?— деди Абил, бир катта сарой ёнига келганимизда.

— Бу ёқда нима бор?

— Чорва фермаси...— деди мени ажаблантириб.

— Қўйсанг-чи, училищеда ферма нима қилади?

— Ишонмаяпсанми, ҳозир кўрасан...— Абил ланг очиқ сарой дарвозасидан шундоқ ичкарига қаради-ю, остонада тўхтади.— Дарс қилишяпти...

Ичкарига қарадим. Ферма бўлгандаям замонавий ферма. Барча ишлар машиналашган. Фақат сигирлар кўринмайди, холос. Машиналар олдида бир йигит йигирма-ўттизта талабани ўз оғзига қаратиб, механизмларни ишлатиш йўлларини кўрсатиб юрибди.

— Сен қидирганлар ҳам шу ерда,— деб қўйди Абил, менга қувлик билан кўз қисиб.

Талабаларнинг кўпи қизлар. Эгниларидаги фартук, бошларидаги дуррача бир хилда кўм-кўк бўлгани учун уларни бир-биридан ажратиш қийин эди. Улар орасида Зухрани кўрган бўлсам ҳам,

кўрмаганга олдим. Биз нари кетдик. Осмон барабар корпуснинг орқасига ўтганимизда кўзим машиналар саройига тушди.

— Ана энди, оғайни, эсингда бўлса, ҳув анави фильм қахрамонларини кўрасан...

Худди заводни эслатувчи бу бўлим тажриба участкаси экан. Унда илгари мен кўрган ё эшитган машиналарнинг ҳамма хилидан бор эди: самосвал, трактор, бульдозер, экспрессор, экскаватор ва ҳоказо. Машиналарнинг қисмларини тушунтираётган бобойнинг сўзларини говур-гувур ичида кўпчилики эшитмас, унга сари бўғилиб:

— Секинроқ, ҳой болаларим, ҳой жиянларим! Чуғурчуққа ўхшаб хадеб чулдирайверманглар, кулоқ солинглар гапимга!..— дерди. Эғнида жомакор, бошига нимдош шапкасини бостириб олган, мошкичири соқолли. Қарияни яқинроққа борганда танидим. Мамажон тоға, яъни эски қадрдонимиз Уста бува экан. Тоға мени таниб:

— Э, жиян, бормисан, яхши келибсан, бутунлай келдингми?— деб қолди.

— Кейин,— дедим дудмол қилиб.

— Аммо, училищемизни мақтамаймиз, ўз кўзинг билан кўргин, жиян. Келсанг янглишмайсан.

Бу ерда кўрадиган нарса кўп-ку, «мен қидирганлар» йўқ эди. Улар қаерда экан? Кимдан сўрашни ҳам билмай турган эдим, малла сочили қиз — Мария кўришиб қолди. Унинг кетидан эса Зухра етиб келди. Аввал Мария, кейин Зухра билан қўл беришиб, аҳвол сўрарканман, Зухра «чорвачилик участкасида тажриба ўтказаетгандик» деди.

— Нима қиласан бекитиб?— деди Мария ўзига ярашадиган қувноқлик, шарттакилик билан.— Биз ҳозир азиз бир меҳмонни кузатиб келдик...

— А, қанақа меҳмон экан?— десам, Мария:

— Жуда азиз меҳмон!— деди кулиб.— Ҳа, қизиқяпсанми? Агар қизиқсанг, айтиб беришим мумкин.

Мария мен билан эски қадрдонлардек очиқ муомала қиларди. Демак, Зухра мен тўғримда гапириб берган...

«Жим!» деб унга лабини қисиб қўйди Зухра. Мария эса парво қилмасди.

Илҳом бу ерга келиши биланоқ, машиналар олдида уймалашган болаларга бориб қўшилганди. Лекин Абил қизлар олдидан жилмай кулоғини динг қилиб турарди. Мария: «Бор, тумшуғингни суқма!» деди. Абил «бўпти, машинамга бориб минаман» деганояча кетди.

Мария мени шовқиндан нарироққа тортди-да, ҳикоясини бошлади. Боя қизлар дардан чиқиб, ошхонага киришаётган экан. Қоровул чақирибди. Боришса, дарвоза ёнида бир хотин турганмиш, худди артистга ўхшаб ясанганмиш.

Мария:

— Холажон, бизда нима ишингиз бор, тез айтақолинг, вақтимиз зиқ,— деган экан, хотин унга эътибор бермасдан Зухрага қарабди.

— Сизни бир кўришдаёқ юрагим жиз этган. Кейинги боришларимда учратолмадим, опоқ қизни. Аммангиз рози бўлиб, ўзингизга ташладилар. Дадангиз билан ҳам келишамиз. Сиз «йўқ» деманг, опоқ қизим, шоширмаймиз, кейинги йилда бўладиган гап. Майли десаңгиз...— дебди.

— Бўлди, холажон, тушундим. Мендан сўранг дугонаминг розилигини!— деб Мария яна сўзга қўшилишибди. (Унга Зухра совчи воқеасини айтган экан.)— Дугонамни келин қилмоқчи бўбсиз. Майли-ку, сиз уни яхши билволдингизми? Еки аммаси мақтаганига ишониб ўтирибсизми?

Хотин лол қолиб, Мариянинг муғомбирона кулиб турган кўзларига «бу нима деганинг!» дегандай ажабланиб боқибди. Зухра эса кулиб юборай деб юзини тескари буриб турганмиш.

— Билмасам шундан шунга йўқлаб келармидим, синглим. Битта

аммасиданмас, нечтаям одамдан эшитдим Зухра қизимнинг яхшиликларини.

— Камчиликларини-чи?

Хотиннинг таажжуби ошиб, ўсма қўйган қошларини чимириб, сўрабди.

— Сиз Зухранинг кими бўласиз, сингилжон?

— Айтдим-ку, дугонаси деб. Тўғрироғи, опаси...

— Опаси? Ажабми? Нега дугонангизни камситасиз?

— Камситаётганим йўқ. Тагин ҳеч қанақа камчилиги йўқ экан, деб янглишманг деяпман-да...

— Вой, товба! Шовақигина экансизми, сингилжон. Мен ҳазилма-зах биланмас, яхши ният билан келганман. Ишонганимдан, икки ёшнинг бахтини кўзлаб, розилик сўраб...

— Майли, холажон, мени кечиринг-у, куёв боланинг кимлигини билмай туриб, қандай, розилик берсин?

— Сизлар ҳам суриштиринглар у ёғини, бемалол...

— Олдинга ўзингиз айтиб берақолинг, холажон, илтимос, — дебди Мария ялингандай бўлиб, юзига жиддий тус бериб.

Хотин уйлантирмоқчи бўлган укасини таърифлашга тушибди. Оғиз кўпиртириб айтишича, укаси райондаги каттакон бир ошхонада бош ошпаз, топармон-тутармон, оёғидан ўт чақнайдиган, уддабурро йигит экан. Сўз орасида йигитнинг басавлатлиги, хушмуомалилиги, данғиллама участкада туриши, ҳатто яп-янги «Волга» миниб юришига-ча айтибди.

— Яна тилим қичиб, «Волга»си фақат биттами?» деб сўрай дегандим. Зухра «гағни кўп чўзма» деб биқинимга туртди, — деди Мария кула-кула. — Лекин бари бир қўймадим, укасининг нечага кирганини сўрадим. Буни аниқ айтмай: «Ёш ҳали, айланай, ўн гулидан бир гули очилмаган» деб қўйди. Энсам қотиб, яна савол ёғдирай дедим-у, ўзимни аранг босдим. Хотин мендан юз ўгирди-да, Зухрани кучоқлаб хайрлашаркан, Зухра унга: «Холажон, энди бу ерга келманг» деса, хотин: «Уйингизга боравераман» дейди. Зухра «Уйдаям бўмийман, кўчиб кетаман» деганиди, хотин ишшайиб: «Бари бир жавобингизни олмагунча қўймайман, оповси!» дейди. Ўзиям роса хира экан-да!

У охори тўкилмаган кристалон кўйлагини шилдиратиб пилдираганча катта кўчага чиқиб борибди-ю, муюлишда турган ошпоқ «Волга»га ўтирибди. «Волга» ўтиб бораркан, ҳайдовчи йигитга тикилишибди. Мушукникидай мўйловли, йўғон, камида ўттиз ёшли кишимиш.

Бу ҳангомаларни ҳазилга йўйиб қўя қолдим. Лекин Зухранинг совчига «кўчиб кетаман» дея қилган жавоби ғалати туюлди менга.

— Ўша гапингни ўйлаб айтдингми? — десам, Зухра:

— Ҳа, энди кўрамиз-да, — деб қўйди.

Қайтишимда Абил мени кўчагача кузатиб чиқди-да, ялиниб қолди:

— Сатторовга айтгин, ҳужжатларимни бера қолсинлар. Бу ерга қаттиқ ўрганиб қолдим, қайтиш йўқ энди. Шунақа экскурсияга келиб тургин, жон ўртоқ!..

Ўн тўртинчи боб

Эшитиш бошқа-ю, кўриш бошқа деганлари тўғри экан. «Экскурсия»га боришдан асосий мақсадим Зухрани кўриш эди. Унинг баҳонаси билан кўп янгиликларни билиб келдим. Кўзимга у ердаги ҳаёт — одамларнинг муомаласи, бутун хатти-ҳаракати бизнинг мактабдагидан бошқачароқ туюлди. Ойлар, кунлар ўтган сари бу ҳавас кучая борди. «Нима бўлсаям шу йил кузда, албатта, дадамни кўндириб, ҳунар мактабига ўтаман» деб аҳд қилиб қўйдим. Лекин янги

ўқув йили бошлангач, бу мўлжалим чиппакка чиқди. Биз — ўнинчи синф ўқувчилари алоҳида бир назорат остига тушиб қолдик. Синф раҳбари, ўқитувчилар, комсомол ташкилотидан тортиб директоргача ҳамманинг кўзи бизда. Фақат ўқишимизнимас, юриш-туришимизниям текшириб, тергаб турадиган бўлишди.

Мақтабимизнинг тўлиқ ўн йилликка айланганига уч йил бўлди. Утган йили ўнинчини икки синфда олтмиш бола тугатган бўлса, шулардан етти-саккизтаси аттестат ололмади. Бу нарса мактаб билан ота-оналар ҳамда юқори ташкилотлар ўртасида кўп жанжалга сабаб бўлди. Директорга озмунча гап тегмади. Директор бу йил ўшанақа дилсиёҳликларнинг олдини олмоқчи, қандай бўлмасин, ҳаммамизни аттестатлик қилмоқчи. Шу сабаб терговни кучайтирса кучайтирдик, ҳеч сусайтирмади.

— Ортиқ чидаб бўлмайди бу аҳволга! — дейишди болалар менга ёпишиб. — Сени ким айтади комсорг деб! Сал дам олайлик, бироқ жойга мундоқ бориб келайлик демасанг!..

Мен болаларнинг арзларини мактаб комсомол комитетининг секретари Салимга айтгандим, унинг жони-пони чиқиб кетди. Ўзи ўлгудай кўрқок, директор олдида болаларнинг ёнини олиш у ёқда турсин, унинг кабинетига киришдан ҳам чўчирди. Салимдан иш чиқмагач, айрим болалар ўзларини у ёқ-бу ёққа ташлай бошлашди. Дарс тайёрлашга келмаганларни муаллимлар мендан сўрашарди. Мен бўлсам турли баҳоналар тўқирдим. Ёлғончилигим гоҳо ўзимга қор қилиб кетарди.

Кунлардан бирида мактабда дарс тайёрлашиб ўтиргандик. Шериклардан бирови:

— Хей, хабарларинг борми, бугун футбол-ку! — деб қолди.

Машғулот таққа тўхтаб, ҳамманинг хаёли бугун райондаги стадионда бўладиган футбол мусобақасига оғди. Очиғи, ўзимнинг юрагимга ҳам гулгула тушди. Бугунги мусобақада районимиз терма командаси қўшни район командаси билан ўйнайди. Терма командада менинг танишларим бор. Уларнинг ўйинини кўришга олдиндан аҳд қилиб қўйгандим. Секин коридорга чиқиб девор соатига қарасам, футболнинг бошланишига бир соатча вақт қолибди. Кейин ўқитувчилар хонасига мўраладим. Диванда Боқиев ёнбошлаб ётибди.

— Бўшашмасдан сўрагин, Тоҳир, футболга йўқ демаслар. Ўзлариям, ху аунда футболга борганларини кўрганман-ку, — деди болалардан биттаси.

Боқиев кириб келди. Мизғиб олгани учунми, чеҳраси очиқ эди. Шундан фойдаланиб, таваккалига болаларнинг илтимосини айтдим.

— Футбол, ҳим... — деб ўйланиб қолди Боқиев. Нимани ўйласа ўйласин, ҳарҳолда мен кутганча сачраб тушмади, афтидан хиёл мойиллиги сезилди. Пешонасини қашлаб туриб, огоҳлантирди. — Сенларга битта шартим бор. Футболни кўриб яна шу ерга қайтасанлар, дарснинг чаласини битирасанлар. Агар шундай қилмасанглар ўзларингдан кўрларинг. Директор бир нима деб қолса ёнларингни ололмайман...

Агар шу топда домла «кечаси билан синфда ўтириб чиқасанлар» деса ҳам хўп дейишга рози эдик. «Қаёқдан кун чиқди» деб болалар хурсандликдан синфни бошларига кўтаришди. Оёқни қўлга олиб район марказига ошиқдик. Хуллас, биз стадионга кириб борганимизда футбол бошлаганди. Нафасимиз ичга тушиб, ўйинни кузатишарканмиз, болалардан бири тўсатдан ер тепиниб чапак чалиб юборди-ю! «Бу қандай тартибсизлик» деб унга ўқрайсак, бола ичаги узилгудай бўлиб хахолаяпти, ҳадеб орқадаги қаторга имо қилипти. Шундоқ қайрилиб қарамаймизми... Кўзларимизга ишонмай, қангу-манг бўб қолдик... Боқиев!.. Уйинчиларга кўзларини қадаб, худди ўрнидан туриб кетгудай турибди. Гурр этиб кулги кўтарилди. Ён-веримиздаги томошабинлар: «Овозларингни ўчирларинг, бўлмаса ҳайдаб чиқара-

миз!» деб ўшқиритди. Бари бир ўйин охирлагунча ўзимизни босолмадик. Уч-тўрт қатор кетиндаги Боқиев бизнинг бу ҳаракатимизни пайқадими-йўқми — билмайман. Сал ўтиб яна орқага қарасак, Боқиев кўринмади.

Ўйиндан сўнг мактабга қайтиш хаёлимизнинг кўчасига ҳам келгани йўқ. Эртаси мактабда катталардан гап эшитамизми деб кўрққандик. Йўқ, Боқиев ҳеч нарса бўлмагандай саломимизга алик олди-ю, бугун бўладиган қўшимча дарсни эслатганича ўтиб кетди. Зора ҳеч ким билмай қўя қолса...

Шу кезлар мактабдагинамас, уйда ҳам назорат кучайган эди. Директор битирувчиларнинг ота-оналарини битта-битталаб чақиртириб сўзлашди, вазифани тушунтирди, «болангизнинг мактабни муваффақиятли битиришига биз билан бирга жавобгарсиз» деб писанда қилди. Умрида мактабга қадам босмаган менинг дадам ҳам бориб келди. Бориб келди-ю, мени олдига ўтқазиб олиб, худди гўдакка ақл ўргатгандай узоқ насихат қилди. Илгари неча марта айтган: «Ўзим ўқиёлмадим, мақсадим сени олим қилиш», деган сўзларини яна қайтарди.

Мактабимизга район маориф бўлиmidан комиссия келиб, аям эртадан кечгача ўша ерда. Мактабнинг бутун ишларини текширишмоқда. Комиссия нима камчилик топаркин, қанақа фикрга келаркин, деб ҳамманинг қулоғи динг. Болалар, чекка-чеккадан гап топиб келишади.

«Комиссия мактабда ўқиш сифатини паст деб топибди».

«Тартиб-интизом бўшашиб кетган, дебди».

«Ўқувчиларга баҳо қўйишда юзакиликлар бор: баъзи ўқитувчилар ошириб юборса, баъзилари пасайтириб юборади, деб кўрсатибди» ва ҳоказо ва ҳоказо...

Комиссия хулосаси педсоветда муҳокама қилинган. Бунга ўқувчилар ташкилотидан вакил чақирилмаган. Фақат аямни таклифи билан комсомол комитетининг секретари Салим қатнашибди. Салимнинг айтишича, мажлисда тортишув зўр бўлибди. Аям комиссия хулосаларининг айримларига қўшилмабди. Масалан, «ўқувчиларнинг билимини баҳолашда юзакиликка йўл қўйилган» деган жойга аниқлик киритишларини талаб қилибди. Комиссия раиси — район инспектори мисоллар кўрсатишга ботинолмабди.

— Аянг бўш келмади, — деди Салим. — Камчиликка йўл қўйган одамларни номма-ном кўрсатмасак, ишимизни қандай тузатамиз, деди. Ўқувчиларга баҳоларни нотўғри қўйган айрим ўқитувчиларнинг фамилияларини айтди, шулар ичида директор ҳам бор эди. Директор бир иргиб тушиб, оғзини гапга чоғлаган эди, аянг юмшоққина қилиб: «Илтимоc, ўртоқ Сатторов, бир минут сабр қилинг, ҳозир сўзимни тугатаман» деб уни тўхтатиб қўйди. «Очигини айтганда, сиз баҳоларни ошириб қўясиз. Оқибати билан ишингиз йўқ!» дея туриб, бирдан менга савол берди. «Салимжон, ўтган йилги имтиҳонда тарихдан қанақа баҳо олдинг?» Мен «уч» олганимни айтдим. «Шу баҳо унга тўғри қўйилганми?» «Ҳа», — дедим у ёғини ўйламай. «Ана, — деди аянг директорга қараб. — Сиз унга йил давомида «тўрт», «беш» баҳолар қўйиб келгансиз. Фақат унгамас. Буни нима деб аталади?» — деб комиссия аъзоларига қаради. «Кўзбўямачилик!» — деди кимдир. Мен роса ўсал бўлиб, қочишга жой тополмадим. Аранг ўзини босиб ўтирган Сатторов аянгга ҳужум қила кетди: «Нотўғри баҳони қўйган сиз ўзингиз эмасми, Эъзозхон» деб, бир пайт Зухрага аянг қўйган баҳони эслатди. Аянг ўзини йўқотмади: боланинг билими, ахлоқини баҳолаш жуда масъулиятли ҳам нозик ишлигини уқдириб, Зухранинг ўша кезде ўзига ишончини йўқотгани, ўқишни ташлаш фикрига тушганини эслатди. «Қиз билими пастлиги, қобилиятсизлигиданмас, турмуш қийинчиликларидан шу аҳволга тушганди. Нима қилиб бўлсаям унга далда бериб, умид туғдириш лозим эди. Ўзимни-ўзим мажбур этиб, шундай чорани кўрдим, янглишмаган эканман. У аста-

секин тушкунликдан чиқиб мактабга боғланиб қолди. Баҳоларида ҳам ўзгариш бўлди. Агар ўшандай чора кўрилмаганда, қиз саккизинчи синфни ора йўлда қолдириб кетарди...»

Кейин тарбия хусусида ҳам қаттиқ тортишув бўлди. Биттаси «тарбиявий ишни» болалар ўртасида прогулни йўқ қилиш, папирос чекиш, соч ўстириш, қарта ўйнаш, уришиш-сўкишишга чек қўйиш» деб кўрсатса, иккинчиси, «бу масалага кенгроқ қараш керак», деди. Аянг айтди:

— Агар янглишсам кечирасизлар. Менимча, тарбиявий ишни аввало болалар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашдан бошлаш керак. Бир-бирига очиқ, ҳалол, самимий муносабат, ишонч бор жойдагина ишлар яхши кетади, кучли коллектив юзага келади. Баъзида биз ўсмирлар ўртасида туғилиб келаётган ўзаро самимиятни бошқача тушунамиз, тўғрилиқни эгриликка йўямиз-да, дўстликка путур етказиб қўямиз. Агар ўқишдаги, ишдаги дўстликдан шахсий дўстлик туғилиб, бора-бора илиқ муҳаббатга айланса, бунинг нимаси ёмон? Ўғил бола билан қиз бола ўртасида шундай илиқ дўстлик туғилганини кўриб, чўчиб тушадиганлар бор ичимизда. Буни ахлоқ-одобга хилоф деб, дўстликни таъқиқлашгача етиб боришади. Тавба! Бундай ҳаракатлар ўсмирларнинг кўнгилларини вайрон қилиб, пок, самимий интилишларига путур етказди-ку! Бу ёғи билан ишлари йўқ. Ахир бундай ҳаракатимизни кўрган ёшлар бизга ҳурмат-ишончларини йўқотиб қўймадиларми?..

Аянг бу гапи билан пахта теримида бўлган воқеаларни эсга солди.

— Уни-муни қўй, Салим, аямнинг сўзларига ҳеч ким қарши чиқдимми?

— Йўқ, аксинча, ўқитувчилардан бири қувватлаб: «Чинданам ўсмирларга ишонмасак, ҳадеб тергай берсак уларнинг иззат нафсини койинтирамиз,— деди.— Мана ҳозир ўнинчи синфдагиларни ўқишдан чалғимасин деб, кинога ҳам, бошқа томошага ҳам юбормай қўйдик. Бу ҳам хато! Биз таъқиқлаганимиз билан болалар томошага вақт топишади, аммо яшириқча топишади. Биздан сир бекитадиган бўб қолишади. Нима ютдиг-у, нима ютқаздик?..»

Одамлар бир-бирларига маъноли қараб олишди. Битта-яримтаси бизнинг футболга борганимизни эшитиб қолганми, билмадим...

Мажлис чўзилган сари аямнинг тарафдорлари кўпайибди. Директор нима дейишини билмай каловланиб қолибди. Комиссия муҳокамани вақтинча тўхтатиб, текширишни давом эттирадиган бўлибди...

Ун бешинчи боб

С аккизинчи март олдидан район марказига бориб, дўконларни айланиб юргандим, Мария кўриниб қолди. У ўзининг шартта-килигини қилиб, гапни гинадан бошлади:

— Ҳа, қочқоқ, бир кўриндинг-у, кейин қорангни кўрсатмадинг.

Билим юргимиз ёқмадими дейман?

— Гап ундамас. Ишим кўпайиб...

— Зухрадан хабаринг борми?

— Йўқ,— дедим хавотирланиб. Ҳозир совға олиб уйга бормоқчи бўлиб турганимни айтмадим.

— Уртоқ ҳам шунақа беоқибат бўладими?! Кутди, кутди... Боравермадинг. Кетиб қолди.

— Қаёққа?— дедим хавотирланиб.

— Гап ўртамизда қолсин-у, фақат менга айтиб, ўз қишлоғига жўнади. Уйидагилардан қочиб...

— Нима учун?

— Э, бу узун гап. Ўзим ҳам тўла тагиға етолганим йўқ. Ниманидир мендан яширади, бир ётоқда турсак ҳам...

Ҳеч нарса англолмай, Марияга бақрайсам, у «ишим зарур, шофёрим қараб қолди» деганича катта китоб магазини томон шошилди. «Тузукроқ тушунтир!» деб кетидан эргашдим. Мария деди:

— Мартгача келсам керак, деганди. Яна бир-икки кун кутамиз, келмаса ўзимиз хабар оламиз. Адресини олиб қолганман.

Китоб магазинига кирдик. Мария билим юрти кутубхонасига анча китоб олди. Мен совгага атирми, лакми, тушми олсам деб ўйлагандим. Қидириб юраманми деб, китоб ола қолдим. Эртақ китоблари. Зухра эртақни яхши кўради. Мариянинг китобларини машинасига чиқариб бергандим, хурсанд бўлиб, мени уйимга ташлаб ўтди.

— Агар қишлоққа борсанглар, мени ҳам бирга олиб кетинглар, — деган эдим, Мария «индинга эрталаб бор» деганича хайрлашди...

Билим юртининг усти брезентли эски «Виллис»ида йўлга чиқдик. Рулда — Мадамин тоға. Шимол томон борганимиз сари шимол изиллаб, ҳаво салқинляпти. Йўллар эгри-бугри, илон изига ўхшайди. Офтоб тушмайдиган ўнгирлар, дараларда йилтиллаб қор кўринади. Тоққа яқинлашарканмиз, йўл торайиб, машина гоҳ пастлайди, гоҳ баландлайди. Баъзи бир жилғаларда, сув йиғилиб, кўлоб бўлган ерларда машина ғилдираги тойилиб кетади, шунда мен билан Мария бир-биримизга урилиб кетамиз. Мадамин тоға эса бамайлихотир машинасини ванғиллатиб кетяпти. «Эҳтиёт бўлинг, Уста бува, йўл ёмон экан!» десам, у парво қилмай, жавоб берди:

— Э, болам, бу йўллар холва-ку! Ҳар йўлларни кўрганмизки...
— Қаёқни айтяпсиз, Уста бува? — дедим қизиқиб.

Уста бува индамаганди, Мария:

— Фронтни айтяптилар, — деди гапга аралашиб. — Уста бувам шундоқ иш кўрсатганларки... Ҳа, бизга айтиб берувдингиз-ку, Уста бува, қандай қилиб фашистни лақиллатганингизни, буям эшитсин...

— Қўй, болам, ўша кунларни эсласам, юрагим орқамга тортиб кетади...

Мен Мамажон тоғадан машинани қачон ўрганганини сўрадим. У болаликдан отаси ёнида тақачилик қилгани, ўтизинчи йиллар бошида қишлоққа келган биринчи тракторни минганини айтиб берди. Бу одамни қарангки, шунча ишлаб, етмиш ёшни уриб, соч-соқоли оқарса ҳамки, рулни бемалол бошқаряпти-я! Тагин ёшлардай дадиллик, абжирлик билан-а! Қойил!..

— Секинроқ ҳайданг, бува, ҳориб қоласиз! — десам, кулиб:

— Э, ҳалиям тошбақа қадам билан кетяпмиз-ку! Ҳорисам, помошник бор! — деди.

— Помошнингиз мунақа йўллардан юрмаган, — деб қўйди Мария.

— Ҳайдашни биласанми? — сўрадим Мариядан.

— Бизда ҳайдашни билмаган одам борми, — деб қўйди Мария.

Чираняпти деб ўйладим. Оғир йўллар тугаб, адирлар бошланганда, Мария:

— Бу ёғини бизга қўйиб беринг, тоғажон! — деди-да, рулга ўтди.

Худди гимнастикачилардай қўлларини енгил, чиройли ҳаракатлантириб, ўзини эркин тутиб боришини кўрсангиз, хўп ҳадис олган шофёр йигитларга ўхшатасиз.

Тоғ водийсига шахмат доналаридай ёйилган бежирим қишлоқ. Гир атрофи яшил арчалар, гуллаб келаётган бодомлар, турли-туман мева дарахтлари билан қуршалган. Улар жимирлашиб кўзимга жуда бошқача, жуда гўзал кўриниб кетди. Тўйиб-тўйиб нафас оламан, юрагим типирчилайди, худди шу водий устида яйраб учаётган қушларга қўшилиб учгим келади. Ёзда қуёш қаттиқ қиздирмагани, қишда қор кам ёққаниданми, ёнбағирлар сермайса, шоир айтгандай: кўм-кўк, кўм-кўк...

Кенг асфальт йўл бизни қишлоқ ўртасига олиб борди.

Каттакон чинор остида деворлари кўкиш харсанг тошлардан тикланган қўрғонча. Ичкараси кўриниб туради. Урик дарахти остида

супача, унинг ёнбошида устига бўйра ташланган тандир. Олов тутаб турган ўчоқ олдида қотма бир кампир қозон ковляпти. Биз тамбаланган эски эшикнинг ҳалқасини қоқамиз. Белида шол белбоғ, бошига нимдош тивит рўмолини саллача қилган, битта қилиб йўгон ўрилган оппоқ сочи учига эски танга илинган, юзи қип-қизил ҳалиги кампир югура келиб эшик тамбасини туширди, хушмуомалалик билан янги туғилган бузоқчаларини ялаётган ола сигир турган оғилхона қаторидаги бостирмага таклиф этди. Югуриб-елиб дастурхон ёзди.

— Меҳмон ризқи билан келади. Сигирим эгизак туғди, оғиз пиширувдим...

Биз иштаҳа билан оғиз ея бошларканмиз, кампир эшикка чиқиб бир болани Зухрага юборди. Бу меҳмондўст кампир Мамажон тоғанинг қариндоши экан. Икки қариндош хўп эзмаланиб ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгунларича йўқ эдики, Зухра етиб келди. Кўриб кўзларимга ишонмасам-а! Шу уч-тўрт ойнинг ичидаёқ шунча ўзгариш... Тўлишган юзлари-ю, хумор кўзларини, кўк плаш устидаги оппоқ фартукчаси-ю, сариқ резинка этигини кўриб яйрайман. Унга қўл узатарканман, Мария:

— Ачомлашиб кўришмайсизларми, эски синфдошлар!.. — деб бизга кўз қисиб қўяди. Эсимизга теримдаги анув воқеа тушиб, кулишдик.

Мендан олдинроқ Мария унга ёпишиб, бу ерга қочиб келганининг сабабини, қилаётган ишларини суриштира бошлади.

...Зухранинг бир пайт «Пошшахон»га: «Овора бўлиб келманг энди, кўчиб кетаман» деганида жон бор эди. Ёз ичи талабалар билан совхозда тажриба ўрганиш, кузда пахта теримига кетишни назарда тутганди. Узоқ муддат кўринмасам елим-ёпишқоқлардан қутуларман деганди ўз кўнглида. Чинданам, уч-тўрт ой қулоғи тинч бўлди. Аммо, эшитишича, бу вақт ичида совчи умидини узмабди, тинч ётмабди. Амма билан тил бириктириб, дадасини ҳам мойил қилиш ҳаракатига тушибди.

— Амма нима учун мунчалик ён босиб қолибди-а, унга? — деб сўрайман.

— Бутун гап шунда-да... — дея Зухра гапириб берди.

Амма илгари район марказидаги кийим артелида ишлаб, пенсияга чиққан. Ҳозирда аллақайси базага қатнаб туради. Кунларнинг бирида аммаси Зухрага: «Юр, мен ишхонамга обораман, сенга кийим обораман», деб бир жойга олиб борган. Катта саройга киришган. Унда қатор-қатор хоналар бўлиб, амма Зухрага уларни кўрсатади. Хоналарда хилма-хил матолар. Кўзойнакли, тилла тишли бир кекса киши очик чехра билан кутиб олади. Амма унга «хўжайин» деб гапиради, мени «жияним» деб таништиради. У ширин сўзлик билан «О, баракалла, опоқ қизим, келинг, мана хоҳлаганингизни танланг» деб газмол кўрсатади. Амма эса газмолларни ёзиб, Зухранинг елкасига солиб кўради. Зухра ўнғайсизланади, лекин умрида кўрмаган асил матоларни кўриб, кўзи ўйнайди. Охири амманинг қистови билан кўйлақлик танлайди. Аммаси бўлса унинг ёнига яна икки хилини қўшиб олади ва «хўжайин» билан ниманидир шивирлашади. Пулини кейин тўлайдиган бўлиб, чиқиб кетишади. Амма кела-келгунча «хўжайин»ни таърифлайди, ўзига кўпдан ёрдам бериб келаётганини айтиб, хожатборорлигини мақтайди. Охирида ечилиб кетиб, «хўжайин» бўлғуси куёвнинг отаси эканини айтади. Шунда Зухранинг қути учиб, авзойи ўзгарилади. Аммасининг ўша «хўжайин»га буткул қарам эканини аниқ сезади. Энди аммасининг бировларга мол келтириб, «хожат чиқариб» юрганидан ғижинади. Алаmidан йиғлаб юборади. Амма ялиниб-алпоғланиб, уни арағ босади. «Элбурутдан койима, қизим, бу ахир кейинчалик бўладиган иш!» деб юпатишга ўтади. Зухра бари бир юпанмайди.

— Дадам биладиларми бу қилиб юрган ишларингизни?

— Айтувдим...

— Нима дедилар?

— Нима дерди. Сен кўнсанг даданг рози...

— Шунақа дедиларми, а? Кўнмасам-чи?..

— Унда дадангга ўзинг айтасан...

Ҳеч қачон дадаси билан бунақа очиқ гаплашиб ўрганмаган Зухранинг капалаги учиб:

— Мен-а? Дадамга-я! — деб бақириб юборибди.

Зухра аммасининг уйда йўқ пайтини пойлабди, дадасига ҳам сездирмабди-да, секин кийимларини олиб, жўнаб қолибди...

— Кетиб қолганингни билиб, даданг нима аҳволга тушдийкин-а?

— Хат ёзиб, дадамнинг чўнтагига солиб қўйдим... Ўқиб, аммам билан хўб олишгандир. Лекин бари бир аммам енгади. Нега дейсизларми? Чунки, ҳозир дадамнинг кўлидан ҳеч қандай иш келмайди, аммамга қарам бўб қолган...

— Бўлар иш бўпти. Энди қачон қайтмоқчисан уйга?

— Ҳеч қайтгим йўқ. Дадамга хат билан топган пулимни юбориб турибман. Фермада ишим яхши. Билим юртида ўрганганларим қўл келяпти, бу ерда. Аямни ўрнида ишляпман. Мени бу ердан жўна-тишмайдиам.

Қайтишда мен Зухрадан: «Энди қачон кўришамиз?» деб сўрасам, у секин қулоғимга: «Ҳозирча пауза» деб қўйди. Дамим ичимга тушиб кетди...

Ўн олтинчи боб

«Пауза» сўзи қулоғимга михдай қоқилиб қолди. Олдинига Зухранинг бу сўзи менга қаттиқроқ ботди. Вақтида хабар олмаганимга ўпка қияпти, ё бўлмаса мени ўзидан узоқлаштирмоқчидир, деб ўйладим. Лекин, тўғриси, Зухра ҳақида ҳеч қандай ёмон фикр миямга сиғмас, ухлаб тушимга кирмасди. Кейин ўйлаб-ўйлаб унинг зийраклигига қойил бўлдим: «Пауза» дейишдан мақсади, биринчидан, уйдагиларнинг ғашига тегмай туриш, қолиб кетган машғулотларидан шерикларига етиб олишдир. Ҳа, шундай бўлса керак. Яна у мени ҳам ўйлагандир: менинг ишларим қайнаб кетганини яхши билади-да!..

Шундай қилиб баҳорда бошланган «пауза», мана, ёзгача чўзилиб борапти. Аммо, уйдаи, кўчадами, дарсдами — қаерда бўлмай, Зухрани ўйлайман. Охири учар қушдай тутқич бермас хаёлларимни зўр-базўр жиловладим-да, ўзимни-ўзим мажбур этиб, дарсларга қайта киришиб кетдим. Менга илгаритдан мушкул туюладигани — математика. Кўп фанлардан баҳомни «тўрт»га чиқарган бўлсам-да, математикадан «уч»ни ўзгартиришнинг иложи бўлмади. Салгина бўшаштирсам, «икки»га тушиб қолишим ҳеч гапмас. Уқитувчимиз Боқиев кейинги вақтларда, айниқса педсовет мажлисидан сўнг янаям жиловни қаттиқроқ тортди. «Баъзи бирларингни баҳодан сийлайман деб балога қолаёздим. Энди сийлаш йўқ. Кимки улгуролмаса ўзидан кўрсин!» деб огоҳлантириб қўйди. Синфдошларнинг ҳам бир-бирига қарашиши қийин. Ҳеч ким ўзидан ортмайди, ўз ёғида қоврилиб ётибди. Аямга ҳасрат қилсам, у «афсуски математикдан сенга ёрдамим тегмайди, яхшиси, домланинг ўзидан илтимос қил» дедилар. Бир куни катта танаффус вақтида юрак ютиб секин ёнига бордим-да: «Домлажон, қачон фурсатингиз бўлади, сўрайдиган саволларим бориди» десам, Боқиев:

— Мен қайси бирингга вақт топаман. Ўз кучингга ишон, — деди ва кетидан қўшиб қўйди. — Қизлар билан камроқ юрсанг...

Ёрдан сўрамай мен ўйлай, дедим ичимда. Домланинг кўнгли маълум эди-ку, бунчалик кек сақловчи эканини билмас эканман. Энди кимдан ёрдан оламан? Ўз куним ўзимга қолди. Кечасию кундузи китоб-дафтар титаман.

Бир куни кечқурун дарсхонамда бошим столга оғиб, уйқуга кетибман. Чўчиб кўзимни очсам, қош қорайиб қошибди. Тепамда аям. Ўйғайсизликка тушдим. «Вақтида уйғотиб қўймабсиз-да» десам,

уйқингни бузишга кўзим қиймади» дейди. Мен стол лампасини ёқиб, апил-тапил ишимга унадим, аям деди:

— Кечаси дарс тайёрлаш зарарли. Иннайкейин...— унинг қўлида буклоғлик қоғоз бўлиб, менга алланима дейишга чоғланганди. Афтимга маъноли разм солиб, жилмайиб туришидан сездим. Ҳар вақт муҳим гап айтмоқчи, бирор нарса устида танбеҳ бермоқчи бўлганида шундай қарарди. Қоғозни қўлимга тутқизди.— Уқи муни...

Шошиб қоғозни ёздим-у, кўз югуртирдим. Бу тўрт энлик хатни Зухра битган, сўраган дарсликларини кутаётган экан. Мен китобларни вақтида юборолмаганим учун ўзимни койидим. Очиғи, унинг уйидан дарсликларини қандай қилиб олишни билмай юргандим. Уйига борсам, дадаси бўлса-ку, тузук, аммаси бўлса-чи, бирон аччиқ сўз айтиб таъбимни хира қилиб қўймасмикин?! Шундай иккиланишлар билан анча муддатни ўтказиб юборганимдан ҳозир виждон азобига тушдим. Лекин буни аямга билдирмадим.

— Яхшики хат дадангни қўлига тушмади,— деди аям.— Тушса, йиртиб ташларди, нақ қиёмат қиларди. Даданг у қиз билан яқинлигингни билади. Сеинг юриш-туришингдан кўз-қулоқ бўлиб, тергай бошлагани шундан. Ўзларинг ҳам буни сезибсизлар, кам кўришадиган бўлиб яхши қилибсизлар.

Аям бу сўзларни куйиниб айтаркан, мени эҳтиёт қилмоқда эди. Бундан кўнглим кўтарилар, ўзимни анча хотиржам сезардим. Мени ҳимоя қиламан деб, дадам билан яна айтишиб қолишибди. Буни эрталаб пайқаб қолдим. Улар индамай ўтиришарди. Дадам чой ҳам ичмасдан чиқиб кетди. Аям уни қайтармади ҳам.

Шу куни аям ишдан қайтиб, қўлимга бир даста китоб тутқаздида, «буларни ҳозироқ Зухрага етказиб бергин», деди. Суюниб кетганимдан уятни ҳам йиғиштириб, «бўпти!» деб юборибман. Лекин шу заҳоти эсимга домланинг топшириғи тушди. Физикадан қийин масалалар берган, шу кеч буларни ҳал қилишим керак. Эртага мени доскага чиқарадиган. Шарманда бўлиб қолмай, тагин, Зухранинг қишлоғига эртадан кейин борарман, деган хаёлга келдим.

Нари-бери овқатландим-у, дарс тайёрлашга ўтирдим. Масалалар ўзим ўйлагандан ҳам қийин экан. Неча хил усулда ишлаб кўраман, чалкаш чиқаверади. Кечаси узоқ ўтириб қолгандим, аям: бунақада толиқиб қоласан, деб уришиб берди. Мен қулоқ солмай, яна ишимни қилавердим.

— Ишлашиб юборай десам, физикага тишим ўтмайди. Шунчалик қийин экан, домлангдан сўраб олсанг бўлмасмиди!— деди аям.

— Домланинг вақтлари етишмаяпти,— дедим. Боқиевнинг тунов кунги нордон гапини айтмадим.

— Ўзлари айтдиларми «вақтим йўқ» деб? Лекин, ўқитувчи ҳеч маҳал шогирдидан вақтини аяйдими... Башарти шундай деган бўлсалар менга айтишинг керак эди, оғриқни олдини олардим. Жонингга ора кирардим.

— Аяжон,— дедим юрагим тўлиб,— ўз ташвишларингиз етарлику, ҳамма гапни сизга айтиб асабингизни бузавераманми!

— Менга айтмасанг кимга айтардинг?

— Ҳамма ишимни сиз ҳал қилиб бераверсангиз, унда қачон ўзимни ўзим эвлайдиган бўламан? Ўзингиз «болаларни қарамликдан қанча тез қутқариб мустақилликка ўргатсак, шунча яхши» деб айтар эдингиз-ку!— дедим ҳазилга олиб.

Аям менга меҳр тўла кўзларини тикиб, юрагимга чуқурроқ назар солмоқчи, дилимга ғулғула солган нарсаларни аниқ кўрмоқчи бўлди-ю, аммо гапни бошқа ёққа бурди:

— Қўшни аёллар: «Ўғлингиз, омон бўгур кейинги пайтда ўзини қўйиб, кўзга яқин бўпти» дейишади. «Қаттиқ тикилманглар, кўзларинг тегди» дейман... Иш билан бўлиб вақтинг қандай ўтганини билмай қоларкансан.

Имтиҳон кунлари яқинлашмоқда. Худди қил устида тургандай

юрагим безовта. Бир ёқда Зухрани ўйлайман. Унинг «пауза»си ҳам чўзилиб кетди. Ҳатти-ҳатти кўнглим гаш тортиб, қилар ишимдан адашиб юргандим, китоб баҳона бўлди-ю, якшанба эрта азонда йўлга тушдим. Ҳаттичи машинада тоғ қишлоғига етиб олдим. Зухранинг дарсликларни олиб, суюнганини айтсангиз!

Зухра қанча қистаса ҳам унинг олдида узоқ қололмадим. Уйга қайтдим. Бизга соатлармас, минутларгача ғанимат эди. Ҳзим ўлчовли вақтлардан иложи бўлганча тўлиқ фойдаланиб, кучим борича тиришиб-тирмашиб ётсам ҳам, дадам: «вақтингни беҳуда ўтказма, ҳаракатингни қилиб қол! Имтиҳонлардан яхши ўтишга урин!» деб қисталанг қилади.

Мени ҳайрон қолдириб, домла Боқиев дарсдан кейин олиб қолди: — Қани, Тоҳиржон, ўтир-чи, бир суҳбатлашиб олайлик, — деди.

Қия турган эшикни бекитиб, ичидан қулфлаб қўйди. Умрида мен билан очилишиб сўзлашмаган, саволларимга дурустроқ жавоб бермаган бу одамнинг ҳозирги ҳаракатидан бирон яхшилик кутганим йўқ, албатта. Яна аввалгича танбеҳ, дағал дашномлар эшитсам керак, деб ўйладим. Қарасам, чеҳраси очилган, қарши, муомаласи ўзгарган, энгил бир кайфиятда мени ёнига ўтқазди. Суҳбатни дадамнинг соғ-саломатлигини сўрашдан бошлаб, математикадан қайси темада қийналишимни суриштира кетди. Унинг сержун, семизликдан йилтиллаб турадиган башарасига бир қарашдаёқ илжайиши зўраки эканлигини сездим. Саволларига тортиниб, чала-чулпа жавоблар қайтардим.

— Ҳеч ийманма, ўғлим, отанг қатори одамман. Кўнглимда борини очиқ айтавер. Илгари нимаики ўтган бўлса... — деди йўталиб ва ютиниб олиб, — азбаройи сени яқин кўрганим, ачинганимдан, аянгни ҳурмат қилганимдан... Ҳа, майли, ўтган гапга саловат, дейдилар. Қарасам, анча қийналган кўринасан. Кел, энди дарсингга қарашворай. Қандай бўлмасин, фурсат топаман. Агар бу ерда фурсат тополмасам, уйимга боравер, бемалол...

Домла билан кутилмаган бу суҳбатдан таъсирланиб уйга бордим. Бордим-у, аямдан сўрадим:

— Домлага мен ҳақимда гапирганмидингиз?

— Йўқ. Нима бўлди?

Бўлган гапни битта қолдирмай айтиб бердим. Нега унақа бўлдикин, деб аямга савол назари билан тикилдим. Домланинг қилиғи наша қилдимми, аям кулгидан ўзини аранг тўхтатди-да:

— Одамларнинг мижози жуда нозиклашиб кетган. Буни тушунишга ёшлиқ қиласан, ўғлим, — деди.

— Яқинда «катта киши бўб қолдинг» дегандингиз. Энди ёшлиқ қиласан деяпсиз?

— Бу одам, агар тушунсанг, сувнинг оқишига қараб сузадиганлардан.

— Тушунмадим.

— Бирон янгиликнинг ҳидини сезган бўлса эҳтимол...

— Қанақа янгилик, аяжон?

— Аям яқинда райсоветнинг сессияси бўлганини айтди. Сессияда сўзга чиқибди; районо комиссияси мактабни юзаки текширганини айтибди, мавжуд камчиликларни очиб ташлабди. Шу жумладан, директорнинг ўқувчиларга баҳо қўйишда кўзбўямачиликка йўл қўйган, пахта теримида ишлаб топилган пулни ноўрин сарф этилгани ҳақида мисоллар келтирибди. Ҳозир директор ўрнида қалқиб турганмиш...

Келгуси ҳафта имтиҳонлар бошланиши олдидан районо мудирини директор билан аямни областга олиб кетди. Эртаси эшитсак, Сатторов ишдан олиниб, ўрнига аям тайинланибди. Шундай қилиб, бутун имтиҳонлар ташвиши аямга қолди. У Сатторовнинг мактабдан бутунлай бўшаб кетишига рози бўлмади. «Мактабга анча меҳнатингиз синган, тажрибангиз кўп, бизга ёрдам бериб туринг» деб ўқитувчиликка олиб қолди.

Ун еттинчи боб

Менинг олий мактабга кириш-кирмаслигим устида дадам билан аям тортишавериб, охири аразлашиб қолишгани маълум. Дадам, хат-ҳужжатларингни тезроқ тайёрлагин, деб қистайди. Буларни эса аямсиз тўғрилаб бўлмайди. Мен икки ўт орасида қолгандайман...

Хулласи, дадамнинг ўзи кетимда юриб, хат-ҳужжатларни тўғрилатди-да, идорасига қарашли «Волга» да мени область марказига олиб кетди. Институт бир ёқда қолиб, тўғри холам турадиган тўрт қаватли янги уйга бориб тушдик. Нега бундай қилганини кейин тушундим. Холам бемаҳал келишимиз сабабини сўраб ўтирмай, очилиб-сочилиб кутиб олди. Дастурхон ёзиб улгурмасданоқ, дадам ўз мақсадидан сўз очди. Холам буни бажарса бўладиган жўнгина ишдай тинглади-да, телефонда поччамни чақирди. Дадам узатилган пиёлани қўлида айлантира туриб, унинг у ёқ-бу ёғига кўз югуртирди. Унинг жиҳозлари оддий, суптагина эди. Дадам нимадандир қониқмагандай пешонасини тириштириб қўйди. Сўнг холамга қараб:

— Квартирангиз яхши экан, буюрсин. Уй янги бўпти, унга ярашиқли янги жиҳозлар ҳам бўлиб қолар,— деб қўйди, у шу гапи билан бир нималар ваъда қилаётгандай эди.

— Ниятимиз ҳам шундай, почча,— деди сал хижолат тортиб холам.

— Ниятингизга етасиз, худо хоҳласа,— деди дадам худди «хотиржам бўлинг, бу ёқда мен турибман» дегандай қилиб.

Кўп ўтмай Раҳим поччам кириб келди. Дадам у билан қучоқлашиб кўришди-да:

— Жуда соғинтирдингиз-ку, мулла Абдурахим. Ҳеч дарангиз бўлмагандан кейин, ўзимиз зиёрат қилгани келдик,— деб мулозамат қилди.

Поччам камгап одам эди. Ҳозир, айниқса, вақти зиқлигиданми, узоқ сўрашиб ўтирмади, бизнинг келишимиз сабабини билгандай.

— Хўш, Тоҳиржон, ўқишлар қалай бўлди?— деб бир менга, бир қўлимдаги папкага қаради.

Менинг ўрнимга дадам жавоб берди:

— Жиянингиз сизга сиғиниб келди. Уни орзусига етказиш сиздан, Мулла Абдурахим. Эскичасига айтганда, эти сизники, суяги бизники...

— Шунақами, Тоҳиржон?

Мен индамай бош қимирлатдим. Дадамнинг имоси билан папкани поччамга узатдим. Поччам ҳужжатларни бепарвогина кўздан кечираркан, аттестатдаги баҳоларга тикилиб қолди. Аттестатимда «тўрт» баҳо кўпроқ, «уч» ҳам бориди. «Беш» эса битта, адабиётдан.

Поччам менга чучмал қараш қилди-да, папкани қўлимга тутқазди. Бу билан «ишингнинг мазаси йўқ-ку» дегандай бўлди. Дадам буни пайқаб, бир тебраниб қўйди-да, оғриқнинг олдини олмоқчи бўлди:

— Жиянингиз астойдил ўқийман деб келди.

— Қайси факультетга кирмоқчисан ўзинг, Тоҳиржон?— деди поччам.

Мен ўйланиб қолувдим, дадам айтди:

— Бу ёғи сизнинг маслаҳатингизга боғлиқ, мулла Абдурахим.

Поччам унинг сўзини эшитмагандай, мenden сўради:

— Ўзинг қайси фанга қизиқасан?

— Мен...— қайси бирини айтсам экан, деб тургандим, дадам тағин бир ножўя сўз оғзидан чиқиб кетмасин, деб дарров аралашди.

— Унга ҳаммаси ҳам бир. Ҳали ёш новда, қаёққа эгсангиз эгилаверади. Маслаҳат сиздан, мулла Абдурахим! Ўзингиз қайси фандан дарс берасиз?

Поччам биологиядан дарс берар экан.

— Ахир Тоҳиржоннинг қизиқишига боғлиқ-да. Балки биологияга қизиқмас?— деди поччам яна менга қараб.

Дадам, эсингни йиғиб тузукроқ жавоб бер дегандай, ер остидан менга имо қилди. Мен, тўғриси, дадамнинг жаҳлини чиқармаслик учун дедим:

— Менга ҳаммаси бари бир...

Хулласи, поччам ортиқ тортишиб ўтиришни истамай:

— Хужжатларни қабул комиссиясига топшириш мумкин. Лекин бутун гап имтиҳонларни қандай топширишинга боғлиқ,— деди.

— Энди, албатта у ёғини қўллаб юборасиз, мулла Абдурахим,— деди дадам дадиллик ва ишонч билан.

Поччам кутилмаганда икки қўлини кўкрагига қўйиб:

— Узр, божа, мажлис бориди. Баҳузур ўтиринглар, тезда қайтаман,— деди-да, дик этиб ўрнидан турди. Дадам ҳам кўзғалиб, эшикка яқинлашганда ички чўнтагидан бир конверт чиқарди-да, поччамга узатди. Поччам: «Ия, бу нима?» деб ўзини тортиб турганиди, дадам аввалгича дадиллик билан конвертни унга тутқазиб, деди:

— Олаверинг, қўлингизни чақиб олмайди. Янги уйингизни кўрманаси. Хамир учидан патир...

Поччам, шу заҳоти конвертни очди-ю, ундаги тахи бузилмаган бир даста юзгаликка кўзи тушиб, худди ирkit нарсани кўргандай ижирганди ва конвертни дадамга қайтарди. Дадам конвертни поччамнинг шими чўнтагига солган эди, поччам уни олибоқ дадамга тутқазди. Дадамнинг умрида биринчи марта қўли қайтиши бўлса керак, ранги қум ўчиб кетди. Боядан бери жиддий турган поччамнинг юзига эса жилмайиш югурди, бу истеҳзоли жилмайиш эди. Шу ҳолда поччам индамай чиқиб кетди. Орқасидан дадам анграйганча қолди. Кейин, жойига келиб ўтирди-да, пиёладаги совуқ чойни бир кўтаришда шимирди ва нафасини ростлаб олгач, холамга қаради:

— Куёвнинг нима қилгани бу, Шаҳодатхон?

— Хафа бўманг, почча, куёвингизни феъли шунақа...— деди холам юпатишга ҳаракат қилиб.

— Божа ҳам ака қатори бўлади. Акалик қилиб, ёрдам кўрсатмоқчиман. Мундоқ янги рўзгорларингни бутлаб олиш учун мадад керак. Домлаларнинг оладиган моянаси маълум-ку!..

— Поччажон,— деди холам, бу гап сал иззат-нафсига тегиб.— Жилла сиз ўйлаганча муҳтожлигимиз йўқ. Икки ёрти бир бутун бўлиб секин-аста тиклаб оляпмиз рўзгорни.

— Майли, акангизники табаррук, ҳалол, пешона тери... Муни олинглар-да, бемалол ишлатаверинглар,— деб дадам пулни стол чеккасига қўйди.— Агар ўзларингга зарур бўлмаса, бошқаларга совғасалом дегандай...

— «Бошқаларга» деганингиз нимаси?— Холамнинг авзойи ўзгарилди. Ҳозирги туриши шундоққина аямнинг ўзгинаси эди.

Дадам муддаога кўчди. У пулни мендан имтиҳон оладиган домлаларга атаганини яширмади.

— Тушундим, энди тушундим,— деди холам, овози қалтираб.— Очигини айтавермайсизми, поччажон, пора беряпман деб. Наҳотки шу чоққача сиз божангизни тушуниб олмаган бўлсангиз. Ҳали бирон марта харом-харишга қўл урганини билмайман!..

— Сўзимни нотўғри тушунмагин, синглим. Мен нимаики қилсам, шу жиянингни деб қияпман. Нима бўлсаям шу болам ўқишдан четда қолмасин, деб холисаниллило... Ахир ота-она топган-тутганини фарзандидан аяйдими. Болани олий мактабга киритиш ўзи бўлмайди. Кўриб юрибман жўраларимни... Масалан, Алим полвон деган жўрамни айтсам, ўғлини институтда ўқитиш учун озмунча маблағ сарф этмади. У колхозда чорва фермасининг мудури, қўй унга дехқончилик. Уғли ўқишга киришида ҳам, ўқиши давомида ҳам домласини гўшт-ёғ билан сийлаб турди. Неча марта уни чақириб меҳмон қилди, тагин бош-оёқ сарпо-суруҳи билан-а!.. Яқинда Алим полвонни кўрдим, керилиб қолди: «Уғлимни домласи тўй қилган эди, шунга каттакон бир хисори бўрдоқини тўёна қилдим. Узиям қўймисан қўй, думбасини кўтаролмай

қолган. Уни грузовайдан беш-олти йигит аранг тушириб олди. Кўрганни кўзи ўйнайди, дегин. Домлани десанг боши осмонга етди...» Ана кўрдингми, синглим, домлаларга ҳурмат-иззат шунақа бўлади!..

Алим полвон номини эшитишим биланоқ айиқдай йўғон гавдали, семиз, юзлари қип-қизил, кўзлари чақчайган одамни эсладим. Бир марта дадамнинг туғилган кунда отга оёқлари бойланган бўрдоқи ўнгариб келганди.

Холам, дадамнинг ҳикояси ёқмадим, қошини чимирди:

— У қанақа домла эканки, шунча нарсани бемалол ҳазм қилиб юборадиган!

— Э, синглим, ахир уларда ҳам бола-чақа бор, нафс деган нарса бор. Қуруқ гап қулоққа ёқмайди. Мушук ҳам офтобга бекорга чиқмайди-ку...

— Битта-яримта сиз айтган баднафслардан бўлса бордир,— деди холам зардаси қайнаб.— Ҳаммани ўшаларга ўхшатиш инсофдан бўлмас, поччажон!

Дадамнинг дами ичига тушди. Катталарнинг бу совуқ суҳбатидан ноқулай аҳволда ўзимни қўярга жой тополмайман. Холам, қаттиқроқ гапириб, дадамни ранжитиб қўйганини сезди-да, юпатиш йўлини ахтара бошлади. Чойни янгилади, овқат сузиб келиб, «олинг-олинг» га ўтди. Аммо дадамнинг томоғидан овқат ўтмади. Қарасам, оч қоладиганман. Парво қилмадим-да, бир коса паловни пок-покиза тушириб олдим. Дадамга кетмаймизми деган назар билан қарадим. У поччамни кутмоқда эди. Холам ўртадаги совуқликни йўқотиш ҳаракатида у ёқдан-бў ёқдан, аямдан, синглимдан гап очиб кўрди. Лекин гап қовушмади. Поччам келавермагач, дадам стол чеккасидаги конвертни холамнинг олдига суриб қўйди-да, ўрнидан турди.

Биз пединститут эшигида поччамга дуч келдик. У ушланиб қолгани учун узр сўради. Бизни бир залга бошлаб кирди-да, қабул комиссиясига ҳужжатларимни топширди. Комиссия секретари папкадаги қоғозларни кўриб чиққач, мендан «меҳнат стажинг йўқ-а?» деб сўради. Мен индаёлмай тургандим, дадам «колхозда ишлаган, керак бўлса справка келтирамиз» деб қўйди.

Поччам мени, имтиҳонга тайёргарлик кўрамиз, деб ўз уйида олиб қолди. Дадам яна бир қарра поччамга илтимосини қайтарди-да:

— Ёрдамингизни аямайсиз, мулла Абдурахим. Яхшилигингизни унутмайман. Нимаики хизмат лозим бўлса мен багардон турибман...— деб қўйди.

Поччам хайрлаша туриб, «кўп ташвиш тортманг, божа!» деган эди, дадамнинг бояги гиналари тарқаб, димоғи чоғ бўлиб кетди. Айниқса атаган пулини холамга қолдириб чиққанидан хурсанд эди... Дадам хотиржам кетаверди-ю, бу уйда менинг ташвишим давом этди. Кечаси холам билан поччам мен ҳақимда алламаҳалгача ғижиллашишди.

Холамнинг арзанда боласи Муқимжон ёрдамида имтиҳон билетларидаги сўроқларга жавоб тайёрлай бошладим. Муқим мендан кичикроқ бўлса-да, институтнинг биринчи курсини битирган, зехни ўткир, тийрак, жиккак бола. Озгина мақтанчоқлиги ҳам бор. Қунига кўчада ўйнаб келамиз-да, соатлаб Муқимжоннинг дарсхонасида ўтириб тайёргарлик кўрамиз. Бирор саволни ҳал қилиб бўлганимизда Муқимжон: «Ана шунақа, билиб қўй!» деб ўз билагонлигини кўрсатади, ёрдамини писанда қилиб қўяди. Айрим мисолларни ечишда қийналаверсам, «Сени ўқитган домлани мазаси йўқ эканми ёки ўзинг пўстакмисан!» деб масҳара қилишдан ҳам тоймайди. Баъзида «қишлоқисан-да», деб камситиб қўйгани ортиқча. Мен умримда ҳеч кимдан мунақанги камситилмаганман. Камситиш у ёқда турсин, сўзимни қайтаришмаган. Ўзимдан кичкина бола жикилдоқлик қилиб турса-ю, мен дамимни ичимга ютиб кетаверсам!.. Йўқ, унга кўрсатиб қўяман! Аълочилиги ўзига!.. Шундай деб хезланаман-у, тагин тишимни тишимга қўяман. Нима қилайки, холаваччам. Унга, унинг дадасига боғланиб қолдим. Ўзимни босиб турай-чи, қани, қанчагача чидаркин-

ман! Шаҳарнинг чиройли жойларида, айниқса тоғ бургути ҳайкали ўрнатилган боғида ўйнаб юрарканмиз, Муқимжон гоҳо: «Бўлди, томоша етар!» дейди-да, уйига бошлади. Яна соатлаб дарсхонада китоб, дафтарга кўмиламиз!..

Хулласи, имтиҳонлар ҳам бошланиб қолди. Биринчи имтиҳондан амаллаб ўтиб олдим. Иккинчисига юрагим бетламайди. Муқим менга шпаргалка тайёрлаб берди. Шпаргалкани чўнтакка урдим. Ушанда ҳам кўнглим чоппади. Кейин Муқим хийла ўйлаб топди:

— Сен-чи, Тоҳир, имтиҳон пайтида ойнага яқин ўтир. Агар қийин савол тушса, қўлинг билан юзингни қашиган бўлиб, савол номерини билдир. Мен қоғозга ўқлоғидай-ўқлоғидай қилиб жавобини ёзаман-да, кўрсатиб юбораман. Ҳа, ана шунақа, билиб қўй...

Худди ана шунақа қилиб Муқим мени математикадан қутқарди. Қолганларидан ҳам «уч», «тўрт» баҳоларга илиндим. Жами ўн беш балл. Уч балл етишмайди. «Ишинг пачава, энди ўқишдан умид узавер!» деб ваҳма кўтарди Муқим. Мени ёса институтга киролмасликдан кўра, қишлоққа қайтиб бориш ваҳимаси кўпроқ босади. Холам билан поччам ўртасида яна ғиди-ғиди бошланди. Холам қандай бўлмасин, мени ўқишга жойлаб қўйишга поччамни мажбур қилаётган эди. Уч-тўрт кунгача кетишимни ҳам, қолишимни ҳам билмай гарансиб юрган эдим, Муқим ҳовлиқиб келиб, мени қучоқлаб олди, озот кўтармоқчи бўлди-ю, кучи етмади. Мен институтга қабул қилинибман. Поччам бечора астойдил ҳаракат қилибди. Менинг қишлоқдан келганимни эътиборга олиб, ўшанда ҳам шартли қабул қилишибди.

— Ҳаммадан ҳам-чи, Тоҳир, меҳнат стажинг иш берибди!..

— Қанақа меҳнат стажим?— дедим ажабланиб.

— Ахир ўзинг қаерда ишлагансан?

— Қаерда ишлабман?

— Ҳой, нега ўзингни овсарликка соласан. Ахир «колхозда икки йил ишлаган» деб справка келтирибсан-ку?!

Ўйланиб қолдим. Қабул комиссиясида справка сўрашганди. Демак, дадам шунақа справка ёздириб юборибди-да!..

— Ҳа, оз-моз ишлагандим,— деб қўя қолдим Муқимга. Тагин биронтаси «қайси колхозда, қанақа ишлар қилгансан» деб суриштириб қолса, нима дейман деб кўнглим ғаш тортиди.

Ўқишлар бошланди. Ҳамма студентлар қатори мен ҳам ўзимни сипо, мағрур тутиб, институтга қатнаб юрдим. Энди шаҳарлик бўлганим ростга айланганга ўхшаб, қишлоғимни, дўстларимни қаттиқроқ кўмсаб қолдим. Зухрага: кейинги ойда ўзим билан ўзим овора бўлиб, хабар ололмаганим учун узрлар сўраб, хат ёздим...

Кўп ўтмай, Зухрадан жавоб келди. У мени студент бўлишим билан табриклади. «Шаҳарга хайрлашмасдан кетганингиз учун гина қилсам бўларди-ю, бироқ аҳволни билганим учун ҳеч нарса деёлмайман... Мен мактабни битириш кечасига боролмадим. Нега дерсиз? Дадам маслаҳатомуз шундай деди: «Тоҳиржон эс-хушли, одобли бола. Сенинг у билан алоқанг ака-сингилдай, самимий. Аммо буни одамлар бошқача тушунади. Амманг ҳам. Ҳозирча, қизим, Тоҳиржон билан кўришмай турганинг маъқул. Амманг тўнини тескари кийиб олган, сал таптидан тушсин, жиғига тегадиган бир иш бўлмасин...» Агар борганимни аммам билмаганда ҳам, дадангиз билиб қолишларидан чўчидим. Нега дерсиз-а? Билиб қўйинг, совчини ишга солаётганлардан биттаси — айтишга тилим бормади — сизнинг дадангиз эмишлар. Чунки, совчи қўяётган одам дадангизнинг қўлида ишларкан. Буни дадамдан эшитиб, ёқамни ушладим. Дадамга аммам тилидан илинибди. Кечиринг-у, аммамнинг «хўжайин»и орқасида дадангиз турарканлар. Кўрдингизми, бу сирларнинг тагини...»

Миямга лоп этиб, шу фикр келди: «Мени бўйнимдан бойлагандай қилиб ўқишга жўнатди. Бундан мақсади мени Зухрадан узоқлаштириш экан-да!.. Наҳотки?...»

Қишки сессия олдидан дадам келди. Ўқишларимни суриштирди.

Қийналаётганимни билиб: «Бўшашма, астойдил ҳаракат қилсанг, қишки имтиҳондан ҳам ўтиб оласан» деб далда берган бўлди. Поччам ҳам: «Уғлингизнинг қобилияти чаккимас, ўқувини эплаб кетар деб ўйлайман» деб унинг кўнглини кўтарган бўлди, яна ўзи ва ўгли ёрдамларини аямасликларини айтди. Юмшоқ муомала қила туриб, қўлига ўша конвертдаги тахи бузилмаган пулни тутқизди: «Бу нима қилганингиз, мулла?» деб дадамнинг авзойи ўзгарилганида, поччам боягича мулойимлик билан: «Керак бўлганда, албатта, фойдаланмоқчи эдим. Керак бўлмади» деб қўйди.

Дадам музтар бўлганича, хайрлашишни ҳам унутиб, кетиб қолди... Кетидан қараб қоларканман, «мушук ҳам офтобга беқорга чиқмайди» деган сўзларини эслаб, кулдим.

Мен қишки сессияда биринчи имтиҳондаёқ йиқилдим. Мендан кўра поччам кўпроқ ҳижолат эди. Унга-мунга учрашди, маслаҳатлашди, илтимослар қилди. Ҳеч нарса чиқаролмади. Папкамни қўлтиқлаганча жўнаб кетишимдан бўлак чора қолмади. Лекин қайси бетим билан қайтаман, дадамга нима дейман, қишлоқдагиларнинг юзига қандай қарайман?

Поччам бир нима демаса ҳам: холам: «Кўп хуноб бўма, ўз уйинг, юра тургин. Бир маслаҳат чиқиб қолар» деб юпатиб қўяди. Кап-катта йигит қачонгача бировникида боқим бўлиб тураман. Сезяпман, поччамнинг борган сари қовоғи тушиб кетяпти. Ниҳоят бир куни овқат вақтида у сўз очди:

— Уша олдинги режанг тўғри бўлган, Тоҳиржон. Асли ўртоқларингдан ажралмаслигинг керак экан...

— Нега ундай дейсиз, поччаси, — деди холам аралашиб, — ахир умидли дунё. Бу институт бўмаса бошқасига тўғрилаб қўярсиз. Юра турсин!..

Ўн саккизинчи боб

К унига эрталаб худди ишга борадиган одамдай чиқиб кетаман. Гоҳо Муқим билан, гоҳида ёлғиз ўзим кинога бораман. Кўчама-кўча санғиб юраман. Февраль ойи. Қиш захри тугамаган. Қор, ёмғир ёғиб туради. Кўчада кўп юриб бўлмайди. Музейга, кутубхонага кираман; нарса олмасам ҳам магазинларни айланаман. Кейинги кунларда кинога кириш у ёқда турсин, қорин очганда бирон нарса олиб ейишнинг ҳам иложи йўқ. Дадам бериб кетган чойчақа тугаб қолди. Сўнги пулимга иккита сомса билан нон олдим-да, чойхонага кирдим. Самоварчининг қўли-қўлига тегмайди, чой ташияпти. Менинг олдимга чойнак, пиёла қўятуриб:

— Шу кунларда дастерим ишга чиқмай қолди. Жуда шошиб қолдимда, биронта дастёр топилганда яхши бўларди, — деб қолди.

Бу одам негадир мени ўзига яқин олиб сўзлагани учунми, раҳмим келди. Ўйлаб турдим-да:

— Мен қарашиб юборақолай, амаки, — дедим.

— Қани энди қарашсанг, жигар, қуруқ қўймасдим, — деди хурсанд бўлиб.

Шу куни кечгача чой ташиб, сув келтириб, кўмир чақиб, самоварчига ёрдамлашдим.

— Эртага ҳам келсанг яхши бўларди, — деди самоварчи иш охирида қўлимга пул қистириб. Мундоқ қарасам — уч сўм. Хурсанд бўлиб, эртага яна келсаммикин дедим-у, бўйним ёр бермади. Қилган ишим ўзимга қор қилиб кетди. Яхшики, бу ерда танишларим йўқ. Бўлмаса, «Тоҳир ўқиб-ўқиб, самоварчига шогирд тушибди» деб карнай чалворишарди.

Ортиқ лақиллаб юришга тоқатим қолмади. Поччам, холамга қишлоққа қайтишимни айтдим. Дадам нима деса десин — бор гапни айтаман. Агар яна қайтиб кетишга мажбур этса, училищега бораман, у ердаги ўртоқларимга қўшилиб, бўзга кетаман...



Ўртоқларимни жуда соғиндим. Улар эркин қушдай учиб юришибди. Мен қачонгача қафасга тушган беданадай типирчилайман!.. Шундай хаёлларга шўнғиганча шаҳарнинг катта кўчасида санғиб юргандим, Марказий универмаг олдида мени бир аёл тўхтатди. Бошида тагдўзи дўпши, юзида уна-элик, гажак қўйиб, шахмат нусха атлас кўйлак кийиб олган. Еш келинга ўхшайди.

— Укажон, озгина бўш вақтингиз борми?— деб сўради у.

— Нимайди,— десам, «мана шуни уйимга кўтаришиб борсангиз» деди.

Ёнида картон яшиқда телевизор турарди. Уйини сўрасам, икки чақиримча нарида экан. Телевизорни азот кўтарай десам, оғиргина. Олдиниға унинг бир чеккасидан келин тутиб борди. Кейин амаллаб елкамга олдим. У елкамдан-бу елкамга ўтказа-ўтказа манзилга етиб олгунча нақ терга ботиб кетдим. Телевизорни янги бинонинг биринчи қаватидаги квартирага киритиб, эгаси кўрсатган жойга ўрнатдим. Келин телевизорнинг у ёқ-бу ёғини бураб, ишлатолмаган эди, ишлатиб бердим. У хурсанд бўлди-да, менинг кимлигимни сўраб олиб, беш сўм пул узатди... «Қўяверинг» десам, «мусофир студент экансиз, керак бўлади» деди. Чиқиб кетаётсам у чиройли жилмайиб:

— Укажон, қўлингизда ҳунарингиз бор, тутаноққина кўринасиз. Электрга тишингиз ўтадимми?— деб мени тўхтатди. Катта хонанинг

шифтидаги биллур қандилнинг горелкаси бузуқ экан, шуни тузатиб беришимни сўради. Мен йўқ деёлмадим. Электрни счётчикдан ўчирдим-да, стол устига чиқиб қандилни бураб пастга олдим. Уни пичоқ, отверткалар ёрдамида ковлаштира бошладим. Келин эса тепамда ҳали уни-ҳали буни сўраб, мени яхшироқ таниб олишга ҳаракат қиларди. Ширин муомаласи мени эритдими, охири мен унга бор гапни айтвордим.

— Вой, бечора-е, жуда қийналиб кетибсиз-ку, а!— деди астойдил ачиниб аёл.

Ўзимга ўзим ачиниб кетдим. Охири телефон станциясига кирдим-да, қўнғироқ қоқиб, аввал аям билан сўзлашдим, сўнг дадам билан. Унга ётиғи билан институтдан кетганимни айта бошлаган эдим, шартта сўзимни кесиб, дағдағага ўтди:

— Ким экан сени институтдан чиқарадиган! Агар ҳайдаса ҳам кетмайсан. Ўқишни ташлаб уйга қайтишни хаёлингга келтирма, бола! Ўзбошимчалик қилиб, қайтгудек бўлсанг, оқ қиламан. Шуни кулоғингда тут!..

Яна сарсонлигим бошланди. Эрта-кеч дадамни кутаман. Бекорчилик жонимга тегди. «Қайтиб келсанг, оқ қиламан» деб оғзига ёмон сўз олди дадам. Бўпти, вақтинча бўлсаям бирон ишга кираманда, то дадам жаҳлидан тушгунча уйга бормай тураман.

Бошим ҳам, маслаҳат солгандим, поччам ҳеч нарса демади-ю, холам:

— Майли, ишласанг ишлаб тургин. Ёзда бошқатдан имтиҳон бериб, яна ўқувга ўрнашиб оларсан,— деди.

Мен кўча айланиб, деворларга, махсус тахталарга ёпиштириб қўйилган эълонларни ўқийман. Эълонларнинг кўпида қурувчилар, шофёрлар, механизаторлар талаб қилинган. «Қайси бири яхши?» деб сўрайман ўзимдан. Ҳаммасиям яхши-куя, лекин ҳунарим йўқда! Ҳунарим бўлмаса, ўргатишар ахир... Мен ана шундай хаёлларга ботиб кетаётсам, яқинимда вағ этиб машина тўхтади. Бу — тоғ қишлоғига тушиб борганимиз, таниш автобус эди. Рулда Илҳом. Унинг ўнг ёнида эса Мамажон тоға. Уларни кўриб, енгил тортиб кетдим. Икковлари пастга тушиб, мен билан қучоқлашиб кўришишаркан, Илҳом:

— Ҳорма, ўртоқ студент! Ўқишлар қалай?— деб сўради.— Марказга келволиб, ялло қилиб юрибсанми?

— Ўзларинг нима қилиб юрибсизлар? Машина ҳайдаяпсанми? Қўрқмасдан-а?

— Уста бува ёнимдалар-ку,— деди Илҳом гердайиб. У илгаригидай бўшапганмас, ҳаракатлари, сўзлари ҳам дадил. Улар техникабилим юрти машиналарига эҳтиёт қисмлар олгани келишибди.

Мен Илҳомдан ўртоқларни сўрасам, «Чўлқуварлар ичида юришибди» деди. «Қаерда?» десам, «Ўзинг билган совхозда» деди. Абил, Салим, Гавҳарлар ҳам ўша ерда эмиш. Нима ишлар қилишаётганига қизиққандим. «Салим — звеновой, Гавҳар — табелчи, Абил — тракторчи», деди. Ҳаммасига ишонсам ҳам Абилнинг трактор ҳайдаётганига ишонгим келмади. У мактабдаги тракторчилар тўғарагига ҳам ёлчитиб қатнашмасди.

— Сизларда ўқиш тамом бўлдими?

— Йўқ,— деди Илҳом.— Бизда ўқиш билан иш бирга олиб борилади. Ҳозир охириг ишлаб чиқариш практикаси бўляпти. Имтиҳон... Тушундингми?— Мен тушунолмай турганимни сизди-да, қўшиб қўйди.— Борсанг, кўрасан. Биз билан юрақолгин.

— Вақтинг бўлса юрақол, ўғлим. Чўлдагилардан хабар олиб ўтадиганмиз. Ўртоқларингни кўриб келасан,— деди Уста бува.

Улар бир-икки соатдан кейин қайтишаркан. Мен «сўраб келарман» дедим дудмол қилиб.

— Борадиган бўлсанг, шу ерга келиб тургин,— дейишди улар.

Уйга чопдим. Шу гапни холамга айтдим. Холамга бу маъқул тушиб:

— Майли, ўзинг сиқилиб юрибсан, борақолгин, далада ёзилиб келасан,— деди.

Ун тўққизинчи боб

Мен ваъдалашган жойга келиб анча кутдим. Автобус кечикиброқ келди. Унга чиқарканман, орқа ўриндиқда ўтирган алвастидай сочи елкасига тушган Тўхта найновга кўзим тушди. Иккимиз бир-биримизга ағрайишиб қолдик.

— Ҳей, қандай қилиб қутулиб чиқдинг?

— Қ-қутулганим йўқ, қ-қутултирдила, Уста бувам,— деди, иш-шайганча у.

Савол назари билан Уста бувага қарадим.

— Тўхтавой тушмагур чатоқ иш қилиб қўйди-да, милицияга тушиб қолганди,— деб ҳикоя қилди Уста бува йўлда.— Милицияга учрашиб, то уларни кўндиргунча кўп вақтим кетди. «Шу болаимиз билмасдан айб иш қилиб қўйди, кечирақолинглар укаларим, энди мунақа номаъқулчилик қилмайди!» деб хўп илтимос қилдим. «Қани, ўзи нима дейди?» деб сўрашса, бу тушмагур чурқ этмай, ер чизади. «Ҳей, Тўхтавой ўғлим, товба қилдим де, забонинг борми?» дейман, худди ичимдагини топинглар дегандай индамайди.

Уста бува ҳамон ишшайиб турган Тўхтага оталарча куюнчаклик билан боқиб:

— Қани айт-чи, катта бошлиққа нега жавоб бермадинг, а?— сўради. Тўхта ерга қараб олди. Бува жиддий деди:— Қилгуликни қилиб, дамингни чиқармаганинг-чи?! Ахир гўдакмассан энди, ўғлим! Қайсарлигингни қўй, унут болалигингни. Илгари билган номаъқулчилигингни қилиб, истаган кўчанга кириб, шаталоқ отиб юрардинг. Беғам-бепарво болалик — пошшолик давринг ўтди. Елкангга масъулият юки тушди энди. Ҳа, ўзинг учун ўзинг жавоб берадиган вақтинг етди. Ўртага бир тушдим, бундан кейин тушмайман. Бу қулоғинг билан ҳам, у қулоғинг билан ҳам эшитиб олгин. Тушундингми?

Тўхта без бўлиб тураверганди, жаҳлим чиқиб кетди.

— Бувамлани шунча овра қилибсан-а, гапир, аҳмоқ!— деб биқинига бир туртдим. Шундан кейингина ерга қараб:

— Т-тушундим,— дея минғирлади. Бува деди:

— Мен катта бошлиққа кириб, гуноҳини сўрасам, «Нега сиз аралашасиз, отахон, ёш боламас, ўзи жавоб бериши керак»,— деди. Қайта-қайта ялиниб-ёлворганимдан сўнг, «Хайр, отахон, оппоқ соқолингизни ҳурмат қиламиз. Биз бу болани алоҳида рўйхатга киритиб, текшириб турамыз. Агар тагин ярамас қилиғини қайтаргудай бўлса, ўзидан кўрсин» деб огоҳлантирди-да, чиқариб юборди.

Билдимки, Уста буванинг шаҳарга келишидан мақсади, машиналарга деталлар олишдан кўра Тўхтавой чатоқни қутқариш экан. Мен Тўхтавойга: «Қалай, энди зўравонлигингни қилмайсанми?» десам, у қоғоғини уюб: «Б-бировлар ж-жиғимга т-тегмаса!».. деб қўйди.

Мен ўзимни энг кўп қизиқтирган нарса — Зухрадан сўз очиш пайидаман. Илҳомдан: «Ўзинг практикага қачон чиқасан?» деб сўрасам, «келгуси ҳафтага» деди. «Кимлар билан?» десам, «Мария, Зухралар билан» деди. Юрагим шиф этиб кетди..

Чўл, кенгликлар бошланди. Кеч кириб қолган. Сап-сарик қуёш баркаши уфққа ботиб боряпти. Автобусимиз малларанг кум барханлари оралаб ўтиб борди-да, шар-шар қайнаб чиқаётган булоқ ёнидаги кўл кирғоғида тўхтади. Бу ерда янги ўтқазилган тол кўчатларидан бошқа на бир тиккайган дарахт, на иморат бор. Кўл яқинига катта брезент чодир — қапа қурилган. Чодирнинг гир атрофида ёғоч-тахталар, темир-терсақлар, қоп-қажоқлар, бочкалар қалашиб ётибди. Болалар



чодир олдида гулхан ёқишяпти. Булар орасида Салим, Абил, Гавҳарлар ҳам бор. Уларга Илҳом кўшилди. Гулханга қаланган янтоқ, ажриқлар чўл шамолида чирс-чирс ёнаёпти. Унинг яллиғи кечки шафаққа қўшилиб, хаёлимга яқин йилларда пионер лагерларида ёққан гулханларимизни, оламини тўлдирган қувончларимизни келтирмоқда. Йўқ, у кунлар қайтмайди энди. Болалигимиз билан бирга орқада қолди. Энди бошқача ташвишлар, алам-изтиробларга тўла кунлар бошланди...

Иигитлар бизни кўриб севинчга тўлишди: «Қайдан шамол учуриб келди сизларни?» дея қучоқ очиб қарши олишди. Ҳаммалари комбинизонда, кўзимга жуда бошқача, катталардай кўриниб кетишди. Фақат кўринишларимас, муомалалари, юриш-туришлари ҳам ўзгариб кетганга ўхшарди.

Улар бизни қапага бошлаб киришди. Капа муздек экан. Унинг ўртасига каттакон белкуракда олов олиб кириб тўкишди. Темир чойнакда чой қайнатишди. Олов яқинига яшиқлардан стол, стуллар ясашди. Иигитларнинг танларига иссиқ югургач, яйрашиб, чақчақлаша бошлашди. Менга чакка-чаккадан савол ёғдиришди:

— Уқишларинг жойидами? Қаерларда ётиб юрибсан? Бўш вақтларингда нималар қиляпсан? Там-там қизлар билан мириқиб танса тушаётгандирсан? Е кўпроқ умринг футболда ўтяптими?..

Мени энг кўп саволга тутган эски сурбет Абил эди. У ҳали бизнинг енимизда Тўхтани кўрибоқ, ранги қум ўчиб, ўзини четга олганди. Тўхтавой нари кетиб, кўл атрофида айланиб юрди. Капага ҳа деганда киравермади. Шундан фойдаланиб, Абил жағига эрк берди:

— Илгарилари доим «бирга бўламиз» дердинг. Ўзингни жуда арзанда қилиб юбординг. Энди бизни назаринг илмай қолдимми, а?

— Ушандоқ обод шаҳар турганда биздақа чўл-биёбонда юрганларни эслармиди!— деб кесатди Гавҳар бижилдоқлигини қилиб.

— Чўл-биёбон, дейсан,— деди Абил уни жеркиб.— Қараб тургин, тагин бир-икки йилдан кейин келганлар танимай қолади бу ерларни! Ишонмасаларинг мана кўрларинг...

Капа бурчагида каттакон фанерга ёпиштириб қўйилган картага имлади. Картага тикилиб, оғзим очилиб қолса-я! Унда кўп қаватли бинолар, кенг кўчалар, экинзору дарахтзорлар; боғлар, бассейн, стадионлар...

— Қаерда бўлади булар?— деб сўрайман.

— Худди шу турган жойимизда,— дейди Салим билагонлик қилиб.

Уларнинг сўзларида ишонч, шу ерда қилинадиган ишларга ўзларининг яқин алоқадор эканликларидан фахрланиш ҳисси, келажак орзу-интилишлари яққол сезилиб турарди. Шу билан бирга худди улар менга: «Мана, биз ўртоқларинг, шунақа ишларга киришиб кетдик-ку, сен ўзингни четга олиб юрибсан. Ёшинг ўн саккизга етса ҳам болалигинг қолмади! Қачон эс-ҳушинг киради-ю, қачон кўзинг очилади? Шунча сарсон-саргардонликдан кейин ҳам товбангга таянмадингми, ҳей, Тоҳир?!»— дейишаётгандай эди. Мен эса уларга: «Эсим йўқлигидан юрганим йўқ у ёқларда, мени шунга мажбур қилишди, бўйнидан боғланган ит овга ярамайди, дейишарди, ўшандай бўлиб қолдим...» дегим келади.

Ташқарига чиқамиз. Шафақ излари йўқолиб, уфқдан тоғ-тоғ булутлар кўчиб осмони фалакни қоплаб келяпти, изиллатиб чўл шамоли қўзғоляпти, ҳамма ёқни қоронгилик босаяпти. Бундан болалар хурсанд бўлишиб, чуғурлашади:

— Ур-е, шамол кучайиб, булутларни тарқатиб юборса, кечаси чўлга машъала ёқамиз!..

Чўлнинг ҳавоси уларга ўрганиш бўлиб қолибди. Шамол кучайиб, одамни учуриб юборай деб турганига қарамай, болалар ҳаракатга тушиб қолишган: Абил, Салим, Гавҳар, Илҳомлар машъала учун темир учига хашак тикилган қоплар боғлаб, янги текисланаётган массивнинг у ер-бу ерига тиккайтирмоқдалар. Баъзилари экскаватор, бульдозерларни созлаб, уларга ёғ қуймоқда. Уста бува жим туролмай, болаларнинг тепасига борди-да, уни-муни кўрсатиб турди. Мен машъаласи нима-ю, ёқиб нима қилишаркан, деб ҳайронлик ичида кузатиб турибман. Шу чоғ кум барханлари орасидан янги очилган йўлда чиябўри кўзларидай милт-милт этиб ёруғ кўринди. Кўп ўтмай, капа олдига эски «Виллис» келиб тўхтади-ю, ундан хабашдай қоп-қора одам тушди. Учаётган гулханнинг хира шуъласида у одам кўзимга таниш кўринди. Дарров эсимга тушди: узоғ йили мактабдан ҳашарга чиққанамизда мени ушлаб, директорга ёмонлаган совхоз бўлим бошлиғи Фармонов...

— Э, ошна, нима қилиб адашиб юрибсан бу ёқларда?— деди у дўриллаган товуши билан. Гапининг оҳангидан, гўё «сен бу жойларга тўғри келмайсан-ку» деяётганга ўхшарди.

— Ўртоқларим олдига келувдим...

— Ердамлашганими, ё тагин...— у ёғини айтмади-ю, худди «Буларни алахситиб ишдан қолдиргани келдингми?» дегандай ёв қараш қилди.

Бизнинг гапимизни қизиқиб тинглаётган Уста бува бошлиққа:

— Ўртоқ Фармонов,— деди кинояли овоз билан,— танимаганини сийламас деган гап бор. Сиз буни анақанги такасалтанглардан деб

ўйлаган бўлсангиз хато қиласиз. Бу ўзимизга тегишли азамат ўғлон, ўртоқларига ўхшаган чўл шайдоларидан...

Фармонов Уста бувага ағрайиб қолди, худди эски гапларни қўзғаб, изза қилмасайди, деб юрагим пўкиллаб турганди, йўқ индамади. Уста буванинг важоҳатидан чўчидими, ё қарилигини ҳурмат қилдими, билолмадим. Уста бува дилимдагини топиб айтган эди, уни қувватлаб:

— Келиб ишламоқчиман,— деб қўйдим.

— Ўқишни битирганларданмисан?— деб қолди Фармонов.

— Ҳа,— дедим. Уста бува менга савол назари билан боққанди, секин қулоғига шивирладим.— Институтда ўқишни сиртқиға ўтказаман.

— Биронта касбинг борми?

— Тракторчиликка ўқиганман,— деб юбордим таваккалига.

— Праванг борми?

Менинг ўрнимга Уста бува жавоб қилди:

— Яқинда олади правани. Сиз бунга ишонаверинг. Мен ўзим кафилман!

Фармонов бу гапга унча ишонмагандай ер остидан менга қараб қўйди-да, менсимаслик билан:

— Чўл шароитига ҳамма ҳам чидайвермайди. Иннайкейин астойдил ишлайман деган одам ишончли хужжатларини олиб келади,— деди ва ариза, қишлоқ Советидан справка, мактабдан характеристика келтириш лозимлигини айтди.— Шундан кейин кўрамиз...

Шунча сўроқдан кейин яна «кўрамиз» эмиш. Мен шалвайиб тушдим. Омадинг юришмаса ҳар қадамда ғов учрайвераркан-да! «Чўл одамга чанқоқ». Бу сўзни холамдангина эшитиб қолмадим. Кўчада эълонлар, газеталарда, радио, телевизорда чақириқлар... Мен чўлга бораман-у, у ердагилар қучоқ очиб кутиб олишади, дарров ишга тушиб кетаман, секин-секин ғам-ташвишларни унутаман, деб ўйлагандим. Чучварани хом санаган эканман! Бунинг ўрнига биринчи эшитган «шинр» сўзим: «Нимага адашиб юрибсан бу ёқларда?...» деган сўз! Шунга қарамасдан, болаларнинг ишларини кўрмоқчийдим, Уста бува: «Бапуржа келиб кўрарсан, ҳозир кетайлик» деб шоширди. Мен унамаган эдим, Уста буванинг аччиғи келди:

— Менга қара, ўғлон, сенинг бу ёқда юрганингдан ота-онанг хабардорми?— мен миқ этолмаганимдан сўнг. Бува қаттиқроқ тегди.— Демак, улар ҳали беҳабар, ўзимча ҳаракат қилиб юрибман, дегин?... Ота-онанг сени ўқишда деб хотиржам юришгандир. Йўқ, болам, сўзимга киргин-да, уйингга боргин. Кўнглингдаги бор муддаоингни ота-онангга очгин, уларни розилигини олиб, кейин йўлга чиққин...

Буванинг гаплари мени жуда ўйлатиб қўйди. Лекин уйимга боролмаслигимни, ўртада катта ғов борлигини унга қай тил билан айтай! Уста бува кетидан ноилож эргашдим. Кетаётганимни кўрган болалар олдимга чопиб келишди.

— Ҳа, жуфтакни ростлаяпсанми? Чўлимиз ёқмадими?— деди Салим.

— Келади, келади,— деди менинг ўрнимга бува.

— Тезроқ келмасанг-чи, ҳей бола,— деди тегажаклигини қўймай Абил ва қулоғимга шивирлади,— қиздан ажраб қоласан...

Менинг қулоғимга гап кирмас, дамим ичимга тушиб кетганди. Бува менга маслаҳат берди:

— Сен-чи, ўғлон, сираям бўшашма, асти руҳингни туширма! Чинакамига шайдойи бўлсанг, омад сенга ёр бўлади, муродингга етасан, уқдингми?

Омад... Нима ўзи бу? Бор нарсами ё йўқ нарсами? Ўйлаб ўйимга етолмайман. Охири бувадан сўрадим:

— Уста бува, шу... «омад» деб нимани айтаяпсиз-а?

— Ўзинг-чи, ўзинг нима деб биласан уни?— синовчан назар билан боқди бува.

Мен тутилиб туриб, дедим:

— Масалан... бировни иши юришса...— у ёғини айтолмадим.

— Омад-чи, ўғлон, бу... сувдаги балиқмаски, адашиб қармоғингга илина қолса. У бамисоли тутқич бериши қийин бўлган қуш. Лекин-чи, одамни севадиган ақлли қуш. Одамнинг ҳар қанақасинимас, мардини, ўктамини севади. Шунақа одамни топса-чи, тўғри келиб бошига қўнади. Уқдингми?

Мен хаёлга ботиб, бақрайиб турдим-турдим-да, дедим:

— Қийин экан...

— Ҳа-да! Бу талай машаққатни енга-енга кон қазиб, олтин топишдай қийин иш! Локин, чўчима, ўғлон, одам қилган ишни одам қила олади...

Биз машинага чиқаётганимиздагина Тўхта эсимизга тушди. У машғала ёқишга тайёрланаётган болалар билан ўралашиб юрган эди, чақириб олдик. Кетаётиб мен ундан: «Училищегга борасанми?» деб сўрасам, у: «бормайман» деди. «Мактабга-чи?» десам, «йўқ» деди. «Бўмаса қаерга борасан?» десам, «Сен қаерга борсанг, ўша ерга!» деди...

Шу чоғ машина ойнасига шуъла тушди. Қарасам, осмонда булутлар сийраклашиб, чўлда қатор машғалалар ёнган, машиналар гуриллаганча ҳаракатга тушиб, чўл бағрини тилка-пора қила бошлаганди.

Йигирманчи боб

Шуълалар мени ўзига оҳанграбодай тортиб турарди-ю, аммо ноилож улардан узоқлашиб борардим. Уйга кетаётганимни ўйласам, юрагимга гулгула тушарди: қайси юз билан кириб бораман, дадам қандай кутиб олади?

Чўлдан чиқиб, чорраҳага етканимизда:

— Тўхтанг, Уста бува!— деб юбордим ўзимни тутолмай.

— Ҳа, ўғлон нима бўлди?— Уста бува сал машинани секинлатди.

— Шу ерда тушаман...

— Нима учун? Ахир уйингга обориб қўймоқчиман-ку!

— Аввал шаҳарга боришим керак!

Сўзим қатъийлигини билгандан кейин, Уста машинани тўхта-тишга мажбур бўлди. Бошқа ҳеч нарса демасдан, шартта эшикни очдим-у, пастга отилдим. Уста эса: «Ҳей, ўғлон, чакки қиляпсан. Ҳалиям бўлса биз билан юр!» деб зорланди-ю, мен кўнмагач, жўнаб кетди.

Мен йўловчи юк машинасида шаҳарга кириб борганимда элётар бўлиб қолганди. Бемаҳал безовта қилишдан тортиниб, холамнинг эшигида анча турганимдан кейин, аста қўнғироқ тугмасини босдим. Эшикни холам очди. Гап эшитаманми десам, йўқ, холам жуда хурсандлик билан кутиб олди-да, паст товушда:

— Қолиб кетасанми деб қўрқувдим, қайтганинг соз бўлди-да, уйингдагилар кутиб қолишибди,— деди. Оёқ учида юриб, Муқимнинг хонасига кирганимиздан сўнг, девордаги кўк чироқни ёқди-да, қўлимга бир парча қоғоз тутқазди. Чироқнинг хира нурига солсам — телеграмма. «Тезлик билан етиб кел» дебди аям. Кундузи мен кетишим билан келган экан телеграмма.

Уринга чўзилдим-у, миямни хаёл чулғаб олди. Гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ағдарилиб ўйлайман: Нега аям бунақа чақириб қолди? Тагин «тезлик билан» деб. Хунук воқеа бўлдимикин-а? Лоп этиб дадамнинг «озгина ташвиш чиқди» дегани эсимга тушди. Унинг иши нима бўлдийкин?..

Эрталаб нонуштага ўтирганимизда томоғимдан ҳеч нима ўтмади. Поччам шоша-пиша чой ичди-да, ўғли билан қаёққадир кетаётиб,

менга: «Уйингда бир иш бўлганга ўхшайди. Тезроқ бора қол. Биздан салом айтгин. Хат ёз!» деб тайинлади.

Шошилиб йўлга чоғланяпман. Шу вақт қайси кўз билан кўрайки, эшикдан аям Иқбол билан кириб келишяпти. Кўришув, сўрашув анчагача-чўзилди. Айниқса, аям мени бағрига босганча узоқ турди. Сўнг ёш қалққан кўзларимга индамасдан тикилганча қолди. Ҳайрат ичида тилимга сўз келмасди.

— Вой опагон-е, нучук худо ярлақади. Неча ойдан бери кута-кута кўзларим нигорон бўлди-я!..— деб холамнинг жовиллаши жимликни бузди.

— Узларингдан нима учун дарак бўлмади?— деди ниҳоят аям.

— Биз...— холам сўз тополмай турди-турди-да, сўнг деди.— Тўғриси айтсам-чи, опагон, биз боришга... поччамдан ҳайқдик.

Аям, нимага деб савол назари билан тикилиб тураркан, холам менинг бошимдан ўтганларни бирма-бир ипга тиза кетди. Аям унинг ҳикоясини лоқайдлик билан тинглади-да:

— Узим ҳам сезардим шундай бўлишини,— деди. У аллақачон институтга хат ёзиб, ҳамма воқеани билиб олган экан. Мени чақириб олай деса, дадам йўл бермабди. Кейинги кунларда эса неча марта қўнғироқ қилиб, ололмабди. Шошилиб телеграммага ҳам жавоб бўлавермагач, хавотир олиб, ўзи йўлга чиқибди. Кўзимга аямнинг ранги-рўйи кетиб, ориқлаб қолган кўринди. Холам ҳам шуни сезиб, қайта-қайта соғлиғини сўрайверганди «Ишим бошимдан ошган, халоватим йўқ» деб қўя қолди. Дадамни сўраган эдик, дудмол қилиб «юрибдилар» деб қўйди. Аямнинг хомушлигидан ва товушидаги ўзгаришдан ниманидир яшираётгани англашилди. Бошқа вақт бўлса, гапга аралашаверадиган Иқбол ҳам ҳозир хомуш ўтирарди. Ундан «дадам яхшимилар?» деб сўрасам кўзини олиб қочди.

Кўп ўтмай эшикдан машина сигнали эшитилди. Аям ўрнидан турди: бир танишнинг машинасида келгани, ҳозироқ жўнаб кетиши кераклигини айтиб узр сўради. Холам бўлса:

— Вой, бу нима қилганингиз, ахир! Мунча шошилмасангиз! Ўтириб дам олинг, кечлаб кетарсиз!— дея жовирлай-жовирлай бизни ташқарига кузатиб чиқди.

Йўлда кетаётиб яна дадамдан сўз очдим:

— Тўғриси айтма қолинг, аягон, дадамга нима бўлган?

— Нима бўларди, судга чақириб турибди...

— Нимага?

— Дадангни айтишича, гумашталари уни ҳисобдан адаштиришибди...

Қўрқа-писа уйга қадам босдим. Ҳозир дадам олдимга чиқади-ю: «Нега менинг рухсатимсиз қайтиб келдинг?!» деб дағдага қилади, захрини сочади деб ўйлайман. Йўқ, дадам: кўринмади. «Дадангни ўртоқлари чақириб кетувди» деб қўйди аям. Кечгача кутдим, дараги бўлмади. Кейин секин Иқболдан: «Тўғриси айтгин, дадам қаёққа кетган?» деб сўрасам, у: «Айтмайман. Аям урушади!» деди-ю, қўнграб юборди. Йиғи аралаш, дадамни милиция олиб кетганини айтди. Дамим ичимга тушиб, шалвайиб қолдим. Уйимиз ҳувиллаб, неча кунгача шундай дидахиралик давом этди. Аям, Иқбол кунига эрта-лаб мактабга кетганларича кечқурун қайтишади. Мен бўлсам нима қилишимни билмайман. Подвалда ётган мотоциклни қўчага олиб чиқиб, минишни машқ қиламан. Бу ҳам тезда зериктиради. Узимни қаерга қўйишни билмай, сиқиламан. Буни аям сезиб:

— Шалвайма, болам, ўзингни қўлга ол. Биласан-ку, иродаси бўш одамни ёқтирмайман,— деди.

— Бекорчилик жоғга тегди, аягон!— дедим ниҳоят.— Қачонгача шундай юраман. Қанча вақтимни у ёқда бекор ўтказиб келдим. Ўртоқларим бўлса ҳаммаси ўз жойини топди аллақачон...

— Гапларинг тўғри, болам. Анча вақтинг беҳуда сарф бўлди. Бунинг учун мен ҳам айбдор...

— Унақа деманг, аяжон, сизда айб йўқ.

— Бор, болам, бор. Мен сўзимда маҳкам туролмадим, фикримни ўтказолмай, кўнгилчанлик қилдим... Кел, энди ўтган ишга саловат. Бу ёғини маслаҳатлашайлик. Кўнглингни яхши тушунаман, болам. Сен ўртоқларингдан ажралиб қолаётганинг, ўртангиздаги аҳд-паймонни бажаролмаётганингдан сиқилияпсан. Лекин ҳалиям кеч эмас. Шукр, иштиёқинг, ғайратинг, зеҳн-идрокинг етарлик, етишиб оласан уларга, Бахтингни берсин... — Охири аям қатъий деди. — Ўртоқларинг ёнига боришинг мумкин. Тагин бир кун и армон қилиб: ота-онам йўлимни тўсди деб биздан дамонгир бўб юрмагин, болам. Йўлингни шунча тўсганимиз етар!..

— Қандай қилиб бораман, аяжон. Ахир бу ёқда дадам...

— Билиб қўй, дадангни ишига сен ҳам, мен ҳам аралашолмаймиз. Агар айбсиз бўлса, бир кун соғ-саломат қутулиб чиқади. Уни кутиб умрингни ўтказма!..

— Ахир сиз ёлғиз қоласиз-ку?..

Аям меҳр билан менга боқиб турди-турди-да, бирдан кўзлари ёшланиб кетди.

— Нега унақа қиласиз... аяжон? — дедим чўчиб.

— Ўзим... Сени шундай бўб қолганингни кўриб... хурсандлигимдан... Мени ёлғиз юраги увишиб қолади деб чўчима, қўзим. Ҳамиша ўз бағримда деб ҳисоблайман сени, — деди аям кўз ёшини артиб. — Ни-ма бўпти, борадиган еринг икки қадам, чақирса эшитиладиган. Иннай-кейин, ёш бола эмассанки, ҳар соат хавотир олиб ўтирсам. Энди сендан кўнглим тўқ.

Аямнинг бу сўзлари Уста буванинг ўғитларини эсимга солди: «Қуш боласи учирма бўлгандай, болалик билан хайрлашадиган чоғинг етди, ўғлон!..»

Сухбатимизни тинглаб, тагин акам узоққа кетиб қоладими деб шумшайиб ўтирган Иқбол ҳам аямнинг гапи билан жонланиб кетди-да:

— Мотоциклда бориб келаверасиз-а, акажон! Мени ҳам олиб борасиз, Зухра опамни олдиларига, а? — деб юборди менга суйкалиб.

Зухра номини эшитиб, аямнинг юзларига табассум югурди. Бу жуда майин, илиқ, ёқимли табассум бўлиб, худди қоронғи уйда чирок ёнгандай бўлди. Шунда мен елкамдан босиб турган оғир юкдан қутулиб, қанот чиқаргандай сездим ўзимни.

Эрталаб жўнамоқчи бўлсам-да, бугундан мотоциклни ярақлатиб артиб, унга сафар жабдуқларимни орта бошладим. Тунни эса уйқусиз ўтказдим. Ҳар лаҳза кўз олдимдан уфққа туташган поёнсиз чўл тунининг ўша ажиб манзараси, ловиллаб ёнаётган машъала, чуввос солиб юрган ўртоқларим лип-лип ўтади... Қулоғимга Уста буванинг «Бир ишга чинакамига шайдойи бўлсанг, омад сенга ёр бўлади. Мен сенга айтсам, отанг боласи бўлма, одам боласи бўл, деган гап бор, ҳа!...» деган сўзлари чалингандай бўлади.

1979—1983.



ЮЛДУЗЛИ ОСМОН

II. «Умр фусулининг шукуфи ва гулзори»

... Нозик табъининг (Алишернинг) софлик ва соғломлик овозаси оламга ёйилди ва муборак фикрининг дадиллиги ҳақидаги сўзлар халқ орасида оғиздан-оғизга кўчиб юрди. Сочма марваридлари осмон варақларига зийнат берди, назм жавоҳирлари жаҳон садафини қимматбаҳо дурга айлантирди.

Хондамир.

Алишернинг отаси маърифатпарвар, софдил бир киши бўлиб, ўз ўғлининг улуғ бир олим бўлиб етишишини жону дилидан истар эди. Шу сабабли ўғлининг маълумот олиши учун қўлидан келган ҳар бир ишни қилди ва бу талантли бола ўзининг фавқулодда ҳаракати натижасида камол топиб, ўн икки яшарлигида ўзини адабиёт мамлакатининг ҳуқуқли гражданларидан бири деб ҳис қилди.

Садриддин Айний.

Алишер билан Ҳусайн ораларидаги дўстлик мактабдошлик йилларидан бошланган. Гўё бу икки бола келажақда қайси бирлари баланд мартабага эришсалар, бир-бирларини унутмасликка аҳд қилишган ва онт ичишган.

Олим Шарофиддинов.

БИРИНЧИ ҚЎШИҚ

Ғиёсиддин қайтди уйига хурсанд,
Султон карамидан кўнгли баҳраманд.

Яна мартабаси бўлди-да баланд,
Жўшқин ҳаёт сари боқди орзуманд.

Абулқосим Бобур — райиятнавоз,
Аҳли сарой ичра айлади эъзоз.

Бобоси русумин этмасдан канда
Иноят кўрсатди, толе кулганда.

Шунинг учун хурсанд ҳаддан зиёда,
Ундан бахтли одам йўқдек дунёда.

Кўркам даргоҳига кўйганда қадам,
Ўзидек шод кўрди фарзандини ҳам.

Ота қувончидан дилда ҳаяжон,
Бағрига отилди Алишер шу он.

Ўғлини эркалаб, даст кўтарди у,
Кўзларида ёнди ўт бўлиб орзу.

Кобулий ўрнидан сачраб кўзғалди,
Ғарибий қалбидан қуёш жой олди.

Қайнилари билан азалдан иноқ
Ғиёсиддин кўнгли эди шўх булоқ.

Маъсума, чеҳраси гул-гул очилиб,
Юзидан оламга ёғду сочилиб,

Уларни бир лаҳза кузатди мафтун,
Дилида ечилди ғам солган тугун.

Сўрида ўлтириб сўнгра хотиржам,
Дил қулфини очди Баҳодир хуррам:

«Фақир билан султон этмиш мулоқот,
Салтанат кутмишдир улусдин нажот.

Улус кўмагига эмишлар муҳтож,
Улус деб киймишлар бошлариға тож.

Вале ҳокимият кетган сўнг қўлдин,
Аламноқлар урмиш улусни йўлдин.

Улус орасига солмишлар нифоқ,
Шаҳзодалар тутмиш илкида пичоқ.

Хуросонда эса шаҳзода бисёр,
Бири-бирига ёв, қотили хунхор.

Оналари бошқа, оталари бир
Фарзандлар аҳилмас, бўлур муғомбир.

Кундош маликалар фарзандларин ҳам
Дўст этмас, кўнглида яшар кин, алам.

Барча маликанинг истаги битта:
Бошиға тож кийсин ўғли, албатта.

Бу истак йўлида тонғай имондин,
Ўғлини гиж-гижлар: қўрқма, ҳеч жондин.

Ҳатто қасд эттирғай ота жониға,
Ут қўйиб фарзанди хонумониға.

Қоринда тинч ётмиш шаҳзодалар ҳам
Даъво қилар тахтни туғилгани дам.

Бир мунис онанинг фарзандлари ҳеч
Бириси-бириға кўтармас қилич.

Ота бошқа бўлиб, бир бўлса она,
Фарзандлар бўлмағай асло бегона.

Дарвоқе, нек ният қилмишдур султон:
«Беш қўлдек қовушса, дейди Хуросон.»

Кошки, сўзи билан бир бўлса иши,
Кўнглин тинчитмаса улус ташвиши.

Улусға таянса — боши эгилмас,
Улусдин юз бурса — толеи кулмас.»

Кобулий сўзида қатъий бир ишонч,
Кўзида порлайди ўй тўла қувонч.

Қоши орасида нўхатдек тугун,
Диққат билан деди: «Эл бўлса мамнун,

Осойиш боғида яшар мамлакат,
Фавғо калхатлари қурмас салтанат.

Сиз ҳақсиз, кучаймиш ўзаро низо,
Ўзи шоҳ бўлмаса — шоҳдин норизо.

Фитна уясида аридек ётмиш,
Бири-бирисиға заҳрини қотмиш.

Вале алар зукко илму ирфонда,
Тенги йўқдир асло тийру камонда.

Отар-тутарда ҳам эрур устамон,
От чопса, чақмоқдек сачрайди ҳар ён.»

Гиёсиддин ўйлар, Кобулий ҳақдур,
Барчасин матлаби тож ила тахтдур.

Тож киймак истамас қайси шаҳзода,
Муддаоси йўқтур бундин зиёда.

Узилган гапини ўйида улаб,
Деди: «Маликалар ҳатто тахт талаб.»

Сухбат авзойидан олиб хавотир,
Ғарибий энгашиб сўзлади охир:

«Қўйинг бу гапларни, ўрни эмас, Бек,
Деворнинг қулоғи бор дер халойиқ.»

Ғарибий қошида бўлгандек мулзам,
Гиёсиддин чойдан ҳўплади шу дам.

Ва деди юзланиб Маъсума томон:
«Ғақирға марҳамат қилмишдур султон.

Улус хизматиға масъул этдилар,
Аҳли бор қошида муҳр тутдилар.»

Бу қутлуғ муждадан ҳозирунлар шод,
Гўёки бахт қуши бошга қўнмиш бот.

Кобулий чеҳраси очилиб, деди:
«Почча, белни маҳкам боғлайсиз эмди.

Ғахрдур саройға бўлмак мулозим,
Султон иноятин оқламак лозим.

Улус ҳоли хароб, тангдур аҳволи,
Мадорин қуритмиш зулм шамоли.

Фуқаро оҳидин ўртанмиш осмон,
Юрак-бағри хундур, ранг-рўйи сомон.

Мулкни талон этмиш бек ва амирлар,
Бошиға дўл каби ёғмиш жабрлар.

Сизға раҳнамолиғ қилмаса султон
Мулқдорлар илкани тиймак дарғумон.»

Гиёсиддин ўйлар, излайди чора:
Улус — бу аслида аҳли фуқаро.

Мулқдорлар улусни от қилиб минмиш,
Эл бошида зулм таёғи синмиш.

Бир ҳовуч бўлса-да, эрур ҳукмрон,
Жабру ситам ичра эл эса гирён.

Улар туя қилмиш улус нонини,
Хонавайрон этмиш хонумонини.

Сандиқлаб олтинни домига тортмиш,
Аждаҳо сингари комига тортмиш.

Ўйлаб боши қотди, излади имкон,
Бафуржа, аҳдини айлади баён:

«Подшоёсиз иш тутмак — чоҳ қазимақдур,
Кўзинг очиқ бўлиб, йўлдин озмақдур.



584

Инсоф тарозуси бўлса илкингда,
Эйтибор топғайсен элу мулкингда.

Қўлингда порласа адолат шами,
Сени азиз этғай улус карами.

Малҳам бўлай десанг улус жониға,
Бош эгиб борғайсен онинг ёниға.

Инобатға олсанг арзу ҳолини,
Қалқондек тўсғайсен ғам шамолини.

Улус мушқулини айласанг осон,
Надомат даштида азоб чекмас жон.

Вале бек, амирлар сенга бўлғай ғов,
Шафқат қилғаймен деб, орттирғайсен ёв.

Мулқдорлар жон бермас, бўйни йўғондур,
Мурувват йўлини тўсган тўғондур.

Ўзни чоғлабменки улус ишиға,
Нажот илкин чўзгум нек юмушиға.

Бу йўлда жонимни фидойи этгум,
Элу юрт раъйига қараб иш тутгум.»

Падари аҳдидан Алишербек лол,
Қалбида қувончу кўзида савол.

Уни бу ҳолатда кўрмаганди ҳеч,
Ишингиз нечук, деб сўрмаганди ҳеч:

«Отажон, бошингиз ғавғода қолмиш,
Сувдин олиб подшоҳ оловға солмиш.

Акобир, аёнлар сизни тинч қўймас,
Ўзлари тўйса-да, кўзлари тўймас.

Рутба ё суюрғол олғали шоҳдин,
Алар қайтмас асло бўҳтон, гуноҳдин.

Яхши кўринмак-чун шоҳға ниҳоят
Тоймағай қилмакдин сизға хиёнат.»

Ўйчан Фиёсиддин тортгандек ҳушёр,
Ўғлини бағрига босди миннатдор.

Унинг идрокига яна бериб тан,
Чекмиш ташвишлари тарқалди зотан:

«Ўзга чора йўқтур, англа, ўғлоним,
Улус хурсанд бўлғай, комил имоним.

Ўйламай иш тутмас подшоҳи олам,
Элу юрт ғамида ул чекмиш алам.

Дорул-ҳаводисда марҳамат этмиш,
Улус даргоҳиға юзумни тутмиш.

Фақирға мундин ҳам олий бахт йўқтур,
Улус рутбасидан юксак тахт йўқтур.»

Дилларда чирмашиб икки ўт ёнар,
Кўзларда порлайди шўх алангалар.

Бири — шодлик ўти, бири — ғам ўти,
Ғам эмас, бу — ташвиш, амал булут.

Ғиёсиддин хиёл этди-да сукут,
Урнидан қўзғалди гўё сор бургут.

ИККИНЧИ ҚЎШИҚ

Намозшом тушдию дўстлар бўлди жам,
Кўкдан кўзин сузди юлдузчалар ҳам.

Ой хира, юзини қопламиш доғлар,
Гўё чангал солмиш ҳуснига зоғлар.

Тўдадан айрилган булутлар сарсон,
Жулдур пўстагини қоқмоқчи осмон.

Ҳерируддан эсар сарин шаббода,
Гул иси анқийди салқин ҳавода.

Тоғлар — паҳлавондек ёнбошлаб ётур,
Боғлар — жаннат сари кўз ташлаб ётур.

Кун бўйи қозондек қайнаган Ҳирот,
Фароғат бағрига бошин қўйди бот.

Чўнг Ихтиёриддин қалъасига ҳам
Ором парилари қўйдилар қадам.

Залвор дарвозалар қулфланди шу дам,
Кутариб қўйилди осма кўприк ҳам.

Сувли хандаққа ҳам тун нигоҳ отди,
Тўрт буржда соқчилар ҳайкалдек қотди.

Ҳирот ўрдасига тикиб жонини,
Қўриқлар Хуросон истеҳкомини.

Амир Ғиёсиддин эшиги аммо
Ланг очиқ, дўсту ёр этмиш марҳабо.

Еғдулар таралмиш биллур шамлардан,
Сурилар серфайзидир муҳтарамлардан.

Дастурхон кўркидир нозу неъматлар,
Дилларни ёритгай ширин суҳбатлар.

Ҳазрати Лутфий ҳам зиёрат этмиш,
Назм боғи ичра зироат этмиш.

Ҳазратнинг улусда қадри баланддур,
Иззату икромда подшоҳ монанддур.

Ғиёсиддин чорлаб Деҳи Канордан,
Ул зотни шод этиб, чиқмиш хумордан.

Алишер ўлтирар устод ёнида,
Илҳоми жўш уриб қайноқ қонида.

Лутфийга рўбарў мавлоно Мирхонд,
Мозийдан от сурмиш мардона Мирхонд

Мирхонднинг ёнида закий Ардашер,
Кўрмаган эди ҳеч уни Алишер.

Ҳурмат-ла эсларди отаси баъзан,
Қомус ул-аълам деб ул Сайид Ҳасан.

Алишер қошида Атои — тетик,
Назмда зулматни ёритмиш нурдек

Кўнгил кулбасини чароғон этмиш;
Умид саҳросини гулистон этмиш.

Алишерга тикиб меҳр кўзини,
Бахтиёр сезади гўё ўзини.

Ёнида ўтнафас Ҳусайн мирзо,
Кўзида акс этмиш юлдузли само.

Балоғат боғида этмишдир сайр,
Ўсмирлик фаслига демишдир: «Хайр!»

Мўйлаби майсадек сабзалар урмиш,
Тизида салобат билан ўлтирмиш.

Усти-боши эса шаҳзодага хос,
Тийнати — Қурагон авлодига мос.

Муҳтарам зотлардан ўзин кўрмай паст,
Навқирон бир йигит тўрга ўтди даст.

Кийиниши башанг, олифтанамо,
Офтоб меники, дер, бўлмаса само.

Бошига қистириб салла пешини,
Илжайиб, кўрсатмиш тилло тишини.

Бу — Даҳо Ҳеравий, осмондав шоир,
Тили бурро, сўзга чечан ва моҳир.

Ғазалиётда ҳам ғоят устамон,
Устаси фаранг деб элда олмиш ном.

Ғазали чиройли сўздан иборат,
Юрак ўти йўқдир, муздан иборат.

Ва лекин ёд айтмиш, ўқир оҳангдор,
Маъни кам эрса-да, сўзи жарангдор.

Аҳли анжуманни гўё этар мот —
Қойилмақом қилар, аҳли тижорат.

Уни хурсанд этиб керакли дамда,
Ғазаллар ўқитар тўю ҳашамда.

Онаси — қундузлик, отаси бўлса,
Фаҳр-да, Ҳиротдек элда туғилса.

Шу важҳдин, у тутмиш ўзини баланд,
Ҳатто устодларга боқар нописанд.

Ҳеравийман дея керади кўкрак,
Шуаро' ичида бўлса-да эрмак.

Қай шоир Ҳиротдан топса гар паноҳ,
У юрган йўлларга дарҳол қазир чоҳ.

Мадҳи сано ўқир кимки бўлса шоҳ,
Ошиғи олчидир, қай шоир маддоҳ.

Ҳеравий топинган меҳроби — Урда,
Урдада ҳамиша жойидир тўрда.

Вазирлар бирма-бир тушди назмга,
Амирлар қошига келди таъзимга.

Уни пуфлаб қўяр ҳирийликлар ҳам:
Ҳиротга йўқ, дейди, биздан зўр ҳакам.

Хуросон жиловин тутмасак илқда,
Ким бўлғай вазиру амир бу мулқда.

Шоҳ қайдин келса-да, бизга бари бир,
Азалдан бу шаҳар бизники ахир!

Ҳеравий қонига сингмиш бу ғоя,
Бу ғоя назмига солмишдир соя.

Форсигўй бўлса-да, туркий ёт эмас,
Хуросон дегани, бу — Ҳирот эмас.

Бордир бошқа шаҳар, вилоятлар ҳам,
Қанча эл туркийда сўзлашар кўркам.

Туркийда чекиб нақш қасри назмга,
Ким обрў топмади мулки азимда!

Мавлоно Лутфий ва ҳассос Атойи,
Ким айтмиш бу йўлда қилмиш хатойи!

Даҳо Ҳеравийдан ўзга бир «кибор»,
Бўхтон тошларини отолмас зинҳор.

Улуғлар жой берди ўрнидан туриб,
Ул мамнун ўлтирди чордона қуриб.

Нечун бундай ҳурмат, сохта эҳтиром?
Нечун тўрга ўтар Ҳеравий мудом?

Катта бир масжидда отаси имом,
Имомни эл этгай иззату икром.

Тоғаси Урдада мирзабошидир,
Доғули вазирлар кўзу қошидир.

Уларга эргашиб неча бор Даҳо
Уйларнинг тўрида ўлтирар, аммо

Ўрганган кўнгил-да, ўртанса қўймас,
Пойғаҳни ўзига ҳатто эп кўрмас.

Ёши улўғроқми ва ёки кичик
Бостириб киради уй тўрига тик.

Тўрда жой бўлмаса — кўнгли бўлар шом,
Юзлари — ариқда ювилган шолғом.

Анжуманни ташлаб кетиб қолади,
Бетобдек уйида ётиб олади.

Латиф ғазаллари кириб баёзга,
Ҳеравий тушганда дастлаб оғизга,

Савт боғлаб, ҳофизлар куйлаган эди,
Ғазали тўйларда тўйлаган эди.

У кўкда — зоғ каби қиларди парвоз,
Гўё дорда юрмиш лангарсиз дорбоз.

У кунлар барқ мисол ўтдию кетди,
Ҳеравий маддоҳлик йўлини тутди.

Отдан тушса ҳамки тушмай эгардан
Ҳамон жой қидирар Ҳеравий тўрдан.

Кобулий чой қуйиб, унга узатди,
Авзойини зимдан Мирхонд кузатди.

Ғиёсиддин келиб ҳол сўрди дарҳол,
Бу зот ким бўлди, деб, Алишербек лол.

Хожа Юсуф Бурҳон эса соз чалиб,
Ўлтирган жойида қўйди кўзғалиб.

Бу улуғ зот — машҳур мусиқашунос,
Кўнглидан куй бўлиб чиқар эҳтирос.

Мусиқа илмида хуштаб, беназир,
Дилкаш навосига улус мунтазир.

Алишерга бўлмиш мусиқи устод,
Шашмақом йўлида уни этмиш шод.

Кўнгил дуторини безатгандек зар,
Ҳазинадан тутмиш бир ҳовуч гавҳар.

Шогирд даргоҳига айлаб марҳамат,
Гўё анжуманга қўшмиш малоҳат.

Ғиёсиддин билан дўсту қадрдон,
Меҳр-оқибатдан диллари бўстон.

Ғарибий ёнида ўлтирмиш ул зот
Умрини навога чулғаган ҳаёт.

Лутфий ғазалига савт боғламиш ул,
Созига кўнгандек чамандан булбул.

Ликопни ўйнатиб, жўр бўлар ҳофиз,
Сел этиб, ўзига жўр қилар ҳофиз.

Ғарибий сўйлатиб дуторини шўх,
Ҳофиз овозига бахш этар шуқуҳ.

Алишер сархушдир куй ва ғазалдан,
Куй билан ғазалдир жони азалдан.

Аҳли шуарога келганида гал
Даврага файз берди яна куй, ғазал.

Яна Атойининг бағри бўлди қон,
Дурбекни йиғлатди саркаш бир жонон.

Дарддан фориг бўлди кўнгиллар бир дам,
Бир дам ғамсиз бўлиб кўринди олам.

Ғазал кишварида кезиб музаффар
Ҳусайний таҳсинга бўлмиш сазовор.

Алишерга боқди кўзлар умидвор,
Уқисин, дегандек гўё бир ашъор.

У битмиш ғазаллар бўлиб бир дафтар
Парвози баланддир мисли кабутар.

Ҳирот осмонида чарх урмиш яксар,
Улус таҳсинига бўлмиш муяссар.

Алишер юзланди Кобулий сари,
Хаёлин чулғади шеър парилари.

Бошида чарақлаб юлдузли осмон
Интизор кўзлардек боқмиш меҳрибон.

Ғиёсиддин кўнгли ҳаприқиб кетди,
Сўрига таяниб, қулоғин тутди.

Ҳазрат Лутфий эса бергандек нажот:
«Уқи, бўтам!» деди... Тилсиз коинот

Шод эди бу даргоҳ хуш толедан,
Навқирон шоирнинг истиқболдан.

Алишер хаёлин олди-да тўплаб,
Тизида ўлтириб, шеърга очди лаб:

«Фурқатингдин заъфарон узра тўқарман лолалар,
Лолалар эрмас, ки бағримдин эрур парголалар.»

«Ваҳ!» деди ҳайратдан муҳтарам зотлар,
Дилга дард солгандек ранж, муножотлар.

Барча Лутфий сари тикди кўзини
Ва кутди умидвор устод сўзини.

Ҳазратнинг юзида барқланиб сурур,
Нуроний кўзида ёниб порлоқ нур,

Дилдан луо қилди Алишерни у,
Беғубор қалбида олий бир орзу:

«Алишербек шоир бўлмиш азамат,
Сидқидилдан шеърга этса азимат,

Улусға туркийда дур эҳсон қилғай,
Назм бўстонида толеи кулғай.

Боқинг, кўк ҳам бугун ғоят серюлдуз,
Фақир кўзун олмиш аммо бир юлдуз.

Бу юлдуз Хуросон кўкида балқмиш,
Ёғдуси оламни ёритгон барқмиш.

Не тонг, Навоийнинг юлдузидир — бу!
Улус боши узра порласин мангу!»

УЧИНЧИ ҚЎШИҚ

Қадрдон мактабга қайтди Алишер,
Сабоғин назмда айтди Алишер.

Домулла хайратдан тутди яқосин,
Устоди бўлгандек назм даҳосин.

Сабоқдош дўстлари боқишди ҳайрон
Ва орзу кўкида уришди жавлон.

Ҳусайн мирзодан улар эди шод,
Мактабдош бўлди деб, ёрқин истеъдод.

Бугун Алишердан узишмас нигоҳ,
Навқирон шоирга диллар хайрихоҳ.

Ажиб ҳол, болалар кўтариб сурон,
Алишер шеър айтсин, дейишар шодон.

Анордай қизариб кетмиш Алишер,
Хаёл дафтарини титмиш Алишер.

Сўнг кеча ўқиган ғазалин такрор
Этмакдан ўзини сезар бахтиёр.

Юлдуз каби чақнаб, шуълалар сочмиш,
Назм кишварининг тилсимин очмиш.

Фаввосдек дур термиш сўз уммонидан,
Боғбондек гул ўзмиш шеър бўстонидан.

Болалар севинчдан қарсак чалдилар,
Алишер қалбига ғулу солдилар.

Домулла сабоғин унутиб тамом,
Кўнглида кўзғалиб ўтли эҳтиром,

Мивнатдор кузатмиш ғаройиб ҳолни,
Ғазал кўкидаги янги ҳилолни.

Ўтирган жойида чайқалмиш аста,
Ғазал риштасига жони пайваста.

Ҳусайн мирзонинг юзида виқор,
Алишерда кўриб ноёб иқтидор,

Қалбида тантана қилмиш ғурури,
Кўзида барқ урмиш ғазал сурури.

Домулла қайрилиб Ҳусайн томон:
«Мирзо, сизга навбат», деди шодумон.

Жуссаси шерпайкар, кўзлари ўткир,
Ҳофизаси баланд, сўзлари кесгир

Шаҳзода боқди хуш Алишер сари,
Хужумга отланиб сухан лашкари:

«Соқие тут бир қадаҳким, боданинг додин берай,
Ким, баса хуноб ичибмен давр эли бедодидин.»

Ғазал мақтаини тугатгач мирзо:
«Офарин, шаҳзода!» деди domuлла.

Мамнун туйғуларин қилғали манзур
Алишер садафдан гүё топди дур:

«Даврон бедодидин Хусайний қондур,
Қон ютиб ўртанмиш элпарвар жондур.»

Лутфий ҳазратлари айтмиш: «Хусайний
Назмидин элу юрт топмиш хуш маъни.»

«Назм сабоғи»га айланмиш бу кун
Ялт этган чақмоқдек ўтди сермазмун.

Ким айтди: «Бўстон»дан, ким «Алпомиш»дан,
Ким «Гул ва Наврўз»дан, ким «Чор дарвеш»дан.

Ким деди: «Гурўғли», «Тоҳир-Зухро»дан
Ким Дурбек, Атойи, «Вомиқ-Узро»дан.

Миннатдор домулла сабоқ сўнгиди
Ешларни олқади, ғурур кўнглиди

Фасиҳиддин Соҳиб эдилар бу зот,
Фозиллик туфайли қозонмишлар от.

...Ўзлари элликка бориб қолса ҳам,
Ешидан улўғроқ кўринмиш бу дам.

Домулла ижозат бергани ҳамон,
Дув этиб кўзғалди толиблар шодон.

Ва лекин икки дўст ўйланиб қолди,
Ҳерируд бўйига сўнгра йўл олди.

Энди улар: Хусайн, Алишер эмас.
Хусайний, Навоий деса, элга бас.

Элу юрт сурури — икки навқирон
Юрагида яшар бир орзу-армон.

Бу орзу — вобаста қисматларига,
Бу орзу — пайваста тийнатларига.

Дўстликнинг бош урмиш қибласидир бу,
Дўстликнинг мангулик қиссасидир бу!

Муסיкий оқмоқда нилий Ҳерируд,
Созанда бағрида чалган каби уд!

Мусоҳаба этмиш қирғоқда дўстлар,
Юракда Ҳерируд мавжидек ҳислар.

Намозгар уфқида саргашта қуёш
Дўстлар туйғусига бўлгандек сирдош,

Шеър баҳси, дўст васли ва васфи дунё
Жўшқин юракларда соз чалмиш дарё.

Хусайний қонида пўртана сезмиш,
Навқирон йигитлик боғида кезмиш.

Мактабни тарк этиб энди ул тамом,
Ўрда хизматини кўнгли этмиш ком.

Кўнглиди яшайди олий бир мақсад,
Йигит орзусига йўқ асло сарҳад.

Етти ёшга қадам қўйганда, ҳайхот!
Падари бузурги этмишдир вафот.

Азиз волидаси бўлиб жигархун,
Суянса — тоғ бўлди, йиқилса — устун.

Унинг хаёлини олмиш салтанат,
Кўнглига ғулғула солмиш салтанат.

Нечун у бўлмағай тахтга даъвогар,
Бобосидан қолган бахтга даъвогар!

Бир юракда яшар икки зўр ният:
Бириси — салтанат, бири — шеърият.

Бир қўлида қилич, бирида қалам,
Бириси — хун талаб, бириси — карам.

Орзулардан унинг руҳи баланддир,
Истиқбол умиди жонга пайванддир.

Ўспирин Алишер дарёга боқмиш,
Хаёли тўлқинлар мавжида оқмиш.

Шеър ишқи кўнглида кўтармиш туғён,
Илҳом парисидан роҳат билмас жон.

Неча йил яшади дарёдан йироқ,
Унгидан кетмади Ҳерируд бироқ.

Қувноқ болалигин олган бу дарё,
Қалбига илҳомлар солган бу дарё.

Қандай бахтки, васли яна муяссар,
Куй билан кўнглини этса мунаввар!

Қандай бахтки, зилол сувидан ичса,
Саратон кунлари ялангпо кечса.

Балиқдек бағрига сўзса беармон,
Мавжли тўлқинларда кўтарса сурон.

Тўлқинлар сиғмаса қучоқларига,
Жон яйраб, узанса қирғоқларига...

Сидқидил қўл бериб дўстлар шодумон,
Бир мақсадни кўзлаб, этди аҳд-паймон.

Улусни ўртага қўйиб, умрбод
Дўст бўлмакка улар қилди қасамёд:

«Кимнинг мартабаси бўлса гар баланд,
Дўстин ҳам ўзидек этсин сарбаланд.»

Сут-ла кирмаса-да бу қасам қонга,
Пайванд бўлмиш имон сингари жонга.

Муқаддас қасамни бузмасликка ҳеч,
Онт ичишди, бошга келса-да қилич,

Дўстликни оқлашга келтириб имон,
Дарёни тарк этди икки қадрдон.

ТҮРТИНЧИ ҚУШИҚ

Дорус-салтанага қайтиб келди шох,
Йўлига мунтазир эди ватангоҳ.

I

Ноилож Самарқанд билан сулҳ тузиб,
Мовароуннаҳрдан умидин узиб,

Регистон саҳнига босолмай аёқ,
Регистон устига тиколмай байроқ,

Қирқ кун қамал қилиб қадим шаҳарни,
Беором ўтказиб шому саҳарни,

Абу Саид билан жангда бешафқат
Жон бериб, жон олиб, кўриб талофат,

Неча кун йўл босиб, чекиб азият,
Хуросон мулкига қайтди оқибат,

Бойсунқур мирзонинг тўнғич ўғлони
Абулқосим Бобур — Ҳирот султони.

Хусайн мирзо ҳам туриб ёнида,
Музаффар ўт ёниб қайноқ қонида,

Шердек ҳамла қилиб от солди жўмард,
Муяссар бўлғай деб тахти Самарқанд.

Гарчанд Абу Саид унга қариндош,
Шафқатни этмади кўнглига йўлдош.

Тоғу тахт жангида қондош бўлур ёт,
Жоннинг гаровидир: «Ҳаёт ё мамот!»

Барча шаҳзодага бу хислат хосдир,
Тахт учун жанг қилмоқ бобо меросдир.

Сулҳ билан Ҳиротга қайтса-да султон,
Хусайндан кўнгли нотинчдир ҳамон:

Қолмиш Абу Саид ҳузурида у,
Баланд мартабани қилгандек орзу.

Аммо лек оғаси ҳибсга олмиш,
Тахт даъво қилмиш деб элга жар солмиш.

Бу ҳолдан онаси кўтариб фарёд,
Султон оромини этмишдир барбод.

Ўғлининг жонига қасд этса, нетсин!
Туғишгани, бошин паст этса, нетсин!

Иzzат-икром билан Самарқанд томон
Феруза бегимни йўлламиш султон.

Ул бориб, оғасин чорлаб инсофга,
Ўғлин олиб қайтмиш олий даргоҳга.

Хусайн бел боғлаб хизматга яна,
Султоннинг қошида бўлмиш парвона.

Абулқосим Бобур хуштабъ, хуш тийнат,
Эзгулик, марҳамат — умрига зийнат.

Бойсунқур мирзодек илм ила санъат,
Назму мусиқидан қилмишлар лаззат.

Меҳридан баҳраманд соҳиби ҳунар:
Муҳандису ганжкор, наққошу меъмор.

Унинг замонида мулки Хуросон
Бир оз тинчиб қолди ва лекин ҳамон

Ғавғолар домида баъзи вилоят,
Низомга мулкдорлар этмас итоат.

Бўри инсофини егандек, очкўз,
Фуқаро жонига этмиш тажовуз.

Ҳокимларга ташлаб хўракли қармоқ,
Сўнг қўймиш йўқсуллар йўлига тузоқ.

Ихтилоф солмишлар уруғ-аймоққа,
Иноят қилмишлар мулки бойроққа.

Иши ўнг, ким турса ариқ бошида
Еки амал бўлса қариндошида.

Ким бўлса фуқаро ё кўли калта,
Муҳтожлик домига маҳкум, албатта.

Кимнинг улови йўқ, ҳоли харобдир,
Кимнинг ер-суви йўқ, умри саробдир.

Бойларнинг даргоҳи равшан ҳамиша,
Фуқаро маскани — қоронғи ғўша.

Султон бўлса ҳамки райиятпарвар,
Ночор эл кулбаси бўлмади анвар.

Улусга ён босиб Ғиёсиддин ҳам

Кўнгли ўксиндию кўзи бўлди нам.

Султон қошида ул чорасиз қолмиш,
Даврон жумбоғини ечолмай, толмиш.

Ғиёсиддин билан ҳамроз султон ҳам
Иложин тополмай чекмишдир алам.

Нотинч вилоятдан бири Сабзавор,
Унинг кўнглин ҳамон этмиш беқарор.

Улус, ҳокимидан норизо бўлмиш,
Султон ҳам уларга жонфизо бўлмиш.

Ғиёсиддин билан султон ўзаро
Сабзавор дардига изламиш даво.

Дилкаш мусоҳаба чўзилди узоқ,
Давоси топилди сўнггида бироқ.

Бўлмиш Ғиёсиддин рутбаси баланд
Ва уни қутламиш султон шермонанд.

Баҳодир лол қолмиш бу марҳаматдан,
Боши кўкда гўё мулк, салтанатдан.

Энди ул тонг билан Сабзавор кетгай,
Улус хизматига жонсипор этгай.

Жонситон бўлмағай улус бошида,
Жонфишон бўлғай ул улус қошида.

Ҳоким бўлиб, улус ҳолини сўрғай,
Орзую ғамини тенг баҳам кўрғай.

Саодат шуъласи жонбахш руҳида,
Садоқат ҳилоли қалбин кўкида.

Толе бўстонида ургандек жавлон
Уйига отланди Баҳодир шодон.

БЕШИНЧИ ҚУШИҚ

I

Ҳиротдан йироқда мулки Сабзавор,
Тоғлар олқишига бўлмиш сазовор.

Турнакўз булоқлар қайнаб ётмиш шўх,
Чинорлар умрида минг йиллик шукӯх.

Фалакка қадалмиш чўққиларда қор
Офтоб ёғдусидан тинглайди алёр.

Жаҳаннамга ўшар тоғли даралар,
Асов шаршаралар шердай жар солар.

Қояда туташиб кетмиш арчазор
Бағрида сайр этар оҳу ва олқор.

Бургутлар қоядан чангалин узиб,
Сабзавор кўкида юрмишдир кезиб.

Тоғларни бошида тутмиш сайҳонлар,
Сув дейди, кўксига ўтли фиғонлар.

Дашту биебонни қилмасдан сайрон,
Сувини бағирлаб, Ринд оқар сарсон.

Бафре Меҳр билан Заъфарони ҳам
Мажнунвор оқади — бағри бўлса ғам.

Уч дарёга ювиб юзин Сабзавор,
Ҳиротга тикмишдир кўзин Сабзавор.

Икки улус бунда — мисли икки кўз:
Форсий ва туркийда бунда айтур сўз.

Туркийгўй форсийда сўзлар бемалол,
Форсийгўй туркийда қийналул хиёл.

Бўлиб Гиёсиддин Баҳодир ҳоқим,
Улусга раҳнамо бўлгунча токим,

Неча ойлар ўтди, йил ҳам юз тутди,
У элдан, эл ундан яхши сўз кутди.

Қарс ҳам икки қўлдан чиқади, ахир,
Улуссиз иш тутмоқ ҳоқимга оғир.

Қай ҳоқим ўз элин этса миннатдор,
Унинг фармойиши бўлур барқарор.

Сабзавор улуси кўмакка муҳтож,
Илигин қуритмиш солинган ихрож.

Султон амри билан ҳоқим даставвал
Ихрож масаласин қилиб олмиш ҳал.

Ҳоқим қарам этмиш ўз ўлкасига,
Офтоб нури тегмиш эл елкасига.

Саробга айланмиш фуқаро зори,
Бир ҳисса камаймиш ихрож миқдори,

Барчага дахлдор бўлмай бу низом
Этмиш заминдорлар уйқусин ҳаром.

Гиёсиддин боғлаб белини маҳкам,

Улус билан бўлмиш доим ҳамқадам.

Сўнгра ариқ қазиб, Ринддан олиб сув,
Аҳд қилди, дашт ҳуснин этгали сулув.

Йўқсулларга ер ҳам улашди дашtdан,
Лек, ҳоқим, орттирди ўзига душман.

Бу ҳолдан аламноқ аҳли амлоқдор
Султонга арз қилиб борди неча бор.

Ва лекин султондан чиқмаган ҳожат,
Ноилож ҳоқимга этди итоат.

Уйда тинч ётмай мулкдорлар аммо
Ихрож хусусида қўзғади ғавғо.

Ҳоқим ўз сўзида турмиш устивор,
Оқибат кўникмиш аҳли амлоқдор.

Элатлар сардорин кўнглига, ҳоқим,
Қўл солиб, ҳамжиҳат иш кўрмиш доим.

Мулкдорлар орага солмиш ихтилоф,
Низога қолмагай элда иштибоҳ.

Султон фикри билан ҳоқим иш тутмиш,
Сабзавор ўлкасин осойиш этмиш.

II.

Қадимдан машҳурдир асли Сабзавор,
Бу юртда яшайди насли сарбадор.

Чақмоқли қўзғолон нидоси ҳамон,
Сабзавор бағрида яшар бегумон.

У дамлар чиққан йўқ улус ёдидан,
Мерос бўлиб ўтмиш ўз аждодидан.

Аждодин қони бор улус қонида,
Интиқом руҳи бор улус жонида.

Осон тутиб бўлмас ҳоқимга асло,
Элни илқда тутмоқ — мушкул бир савдо.

Баҳодир доврўғи, обрўси баланд,
Сарбадор наслининг жонига пайванд.

Бу элда бор эди дўсту ёрлари,
Жангларда саркарда биродарлари.

Улар Баҳодирга елкадош бўлмиш,
Ҳар бир юмушида кўзу қош бўлмиш.

Баланд тутиб дўстлар қадрини ул ҳам,
Садоқат боғида айламиш қарам.

Бу юртда туғилмиш сарбадор шоир —
Мир Шоҳий, Лутфийдек этилар қадр.

Улусга азалдан эди меҳрибон,
Уни ардоқламиш ҳануз Хуросон.

Мулозими этиб Бойсунқур мирзо
Бир вақтлар қилганди шоирни ризо.

Мир Шоҳий хурматин келтириб бажо,
Баҳодир мурувват этмиш доимо.

Сабзавор элига келар чоғи лек,
Дафъатан бир хабар эшитмиш «хунук»

Мўйсафид шоирга бўлиб соябон,
Қошига чорламиш ҳокими Журжон.

Шоҳий хурсанд бўлиб бу марҳаматдан,
Осойиш топмишдир ул мамлакатдан.

Астробод бағрида шоири даврон,
Иззату икромда яшайди ҳамон.

Кўрмаган эса-да, Шоҳийни гарчанд,
Алишер хаёлин ул зот этмиш банд.

Отаси шоирдан этмиш ҳикоя,
Хурматин оширмиш биланиҳоя.

Латиф ғазаллари гарчи эрур оз,
Элнинг назарида топмишдир эъзоз.

Икки шоир аро толе кулмишдир,
Мактублар юбормак воқеъ бўлмишдир.

Ул зот юрган йўлдан кезмиш Алишер,
Сарбадорлар сасин сезмиш Алишер.

Отаси кўнглини чоғ қилиб турмиш,
Суянса — ёнида тоғ бўлиб турмиш.

Ота хурсанд бўлмиш оқил фарзанддан,
Фозилу покдомон, софдил фарзанддан.

ОЛТИНЧИ ҚУШИҚ

Абулқосим Бобур ва Ғиёсиддин
Оға-ини каби эдилар яқин.

Улар бўлмаса-да, азалдан қондош,
Азиз боболари эди кўкалдош.

Шул важҳдин марҳамат кўрсатиб султон,
Сабзавор мулкига этмиш ҳукмрон.

Сарой хизматиға чорлаб муҳтарам,
Раҳнамолиғ қилмиш Алишерга ҳам.

Алишер бу бахтдан ўзида йўқ шод,
Толе этмиш гўё мушкулин кушод.

Форсий ва туркийда Бобур мирзо ҳам
Назм боғи ичра сурарди қалам.

Нозик табъ, закий қалб, дарвишваш, хуш хулқ,
Амрига итоат этса-да чўнг мулк,

Фақир киши эди, баланд ҳиммати,
Олтиннинг йўқ эди тошдек қиммати.

Назмига Алишер эди мунтазир,
Ушбу туркий байти эди беназир:

«Неча юзунг кўриб ҳайрон ўлайин,
Илоҳи, мен сенга қурбон ўлайин.»

Алишер саройга келган кунданоқ
Ҳусайн кетмади қошидан йироқ.

Ундан-да қувониб, топмиш ҳамрозин,
Гулшани назмда чертмиш дил созин.

Дўстлар кезмиш шодон ёшлик боғида,
Илҳомбахш дамларнинг гул қучоғида.

Ҳусайн кўксида йигитлик ўти,
Алишер қалбида илҳом сукути.

Ҳусайн кўзида барқ ва шижоат,
Алишер сўзида шеър ва нафосат.

Ҳусайн бошида тож-тахт савдоси,
Алишер фикрида ғазал дунёси.

Ҳусайн ўйида даврон қисмати,
Алишер куйида даврон ҳикмати.

Олий саодатдан бахтиёр дўстлар,
Кечмиш-кечирмишин завқ билан сўзлар.

Ҳусайн — Самарқанд азиматидан,
Алишер — Сабзавор саёҳатидан.

Ҳусайн дедиким: «Улуғбек мирзо
Расади кўнглимни айлади рўшно.

«Нақши жаҳон» дермиш они халойиқ,
Дарвоқе, мўъжиза, мақтовға лойиқ.

Кўҳак тепасида ул тикламиш қад,
Самарқанд буржидан ҳаттоки баланд.

Расад зийнатидур «Зижи Кўрагон»,
Анингдек кўрмаган мулки Хуросон.

Дурбийнлар қадалмиш тоқи фалакка —
Юлдузлар сайр этмиш боқий фалакда.

Фақир ҳам солмишдур фалакка назар,
Рўёга ўхшайдур ғаройиб манзар.»

Алишер кўзлари порлаб севинчдан,
Ҳусайнга ҳавас қилар ич-ичдан!

Ул эса, дўстини бахтиёр этиб,
Сабзавор сайрини сўрди, кўз тутиб.

Алишер ўзини тутди-да вазмин,
Рўёбга чиқарди Ҳусайн азмин:

«Оқибат осойиш топмиш Сабзавор,
Ҳаловат билмайдур аммо бузургвор.

Ҳукумат расми-ла борса-да, вале
Хотири жамъ эмас фақир туфайли.

Шу важҳдин, эҳтимол фақирни, подшоҳ
Саройга чорламиш, бўлғали паноҳ.»

«Балки, ундоқ эмас», — деди Ҳусайн,
Дўстига жилмайиб, сўзлади майин:

«Аҳли шуарони хуш кўрур султон,
Сизни, Алишербек, ёқтирур султон.

Азимат этганда Самарқанд сари,
Жайҳунни кечганда жўмард лашкари,

Оромгоҳда кўрмиш ғазални афзал
Ва ўқумиш сиздин бир латиф ғазал.

Фақирдин сўрмишлар, нечук ҳолингиз,
Назмда кўрмишлар хуш толеингиз.»

Алишербек кўнгли топгандек таскин,
Сабзавор мадҳида сўзлади мафтун:

«Сабзавор — хуш ўлка, латофатда ул
Тенгсиздур, тарк этмас боғларин булбул.

Дарёлари жўшқин, сувлари зилол,
Мевасин есангиз, тилдин томур бол.

Шуаро илҳоми Сабзавор эрур,
Билурсиз, аждоди сарбадор эрур.

Шоҳ огоҳ бўлгандек ҳолу зоримдин,
Фақирни тиламиш бузургворимдин.»

Ҳусайн қалбида фаҳр кўзғалмиш,
Алишер кўнглига тасалло солмиш:

«Мурод ҳосил ўлмиш, саодатманд шоҳ
Аждоди азалдин сизларга дилшоҳ.»

Алишер сўзида айлади давом,
Дилида подшоҳга олий эҳтиром:

«Ҳазрат соҳибқирон беназир зотдур,
Марҳамат булоғи оби ҳаётдур.

Демушлар: саройда отангиз каби
Мулозим бўлғайсиз, иқбол кавкаби

Бошингиздин заррин шуълалар сочғай,
Мурувват қасрининг эшигин очғай.

Бул фақир таъзимга бош эгиб деди:
Ҳазратим илкида қисматим эмди.

Неки юмуш бўлса, этурмен бажо,
Илкимдан келмаса, қилгум илтижо.

Бошлари осмонга етгандек ҳазрат,
Вазирлар қошида курсатмиш ҳурмат.

Ва чорлаб мавлоно Муаммойини,
Билғайсиз дедилар бул Навоийини.

Ул зот фақир сари боқди-да хурсанд,
Деди: Баҳодирға бўлғайлар фарзанд.

Мавлоно сўзлари султонга ёқмиш,
Вазирларга ғурур кўзлари боқмиш.

Демушлар: Мавлоно, Навоийға сиз
Бу олий даргоҳда паноҳ бўлғайсиз.

Ул зот таъзим ила қуллуқ дедилар,
Олий ҳазрат амри қутлуғ дедилар.»

Қувончдан Ҳусайн сиғмай ўзига,
Вазмин оҳанг берди таҳсин сўзига:

«Алишербек, сизда бўлмиш истеъдод,
Этгай назмда қасри олийни бунёд.»

Алишербек қуллуқ деб айтди тасанно,

Ҳусайн кўзида пурвиқор маъно.

У доим сўзида эди устивор,
Чунки шоҳ доимо қилмиш эътибор.

Падари шоҳ билан оға-инидир,
Шоҳ унинг суянган бахт устунидир.

Вале Алишер ҳам Ҳусайн қадар
Мурувват дурига бўлмиш муяссар.

Бу дурнинг қадрига етмиш Алишер,
Садафдек бағрида тутмиш Алишер.

ЕТТИНЧИ ҚУШИҚ

Шоирлар қадами етганки даргоҳ
Ҳавоси бўлғайдур тонг каби шаффоф.

Ва лекин гулни ҳеч этмасдан канда
Алаф ҳам гул билан ўсар чаманда.

Гулдан бол тўпласа асалари гар,
Алафдан ҳаттоки капалак қочар.

Султон Бобур мирзо саройида ҳам,
Алафсиз бўлмасди гуллар муҳтарам.

Гулларнинг бўйидан хуш бўлса ҳаво,
Алафнинг дастидан эди бедаво.

Ким гулга маҳлиё, кимдир алафга,
Ким дурга ишқибоз, кимдир садафга.

Гар дурни бағрида яширса садаф,
Гул пойин қирқадир тигсиз талх алаф.

Шуаро толеи кулган масканда,
Навоий бир гулдир саҳни чаманда.

Бу гулнинг юзига қўнмасин деб гард,
Бобур мирзо тутмиш қадрини баланд.

Уни азиз кўриб фарзандидан ҳам,
Ҳадя этмиш нодир довоту қалам.

Улуғлар меҳридан баҳра топсин деб,
Жонсипор бўлмишдир, соябон бўлиб.

Лутфий ҳузурига йўллаб гоҳида,
Отасидек тутмиш ўз нигоҳида.

Хожа Юсуф Бурҳон, Мирхонд, Гадоий
Меҳр булоғидан қонмиш Навоий.

Гадоий — туркийгўй, ҳассос қалб шоир,
Латиф сўз айтмакка кўп эди моҳир.

Шеъри шуҳрат тутмиш Хуросон ичра,
Туғёнлар қиладур мулки жон ичра.

Улус орасида ул бўлмиш машҳур,
Бобур мирзо кўрмиш ғазалин манзур.

Шоҳ айтмиш шоҳ байтин бу анжуманда,
Давоси йуқ дардга бўлгандек банда:

«Оҳким, девона кўнглум мубтало бўлди яна,
Бу кўнгулнинг илкидин жонга бало бўлди яна.»

Мўйсафид Гадоий қуллуқлар қилмиш,
Эҳтиром рамзидек шоҳга эгилмиш.

Бу матлаъ Навоий қалбин фатҳ этмиш,
Шоирга ҳурматин сарбаланд тутмиш.

Шоҳ чорлаб қошига Муаммойини,
Уқунг деб узатмиш бир рубоийни.

Шоҳдан олиб хурсанд зарҳал варақни,
Кўнгиллар уйига ёқмиш чироқни:

«Қардошинг эмас улки қуюб бош санга,
Давлат чоғи қилғай ўзни қўлдош санга,

Ким қилди қатиглиғда вафо фош санга,
Ул бўлди ҳақиқат ичра қардош санга.»

Ҳозирунлар шоҳга боқмишлар мамнун,
Навоий юзлари бўлмиш лолагун.

Муборакбод этмиш барчаси шоҳни,
Лек узмас Навоий ердан нигоҳни.

Бобур мирзо эса юзида ғурур,
Рубоий завқидан қиларди ҳузур.

Анжуман аҳлига боқиб бахтиёр
Рубоий соҳибин айлади ошкор:

«Туркий уммон бўлса, ундин Алишер
Жўмард ғаввос каби термиш жавоҳир.

Дил мулкин безамиш бу дурри манзум,
Ҳақиқий қардошни этмиш тараннум.

Анингдек ким айтмиш аъло ва хўброқ,
Фақирни шод этмиш, Навоий кўпроқ.

Навоий таҳсинга сазовор ўлмиш,
Назм бўстонида толеи қулмиш.»

Шоҳ назми деб фикр этганлар шу дам,
Шоирни қутлашар, диллари хуррам.

Навоий паришон тасодиф ҳолдан,
Ким ахир иқболин кўрмишдир олддан?

Пайғамбар этса-да ҳатто каромат,
Оқибат бўлолмас унга шаҳодат.

У шоҳга қуллуқ деб таъзимлар қилмиш,
Бийрон тили зўрға каломга келмиш.

Гадоий қувончдан сиғмай ўзига,
Саодат нурлари балқиб кўзига.

Эҳтиром-ла демиш мўйсафидга хос,
Жисми жаҳонида ёниб эҳтирос:

«Ҳазрат соҳибқирон сўзлари ҳақдур,
Навоий назмидин кўнглумда барқдур,

Шеърят кўкида навқирон лочин,
Ҳадсиз кенгликларга ёзмиш қулочин.

Олий ҳавас билан кузатиб фақир,
Лочин парвозидин этмиш муфтахир.

Улусни шод айлаб сор лочин бўлғай,
Навоий лафзидин дурлар тўкилғай.»

Ғадойи шаънига таҳсин айтиб шоҳ,
Даҳо Ҳеравийга ташлади нигоҳ.

Ҳеравий илжайиб кўзғалди бирдан
Ва қусур топмакка уринди шеърдан:

«Навоий лочинмас, ўспирин шоир,
Назмда полопон, эмасдур моҳир.

Бу қадар мадҳға ул номуносибдур,
Назмда сўзлари нотаносибдур.

Вале олий ҳазрат демуш ҳақ сўзни,
Намойиш этсин ул назмда ўзни.

Сўнгра аён бўлғай, кўрсатғай даврон,
Анингдек шоирга тўлуғ Хуросон.»

Навоий юзлари қизармиш лов-лов,
Қалбида учқунлаб ёнарди олов.

Бобур мирзо эса босиб ўзини,
Ҳеравийга тикди нафрат кўзини.

Анжуман ғазаби ичидан тошиб,
Ҳусайний сўзига кетди туташиб:

«Ҳеравий қилмиши танбеҳга лойиқ,
«Юз ўйлаб, бир сўзла», демуш халойиқ.

Ўйламай сўзламак бошға балодур,
Ҳасад одамзотни ўтға солодур.

Ҳеравий адоват ўтида ёнур,
Ҳақиқат олдида имондин тонур.

Навоий ашъори аъло, беназир,
Мундин ҳам юксакроқ мақтовға арзир.»

«Офарин Ҳусайний!»— деди шоҳ мамнун,
Бу сўзда бор эди оламча мазмун.

«Мавлоно Ҳеравий,— деди сўнг вазмин,—
Фаҳмига етмабсиз Навоий назмин.

Хуш ўлғай, гар андин олсангиз сабоқ,
Навқирон эрса-да, ашъори порлоқ.

Фақир умиди зўр Алишербекдин,
Саодат топғай ул ҳали бу мулкдин.»

Султон сўзи ёқмиш қалбларга ёғду,
Кўзларда акс этмиш миннатдор туйғу.

Қувонч осмонида ургандек жавлон,
Навоий қуллуқ деб боқарди шодон.

САККИЗИНЧИ ҚЎШИҚ

Ҳерируд бўйида хилватгоҳ қишлоқ,
Боғларга кўмилмиш хилватгоҳ қишлоқ.

Бағоят машҳурдир Хуросонда у,
Эларо манзурдир бу жаҳонда у.

Кўҳи Сафед — посбон унинг бошида,
Кўҳи Сиёҳ — мафтун эрур қошида.

Сервиқор боқишар қорли чўққилар,
Васлида бағрини офтоб чўғ қилар.

Бу — Деҳи Канордир, офтобрў даргоҳ,
Ҳазрати Лутфийга мангу қароргоҳ.

Улус ғамини еб, айлаб навозиш,
Она қишлоғида топмиш осойиш.

Тушдай ўтиб кетиб елдим умр
Азиз кулбасида қилмиш жон ҳузур.

Сарой суронидан воз кечиб тамом,
Хилват бу ғўшани кўнгли этмиш ком.

Темур салтанатин, Шоҳруҳ ҳашамин,
Улуғбек мирзонинг олий карамин,

Тўфонли давронни кўрган бу шоир,
Эл қошида тоғдек турган бу шоир,

Кексайиб қолса-да қари шер монанд,
Осуда кулбада ижод билан банд.

Форсий ва туркийда бўлса-да сарвар,
Туркий азиз эди унга жон қадар.

Қонига сингимиш туркий сут билан,
Форсийни ўрганмиш вале қунт билан.

Туркий ғазаллари улусда машҳур,
Форсий ашъори ҳам элга кўп манзур.

Икки тилда суриб мунтазам қалам,
Сўз билан қурмишдир қасри муҳташам.

Бу қасри олийга қадам ҳўйса ким,
Улус бағрин очар бамисли тилсим.

Фароғат уйида мўйсафид шоир
Яздийга илkini узатмиш охир.

«Зафарнома» сари қилиб азимат,
Назм кишварида чекмиш азият.

Баҳраманд-этай деб туққан элини
Варақларга тўкмиш юрак селини.

Форсийдан туркийга ағдармоқ учун,
У кунни-кун демас, тунни эса тун.

Суронли йилларга қилмиш саёҳат,
Хаёлин толдирмиш олис масофат.

Улус ғамин этиб унга омухта,
Қорачиғи билан қўймиш сўнг нуқта.

Ун минг байтдан зиёд шоҳнома асар,
Маснавий вазнида бўлмиш мухтасар.

Баёзга ёзмакка бермасдан имкон,
Шоирнинг қўлини тутмишдир тўқсон.

Деҳи Канор бўлиб элга қадамжо,
Лутфийдек бағрини очмиш доимо.

Улус меҳри зўрдир унга нисбатан,
Ҳар босган изини қилгандир чаман.

Баҳор ҳавосидан яйраб тан-жони,
Кўкламдай кукариб дилда армони.

Кўзлари навқирон фаслдан хурсанд,
Қалбига яшариш ўйлари пайванд.

Асога таяниб, тонг қучоғида
Шоир сайр этарди ўз чорбоғида.

Гул билан наврўзга тикиб кўзини,
Жон қадар қадрлаб туркий сўзини.

Дилда янги ғазал юз очиб латиф,
Унга излар эди оҳорли радиф.

Усти-боши ўрик гулларидек оқ,
Кумушдек соқоли ипақдек юмшоқ.

Қошу киприги ҳам нафис оқармиш,
Чекка томирлари бўртиб қабармиш.

Букчайиб қолса ҳам расо қомати,
Чорбоғин парвариш этмак одати.

Тасбеҳин ўгириб, гоҳо боқар жим,
Илҳом парисига бўлгандек таслим.

Наврўз тонги каби кўнгли мусаффо,
Ғазал завқи билан кезар жонфизо.

Ярқ этиб фикрида чақин чақди барқ
Ва барқ шуъласига шоир бўлди ғарқ.

Хаёли паришон бўлмаё бахтиёр
Ул ушбу матлаъни ёд этди такрор:

«Нозуклук ичра белича йўқ тори гисўйи,
Ўз ҳаддини билиб, белидин ўлтирур қўйи.»

Латиф байт завқидан очилди руҳи,
Кўнглин сархуш этди ғазал шукуҳи.

Тонгдан хурсанд бўлиб маликул-калом,
Кайфи чоғ, йўллади қуёшга салом.

Тоғ оша жилмаймиш само султони,
Шеър билан қутлади назми ҳоқонни.

Шоирдек тонг билан ўйғонмиш улус,
Пойига гулларин сочмишдир наврўз.

Наврўз русумини этмасдан қанда,
Байрам завқи билан диллар кулганда,

Аҳли Деҳи Канор акобирлари
Йўл олмиш шоирнинг даргоҳи сари.

Мухтарам зотлардан хурсанд аллома,
Боши кўкка етиб, демиш: «Марҳабо.»

Наврўз билан қутлаб, бўлиб тилакдош,
Ҳазрат ҳузурида барча эгмиш бош.

Алишербек билан Ғиёсиддин ҳам,
Чоштгоҳ этмиш шоир уйини кўркам.

Зиёрат этгали келмиш Кобулий,
Унга ҳамроҳ бўлмиш кекса Гадоий.

Ҳусайн мирзо билан Муаммой ҳам,
Аллома кўнглини қилмишлар хуррам.

Лутфий ғоят хурсанд, ўзида йўқ шод,
Азиз дўстлар билан кулбаси обод.

Даврага файз бериб маликул-калом,
Улуғ меҳмонларин этмиш эҳтиром.

Хонтахта устида тўкин дастурхон:
Нишолда, сумалак, ҳалво, новот, нон.

Наврўз неъматидин қилинг тановул,
Деб қўймас, кайфи чоғ меҳмонларни ул.

Баковул қувончи мисли тошқин сой,
Нафис пиёлада узатар кўк чой.

Ноз-неъматдан тотиб дўсту қадрдон,
Мусоҳаба этар, дилда йўқ армон.

Султон дуосини топшириб вазир,
Узоқ умр тилар, кўзида фахр.

Лутфий таҳсинига бўлиб сазовор,
Ғиёсиддин сўзин безар Сабзавор.

Дийдор кўришгандан хурсанд Гадоий,
Устоз сўзларига мафтун Навоий.

Оқ шоҳи салласи бошида кўркам,
Қирмизи барқут тўн эгнига ҳашам.

Хироми этиги товланар ажиб,
Кўк чалвор ўзига ғоят муносиб.

Кўзлари ўхшайди лочин кўзига,
Закийлик ҳусндир кўркам юзига.

Мўйлаби майсадек сабзалар урмиш,
Танида балоғат қони кўпирмиш.

Навоийга ташлаб умидвор назар,
Лутфий қалби бўлур тонгдек мунаввар.

Навқирон шоирни сийлаб, меҳрибон,
Деди: «Не билан шод этгайсиз, ўғлон?»

Навоий кўзлари қувончдан ёнмиш,
Олий марҳаматдан кўнгли тўлғонмиш.

Юзлари анордек қизариб кетди,
Ҳаяжон қаърида ўзни унутди.

Ва шахдам тизида ўлтириб шу он,
Кўлини кўксига қўйиб беармон,

*
Хаёли кўкларда чарх уриб чаппар,
Бир ғазал ўқиди, сўзлари барқвор:

«Оразин ёпқач кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон ўлғоч кўёш.

Қут бир бодому ерим гўшаи меҳроб эди,
Ғорати дин этти ногаҳ бир балолиғ кўзу қош.

Бу дамодам оҳим ифшо айлар ул ой ишқини,
Субҳнинг бот-бот дами андоқки айлар меҳр фош.

Бўсаи қилмас мурувват асру қаттиқдур лабинг,
Десам оғзи ичра айтур лаъл ҳам бор навъ тош.

Навокинг кўнглумга киргач жон талашмоқ бу экан,
Ким қилур пойконини кўнглим била жоним талош.

Умри жовид истасанг фард ўлки, бўстон хизридур,
Сарвким даъб айлади озодалиғ бирла маош.

Қоши оллинда Навоий берса жон айб этманғиз,
Ғар будур меҳроб, бир-бир қўйғусидир барча бош.»

Лутфий кўзи чақнаб кетди ғазалдан,
Сўлғин юзи яшнаб кетди ғазалдан.

Ғазал сеҳри билан кўзғалиб шахдам
Навоийни босди бағрига маҳкам.

Ва қилиб анжуман аҳлига хитоб,
Деди: «Бошимизда гувоҳдир офтоб,

Навқирон йигитдек бағримда туғён,
Ишқ тағин кўтармиш бошимда исён.

Боракалло, ўғлим! Қойил қилмишсиз!
Барчани ғазалга мойил қилмишсиз!

Зое кеткизмади фақир умрини,
Ун икки минг байтдин кўпроқ шеърини,

Қорачиғдек асраб келмишдир ҳамон,
Элга ёдгор бўлиб қолғай бегумон.

Қасамёд қилғаймен оллоҳ номига,
Фақир жони тушмиш ғазал домига.

Вале ушбу ғазал маҳв этмиш мени,
Умр адоғинда саҳв этмиш мени.

Назм созин чалиб келса-да азал
Туркийда йўқ эрди мунингдек ғазал.

Улус назмини деб нек қадам этдим,
Туркий ва форсийда не рақам этдим,

Шу битта ғазалга этсам-да нисор,
Узимни санардим ғолиб, бахтиёр!»

Лутфий олқишидан Навоий лолдир,
Ниҳолдек қомати таъзимда — долдир.

Буюк ихлос билан пешонасига
Устод кўлин суртмиш, қалбин сасига

Қулоқ тутган каби мавлоно Лутфий,
Навоий қошида парвона Лутфий,

Фарзандидек босди бағрига яна,
Нуроний кўзида фахру тантана.

ТУҶҚЗИНЧИ ҚУШИҚ

Боғи Давлатхона куз кучоғида,
Навоийни тутмиш ўз кучоғида.

У билан кўркаmdir ота макони,
Бошида соябон — бобокалони.

Бувиси мункиллаб қолса-да бироқ
Жонин фидо этар, меҳрини чироқ.

Йироқда бўлса-да ота-онаси
Навоий бошида бор парвонаси.

Қўмсаб, улар бағрин, меҳрини аммо
Соғиниш домига тутқун доимо.

Меҳр кўп кўргузмиш падари бузрук
Навоий суянган тоғидир — буюк.

Шодлигу ғамига ҳамдам онаси —
Бахтиёр умрининг кўрки, маъноси.

Ҳолидан олса-да ҳамиша хабар,
Ёлғизлик кўнглига кўргазар асар.

Сабзавор мулкин ҳам кўрмагай лозим,
Подшоҳ саройида, ахир, мулозим.

Кажрафтор эрмаса гардиши фалак
Бўлмасди икки ўт ичра жон ҳалак.

Соғинч ўтказганда кўнглига ҳукмин
Сайрибоғ этади у ғазал мулкин.

Ноёб китоблардан бўлиб баҳравар,
Улуғлар фикридан излайди жавҳар.

Мусохаба этар Кобулий-ла ё,
Ё тинглар Ғарибий созидан наво.

Бугун ҳам уйида тоғалари жам,
Чорхари хонага ёғду сочар шам.

Уртада хонтахта, бир неча китоб,
Тун оғиб қолса ҳам уч шоир бехоб.

Ловуллаб ёнмоқда суҳбат гулхани,
Хуш бўйин таратар ғазал гулшани.

Навоий ўт бўлиб сочади учқун,
Гоҳ тошқин дарёдек уради тўлқин.

Гоҳ парвоз этади кўкда тўрғайдек,
Гоҳ қалби қуйлайди навокаш найдек.

Илҳом бўстонида сайр этар гоҳ,
Устоди аъзамлар назмига дилхоҳ.

Кобулий сўзлайди босиқ ва вазмин,
Салоҳият билан айтар ўз азмин.

Мош-гуруч соқолин силаб гоҳида,
Илҳом жилва қилар ўт нигоҳида.

Ғарибий таъби лек азалдан шўҳдир,
Хушчақчақ, кўнглида ғубори йўқдир.

Нақши амал боғлаб Навоийга у
Созини чертади — кўзида орзу.

Ҳар қайси бир дунё, йўқдир қиёси,
Барин шеърга баланд меҳри, ихлоси.

Қондошлик туйғуси қониди гарчанд,
Шеър ишқи қалбларин этмишдир пайванд.

Шеър ишқи дўстлигин этмиш мустаҳкам,
Қон билан ўтмиш ул Навоийга ҳам.

Навоий қонида шеър ишқи жўшар,
Ул аждод қонига ўқдек туташар.

Тоғалари балки бўлмаса шоир
Қолар эди садаф ичра жавоҳир.

Ҳар қалай, садафнинг кўзи очилди,
Олам айвонига дурлар сочилди.

Улус уммонида ғаввосдек сузиб,
Эл билан сидқидил анжуман тузиб,

Бебаҳо кўнглига солиб жолалар,
Назм гавҳаридан тизди шодалар.

Кобулий туркийга қилиб жоннисор,
Сочди Навоийнинг қалбига шарор.

Форсийда азалдан бўлса-да моҳир,
Туркийга майли кўп эди бу шоир.

Бу оқшом баҳсининг сарвари туркий,
Шоирлар назмининг гавҳари туркий.

Кобулий демушким: «Турк эли улуғ,
Улуғ эл тили ҳам азалдин қутлуғ.

Волида сутидек пок ва азиздир,
Волида меҳридек жонға лазиздир.

Она сути-ла ул сингимиш қонға,
Она сутидек ул пайванддир жонға.

Онадек азиздир она тилимиз,
Она тили билан улуғ элимиз.

Тилимиз бағоят гўзал ва бойдир,
Назмга азалдин ҳусну чиройдир.

Улус неча юз йил айтмиш бу ўлан
Балки назмимизға волида бўлган:

Ҳай-ҳай, ўлан, жон ўлан,
Улан кўпдир, ёр-ёр.
Улан айтган тилинган
Менга ўпдир, ёр-ёр.

Бу ўлан сўзлари қуйма ва содда,
Бир айтсанг, умрбод қолғайдур ёдда.

Шоир шеърин агар тушунмаса эл,
Яхшидур тилидин олиб кетса ел.

Форсий русум бўлмиш, вале туркий ҳам,
Назмда форсийдек жаранглар кўркам.

Фақир неки битмиш ўз тилиндадур,
Ўз тилин англамиш улусиндадир.

Навоий хўб қилмиш, кўп туркий айтмуш,
Улусға дилпазир назмин улғайтмуш.»

Ғарибий кўзида порлаб эҳтиром,
Кобулий фикрини эттирди давом:

«Қай шоир бош эгса кўнгил амриға,
Она тилининг ул етгай қадрига.

Она тили этгай қадрини баланд,
Она тили этгай улусға фарзанд.

Фақир ҳам форсийни қилса-да одат,
Туркий назми билан топмиш саодат.

Ва лекин ғазалда Лутфийдек зариф
Навоий қошида Ғарибий ғариб.»

Ғарибий ҳолига ачингансимон
Қаҳ-қаҳ уриб кулди Кобулий шодмон.

Ғарибий сўзини ҳазилга йўйиб,
Навоий завқ ила жилмайиб кўйиб:

«Ғарибий азалдин ғарибдур», деди,
«Ғариб, лек ғазалда зарифдур», деди.

Кўнгил каломини йўғирди нурга,
Туркий хусусида сўз очди сўнгра:

«Улусимиз тили улкан бир маҳзан,
Анда ҳар қайси сўз бир дурри адан.

Кобулий суйламиш ўлан нақадар
Порлоқдур, сўзлари нафис, мунаввар.

Улус тили содда, тили бокира,
Боқинг, эл нечоғлик сўзга моҳир-а!

Меҳри раҳшон каби ҳар сўз товланмиш,
Дурри шоҳвор каби байтлари ёнмиш.

Шоир қадам қўймай назм мулкига,
Жонфидо қаламни олмай илкига,

Заргардек сўз қадрин билмоғи лозим,
Сўнг анга мулозим бўлмоғи лозим.

Латиф ғазал битмак элга муносиб,
Ҳар қандоқ шоирга қилмағай насиб.

Улус уммон бўлса — гавҳари шоир
Улус карвон бўлса — сарвари шоир.

Улус кўз бўлса гар шоир — қорачиғ,
Улус ўт бўлса гар шоир — лахча чўғ.

Шоир боғбон бўлса, эл чаман боғдур,
Шоир чашма бўлса, эл баланд тоғдур.

Фақир ҳам туркийга жоннисор этғай,
Назми-ла эл кўнглин бахтиёр этғай.

Элдин ўзга йўқтур фақир ташвиши,
Элга хизмат этмай, не этғай киши!

Форсий шеър бобида бўлса-да нафис,
Туркийда қургандур фаслу мажолис.

Назму жавоҳирин туркийда тузғай,
Туркий чаманидин ул гуллар узғай.»

Кобулий кўзида сурур бир жаҳон,
Кўнглида ушалмиш энг буюк армон.

Ғарибий созини чертиб шўху шан,
Юзида табассум гуллари чаман.

«Офарин, Алишер! — қилишар дуо. —
Ўзи паноҳида асрасин худо!»

Ўнинчи қўшиқ

Дунё уйи бўлмиш офтобдан рўшно,
Инсон кўнгли бўлмиш китобдан рўшно.

Рўшнолик изламиш азалдан башар
Ва уни топмишдур ғазалдан башар.

Башар табиъ назмга хушдир, ошнадир,
Башар қалби назмга кондир, чашмадир.

Шу конга қўл уриб мисоли кўҳкан,
Шу чашма сувидан сипқориб шўх-шан,

Навойнинг элга танилди номи,
Қалбларга ҳаяжон солди илҳоми.

Ҳироту Сабзавор, Машҳад, Астробод
Улуси назмига қўймиш эътиқод.

Ғазали қуйланмиш анжуманларда,
Номи шўҳрат топмиш хуш чаманларда.

Олимлар тилида назми ёр бўлмиш,
Порлоқ истеъдоди мўъжизот бўлмиш.

Закий табиъ назм соҳиблари ҳам
Навой шарафин тутмиш муқаррам.

Ҳатто турк элида энг доврўқли зот,
Мавлоно Ардашер демиш: «Мўъжизот!»

Падари бузурги билан Ардашер
Қадрдон дўстлигин билур Алишер,

Аммо улўғлигин қилиб андиша,
Йироқ тутар эди ўзин ҳамиша.

Вале Сайид Ҳасан Ардашер бир кун,
Кобулидан уни сўратмиш мамнун.

Навой дол бўлиб бу марҳаматдан,
Майл пайдо қилди мулозамадан.

Ҳерируд бўйида кўркама иморат,
Олим доврўғидан бермиш башорат.

Нақшин дарвозаси қучоғин очмиш,
Меҳмонлар бошидан гўё дур сочмиш.

Отлиқ Навойга кўзи тушган он
Ардашер қалбида қўзғалди туғён.

Ҳиротнинг шавкатли бу алломаси,
Хуросон давлатин закий даҳоси,

Юксак эҳтиромга бўлиб сазовор,
Эл ичра топса-да обрў, эътибор,

Хуштабь киши эди, эди хокисор,
Меҳрига этмасди кишиларни зор.

Отаси, Бойсунқур мирзо даврида,
Нафас олган эди сарой бағрида.

Баланд мартабага бўлиб мушарраф,
Шеър у илмда у топганди шараф.

Олиму шоирга эди раҳнамо,
Кўнглида эзгулик берарди садо.

Ота русумини ул этиб давом,
Фузало аҳлини қилмиш эҳтиром.

Қирчиллама ёшга кирмиш Ардашер
Қалбига азалдан ошна эди шеър.

Шеър ўқиган чоғда унутиб ўзни,
Қалб ўтига гуё йўғирар сўзни.

Чەҳраси батамом ўзгашиб кетур,
Кўзида завқ чақнаб, сеҳрида тутур.

Товуши бўлса-да, майин ва нафис,
Хар байт мазмунини қалбдан қилиб ҳис,

Гоҳ шиддат, гоҳ маънос янграр овози,
Созанда риндона чертгандек созни.

Бир куни олимлар суҳбатида у,
Доно кўзларида барқ уриб орзу,

Бутун вужудини қамраб эҳтирос,
Навоийга қўйиб юракдан ихлос,

Мақтов сўзлар айтиб шоир шаънига,
Фикрат чашмалари тўлиб маънига,

Ғазал парисига бўлиб жон садқа,
Тилини бедамиш бир ғузал матлаъ:

«Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқидин олам манга ҳайронун, мен ҳайрон анга.»

Бу олқиш муждаси чарх уриб кўркам,
Етганди Навоий қулоғига ҳам.

Шундан у бахтиёр сезиб ўзини,
Кўпдан қўмсар эди олим сўзини.

Ардашер илмда бўлса-да ҳакам,
Мусоҳаба пайти сўзлар эди кам.

Олимлар баҳсига қўймас эди чек,
Нуқсли фикрин ҳам тинглар эди тек.

Юзига солмасди хатойин зинҳор,
Андиша кўзгуси эди беғубор.

Хижолат чекмасин эл қошида деб,
Сукут сақлар эди, ҳурматин тутиб.

Эҳтимол, шу ваҳҳдин нодир фазилат
Аллома умрига берарди зийнат.

Навоий ғазалин бўлиб мафтуни,
Бугун даргоҳига чорлатмиш уни.

Алишер отидан тушди-да илдам,
Ардашер қошига отилди хуррам.

Ниҳолдек қомати таъзимга келди,
Олим ҳам Навоий сари эгилди.

Ва босди бағрига зўр ихлос билан,
Кўнгиллар боғида яшнади гулшан.

Ардашер Навоий камолидан шод,
Толе кулиб боққан иқболидан шод.

Таклиф этар уни сўлим боғига,
Боғ чорлар шоирни ўз қучоғига.

Унда сайр этарди Мирхонд, Гадоий,
· Хожа Юсуф Бурҳон ҳам Муаммоий.

Навоий изидан Ҳусайн мирзо ҳам,
Ардашер қошида бош эгмиш шу дам.

Меҳмонлар самимий бағирлашиб хуш,
Меҳр шаробидан бўлмишлар сархуш.

Сарҳовуз бўйида ўлтириб сўнгра
Ардашер кўнглини тўлдирмиш нурга.

Боғнинг неъматидан яшнаб дастурхон,
Тўкин ёз кўркини этмиш намоён.

Файзига-файз қўшмиш ҳар хил таомлар,
Кетма-кет қўйилмиш сархил таомлар.

Таомдан сўнг эса суҳбати дилкаш,
Дилларни ром этар мисли париваш.

Суҳбат гули бўлмиш Гадоий назми,
Ғазал бустонида Ҳусайний аزمи.

Соз билан сўзлайди муғанний Бурҳон,
Боғаро латиф куй уради жавлон.

Бурҳонга Ғарибий бўлур жўровоз,
Кобулий ғазали янгради дилнавоз.

Мозийга от суриб муаррих Мирхонд,
Ғавғодан чиқмас дер ҳамон Самарқанд:

«Султон Улуғбекнинг фарёди ҳамон,
Самарқанд кўкида кезмиш беомон.

Соҳибқирон анда не қилмиш бунёд,
Абу Саид мирзо айламиш барбод.

Расад уламосин танг бўлмиш холи,
Бағрин вайрон этмиш қувғин шамоли.

Шуаро шаҳардин бош олиб кетмиш,
Ғуссадин кўзига ёш олиб кетмиш.

Улус кулбасини айламиш вайрон,
Ғариб эл емиши бўлмишдир явғон.»

Ардашер Мирхондга тасалли бермиш,
Сўзидан Алишер жавоҳир термиш:

«Ўткинчи дунё бу, мавлоно Мирхонд,
Абаддир ва лекин умри Самарқанд.

Анга кимлар келиб, кимлар кетмади,
Самарқанд бошидан нелар ўтмади.

Султон соҳибқирон қилиб жонфизо,
Бир шаҳар яратмиш оламда танҳо.

Довруғин авлодлар этгай сарбаланд,
Дунё турғунича турғай Самарқанд,

Улуғбек мирзонинг «Зижи»н насллар
Сарафроз этажак неча асрлар.

Еруғ кунлар кулгай расад бошида,
Улус таъзим этгай расад қошида.

Зиёратгоҳ бўлғай олам аҳлиға,
Авлодлар тан берғай олим ақлиға.

Мунажжим руҳини мангу этиб шод,
Номини ёд этгай келажак авлод!»

Тасалло топгандек анжуман руҳи,
Юзларда порлади фаҳр шукуҳи.

Муаммой деди (кўзларида барқ):
«Офарин, мавлоно, сўзингиз барҳақ!»

Дунёни забт этмиш Темур тиг ила,
Улуғбек мирзо лек илми туғ ила.

Бобо ва набира — икки улуғ шахс
Ҳақида авлодлар балки этгай баҳс.»

Навоий боқади кўзлари чақноқ,
Қалбининг кўкида кезади чақмоқ.

Ардашер сўздан келса жунбушга,
Муаммой гапи ўхшайди тушга.

Мирхонд алаmidан бағри тўлғанар,
Самарқанд ҳолидан борлиғи ёнар:

Кўзлари ўтли нуқтада, Навоий субҳидам битган янги ғазалини завқ билан ўқур:

«Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқидин олам манга ҳайрону мен ҳайрон анга.»

Латиф ғазал тугаши ҳамон аҳли анжуман «Ваҳ!» деб юборди.
Мавлоно Ардашер ҳозирунларга боқиб деди:

«Азизлар, барқ урмиш порлоқ истеъдод,
Нуридин дил бўлмиш мунаввар ва шод.

Навоий бўлса-да гарчанд навқирон,
Улуғлар кўнглиға солмиш ҳаяжон.

Мулки назм ичра камол топмиш ул,
Тўлин ой сингари жамол очмиш ул.

Фақир хурсандлиғдин лол ва ҳайрондур,
Муҳаббат даштида кўнгли вайрондур.»

Аллома таҳсинидан хижолат бўлмиш Навоий бошини қуйи
солиб ўтирмиш. Шоирни олқаб, Ардашер сўзида давом этур:

«Умрдин барака топғайсиз, бўтам,
Улуғлик боғига қўймишсиз қадам.

Назм дурри ила безамиш даврон,
Муҳтождир сиз янглиғ зотга Хуросон.

Шеър айтмоқ ҳаммага қилмағай насиб,
Гулшанда сархушсиз мисли андалиб.

Этмишсиз Навоий дея тахаллус,
Латиф наволардин маст эрур улус.

«Жаҳолат домига илинса подшоҳ,
Ул подшоҳ эмасдур, балки бир гумроҳ.

Маърифат чироғин сўндирган султон
Мамлакати бўлғай қоронғи зиндон.

Зулму ситам солса улус бошиға,
Ул оғу солғондек ўзин ошиға.

Гарчанд тиг тутса-да илкида амир,
Улус орасида топмишди қадр.

Улуғбек мирзо лек ёқиб кетмиш шам
Нуридан мунаввар бўлғай не олам.»

Ҳайрат тоғи босиб барчани шу он
Қалбларни қамради сирли ҳаяжон.

Теран ақл сочмиш нурдан баҳравар
Кўзларда ўйнади шодлик пурвиқор.

Ардашер қалбида сурурли нидо:
«Ташаккур, Навоий!» деб қилди дуо.

Юрак меҳри бўлиб сўзига пайванд:
«Ташаккур, устод!» дер Навоий хурсанд.

Сўнг эса: «Бир янги ғазал ўқунг» деб,
Ардашер боқади, меҳри жўш уриб.

Назм дуррин асранг қорачиғ қадар,
Қорачиғ — одамзод умриға сарвар.

Туркийга қўл уриб мардона, бўтам,
Савобга қолмишсиз, фарзона, бўтам.

Улуғ эл сўзлашур туркийда азал,
Қўшиқдек янграмиш туркийда ғазал.

Туркий маҳзанида жавоҳир мўлдир,
Турк эли азалдин ғазалхон элдир.

Турк эли — бу ўзбек элидир закий,
Ўзбекнинг тили ҳам ўзидек боқий.

Бу элнинг меҳридин баҳра топмиш зот,
Бошиға тушмагай ҳаргиз мушкилот!»

Юзлари лолагун Навоий ўрнидан қўзғалиб, Сайид
Ҳасан Ардашерга таъзим этиб, деди:

«Ташаккур, мавлоно! Кўкдадир бошим,
Назм айтмоқ ишқида отмиш қуёшим.

Меҳрингиз тушгандин бахтлимен ғоят,
Ишончни оқламак мушкул ниҳоят.

Вале сиздек зотлар бўлса раҳнамо,
Фақир жонин этгай туркийға фидо.

Туркий — дурри адо бўлмас уммондир,
Туркий — назм ила қўшиққа кондир.

Туркий — камалакдек кўркама ва рангдор,
Туркийда ҳар калом янграг оҳангдор.

Форсийдин фақир ҳеч кўрмағайдур кам,
Туркий деб олмишдур илкига қалам!»

Анжуман кўзида ифтихор нури порлаб: «Офарин, Навоий!» деди. Юзларда
мамнунлик туйғуси шуъла сочди.

Давоми бор.



Иброҳим Раҳим

ГЕНЕРАЛ РАВШАНОВ

Роман¹

XVII

Шавкат Москвага бориш дарагини эшитиб, ярасининг оғригини ҳам унутди. Ярани кўриб, ётқизиб қўйсалар, устига-устак операция қилсалар... деган хавотирда санбатга ҳам бормади. Оёқларини тўғри босишга, оқсаётганини билдирмасликка ҳаракат қилди. Афсуски, оёқлар унга бўйсунмас, маймоқланиб, унинг сирини ошкор қиларди.

«Касални яширсанг, иситмаси ошқора қилади», дегани шу экан-да...

Унинг бахтига санитарлар йўлиқмади. Тўғри хозвводга бориб, старшинага учради.

— Парад кийими берармишсиз. Энг антиқасидан, охори тўкилмаганидан!

— Охори тўкилмаганиданми? — деди старшина ҳайрон бўлиб. — Нима бало, уйланыпсанми? Ўзи разведкачиларнинг ошиғи олчи юради. «Тил»га деб кетиб, биронта кўзи хуморни илинтирганга ўхшайсан, а?

— Ҳазиллашманг ўртоқ старшина, масала серьёзний!

— Уҳ-ҳў!

— Тез бўлинг, комсостав этик ҳам керак. Обмоткани чувалантириб, пойтахтни супуриб юрмайин тагин.

— Нима дединг?

— Дивкомнинг шахсан ўзи айтди: Москвага учаман! Шахсан ўртоқ Сталинни кўрсам ҳам ажабмас. Шунинг учун телпак ҳам берасиз. Қундузлигидан бўлсин.

— Жоним билан бераман. Ҳеч кимга бермасам ҳам сенга бераман. Ханжар тақасанми, ё қиличми? Сопи олтиндан, филофи кумуш?..

Шавкатнинг жаҳли чиқди, ўшқириб юборди:

— Ҳазилни вақти эмас, дедим-ку, ўртоқ старшина! Калака қиладиган бўлсангиз дивкомнинг олдида гаплашаман сиз билан.

Старшина икки қўли билан белини ушлаб, ярми ҳазил, ярми чиндай:

— Ҳей, Шавкатбой, сал пастроққа тушинг, — деди.

— Ҳа, нима! Калака қилган одамга қуллуқ қилишим керакми?

— Жоним билан, дедим-ку, лекин бўлса бераман-да. — Старшина қўлларини икки ёққа кериб, ноиложлик ишорасини кўрсатди: — Қаёқдан оламан!

Шавкат, ҳафсаласи пир бўлиб, тескари қаради, сўкиниб, уни жеркиб ташлагиси келди. Аммо ўзини босди.

— Туппа-тузук одам эдинг, старшина бўлдинг-у, айнидинг, — деди у дўриллаб.

¹ Давоми. Боши ўтган сонда.

— Хафа бўлма, шер, бу муаммони ечишни битта йўли бор.

— Қанақа йўли?

— Устингдагини ечасан. Ювиб, дазмоллатиб бераман!

Шавкат, шинелининг этагини кўтариб, орқасини ўгирди.

— Буни қара!— деди ўша дағал оҳангда яна сансираб.

Унинг шимлари тиконли симлар тагидан ўтаётганида титилиб кетган эди. Бунинг устига яраларидан оққан қон қотиб, қорайиб кўринди, йиртиқ орасида ярми қизил, ярми оқ бинт докеси кўзга ташланди.— Бу шимнинг нимасини ювасан!

— Пардон! Пардон!— деди старшина кечирим сўраш оҳангида.— Бошқасини бераман. Янги эмас, «Б.У.» яъни кийилган. Аммо, ювиб дазмолланган.

«Йўғидан бори яхши» деди-да, Шавкат эскисига ҳам рози бўлди.

— Аввал чўмилиб чиқ. Ҳаммомда иссиқ сув тайёр. Дивкомнинг меҳмони ҳам чўмилиб олди.

— Қанақа меҳмон?

— Билмадим, дивкомнинг меҳмонига ҳам «Б.У.» бердим. Борига барака.

Шавкат ечиниб, ертўладаги «ҳаммом»га кириб, иссиқ сувда баданларинигина ювди, яраси боғланган бинтларга сув теккизмасликка урингани учун, сув ўрнига таяммум, дегандай шунчаки ювинди, аммо кийимини кийиб улгурмай старшина қийин-қистовга олди.

— Тезда бу ёққа чиқ, Шавкат!

Шавкат шоша-пиша кийиниб чиқди.

— Хўш?

— Сени капитан Летунов чақиряпти. Тез борармишсан.

«Нима иши бор экан? Москвага бориш олдидан йўл-йўриқ кўрсатмоқчи бўлгандир-да»,— деб ўйлади Шавкат.

У гоҳ оқсоқланиб, гоҳ оқсоқланмай капитан Летуновнинг ертўласига қараб юрди. Йўл-йўлакай дуч келганлар уни гапга тутдилар.

«Зўр лаққани тўрга туширибсан? Ким экан? Қаердан экан?»

«Ўлжангни мусулмон фашист дейишадими? Дарровда қаёқдан фашист бўла қошти?»

«Ўзбек эмишми? Бу ҳароми ўз дивизиямизданми ёки «импортний» ўзбекларданми?»

— Импортний... импортний,— деб жавоб қиларди уларга Шавкат.

«Исми-шарифи нима экан у ҳаромининг?»

«Беном, беимон. Ундайлар ўз номини ҳам, юртини ҳам булғайди. «Бойқуш», вассалом!

Летунов ҳам Шавкатни шу хилда сўроққа тутди: асир ким, исми, фамилияси нима, касби нима, қайси қисмда хизмат қилиб, қандай вазиятда душман қўлига тушибди?

Бу сўроқларнинг ҳаммасига Шавкат «билмайман» деб жавоб қилди.

— Нимани биласан бўлмаса!— деб бақриб юборди Летунов.— Билишинг керак!

— Мен топшириқни бажардим. Хоинни ушлаб келдим.

— Қани ўша хоин?

— Дивком сўроқ қиляпти.

Летунов унга хўмрайиб қараб, ўшқириб деди:

— Хоинни қаерга топширишни билмасмидинг?!

— Билардим.

— Бўлмаса қويدани нега буздинг?!

— Бузганим йўқ. Ҳар вақт «тил» топиб келсак, дивкомга рўпара қилардик.

— Буни «тил» эмас, хоин, дейдилар. Билдингми, хо-ин! Уни мен сўроқ қилишим керак эди.

Летунов салгина қизиққонроқ эди. Қони қайнаб, Шавкатни нари олиб бориб, бери олиб келгудай бўлди.

— Унинг ўрнига мана энди ўзингни сўроқ қиламан, қани, ростини айт: хоинни илгари кўрганмисан?

— Йўқ.

— Нон-қатиқ бўлганмисан?

— Йўқ.

Летуновнинг жаҳли чиқса икки қўлини орқасига қилиб, хонасини гир айланиб юрадиган одати бор эди. У ҳозир ҳам сапёрлар ёғочдан ясаб берган столи атрофини гир айланиб чиқди. Унинг кўзлари ғазабли бўлиб, овозида ранжиш аломатлари сезилиб турарди.

— Ҳеч нарса билмайсанми?.. Йўқ, биласан!..

— Умримда биринчи кўришим. Ундан ҳеч нарса сўраганим йўқ. Оғзини ҳам очирганим йўқ.

— Яхшироқ ўйлаб кўр, Шавкат, — деди Летунов бир оз юмшаб. — Балки эсинга келқолар. «Бойқуш» илгари дивизиямизнинг бирор қисмида хизмат қилгандир. Кейин чекиниш вақтларида адашибми, ўзичами бирор жойда қолиб кетгандир. Еки ўзи ихтиёри билан асир бўлиб душман қўлига тушгандир...

— Мутлақо!

— Нима мутлақо!

— Эслаёлмайман.

— Эсла!

— Улимдан хабарим бор, бу ишдан хабарим йўқ! — деди Шавкат қатъий.

Летунов столига тирсаклари билан ёпишиб ўтирарди. Икки кўзи қаршисида тик турган Шавкатга қадалган.

Шавкат кирганидан бери ертўланинг этагида тик турарди. Летунов унга, ўтир, демади, деганида ҳам ертўлада ўтирадиган курси йўқ эди.

Летуновнинг ертўласи мина, снаряд, ҳатто бомба тушса ҳам кор қилмас даражада пишиқ-пухта қилиб қурилган эди. Аввало — жуда чуқур қавланган бўлиб, деворлари ичига ёғоч қопланган, томидаги қат-қат тўсинлар устига тош терилиб, тупроқ бостирилганди. Бу жиҳатдан унинг ертўласи дивком Равшанов ертўласидан қолишмас, аммо торроқ эди.

Тор хонани яна торайтирмаслик учун, бир тапчан билан бир ясама столдан бўлак буюм қўйилмади. Тапчан унга ҳам қаравот, ҳам ўтирадиган кресло вазифасини бажарарди.

Ертўла зиналардан тушилиб, кичкина, аммо ходалардан ясалган қалин эшикдан кириларди. Шавкат ана шу эшикдан энгашиб қирбоқ бурчакдаги сейф ёнида тик турганича қимирламай турарди. Бундан унинг оёқлари толди, ярасига оғриқ кирди.

«Ўтир ҳам демайди ўртоқ Летунов. Туни билан ухламаганимни билмаса керак-да. Ярадорлигимдан ҳам беҳабардир...»

— Яна битта саволим бор сенга, — деди Летунов.

— Мен биладиган гап бўлса, жоним билан жавоб бераман.

— Ўзинг биладиган иш.

— Жоним билан.

— Равшанов нима учун хоинни якка олиб қолиб, сенларни ҳайдаб чиқарди?

— Ҳайдаб чиқаргани йўқ.

— Ўша хоин Равшановнинг қариндоши эканми ёки ўзи юборган одаммикин? Уларнинг қандай алоқалари бор экан?

Шавкат бу саволдан ҳайратланиб, нима деярини билмай қолди.

— Улар нималар тўғрисида гаплашганларини ҳам билмайсанми?

— Мутлақо беҳабарман!

Летунов ўрнидан турди-да, бояги юришини такрорлаб столни гир айланиб чиқди. Уйланиб қолди. Сўнг бир оз юмшаб аста деди:

— Ўйлаб кўр, балки эсинга тушар.

— Уйладим. Беҳабарман, — деди Шавкат янада қатъий оҳангда.

— Бўлмаса яхшироқ ўйлаб олгунингча нариги ертўлада турасан.

Бу хонада одамнинг ақли пешланади.

Туни билан отишма тўхтамади. Душман артиллерияси, тўзиган аридай тинчимади. Уларнинг батареялари айна бир вақтда уч мўлжалга снаряд ташларди. Олдинги позицияларга кичик калибрли тўпдан отса, иккинчи, учинчи позицияларни оғир тўплар бомбардимон қиларди. Дивизия штаби атрофида оғир тўплар снаряди ёрилмоқда эди.

У отишмалар пасайишини ертўласида кутди. Аммо канонада кучайгандан кучайди. «Душман яна ҳужум қилмоқчи шекилли» деб кўнглидан ўтказди.

Душманнинг ҳужумга ўтиш эҳтимоли кутилган жойларда пистирмалар шай бўлиб турарди. Уларнинг орқа томонлари ҳам аввалдан тузилган план асосида тегишли куч ва қурол билан мустаҳкамланган эди. Буни Красухин яхши биларди. Шундай бўлса-да, у оператив бўлимга телефон қилиб, майор Васильевдан сўради:

— Вазият қалай?

— Ҳозирча совға-саломлар айирбош бўляпти.

Красухин майор Гоглидзенинг гапига тушунди. Канонада бўлаётганини усиз ҳам биларди.

— Меҳмоннинг ўзидан дарак йўқми, совға-саломидан кейин ўзи кириб келгучи эди.

Комиссарнинг «душман артиллерия тайёрлигидан кейин ҳужумга ўтгувчи эди, ҳозир у томондан ҳужум хавфи, борми, йўқми», деб сўрамоқчи бўлганини майор тушунди.

— Кузатяпмиз. Кутяпмиз, — деб жавоб қилди Гоглидзе.

Красухин штаб бошлиғи Евдокимовга телефон қилиб, ҳол-аҳвол сўрагач, ундан илтимос қилди.

— «Бойқуш ови» да иштирок этган азаматларнинг шахсий варақаларини эрталабгача тўлдириб қўйсангиз, кимни қандай орденга тавсия қилишни «хўжайин» билан маслаҳатлашиб оламиз.

— Есть, ўртоқ «ноль икки!» деди Евдокимов.

Телефонда сўзлашиш тартибига кўра комиссарнинг сирли номи «ноль икки» эди. Аммо Красухин бу қоидаларни доимо бирдай қўлламади. Кўпинча штаб бошлиғига «ўртоқ Евдокимов», деб мурожаат қиларди. Евдокимов комиссарнинг бу эҳтиётсизлигини ёқтирмасди. Чунки қаршиларида турган душман разведкаси телефон орқали бўладиган гапларга ҳам айғоқчилик қиларди.

— Сизга янги таблицани юбораман, ўртоқ «ноль икки» ва ўшанга амал қилишингизни ўтиниб сўрайман, — деди Евдокимов.

— Бу сафар ҳам афв этасиз, дўстим, энди гапимни билиб гапирман, — деди Красухин. — Айтмоқчи, «хўжайин» бўшадими?

— Йўқ, «меҳмон»ни зиёфат қиляпти. Эски таниши экан.

— Нима, зиёфат қиляпти?..

— Ҳа... Ҳаммомга туширибди. Сабабини эрталаб ўзи айтармиш. «Тонг отгунча «меҳмон»ни менга қўйиб беринглар», деди.

«Ажойиб ва ғаройиб гап бўлди-ку!»

Комиссар ҳайрон бўлиб унинг гапларини ичида такрорлади: Дивком — коммунист Равшанов қўлга тушган хойинни яхшилаб зиёфат қилади? Нега?! «Эски таниши экан!» дедими? Қанақа таниши?..

«Ўзи таклиф қилмаса ҳам олдига бор, хонасига кириб афту ангорига дурустроқ кўз ташла, ким бўлди унинг бу эски таниши?»

Шу хил фикр уни тинч қўймади. У, одатдаги ишини қилиб, Равшановнинг олдига кирмоқчи бўлди. Бунинг учун баҳона топиши ҳам мумкин эди. Аммо Красухин мулоҳазали, андишали одам эди. «Нима гап?» деб дивком олдига бемалол кириш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, иккаласи бир одамдай иш юритаётган бўлсалар ҳам андишаси унинг йўлини тўсди.

«Тонг отгунча меҳмонни менга қўйиб беринглар» дебди. Демак, бирор сир бўлса керак. Равшановга шу пайтгача ишониб келдинг, бу ёғига ҳам ишонасан, тонг отгунча кут».

Шу мулоҳазалар уни тинчитди шекилли, яна бир оз мизғиб олиш учун ёстиққа бош қўйди.

Қаттиқ чарчаган экан, яна кўзи илинибди. Уйқуси шунақа ширин эдики, ертўла эшиги тарақласа ҳам эшитмади.

— Ўртоқ комиссар! Ўртоқ комиссар!..

Аранг кўз очиб қараган Красухин бошида турган одамни даъфатан таниёлмади.

— Летунов?

— Ҳа, менман.

— Бемаҳалда қайси шамол учирди?

— Жиддий сиёсий иш...

Комиссар ўрнидан туриб, Летуновни курсига таклиф қилди.

— Ўтиринг, мен ҳозир.

У ертўласига кираверишдаги йўлакка умивальник остириб, устидаги михга сочиқ ташлаб қўйганди. Совун қутиси эса умивальникнинг қопқоғи устида турарди. Апил-тапил қўл-бетини юйиб, сочиқда артиниб ичкарига кирди.

Летуновнинг тажанг ўтирганини кўриб Красухин ҳайрон бўлди. Ҳеч вақт бемаҳалда комиссарни уйғотмаган Летунов бугун ўз қондасини бузибдики, бирор қор-қол юз берган бўлса керак.

— Барвақт уйғонибсизми, капитан?

— Бу кеча ухлаганим йўқ.

— Тинчликми?

— Хабарингиз йўқми?

— Нимадан?

— Дивкомнинг ишидан.

Красухин, хабарим бор, дегандек капитанга хотиржам қаради, Летунов ундаги бу хотиржамликни фаҳмламади.

— Разведкачиларнинг бошлиғи, старшина Шавкатга гаупвахт бердим,— деди у асабийлашиб,— ўзидан кўрсин, нима сўрасам «билмайман» дейди.

Комиссар бу гапдан кейин сергак тортиди.

— Қандай гуноҳ қилиб қўйибди?

— Гуноҳи катта.

— Масалан?

— Аниғини кейинроқ айтаман.

— Мен аниғини ҳозир билишим керак, Летунов,— деди комиссар унга тик қараб.— Аввало, у коммунист. Ҳар бир коммунистнинг заррача гарди бўлса ҳам билишим керак. Қолаверса, уни ҳукумат мукофотига тавсия қиляпмиз. Бундан ташқари, у Москвага учрашувга бориши керак.

— Учрашув қачон, қаерда бўларкан? Уни ким ўтказаркан?

«Билиб туриб билмасликка оляптими ўзини бу Летунов ёки ҳеч нарсадан хабари йўқми?»

Красухин бир оз жим турди. Летуновнинг оғзини пойлади. Хабардор бўлса ўзи гапиради. Беҳабар бўлса, унинг айби эмас.

Летунов комиссарнинг оғзига қараб турарди. «Демак, беҳабар экан» деб ўйлади, Красухин ва унга кутилаётган Москва учрашувига ҳаракатдаги армия вакиллари чақирилаётгани, шу жумладан, Равшанов билан Шавкат армия делегацияси составига киритилганини айтиб берди.

— Шавкат ҳам борадимми?

— Рўйхат армия ҳарбий совети аъзосига жўнатилди.

— Қайтариб олишнинг иложи борми?

— Асос керак!

— Бирор баҳона... Масалан, ярадорлиги туфайли бора олмаслиги мумкин-ку, ахир.

Красухин унга зимдан разм солди. Капитан унинг юзи сарғишроқ ис босган янглиғ синикроқ кўринди. Кўзлари ҳам бежороқ. Унинг ич-ичида қандайдир бир ташвиши бордай билиниб турарди.

— Асос керак!— бояги гапини такрорлади Красухин.

— Асоси бор. Яраланган.

— Уқ теккани учун қамаганингиз йўқдир. Ушандай баҳодирларни қамашга асосингиз борми, деяпман?

— Гумоним бор. Ишни терговга ошириб, терговни тезроқ якунлаш учун ҳозирча уни партиядан ўчириш керак бўлади. Дивпарткомиссияга буйруқ қилсангиз. Уни партиядан тезда ўчириб берсин.

Красухин ундан юз ўтиргандай тескари қараб олди. Бармоқлари билан столни чертиб-чертиб қўяётганидан Летунов билдики, таклифи комиссарга ёқмади. Комиссарнинг бу туриши ҳам бояғи «асос керак!» деган гапнинг унсиз такрори эди.

— Билиб турибман, асос керак, демоқчисиз. Асосни икки кундан кейин стол устига қўяман.

Красухин суҳбатдошига маънодор боқиб, қатъий гап айтди:

— Коммунистнинг партиявий масаласи ҳам ана шу асос столга қўйилганда кўрилади. Коммунист Шавкат — пашша эмас, фил!

— Ҳақиқий фил, деб билганимиз ҳақида ҳам маслаҳатли гап бор.

— Дивкомни гапиряпсизми?

— Ҳа. Равшановни чин виждонли, пок, ҳалол одам, ботир командир, деб юрардик... — деди-да, Летунов бармоқларини ўйнатиб, Красухинга синчковлик билан кўз ташлади.

— Мен ҳозир ҳам шу фикрдаман! — деди Красухин.

— Менда эса иштибоҳ туғилиб қолди... — Летунов яна бармоқ ўйнади, яна унга тикилиб қаради.

— Асосиз гапга на ҳожат?!

— Асосини хозвзвод старшинасидан сўранг. Қимнинг буйруғи билан кимни чўмилтириб, яантирибди у? Ошхонамизнинг катта пазандасининг гапига ишонарсиз. Ахир унга ўз ошқозонимизни ишониб қўйганмиз-ку. Бу ҳам озлик қилса, маъшуқаси Шарифахондан сўранг. У хоним севгилисига туҳмат қилмас?

— Хўш?

— Улардан нимани сўрардим, демоқчимисиз? Майли, уларнинг гувоҳлиги ҳам Равшановнинг партиявий, жанговар таржимаи ҳолига доғ туширмас. Аммо ўйлаб кўринг-чи... Коммунист, Қизил Армия командирининг Ватан хоини билан апоқ-чапоқ бўлиб ўтириши, биргалашиб майшат қуриши қайси ахлоқ қуюшқонига сиғади?

— Хўш?..

— Туни билан нималарни гаплашдилар экан? Плацдармни немисларга жангсиз тошпириш шартлари муҳокама қилинмадимикин?..

— Бўлмаган гап, Летунов!

— Биламан, сиз унга қаттиқ ишонасиз.

— Ҳа, ишонаман!

— Нега у сизга ишонмайди?

— Менга ишонади. Ўзаро ишонч бор бўлгани учун шунча ишлар қилдик.

— Ишонса нега сизни зиёфатга чақирмади? Штаб бошлиғини ҳам олдига киритмади? Менга ҳам бир сўз демади. Сизу бизга ишонганидан шу ишни қилдими? Сабаби менга қоронғи...

— Сабабини менга ўзи айтади. Тонг отгач учрашадиган бўлганмиз, — деди-да, Красухин мунозара давомини кесиб қўя қолди.

XIX

«Наҳотки... Наҳотки...»

Красухин Летунов айтганларининг бирортасига ишонгиси йўқ эди. Неча бор синовдан ўтган одам... Шунча чиғириқдан бутун чиққан Равшанов... ўлибдими... Бе, бекор гап. Уйдирма!..

«Уйдирма» бўлса ҳам Летуновдай одам зўр бериб, уст-устига иштибоҳли гапларни айтавергач, Красухиндай муетаҳкам кишини ҳам иккилантириб қўйганди.

«Наҳотки... Наҳотки...»

Гап жанговар коммунистлар ҳақида борарди. Балки иғводир, балки бирор қорамушук оралагандир. Аниғини топишинг керак, Қрасухин. Сен партиянинг вакилисан. Дивизияда партия номидан иш юритадиган катта ҳуқуқли комиссар бўлганиндан кейин зимманга ҳазилакам масъулият олмагансан. Вазифанг билан масъулиятинг «етти ўлчаб бир кесиш»ингни тақозо қилади. Шартта кесиш учун сен, етти эмас, юз бор, минг бор ўлча, ўлчаганда ҳам партия андозаси билан холис ўлча.

Шунча вақтлардан бери уларнинг орасидан қил ҳам ўтмаган эди. Бир майизни қирққа бўлишса ҳам шодлик билан баҳам кўришди. Ут-оловга бирга кириб, бирга чиқишди. Энди шубҳа, иштибоҳ билдирса, Равшанов сапчиб кетмайдими? Албатта, унинг тепа сочи тикка бўлади. «Ҳа, комиссар, бугун туғилдингми?» дейиши турган гап. «Дивизияга осмондан тушганинг йўқ-ку!» деса ҳақи бор.

... Қолаверса... Қолаверса, энг қийин дамларда у сенинг таянчинг бўлган, ҳатто сени ўлимдан қутқарган. Единодами ўша кунлар! Ҳеч бўлмаса балчиқзорни унутма.

«Балчиқзор операцияси» деган ном билан Равшановнинг ўқчи дивизияси тарихига кирган воқеа ҳеч вақт Қрасухиннинг ёдидан кўтарилмасди. Воқеа бундай бўлганди: шу — 1941 йилнинг сентябри. Фронт бўйлаб чекиниш давом этаётган вақт. Душман қаерда, фронт қаерда, ҳатто штабларимиз қаерда, билиб бўлмасди. Чунки олдинги кўшинларимиз қаршилигини синдириб, оператив кенгликка чиқиб олган душман кўшинлари катта йўллар хўжайини бўлиб олганди. Чекинаётган қисмларимиз ўрмонлар ичи билан сўқмоқлар орқали кундузи эмас, тунда чекинардилар. Ана шундай тунги чекинишларнинг бирида Белоруссия ўрмонида ҳам уларга тинчлик бўлмади.

Қора ўрмон ичида немисларнинг марш батальони жойлашган экан. Равшановнинг чекинаётган колоннаси тасодифан душман қўрасига кириб қолди. Орқага қайтиш — ўлим! Чунки тўрт томонда фашист кўшинлари... Ё ҳаёт, ё ўлим!..

— Ҳаёт йўли — жанг! — деди ўшанда Равшанов. — Жанг отишмасиз, шовқин-суронсиз бўлиши керак. Қўл жанги қиламиз. Рус найзаси ўз қудратини кўрсатиши керак.

Буйруқ шивирлаб, пичирлаб айтилиб, биридан-бирига имо-ишора билан етказилди:

- Найза!...
- Пичоқ!..
- Ханжар!..
- Қўндоқ!..
- Мушт!..

Найзабозлик Суворовдан мерос қолган бўлса, Равшанов бошқа тўрт хил қўл жангини японлар, сўнгра оқ финлар билан бўлган сўқишда синаб кўрганди. Японлар ёки оқ финлар ухлаб ётган аскарларимиз устига тўсатдан ёпирилгудай бўлса Равшановларга кўпинча пичоқ, қўндоқ ёки мушт қўл келарди. Негаки юзма-юз жангда қурол ишлатишга имкон қолмасди.

Унинг шу тажрибаси қора ўрмондаги тунги жангда жуда-жуда қўл келди. Атака тўсатдан, шарпасиз, отишмасиз бошлангани учун гитлерчилар гафлатда қолдилар. Равшановнинг «ҳунари»га Қрасухин қойил бўлганди. Унинг қўлида милтиқ, олдидан келганга найза сўқар, орқасидан келганини қўндоқ билан урар, баъзисига пичоқ тикарди. Найзалар жиқ-жиқ санчилар, гоҳ қўндоқдан, гоҳ муштан фрик борки, тап-тап йиқиларди. Нима бўлаётганини немисларнинг ўзлари билмасди.

Билиб қолганларидан кейин эса, қора ўрмонга ўт кетгандай бўлди. Уст-устига мушак отилди. Рациялар ёрдам сўраб эфирга дод-фарёд қилди. Рожок, сирена-тревоганинг борлиқ қуроли ўкириб жар солди.

Тўрт томондан ўт очилгач, қора ўрмон қиёмат ичида қолди.

Равшановчилар қандай шарпасиз атака бошлаган бўлсалар, жангдан шундай шовқин-суронсиз чиқдилар, аммо аввалдан разведка қилинмагани учунми, чорасизликданми, балчиқзорга кириб қолдилар.

Балчиқзорда пастак буталар ўсарди. Равшановчиларни ана шу буталар асради. Гитлерчилар улар балчиққа чекинишларини кутмагандилар. Чунки душман найзабозлик атакаси бошлаган кучлар совет мунтазам армияси бўлинмалари эмас, партизанлар босқинчилиги, деб ўйлаганди. «Партизанлар ўрмонга уя қурган, уларни ўз уясида ёндир» дедилар-да, дарахтзорларга ўт пуркай бошладилар. Ярадорларга балчиқ устига хашак ташлаб жой қилинди, аммо уларга на чой, на иссиқ овқат топилди. Ўт ёқиш, ҳатто гугурт чақиш мумкин эмасди.

Жангда Красухин ҳам оёғидан яраланган эди. Ҳозирги вазиятда энг керакли қурол унинг оёғи эди. Ана шу қурол ишдамасди. У ўз оёғи билан юролмасди. Ёнбошлаб, судралиб биқинлари шилинди. Хайриятки, буни Равшанов билиб қолиб уни опичиб олди. Балчиқзорда ҳам унинг дардини шахсан Равшановнинг ўзи даволади.

Балчиқзорда кунни ўтказдилар-да, тунда яна юриш бошладилар. Йўллар тўсиқ, ҳамма ёқда бегона овоз, ҳарбий техника шовқини ҳоким эди.

— Ниҳоятда хушёр юринглар! — дер эди Равшанов.

Вазият шундоқки, душман аламзада бўлиб қолди. У ҳар қандай ҳолатда ҳам кечаги талафоти учун ўч олишга уриниб кўради. Шу сабабдан Равшанов йигитларини шафқатсиз жангларга ҳозирларди. Олдинда қаттиқ сўқишлар бўлиши муқаррарлигини ҳамма, шу жумладан Красухин ҳам яхши билар, шу оёқлар билан балчиқзордан чиқиб олишга кўзи етмасди.

Балчиқзор жуда айёр эди. Устини пўпанак босгандай кўринса-да, оёқ қўйган одамни қаърига тортарди. Красухин унинг сирини яхши биларди. Шунинг учун ҳаммага оёққа «кажава кавуш» тўқиб кийишни буюрди. Уни аввало Равшанов ўзи синовдан ўтказди. Буталарнинг майда новдаларидан, қамишдан икки оёғига ҳаққар кавушдай кажава кавуш ясади-да, уни қийиб, балчиқзорда юриб синади. Кажава кавуш балчиқ суюқлигини ғалвиридан ўтказиб турарди-да, қаърига тортқизмасди.

«Кажава кавуш»лар балчиқзорда уларга жуда қўл келди. Қоронғи тунда аскарлар бир амаллаб қуруқликка чиқиб олдилар.

Қийин-қийин Равшановга бўлди. Чунки у Красухинни балчиқзордан ўзи опичлаб чиқди. Қуруқликка етиб олгач, ёғочдан сават замбил ясади-да, икки аскарга кўтартириб олди.

— Шавкат! Комиссарнинг ҳаётига бошинг билан жавобгарсан! — деди у разведкачиларнинг старшинасига.

Шавкатнинг йигитлари навбатма-навбат замбил кўтарди. Красухинни йўл-йўлакай даволадилар. Ҳозир унинг яраси битиб кетган, кўпам эсламайди. Аммо дивкомнинг садоқатини бир зум бўлсин унутмайди.

Равшановдай, Шавкатдай ватанпарвар, одампарвар коммунистларнинг шаънига доғ тушувини мутлақо истамасди. Летуновнинг ҳозирги айтган гаплари эса ўшандай софдил одамларнинг юзига балчиқ чаплаб қўйишдан бошқа гап эмасди.

— Йўқ, мен бу шубҳаларга ишонмайман! — деди Красухин. — Ўшандай одамлар қўлидан бундай хоинона иш келишига мутлақо ишонмайман!

Шундай деди-да, Красухин «Бойқуш ови»га борган разведкачилар билан бирма-бир гаплашиб чиқди. Уларнинг ҳеч бири шубҳага ўрин қолдирадиган гап айтмади. Аксинча, улар Шавкатнинг донолиги, мардлиги, эпчил, чаққонлиги ҳақида гапирдилар. «Шавкатга кирадиган тикан мана бизга кирсин!» Шавкатнинг кимлигини билмоқчи бўлганлар мана биздан сўрасин!» деб туриб олдилар.

Комиссар Красухин Летуновни уларга рўпара қилди:

— Гувоҳларнинг ўз оғизларидан эшитинг.

Разведкачилар Летуновнинг миясини қоқиб қўлига бергунидай қилдилар.

— Шундай баҳодирни хоин дейишга қандай оғзингиз борди?

— Шавкатнинг кимлигини мана биз биламиз! У миҳдай инсон!

— Унинг ўрнига мана бизни қаманглар!

Летунов гапни кўпайтиргиси келмадими ёки унинг тарафдорлари кўпайиб қетаётгани учунми, «Уни ҳеч ким қамгани йўқ» деди-да, Шавкатни ертўладан чиқариб юборди.

— Булар сенсиз тура олмас эканлар. Бор, дўстларинг айтганча бўлсин, — деди у.

Летунов уни ҳибсдан чиқариб юборгани билан бутунлай оқландинг, Шавкат, дегани йўқ эди. Унинг «дело»си шишиб борса борардики, озаймас эди. Комиссарнинг ҳаракатлари, уни ҳимоя қилиб айтган гаплари, ҳатто унинг тарафдорларини тепасига бошлаб келганлари тўғрисидаги воқеалар ҳамма-ҳаммаси унинг «иши»га қўшилиб турди.

Бир коммунистни маломатдан қутқаргандай бўлса-да, Комиссар Красухиннинг ўзи ҳам ҳали бу ишни тугади, деб ҳисобламасди. Чунки, Летуновнинг иш усули унга маълум эди. Капитан, осонликча гапга кўнадиган одам эмасди. Унинг Равшанов зиммасига юклаётган юки оғир эди. Аммо шубҳалари тасдиқланса, Равшановни бир дақиқа ҳам шу вазифасида ушлаб бўлмасди.

«Ақл бовар қилмайди. Равшанов унақа аҳмоқ эмас!»

Красухин бу масалада воқеани ўз кўзи билан кўриб, ўз кулоғи билан эшитиб, виждонини синаб, хулоса чиқариши керак эди.

«Ўзидан сўрайман. Ўзидан сўраш гуноҳ эмас!» деди-да, Красухин дивкомнинг ертўласига борди. Ертўланинг оғзида соқчи комиссарга салом бериб, унга йўл бўшатди. Красухин у бўшатган йўлдан паства тушаркан, Равшановнинг ўзида йўқ даражада ғазабланиб, шовқинлаб, сўкиниб гапираётган товушини эшитди. Бўғилиб, ниҳоят сўкиниб гапиришидан Равшанов кимнидир бўғизлаётгандай эди...

XX

— Уч карра хоинсан, Тангрибердихўжаев! Уч карра сотқин! Ўзингни кимлигингни билиб қўй. Совет Ватанини сотдинг, бир! Ўз халқингга хиёнат қилдинг, икки! Қасамингни буздинг, уч!.. Сени уч карра отса арзийди! Ўзбек деган улуг зотга иснод келтирдинг!.. Қизил аскар, деган номни ҳаром қилдинг!.. Сени нималар қилиш керак, а?!

Тангрибердихўжаевнинг бўйни солиқ, овози хаста эди:

— Ҳарна қилсангиз розиман... — деди у хириллаб.

Равшанов овозининг борича ниқтаб-ниқтаб, ғазаб сочиб, гапида давом этди:

— Сени баланд дорга осишга вақт йўқ. Қийнаб ўлдиришга қонун йўл бермайди. Оғзингдан отиш керак, вассалом!

Красухин ертўлага кирганида вазият ана шундай чўғ бўлиб қолганди: Равшанов ўтдай ёнар, Тангрибердихўжаев эса чала кўмирдай қоп-қорайиб, тўтаб турарди.

Равшановнинг хоинни сийлаши бежиз эмас эди. У ўзи айтганидай, чиндан ҳам Тангрибердихўжаев олдида қарздор эди. Равшанов бу воқеани унутмаган, унута олмас эди.

Воқеа бундай юз берган эди: Равшанов Самарқандда жойлашган ўзбек дивизиясида отлик аскарлар полкининг командири эди. Қаддибасте келишган, қорачадан келган бикр, бақувват командир Равшановга суворийларнинг кийими қўйиб қўйгандай ярашарди. Айниқса, у кулранг қоракўл теридан тикилган «кубанка»ни чаккасига бостириб, очмалларанг гимнастерка, қизил хошияли кўк мовут галифеси устидан кумуш ғилофи ялгиллаб турган қилич тақиб юрганда, арчилган тухумдай ярқиратиб, пардозланган хром этик шпорлари бир-бирига

урилиб товуш чиқарганда унга қараган ҳам қарар, қарамаган ҳам қарарди. Барчани ўзига маҳлиё қилаётганидан мамнун бўлган Равшанов янада савлат тўкиб, гурс-гурс қадам ташлаб, ҳамманинг, айниқса, ёш-ялангнинг кўзини ўйнатиб, ҳавасини кўзгатарди.

«Қизил командир ҳаммада ҳавас уйғотиши керак» дер эди унинг устози, командири Миршаропов ҳам.

Отлиқ аскарлар полки Самарқанд кўчаларидан ўтганда етти ёшдан етмиш ёшгача одам борки, кўчага чиқиб, сағриси ялтиллаган отларнинг кокил ташлаб, гижинг юришларини, айниқса, сарғиш чарм эгарлар устида қушдай енгил ўтирган аскарларни ҳавас билан томоша қиларди. Полк эскадронининг бошида самантўриқ тулпорини гижинтлатиб Равшанов борарди. У от устида гўё бургутдай басавлат, бақувват, енгилмас пахлавон бўлиб кўринарди.

1938 йили кеч кузда, ўзбек отлиқ аскарлари Халхинголдан ғалаба билан қайтаётган пайтда уни кутган кўзларга Равшанов кўринмади. Унинг саман-тўриқ тулпорини бошқа биров миниб ўтди. Кузатиб турган одамларнинг назарида тулпорнинг шашти пастдай эди, ёллари тўзиган, қадам ташлашлари ҳам ўзгачароқ, маймоқроқ эди.

Кейинча отлиқлар полки кўча машқига чиққан вақтларда ҳам шу ҳол такрорланди. Равшанов Самарқанд кўчаларида кўринмай қолди.

Миш-мишлар кучайди. Кимдир «Равшановнинг ундай айби бор экан», деди. Кимдир «бундай гуноҳ қилибди», деди. Хуллас, бекорчи оғизларга этак тутиб бўлмади. Равшанов англашилмовчиликданми ёки бирон бўхтон сабаб бўлдими, ҳарқолда бир неча муддат айбсиз айбдор жабрини тортди.

Аввалига Равшанов, халтасини елкасига осганича, боши оққан томонга оёғи етгунча бормоқчи бўлди. Йўқ, ундай қилолмади. Юрт тупроғи уни ўзига тортди. Самарқанднинг Боғишамолида ҳовли-жойи бор эди. Шу ерга қайтди. Ҳовли-жойда нотаниш одамлар, бошқа гарнизонлардан уларнинг ўрнига келган одамлар яшардилар. Хотини қаёққа кетди? Уғилчаси Олимжон қаерда? Ҳеч ким, ҳеч нима билмасди.

Равшанов бу ерга сизмади. Бунинг устига ёғ босган фуфайка, эски пахтали шим, эски телпакли бу одамга қамоқдан қочган унсурдай шубҳа билан қарадилар.

У Тошкентга жўнашга мажбур бўлди. Шаҳарнинг чекка маҳаллаларидан бирида онаси яшарди. Отасининг ошини ошаб, ёшини яшаб ўз ажали билан дунёдан ўтганини биларди, аммо ёлғиз онасининг бевақт вафотидан мутлақо хабарсиз эди.

Қоронғи тушиб, кўчада юрган одамни ҳеч ким таний олмайдиган паллада у ота уйига келиб, дарвозасини тақиллатди. Аввал секин, кейин сал қаттиқроқ, сўнгра, кучининг борича тарақлатди.

Садо чиқмади.

«Қаттиқ ухлаб қолганлар шекилли. Ёки бетобмикинлар?»

«Бетоб» онасига ёрдам беришга ошиққан Равшанов дарвозани бузиб киришга қарор берди. Дарвоза ичкарасидан тамбалаб қўйилганди.

«Ўлиб ётган бўлмасин тагин...»

Оёқлари билан дарвоза қанотларини тепди, очилмади. Шундан сўнг тисарилди-да, югуриб келиб елкаси билан урилиб бир табақасини ағанатди, у билан бирга тамба тўсинлари ҳам тарақлаб ерга думалади. Озмунча шовқин кўтарилмади.

Шовқиндан безовталанган қўшнининг олачипор ити вовиллаганича девордан ошиб тушди-да, дарвоза билан бирга ҳовлига қулаган бегона одамнинг устига икки оёғини қўйиб, тишларини гичирлатиб, гимирласа ғажиб ташлағудай бўлиб ириллади.

Ит қўлига тушган Равшанов у билан олишиш йўлини ўйлаб турган паллада қўшнининг ўғли, афтидан итнинг эгаси пайдо бўлиб «олапар»ни ҳайдаб юборди.

— Кимсиз?— у сўради.

Равшанов ўрнидан туриб, этагининг чангини қоқди-да, қутқарувчига ташаккур билдирди:

— Яхши ҳам сиз уйғоқ экансиз...

— Сиз... Темуржон эмасмисиз?

— Ҳа.

Йигит Равшановни маҳкам қучоқлаб, ўз уйига судради.

— Қани юринг, бизникига кирамиз.

— Онамни кўришим керак,— деди Равшанов.— Жуда-жуда соғинганман!

Қўшни йигит уни маҳкам қучоқлаб туриб, ярим овозда ётиги билан уқтирди:

— Ҳамманинг бошида бор гап. Бандалик...

— А, а! Онам ўлдиларми? Қачон?

Қўшни йигит бўлган воқеани батафсил айтиб берди. Унинг онаизори ёлғизликда кун кечириб, кечаю кундуз ўғлининг йўлига термилиб, унча узоқ ётмай — бир ҳафтанинг нари берисида оламдан ўтган, қўни-қўшни, маҳалла аҳолиси тўпланиб, ювиб-тараб Камолон мозорига дафн қилган эди.

— Онаизорингиздан қолган бор-бисотни хоналарига йиғиб, қулфлаб қўйганмиз. Калити менда,— деди қўшни йигит. Маҳалла комиссияси ворислари топилгунча сен жавобгарсан, деди. Менинг фамилиям Тангрибердихўжаев.

Унинг саовбли ишларидан беҳад мамнун бўлган Равшанов миннатдор боқди-да, «Бу яхшиликларингизни ўла-ўлгунимча унутмайман», деди.

Қўшни йигит — Тангрибердихўжаев югуриб уйига кириб маҳалла комиссияси омонатга берган калитни топиб келди. Улик чиққан уй эшигини очишлари ҳамон меҳрибон волидасининг қадрдон ҳиди унинг димоғига урилди, «ке, болам, жон болам» деб ёлғиз ўғлини ардоқлаганидаги нодир товуш... эшитгандай бўлди...

Равшанов, «дод» деб йиғлаб юборди.

— Йиғламанг. Сабр қилинг. Бандалик...

— Улим ҳақ,— деди Равшанов тақдирга тан бериб. Аммо волидамни ўз қўлим билан кўмолмай қолганим алам қиляпти.

— Буюрмади, начора,— деди Тангрибердихўжаев.— Утиринг, руҳларига бир калима қуръон ўқиб бағишлайлик.

У, чўкка тушиб, кўзларини юмиб, руҳларга бағишладиган калимани қироат билан ўқиди. Фотиҳа қилдилар. Уғилнинг беором дили бир оз таскин топгач, Тангрибердихўжаев лампа чироқни ёқиб, унга онасининг тугунчаларини кўрсатди.

— Ҳаммаси шу тугунларда. Пулга арайдиган матоларни ўлимларидан олдин кам-кўстга ишлатган эдилар.

Равшанов аёл киши эмаски тугунларни титиб, ичидаги бисотни кўздан ўтказса. Эркаклар ундай қилмайдилар. Шу сабабдан у тугунларни қучоқлаб, онаизорини қучоқлаб ўпгандай ўпди. Тугунчаларда ҳам меҳрибон она ҳиди анқиб тургандай эди.

Улик чиққан уйдан ҳам хунуги бўлармиди. Бунинг устига ташқари совуқ, кўпдан ўт ёқилмаган уй ундан ҳам зах ва совуқ эди.

— Вой, онажоним! Вой, онагинам!..

Равшановнинг тилига бундан бошқа гап келмасди.

— Вой, онагинам!..

Унинг бечора онаси азоб-уқубат учун туғилган эканми, роҳат кўрмай, тилаб олган бирдан-бир ўғлининг ҳам бахтини кўрмай дардини тортиб, оҳу нолада дунёдан ўтди.

— Вой, онагинажоним!..

Онаси инқилобдан аввалги қимматчилик, очарчилик йилида тул қолди. Эрининг қирқини ўтказган куни кўзи ёриди. Бола чилласи чиқмай она сугидан маҳрум бўлди. Бева онанинг емак-ичмаги йўқ экан, сут қаёқдан келсин!

Зебиниса бировларнинг кирини ювиб, ҳовлисини супуриб бир бурда нон еди, кейин бу иш ҳам ош бермади, ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди. Зебиниса тиламчиликни ор билди. Ўғирлик қилиш ўлимдан баттар!

Очликдан чўп бўлиб қолди. Гўдак қаёқдан билсин — она кўкрагига ёпишгани ёпишган. Она кўкраги эса, қуп-қурук... Чақалоқнинг иккита кўзи қолди. Юпқагина териси суякларига ёпишиб кетди. Бояқшнинг суяклари билан қовурғасини битталаб санаса бўларди.

Шу орада Зебинисанинг ўзи ётиб қолди: онанинг кўзига боласигина кўринарди. «Етим қолса хор бўлади-ку!»

Зебиниса кечаси бор кучини йиғиб, ўрнидан турди, тишини тишига қўйиб, Темурчани бағрига босди-да, масжидга борди. Масжидда ҳеч ким йўқ эди. У, боласини меҳробга, мулла имомликка ўтадиган жойга ётқизиб қўйди.

Боланинг йиғлашга ҳам мадори йўқ эди. Кўзлари мўлт-мўлт қилиб тезроқ келинг, дегандай она кетидан қараб қолди.

«Бу масжидда Тошкентнинг ўзига тўқ одамлари намоз ўқийди. Намозхонлар орасида тирноққа зор бефарзандлар ҳам бор. Ушалардан бирортаси бағрига босса ажаб эмас...»

Зебиниса мачит ёнидаги қабристонга кириб, дарахтлар панасида тонг отишини пойлади. Тонготарда масжид қавми йиғилди. Намоз тугади. Масжиддан қайтаётганлар орасида озгингина, қотмагина бир одам унинг Темурчасини бағрига босиб борарди...

«Хайрият... Инсофли одам экан бу киши, хайрият. Болам очдан ўлмайди энди... — деди-да, Зебиниса унинг кетидан қараб турди. — Ким экан бу раҳмдил одам?»

Зебиниса ўғилчасига ғамхўрлик қилган одамнинг кетидан кузатиб борди. У, масжиддан сал нарида иккала қаноти ланг очиқ турган дарвозага кириб кетди. Дарвоза атрофи супурилиб, сув сешиб қўйилганди. Ҳовлисининг йўлакчаси ҳам топ-тоза эди. Сал нарида бир туп атиргул очилиб турарди.

«Ўғилчам энди ўлмай қолади. Бағри кенг одамларга ўхшайди, бу хонадон. Илоё ўғилчам ўлмай қолсин... Илоё бахтини топсин!»

Кейин?

Замона яхши одамлардан холи эмас экан, Зебинисани қанотларига олдилар. Бу орада инқилоб бўлди. Ҳаёт яхшиликка бошлади. Зебиниса илож топган пайтларида ўша масжид ёнидаги қўшқанотли дарвозага кўз қири ташлаб, ҳовли йўлакчаларига термилиб ўтди.

«Темурчам кўринармикин? Темуржоним қай аҳволда экан?»

Темуржонни бағрига босган одамлар инсоний фазилатли, инсофли, саховатли одамлар экан, уч фарзандим тўртта бўлганига шукр, деб уни сира бегона билмадилар.

Зебиниса уларни ҳам сўраб-билиб олганди. Уй хўжаси Наби оқсоқол заводда ишчи экан.

Зебиниса кунларнинг бирида, ўша қўшқанотли очиқ дарвоза ичкарасидаги топ-тоза йўлакчада чошиб юрган ўғилчасини кўрди. Бўйи ўсиб қолибди. Юзига қизил югурибди. Ўзи ҳам тўлишибди. Кўзлари ўша-ўша: чаросдай қоп-қора... Оназор «Темуржон!» деб қичқиргиси, югуриб бориб қучоқлаб ўпгиси келди.

Юраги ҳаприқди.

— Тўхта! — деди инсофи.

Зебиниса ўзини босди. Кўз ёшларини ютди. Ҳеч кимга ўзини танитмай, ўғилчасига кўриниш бермай ғойиб бўлди. Аммо бу ишини тез-тез такрорлаб турди. Болажонини ҳар кўрганида беҳад эзилар, айни пайтда севинач ҳам эди.

Темуржон эс таниб, ўтмишини хотирлай бошлади. Масжидда ўтирганини аранг эсларди. Кейин шу ҳовлига кириб келишлари-ю, тўйиб сут ичгани ҳам хотирасида эди. Онаси? Онаси қаёққа кетди? Тирикми ёки касаллик уни гўристонга тикиб қўйдими? Буёғи унга қоп-қоронғи эди...

У меҳрибон одамларнинг икки ўғил, бир қизи қаторида ўсди. Ҳеч ким камситгани, ўғайлагани йўқ. Аммо ўз онаси кўзидан нари кетмасди, тушида ҳам онаизорини қидирарди.

Буни уй бекаси Мастонбиби сезиб юрарди. Неча бор тушида «ойижон!» деб қичқириб юборганида «Лаббай, болам, сенга нима керак?» деб, орқасини силаб юпатганди.

Кунлардан бир кун у эрига деди:

— Шу боланинг онаси тирикка ўхшайди...

— Қаёқдан билдинг?

— Бир аёл тез-тез кўчамиздан ўтиб туради. Гоҳ очик дарвозадан, гоҳ девордан ичкарига мўралайди. Ўғри хотинга ўхшамайди. Боласини кўрмоқ дардида юрса керак...

Уй хўжаси ўйланиб қолди. «Ким бўлди бу аёл, ўғрига ўхшамаса, тилачилик қилмаса-ю, ҳовлига термилиб, шипиллаб кетаверса... Боласини кўрмоқ дардида юрган онадан ўзга ҳеч кимса эмас!»

Ана шундай фикрга келгач, уй хўжаси Наби оқсоқол хотинига маслаҳат солди:

— Сен нима дейсан, қампир?.. Бечора ўша вақтда шундай қилишга мажбур бўлгандир, энди ўзини тиклаб олган кўринади...

— Нима қиламиз энди?

— У бечора билан гаплаш. Ётиги билан сирини бил. Мақсадини англа.

Мастонбиби эл-юрт ичида юрадиган, эски шаҳар аёллари билан тез-тез учрашадиган жамоатчи аёл эди. Хотин-халажнинг боши бирикса тамом, алмисоқдан қолган ривоятдан бошлаб, кеча ва бугун маҳаллада ким нима еб-ичганигача оғизга тушади. Ана шундй олди-қочди гаплар орасида Зебинисанинг фарзанд дарди оғзига тушди. Мастонбиби суриштириб юриб Зебинисани топди.

— Боланинг онаси аниқ бўлди,— деб суюнчилади Мастонбиби эрига.— Неппа-нозин аёл экан. Худди Темуржоннинг ўзгинаси. Фарзанд тўғрисида гап кетса, оғзидан тутун чиқади, бечорани...

Лекин сирини етти қават ер остида сақлаяпти. Оғзи маҳкам.

— Уйингга чақир, ўша аёлни. Меҳмон бўлади.

— Нега?

— Темуржоннинг ҳақиқий онаси бўлса, болани кўриб авзойи ошкор қилади.

Мастонбиби икки-уч аёл билан бирга Зебинисани ҳам ўз уйига чақирди. Зебиниса таниш уйга келганда юраги от ўйинига тушди.

Зебинисанинг гўё кўзи тўрт бўлиб, ҳатто бутун вужуди кўз бўлиб йўлақларга, атрофларга боқди. Ниҳоят болалар мактабдан келишди. Темуржон ҳам...

Зебинисанинг ўғли ўсмирликдан ўтиб, росмана йигитча бўлиб қолганди. Она ўзини танитмасликка уринарди, аммо лаби пичирларди. «Бўйингдан айланай... Бўйингдан айланай!»

Меҳмонлар тарқалаётганида Зебинисани олиб қолдилар.

— Кейинроқ кетарсиз. Кейинроқ эса она-бола топишиб олишди. Она қалби тошдан ясалган эмаски, бардош берса, чидаб туролмади. Зебиниса Мастонбибининг учала фарзанди қатори ўз жигарбандини ҳам қучоқлади. Қаттиқ қучоқлади! Упди! Унинг юзига она кўзёши томди...

— Болам!— деди доғланган она юраги.

— Онажон!— деди ҳижронда эзилган бола юраги.

Инсофли оила бу воқеадан хурсанд бўлса бўлдики, афсусланмади. Бола бахти уларнинг ҳам бахти эди. Она қувончи уларнинг ҳам шодлиги эди. Тақдир шу эканми, хайр-аҳсонли, инсофли, саховатли, етимпарвар оиланинг рози-ризалиги билан Темуржон ўз онаси бағрига қайтди, аммо ҳар икки ҳовли боласи бўлиб улғайди.

Темуржонни ҳарбий хизматга ҳам икки ҳовли одами жам бўлиб, тантана билан кузатди. Икки йиллик ҳарбий хизматни аъло ўтаган Темур Равшановни командирлар тайёрлайдиган ҳарбий билим юртига

жўнатдилар. Зебиниса топганини ўглидан аямади, ҳафтада совғаларта жўнатди, ойда икки бор маошини юборди: «Болам ўксимасин».

Темуржон кунларнинг бирида ҳарбий билим юртини тамомлаб, игнадан янги чиққан шинель, козероги ярақлаган фуражка кийиб, шпорини жаранглатиб, бир чамадон совға-салом билан, оғзи қулоғида уйига кириб келди.

Зебинисанинг бахтини кўрсалар эди! Онаизор шодлигидан сўрасалар эди! Уларнинг уйларида тўйлар бошланиб кетди. Зебиниса танлаб қўйган қиз бор эди. Наби оқсоқол оиласи иштирокида «Темур командир»нинг бошини иккита қилиб қўйдилар.

Отпускиси тугагач, «Темур командир»ни Самарқандга чақириб олдилар-да, отлиқ аскарлар взводига командир этиб тайинладилар. Йиллар ўтгач, унинг унвони юксалди, мартабаси ортди.

Минг афсуски, қафасдан чиққан қушдай она кулбасига учиб келган Темур Равшанов доғда адо бўлган она қалбини шод этолмади.

— Юринг бизниқига! — деб зўрлади Тангрибердихўжаев, йиғлаб ўтирган Равшановни қистаб. — Ҳамма гапни ўша ерда гаплашамиз... Сизга айтадиган гапим кўп.

XXI

Тангрибердихўжаев Тошкентнинг ном чиқарган корчалонлари уруғига қарашли одам бўлиб, отасининг ўлиmidан кейин дўкондорлик қиларди. Унинг эслашига кўра, отаси Тангрибердихўжа Тошкентнинг Пиёнбозор деб аталмиш савдо марказида пойафзал дўконларининг хўжайини бўлган.

Бахтиданми ёки ўзининг тadbиркорлигиданми, унинг ишлари юришиб, пулни банкага извошда ташийдиган бўлди. Пойафзални эса, турли шаҳарлардан вагонларда келтира бошлади. Бора-бора Тангрибердихўжабой пойафзаллари Андижонда, Қўқонда, ҳатто Кобулда ҳам қўлма-қўл юрди.

Тангрибердихўжабойни Орифхўжабой сингари кўпчилик «золимлар», «муштумзўрлар» қатори синф сифатида тугатдилар. Тангрибердихўжабой Сибирь сурғунига чап бериб, Қашқарга йўл олди. У ерда қочоқ бойлар кўп эди. Нон топиб ейиш қийин бўлди. Қашқарда узоқ туrolмай, Афғонистонга ўтиб олди-да, Кобулда пойафзал дўкони очди. Унинг дўкони Кобул дарёсининг бўйида, катта бозорнинг энг обод жойида бўлиб, харидор ҳамиша гавжум эди. Бу жиҳатдан унинг дўкони савдо маркази эди ва Тошкент Пиёнбозорини эслатиб турарди.

Бора-бора Тангрибердихўжабой атрофида тўпланган тошкентлик савдогарлар бутун пойафзал савдосини ўз қўлларига олдилар. Тангрибердихўжабойнинг кичик ўглидан бошқа ҳамма авлоди афғонистонлик бўлиб қолди.

Унинг кичик ўгли отаси четга қочган вақтда тўсатдан йўқолган ва Андижондаги «боқимсиз болалар» уйига тушганди. Уша жойда катта бўлди. Бошланғич мактабда ўқиди. Ота касби мерос эканми, савдо ишига араллашиб, газмол сотувчи бўлиб олди. Қўлига пул тушиб, турмуши яхшилангач, йўлини топиб, бир илож қилиб Тошкентга келди. Уни ҳеч ким, нари тур, демади. Чунки бола — ота учун жавобгар эмас эди.

Ота-онасини таниган одамлар уни ўз ёнларига олдилар-да, уйлаб-жойлаб қўйдилар. Отасидан қолган ҳовлида артеллар совун цехи қургани учун қайтиб бормади-да, ҳозирги жойини арзон гаров сотиб олди.

Равшанов бу воқеадан беҳабар эди. Отасининг қўшниси уйини сотиб кетгани ва у жойда газмолчи ўтиргани қулоғига чалинганди. Аммо тафсилотига қизиқмаганди. Мана энди у, Равшанов, ана шу ён қўшнининг уйида ўтирибди.

Тангрибердихўжаев уни ўз уйига бошлаб кирган ҳамоно қўлига сочик, совун тутқазди ва чойдўшда иссиқ сув келтириб обрeзли уйда

чўмилтирди. Бир эти тушгандай бўлиб енгил тортган Равшановга охори тўкилмаган кўйлак, лозим, яп-янги пайпоқ келтириб берди. Кейин сандиқдан унинг қадди-бастига лойиқ қора мовут костюм олиб елкасига ташлаб қўйди.

Одам кийим билан одам экан, Равшанов янги либосда аслига қайтиб, яна ўша-ўша ҳеч нарса қўрмаган Равшановдай бўлди қолди.

— Эски кийимларингизни ўтга ташладим, — деди уй хўжаси. — Кулини кўкка созуриб юбордим.

— Отам қилмаган ишни қилдингиз, хўжам. Унутилмас иш бўлди! — деди беҳад мамнун бўлган Равшанов.

Уй бекаси меҳмонхонага дастурхон тузаб қўйган экан. Равшанов кўпдан бери бундақа зиёфатни кўрмаганди. Қазии-қартадан тортиб, жами ноз-неъмат унга мунтазир эди.

— Олинг! Олинг! — деб қистарди уй хўжаси.

Равшанов андиша биланми, «бўкиб қолиш хавфи» данми, ноз-неъматга ўзини ташлай қолмади, командир деган номига яраша сипо ўтирди.

— Айбга буюрмайсиз, меҳмон, қиттак-қиттак тортамыз, — деди Тангрибердихўжаев, — қаёқлардан насиба тортиб келдингиз. Атойи худосиз.

— Азадорман...

— Волидангизнинг йилини ҳам ўтказганмиз. Келинг, қўйинг, ўша ташвишларни унутайлик. Эсон-омон келганингиз учун, қиттак-қиттак...

Мезбоннинг сазасини ерда қолдирмаслик учунми, унинг кўнглига бориб, Равшанов бир қадахни неча хўплаб аранг бўшатди. Аммо кўпдан бери спиртли ичимликни оғзига олмагани сабаблими, чарчоқданми, ҳафалиқданми кайфи тарақ бўлиб қолди. Командир номи бор эмасми, у ўзини босишга, кайфни енгилга уриниб, уст-устига иссиқ кўк чой ичди.

— Мана шу уй сизники, — деди уй хўжаси меҳмонхонага жой тузаб. — Яхшилаб ором олинг. Чарчоғингиз чиқсин.

Уйқу қаёқда! Равшанов шунча кўз юмиб, бирдан минггача, мингдан биргача қайта-қайта санок санади, тасбеҳ ўгирди, аммо ҳар қанча қилса ҳам уйқу келмади.

«Бу ёғи нима бўлади? Бирор ишнинг бошини тутишинг керак. Нима иш қиласан? Командирликдан бўлак ҳунаринг ҳам йўқ. Ҳунар керак экан одамга. Командирлик ҳам яхши ҳунар. Лекин сенга, юзига қора чаплаган Равшановга қурол бериб, неча-неча аскарнинг тақдирини топшириб қўярмиди... Бу ёғи нима бўлади?..»

Тонг отганда, қуёш чиқиб деразадан кулиб боққан чоқда чойдишда иссиқ сув кўтариб, елкасида оппоқ сочиқ билан уй хўжаси олдиға кириб келди.

— Яхши ётиб-турдингизми? Оромингизга ҳеч ким халал бермадимми?

— Йўқ. Жуда яхши...

— Субҳидамда қичқирган хўроз билан шақиллаб сайраган беданани қалласини узгим келади, — деди Тангрибердихўжаев.

— Йўқ, йўқ. Уларнинг овози асло эшитилмади.

Уй бекаси нонуштага ёғлиқ патир, гўштли сомса ёпибди. Нонуштадан кейин улар Равшановнинг ота уйига кирдилар. Йиқиқ дарвоза олдида икки йигит турарди. Улар аввал Равшанов, кейин Тангрибердихўжаев билан қўл бериб сўрашдилар.

— Булар менга қарашли йигитлар, — деди Тангрибердихўжаев изоҳ бериб. — Ҳашарга келишди.

Ҳашарчилар ташландиқ ҳовлини тозалашга тушдилар. Бир оздан кейин маҳалла дурадгори асбоб-ускунаси билан келди-да, синиқ дарвозани ўрнига тиклаб қўйди.

— Қўшнинг тинч — сен тинч, — деди Тангрибердихўжаев. — Сизни тинчитиш бизнинг бурчимиз.

Қўшни аёллар эшик, деразаларни ювиб, полларни артиб, тозалаб, кампирнинг хоналарини «ёғ тушса, ялагудай» қилиб қўйдилар.

Эртасига Тангрибердихўжаев бир ўртачароқ, аммо думбаси лорсиллаган қора қўчқор етаклаб кирди.

— Қиёматда қўшнидан, деган гап бор. Қиёматли қўшнилар арвоҳига бағишлаймиз бу жониворни.

Шу баҳона қўни-қўшни, маҳалла-қўй йиғилиб, қозон осиб, хайр-худойи дегандай маросим ўтказдилар.

— Равшанов акамнинг эсон-омон қутулиб келишларини шарафла-япмиз, — деди Тангрибердихўжаев маросимга кирган одамларга.

Маросим тугаб, катта ҳовлида икковлон қолишган пайтда Тангрибердихўжаев Равшановдан сўради:

— Келин ойи бормилар?

— Бор эди...

— У киши ҳам... вафот этдиларми?

— Улгандан баттар бўлди.

— Нега?

— Мени кутмай, бошқа бировга тегиб кетибди.

Тангрибердихўжаев нима деярини билмай жим қолди. Аёлни ёмонлашни ҳам, оқлашни ҳам билмасди. Балки, шундай қилишга мажбур бўлгандир, эҳтимолки, уни мажбур қилишгандир. Замон шунақа эди. «Замон сенга боқмаса — сен замонга боқ» дейишгандир-да...

— Бошингизни иккита қилиб қўйсак бўларкан, — деди у бир оз ўйлаб тургач, — бу уйларга лойиқ-қовул бека зарур.

— Ғамхўрлигингиз учун раҳмат, — деди Равшанов. — Аввал ўзимни эплаб олай, уйланиш қочмайди.

— Иш масаласида ҳам кўмак зарур бўлса ўзимга айтинг. Ҳозир савдо соҳаси дуруст бўп қолди. Худони куни борки, ҳамёнингизга тўрт-беш сўм тушиб туради.

— Савдода сира ишламаганман, — деди Равшанов. — Ғавғоси кўп деб эшитаман. Бирор ишкали чиқишидан қўрқади одам.

— Одам қилган ишни сиз ҳам қилаверасиз. Ўзим ўргатаман.

Савдо иши Равшановга мутлақо ёқмади. Ҳарбий одам, командирлик қилган киши ёш болага ҳам, кексага ҳам бир хилда муомалада бўлиши, ҳаминша икки қўли кўксига, хоҳласа-хоҳламаса иржайиб кулиб туриши керак-да, ана шу хушмуомалалик унинг қўлидан келармикин? Асло! Бунинг учун у бошқатдан туғилиши керак. Зотида ҳам, қонида ҳам, қолаверса, жисмида ҳам бу ҳунарга тобелик йўқ-да. Бўлмайди!

Шундан кейин Тангрибердихўжаев аллақаяқлардаги артелларнинг адресини топиб келди-да, ўша ерларга учрашишни тавсия этди.

Равшанов артелларга ҳам бормади. Ота уйининг кам-кўстларини тузатиб, муқим бўлиб олиш мақсадида эди. Ундан паспорт сўрадилар. Ундан пропискадан ўтишни талаб қилдилар. Милиция бўлимида эса ҳарбий комиссарликка йўлиқишни буюрдилар.

Ҳарбий комиссарликда у билан комиссарнинг шахсан ўзи суҳбат қилди. Халқаро вазият оғир пайт эди. Иккинчи жаҳон уруши совет чегарасига яқин жойга келиб қолганди.

Равшановнинг қўлида ҳарбий билети йўқ эди. Унинг делолари ТуркВОда ҳам йўқ экан. Ҳарбий комиссар Равшановнинг саргузаштлари ҳақидаги ҳикоясини тинглагач, ТуркВОнинг тегишли бўлимига телефон қоқиб, собиқ отлик полк командири Равшанов ҳақида маълумот сўради.

Шундай қилиб, тез орада у ҳарбий кийим, тўртта шпал тақиб, маҳалласида пайдо бўлди. Уни зиёрат қилувчилар кўпайди, табрикловчилар ундан ҳам кўпайди.

Равшанов ҳеч нарса кўрмагандай, боягидай аввалги аслига келиб, тўлишиб кетди.

Зиёрат қилувчилар орасида оппоққина, дўмбоққина бир қиз ҳам бор эди.

У қиз Равшановга қараб-қараб қўярди. Равшанов ҳам дам-бадам унга нигоҳ ташларди. Кўзлар танишиб олгач, уларнинг ўзлари ҳам танишдилар.

Уларни Тангрибердихўжаевлар оиласи таништириб қўйди.

— Шарифа, — деди қиз.

— Равшанов, — деди командир йигит.

Шарифа билан Равшанов тез-тез учрашадиган бўлдилар. Учрашувлари ҳам қўшнининг уйида мароқли эди. Қўшни беканинг ҳовлиси озода, уйи сержиҳоз, дастурхони тўкин. Икки дил суҳбати учун жами қулай шароит муҳайё эди.

Икки дил пайванд бўлаётган паллада Равшанов шошилич буйруқ билан Белоруссия Алоҳида Ҳарбий округи ихтиёрига жўнатилди.

— Бирга кетаман! — деди Шарифа.

— Ҳозирча иложи йўқ, — жавоб қилди Равшанов.

— Сиз қаерда бўлсангиз, мен ҳам ўша жойда бўламан. Қарорим шу!

Улар анча вақтгача юзма-юз турдилар. Равшанов индамади. Перронда ҳам бир-бирига тикилиб сўзсиз турдилар. Ҳеч ким сўз қотмади.

Қор захри кетиб, ёмғирли дамлар бошланадиган палла, майин шабада эрта баҳор нафасини бошлаб келаётган чоқлар эди. Ҳавода кулранг булут пайдо бўлди-да, дув-дув кўзёши тўкди. «Об-ҳаво маълумоти» да айtilган «қисқа муддатли ёмғир» бошланган эди. Усти-бошлари ҳўл бўлиб кетса ҳамки, улар бири-бировидан нари бўлгиси йўқ эди.

— Яхши келинг, ўрнашиб олгач, албатта, сизни чақириб оламан, — деди Темур Равшанов қизга табассум билан.

Унинг дивизияси Дрисса-Бегосово районида жойлашиб улгурмай ғарбий Украина, ғарбий Белоруссияни озод қилиш юриши бошланди. Ундан кейин оқ финларга қарши жанглар бўлиб ўтди... Равшанов ҳаммасида баб-баравар қатнашди. Кейин Улуғ Ватан уруши олдида Шарифа уни излаб ғарбий Белоруссияга келди.

Уларнинг қайта учрашувига ҳам Тангрибердихўжаев сабабчи эди.

Равшанов қўлга тушган «Бойқуш» — Тангрибердихўжаев олдида ўзини қарздор деб билар, унинг Равшановга нисбатан қилган яхшилигини бирор яхшилик қайтаришни ўзининг бурчи, деб тушунарди. Афсуски, кўтилмаганда шу ҳодиса юз берди...

— Шундай одамнинг бу йўлга кириб кетгани алам қияпти, комиссар, — деди Равшанов жимгина ўтирган Красухинга. Бир вақтлар қадрдоним эди. Онамни ўлигини кўмган. Узимга отам қилмаган меҳрибонликни қилган эди.

Красухин зимдан «Бойқуш» га қараб қўйди. «Бойқуш» кесак бўлиб ўтирарди.

Равшанов комиссарга юзланиб олди-да, гапида давом этди:

— Негадир ҳамма мендан юз ўгирган эди. Бу эса мени кучоқ очиб кутгани, шоҳона уйининг тўри меники эди. Шунақа одамнинг пуч бўлиб чиққани ичларимни тирнапти, комиссар!

«Летуновнинг гаплари бежиз эмас экан-да... Шамол бўлмаса дарахт учи қимирламайди, деганларида ҳам каромат бор экан-да» деб ўйлади-да, Красухин унга маънодор боқиб, аста сўради:

— Нима қилмоқчисиз бу ўртоғингизни?

— Ўртоғим эди, энди ғирт душманам! — деди Равшанов. — Шунинг жазосини ўйлапман...

Жангари

I

Субҳидам чоғи... Эфирда Кремль курантларининг вақт тўқувчи мокиси тиним билмай соат тебратарди, олтин болғачаси ҳар чоракда бонг уриб, ишчиларни дастгоҳга чақирарди. Москва ҳимоячиларини эса беаёв жангга чорлайди.

Пойтахтнинг ерости поездлари гумбир-гумбир ҳаллослаб қорхоналарга одам элтарди, трамвайлари эса очик, ёпиқ вагонларини лиммолим қилиб, заводлардан баррикадаларга темир-бетон тўсиқлар, яроғ-аслаҳа ташийди.

...Ленин мақбарасининг муқаддас остонасида елкаларидан шарақлатиб милтиқ тушириб, мрамар тошга тарақлатиб қўндоқ ташлаб соқчилар алмашинади.

...Гижинглаган отларининг тақасидан учқун сачратиб, Қизил майдонда, пойтахт кўчаларида жуфт-жуфт патруллар юради.

...Радио фронтчи шаҳар бўсағасидаги жанглардан ахборот беради.

Совинформбюро ахборотини фронтда ҳам тинглашар, сиёсий ходимлар уни оқизмай-томизмай кўчириб олиб, тонгги янгилик деб, окопма-окоп тарқатардилар.

Тонгги янгиликни Шарифа ҳам ёзиб олганди. Шарифа бу хабарни армия штабидан келган шифровкага кўшиб дивкомга топширмақчи бўлди, аммо уни Равшановнинг ҳузурига киритмадилар.

«Гира-ширада мени танимадилар», деб ўйлаган Шарифа бундай вақтларда керак бўладиган ҳамма ҳуқуқини ишлатиб кўрди: тунги пропуск, бугунги пароль, радист, шифровкачи — барча ҳужжатларини рўпара қилди, аммо улар инобатга ўтмади. Бундан дили озор топган Шарифанинг жаҳли чиқди.

— Ахир мен ҳаммаша «хўжайин» ҳузурига кириб-чиқиб турадиган одамман-ку, боягина чиққан эдим-ку! Яхши биласиз-ку.

— Мумкин эмас! — деди бир сўзли соқчи. — «Хўжайин» ҳеч кимни киритма, деган!

Комендант взводининг бу аскари кўпинча дивком билан комиссарнинг ертўлаларида соқчилик қиларди. Равшановнинг ҳузурига кимлар тез-тез кириб туришини ҳам биларди. Айниқса, Шарифа — шифровкачини «дивкомнинг эркаси» деб тушунарди. Равшановнинг ўнг қўлидай одам бўлиб, гоҳ шифровка келтириб, гоҳ шифровка диктовка ёзиб, гоҳ Равшановга кўкчой дамлаб, ишқилибки, ҳаммадан кўра кўпроқ унинг ҳузурига бўладиган одам эди.

Соқчи Шарифани хафа қилгиси келмади шекилли, ҳеч кимга эшитилмайдиган даражада унинг қулоғига шивирлади:

— «Хўжайин» зиёфат бeryптилар...

— Кимга?

— Буниси маҳфий!

— Ҳаммага маҳфий бўлса ҳам менга ошкора бўлиши керак, — деди Шарифа. — Айтаверинг, кимга зиёфат бeryптилар? Медсанбат врачихасигами? Ҳалиги сочи ҳурпайган хирург аёл шу ердами ё?

— Аёл эмас, эркак. Бизники ҳам эмас, хорижий!.. Яхшиси бу ердан тезроқ кета қолинг, — деди соқчи шивирлаб.

Шарифа ҳеч нарсани тушунмай ҳайрон бўлди-да, аста орқасига қайтди. Хаёлан босайми-босмайми, деган ҳолатда бораётган чоғида капитан Летуновга дуч келди.

— Салом, ўртоқ капитан, — деди у ҳарбий қоида бўйича қўлини бошига қилиб.

Летунов унинг саломига алик олгач, ўсмоқчилаб сўради:

— «Хўжайин» ҳузурида ким бор?

— Билмадим,— деди Шарифа хомуш овозда.

Летунов синовчан кўзлари билан Шарифага тикилиб қарагач, яна деди:

— «Хўжайин»нинг ҳар қадамидан хабардор Шарифахоннинг шундай ажиб воқеадан беҳабар қолганига, тўғриси, зиёфатга чақирилмаганига афсусланяпман.

Шарифа нима деярини билмай ўйланиб қолди.

— Ҳечқиси йўқ,— деди Летунов муғомбирона оҳангда.— Балки, сиздан сир тутадиган ишдир. «Хўжайин»нинг сиздан яширадиган ҳеч бир сири йўқ деб билардим. Менга қаранг, мабодо шу сирдан хабар топиб қолсангиз, менга шипшитиб қўйинг. Хўпми?

Кўкда булут ҳоким бўлгани учунми, тонготарда ҳам юлдузлар кўринмайди. Осмонда дам-бадам ялтиллаб чақмоқ ўти учади.

Тўплар гумбирлайди.

Кечасиги навбати тугагач, Шарифа уйқуси келмаса ҳам, ётмоқчи бўлди. Унинг ертўласи — ҳам ишхона, ҳам уч қизнинг ётоқхонаси эди. Радист қизлар бир хонада навбатма-навбат ишлар ва ухлардилар. Ҳозир ухлаш навбати Шарифаники эди. У шинелини қозикқа илиб, этигини тапчан остига жойлади-да, гимнастеркаси билан ўриндиққа ташланди.

— Ёчиниб ётаверинг,— деди навбатчи қиз.— Мана биз уйғоқ-миз-ку.

— Ухламайман, шундоқ ётаман,— деди Шарифа.

— Нега ундоқ қиласиз,— деди меҳрибонлик билан Маша.— Ётинг, ухлаб олинг.

— «Хўжайин» чақириб қолади. Шифровкани айтиб беришим керак!

— Ҳалиям айтмадингизми?

— Вақти йўқ экан, имкон топса мени дивкомнинг ўзи чақиради.

Шарифанинг ҳаёли ўша «махфий зиёфат» билан Летуновнинг сўровида эди. Поччасининг ҳоли нима кечади. Равшанов нима учун тун бўйи зиёфат қилди. Мақсади нима? Летунов нимага шама қилди. «Сен хоиннинг қариндошисан», деб гумонсираяптими, ё?

Балки Летунов уни дивкомга қарши қўймоқчидир? Уларнинг муносабатларини яхши билади-ку. Ораларини бузмоқчимизми ёки уни Равшановдан айирмоқчимизми? Гаплари жуда қизиқ-ку. «Хўжайин»нинг сиздан яширадиган ҳеч бир сири йўқ деб билардим...» Нима дегани бу — киноями, гижгижлашми? Киноя бўлганда ҳам жуда аччиқ киноя! Гижгижлаш, деб фараз қилса, бундан унинг нима мақсади бор? «Мабодо шу сирдан хабар топиб қолсангиз менга шипшитиб қўйинг» дегани нимаси?!

Унинг кўзлари юмуқ бўлгани билан юраги бежо тегиб ётганини навбатчи Маша сезиб турарди.

Унинг назарида Шарифа нимадандир қаттиқ хафа, дили озор топган, ана шу дилозорликни кечиролмай нотинч эди. Ким хафа қилди уни? Ким унга озор берди? «Хўжайин» бунчалар дилозор эмасди-ку... Нима учун бўлмаса Шарифасини қабул қилмади, ҳатто шифровкасини қайтариб юборибди. Ораларидан бирор ола мушук ўтиб қолмадимикин?

Шу пайт уларнинг ертўласи эшиги дукиллади.

— Шарифахон! Ҳо Шарифахон!

— Ана, «хўжайин» чақиряпти шекилли...

Шарифа апил-тапил этигини оёқларига илиб, шинелини кийди-да, папкасини қўлтиқлаб, ташқарига югурди. Шавкатга рўпара бўлиб ажабланди.

— Сизми?

— Мен.

— «Хўжайин» юбордими сизни?

— Ўзим келдим.

— Хизмат?

Шавкат нимадандир ниҳоятда ташвишда эди.

— «Хўжайин»га бориб эдим, қўриқчи киритмади,— деди у энтикиб.— Зарурдан зарур гап чиқиб қолди. Шу гапни Равшанов акамга ўзингиз етказмасангиз ёмон бўлади. Жуда ёмон бўлади!..

— Қандай ёмон гап экан?— деди Шарифа, ташвишланиб.

— Биз ушлаб келган «Бойқуш» ҳақида. Э, жуда хунук гап,— деди Шавкат қўл силтаб.— Гўё у билан «хўжайин»нинг тили битта эмиш... Мен воситачи эмишман... Тезда хабар беринг.

Шарифа, хузурига киритса ҳам кираман, киритмаса ҳам кираман, деб жадаллаб келди-да, ертўла соқчисига, «Ўзлари чақирдилар, менга телефон бўлди», деди-да, папкасини кўрсатиб қўйди.

— Шошилинч шифровка!..

Шарифа «энг қийин тўсиқ»дан осон ўтиб олганидан мамнун бўлиб ертўлага чаққон кирди-да, салом беришни ҳам унутиб юборди. Дивком ертўласидаги вазият уни ҳанг-манг қилиб қўйганди.

Равшановнинг иш столида зиёфат ноз-неъматлари, ярми бўшатирилган арақ шишасидан маълумки, ичкилик ичилган, аммо стол атрофидаги вазиятга қараганда меҳмондорчилик «самимий, дўстона вазият»даги зиёфатга ўхшамасди.

Ўртада Равшанов тик турибди. Кўзлари бежо, юзлари кўрғошиндай қатъий.

Унинг ёнида комиссар Красухин. Унинг юзи, кўзлари ҳайратдан безовта.

Уларнинг қаршисида поччаси сўзсиз, кесак бўлиб ўтирарди.

Красухин кўзларига ишонмаётгандай гоҳ Равшановга, гоҳ Шарифага қараб қўяр, гоҳ, «Бойқуш»нинг ҳолатини кузатарди. «Бойқуш»нинг ўнғайсиз ҳолатидан, кўзини олиб қочишидан маълумки, Тангрибердихўжаев улар билан бундай оғир вазиятда учрашувини сира истамасди.

Қилғилиғига иқрор бўлиб, ўзини беҳад гуноҳкор билган Тангрибердихўжаев қиз болалигига қарамай кичик командир либосини кийиб, мардлар майдонида жон фидо бўлиб юрган Шарифадан кўзини яширар, унинг нақшон юзига тик қарашдан уялар, тўғриси, ниҳоятда қўрқарди.

Шарифа унинг не кўйга тушганини уйига хабар қилади, албатта. Уйдагилар, жигарлари, фарзандлари, нима дер эканлар? Аввало ачиниб, куйиниб йиғларлар балки. Ачинмай иложлари йўқ. Болалари-чи? «Ҳозирги замон болаларидан сенинг болаларинг нима билан фарқ қиларди. Ҳаммаси совет боласи, мактаб талабаси, пионер, комсомол тарбиясидаги болалар. «Отанг хоин экан» десалар сендан юз ўгирадилар, ҳатто «отамдан кечдик» деб қасамёд қиладилар. Тавқилаънат бўлдинг, сен Тангрибердихўжаев. Мабодо бир бало қилиб, қутулиб борсанг ҳам иснод бармоғи билан кўзингни ўядилар».

«Меҳмон»нинг бўкиб, биқиниб ўтиришидан ва Равшановнинг бузук авзойидан Шарифага маълум бўлдики, зиёфат ниҳоясига етган.

Шарифа сир бой бермай Равшановга юзланди:

— Шифровка... Шошилинч...

Равшанов унинг қўлидан папкасини олди, тез кўз югуртириб олди-да, комиссарга узатди. Красухин ҳам шошилинч ўқиб бўлгач, соатига қаради.

— Вақт оз қолибди-ку...

II

Шифровкада, душманнинг катта колоннаси Малина дарёси томон келаётгани, эрталаб дарёдан кечиб ўтиши эҳтимоллиги айтилган эди. Колоннани кутиб олиш ва уни мажақлаб ташлаш учун оқилона ва жиддий ҳаракат қилиш зарур эди.

Равшанов, майор Гоглидзедан вазиятни сўраб билди-да, навбатчи

штурмчи батальонни ўнг қанотдаги аввалдан тайинланган позицияда ҳозир бўлишини буюрди.

— Вақт оз, тезроқ! — деди Равшанов қўл соатига қараб.

Тангрибердихўжаевнинг кўзлари мўлтиллаб, юраги пўкиллаб турарди. Равшанов унинг қайсинглисига юзланиб деди:

— Шарифахон, шифровкага жавоб юборинг. Колоннани яхшилаб меҳмон қиламиз! Тезроқ!

Шарифа кўзлари гилтиллаб, «почча»га бирор сўз деёлмай, буйруқни бажаришга жўнади.

Красухин, бун меҳмонни нима қиламиз? деган савол назари билан Равшанов Тангрибердихўжаевга узоқ тикилди.

— Комиссар, хоинни суд қилишимиз керак, — деди ниҳоят, эзгин бир овозда.

— Суд?

— Ҳа, суд қиламиз буни, комиссар! — деди-да, Равшанов адъютантни чақириб буюрди: — Зудлик билан комендантлик взводи, хозвзвод, штаб атрофидаги ҳамма қўли бўш аскар йигитлар тўплансин.

Адъютант чиқиб кетди.

— Қани, комиссар, сиз ҳам юринг, буни очиқ суд қиламиз.

Красухин ҳамон гаранг эди. Қандай суд, қанақа суд? Ҳарбий трибунал тергов ўтказгани йўқ-ку?

— Ҳарбий трибунал ҳам шу биз чиқарадиган ҳукмни қилади, бундай ашаддий хоинларнинг жазоси ҳар ерда ҳам битта бўлади... — деди Равшанов.

Адъютант югуриб кирди.

— Буйруғингиз бажарилди. Сафга комендант қўмонда беряпти, ўртоқ дивком!

— Манавини олиб чиқ, ўша ёққа! — деди Равшанов ранги оқариб ўтирган Тангрибердихўжаевга ишора қилиб.

Адъютант тўппончасини яланғочлаб «Бойқуш»га қаради.

— Олдимга туш!

Олдинма-кетин улар тайин қилинган жойга бордилар.

Тайин қилинган жойда аскарлар саф тортган, уларнинг орасида «Бойқуш ови»га борган разведкачилар ҳам бор эди. Саф бошида турган Шавкат бир оёғига таяниб, иккинчи оёғини авайлаб хиёл кўтариб турарди.

— Мана шу итвачча эди... Қуни битибди ҳаром ўлгурнинг, — деди у шерикларига шивирлаб. — Шу маразни деб оёқларимдан айрилаёздим.

«Бойқуш» сафдаги аскар йигитлар қаршисида беўхшов кўққайиб турар, қаёққа, кимга қарашини билмас, юзи шувит, қамашган кўзларини яширишга уринарди. Чунки унинг рўпарасида юртдошлари, миллатдошлари, тенгдошлари-ю, ака-ўкалари унга кўз тигини санчиб турардилар.

«Ор...

Номус...

Иснод...»

Парадга борадигандай кийиниб олган Равшанов кўринди. У шахдам одимлаб келди-да, комендантнинг рапортини тинглагач, сафда турган жангчиларга салом берди.

Авзойидан унинг қаттиқ газабда экани кўриниб турарди.

Ўнг томонда отишма бошланди. Тепаликнинг чап биқинида ҳам снарядлар портлади.

«Навбатдаги атакалардан бирими бу, ёки штурмчи батальонимизнинг йўлини тўсдиларми?»

Равшанов соатига қаради. Соатнинг мили 8.49 рақамида эди.

«Ҳужумни эрта бошлади».

Вақт зиқ бўлганидан Равшанов ҳам юртдошлар очиқ судини узоққа чўзгиси келмади ва тафсилотлар, далиллар учун имкон қолмади, вазият ҳам зудлик талаб қиларди. Равшанов деди:

— Тангрибердихўжаев ўз совет Ватанига, улуг халқига, миллатига, қолаверса, сиздай азиз, жанговар юртдошларига хиёнат қилди. Бир сўз билан айтганда тантанали қасамёдига хиёнат қилди. Бундай хоинга қандай жазо раво?

Равшанов сафда турган жанговар аскарларнинг кўзларига боқди. Уларнинг ҳаммаси уни, хоинни, ўз қўли билан отиб ташлагудай қатъий фикрда эди.

— Ўлим!— деди Шавкат.

— Ўлим!!

— Ўлим!!!

Бу бераҳм сўзни сафда турган ҳар бир жангчи овозининг борича, юракдан чиққан кучли садо билан такрорлади.

Ҳамманинг сўзи битта: хоинга ўлим!

Шу бир қатъий сўз ҳам инқилобий, ҳам ҳарбий ҳукмдай қатъий ва ўзгармас бўлиб янгради.

Равшанов учун, ҳозирги оғир шароит, душман бостириб келаётган мушкул вазиятда бундан бўлак трибунал, бундан бошқа ҳукм бўлиши ҳам мумкин эмасди.

У тўппончасини қинидан чиқарди.

— Буюк инқилоб номидан... Улуғ Совет Ватани номидан... Миллатинг номидан...

Уч бор ўқ узилди.

Хоин уч букилиб, оғзи билан ерга мукка тушди. Бўй-басти гужмайиб бир бўғча тугундай бўлди-қолди.

— Чуқурроқ кўминглар, кўзи тупроққа тўлсин,— деди Равшанов тўппончасининг сумбасини пуфлаб, газини тозалади-да, қинига солиб кўйди.

Аммо дафн қилишга улгуришмади. Душман ҳужум қилмоқда эди.

III

Отишма кучайгандан кучайди. Равшанов йўллаган навбатчи штурмчи батальон тайин қилинган позицияга етиб келиб улгурмай, душман билан тўқнашиб қолганди.

Маълум бўлишича, душман колоннаси жазо отряди бўлиб, уларнинг кўзини ўйиб турган Равшанов кучларини қириб ташлаш учун юборилганди.

Аваллаги жанглар ҳам ҳолва экан. Бу галгиси ақл бовар қилмайдиган даражада ҳам даҳшатли, ҳам қонли эди. Тепалик тутун ичида қолди. Уруш шовқини шу қадар важоҳатли эдики, на одам овозини, на қурол товушини ва на портловлар даҳшатини ажратиб бўларди.

Мудофаачиларнинг кўзларигина йилтиллаб кўринарди. Уст-бошлари, юзлари порох тутунига беланиб, лой чаплагандай бўлиб кетганди.

Равшанов мудофаанинг муҳим участкаларини айланиб, командирлар билан учрашиб, энг қийин ҳисобланмиш Маҳкамов полкига келди. Жанг тутунида ҳеч нарса кўринмасди.

Равшанов майор Маҳкамовни таниёлмади, қўли боғлиқ, оёғи оқсоқ — уни овозидангина таниб қолди.

— Найзабозлик бўляпти. Анави чуқурликда...— деди Маҳкамов.

Равшанов таажжубланди.

— Автоматга қарши найзабозлик?..

— Иложимиз қанча, ўртоқ полковник. Борига барака,— деди Маҳкамов ноиложлигини баён қилиб.

— Тўхтатмай бос, азамат,— деди унинг тадбирини маъқуллаган дивком.— Ҳозир комендант взводи ёрдамга келади.

— Штабни ким кўриқлайди?

— Кўриқчилик қизлар зиммасига тушди,— деди Равшанов.— Бир радистка, бир телефонисткадан бўлак ҳаммаси оқопда.

Комендант взводнинг командири Маҳкамовни қидириб топди-да, дивкомдан рухсат олиб, унга рапорт берди.

— Ўртоқ майор, комендант взводи сизнинг ихтиёрингизга келди. Комвзвод...

— Яхши, яхши. Неча найза?— сўради Маҳкамов.

— Тўрт киши милтиқда, етти киши — ППШ —автоматда.

Автомат номини эшитиб, Маҳкамов қувониб кетди.

— Ҳўв анави куйган танк сизга биринчи марра. Милтиқчиларни оқопда қолдириб, автоматчилар билан ўша жойга борасиз-да, фрицларни ҳайдаб чиқарасиз, биродар!

Уларни жўнатгач, Маҳкамов дивкомнинг ранги оппоқ оқараётганидан ташвишга тушди.

— Яраланибсиз, ўртоқ полковник. Яраланибсиз...

Оқопма-оқоп юрганида буртстверлар устидан учиб юрган ўқларнинг бири Равшановнинг елкасини ялаб ўтганди. Ушанда унинг елкаси жиз этди-ю, эътибор қилмаганди. Аниқроғи, эътибор қилишга вақти йўқ, бунинг устига жанг муаммолари билан таранг бўлган асаблар анча-мунча азобни тан олмасди. Бинобарин, у ўқ текканини иссиғида сезмаганди. Маҳкамовнинг назорат пунктига кириб, жанглarning боришини дурбинда кузатиб, кўнгли андак таскин топгач, ўқ теккан жой ўзини танита бошлади. Яра совигач, жижиллаш лўқ-лўқ оғриққа айланди.

— Асқаржон!

— Лаббай, ўртоқ майор! — Ҳўв анави куйган қарағайни кўряпсизми? Ҳамшира Соня билан санитарка ўша жойда. Узим юролмайман, телефон алоқаси узилган.

— Ҳамшира керак эмас,— деди Равшанов. — Асқар, сумкангдаги бинтни ол.

Равшанов гимнастеркасини ечиб, жижиллаб, лўқиллаб оғритаётган танасини яланғочлади. Бир эмас, икки ўқ терини шилиб ўтгач, ички кўйлак қонга беланганди.

— Ўртоқ дивком! Ҳарбий врачни чақирмасак бўлмайди!— деди адъютант.— Балки, кўрғошини ичида ётгандир.

— Ваҳима қилма!

Равшанов адъютантига хўмрайиб қаради. Унинг кўзига ҳамиша қувноқ, хушчақчақ Асқар ҳозир ваҳимачи нодон ўсмирдай бўлиб кўринди.

— Волидол!

Асқарнинг сумкасида волидол ҳам бор бўлиб, уни ҳеч вақт ишлатмасдилар. Асқар неча бор уни «ортиқча юк» сифатида ташлаб юбормоқчи ҳам бўлганди. Яхшиям ташлаб юбормагани, ҳозир дивкомга зарур бўлган паллада қаерга югурарди. У дарровда волидол флакончасини топиб Равшановга узатди.

— Мана волидол.

Равшанов, вой нодон-эй, дегандай унга қараб қўйди-да, флакондан ичасанми? деб қўйди.

Асқар дарҳол флягасини очиб, ичидаги чойдан қошқоқчасига қўйди-да, волидол аралаштириб, Равшановга узатди.

— Мана, ўртоқ полковник.

— Нима бу?

— Волидол.

— Ич, тўйиб ичиб олсанг, ваҳиманг босилади...

Маҳкамов ўзини босолмай, хоҳолаб кулди. Равшановнинг киноясини шундан кейингина тушунган Асқар лоҳас бўлди-да, узр сўради:

— Кечирасиз, ўртоқ полковник, ҳарҳолда ҳарбий врач кўргани яхши деб эдим-да. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, дейсиз-ку.

Равшанов ҳам кулгидан ўзини босолмади. Кулумсираб туриб деди:

— Узинг жанговар йигит бўлсанг ҳам, нодонлигинг қолмади Асқаржон. Ҳозир ҳарбий врачни ўзининг қизгин ишидан ажратиб бўладими!

Асқар ұзини ўнғайсиз ҳис қилиб яна узр сўрагандай лоҳас турарди.

— Бу ишларга ўзинг ҳам устаси парангсан-ку. Биринчи марта бинтлаётганинг йўқ-ку!— деди Равшанов.

Равшанов ярасини бинтлаб, Асқарнинг флягасидан бир симириб совуқ чой ичди-да, Маҳкамовнинг телефонистига буюрди.

— Мени Евдокимов билан улаб қўйинг, азамат.

Телефонист трубкага неча бор «Марказ!» деб қичқиргач, керакли жойни тўғрилади-да:

— Ўртоқ «ноль уч»ни ўртоқ «ноль бир» сўраптилар,— деди.

Штаб бошлиғи Евдокимов телефонда ҳозир бўлгач, Равшанов вазиятни сўради. Бирлашманинг ҳамма қисм ва бўлиналарида бирдай оғир жанглар бораётгани, дўшман катта талафот кўрса ҳам тумшуғини суқишда давом этаётганини билдирди.

— «Баланд тепа»га шошилич шифровка жўнатиб.

Евдокимов юқори штабга юбориладиган шифровка мазмунини ёзиб қолгач, трубкага эшитилар-эшитилмас оҳангда шивирлади:

— Шарифа ўз жойида йўқ...

— Нима! Нима! Шарифа йўқ! Зудлик билан топдиринг уни!

Тўсатдан юз берган бу ҳодиса — Шарифанинг постидан йўқолиши Равшановни беҳад ташвишга солди. Равшанов турли хаёлларга борди. У ҳам яраландимикин? Ёки ваҳима қилиб кетингдан қидириб юрибдимикин? Қаёққа йўқолади?.. Дўшман разведкаси ўғирлаб кетмадимикин уни?..

Бугунгидай тимқора тундаги жангларда ҳар қандай кутилмаган ҳодиса содир бўлиши мумкин эди...

Равшанов кузатув хонасининг дарчасидан жанг бораётган жойларга боқди. Аввал жарликка, кейин тепалик бўсағасига... жарликда хунрезлик борарди. Дўшман аскарлари кичик-кичик гуруҳлар билан атакага ташланар, яна тезда ер бағирларди, яна ўрнидан турарди-да, олға ташланарди.

— Маҳкамов!— деди Равшанов.

— Лаббай, ўртоқ полковник!

— Фрицлар мунча сени яхши кўриб қолишди?

— Узимам ҳайронман,— деди Маҳкамов.— Аҳмоқликданми, десам бутун Европани қўлида ушлаб туришибди,— Доноликданми, десам донолар ҳадеб бошини тошга уравермайдилар. Консерватор, деймикин, боши ёрилса ҳам тумшуғини шу ёққа тикқани-тикқан.

— Аридай ёпишяпти, баччағарлар.

— Тутдай тўкилса ҳам ёпишяпти, ҳаромилар. Епишаверсин, қачонгача ёпишаркин...

Мудофаанинг заифроқ, хавфлироқ жойи, деб фараз қилинган Маҳкамов участкаси кутилмаганда пухта қалъага айланганди. Оз куч, кам қурол билан ҳам дўшманга шунча қаршилиқ кўрсатиш ўз-ўзидан мўъжиза, ҳарбий мўъжиза эди.

— Маҳкамов!

— Лаббай, ўртоқ дивком!

— Аскарларни эҳтиёт қил. Охири кучимни сенга бердим. Ҳаммамиз қирилиб кетсак ҳам дўшманни тепаликка чиқармаймиз!

— Худди шундай, ўртоқ дивком! Дўшман ўлигимиз тепасидан ҳам ўтолмайди!

Равшанов дурбинини қинига солиб қўйди. Кўзи тиниб, жимирлашини дурбинга кўп қараганидан, деб ўйлади. Бош айланиши нимадан экан? Ярадан оққан қондан эмасми, йўғ-эй, қанча қонинг кетибди, бўлмаган гап. Эй-ха... бугун туз тотмадинг, очликдан бўлса керак...

Папирос чеккиси келди. Нега? Ўзи билмайди...

Папирос ҳам Асқарнинг сумкасида эди. Ундан битта беломорни сўраб олиб эзгилаб, эзгилаб ўтирди-да, охири тутатиб чекди. Тутун спиралга ўхшаб кўзи олдида гир айланиб тепага кўтариларди. Тутун спирали симлари баногоҳ Шарифа сиймосини кўрсатаётгандай бўлди.

— Маҳкам тур, Маҳкамов, сенинг ишингдан кўнглим тўқ бўлди,— деди Равшанов у билан хайрлашаркан.

— Хотиржам бўлинг, ўртоқ дивком, бу ялмоғизларнинг ҳамма тишини қоқиб битирмагунча тинчимаймиз!

Равшанов йўл-йўлакай бошқа полк батальонларининг позицияларига разм ташиб, айрим жойларда андак тўхталиб, командирлардан вазиятни суриштириб, уларга тегишли кўрсатмалар бериб, пешинга яқин ўз команда пунктига кириб келди.

Кела солиб суриштиргани Шарифа бўлди.

— Топилдими?— деб сўради, ҳузурига келган Евдокимовдан.

— Топилди,— деб жавоб қилди Евдокимов.

— Қаерда экан?

Евдокимов жавобга тарадудланди.

Воқеа бундай бўлган эди:

Жанглар бошланиб кетгач, Евдокимов Шарифанинг шерикларини ҳам оқоларга — танглик юз берган фавқулудда вақтларда ишғол қилишлари зарур бўлган жойга юборди-да, унинг ўзини аппаратга ўтқизиб қўйди. Барча қизларнинг ишини Шарифанинг бир ўзи бажариши керак эди. Аксига олиб, бир ўзи қолганида, айниқса, иш кўпайди. Юқори штаблардан, полклардан минут сайин вазиятни сўраб сигнал бера бошладилар. Кўпинча баъзи сўровларга ўз билгича жавоб қилиб ўргангани учун бу гал ҳам вазиятни сўраган штабларга «Жанг боряпти. Қаттиқ турибмиз!» деб ўзи жавоб қиларди.

Ниҳоят, рация жимиди. Сигналлар чийилдоғи босилди.

Вақтдан фойдаланиб, Шарифа поччасидан хабар олгани югурди. У кечикиб қолган эди... Кўзидан беихтиёр ёш оқди.

«Ўзига қолса шунчалар хор бўлай дебмиди. Бунга ҳам яшамагур золим Гитлер сабабчи. Гитлер уруш бошламаса, почча шу ёқларга келиб, шу кунларга тушармиди... Шунча одам юрибдику. Шунча ўлик кўмдик. Иззат-хурмати билан кўмдик... қилди-қилди, ўзига ўзи қилди...»

У, атрофга қараб яқин ўртада қимирлаган жон кўрмади. Ҳамма жангда, оқолларда...

Шарифа сал нарида, бомба ўйган чуқурликни кўриб қолди.

«Тайёргина гўр... гўрини ҳам Гитлер қазиб кетибди» дедида, ташландиқ, сопи синиқ белкуракни топиб келиб, бомба ўйган чуқурликни яна пича ковлаб гўр қилди.

Гўё душман унинг овозини эшитиб қолгандай, қилаётган ишини ҳам кўриб тургандай — ундан сал нарига мина ташлади. Мина парчалари Шарифанинг атрофидан визиллаб ўтди. Яхшиямки, у ўз вақтида чуқурга ётиб олганди. Йўқса ўзи ковлаган гўрга ўзи кўмилармиди... Бу мудҳиш фикрдан унинг юраги орқага тортиб кетди...

Мурдани кўмишга кўмиб қўйди-ю, маросим бўйича ундан кейин нима қилишини билмади.

«Ўликлар эшитади. Ер еткази...» Улганлар ҳақида фақат яхши гап айтадилар...» деган, ривоятларни эшитганди у. Аммо хоин сифатида отилган киши ҳақида қандай яхши гап бўлиши мумкин?

Отишмалар давом этарди.

Ёлғиз қолган рация ёдига тушиб, Шарифанинг дили тирналди.

«Худо урди мани. Рациялар бўкиришиб ётгандир».

Шарифа қушдек учиб, иш жойига етиб келди, Катта-кичик рациялар бири-бирига тахлит қилгандай, бири қўйиб, иккинчиси чийилларди.

— Девлар!..Девлар!.. Девлар!! Мен Арслон... мен Арслон... мен Арслон... Қабул!

— Бургут! Бургут! Бургут! Мен Лочин... мен Лочин... қабул.

Шарифа чийиллаётган рацияларни қучоқлаб, тўлган ўпкасини бўшатиб, ҳаммасига жавоб беришга тушди:

— Девлар... Девлар!

— Мен Бургут... Қабул! Қабул! Қабул!..

Ҳозиргина бўлиб ўтган иш Шарифанинг кўз олдидан сира нари кетмасди. Қулоқлари эфирда, қўллари аппарат тугмачаларида бўлгани билан, хаёли бадбахт поччанинг беўхшов тақдири хархашалари билан банд эди. Унинг аблаҳлигидан ғазабланар, гоҳ шу кунларга тушиб қолганидан ачинарди. Шунча одам, ҳатто Равшановдай олижаноб инсон унга раҳм-шафқат қилмади. Демакки, унинг қисмати шу... Хоинлиқнинг оқибати шу... Бу кўйда ўлгандан ўша Гитлернинг дўзахида жизғанақ бўлгани минг карра яхши эмасмиди?!.

Рациялар жойлашган ертўлада тўсатдан Равшанов пайдо бўлди.

— Қаёқда эдингиз, Шарифахон?

Шарифа йиғлаб юборди.

— Кутмаган эдим. Мутлақо! Одамни билиб бўлмас экан. Қандай одамохун бўлиб юрарди...

Равшанов тушундики, Шарифахон хунук воқеадан қисинмоқда эди.

— Жами ялтиллаган нарса олтин эмас-да! — Синовда сири кўчди. Кўряпсиз-ку, Шарифахон: қандай даҳшатли синов кетаяпти. Жами борлиқ синовдан ўтяпти. Бу синовда сараги саракка, пучаги пучакка чиқаяпти. Тангрибердихўжаев учун ачинмасангиз ҳам бўлади. Ундай пучаклар учун ачиниш ҳам гуноҳ!

— Болаларга ачиняпман. Болалари тавқилаънат остида қолди. «Хоиннинг болалари» тамғаси осилади уларга. Ушаларга раҳмим келяпти... Ушандай яхши болалар...

Равшанов унга меҳрибон боқиб, деди:

— Отасини болалари хоин қилгани йўқдир?

— Суриштириб ўтирмас эканлар-да. Бир вақтлар бойларнинг болаларини мактабга ҳам яқин келтирмас эдик.

— Ҳаёт янглишишдан холи эмас.

Шарифа баногоҳ Равшановнинг юзидан аллақандай нотинчлик сизди. Йўқ, нотинчлик эмас, нохушлик аломатига ўхшарди. Адашди, нохушлик ҳам эмас, хасталик! Ҳа, худди хасталик...

— Ярадор бўлмадингизми, Темур ака? Юзингиздан кўриб турибман. Қаерингиз?..

Равшанов ўзини дадил тутишга уринди. Ярадорлик ҳақидаги гапни бас қилиш учун:

— Қани хўжаликлардан хабар олайлик-чи, — деди унга меҳрибон боқиб.

Шарифа Равшановни бир бошдан қисмларнинг командирлари билан улаб турди. Равшанов трубкада уларга қисқа-қисқа савол берар, жавоблардан қониққач, иккинчисини улатарди.

— Нима гап?..

— Вазият қандай?..

— Резерв? Ўз имкониятингдан бошқа мурувват кутма!

Равшановнинг овози ўзгариб, хасталигини ошкор қилиб турарди.

— Сиз ярадорсиз, Темур ака. Нега мендан яширасиз?

Равшанов Шарифани ўз дардига ҳамроҳ қилгиси йўқ эди. Уни иш билан банд қилиб, саволию ташвишини унутишини истарди.

— Қисмларда вазият қандай сўраб кўринг-чи...

Шарифа дивкомнинг буйруғини бажаришга мажбур, Равшановнинг гапини иккита қилишга ҳаққи йўқ эди. Ҳозир ҳам, унинг дардига малҳам бўлгиси келиб турган ўта зарурат олдида ҳам у командирнинг гапини қайтаролмади. Шарифа қисмлар билан бир-бир гаплашиб бўлгач, Равшановга доклад қилди.

— Вазиятда ўзгариш йўқ. Чап қанотда қаттиқ жанг борапти.

Шарифага Равшановнинг кўзи киртайиб қолгандай бўлиб кўринди. «Озиб кетди бечора... Кўзлари киртайиб қолди... Ранг кўр, ҳол сўр...» Шарифанинг кўзи олдида унинг ранги тобора оқариб кетаётгандай эди.

— Овқат емадингиз шекилли, Темур ака, рангингиздан кўриб турибман...

— Ҳечқиси йўқ...

Шарифа сумкасини титкилаб, ичидан бир плитка шоколад топиб, Темур акасига узатди.

— Мана буни еб олинг. Манг! Ушланг буни!

— Раҳмат!

Равшанов қизни ранжитмаслик учун шоколадни қўлига олдида, шартга иккига бўлиб, ярмини ўзига узатди.

— Баҳам кўрамиз.

— Темур ака! Йўқ, деманг. Ҳарбий врачни чақирай!

— Керак эмас.

Имкон бўлса, Равшанов бу меҳрибон қизнинг олдида соатлаб ўтиради, аммо ҳозирги вазият бунга заррача йўл бермасди. У адоқачилар ертўласини тарк этаётган чоқда, кеча айтиб улгуролмаган омонат гап ёдига тушди-да, Шарифа унга илтижо қилди:

— Бир дақиқа вақтингизни олсам майлими?

— Атиги бир дақиқа бўлса марҳамат.

— Омонат гап. Муҳим гап,— деди Шарифа ерга қараб туриб.

— Хўш?

— Шавкат айтиб эди. Сиз айтинг деб эди. Летунов тўғрисида...

— Хўш?!

— Летунов қовлаштиряпти эмиш. Ҳаммадан шубҳада эмиш. Сиздан ҳам!..

Равшанов кулумсираб, деди:

— Вазифаси шунақа. Шубҳадан топади... Муҳим гапингиз шу холосми?

— Кичик гап эмас-да. Назаримда сизга сиёсий айб юкламоқчи...

— Бе!— деди Равшанов қўл силтаб.— Ҳозир шунақа гаплар билан шуғулланадиган вақтми!

У, чиқиб кетгач, қиз хаёл гирдобиди қолди. «Бепарво бўлиши яхши эмас! Бу Тангрибердихўжаев ишини чаппасига айлантирсалар пашшадан фил ясашлари турган гап. Пашша эмас — фил!»

Шарифага бепарво бўлиб кўрингани билан Равшанов у айтгандай ўз тақдирига бефарқ, бепарво эмасди. Айниқса, Равшановдай бир марта оғзи куйган одам бундай шубҳали шарпаларга лоқайд қараб туришни доноликдан деб билмасди, уни мардликка ҳам, жасоратга ҳам қўшмасди. Унинг олдини олиб, тадбир-чора кўриб қўйиши шарт бўлиб қолди. Аммо бирор ҳаракат қилишдан уни ёлғиз андиша тўхтатиб қўйди.

«Сенга ҳеч расмий гап айтгани йўқ-ку. Шарифанинг гапи билан кўрққан олдин мушт кўтаргандай бемаҳал қичқириб қўйма, тагин. Ўзидан шубҳаси бордирки, пайтавасига қурт тушиб қолди, дейишлари турган гап. Бу индамас Летуновни қўлидан ҳар нарса келади.

Ана шундай мулоҳазалар билан Равшанов ўзини босди. Бу ҳақда комиссар Красухинга ҳам, Летуновга ҳам оғиз очмади. Бу шубҳали гапларни топиб келган Шавкатга ҳеч нарса демади ва бирор нарса дейишни ўзига эп кўрмади. Итоатдаги одамдан, нима гап топиб келувдинг, деб суриштириш одобдан эмас, деб билди. Қолаверса, ҳозир бу иш билан шуғулланишга вақти қани?!

Аммо Шарифанинг фикри тинчимади. Ҳар томонлама ўйлади. Равшановни нима қила олардилар? У қандай баҳодир, паҳлавон командир! Ахир у тўғри иш қилди-ку! Билсалар у одамийлик бурчини бажарди-ку! Кўнглида қиёмат қарз бўлиб турган қарзини узди ва шу билан бирга хойинни гуноҳига иқроп қилиб қўйиб, саззойи қилиб жазолади.

— Шарифа!— деди нотаниш қиз овози.

— Лаббай!

— Тапчанни бўшат!

— Вой ўлмасам, Маша ярадор бўлдими?!

Унинг шериги радист Машани замбилда кўтариб кирдилар. Санитар йўл-йўлакай изоҳлади:

— Санротада жой қолмабди.

— Маша! Сенга нима бўлди, Маша! — деди Шарифа унга ёпишиб.

— Ҳечқиси йўқ... Ишлай оламан... Елғиз қолдинг сен ҳам...

Маша яхши радист эди. Нима қилсин, аскарнинг бурчи. Кўпчилик қатори хозвзвод, комендантлик взводи одамлари қаторида окопда эди. Урушда ўқ одам танламайди, одамни жинсларга ҳам айирмайди, ҳеч ким, ҳеч нарсани айирмайди. Мина парчаси Машани окопнинг тубидан ҳам топди.

Шарифа дугонасини авайлаб ётқизди. «Маша! Нима ейсан! Маша! Нима ичсан? Маша! Қаеринг оғрияпти? Нима қилай? Нималар қилсам жонинг ором топади? Маша!..»

Маша фақат битта сўзни биларди ва шу битта сўзни такрорларди:

— Сув!.. Сув!.. Сув!..

Унинг аҳволини яхши тушунгани учун Шарифа ҳам фақат бир сўзни такрорларди:

— Ҳозир!.. Ҳозир!!

Афсуски, ертўлада бир томчи ҳам сув йўқ эди. Ҳамма флягаларни битта қўймай окопларга олиб кетгандилар. Ариқ суви ичиш таъқиқланганди. Негаки, ариқнинг бошида негиллар турибди: ҳойнаҳой сувни захарлаган, буллаган...

Шарифа ташқарига югурди, рўпара келган жангчининг флягасини олди-да, изига қайтди.

Машанинг овози ҳам заифлашиб, беҳол, бедармон бўлиб қолганди.

— Су... у... в...

— Жонгинам! Машагинам!.. Мана сув!..

Шарифа Машанинг писта пўчоғидай қовжираб турган лабларига уч томчигина сув томиза олди. Маша уни ютишга улгуриб-улгурмай кўзини катта очди-ю, аста юмди. Унинг олтин ранг киприклари секин-секин миждасига ёпишди...

Шарифа дугонасини маҳкам қучоқлади.

V

«Ҳеч кимнинг ўлгиси йўқ, аммо тепалик қабрга тўляпти. Ҳеч кимнинг бу ердан кетгиси йўқ, ярадорлар ҳам, ўликлар ҳам жанг қиляптилар».

Равшанов хайрли сафарга жўнаш олдидан Красухин билан узоқ суҳбатда бўлди. Улар тилга олмаган ҳеч нарса қолмади, шу жумладан, Тангрибердихўжаев воқеаси ҳам.

Тангрибердихўжаев масаласига келганда Красухиннинг ўз шахсий фикри бўлиб, Летуновнинг даъволаридан анча ўзгача эди. Летунов дивком Равшановнинг зиммасига янги-янги гуноҳ юклаганди.

«Нима учун Равшанов хоинни ўз қўли билан отиб ташлади? Узининг сири очилишдан қўрққани учун эмасми?!»

Красухин, албатта, бундай шубҳадан анча нарида эди ва Летуновга бу ҳақдаги ўз мулоҳазаларини баён қилганди.

«Коммунист Равшанов инсоний бурчини бажарди. Ўзбекларнинг шунақа одати бор: Бир марта туз ичган жойга минг марта салом берадилар. Равшанов ундан нон-туз қарздор экан...»

Летуновнинг ўз рисоласи, ўз ўлчови бор бўлиб, ана шу рисолада бўлмаган ҳар бир нарса, газига тўғри келмаган ҳар бир воқеа унга қолиб-бузарлик бўлиб кўринарди.

Красухин қўлидан келган ҳамма чора билан уриниб кўрди, аммо Летуновнинг юқори органларга юборган шифровкасини тўхтатиб қололмади. У «кемага тушганнинг жони бир, биргалашиб жавоб берамиз» деган фикрда эди.

Қоронғи тунда тепаликка «бодроқчи» келиб қўнди. Чойшаб ёзиб

уни пойлаб турган навбатчилар дивком ҳузурига нотаниш полковникни бошлаб келдилар.

Полковник Бобров, бу ёққа «Равшановнинг иши» юзасидан келганини билдирди.

Дивком билан комиссар бир-бировларига ҳайрон қараб қўйдилар...

— Билишимча, шу самолётда учмоқчи экансиз, полковник Равшанов, шундайми?— деди полковник Бобров.

— Шундай!— жавоб қилди Равшанов.

— Яхши ўйламабсиз,— деди Бобров.

— Менинг ўрнимга комиссар боради бўлмаса,— деди Равшанов ўз гапига аниқлик киритиб.

— Шундай вазиятда-я?! Комиссарга ҳам маслаҳат бермасдим...— деди Бобров зимдан унга кўз қири ташлаб.

Вазият тақозоси билан Красухин ҳам самолётга минмади.

— Командага сен бошлиқсан,— деди Красухин Шавкатни ҳузурига чақириб.— Вазият ўзгарди. Сизларни тегишли одамлар кутиб оладилар.

Бобров салобатли, босиқ одам бўлиб, камгап эди. Кўп тинглаб, оз сўзлайдиган одати бор эди унинг. У ҳамма гапни бутун вужуди билан тинглар, ҳар бир сўзга, ҳатто имо-ишорага диққат-эътибор берарди. У одамнинг юзи, кўзига қараб гўё ичидаги фикрини, айтмоқчи бўлган гапини аввалдан билиб олаётгандай разм ташлаб жим турарди.

У дастлаб Равшановга юзланди:

— Аввал мени вазият билан ошно қилсангиз, ўртоқ полковник.

Равшанов планшетини унинг олдига очиб қўйди. Плацдарм мудофааси чизмасидаги кўк, қизил қаламларда белгиланган аралаш-қуралаш чизиқлар, рақамлар, турли-туман топографик белгилар жимжима кашта бўлиб кетганди. Кўк, қизил, қора найзалар, стрелкаларнинг нишлари ҳарёққа санчилиб турарди.

Равшанов изоҳлади:

— Юқоридагиси — эрталабки ҳолат, пастдагиси кеч соат йигирма-ю, ноль-ноль вазияти...

— КПга яқинлашиб қолибди-ку,— деди Бобров, ташвишли оҳангда.

— Бир взводи яқинлашиб қолганди,— деди Равшанов босиқ овозда.— Бошқарма аппарати суриб чиқарди. Мана бу қизил линия энг кейинги ҳолат. Вазиятни тўғрилаб олдик.

Бобров бир оз жимиб тургач, бу ерга келишининг асосий мақсадига кўчди.

— Ўртоқ полковник!— деди у Равшановга мурожаат қилиб.— Тангрибердихўжаев масаласига оид ҳамма воқеани ўз оғзингиздан эшитмоқчиман.

— Летуновнинг хабари чала эканми?

— Летунов ўз билганини ёзган. Мен сизнинг оғзингиздан эшитиб билмоқчиман.

Равшанов қисқа, лўнда қилиб, бўлган воқеани айтиб бердида, унинг кўзларига разм ташлади. Унинг кўзлари ҳеч нарсани, гапларга муносабати-ю, ишончи ёки шубҳасини мутлақо билинтирмас, бир хилда исёнсиз, ҳаракатсиз эди. Унинг юзида ҳам ҳеч қандай ўзгариш сезилмасди. Бунинг устига у, тергов қилгани келган полковник Бобров, бир сўзни ҳам қаламга олмасди.

«Қандай терговчи-ю, нима деган сўроқ бўлди? Нега ҳеч нарсани ёзиб олмаяпти, бу полковник?»

Бобров унинг гапини гўё ҳикоя эшитгандай мириқиб тинглади.

— Учта саволим бор,— деди у ниҳоят Равшановга табассум билан.

— Марҳамат.

— 1938 йилда қамоқда ётган экансиз...

— Оқланиб чиққанман. Қўйилган айблар бекор бўлди. Тухматчилар жазо олди.

— Яхши. Иккинчи савол: Тангрибердихўжаев сизнинг шу ерда

эканингизни қаёқдан билди-ю, нима учун тўппа-тўғри дивизиянги рўпарасига келиб, фашистлар ташвиқотини бошлади?

— Тасодиф!— деди Равшанов босиқ овоз, қатъий оҳангда.

Бобров комиссар Красухинга юз ўгириб сўради:

— Тасодиф деган илмий ҳақиқат борми, йўқми?

— Тасодиф бўлиши мумкин, аммо унинг юз бериши сабабсиз бўлмайди!

— Ҳақ гап! Сабабсиз тасодиф юз бермайди. Мен ана шу сиз айтган тасодифнинг сабабини билгим келади,— деди-да, Равшановга боқди.

— Сабаби йўқ,— деди Равшанов. Аммо тасодифан юз бергани аниқ.

— Уни чўмилтириб, кийинтирибсиз. Ҳатто авлиёдай зиёфат қилибсиз. Тўғрими!

— Тўғри.

— Нима учун?

— У менга яхшилик қилган эди. Уша қарзни узишим шарт эди.

Бобров унинг юзига тикилиб туриб сўради:

— Сизга яхшилик қилган одамни нега отиб ташладингиз, бўлмасам?

— Гуноҳи бир вақтлар менга қилган яхшилигидан қаттиқ ва кечирилмайдиган даражада эди.

Полковник Бобров зимдан Красухинга кўз қирини ташлади. Красухин бу хил савол-жавобларга бефарқ эмасдай, ичдан Равшановнинг тарафида тургандай, унинг жавобини маъқуллаётгандай эди. Бобров тажрибали эмасми, Красухиннинг гўё уларнинг бирлашмасида ҳеч қандай фавқулодда ҳодиса юз бермагандай ўтиришидан сездик, дивизия комиссари — партиянинг шу жойдаги бирдан-бир вакили дивком Равшановнинг хатти-ҳаракатини қоралагиси йўқдай эди.

Бобров Равшанов билан суҳбатини давом эттирди. У полковник Равшанов биографиясининг хира ва равшан томонларини яхши биларди. Бу ерга учиб келишдан аввал армия штабида Равшановнинг «дело»сини синчиклаб ўқиб олганди. Унинг хизмат таржимаи ҳолидаги хира жойига эътибор қилди. Ҳамма унга яхши характеристикада «Меҳнаткаш, соддадил, сиёсий жиҳатдан синовдан ўтган» каби иборалар ёзилганди. Хизмат таржимаи ҳолининг равшан томони — унинг жанговарлигида эди. Айниқса, душман билан илқ тўқнашув жанглари, Ельна атрофидаги моҳирона қарши ҳужумлари юксак баҳоланган, ҳатто буйруқларда алоҳида ардоқлаб ўтилганди. Қолаверса, дарё ёқасидаги бир тишлам жойда филдай олишгаётгани неча бор «Қизил аскар» газетасида чоп этилди, ҳатто портрети босилиб чиқди.

«Ҳар ишда камчилик бўлади, лекин гап унинг моҳиятида,— деб ўйлади Бобров.— Равшанов йўл қўйган хато моҳият эътибори билан кечирадиган гуноҳ эмас».

— Ўз гуноҳингизни қандай баҳолайсиз, ўртоқ полковник?— сўради Бобров.

— Гуноҳ? Қандай гуноҳ? Ҳеч қандай гуноҳим йўқ! Мен одамзод олдидаги гуноҳкорларга қарши курашяпман. Шуни гуноҳ десалар, деяверишин.

Бобров яна Красухинга разм солди. У ҳамон боягидай ўз фикрида қатъий тургандай салобат тўкиб ўтирарди. Бобров яна Равшановга мурожаат қилди. Бу гал янада эҳтиёткор оҳангда илтимос қилди:

— Ўртоқ Равшанов, шу гапларингизни қоғозга тушириб берсангиз. Тартибот шунақа...

— Қачонга?

— Иложи борича тезроқ. Эртага тунги «бодроқчи»да олиб кетаман.

— Яхши. Эрталабгача тайёр бўлади.

— Қолган ишни комиссар билан давом эттирамиз,— деди Бобров. Кейин комиссарга боқди,— сизнинг ёрдамингиз керак.

— Келганингиздан Летунов хабардорми?— Комиссар сўради.

— Уйлайманки, хабардор. Гувоҳлар билан ўшанинг ертўласида гаплашамиз.

— Жуда соз,— деди Равшанов.— Сизга керак одамларни комиссар чақиртириб берадилар.

Бобров ертўладан чиқиб кетаётиб, эшик олдида тўхталиб қолди.

— Шифровкачи Шарифа Мадалиеванинг ўринбосари борми?

— Нимади?— Равшанов сўради.

— Ҳар эҳтимолга қарши унга ўринбосар топиб қўйилса яхши бўларди.

— Унинг гуноҳи нима экан?— Равшанов анигини билмоққа уринди, аммо Бобров, нима деярини билмай ўйланиб турди-да, қўл силтаб қўйди.

— Ҳа, майли, эрталабгача хайр.

Равшановнинг хаёли қочди.

«Вечора Шарифахонда нима гуноҳ?...»

VI

Осмондан қор ишқори билан бирга гўё заҳар томарди. Бунинг устига қаттиқ изғирин. Муздек ҳаво оғиз-бурунга безбетларча суқилиб кирарди. Қор аралаш изғиринга Красухин одатланиб қолган эди. Бобров бунга кўниқолмади. Унинг штаби иссиқ автобусларда юрар, жиҳози тайёр уйларда иш кўрарди. Шунинг учун плацдарм изғирини унинг юзини ачитиб ялар, оғиз, бурнини шилиб кетаётгандай эди.

Легуновнинг ертўласи тепаликнинг орқасида, ҳар жиҳатдан панароқ ерда бўлиб, унга дўнглик орқали борадиган хандақлар билан юриш керак эди. Хандақларнинг қатнов йўли қор аралаш тупроқда ҳамирдай қоришиб кетганди. Бунинг устига брустверлардан тўкилган қотмалар, тўп ўқларининг парчалари, бўшатишган гилзалар гўё хандақ тубига шағал тўкиб қўйилгандай оёқларга ботарди. Бундай шароитда юриш Бобров учун оғир эди. У ҳар одимини ўйлаб босарди.

Бобров пўстинининг чўнтагидан қўш батареяли қўл фонарини олиб, ёқди-да, хандақ тубини ёритмоқчи, йўлини осон қилмоқчи бўлди.

— Еқмасангиз бўларди, ўртоқ полковник,— деди Красухин шивирлаб.

— Сизга таниш, менга зим-зиё бу йўллар...— деб изоҳлади у.

— Чироқни ўчириш!— деди Красухин унинг қулоғига.

У Красухинга қайрилиб қарар-қарамас «чув-чув» лаб ўтиб, икки ўқ уларнинг бошидан сал нарида брустверга тик-тик санчилди.

— Снайперлар киприк юммай пойлаб турибди,— деди Красухин.

Бобров чироқни ўчириб қўйди.

Улар энгашиб юришга мажбур эдилар. Бир оз юрганларидан кейин хандақ йўлининг муюлишида тўсатдан потирлаб уч бор милтиқ ўқи узилди.

— Хавотир бўлманг, ўртоқ полковник. Қизларимиз салют беряптилар.

Бобров дафъатан бунинг маъносини тушуниб етмади.

— Қанақа салют?

— Мотам салюти. Қизлар жанговар дугоналарини дафн қиляптилар.

— Нега ярим кечада? Нега қизлар? Уликларни кўмадиган команда йўқми, сизларда?

— Бор эди. Адо бўлди. Бошқасини тузмадик. Одам йўқ,— деди Красухин.

Бобров жим бўлди.

Улар бир оз юрганларидан кейин хандақ ичида дупур-дупур майда қадам оёқ товуши эшитилди, ҳаял ўтмай, қиз боланинг жарангдор овози янгради:

— Тўхта! Ким келяпти?

— Ўзимиз,— деди Красухин.

- Пропуск!
- «Ё ҳаёт, ё ўлим!» — деди Красухин.
- Пароль!
- «Ўлим ёвга!..»

Красухин паролни ҳам тўғри айтгач, қизлар яқин келдиларда, хандақнинг кенгроқ жойида комиссарга йўл бўшатиб турдилар. Улар уч киши эди. Олдинда Шарифа ғоз бўлиб турарди.

— Уртоқ комиссар! Қизил аскар Маша Видоркинани барча ҳарбий анъана қоидаси билан биродарлик қабристонига дафн қилдик. Доклад қилувчи старшина Мадалиева.

Красухин унинг рапортини эътибор билан тинглади-да, қўлини бошига олиб:

- Вольно! — деб қўйди.
- Ишимизга кетаверсак майлими, ўртоқ комиссар! — Шарифа ижозат сўради.
- Рухсат! — деди Красухин.

Қизлар уларнинг олдидан бирин-кетин тез-тез, майда одимлаб, хандақ деворига хиёл суйкалиб ўтиб кетдилар.

- Доклад қилган қиз ўша шифровкачими?
- Ҳа, ўша.
- Тангрибердихўжаевни ҳам шу қиз дафн қилганмиди?
- Ҳа.
- Шифровкачи-я?
- Ҳамма жангда эди-да. Фавқулодда ҳолат...
- Қариндоши бўлгани учун шундай қилдими?
- Бир томони шундай, деса бўлади.
- Унга ҳам қуролидан залл бергандир?

Бобров қизларни тўхтатиб, Шарифа билан суҳбатлашмоқчи ҳам бўлди. Аммо душман миномётлари бунга имкон бермади. Боя қизларнинг Маша Видоркина билан жанговар хайрлашув салюти жойини қорага олиб қўйган эканми, душман миномёт батареяси ўша мўлжалга қарата бир залл мина ёғдирди.

— Бу ердан тезроқ кетайлик, — деди Красухин. — Қўшнимизнинг феъли шунақа — бирор жойни қорага олдимиз, кўнгли тўлмагунча жим бўлмайди.

Улар хандақ йўлакларда тезлаб, металл парчалари шағалини гарчиллатиб депсиб, Летуновнинг ерости маҳкамасига етиб келдилар.

Капитан Летунов ертўла эшигини ичдан тамбалаб қотиб ухламоқда эди. Эшик тарақлайвергандан сўнг уйғониб, кўзларини ишқалаб, уйқусини нари қилди-да, тамбани очди. Қаршисида икки полковникни кўриб шошиб қолди.

— Уртоқ полковник?!..

— Тепангизга бутун бошлиқ десант тушди, — деди Бобров ҳазил оҳангида.

Летунов уйқусирабми, аланглаб сўради:

— А? Қанақа десант?

— Мана, десант, — деди Бобров ўзини кўрсатиб. — Битта одам бўлса ҳам десант-да! Биз эса бир эмас, иккитамиз!

— Кечирасиз, ўртоқ полковник, уч-тўрт кун ухламагандим. Кўзим кетиб қолибди.

Летунов тапчанини апил-тапил йиғиштириб қўйди-да, меҳмонларни таклиф қилди.

— Қани, марҳамат, ўтиринглар.

— Хонангиз иссиқ экан, — деди Бобров совиган қўлларини ишқаб.

Летунов руҳдан ясалган аскар қозончасига сув тўлатиб печкага қўйган экан, суви варақлаб қайнади. Бобров қайнаётган сувдан кўз узолмасди. Летунов бундан англадики, меҳмон чойга ташна.

— Ҳозир аччиқ чой қиламан, қайноққина ичиб олсаларингиз исиб кетасизлар.

Бобров андак исиди шекилли, ёки чой дарагини эшитибми,

устидаги пўстинини ечди. Пўстини оқ қўй терисидан ағдарма қилиб тикилиб, чарми жигаррангга бўялганди, ёқаси сур қоракўл теридан қалин барли қоплама эди.

Летунов чаққонлик билан унинг пўстинини қўлидан олди-да, сейфи ёнидаги михга илиб қўйди.

Икки стакан чой ичиб, бир парча шоколадни майдалаб битиргач, сурқоракўл папоғини ҳам ечиб, Летуновнинг қўлига берди.

Красухиннинг назарида Бобров энди ўзини эркин ҳис қиларди.

Ўзлари бемалол, бафуржа гаплашиб олишсин, деди шекилли, Красухин уларни холи қолдирмоқчи бўлиб, ўрнидан турди.

— Мен ўз кулбамда бўламан. Қўл қўйиладиган ҳужжатлар кўпайиб қолганди.

У, хайрлашиб, ташқарига чиқаётганида, Бобров Красухинга луқма ташлади:

— Бояги қиз билан гаплашишга тўғри келади...

— Шарифа биланми?

— Ҳа.

— Айттирворайми?

— Ўзим чақираман, Летунов топади.

Қайноқ чойдан танаси яйраган Бобров роҳат билан бутун бир қозонча чойни тугатди.

— Чой ичмасам турулмайман. Бошқармада ҳам катта самовар буғ чиқариб туради. Чой дамлашни ҳеч кимга ишонмайман, ҳамиша ўзим дамлайман. Сиз ҳам яхши дамлар экансиз.

— Чойни аямайман-да. Қанча курук чой кўп солинса, шунча хушбўй бўлади. Ҳиди гуп этиб димоғимга урмаса чой ичгандай бўлмайман. Аммо яхши чой йўқ. Анов кунлари хазонни ҳам чой қилиб дамладим. Нима қиласиз, кўникар экансиз.

— Хабар қилсангиз, пича чой топиб жўнатиб юборардим.

— Ўша кунлари Равшанов ҳам хумор бўлиб, маст кишидай юрди. Унинг иши қийинроқ. У, фақат кўкчой ичади. Кўкчой қаёқда? Тошкентдан посилка келиб туради. Дала почтаси ишламай қолган кезларда қора чойга ҳам зор бўлди. Ҳозир бир яшик кўк чойи бор. «Энзе» эмиш. Адъютанти ҳеч кимни яқинлаштирмайди!

— Бино бўлиб кўк чойни татиб кўрмаганман.

— Сизга чой тутмадиларми?

— Йўқ.

— Одатда ким кўринса аввал чой тутадилар. Равшанов жуда меҳмондўст одам.

— Учрашувимиз ўзгача бўлди-да.

— Демак, сизни Тангрибердихўжаевчалик ҳам кутмабди-да.

— Чой тутмаганидан хафа эмасман. Расмий одамни расмий қабул қилиши табиий. Хўш, ишга кўчайлик.

Летунов сейфдан қалин бир папка олиб, столга қўйди.

Бобров папкани аввал varaқлади. Унда ҳамма гувоҳларнинг сўроқлари баёни бор эди. Vарақлаб чиққач, танлаб-танлаб ўқишга тушди. Сўроқ протоколларининг ичидан учтасини ажратиб олди. Майор Маҳкамов, старшина Шарифа Мадалиева, помкомвзвод Шавкат...

Кейин у биринчи бўлиб Маҳкамовни кўргиси келди. «У буёққа келолмайди» деди Летунов. «Нега?» «Негаки юролмайди. Ярадор». «Ундай бўлса ўзимиз бораёлик». «Мумкин эмас, унинг турган жойи душман назоратида. Ҳар бир қарич ерни ўққа тутиб турадилар».

Бобров унинг берган гувоҳликларини қайта ўқиб чиқди-да, ундан бировни қоралаш ёки оқлашга асос бўладиган ҳеч қандай илмоқ тополмади. Маҳкамов ўз қаршисида дам-бадам пайдо бўлган «Бой-куш»нинг лаънати овозини эшитган одамларнинг гапини баён қилганди. Равшанов ҳақида оғзидан бол томиб гапирганди. «Ўз командирини ёмонлармиди, яхши, дейди-да».

Шарифа Мадалиева ҳақида ҳам умумий гап айтганди. «Хабарим

йўқ», «кўрганим йўқ», «эшитмаганман» деган иборалар қаторида қуйидагича ёзувлар ҳам бор эди: «Шарифада ҳеч қандай айб йўқ. Қариндошининг ўлигини кўмиш гуноҳми! Бу иши учун унга раҳмат айтиш керак. Қизбола бўла туриб, бутун бир гўрковлар командасининг ишини қилибди».

Бобров Летуновга буюрди:

— Ўша қизни чақиринг!

Шарифа ертўлага салом бериб кирди. Кўпдан ухламай, тиниб-тинчимамай бесаранжом кунлар ўтказган Шарифа анча толиққан бўлса-да, ўзини дадил тутишга уринарди. Унинг силлик юзининг чуқур-чуқурларида ҳақиқдек тиниқ нақш юзага тешиб турарди. Кўзлари қоп-қора, киприклари узун, қоши камон, сочи тимқора эди. Киноларда, рассомларнинг миниатюраларида кўргани — шарқ қизларининг ўзгинаси эди.

Бобров уни рўпарасига, табуреткага ўтқазиб, мулойим оҳангда деди:

— Сиздан иккита гап сўрайман.

— Марҳамат.

— «Бойқуш» — Тангрибердихўжаев қариндошингиз экан, Равшановга ҳам яқин одам экан. Шу унсурнинг дивизиянгиз қаршисига келиб қолиши тасодифми, йўқми? Бу биттаси. Иккинчи саволим: немис рациялари сизнинг рациянгиз орқали Равшанов билан алоқа боғлашга уриндими, уринса, Равшанов қандай муносабат билдирди?

Биринчи саволга у «ҳа», турган битгани тасодиф» деб жавоб қилди. Иккинчи саволга эса, «ҳеч қандай алоқа бўлгани йўқ!» деб қўя қолди.

Бобров бошқа нарса сўрамай унга жавоб бериб юбормоқчи эди, Летунов тўхтатди.

— Ўртоқ полковник! Бу қиз кўп нарсадан хабардор. Мен ҳам ундан битта савол сўрасам майлими?

— Сўранг.

— Нега яширяпсиз, шартта айтавермайсизми!

— Нимани?

— Нимани бўларди. Равшанов билан Тангрибердихўжаев, яъни почтангиз аввалдан тил бириктириб қўйгани ҳақидаги гапларнида.

— Нима! Нима! — Шарифа тикка туриб олди. — Нималар деяпсиз?!

— Ахир, аввалдан тил бириктиришмасалар қаердан топиша қолишарди.

— Тасодиф дедим-ку!

— Сабабсиз тасодиф бўлармиди. Сабаби бордирки, тасодиф юз берган. Юз берган эмас, уюштирилган.

— Бекор гап! Сиз Равшановнинг юзига қора суркамочқисиз! — деди Шарифа қатъий қилиб.

— Сизнингча, Равшанов оппоқми?

— Ҳа! Виждони пок! Ғирром одам бўлганда шунчалар баҳодирона курашармиди. Қони оқиб ётса ҳам курашяпти-ку!

Бобровнинг назарида бу қиз Равшанов учун жон фидо қилишга ҳам тайёр эди. У чарчоқларини ҳам унутиб, бутун вужуди билан Равшанов ҳимоясига берилгандай эди.

Шу брисдан Бобров Шарифа билан бўлаётган суҳбатини бас қилмоқчи бўлди.

— Летунов! Старшина Мадалиева дивком фаолиятини қаёқдан билсин. Айниқса, унинг ичидаги гапларни... Ахир бу қиз унинг ичига кириб чиққани йўқдир.

— Ҳамиша ичида юради, — деди Летунов. — Мана ўзи айтсин. Яримта майизни ҳам чорактадан бўлиб ейишади. Имконияти топилган дақиқада тўй қилишга тайёр юришибдилар.

Шарифа гўё Летуновни еб қўйгудай бўлиб унга чақчайиб қаради. Унинг ичи гапга тўлиб-тошаётгандай, аммо бирор қалтис гап айтиб

юборишдан ўзини эҳтиёт қилиб, у ички ғазабдан бўзариб турарди.

Бобров унинг ҳолатини кўриб, суҳбат давоми бефойда, ҳатто зарарли, деб билди-да, Шарифага мулоим боқди.

— Хафа бўлманг, старшина. Тўсатдан пайдо бўлган масалага аниқлик киритиш керак эди. Сизга жавоб. Суҳбат учун катта раҳмат.

Шарифа қафасдан қутулган олмахондай бу ердан ғойиб бўлиши мумкин эди, лекин у чиқиб кетолмади, гўё у турган жойида михланиб қолгандай эди. Унинг ичида тўла гапи гўё ташқарига эйиб чиқишга уринарди, аммо у ўзини босиб, лабини тишлаб турарди. У, лабини шундай қаттиқ тишлабдики, қонатиб юборибди. Буни Бобров сезган эди. Шарифага мулоимгина деди:

— Хайр, қизим, бориб дам олинг.

Летуновнинг назарида Шарифа гўё ҳозироқ исён кўтаришга ва исёнчиларни унинг тепасига бошлаб келаётганга ўхшаб кўринди.

Шарифа бу ертўладан чиқиб кетолмай, ҳаёл суриб турарди.

«Ноҳақлик-ку! «Хизматга — тухмат» деганлари шумикин? Бекор айтадилар... Бекоргинани айтадилар. Полковник Равшановга бу ёрлиқни елимда ҳам ёпиштиролмайдилар».

Бобров яна ҳам юмшаб Шарифага боқди.

— Боринг, старшина, дамнингизни олинг. Бу ерда бўлиб ўтган гапни ҳеч кимга айта кўрманг.

Шарифанинг оёқ товушлари узоклашгач, Бобров танбеҳ бергандай Летуновга шивирлади:

— Бунчалар ошкора гапирмайдилар. Шарифа енгилтак қизларга ўхшамайди.

— Шунинг учун ҳам хавфли, деб биламан. Уни қўйиб юбормаганимизда яхши бўлармиди...

— Бу ишда қизиққонлик ярамайди, Летунов. Балки шубҳаларимиз фақат шубҳадир... Майли, масалани сабр-тоқат билан вақт ҳал қилади... Қани, бошқалар билан ҳам гаплашиб кўрайлик-чи.

Навбат Шавкатга келганида уни, Москвага учиб кетди, дедилар. Бобров бу хабардан дастлаб ажабланди, кейин ғазабланди.

VII

Баъзан шундай воқеалар юз берадики, орзиқиб кутаётганинг сенга насиб қилмайди-да, асло ҳаёлингда йўқ ҳодиса оёғинг остидан чиқади. Ундай тасодифдан борлиқ режаларинг буткул чаппасига айланади-қолади. Баъзан унинг акси ҳам бўладикки, кутилмаган бир воқеа кишига бир умрга тенг шодлик бағишлайди. Ҳаёт чархпалагининг қоғозга битилмаган ўз қонунияти бўлиб, кишиларнинг ихтиёридан ташқарида ҳокимлик қилади.

Маълумки, олам воқеа-ҳодисаларга бой ва одамлар ўз ҳаётида ҳар кун и, баъзан ҳар соатда, турли-туман ҳодисага дуч келади, аммо унинг камдан-кам, яъни унинг тақдирига из соладиган муҳимлардан муҳимигина ёдда қолади. Масалан, разведкачи старшина Шавкат ўзининг ҳаётида юз берган айрим воқеаларни «тарихий!» деб атар ва ҳамиша ёдлаб юрарди. Уқув китоби, қалам, дафтар кўтариб қишлоқ мактабига киргани... Остонадан хатламай турибоқ муаллимасига «салом, опажон!» деб қичқиргани ҳамон ёдида! «Пионер бўлдинг!» деб вожатийси бўйнига қизил галстук тақиб қўйгани ҳам эсидан чиқмайди. Ушанда барча унга ҳавас билан қараганди... Мана энди Москва хотиралари ҳам умрбод унинг ёдида қолади...

Шавкат бу даражадаги иззат-ҳурматни ҳеч қачон ва ҳеч қаерда кўрмаганди. Уни пойтахтга кузатган одамларнинг айтганлари ва Шавкатнинг ўзи тасавурида кутганлари бу жойда бутунлай бошқача намоён бўлди...

Шавкатларни Тушинода кутиб олган сиёсий ходимлар ҳам бу ҳақда ҳеч нарса демадилар. Улар бориб тушган жойида ҳам бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. «Йиғма батальон — вассалом».

Тушинодан сал нарида хандақлар қазилаётган қишлоқ четида жойлашган «Йиғма батальон»га Москва бўсағасида ҳаракат қилаётган қисмларнинг жанговар иш кўрсатган баҳодирлари жам бўлган эдилар. Улар орасида тарқалган миш-мишларга қараганда «Йиғма батальон» Қрим кўприги остида бўладиган кўрикда иштирок этармиш. Ҳаммага, шу жумладан Шавкатларга ҳам янги қишки ҳарбий кийим бердилар. Бошига телпак, оёқларига пийма, устига оппоқ қўй терисидан пўстин кийдириб қўйдилар. Қуроллари ҳам янгиланди: барчага тўппа-тўғри заводдан келган бир хил автомат ушлатиб қўйилди.

«Жасорат кўрсатган баҳодирлар» деганларидан кейин, ҳурматлари ҳам шунга яраша бўлиши керак-да! Беш-ўн киши тил бириктириб Кремлни, Владимир Ильич мақбарасини зиёрат қилишга рухсат сўрадилар. Кремлга рухсат бўлмади, ammo юк машинада навбатманавбат қисқача саёҳатга ижозат бўлди. Тақсимотга биноан Шавкатнинг бўлинмаси-биринчи машина йўлга чиқди-да, Маяковский майдонидан орқага қайтди. Кўчалар камқатнов бўлиб, уйларнинг эгалари кўчиб кетгандай эди. Ойналари тўсиқ, баъзилари дотларнинг ўт очиш уяларига ўхшарди. Муюлишлар баррикадалар билан тўсилганди.

Фашист Москва дарвозасини тақиллатиб, Красная Полянага суқилиб киришга интила бошлаган куни Давлат Мудофаа Комитетининг шошилинич мажлисидан кейин Москвада қамал ҳолати эълон қилинганди.

Ана ўша кун, ўша соатлардан бери пойтахт фронт ҳолатида яшарди.

Маяковский майдонида Шавкатни таажжубга солган нарса шу бўлдики, бир гуруҳ аскар Чайковский номли концерт залидан гилам ташиб, метро йўлакларига тўшамоқда эди. Бошқа бир гуруҳ аскар Катта театрни духоба қопланган креслоларини метро эскалаторларига юкларди. «Нима бўляпти ўзи? Москвани эвакуация қиляптиларми? Нега?»

Шавкат бунинг сирини кечаси англади. Жангчилар гимнастёркаларига оқ ёқалар қадаб, соқол-мўйловларини қиртишлаб, кўрикка қизгин тайёрланаётган пайтда Шавкатни йиғма батальон комиссари чақириб, қўлига таклифнома берди.

— Тантанали йиғилишга борасиз, — деди унга «Йиғма батальон» комиссари.

«Тантанали йиғилиш бўлса бордир» деб қўя қолганди. У кейин билса анча-мунча йиғилиш эмас, росмана ва «оламшумул тантана!» экан.

Уни яна беш-олти фронтчи билан махсус машинага ўтқаздилар. Машина таниш йўллар билан бораётган бўлса ҳам, ҳеч нарса кўринмасди. Азим шаҳар қоп-қора чиммат остида бўлсада, аэростатлар кўтарилаётгани кўриниб турарди. Гоҳ ўнгда, гоҳ чапда прожекторларнинг оппоқ лентаси кўкка пойандоз бўлар ва ўша заҳоти шартта узилиб турарди. Ҳаво кўрикчилари мўлжалларини белгилаб олмоқда эдилар. Уларнинг шуъласида бижирлаб, қуйқалаб ёғаётган қор хўппаклари дона-дона бўлиб, кўкда пахта савалаётгандай кўринарди.

Машинанинг йўлини соқчилар тез-тез тўсар, ҳужжат текширар, машина ичида ўтирганларнинг кимлигини, қаёққа, нима юмуш билан бораётганликларини суриштирар эдилар.

Совет халқининг улуғ айёми арафасида жумлаи жаҳон Москвага кўз тикиб, Москвага қулоқ осиб турганди. Дўстлар ҳам, душманлар ҳам, бетарафлар ҳам... Москва нима қиляпти? Инқилобий анъанасини қанда қиладими ёки тантана қиладими? 6-ноябрда нима бўлади-ю, 7-ноябрни Қизил майдон қандай қутлайди? Сталин нималарни ўйляпти? Сталин нималар дейди?

Улуғ айём арафасида Москва учун хавф-хатарли кунларда Сталин суткалаб тиним билмасди. Фронт ва унинг орқасидаги кенг кўламли муҳимдан-муҳим ишлар қатори у ҳар йили бўладиган анъанавий олтинчи ноябрь тантанали йиғилиши ва еттинчи ноябрь Қизил майдон

паради ҳақида ўйларди. Бу тадбирларни ўтказиш учун имконият йўқдай эди. Йигирманчи октябрдан бери Москва қамал ҳолатида. Душманнинг зарбдор бронетанк кучлари Москвага тобора яқинлашиб келмоқда. Сталин фронтдаги вазиятни синчиклаб таҳлил қилгач, генерал-полковник Артемьевни ҳузурига чақирди. Москва ҳарбий округи қўмондони генерал Артемьев пойтахт четидаги баррикадаларни кўздан кечириб юрган жойидан зудлик билан Ставкага етиб келди-да, Сталинга йўлиқди. Сталин деворда осиглиқ турган харитадан кўзини олиб, трубкасини чекиб туриб, Артемьевга юзланди. У бир оз жим турди-да, трубкасини лабидан қўлига олди.

— Ўртоқ Артемьев!— деди у салмоқ билан.

— Эшитаман, ўртоқ Сталин!

— Горнизон қўшинларини Қизил майдонда ҳарбий парадга тайёрланг!

Павел Артемьевич бундай буйруқ олишини сира ўйламаганди, бинобарин, у нима деярини билмай ҳайрон бўлиб қолди. Унинг ихтиёрида парадга чиқадиغان қўшин йўқ эди. Чунки, горнизон қўшинлари мудофаа линияларида, айримлари жанг майдонларида, резервдагилари ҳам шаҳарда тартиб сақлаш ишлари билан банд. Округ қўмондонлиги ихтиёрида артиллерия ҳам, танклар ҳам йўқ... Артемьев шуларни баҳона қилиб, парадга имконият йўқлигини айтди.

Сталин унинг авзойидан билдики, Москва горнизони қўмондони пойтахтда анъанавий ҳарбий парад ўтказишга тайёр эмас, ҳатто бундан норози. Қолаверса, у, генерал-полковник Артемьев бу йилги параднинг моҳиятини тушунмаганди. Сталин унга норози қиёфада қараб, қатъий оҳангда буюрди.

— Парадни, албатта, ўтказиш керак! Тегишли қисмларни ажратинг-да, кеча-кундуз тайёгарлик маршларини бошланг. Артиллерия билан танклар масаласида биз ёрдам берамиз.

Сталин, парадга ўзингиз қўмондонлик қиласиз, парадни маршал Будённый қабул қилади,— деди-да, гапни тугатди.

Сталин ноябрь календарини очди. Унинг биринчи варағини йиртиб, иккинчи кунни бошланадиган дамда шаҳар раҳбарларини ўз ҳузурига чақирди. Ҳиёл ўтмай, унинг кабинетида Москва шаҳар партия комитети секретари А. Шчербаков билан Моссовет раиси В. Пронин ҳозир бўлдилар. Сталин улар билан қўл бериб сўрашди-да, бир стакандан лимонли чой таклиф қилди. Сталин трубкасини лабидан олиб, ўзи ҳам чой ичаркан, Шчербаковга, сўнгра Пронинга қараб олди-да:

— Москваликлар, анъанани сақлаб, Моссоветнинг Октябрь йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали йиғилишини ўтказишни ўйлаяптиларми?— деб сўради.

Шчербаков ҳам, Пронин ҳам, фронтчи шаҳарнинг нотинч машмашалари билан овора бўлиб, Моссоветнинг анъанавий йиғилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эдилар. Улар бир-бировларига қараб лол тургандилар, Сталин:

— Анъана бузилмасин, тантанали йиғилишни ўтказиш керак,— деди,— аммо, сизларнинг фикрингизча, қаерда ўтказилса яхши бўларкин?

Сталин уларнинг ўйчан юзларига қараб, жавоб кутди.

— Катта Кремль саройида ёки колонналар залида ўтказилса яхши бўларди,— деди Шчербаков.— Лекин бу хавфли. Немис самолётлари пойтахтга ёриб ўтиш хавфи бор...

Сталин трубкасини лабига қисиб, бир оз ўтиргач, ўрнидан туриб кетди ва икки-уч одим юргач, тўхтаб, шаҳар раҳбарларига маънодор қаради.

— Метро-чи?..— деди Сталин.— Масалан, «Маяковский» станцияси?..

— Жуда соз!— деди Шчербаков.— Станция чуқур ер остида, залига кўп одам сиғади. Уни тезда мослаб жиҳозласа бўлади.

— Бўпти. Тайёрланаверинглар!— деди Сталин суҳбатни якунлаб. Шундай қилиб Моссоветнинг тантанали йиғилиши «Маяковская» метростанциясида очиладиган бўлди.

Метрога кираркан, Шавкатнинг кўзи қамашди. Нур денгизига чўмиб кетгандай бўлди. Шавкат кўпдан бери бунча кўп чироқ кўрмаган эди. Биллур қандиллар ҳар томонга чароғон нур сочиб турибди. Нурдан мрамор деворлар чарақлаб кулади. Шавкат ўз тупроғида битган Ғозгон мрамарининг бу қадар ранго-ранг товланишини нурлар туфайли биринчи бор кўриб турибди ва кўзи қувончга тўлиб кетяпти.

«Азиз фронтчиларни» қип-қизил гиламчалар тўшалган эскалатор зиналари билан икки томонига металл ҳарфларда «Маяковская» деб ёзиб қўйилган ерости станциясига олиб тушдилар.

Станция майдони худди катта театр залидай қизил духоба креслолардан ёниб турарди. Шавкатнинг тажрибали разведкачи кўзлари унинг миқдорини ҳам чамалаб қўйганди. «Икки мингдан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас!»

Метро ичи ҳар жиҳатдан тантанали эди. Фарғона каналига ўхшаш чуқур йўлакнинг пўлат изида кўк вагончалар турарди. Уларнинг ланг очиқ ойналари «Буфет», «Буфет», «Буфет» деб Шавкатга кулиб турарди. Шавкатнинг кўзи ўйнаб кетди. Уларнинг кўрғазмаларида махоркадан тортиб «Беломор», «Казбек» кача қат-қат тахланиб ётарди.

— «Казбек»дан мумкинми?— ийманиб сўради Шавкат.

— Мумкин,— деди оппоққина, зумрад кўзли, қўнғироқ сочли сотувчи қиз фронтчига мулойим боқиб.

— Икки қути олсам майлими?

Унинг юзидан табассум аримасди.

— Фронтчига майли,— деди қиз ҳам кулумсираб.

— Уч қути беринг!— деди Шавкат шошилиб,— командирим Равшановга, комиссарим Ҳасухинга ва ўзимга!

Сотувчи қиз кулиб боқди-да, чаққон қимирлаб, шу заҳоти айтганини олиб берди.

— Фронтчиларга мосторг қизларидан байрам совғаси қилиб элтиб беринг!— деди қиз.

— Айтмоқчи, фронтчи қизларга боп совға ҳам борми?

— Бор. Упами, атирми?

— Упани чангитиб нима қилишади. Упа фронтда текин. Шундоқ ҳам окоп тупроғига беланишиб юришибди. Уларга атир беринг. Мумкин бўлса иккита «Красная Москва»дан бўлсин. Бири Шарифага, иккинчиси яна бир қизга. Соняга... Жуда кўп ярадорни жанг ичидан елкалаб чиққан.

Сотувчи қиз қувнаб:

— Жанговар қизларга ҳам москвалик қизлардан оташин салом айтинг,— деди-да, бир плитка шоколад ҳам қўшиб берди.— Буниси менинг ўз номимдан. Иккови бўлишиб олишсин!

Шавкат меҳрибон, муруватли қизга нима билан жавоб совға қайтаришни билмай ўйлаб-ўйлаб антиқа иш бўлади, деди-да, гимнастёркасининг ёшат чўнтагидан медальонини олиб унга узатди.

— Манг, мана бу сизга фронтчидан эсдалик.

Қиз патрондай чиройли қўйма медальонни қўлига олди, уёқ-буёғини қизиқиб кўздан кечирди.

— Ўзимнинг номай аъмолим шунинг ичида,— деди Шавкат.

Сотувчи қиз медальонинг ичини очиб, пилта қилиб ўраб қўйилган қоғозини ўқиди. Севинчданми, қувончданми, унинг оппоқ юзига қизил югурди. Шавкатга кўзларини ўйнатиб, ёқимли табассум билан жилва қилди.

— Менинг номим Рая... Мана энди танишиб олдик. Мен сизга дала почтангизга хат ёзиб тураман.

— Мана энди яхши танишиб олдик,— деди Шавкат.— Мен ҳам сизга хат ёзаман. Бунинг учун адрес керак.

— Марҳамат!— деди-да, Рая «Беломорканал» папироси қутисининг орқасига адресини ёзиб берди.— Адресни чекиб юбормассиз, деб умид қиламан.

Шавкат қизга қасамёд қилгандай деди:

— Бунимен медальон ўрнида сақлайман!

Қизни одамлар ўраб олишди. Савдо бошланиб кетди.

Шавкат нари ўтиб томошасини давом эттирди.

Тепадан тўкилиб турган электр нуридан Маяковский бюсти улуғвор кўринарди. Унинг пастиди худди ҳар йили Улуғ Октябрь тантаналари ўтказиладиган Катта театр саҳнасидагидай кўриниш ҳосил қилинганди. Қизил баҳмал тўшалган баҳайбат президиум столида гулдастали вазалар терилиб турарди. Минбар ҳам худди ўша одатдагидай оддий, аммо салобатли эди.

Минбарда ва президиум столининг қоқ ўртасида муштдан каттароқ қорамтир микрофон турарди: бири—раисга, иккинчиси — нотиққа.

Махсус таклифномалар билан келган одамлар қоғозларида кўрсатиб кўйилган жой-жойларига ўтириб, гўё нафас олмаётгандай эътибор билан ниманидир кутардилар.

Ерости пўлат изларини гуриллатиб метро поезди кела бошлади. Шавкат метро поездини умрида биринчи марта кўриши эди. У беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Эҳтиётсиз қалтисроқ ҳаракат қилган шекилли, ярадор оёғи қаттиқ оғриди. Оғриққа бало борми, фронтчи оғриқ захрига ҳам қарамай, ўнғайроқ ўтириб олди. Аммо ўрниларидан гур этиб туриб олган одамлар унинг олдини тўсиб қўйдилар.

— Ана, ана, келишди...

— Ана, ана! Сталин!

Махсус поездда партия ва ҳукумат раҳбарлари келган эдилар. Шавкат уларнинг портретларда кулиб туришларини кўрганди. Ҳозир улар қандайдир қатъий, вазмин ва ташвишли, ўйчан кўринардилар.

Сталин кино экранларида кўринганидай президиум столида ҳарбий формада пайдо бўлди-да, ўнг қўлини чап кўксига қўйиб, бармоқларини икки тугма орасига хиёл яширгандай бўлиб, уни олтиришловчиларга кулиб боқди, сўнгра қўлини кўксидан олиб, бас, ўқишлар, дегандай ишора қилди. Шавкатнинг назарида Сталин одамларнинг гулдуросидан ийманаётгандай эди.

Шавкат бу ерда бўлаётган барча воқеаю воқеликни ипидан игнасигача эслаб қолмоқчи эди, эсида сақлаб қолишга ҳам ишонмасдан, ёндафтарига пешма-пеш ёзиб борди.

Ёндафтарининг биринчи саҳифасида қуйидаги сўзлар пайдо бўлди:

«Тантанани Моссовет раиси ўртоқ Пронин очди. И. В. Сталинга сўз берди.

Улуғ Октябрнинг йигирма тўрт йиллиги тўғрисидаги Олий Бош Қўмондон ўртоқ Сталин докладини жон қулоғим билан тингладим».

Шавкат бу тантаналарни кўришни Равшанов акаларига ҳам, Красухин оғаси, Шарифа сингилларига ҳам илиниб ўтирди, нима қилсин, бу иш унинг қўлидан келадиган иш эмас эди. Улар ҳам радиодан эшитиб ўтиришгандир.

У ўйлаганидай, Шарифанинг радиостанцияси аллақачон Москва тўлқинида ишламоқда эди. Бутуниттифоқ радиоси эфирга тарқатаётган Москвадаги тантанали йиғилиш садолари Шарифа туфайли оқопларда ҳам баралла янграрди.

Бундан беҳад шод бўлган жангчилар телпақларини осмонга иргитдилар. Кимдир «салют!» деди-да, душман томонга автоматдан потирлатиб ўқ узди.

— Айтмабидим, комиссар!— деди Равшанов, уни кучоқлаб.— Москва ўлмайди! Москва яшайпти! Яшасин Москва!

«Москва Қизил майдонида совет қўшинларининг қудратли паради...»

«Москвада сталинча ҳарбий парад!!!»

Эфир бу ҳақдаги хушxabарга лиммо-лим эди.

Кеча кечқурун Кремль соати йигирма иккига бонг урганда, Қизил майдон чироқсиз эди. Ҳатто Спасск минорасидаги қадимги курантларнинг заррин миллари сочаётган шуъла ҳам кўринмасди.

Кремль саройига онда-сонда кириб-чиқиб турган ёлғиз машиналар ҳам ўз гилдираги остини аранг ёритиб борарди. Жимжит майдон тошларида фақат отларнинг туёқлари бир маромда тақилларди.

Аэростатлар — Москва осмонини тўсиб, айниқса, Қизил майдон устида қопқоқ бўлиб турарди. Шунинг учунми, ҳар тунда Москвага ҳамла қилаётган фашист самолётларидан шу кеча дарак бўлмади. Учиб келган тақдирида ҳам ўтган кунлардаги сабоғи такрорланарди. Ўтган кунлари, яъни 3—4 ноябрь тунларида парад машқини бошлаган «Йиғма батальон» майдонини мўлжаллаб ташланган учта бомба ҳам Москва рекага тушди, устига устак фашист самолётларининг биронтаси ҳам орқасига қайтиб кетолмади.

Москва фашист авиациясининг фавқулодда тактик атаки зонасида бўлгани учун қирувчи звенолар ҳар бир квадрат километр посбонлигида шай турардилар.

Шундай қилиб, Москва осмони еттинчи ноябрь куни совет лочинларининг паради учун тайёр эди. Ҳаво парадининг схемаси ҳам аввалдан тасдиқ бўлганди. Қизил майдон осмонидан ўттиз звено бомбардимончи, штурмчи, қирувчи самолётлар кўз қамаштириб учиб ўтиши мўлжалланди. Лочинлар парадининг тактикаси ҳам аниқ эди: звенолар уч юз метр ораликда, саккиз юз метр баландликда, соатига уч юз йигирма километр тезликда тўппа-тўғри фронт аэродромларига кетишлари муқаррар эди.

Туни билан тинмай ёққан қор эрталаб ҳам тўхтамади. Бунинг устига қаттиқ шамол туриб, учиб имкониятини бермади. Оқибатда Шавкат кутган ҳаво паради шу куни бўлмай қолди.

Фашист самолётлари ҳам бомбаларини қўлтиқлаб, пулемётларига лента тақиб, замбаракларини ўқлаганича аэродромларида қор босиб қолаверди.

Шавкатни Москвага юборган командирлари, на Равшанов, на Красухин унга, Қизил майдонда ҳарбий парадни кўрасан, ҳушёр бўл Шавкат, деганди... Улар қаёқдан билсин, Москва тантаналари ўта яширин тайёрланган эди. Москвадан неча минг километр нарида — Узоқ Шарқдан, Ўрта Осиёдан, Сибирдан ўнлаб мукамал қуроолланган янги дивизияларнинг бу ерга етиб келишларини ким билибди? Албатта, бу воқеа Олий Бош Қўмондонга аён бўлгани билан бошқалар учун сир эди-да. Ҳарбий фронт қўмондони генерал Г. К. Жуков ҳам бу сирни кейинча, Москва тантаналаридан сал аввал эшитди ва ўша заҳоти Давлат Мудофаа Комитети раиси фикрини қўллаб-қувватлади.

Маслаҳатга кўра Москвадаги инқилобимиз тантаналарини ҳаво ҳужумидан қўриқлаш учун фронтлардан чақирилган қирувчи самолётлар эскадрильялари етиб келди. Аммо парадда қатнашадиган танк бригадалари ҳали йўлда эди. Ўрта Осиёда тузилиб, йўл-йўлакай қуроолланган дивизиялар, Сибирия полклари бирин-кетин пойтахтга кириб келсалар-да, Узоқ Шарқ корпусларининг эшелонлари ҳамон пўлат изларда эдилар.

Генштабнинг қатъий планига кўра олтинчи ноябрь тунда парад иштирокчилари Москва кўчаларида саф тортиб, колонналар боши эса, тонг отарда Манежная майдонига етиб келиши шарт эди.

Москва кўчаларидаги кечаги ҳаракатни кўрган одамлар бу йил ҳам ҳар йилгидай анъанавий ҳарбий парад бўлишига ишонардилар. Аммо Моссовет орқали шаҳарга ёйилган гаплар бошқачароқ бўлди.

Анъана бекор қилинмайди, ammo унинг жойи ва шакли аниқ эмас, дедилар. Маълум бўлишича, Гитлер Қизил майдонни 7 ноябрда бомбардимон қилиш учун Москва атрофига икки юз элликта бомбардимончи самолёт шайлаб қўйганди. Муддасига етолмади!..

Парадни бошлаш ҳуқуқи «жанггоҳ султони» бўлмиш пиёда билан «уруш худоси» деб аталмиш артиллерия ва «дахшат» солувчи «зирҳли филлар»га берилганди.

Ер бети қўшинларининг парад тартибини ҳам шахсан Олий Бош Қўмондон тасдиғидан ўтказиб олдилар. Негаки ҳар гал Улуғ Октябрь йиллиги тантаналарида ҳарбий парадни бошлаб берадиган «парад боши» лар фронтда эди.

Бу йилги тарихий парадни фронтчиларнинг йиғма батальони бошлаб беради, деган хушxabарни эшитган фронтчилар, айниқса, Шавкат севинчдан сакраб, ярасини қонатиб юборганини билмай қолди. Ярасини қайта бинтлаб ҳеч нарса билмагандай похолга ўраниб ётган жойидан кечаси шошилишч штабга чақириб кетдилар.

Унинг юраги пўкиллари...

«Ярадор экансан» деб кўриқдан маҳрум қилмасалар гўрга эди».

«Йиғма батальон» комиссари Шавкатга меҳрибон табассум билан боқди.

— Омадинг бор экан, осийлик болам... — деди ва бир парча қоғоз узатди. — Мана буни олгин-да, батальон навбатчиси олдидан нари кетмай тур, машина келади.

Кичкинагина қалиң картон қоғозда қора туш билан унинг номи ёзилган пропуск фронтчи Шавкатнинг Қизил майдонда бўладиган ҳарбий парадга чорларди. Шавкат шаҳдам қадам босиб ўтувчи қуролдошлари сафидан эмас, балки томошабинлар қаторидан жой олар эди.

— Бу йилги парад ҳар йилдагидан икки соат олдин бошланади, сизлар парадга уч соат аввал боришларингиз лозим! — деди батальон комиссари уни огоҳлантириб. — Ухлаб қолма, тагин.

Уйқу қаёқда. Шавкат батальон навбатчиси олдида ҳам ўтирмай, унинг будкаси атрофида юриб вақт ўтказди.

«Қачон махсус автобус келади-ю, уларни Қизил майдонга қай вақтда элтиб қўяди?»

Ошиққани учунми, севинчиданми, юраги тўхтамай типирчиларди.

Ниҳоят, улар Қизил майдонда...

Қизил майдоннинг қизил алвонлари ҳам оппоқ қор остида эди. Шавкатнинг кўзлари Ленин мақбарасини қидирди. Қор қўнган мақбара гўё пахта гумбазига ўхшаб кўринди. Кўм-кўк дарахтлар ҳам оқ чопон ёпиниб олгандай эди. Гумнинг ойнаванд томи снаряд парчаларидан тешилиб ётарди. Минин ва Пожарский ёдгорликлари қум солинган қоплар билан ўраб қўйилган.

Шавкатнинг жойи чап минбарнинг қоқ ўртасида эди. Унинг қаторида фронтчилар, Москванинг илғор ишчилари турар эдилар. Улар тўппа-тўғри цехлардан келганликлари учун кўплари иш кийимида эди.

Шавкат одамохун, ҳар нарсага қизиқувчан йигит бўлгани учун ёнида турган кишилар билан дарров танишиб олди. Унинг ёнида турганлар ҳам таклифномани Шавкатга ўхшаб кечаси иш жойларидан олган эканлар.

— Биз ҳам фронтчилармиз, — деди уларнинг бири, — фақат ўқ отмаймиз холос, бошқа ҳамма ишимиз фронтча, ҳатто казарма ҳолатидамиз. Цехда ётиб, куну тунни дастгоҳда ўтказамиз.

Ишчилар ўз навбатида Шавкатни ҳам сўроққа тутдилар: «Қаёқдан келдингиз? Фронтда нима гаплар?»

Москваликлар кеча-кундуз жонбозлик кўрсатиб ишламоқда эдилар. Уларнинг айтишларича, фронтлардан ҳар кун, ҳар соатда турлича ва бири иккинчисидан хавfli хабарлар келиб турарди.

Шунинг учун фронтчининг ҳар бир айтгани жонли гувоҳ сўзи бўлиб, уларга катта далда эди.

Шавкат уларга ўз дивизияси, унинг жанговар анъанаси ҳақида қисқача маъруза қилгандай бўлди-да, уларнинг кўнглини тўқ қилиш учунми, гапининг охирида, «Москвага кирадиган Гитлернинг оёғини синдирдик. Энди Москвага Гитлернинг ҳассаси ҳам киромайди!» деди.

Уни қуршаб турган ишчилар кулиб юборишди.

— Кулманглар, рост гапни айтдим, — деди Шавкат. — Гитлер чўлоқ бўлиб қолгани учун Ока дарёсидан ўтолмай турибди.

— Ока, нима, Москва-Рекага келиб қолди-ку?

— Бари бир оёғи синди. Мана қараб турасиз, уни буёқлардан замбилда кўтариб кетишади.

Шу вақт ҳамма гуриллаб чам томонга қаради, Шавкат ҳам гапни бас қилиб ўша ёққа бурилди. Спасск минорасининг дарвозасидан оқ тулпорда маршал Будённый пайдо бўлди. Унинг оқ тулпори музика садоларига мостлаб, оёқларини жуфт ташлаб, бошини хиёл чапга, гоҳ ўнгга буриб, ёлини силкитиб майдонга тушди. Унинг ҳузурига от ўйнатиб келган генерал Артемьев рапортидан кейин майдонда саф тортган аскарларнинг «Ур-ра» садолари янгради.

Бир оздан кейин ҳамма жим бўлди. Кўзлар минбарда! Сталин гапирмоқда эди...

Шавкат унинг нутқини жон қулоғи билан тинглади. «Бизнинг кўчамизда ҳам тўй бўлади!» деган умид билан, ишончга тўла башоратини дилига тугиб қўйди.

«Ана шу тўйни мана биз қиламиз!»

Замбараклар овозига музика садоси улашиб кетди. Йиғма оркестр оҳангдор жанрлатиб «Байналминал»ни янграгач, тантанали марш бошланди.

— Ана бизникилар! Ана бизнинг фронтчилар! — деб қичқириб юборди Шавкат.

— Булар-чи?

— Реактив миномётчилар. Улар ҳам биз билан жанг қилганлар. Ельнада ўх, фашистларни қандай зўр ёндиришган. Дўзах!

Кейин отларини гижинглатиб, отлиқ аскарлар ўтди. Майдонда ишчи батальонлар пайдо бўлди. Улар кўча жанглари, цехлар, ҳар бир дастгоҳ учун қўл жанглари олиб боришга ҳозир нозир эдилар.

— Олдиндаги батальоннинг биринчи ротасидаман, — деди Шавкатга унинг шериги. — Найзали милтиқдан ташқари яна бошқа қуролларимиз ҳам кўп.

— Нималар?

— Икки қопдан тупроқ, бир яшиқдан портловчи дори. Қоплар билан дераза тўсамиз, зарур бўлиб қолса дастгоҳларни портлатамиз. Аммо бундай зарурат туғилмаслигига ишонамиз.

Пиёда қўшинлар кетидан танклар гуриллаб ўтдилар. Танклар... Танклар... Шавкатнинг кўзига Танкограддан янги чиққан пўлат отларнинг кети кўринмасди. «Бу танклар тўппа-тўғри фронтга борса, Гитлернинг соғ оёғини ҳам мажақ қилади».

Одатда, ҳар йилги парадда Ленин мақбараси олдидан ўтган танклар, пастга хиёбонга бурилиб кетарди. Бу гал ундай бўлмади. Танклар бугун «Лобное место» деб аталган тарихий жойдан Ильинкага бурилиб, Можайск, Волоколамск ва Киев шосселарига, фронтга шошилардилар.

«Шу кетишларида тўппа-тўғри бизнинг плацдармга борсалар эди!» деб кўнглидан ўтказди Шавкат. Рухсат берсалар, у танкларга мингашиб, ўз қисмига етиб боргиси келди. Ҳаво бузук, қор-бўрон, самолётлар учмаса, у қачон йўлга чиқади-ю, қандай қилиб ўз қисмига етиб олади?.. У қаторлашиб шиддат билан бораётган танклар кетидан ҳавас ила қараб қолди.

«Тўппа-тўғри Малина дарёси бўйига борсалар кечик тайёр, плацдарм муҳайё — уёғи танкларга оператив кенглик!..»

Шавкатнинг хаёли учди-да, гўё плацдармга бориб қўнди.

«Шарифанинг радиоси ишлаётгандир... Бу парад доврўғини улар ҳам эшитаётгандирлар? Ие, кўзим нега учяпти?..»

Ҳақиқатан ҳам Шарифанинг радиоси кечадан бери тингани йўқ эди. Плацдарм жангчилари, айниқса, Равшанов билан Красухин кечаги Москвадаги тантанали йиғилиш таассуротида яшамокда эдилар. Бугунги парад уларнинг руҳини ердан қуёшга чиқариб қўйди!

— Гитлер капут!— деди Равшанов Красухинга юзланиб.— Калугага келтириб қўйган парад формаларига ўт кетди. Ахир Гитлер Қизил майдондаги Вермахт парадида кийиш учун ўзига ҳам янги форма тиктириб қўйган экан.

Красухин дарҳол қўшимча қилди.

— Зўр бўлди,— деди у.— Гитлер сочини битталаб юлаётгандир. Ахир у Москва бўсағасига янги мундиргина эмас, ўзининг киноийломачиларини ҳам юбориб қўйган экан. Ҳў, ўша Амстердам, Афина, Брюссель, Копенгаген, Осло ва Парижга тантана билан кириб боришида Гитлерга киноҳайкал яратганлар бор-ку, ана ўшалар аппаратларини елкалаб, Москвага кўз тикиб туришган экан.

— Гитлер ҳам қарғага ўхшаб қолди,— деди Равшанов.— Қарға қағ дер экан-да, вақтини чоғ қиларкан...

— Гитлер пропагандасининг чуви чиқди,— деди Красухин уни қувватлаб.— Қизил Армия ер билан яксон қилинди, деб жар солган эди. Қизил майдондаги парад унинг қанотини қайириб қўйди.

Равшанов ўрнидан туриб, ўнг қўлининг бармоқлари билан гимнастеркаси тугмаларини ўйнай бошлади. У хурсанд бўлган чоқларигагина ана шундай қиларди. Буни Красухин яхши биларди. Равшановнинг хурсанд бўлаётганини кўрган Красухин уни янада шод этиш учунми, кўзларига қараб қўшимча қилди:

— Фашистлар билан бирга дунё буржуйларининг ҳам кўзидан пахтаси чиқди. Эшитдингизми, Италия буржуйлари куни кеча, «Стафани» агентлиги номидан немис қўшинлари Москвага кириб бораётгани туфайли советлар бу йил улўғ инқилобини байрам қилолмайди, деб ёзган эди. Мана энди ўша агентлик нима деб баҳона қиларкин?

Равшанов суйиб, комиссарнинг елкасига бир уриб қўйди.

— Антиқа иш бўлди-да, келинг, комиссар бир қулоқ солайлик-чи, фарбдаги «тўқимачи» жаноблар энди нималарни тўқияптийкинлар? Эфир «Русларнинг пойтахтида узлуксиз тантаналар» ҳақидаги турли-туман ахборотлар билан тўла эди.

Лондон: руслар ўзларининг машҳур Қизил майдонларида уруш даври тарихида кўрилмаган оламшумул жасорат ва ишонч кучини намойиш қилдилар...

Нью-Йорк: жанглр ҳалқумидан бўғиб турган шаҳар жасорат ва матонатнинг тенгсиз намунасини кўрсатди...

Стокгольм: Москва паради Россия қаршилиқ кўрсатиш кучининг қудратидан нишонадир.

— Шавкат бахтли йигит экан. Шу куч ва қудратни ўз кўзи билан кўриб келади,— деди Красухин унга ҳавас қилиб.

Равшановнинг хурсандчилиги узоққа бормади. Улўғ Октябрь тантаналаридан кейин Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиёда тобига келтирилган навқирон дивизиялар Қизил майдондан тўппа-тўғри жангга киришиб кетган кунлари плацдармга ҳам ёрдам десанти туширилди. Аммо десант мудофаа марраларига жойлашиб улгурмай, Равшановга қўмондонликни Красухинга топшир, деб буюрдилар-да, ўзини у ердан чақириб олдилар.

Бу ҳақда буйруқ келгач, Равшанов ўзини қаерга қўйишини билмасди. У, дивизиясида ҳеч кимни кўргиси, ҳеч кимдан маслаҳат олгиси ҳам келмади. Ўзлигича ўтиришни хоҳлади-да, кителининг соат чўнтагидан тасбеҳини қўлига олиб, бармоқлари билан мунчоқларини

силай кетди. Бундан маълумки, у таранг бўлиб қолган кайфиятини ўз изига солмоқчи. Бундай вақтларда ҳеч ким унга халақит бермасди, Красухин дивкомнинг тасбеҳ ўгиришга тушганини кўриб, унинг хаёлини бузгиси келмади-да, ташқарига чиқиб кетди. Равшанов ўзини андак босиб олгач, уни кутаётган «бодроқчи»га ўтириб, тепаликдан учиб кетди. У самолётда қўлига яна тасбеҳ олди. Бекорчи ўй-ўйлаш на даркор; ўзини-ўзи оувтирганга нима етсин!

Бундай ўзгаришни дивизияда ҳар ким ҳар хил тушунди. Маҳқамовга ўхшаган командирлар, Равшановга каттароқ қўшин берсалар керак, деб ўйладилар. Ҳатто полковник Равшановни бўлажак юмак мартаба билан чин юракдан табрикладилар ҳам. Унга ҳарбий омад тиладилар. Баъзи бировлар «Равшанов ўзига-ўзи қилди, бирор айби бўлмаса шундоқ қайноқ нуқтадан шундай тигиз вақтда чақириб олармидилар», деб ўйладилар. Бу ўзгаришнинг сирини Красухин ўзича тушунди, аммо ҳеч кимга ҳеч нарса демади, бироқ Равшанов ўрнатган жанговар анъанани қаттиққўллик билан давом эттирди.

Қийин бўлганда Шарифага қийин бўлди, холос. Уни алоқа взводидан олиб, хозвзводга старшина қилиб қўйдилар. Хозввод старшинаси кечаси бомбардимон вақтида ҳалок бўлгани учун жойи бўш эди.

— Хафа бўлма, Шарифа, вақтинча шундай бўляпти,— деди Красухин унинг дилига далда бергандай бўлиб.— Андак сабр қилиб тур.

Адъютант Асқарни ҳам штабдан олиб, ўқчи батальонда ҳалок бўлган рота командирининг ўрнига тайин қилдилар.

Бу тадбирлардан Шарифанинг кўнгли чўкиб, юмма йиғлади. «Летуновнинг иши бу... Дўстинг мингта бўлса ҳам оз, душманинг битта бўлса ҳам кўп» дейишарди кексалар. Маънисига энди тушундим. Летунов битта бўлса ҳам шундай арслонни йиқитди...»

Шарифа Равшановсиз турулмаслигини ҳозирги ҳижрон дақиқаларида жуда-жуда сезди.

«Шу кетишида Равшанов батамом кетдими? Шарифасини ҳам ташлаб кетдими? У бечора қаерда экан? Ҳоли нималар кечяпти экан? Қамаб қўймасалар гўрга эди... Шундоқ одамни-я, хизматга тухмат бўлади-ку! Бе! Сувдан қуруқ чиқадиған, ўтда ёнмайдиган одам у, Равшанов!»

IX

Қиш эрта бошланди-ю, жуда қаттиқ келди. Тизза бўйи қор. Лекин ёғингарчиликда тиним йўқ эди. Жами борлиқ қор остида қолаётгандай. Мутахассисларнинг айтишларича, яқин етмиш йиллар орасида ноябрь қиши бу ҳолатни кўрмаганди. Йўллар билан далалар фарқи қолмаганди — ҳаммаси оқ кўрпа остида ётарди. Дарахтларга ҳам гўё халат кийдириб қўйилгандай. Қор шуъласи таъсиридами, ер билан осмон тутташиб кетгандай...

Одамлар ҳам табиатга мосланиб олгандилар. Айниқса, қизил аскарлар оппоқ кийим, оқ ниқоб, пахтадай ёпинчиқларга бурканиб олган эдилар. Қуроллар, ҳарбий техника — жами моторли кучлар, яроғ-аслаҳа гўё сутга чўмилтириб қўйгандай оққа бўялиб олганди.

1941 йилги Москва бўсағасининг «кийими» ана шундай эди.

Равшанов армия штабига учиб бораётиб, шу манзарани тепадан кўриб борди. У Сибирда ҳам бу хил ажиб кўринишни учратмаганди. Қаёқдан ҳам учратсин, уёқда ҳар чақиримда бир одам бўлса, бу ерда ҳар қулочда бир аскар дуч келарди.

«Шунча аскар қаёқда ётган экан?»

Равшанов бораётган ўрмон йўлкалари-ю, дала сўқмоқлари аскардан тикин эди. Яп-янги шинель кийган пиёдалар олдинги позициялар томон борардилар. Баъзи аскарларнинг қўлларида қизил байроқчалар ҳилпиради.

«Қизил майдондан ўтган колонналар шу ерга етиб келибди» — кўнглидан ўтказди Равшанов.

У катта йўлни кесиб ўтиши керак эди. Анча вақтгача ўтолмай турди. Оққа бўялган танклар ҳайқириб, ҳеч кимга йўл бермай олға шошиларди. Улар кетидан аждаҳодай оғиз очиб ўзи юрар тўплар, пулемётларини ўқталиб броневиклар йўргаларди.

Пайт пойлаб, бўлинмалар оралиғини кутди. Бўлинмалар ҳам қондани бузиб, оралиқни сақламай зич келарди.

Равшанов йўл-йўлакай неча чиғириқдан ўтгач, чақирилган жойга дуч келди. У ерда ҳам барча катта-кичик Қизил майдондан тўша-тўғри келаётган қисмларни кутиб олиш ишлари билан банд эди.

Уни ҳарбий совет ошхонасига бошладилар.

— Нонушта қилиб олинг.

Ишгаҳа қаёқда. Равшанов расмият учунгина тамадди қилди, вақт ўтказиш учунгина бир стакан чой баҳона иссиққина ошхонада ўтирди.

Тушки овқат вақтида ҳам шу такрор бўлди...

Кечки овқат чоғида ҳам шу хил вазият...

«Керагим йўқ экан, нега мени қайноқ ишдан совутишди?!»

Ниҳоят, уни армия қўмондони генерал-лейтенант Владов ҳузурига таклиф қилдилар. Қўмондон КПси ўрмон ичидаги кичик қўрғоннинг чеккасида «бешдеворли» ёғоч уйда жойлашганди. Унинг атрофи шох-шаббалар билан тўсилиб, устига ниқоб тўри ёпиб қўйилганди. Равшанов Владовнинг ҳузурига кириб, остонада унга честь бериб доклад қилди:

— Ўртоқ генерал! Полковник Равшанов, чақирганингиз учун, ҳузурингизга келди.

Владов столга энгашиб, ниманидир ўқиётган эди. У бошини қоғоздан хиёл кўтариб, Равшановга қаради-да, тўсатдан:

— Сени мен эмас, Жуковнинг штаби чақирган. Зудлик билан Балабановага боришинг керак! — деди.

Равшановнинг назарида командарм у билан гаплашишни хоҳламаётгандай ва уни тездан ўз армияси теграсидан чиқариб юбораётгандай эди.

— Жўнаб кетишга рухсат этинг, ўртоқ генерал, — деди-да, Равшанов жавоб ҳам кутмай орқасига бурилди.

— Сенга гапим бор! — деди Владов уни тўхтатиб.

— Эшитаман, — деди Равшанов остонада тўхтаб.

— Бери кел.

Равшанов бурилиб, унинг олдига борди. Генерал Владов уни ўз қаршисига ўтказиб, сиңчковлик билан юзига боқди-да, сўради:

— Нималар қилиб қўйдинг, Равшанов, устингдан бир қучоқ материал йиғилибди. Мана, мана шу папкадаги гаплар ростми?

Равшанов эътиборсиз жавоб қилди:

— Ростлигига сиз ишондингизми?

— Қўлга тушган жосусни отиб қўйганинг ростми?

— Хоин қилмишига яраша жазоланди.

— Бу ерда бошқачароқ ёзилган-ку.

Шу вақт адъютант кирди-да, чаққон честь бериб, шошилиб гап қотди:

— Ўртоқ қўмондон, штаб фронтдан полковник Равшанов йўлга чиқдими, йўқми, деб сўрашяпти. Зудлик билан бориши керак экан.

— Жўнаб кетди, деявер. — Владов, адъютантини чиқариб юборгач, бармоқлари билан столдаги папкани чертиб қўйди. — Мана бу гаплар мени ташвишга солиб турибди...

— Фронт штаби мени шу масалада чақиряптими? — деб сўради Равшанов.

— Хабарим йўқ. Контрразведканинг кўзи ўткир, қулоғи ҳушёр. Ҳамма гапни ўша жойда айтадилар, — деди Владов, кейин папкани стол тортмасига солиб қўйди. — Енгил машина йўқ, юк машинаси беришади. Уни тезда орқасига қайтариб юбор.

Равшанов вазмин одимлаб кабинетдан чиқди.

Равшанов тушган «полуторка» тонготарда фронт штаби жойлашган ўрмон сўқмоғига кириб олди. Сўқмоқда қатнов кам бўлса ҳам, тўсиқ кўп эди.

Ғарбий фронт штабида Равшановнинг қўлига «командировка» тутқизиб, Ставкага борасиз, дедилар. Аммо ким, нима мақсадда чақираётганини айтмадилар. Равшанов жумбоқ ечиб, хаёл суриб турган пайтда қўмондон Жуков кўриниб қолди. «Ҳали ҳам шу ердамисан, сени Олий Бош Қўмондон кутяпти-ку!» деди у Равшанов саломига алик олган ҳамон. Равшанов «нима мақсадда?» деб сўрашни ҳам унутди-да, қисқагина қилиб, «ҳозир жўнаёпман, ўртоқ генерал» деб жавоб қилди.

— Машинанг борми?

— «Эмка» беришди.

— Билиб қўйганинг яхши,— деди Жуков йўл-йўлакай унга.— Олий Бош Қўмондон кўп гапни ёқтирмайди. Зиёлиларча мулоқимликни ҳам ортиқча билади. Мулоқотда тўппа-тўғри «Ўртоқ Сталин» деяверган яхши. Шошилиб турибман. Қолган гапларни қайтганингда сўзлашамиз. Омад тилайман!

Равшановнинг «эмка»си бораётган ўрмон йўллари-ю, дала сўқмоқлари аскардан тиқин эди...

Равшанов Москвага келиб дастлаб йўлиққан жойи Генштабда унга анкета тўлдириб олдилар-да, қўлига икки энлик қоғоз бериб, «Москва меҳмонхонасида жойингиз тайин, керагида ўзимиз чақирамиз» дедилар.

Равшанов буёққа келишида учрашадиган одамнинг берадиган саволлари ва уларга қиладиган жавоблари ҳақида ўй-ўйлаб Москва қиёфасига назар ҳам ташламаганди. Ҳозир унинг вақти ҳам, имконияти ҳам бор, мана энди у сеvimли пойтахт, гўзал Москвани мириқиб томоша қилса арзийди.

Шундай қилиб, Равшанов Москвани пиёда сайр қилди.

Қор тинган. Аммо кўча қори куралмаган. Кўчаларда одам кам. Москвани кечаси осмондан қарайдиган душманнинг ёмон кўзидан яшириш учун кийиб олган бош ёпинчиғи — ниқоб тўрларидан қор қолдиғи тўкилиб турибди.

У, Арбат майдонидан қаёққа бурилсам экан, деб ҳайрон турган пайтда йўл тозаловчи машина пайдо бўлди-да, қалин қорни тумшуғи билан судраб ўтди.

«Шаҳар хўжалиги техникаси ишга тушибдими, демак, Москва ўзини эплаб олибди, хайрият...»

Равшанов ўрта йўлдан бир оз юргач, кинотеатр олдидаги йўлкада келаётган йигит билан аёлга кўзи тушди.

«Ие! Шавкат-ку! Вой азамат-эй, кимни қўлтиқлаб келяпти?»

Шавкат янги парад кийимида эди. Ёнидаги аёл ҳам қундуз ёқали пальто кийган, бошида қундуз телпак, оёғида оқ пийма. Иккаласи баб-баравар аскарчасига шаҳдам қадам ташлаб борардилар.

«Қаёқдан топа қолибди бу жувонни Шавкат валати».

Ноқулай бўлса ҳам, Равшанов унинг кетидан қичқирди:

— Шавкат!

Йигитнинг қулоғига жуда таниш овоз эшитилди-да, одимини секинлатиб, қулоқ берди.

— Шавкат!..

«Ие, дивкомнинг овозига ўхшайди-ку!»

Йўлидан тўхтаб, Шавкат аланглади, атрофга қаради. Тахминан юз метрча нарида, қори тозаланган йўлкада Равшанов кулиб турарди.

— Ўртоқ командир!

Шавкат ўқдай отилиб, қушдай учиб Равшанов ҳузуриди намоён бўлди-да, қўлини бошига олиб, рапорт бера кетди:

— Ўртоқ полковник! Старшина Шавкат...

— Бас, рапорт керакмас!— деди Равшанов, унга табассум би-

◆ РОМАН ◆ ГЕНЕРАЛ РАВШАНОВ ◆

лан.— Хўш, Москвада бутунлай қолиб кетдингми? Уйланиб ҳам олибсан шекилли... қутлуғ бўлсин, деяверайми?

Шавкат анордай қизарди, шошилишчи изох бера кетди:

— Бу қиз билан тантанали мажлисда танишувдим. Кремль гастрономида ишлайди...

— У-ҳў! Баланд дорга осилибсан-ку?— деди-да, бир оз жим тургач, сўради:— Нега қисмга қайтмадинг? Уртоқларинг йўлингга кўзлари нигорон бўлиб турибдилар.

Шавкат уялиб ерга қаради...

— Докторларга кўриниш бериб кет, дедилар-да. Ушанга...

Равшанов нималардир демоқчи бўлиб оғиз ўнглаб турган пайтда нарироқда Шавкатни кутиб турган қиз келиб, салом берди.

— Дивизия командири Равшанов сиз бўлсангиз керак?

— Қаёқдан билдингиз?— Равшанов кулиб қўйди.

— Шавкатдан эшитганман. Сизнинг номингизни тилга олганида оғзидан бол томади,— деди қиз, кўзларини ўйнатиб.

— Оббо, Шавкатбо-ей, ғойибона мени ҳам таништирибди-да.

— Шарифахонни ҳам танийман. Красухинни ҳам биламан,— деди қиз табассум билан.

Равшанов хохлаб кулди-да, ҳазиломуз деди:

— Дивизияга етаклашиб боришингиз қолибди, холос-да.

— Рухсат берсангиз боравераман. Шарифахоннинг ёнида менга лойиқ иш ҳам топилар. Ҳеч бўлмаса санитаркаликка ярайман. Гувоҳномам чўнтагимда!

Равшанов кулиб қўя қолди.

Шавкат сўроқлай кетди, аммо гапи гапига қовушмас, нимани сўраётганини ўзи билмасди.

— Ҳаммалари омонми? Плацдарм жойидами? Қаршимизда турган фриц қирилиб битгани йўқми?

Унинг гаплари пойма-пойлигидан Равшанов билдики, Шавкат ўз командиридан қаттиқ истиҳолада. Равшанов гапни кўпайтириб ўтирмади-да, сўради:

— Қачон қайтасан?

— Менми? Кет десангиз, ҳозир ҳам кетавераман!

— Шерикларинг қаёқда?

— Кетишди. Мени госпиталда қолдиришди. Мана қоғози...

Равшанов старшина узатган қоғозни олиб ўқиди. У: «ярадор старшина Ш. Одилов госпиталга шифоланиш учун юборилди», деган йўлланма эди.

Рая унинг сўзини бўлиб, изох берди:

— Шавкатжонни госпиталга ўзим олиб кетяпман. Ораси яқин.

Шавкат ўзини ўнғайсиз ҳис қилди шекилли, шоша-пиша гапира кетди:

— Йиғма батальонда тиббий текшириш ўтказишганди. Яраларимни кўриб ваҳима қилишди. Тезда госпиталга ётмасанг, қорасон бўлиб кетасан, оёғингни кесиб ташлайдилар, дейишди...

Равшанов қизга табассум билан боқиб:

— Яхши қилибсиз, Рая, госпиталга ўзингиз жойлаб қўйинг,— деди. Кейин Шавкатга юзланди,— илтимосим шуки, тезда шифоланиб, кадрдон қисмингга етиб бор, сени дўстларинг кутишяпти.

— Ундай бўлса ҳозирнинг ўзида кетавераман!— деди Шавкат.

— Ҳечёққа кетмайсиз!— деди қиз,— қорасон бўлиб қолсангиз сиздан кимга фойда? Душманга фойда!

— Рая тўғри айтади,— деди Равшанов.

— Дўстларимни ўзим ҳам соғиндим...

— Дарровда-я?— қиз луқма ташлади.

Равшанов госпиталга кетаётган одамнинг йўлини тўсгиси келмади.

— Тезроқ олиб боринг, бу йигитни, Рая!— деди у.— Мен «Москва» меҳмонхонасида бўламан. Жойлашиб олгач, сизларни ўзим топиб оламан.

«Москва» меҳмонхонаси пойтахтнинг қоқ киндигида жойлашган бўлиб, унинг ғарбий томон ойналаридан Манеж майдони, ғарби-жанубий деразаларидан тарих музейи, ундан хиёл нарида Кремль деворларининг туя тишига ўхшаш қирралари кўриниб турарди. Курантларнинг олтин миллари кўринмасе-да, ҳар чоракда бонг уриши эшитилиб турарди.

Иқболидан бўлиб, Равшановга ана шу тарихга юз ўгирган ойналар томондан жой текканди. Бир ўринли хона яхши жиҳозланган бўлса ҳам, унинг қўш қанотли деразаси фронтни эслатиб турарди. Дераза орқасига ўт ўчиргич билан қум тўлдирилган линчалар қўйилганди. Ойналарга эса бомба портлови зарбидан ойна парчаланмасин учун крест шаклида газета қоғозлари ёпиштириб қўйилганди. Деразаларга қоп-қора матолардан тўсиқлар ҳам илинганди.

Равшанов қоронғи хонага кира солиб, қора пардани икки ёққа суриб қўйди. Хонага кундузги нур отилиб кирди. Дераза остидаги ёзувда ҳаво тревогаси эълон қилинган пайтда қаерга яшириниш лозимлиги кўрсатилган эди. Равшанов уни нарига суриб қўйди-да, бир оз ётиб дам олмоқчи бўлди. Каравоти оппоқ рўжа, пар ёстиқлар билан ясатиғлиқ эди. Уст кийимларини ечиб, чамадонидан совун, тиш порошоги ва чўткасини тайёрлаб ювингани ҳозирланган эди, ювиниш хонасидаги жўмраклардан сув оқмади: иссиғи ҳам, совуғи ҳам йўқ эди.

«Мудофаа эҳтиёт-чоралари учун шундай қилинган бўлса керак».

Еттинчи қават навбатчиси ҳам унга худди шу гапни айтди:

— Фақат бир соат бўлади, кўп эмас, соат бешда улгурсангиз ювиниб оласиз. Ичимлик сув графинда, қайноғи — олтинчи қават буфетиди, — деди у, табассум билан.

«Уруш-уруш билан, ҳаёт эса ўз қонуни билан тирик экан. Биров оч, биров — тўқ, кимдир хомуш, кимдир шўх... Аввалги авжида бўлмасе-да, ресторанлар очиқ».

Равшанов кечки овқат вақтида учинчи қават ресторанига кирганди. Ресторанда кечки пайт одам кам бўлса ҳам, бўсағада уруш бораётгани сезилмасди. Оркестр танго чалапти. Бир неча жуфт эркак-аёл танца тушяпти. Кўпчилиги ҳарбий кийимда.

Афтидан командировкага келган раҳбар ходимлар бўлсалар керак, столларда савлат тўкиб, салобатли одамлар ўтирардилар. Равшанов ҳам ресторанбоп бўлиб, ювиниб, қириниб, тоза кийимлар кийиб, салобатли бўлиб олганди. У ана шу салобатли одамларнинг ёнидаги тўрт жойли столда бир ўзи ўтирди. Қўшни столдаги бояғи одамлар салмоқли суҳбатлашиб ўтирар эдилар.

Уларнинг гаплари ҳам уруш, қурол-яроғ тўғрисида борарди.

— Шаҳрингиз ўз номи билан Танкоград, деб Иосиф Виссарионович, зиммамизга жуда катта ва оғир юк ортиб чиқарди Кремлдан... — деди биринчиси.

— Заводимиз Тошкентга кўчиб эди. Газета-журнал чиқарадиган жойларда самолёт чиқаряпмиз. Ёмон эмас! — деди иккинчиси.

— Усмон Юсуповнинг гапини ўқидим. Ҳар қанча завод, фабрика бўлса ҳам жойлаймиз, дебди. — Учунчиси гап маъқуллапти.

— Тўғри, ғарбий районлардан, Украинадан юзлаб заводлар бориб, очиқ жойларда ҳам қурол-яроғ, ўқ-дори ишлаяпти. — Тўртинчиси суҳбатга яқун ясагандай бўлди. — Ўзбекистон тез орада индустриал республика бўлди-қолди. Бунинг устига шундай оғир кунларда катта гидро-иншоотлар қурапти.

Равшанов уларнинг суҳбатига алоҳида эътибор бераётганини сезиб қолдиларми, ундан шубҳа қилдиларми ёки таом вақти тугадими, ўринларидан туриб кетдилар. Уларни тўхтатиб, «Мен ҳам ўзбекистонликман, юртимда аҳвол қандай?» деб сўрашни ўзига эп кўрмади.

Шу орада уларнинг столини ҳарбий одамлар, ясанган аёллар

И. РАҲИМ ◆ ГЕНЕРАЛ РАВШАНОВ ◆ РОМАН

эгалладилар. Равшановнинг назарида улар ҳали фронт кўрмаган штабчилар ёки урушдан узоқдаги ҳарбий округлардан командировкага келган одамлар эди. Гапларига қараганда аёллар Москванинг ўтроқларидан бўлиб, ҳар куни ресторандан чиқмайдиганлар эди. Буюртма таомларни ҳам ўшалар буюрардилар, гапни ҳам ўшалар қойиллатардилар. Бир гапириб, икки кулар эдилар.

Равшанов бир ўзи бўлса ҳам имак-ичмакка столни тўлдириб олди. Фронтчига майли, дедиларми, шериклари келади шекилли деб ўйладиларми, у нима буюрса, йўқ демай, ижро қилдилар. Равшанов ичкиликка унча берилмади. «Чақириб қолишлари эҳтимол». Лекин қозонда пишган овқат унинг учун тансиқ таом эди.

Унинг кўнгли бирдан хиргойи кўмсаб қолди. «Ҳеч ким эшитмайди, ҳамма ўзи билан овора» деди-да, дидига мос қўшиқлардан тилига келган сатрларини хиргойи қилди. Ғовур-ғувур залда ўз овозини ўзигина эшитди.

У хиргойига шу қадар берилиб кетдики, атроф столларда ўтирган баъзи одамлар, айниқса, аёллар унинг мазза қилиб бош қимирлатиб, ўз хиргойисидан ўзи кайф сураётганини томоша қила бошладилар. «Шериклари келмади шекилли, ўзи ёлғиз зерикапти бечора...»

Унинг зериккани рост эди. Шериклари узоқда, дўстлари жангда. Шарифаси не аҳволда... Ўзи ноаниқликнинг бетайин ипида боғлиқ... Қачон чақирадилар, нима, деб сўроқ қиладилар, қандай савдолар бошига тушади?»

Нима қилсин, кутади. Аммо қанча вақт кутади-ю, қачонгача кутади? Бетайинлик бўлмаганда, ипсиз боғлиқ турмаганида-ку, ичарди, танца тушарди.

— Шерикларингиз келмадиларми?

Унинг орқа томонида аёл овози эшитилди.

— Келишмади,— деди Равшанов, орқасига қайрилиб.

— Бевафо аёллар экан-да...

— Аёллар эмас...

— Йигитлармиди?

— Бу ўтиришда зерикиб қоласиз-ку. Бизнинг столга ўта қолинг.

— Тўрт киши бор жойда бешинчиси ортиқча,— деди Равшанов.—

Суҳбатингизни бузгим йўқ. Раҳмат!

— Ҳечқиси йўқ.

Аёл рухсат ҳам сўрамай унинг ёнига ўтириб олди.

— Нега ичмаяпсиз?— аёл шундай деб арақ шишасининг оғзини очиб, икки қадаҳга лиммо-лим қўйди, бирини қўлига олиб давом этди.— Сизнинг саломатлигингиз учун!

Равшанов ноилож қадаҳни қўлига олиб баланд кўтарди, чўқиштириб қўйди, аммо ичмади. Аёл жуда чиройли қилиб носвой отгандай арақни лаҳзада танглайига отиб юборди. Столдаги совуқ газаклардан тамадди қилди-да, яна шишага қўл узатди.

— Ие, ичмабсиз-ку?— деди аёл полковникнинг рюмкасига кўзи тушгач.

— Бир жойга боришим керак.

— Аёллар олдигами?

Аёлнинг эзмалиги Равшановнинг жиғига тегди. Унга нима деярини билмай, оғзига келиб қолган гапни айтди:

— Маршал кутяпти...

— Ундай бўлса бемалол ўтираверинг, маршаллар кечаси билан ишлайдилар. Шошилмасангиз ҳам бўлади.

У қадаҳни яна тўлатди.

— Бунга ўша маршалнинг соғлиги учун ичаман. Маршалларимиз омон бўлишсин. Ўшалар бўлмаса Гитлер тунов куни Москвада парад ўтказарди. Ҳаммамизни фашистларнинг этигини мойлашга мажбур қилишарди.

Аёл қадаҳни бўшатди. Бу сафар газак қилмади. Бир зумда кўзи сузилди. Кейин йиғлашга тушди.

— Эримни ўлдиришди, бу қонқусгурлар. Ешгина туриб, тул қолдим... алаимдан ичяпман...

У яна арақ қуйди...

Равшанов бу ўтиришнинг охири нима бўлишини сезди-да, официантни чақириб, ҳисоб-китоб қилиб, ресторандан чиқиб кетди.

Бегона аёл столдаги шишани тутамлаганича қолаверди.

«Эрини фашистлар ўлдирганмиш... Ешгина туриб тул қолганмиш... Алаимдан ичаётганмиш... Ифлос! Эрингни ўлдирган бўлишса қасос олмайсанми! Фронгда фашистлардан қасос олаётган аёллар камми! Эри ўлдирилган аёлга ресторанда бало борми?»

У анча вақтгача ресторандаги кўрган, билган, эшитганларини ҳазм қилолмай ўтирди, кечаси каравотда ётганида ҳам шу манзара кўзидан нари кетмади.

«Сенинг хотининг ҳам тирик тул қолганди. У ҳам шу кунга тушганмиди? Йўқ, уни янглиштиришган эдилар. Йўлдан уришган эди ҳаромилар».

Уйқуси келавермагач, тасбеҳини қўлига олди-да, ўнг қўлида доналарини саралаётгандай бармоқлари орасидан бирма-бир ўтказди, тасбеҳ мунчоқлари бармоқлар орасидан сиқилиб ўтарди-да, унинг бармоқларига роҳат бағишлагандай, хаёлини андак ўзига тортгандай, бинобарин, таранг турган асаб торини бирмунча бўшатгандай бўлар эди. Шу алфозда анча ўтирди. Охири бу эрмакдан ҳам зерикди-да, тасбеҳни ўзидан нари қилиб, шифтга тикилди. Шифт қоронғилашди. Кўзини уйқу босди.

XI

Эртасига Равшанов учун кечаги кундан ҳам зерикарли бўлди. Дунёда уч нарса ёмондан-ёмон: нокасдан мурувват кутиш, қочганини қувлаб етиш... Ипсиз боғланиб, бировнинг йўлига кўз тикиб ўтириш...

У бугун ҳам ипсиз боғлиқ бўлиб, ноаниқлик илмоғида эди. Икки кўзи телефон аппаратида: қўнғироқ кутарди. Икки қулоғи эшикда: навбатчининг аста тарақлатиб, чақиряптилар, дейишига интиқ эди.

Қўнғироқ ҳам бўлавермади, эшикни ҳам ҳеч ким тақиллатмади. Равшанов гўё ташландиқ бўлиб, одамларнинг эътиборидан четда қолгандай эди. Ҳамиша одамлар ичида юрган кишининг бир дақиқа ёлғиз қолгани — қўлсиз, оёқсиз, ҳатто тилсиз соқов бўлгани экан. Равшанов ўзини ана шундай бетайин ҳис қиларди.

У кечаги қаттиқ нон билан нонушта қилди. Қайноқ чой учун буфетга ҳам бормади — совуқ сув ичиб қўя қолди. Негаки, телефонга чақириб қолишларини кутди.

Газета ўқигиси келди. Киоска пастда эди. Афсуски уйдан жила олмасди. Хайриятки, бир қўлида челақ, иккинчисида швабра ушлаган фаррош хотин кўриниб қолди.

— Жон опа, битта газета келтириб беринг?!— деб ялинди Равшанов.

Фаррош аёл унинг қўлидан пулини олмади, тезлаб бориб қаердандир бир неча газета кўтариб келди.

— Зериксангиз, мана шунини ўқиб туринг. Киоска берк. Почта кечроқ келади,— деди у.

«Правда»нинг бу сонларини Равшанов ўқимаган экан. Йўлда эди шекилли. Еки плацдармга почта етиб боролмаган кунларда чиққан газеталармикин...

Равшанов аввало саҳифаларга кўз ташлаб чиқди.

Ватан...

Москва...

Оғир жанглр...

Саҳифаларнинг мазмуни ана шу мавзуга бағишланганди. Ҳозирги куннинг бундан бошқа муҳим мавзуси бўлиши мумкин эмасди.

Фронтларда оғир жанглар борарди. Бири иккинчисидан оғир маълумотлар. «Ташлаб чиқилди», «чекинилди...»

Газеталарнинг саҳифалари уни яна фронтга, жангларга бошлаб кетарди.

«Шундай долзарб пайтда, шундай қайноқ кунларда пашша кўриб ўтирибсан, Равшанов... Сени нима қилмоқчи булар? Мақсадларини айтиб қўя қолишса бўлади-ку. Сўраб сўрамайдилар, жазолаб жазоламайдилар. Арасот. Дикқинафасликда, бу қафасда сақлашдан нима фойда?»

Газета ўқишдан ҳам зериккач, у трубкани кўлига олди, кўнғироқ қилишга ботинолмай бир оз жим турди-да, таваккал қилиб ёзувидаги номерни терди.

— Аппаратда навбатчи... Эшитаман!— деди трубкада офицер овози.

— Мен Равшановман. Чақиришингизга мунтазирман.— Равшанов ўрнидан туриб, рапорт бергандай гапирди.

— Кутинг. Чақирамиз!— деди-да, телефондаги офицер тарақлатиб трубкани босиб кўйди. Дағдағаси Равшановнинг қулоғини кар қилаёзди.

Шу он тўсатдан телефон жиринглаб, унинг хаёлини бўлиб ташлади.

— Лаббай!— деди у ғоз бўлиб, смирно туриб,— полковник Равшанов, эшитаман!

Аёл кишининг овози трубкада зўрға эшитиларди. Кечаги ресторанда шилқимлик қилган суюқ хотиннинг овозига ўхшади. Равшанов трубкани секин босиб кўйди.

«Мен йўқман...»

Телефон яна жиринглади. Энсаси қотиб трубкани кўтарди. Овозини ўзгартириб:

— Эшитаман,— деди.

— Мен Раяман. Шавкат ҳақида гапирмоқчи эдим...

— Ҳа, ҳа, Шавкатнинг ётган жойини билмоқчи эдим. А? Марина Рошчада?.. Ҳа, яхши. Ўзим топиб оламан.

Раянинг гапи чала қолди.

Трубкани босиши ҳамон аппарат асабий жиринглади.

— Лаббай! Ҳа, менман!

Генштаб офицери «ҳеч қаёққа жилманг, полковник, хонангизда бўлинг!» деган буйруқ қилди.

Шундан кейинги кутишнинг ҳар дақиқаси йилларга тенг бўлиб кетди. Кейин у яна газета титкилашга тушди. Бу гал у Ўзбекистоннинг Москвадаги доимий вакилликдан келтириб беришган газеталардан атоқли шоирларнинг шеърларини топиб ўқиди. Ойбек...

Ғафур Ғулом... Ҳамид Олимжон...

... Олай десанг фашистан қасос,
Кўлингга ол қилич ва олмос,
Яғринингга винтовкани ос!
Қолмай десанг айтишганда лол:
кўлингга қурол
ол!

Тошкентда чиқадиган газеталарнинг саҳифалари ана шу хил чақириқлар билан тўла эди.

«Қуёш қораймас!» дер эди Ойбек. «Улим ёвга!» деб наъра тортарди Ғайратий...

Газеталарнинг бирида юпун болаларнинг Тошкент вокзалида олинган фотоси босилганди. Фронт зонасидан кўчириб келинган ота-онасиз болалар орасида тик турган Ғафур Ғулом уларга шеър ўқимоқда эди. Уша шеърни Равшанов ҳам бир ўқишда ёдлаб олди-да, ўзича аста такрорлади. Бу шеър унинг бир вақтлар тирик етим бўлган ўғли Олимжонни эсига солди.

Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим,
Қуёшдай меҳрибон
Ватанинг — онанг,
Заминдай вазмину
Меҳнаткаш, мушфиқ

Истаган нарсангни тайёрлагучи
Халқ бор — отанг бор.
Чучима, жигарим,
Ўз уйингдасан,

Бу ерда
на ғурбат
на офат,
на ғам.

Бунда бор:
ҳарорат,
муҳаббат,
шафқат.

Ва меҳнат нонини кўрамыз баҳам.
Сен етим эмассан,
Ухла, жигарим!

Равшановнинг хаёли қочди. «Ўғлим қаёқда юрибди экан? Кимларнинг қўлида экан? Омон бўлса бас, бир кунмас бир кун отасини топиб олади. Олимжон ақли расо бола эди...»

Унинг кўзи яна телефонга термилди.

«Тезроқ чақира қолсалар эди...»

Кун ўтди. Кеч кириб қолди. Қоронғи ҳам тушди. Кутишнинг охири кўринмасди. Қорни очди. Қаттиқ нони ҳам қолмаганди. Буфет беркилиб қолибди. Бирдан-бир овқатхона кечаги ресторан эди.

У еттинчи қават навбатчисига калитни қолдириб, учинчи қаватга йўл олди.

— Сўрасалар ресторанда бўламан, — деди у навбатчи аёлга. — Шундоққина эшик олдидаги столда ўтираман. Сўраб қолсалар мени чақириб қўйинг, ўтиниб-ўтиниб сўрайман. Хўпми?

Ресторан вазияти кечагидай эди.

Равшанов кираверишдаги бўш столга ўтирди. Бир кишилик овқат буюрди. Зум ўтмай официант изига қайтди:

— Сизни дарвоза олдида машина кутаётган эмиш...

Меҳмонхона дарвозаси олдида ўйма оқ номерли, Кремль маркаси таққан пастаккина қора «эмка» эшигини очиб, Равшановни кутиб турарди. Машина кабинасида ўтирган граждани кийимидаги ёш йигит:

— Марҳамат, машинага мининг, ўртоқ полковник! — деди.

Кремль саройи ниқоб тўри остида эди. Аммо ташқаридан тўрлар кўзга чалинмасди. Биноларнинг деразалари ташқаридан қум тўлатилган қоплар билан тўсилганди. Саройга кирганда «эмка»нинг пардалари ҳам туширилди.

Ҳар одимда тўхтатувчиларга машинада ўтирган граждани кийимидаги одам жавоб — муомала қиларди. Текширувчилар баъзан унинг ўзига разм ташлаб, ҳужжатига узоқ тикилиб турардилар-да, сўнгра ўтишга рухсат берардилар.

Машина бир бинонинг эшиги рўпарасида тўхтади. Равшанов кенг, ёруғ бинога кирди. Йўлакларидagi қизил гиламлар нурдан янада ловуларди. Ёш-ёш йигитлар унинг гоҳ уёғидан, гоҳ буёғидан ўтиб турдилар.

Равшановни машинада олиб келган одам уни Сталиннинг ёрдамчиси хонасига бошлаб кирди. Қабулхона жуда оддий, аммо салмоқли жиҳозланганди. Унинг эман панели қопланган деворлари чироқ нурида олтинранг йилтираб турарди. Қутувчилар учун қўйилган стуллар бўм-бўш.

Баҳайбат столдаги саноқсиз телефон аппаратлари орқасида ўтирган сийқа бош одам ўрнидан туриб, «Салом, ўртоқ Равшанов!» деди-да, унинг олдига келиб, қўл бериб кўришди. Пастаккина оқиш юзли, ҳорғин кўринган бу одамни «ўртоқ Поскребишчев шу киши бўлса керак» деб ўйлаган Равшанов унинг чарчоқ кўзларига қараб қўйди. Поскребишчев, «андак сабр қиласиз, ўртоқ Равшанов», деди.

Равшановнинг хаёли қочди. Мияси бўм-бўшдай эди. Ҳатто Сталин у билан нима ҳақда гаплашувини ҳам, Сталинга нима деярини ҳам билмайди, бинобарин, доҳий билан мулоқотга мутлақо тайёр эмас. Бу тушунчадан унинг ваҳимаси янада кучайди. Деворнинг нарисида турган Сталиннинг салобати шунчалар, «гапиринг, ўртоқ Равшанов», деганида-чи... Секин-аста унинг хаёли ўрнига тушиб, жушёр тортгандай

бўлди, фикрини жамлаб, ўзи аҳтимол тутган барча сўровларга тайёр бўлишга уринди. Ҳамма нарсани билади-ю, аммо ўзини имтиҳонга кириши олдида гўё бошида ҳеч нарса қолмаган талабадай ҳис қилган Равшанов қўлига беихтиёр тасбеҳ олди.

Шу пайт ўртоқ Поскребишчев унинг олдига келди-да, мулойимгина:

— Илтимос қиламан, қўлингиздаги тасбеҳни менга бериб тулинг, сақлаб қўяман, — деди.

Равшанов тасбеҳини икки қўллаб узатди. Поскребишчев омонатни столининг кўк мовути устига авайлаб қўйди-да, соатига қараб олгач, кабинет эшигини очиб, ичкарига кириб кетди. Ҳаял ўтмай ичкаридан генерал Василевский, кетидан яна бир нотаниш генерал, сўнгра Поскребишчев чиқдилар. Василевский полковник Равшановнинг саломига алик олди-да, Поскребишчев билан қуюқ хайрлашиб чиқиб кетди. Нотаниш генерал ҳам Равшановга қараб-қараб қўйди-да, ғойиб бўлди.

— Ўртоқ Равшанов, марҳамат, — деди Поскребишчев унга бир қаноти очик эшикни кўрсатиб.

Кутишлардан вазминлашган Равшанов ўзини қушдай енгил ҳис қилди-да, маромида одимлаб, Сталин кабинетига кирди. Бундай кенг, ёруғ кабинетни умрида энди кўраётган бўлса ҳам, Равшанов ҳеч қаёққа кўз ташламади. Девордан Равшановга синчков боқиб, уни қаршилаган лашкарбошилар, Суворов билан Кутузов портретлари ҳам, узундан-узун столи эгаллаб турган кўк, қизил қаламларда бўяб, бежаб ташланган топограф харита-ю, мажлис ўтказиладиган кўк мовутли стол, борингки, СССРнинг энг биринчи раҳбари ўтирадиган кабинетнинг ҳеч нарсаси унинг эътиборини тортмасди. У бутун вужуди билан Сталинга интилар, унинг кўзлари фақат Сталинни кўрарди.

— Салом, ўртоқ Равшанов!

Унинг қаршисида суратларда ҳамиша салобат тўкиб, мудом табассумда турадиган, киноэкранлардан кўзига нуроний бўлиб ўрнашиб қолган қадрдон сиймо кулиб турарди. Сочлари ўшандай, мўйлаби ҳам ўша... бўйи... фақат бўйи пастроққа ўхшайдими?..

Сталин трубкасини оғзидан олиб у билан сўрашиб бўлгач:

— Грузин винолари орасида қандай винони яхши кўрасиз?

Равшанов Кремлда унга бундай савол берилишини сира ўйламаганди. Етти ухлаб, минг бор ўйласа-да, бундай сўров тушига ҳам кирмасди. Айниқса, Сталиндан мутлақо кутмаганди. Умрида грузин виносини оғзига ҳам олмаганди. Нима десин экан?..

Сталин трубкасини енгил тутатиб, унинг кўзига қараб турарди.

— Церители... — деди Равшанов оғзига келган номни тилга олиб.

Сталин девор ичига усталик билан бежирим қилиб ўрнатилган жавонни очиб, ичидаги турли-туман вино шишаларини уёқ-буёққа суриб, Равшанов тилга олган «Церители»ни қидирди.

— Омадингиз бор экан. Сиз айтган нусхадаи биттаси топилди, — деди-да, столдаги икки стаканинг бирига вино қуйиб, Равшановга узатди. Ўзига «Хванчкара» виноси қуйди.

Гоҳ вино хўплаб, гоҳ трубкасини лабига босиб тураркан, Сталин лўқма ташлади:

— Анор шарбати ичганмисиз?

— Йўқ...

— Қува анорининг шарбати жуда фойдали нарса... — деди-да, кичик сопол идишдан икки қултум шарбат қуйиб берди.

Равшанов «қуваликлар Сталинга анор юбориб турадилар» деб эшитганди. Кимдир, қувалик аскар йигитлардан бири ҳам «Сталин фақат бизди қишлоқ анорини ейди. Махсус одамлар, ишончли хўжаликнинг боғидан хил анор уздириб, хумга солиб, Кремлга олиб кетадилар» деганди. Равшанов шарбатни ялагандай, чим-чим хўплаб битирди. Кўзлари кулди.

«Ўнгимми, тушимми? Ҳеч ким менга, сени шахсан ўртоқ Сталин зиёфат қилади, демаган эди-ку. Қандай ҳодиса юз берди?»

Сталин ўша, киноэкранларда кўрингандай, трубкасини тутатиб, гоҳда бармоғи билан уни чертиб, кулини тўкиб, хонани айланиб юраркан, Равшанов қаршисида тўхталиб салмоқ, салобат билан унга боқди, бир оз жим тургач, сўради:

— Владов армияси сафида жанг қилдингиз шекилли. Шундайми, ўртоқ Равшанов?

— Шундай.

— Владов, сизнингча қандай жанг қияпти?

Равшанов нима деярини билмай ўйлаиб қолди. «Владовнинг шахси Сталинга ҳам номаълум шекилли. Унинг хусусиятини аниқламоқ учун сўраётгани сендан. Еки орамизда пайдо бўлган кичик мунозарани ҳам Сталинга етказдилармикин? Балки унинг ўз армиясини сочиб юбориб, штабини йўқотиб қўйганини айтаётгандир...»

— Ўртоқ Сталин! Генерал Владов қўмондон, мен унинг қўлида итоткор одамман.

Сталин унинг кўзига зимдан разм ташлаб олди.

— Ўртоқ Равшанов, сизни жанг тактикаси масалаларида мустақил фикрига эга одам деб айтишган эди менга.

— Афсуски, кўпинча уни амалга оширолмаганман.

— Ҳозирги маррангиз, мустақил фикрингиз меваси эмасми?

— Биргина менинг хизматим эмас, ўртоқ Сталин.

— Жуков эса, бу ишни сизнинг ташаббусингиз, деяпти.

Равшанов ерга қараб олди.

Владовга қолса сизнинг дивизиянги ҳозир Малинада эмас, Язуада туриши керак эди. Шундайми?

Сталиннинг бу гапи унга Малина бўйида Владов билан бўлиб ўтган мунозарани эслатарди. «Сталин қаёқдан билади? Бу гапларни унга ким етказди? Владовнинг ўзи айтдимикин? Нега?» Унга шу дам қабулхонада қолган тасбеҳи зарур бўлди.

Равшановнинг маъюс жимиб туришидан Сталин билдики, у ўз қўмондони ҳақида бирор фикр юритишни эп кўрмапти.

— Тушунаман,— деди Сталин унга разм ташлаб.— Қўмондонингиз ҳақида очик гап айтишдан истиҳола қиялсиз. Армиясининг имконияти даражасида жанг қилмаётганини биз яхши биламиз. Лекин Сизнинг дивизиянги бу гаплардан мустасно. Ўртоқ Жуковнинг баҳоси баланд.— Равшановнинг чеҳраси очила бошлаганини сезгач, Сталин гапида давом этди.— Мен сиздан бошқа масаладаги фикрингизни билмоқчи эдим.

— Қўлимдан келса...

— Москва бўсағасида душманнинг ҳозирги аҳволини қандай баҳолайсиз?

Равшанов жавоб беришга шонилмади ва Сталиннинг саволини аниқлаб олиш учун сўради:

— Фронт чизигидами, фронт орқасидами?

— Сиз, фашистларнинг фронт орқасидаги аҳволини яхшироқ биласиз.

— Тушундим, ўртоқ Сталин. Унинг fronti орқаси бўшашиб қолган. Бор кучини Москва остонасига келтириб қўйди. Коммуникацияси парокандароқ. Партизанлар ҳам унинг илигини қоқяпти. Қани энди каттароқ ва тез ҳаракат қилувчи куч унинг орқасига рейд қилса, унинг илигини бўсағада батамом синдириш мумкин эди.

Сталин полга тўшалган гилам пойандозда бир оз юрди. Ҳарбий этикда бўлса-да пойандозда шарпасиз одим ташлаб, харита қўйилган узун стол олдида тўхтади. Харитага қараб қўйгач, Равшановга юзланиб деди:

— Дивизиянги жуда қулай позицияда экан. Қилган ишларингиз ҳам чакки бўлмади.

— Уша кичик плацдармда қаттиқ турибмиз.

— Тўғри айтасиз. Асосий қўшинларимиз қўзғалгунча Жуков у дивизияни жойидан жилдирмоқчи эмас. Жуков тўғри қилади.



Равшанов кичик плацдармдаги камтарин хизмати Сталинга ҳам маълум, маъқул экан, дивизияни жойидан жилдиргилари ҳам йўқ экан, уни нега чақирдилар? Равшанов ўша жойда керак эди-ку!

Сталин харитага яна бир қараб олгач, ўти ўчган тамакисини қайта ёндириб, трубкада мириқиб тутун симирди-да, Равшановга бокди. — Сиз, ўртоқ Равшанов, душман орқасига рейд қилиб, унинг илигини синдириш тўғрисида гапирдингиз, — деди Сталин, — фикримиз бир жойдан чиқяпти...

Сталиннинг суҳбатдошида ҳамфикрлик ҳиссини уйғотадиган ва унда пайдо бўлган заррача яхши фикрни дарҳол қўллаб-қувватлайдиган хусусияти бор эди. Бу ҳақда Равшанов орқаворатдан анча яхши гаплар эшитганди. Ҳозир ўша гаплар кўзи олдидан исбот бўляпти.

«Демак, мени Жуков тавсия қилганга ўхшайди. Нега фронт штабидан айтмади?»

Сталин трубкасини яна қўлига олиб, унинг чўғига бир қараб қўйгач, давом этди:

— Биз, ўртоқ Равшанов, бошқа фикрда эдик. Москва бўсағасида душманни қайноқ қозонга тиқмоқчи эдик. Қозон тайёр, аммо олов кам. Ҳозирча кучимиз озроқ. Гитлерчи генералларга русча Кан ясай олмаймиз. Аммо, боя Сиз айтгандай, бу ерда унинг илигини синдира оламиз. Шундайми, ўртоқ Равшанов?

— Шундай, ўртоқ Сталин!

— Демак, сиз душманни орқасида ҳам тинч қўймаслик учун ичкарига рейд юбориш фикридасиз.

— Уни кўрпа-ёстиқда ётган жойида қиличдан ўтказиш учун энг ичкарига рейд юбориш маъқул бўларди, ўртоқ Сталин.

— Ўртоқ Равшанов, сизни худди шу мақсадда чақирган эдик. Мақсадни сўзсиз англабсиз. Бу командир учун яхши хислат. Уйлайманки, сизнинг янги тузилган, зўр қуролланган отлиқ аскарлар дивизиянгиз бу ишни яхши удалайди. Дивизиянгиз отлиқларига танкчилар, тўпчилар ҳамроҳ бўлади. Механизациялашган отлиқ дивизия. Сиз, бу кучлар билан душманнинг орқа томонида, сизни кутмаган жойларда, ўзингиз айтгандай кўрпа-тўшакда хотиржам ётган жойларида қиличдан ўтказасиз. Бу ишга сиз қандай қарайсиз?

— Жуда яхши бўларди, ўртоқ Сталин.

— Ҳам яхши, ҳам масъулиятли иш! — деди Сталин унинг чақнаб турган кўзларига боқиб. — Аммо қийин иш.

— Тушунаман, ўртоқ Сталин, — деди Равшанов. — Бу иш қанча тез бошланса ва қанчалик шиддат билан амалга оширилса, шунча зарбали бўлади. Душман бундай зарбани кутаётгани йўқ. Бу ҳақда ўйлаётгани ҳам йўқ.

Сталин қўлидаги трубкасини стол четидаги кулдонга қўйиб, чап қўлини кителига суқиб, уёқ-буёқча юрди. «Ортиқча гап қилиб қўйдимми...» деб ўйлади Равшанов. Сталиннинг одимлари дадил кўринди унга. Кифтини ёзиброқ юришидан елкаси ҳам кенгайиб, бўйни тобора тўлишиб бораётгандай кўринди.

Сталин хонанинг нариги бошидан хиёл тезлаб қайтди-да, кулдондан трубкасини кўтарди, қўлига гугурт олиб чакди, тамакисини ёндириб Равшановга юзланди.

— Тўғри айтасиз, ўртоқ Равшанов. Фашистлар тезроқ Москвага киришни ўйлаётдилар. Москвага киролмай обрўси тўкилаётганидан Гитлер ҳам тажанг. Фикрингизни давом эттиринг, ўртоқ Равшанов.

Равшанов тушундики унинг гапи Сталинга эриш кўрингани йўқ, номаъқул гап айтган бўлса, фикрингизни давом эттиринг, демасди. Номаъқул гап қилган одам билан унинг суҳбати қисқа бўлади, билган одамларнинг айтишларига қараганда, ундай вақтда Сталин, хайр, деб қўя қолади.

— Душман Москва бўсағасига ғарбдан резерв келтиряпти, ўшаларнинг йўлини тўсиш учун ҳам бу ишни тезлатиш керакка ўхшайди, ўртоқ Сталин.

«Ух, ортиқча гап қилиб қўйдинг, Темур, бу ишнинг зарурлигини Сталин сендан яхши билади-ку, билмаса янги отлиқ дивизиялар тузиб, сенга ўхшаганларни буёққа чақириб ўтирмаеди. Бошқа иши йўқлигидан сен билан атай-патай қилаётгани йўқдир».

Сталин унинг гапини тўғри топди шекилли, бош қимирлатиб қўйди.

— Ғарбдан янги дивизиялар келяпти. Яна келади. Москва бўсағаси уларга ғўристон бўлиши керак. Понамаренко партизанлари махсус топшириқ олди. Қўпоровчи гуруҳлар ҳам янада активлашди. Душманнинг ҳам жони бор. Бошлаб адабини берсанг, у ҳам юз марта қараб, бир чўқийдиган бўлади. Шундайми, аскарлар бу ҳақда қандай фикрдалар?

— Ҳақ гап шу, ўртоқ Сталин. Аскарлар Ельна жанглиридан кейин, фашистнинг ҳам заиф жойини топиб олдилар. У ҳозирча кучли, аммо заиф томонлари ҳам кўп.

Сталин ўз хаёли билан банд бўлибми, Равшановнинг сўзини эшитмай қолгандай бефарқ турарди. Аммо Сталин унинг гапини эшитганди. Аскарларимиз орасида душман қўшини енгилмас қўшин, унинг аскари ялмоғиз аждаҳо, деган ваҳимали тасаввур юрарди. Москва бўсағасида бу тасаввур аста-секин ўзгара бошлаганди. Айниқса Ельна жангидан фашист дивизиялари тор-мор қилингандан кейин аскарларимизда ўз кучига ишонч пайдо бўла бошлаганди. Душман армиясининг кучи тўсатдан ҳужум имтиёзи, автомат қурол даҳшати, авиация устунлигида эди. Бу хил қурол бизда яралмоқда эди, аммо у ҳали фронтга етиб улгурмаганди.

— Душманнинг ана шу заиф томонини сиз яхши биласиз, ўртоқ Равшанов, бинобарин, ўша заиф жойини топиб, қандай уришни ҳам биласиз. Бунга ишонаман. Шунинг учун душман фронти орқасида иш кўрадиган отлиқ дивизияга сизни тайин қилдик.

Равшанов ғоз туриб, сўз қотмай, Сталиннинг кичик, сарғиш кўзига, тўппа-тўғри кўз қорачиғига тикилиб, фармон кутиб турарди.

Сталин қўли билан, «вольно» дегандай ишора берди-да, чап қўлини орқасига олиб, ўнг қўлидаги трубкани чертиб-чертиб, унга маънодор разм ташлади-да, аста деди:

— Кеча Усмон билан ҳам телефонлашдим. Отни яхши кўрар экансиз. Яна отга минишингиздан ва сизни қувноқ ишлар кутаётганидан у ҳам севинди.

Равшанов икки қўлини ёнига босиб, янада ғоз туриб олди.

— Умрбод миннатдорман, ўртоқ Сталин!

Кабинет эшиги аста очилди. Гилам пойандозда шипиллаб юриб келган Поскребищчев Сталин рўпарасида тўхталиб, «Аппаратда Усмон Юсупов» деб хабар қилди-да, изига қайтди.

Сталин хиёл чапга бурилиб, трубкани қўлига оларкан, «эшитаман», деди. Узоқ Ўзбекистонда гапираётган бўлса ҳам, Юсуповнинг ўзига хос ингичка, лекин қудратли овози тиниқ, сўзлари қисқа, рапорти лўнда ва ишчан эшитилди. Сталиннинг қоши баландлаб, мошранг кўзида ва оқ оралаган мўйлови остида табассум аломати пайдо бўлганидан Равшанов сездики, Усмон Юсупов маъқул гап қилмоқда эди. Сталин уни эътибор билан тингларкан, «А? Самолёт чиқара бошладиларингми? Жуда соз!» деб ўрнидан турди ва Юсуповнинг бошқа рапортларини ҳам тик туриб тинглади. Равшановга унинг мошранг кўзлари қувончдан уққунлангандай бўлиб кўринди. «Бу маҳорат ва жасорат мақтовга лойиқ, Юсупов!» деб Сталин трубкани ричағига қўйди-да, шу заҳоти бошқасини кўтарди. Телефонда «Лаббай, ўртоқ Сталин!» деган овозни эшитиб, деди:

— Вершинин! Табриклайман! Чкалов заводи Тошкентга борасолиб ишга тушибди. Ҳатто дастлабки маҳсулотни бугун фронтга жўнатишибди. Нима? Тўғри айтасиз, ўзбекларнинг бу матонати эътибордан четда қолмаслиги керак. Ҳа, яхши.

Кейин Сталин суҳбатдошига юзланиб, «кечирасиз, ўртоқ Равша-

нов,— деди,— темирни қизигида босган яхши». У яна бошқа телефон апаратини қўлига олди:

— Хрулёв! Юсупов билан телефонда боғланинг. Ўзбекистон заводларида тўпланиб қолган ўқ-дори билан миналар, ҳарбий кийимга қўшимча составлар жўнатиб. Нима? Йўқ. Ўзбекистон Россия ғалласидан воз кечди. Ўзларини ўзлари эплармиш. «Юсупов, бизга аталган дон-дун Ленинградга юборилсин» деяпти. Яхши ташаббус!

Сталин трубкани ричагига қўйиб улгурмай яна қаёққадир кўнғироқ қилди ва телефонда «Генерал Городовиков эшитади» деган кувноқ овоз жаранглагач:

— Ухлаганингиз йўқми, Ока!— деб ҳазиллашди.

— Отлиқлар ҳамиша уйғоқ ўртоқ Сталин!— деди Ока Иванович Городовиков қувнаб.

— Янги тузилаётган дивизия ишлари қандай борапти?

Отлиқ қўшинлар бош қўмондони генерал Городовиков Ўзбекистон от юбормаяпти, деб нолиди шекилли, Сталин қўл силтаб қўйди:

— Кечикиб қолибсиз, Городовиков. Жиззах от заводидан йўлга чиққан қорабайирлар эшелонлари экспресс тезлигида келяпти. Осиё жанггариларини кутиб олишга кечикиб қолмасангиз бўлгани.

Телефон орқали бериладиган йўл-йўриқларини тугатгач, Сталин трубкасини қўлига олиб, ўти ўчган тамакисини бошқатдан ёндириб, тутун тортди. Кейин Равшановга юзланди.

— Миллий командирлардан юқори мансабли лашкарбошилар етиляпти. Генерал Баграмян ўз муваффақиятлари билан бутун дунё арманларини севинтирди. Сиздан ҳам умидимиз катта, ўртоқ генерал!

Равшанов ҳайрон бўлиб, шу заҳоти изоҳ беришга шошилди:

— Мен генерал эмас, полковникман, ўртоқ Сталин. Бу унвонни ҳам яқинда беришган.

Сталин трубка ушлаб турган қўлини аста силтаб қўйди.

— Янги тузилган отлиқ аскарлар дивизияси билан, душман орқасига ўтасиз, ўртоқ генерал.

Равшанов сўзсиз қуллуқ қилди-да, ўйга чўмиб қолди.

Сталин унинг қайноқ кўзларига қаради-да, харита ёнига чақирди.

Равшанов чаққон бурилиб, харита олдига келди.

— Рейд майдонингиз мана шу ерларда ўтади... Ёлғиз эмассиз. Белов, Доваторлар ҳам сиз қиладиган ишлар билан машғул. Бу соҳада тажрибамиз йўқ эмас.

— Фидойиман, ўртоқ Сталин!— деди Равшанов.— Кетишга рухсат этинг!

Сталин унинг чўғдай ёниб турган кўзи-ю, ишга ҳозир у нозир кўринган вужудига боқиб, ичдан мамнун бўлса-да, хиёл юз ўгириб туриб деди.

— Баъзан қизиққонлик қилар экансиз?

— Ўртоқ Сталин, иқрор бўлишим керак, Владовда менинг устимдан бир қучоқ материал бор...

— Бир жосусни отиб ташлаганингиз тўғрисидами ёки бошқаси ҳам борми?

— Бошқаси йўқ, ўртоқ Сталин.

— Уша нусха Сизни қармоққа илинтиргани юборилган экан, ўртоқ Равшанов,— деди Сталин.— Менга сиздан олдин кирган ўртоқлар муфассал гапириб бердилар. Сал қизиққонлик қилибсиз, ўртоқ Равшанов, контрразведкачилар уни сўроқ қилолмай қолганидан ранжибдилар. Ҳечқиси йўқ. Берлинга кирганда уларнинг лаққасини тирик ушлаб берасиз-да, улар билан орани очиб қилиб юборасиз.— Сталин бир оз ўйланиб тургач, Равшановга далда бериб деди,— душман орқасидаги рейд ишида қизиққонлик айниқса керак бўлади. Бошимизга қилич кўтариб келганлар ўша қиличда қирилиши керак!

— Фидойиман,— деди Равшанов бояги сўзини такрорлаб...

Сталин мийғида мамнун кулиб қўйди.

Равшановни пастда Кремль коменданти кутиб турганди. Узоққа

бошлаб юрмай, Кремль хоналарининг бирида унга отлик аскарлар генерал-майор кийимини кийдирдилар. Бухоро қоракўлининг кулранг суридан тиқилган папоҳ, йўл-йўл мағизли пистаранг шим, шпорли хиром этик... Шинель ўрнига енгсиз чакмон — кавалерия буркаси... Кумуш филофли шамшир...

Равшанов ўзини-ўзи танимай қолди. Отлик генерал кийими ўзига қуйиб қўйгандай ярашиглиқ эди!

— Тулпор қани? — деди уни ясантирган интендантга.

— Бу либос сизга Олий Бош Қўмондон тортиги. Бошқа нимаики лозим бўлса, аттестат билан корпус интендантидан оласиз. Отни ҳам.

XII

Тўплар овози эшитилмайдиган, душманнинг тактик авиацияси ҳужум қилолмайдиган жойда, қалин ўрмон ичида отлик аскарлар дивизияси тузилмоқда эди.

Равшанов қўмондонликни қабул қилган куни унга сўнгги эскадрон келиб қўшилди.

Бош штабдан йўл-йўриқ олиб, дивизия тўғрисида маълум ахборотлар билан қуролланиб келган Равшановни қойил қилган дастлабки таассурот шу бўлдики, шунча от, шунча одам бирорта дарахтни нобуд қилмаганди. Уларда фронтчиларга ўхшаш нобудгарчилик йўқ эди. Ҳар бир қарағай, ҳар дона қора қайин ўз жойида чирой тўкиб турарди.

Генерал Равшанов, яна бир нарсага қойил қолди: бутун бошли отлик дивизия жойлашган ўрмонда жимлик ҳоким эди. На отлар шарпаси ва на аскарлар овози эшитиларди. Қоровуллик хизмати ҳам яхши ташкил қилинган экан, уни бир тош нарида тўхтатдилар ва штабгача патрулларнинг ўзлари кузатиб келдилар.

Штаб ҳам ўрмон ичида, аммо қапада эмас, фронтдагидек ертўлада эди. Саперлар қурган бу бошпана томидан деворигача рисоладаги инженерлик қоидаси талаб қилгандай пухта эди.

Янги тайин қилинган командирнинг доврўғи штабга ўзидан аввалроқ етиб келганди. «Дивком тажрибали фронтчи эмиш... Гитлерчилар билан чегарадан бошлаб жанг қилиб келармиш... Фашистларнинг fronti орқасида ҳам узок вақт уларга қирон келтирганмиш.»

Аскарлар орасида ҳам унинг ҳақида яхши гаплар тарқалганди. «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин. Бизни уруш кўрган тажрибали командир жангга соларкан. Бундай командир билан бирга мириқиб жанг қилса бўлади».

«Дивкомимизни шахсан ўртоқ Сталин танлаб юборибди. Демак, дивизиямизга ишонч катта экан!»

Қўшилма комсоставининг ҳам қувончи ана шундай эди.

Генерал Равшанов ўзидан аввал етиб келган бу хил қанотли гаплардан ва янги командир хусусида шахсий составда пайдо бўлган яхши фикрлардан беҳабар эди. У дивизияга етиб келгунча ва командирликни зиммасига қабул қилиб олгунча хавотирда эди. Инсонда «Қандай бўлади? Нима бўлади» деган хавотирланиш хусусияти бор албатта. Равшановда бу айниқса қучли эди.

«Пиёдали суворийларга бош қилиб юборибдилар. Пиёда қаёқда-ю, отлик қаёқда!» демасмикинлар? Сен от минган вақт бошқа давр эди. От — қилич — милтиқ — вассалом! Ҳозир бошқа вақт — отлиқлар ҳам тез қўзғалиб, жадал ҳаракат қилувчи жонли мотомех қўшин бўлиб қолган. Эплай оласанми? Эплашинг керак!»

Уни, фронтчи командирни, отлик аскарлар дивизиясида илиқ кутиб олдилар. Штаб бошлиғи «вақтинча дивком» подполковник Белоусовни ҳисобга олмаганда, генерал Равшанов бир кўришдаёқ ҳаммага ёқиб тушганди. Ёқимли одам ҳар жойда ҳам ёқимтой кўринади.

Белоусов, дивизияни йўқ жойдан бор қилган одам, ҳамон

«вақтинча дивком» бўлиб юрганди. Унда ҳақиқий дивком бўлиш иштиёқи зўр эди. Аммо ҳадеганда юқоридан буйруқ келавермади. Мана энди дивизия тузилиб, қуролланиб, асосий ишлар бошланадиган паллада Равшанов келди. Алам қилди унга, гаши келди.

Равшанов Белоусовнинг авзойига қараб, унинг тақдирдан норизо эканлигини сизди. Нима қилсин, буйруқ шунақа. Ҳарбийда ҳамма нарсани буйруқ ҳал қилади. Ҳарбийда, айниқса, уруш даврида ҳаракатлантирувчи куч ҳам, тақдиринг ҳам буйруқ! Буйруқ — мунозара, муҳокамалардан холи, ҳокими мутлақ! Белоусов буни тушуниши керак. Тушунмаса ўзига қийин бўлади. Балки тушуниб кетар...

Генерал Равшановнинг биринчи сон буйруғи ўзи ҳақида — ўзини бугундан эътиборан отлиқ аскарлар алоҳида дивизиясига командирлик қила бошлагани ҳақида бўлса, иккинчи сон буйруғида у, Белоусовни штаб бошлиғи қилиб тайинлади.

— Бирга ишлаймиз! — деди у Белоусовга. — Дивизия тузишдаги яхши хизматларингиз унутилмайди!

Шундай деб уни тинчитди ва яхши муомаласини аямади. Аммо унинг қадам ташлашлари, иш услуби сира-сира Евдокимовга ўхшамасди. Евдокимов билан Белоусов ўртасида ер билан осмонча фарқ бордай кўринди. Евдокимов тадбирли, ташаббусли, хушчақчақ одам эди. Равшанов унга штаб бошлиғим — итоаткорим деб қарамас, уни дўст-қадрдонидай кўрар эди. Белоусов бўлса ўзини Равшановдан узоқроқ тутишга, расмий муносабатда бўлишга уринарди.

Комиссар Шевелев эса Равшановга унинг акси бўлиб кўринди.

Шевелев ёш, ўқимишли, табиатан қувноқ бўлиб, юзидан табассум аримасди. У, Равшановни кўриши ҳамон эски таниш-билишдай, қадимдан қадрдондай унинг қалбига йўл топиб олди.

— Шахсий составнинг маънавий-сиёсий ҳолати пухта, бақувват! — деди Равшановга табассум билан.

Комсомолдан чиққан, ҳарбий-сиёсий академия таълимини кўрган бу хуштабиат одам Равшановга ҳам маъқул тушди. Унинг яхши хислатлари Красухинни эслатарди, фарқи шуки, Красухин от минолмасди, бу комиссар чопаётган отга ҳам чаққон миниб, сакраб тушарди.

«Полкларнинг командирлари ҳам «наят» экан», деди ўзига ўзи, улар билан танишгач. Буларга ҳар қанча юк юксала оғир тушмайди. Ёш, саводли, энг муҳими, ғайрати тўлиб-тошган ватанпарвар йигитлар».

Аскарлар, комиссар Шевелев айтгандай, ҳар жиҳатдан пухта, бақувват йигитлар эдилар. Уларнинг кўпи отлиқ қўшинларда хизмат ўтаб чиниққан кишилар бўлиб, ҳарбий тайёрлиги етарли эди. Айримлари запасдан чақирилган, бир озгинаси колхозлардан олинганди, аммо улар ҳам отнинг пири ҳисобланардилар.

Отларни кўриб, генерал Равшановнинг кўнгли янада равшанлашди. Сара отлар йиғилганди. Мамлакатнинг кўпчилик от заводлари, шу жумладан Туркменистон ва Жиззах от заводларининг отлари сараланганди. Отларнинг ёли таралган, сағриси ялтироқ бўлиб, устига тухум қўйилса ерга тушмасди.

Ранги бир хил бўлса ҳам қулоқ чимириб, туёқ ташлаб туришлари ҳар хил эди. Бири қуёнқулоқ, иккинчиси қамишқулоқ, оёқлари найдай, туёқлари стакан янлиғ бежирим кўринарди.

— Қорабайир меники бўла қолсин, — деди генерал дидига ёққанини танлаб. — Худди Самарқанддаги отимга ўхшаркан.

— Мен ҳам сизга шунисини тавсия қилмоқчи эдим. Гапимиз бир жойдан чиқди. Исми Лочин бу жониворнинг! — деди Шевелев, табассум билан.

Генералнинг жиловдори — отбоқарни чақириб келдилар. Отбоқар келишган йигит эди. У, қоматини ростлаб, рапорт берди.

— Ўртоқ генерал! Сизнинг от етакловчингиз — отбоқар Николай Вилданов бўламан, — деди у шпорини жаранглатиб. — Хизматингизга доим тайёрман, буюринг, ўртоқ генерал!

— Қорабайрнинг феълени биласизми, Николай?

— Беш қўлдай, ўртоқ генерал.

Равшановнинг от танлаётганини эшитиб, қандайдир баҳона билан Белоусов ҳам уларнинг олдига келди. У келганда Равшанов Лочинни эркалаб, пешонасини силаб, ёлини тарамоқда эди.

«От билан гаплашишни биларкан, бу генерал... Лочин ҳам уни тан оляпти-я».

Равшанов Николайга, отни эгарлаб, юганлашни буюрди.

Отбоқар чаққонлик билан Лочинни эгарлаб, юганлаб командирга рўпара қилди.

Белоусов генералнинг эгар ушлаши, узангига оёқ қўйиш: чаптастлигини кузатди. Равшанов от минишни унутмаганди: эгарга қўли тегиб-тегмай, узангига оёғи етиб-етмай лип этиб отга миниб олди. Лочин мамнун бошини ғоз қилиб, буюринг, генералим, дегандай кишнаб қўйди.

Эгарда савлат тўкиб Равшанов Лочинга мос салобатли кўринарди.

XIII

«Машқда қанчалик оғир бўлса, жангларда шунча енгил бўлади. Урушда қандай бўлса, машқда ҳам худди шундай қилинглар. Машқлар ротакам сўқишдан ўтиши керак!»

Равшанов ҳар бир командир, ҳар бир отлик аскардан ана шундай қаттиқ талаб қилди.

У отлик аскарлар уруши тарихини яхши биларди. «Аввалги урушларнинг ҳаммасини отлик аскарлар сўқишидан иборат бўлган. Кимки чопқир отда пухта ўтирса, қайси аскар эгарда маҳкам ўтириб, қуролини моҳирона ишлата билса — марра ўшаники эди».

У ҳозирчага маълум бўлган анъанаю тажрибани ардоқласада, уни янги талаблар даражасига кўтаришни кўзларди. Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кунларидаёқ отликларнинг жанглари тактик ислоҳ талаб қилди. Ҳозирги уруш моторлар уруши, техника уруши эди. Казимир давридан бери кучли ҳисобланган Польша отлик аскарлари Гитлер ҳарбий машинаси қаршисида фил билан пашшадай бўлиб қолди ва кун кўролмади. Улуғ Ватан урушининг маневрли жанглари даврида Белов отликлари янгича тактика қўлади. Унинг отликлари танк зирҳига тикка бормади, аксинча, душман танклари кетида ҳаракат қилди. Бироқ бу усул ҳам Равшановни қондира олмасди. Унинг назарида отликларимизнинг ёзда Великие Луки атрофидаги жанглари Москва бўсағасидаги сўқишлар учун эскириб қолгандай эди.

Равшановнинг отликларини янгича жанглар, ҳали синалмаган сўқишлар кутарди. Аввало уни кутаётган жанглар шароити отликлар сўқишлари тарихи кўрмаган даражада оғир, мушкул ва бутунлай нотаниш шароит эди. Қаттиқ қиш. Қор қалин. Шароит жуда оғир бўлса-да, бир жиҳатдан моторларга қараганда отликларга қулайроқ эди. Моторлилар киролмаган ўрмонга отликлар кирар, гилдираклар айланаолмаган қор устида отлар юра оларди. Хоҳлаган пайтда, хоҳлаган жойига ҳужум, атака қила оларди. Бу шароитда шу жиҳатдан Равшановнинг отликлари душман танкларидан устун турарди.

Равшанов ўзининг отлик аскарлар дивизиясини ана шу устунлик хусусиятидан ижодий фойдаланиш йўлларини топиши зарур эди. «Ким олим?» деб сўрасалар бир донишманд «сўраб билган олим» деган экан. Равшанов шу ривоятга амал қилибми ёки командирларнинг билими, лаёқатларини ҳисобга олмоқ учунми, балки, ўз фикрларини синаш учундир, офицер, ҳатто отлик аскардан фикр сўрашга истиҳола қилмади.

Ҳозирги даврда отлик қўшин жангларининг стратегияси ва

тактикаси масаласида командирлар турли-туман фикрлар баён қилсалар-да, ҳаммаси амалдаги устав ва қоидалар атрофида эди. Маълум бўлдики, Равшановнинг командирлари академия ва ҳарбий билим юртлари берган таълимни яхши ўзлаштирган, саводли кишилар эди. Аммо уларнинг орасида «амалдаги қоидалар ярамайди» дегувчилар ҳам бор эди. Равшанов ана шундай офицерларнинг ичига чуқурроқ кириб, фикрини аниқроқ билгиси келарди.

— Хўш? Фикрингизни тўлароқ билмоқчиман,— деди у Белоусов билан суҳбатда.

— От — зирх эмас. Бир ўқ қурбони. Уни танкка қарши юбориш эскилик аломати эмасми? Бу урушда чапаевчасига жанг қилиб бўладими?

— Сизни ким танкка қарши юборяпти?

Равшанов унинг кўзига боқиб турарди, у давом этди:

— Фронтни ёриб ўтиб, душман орқасида жанг қилиш чапаевчилик эмасми? Чапаев даври билан ҳозирги моторлар даври ўртасидаги фарқ ер билан осмонча-ку!

Отлиқ қўшинлар қуроли масаласида ҳам Белоусовнинг ўз шахсий фикри бор эди. «Отга туёғидан қулоғигача қурол осиб қўйилса ҳам унинг номи жонивор, демак, у мотор ҳам эмас, зирх ҳам эмас!»

Равшанов унинг ҳеч бир фикри билан баҳс қилмасди. Чунки у мумкин қадар кўпроқ фикр тўпламоққа уринди.

Дон казаклари полкининг командири подполковник Коваленко казаклар анъанасига беҳад содиқ одам бўлгани учунми, отлиқ аскарларнинг имконияти бениҳоя катта, деб биларди.

«Отлиқларни жанговар сафдан чиқармоқчи бўлган стратеглар бекор айтадилар, Яхши от миниб, ўткир қилич ушлаган казак — даҳшатдан даҳшат! Буни тарих билади. Немислар ҳам буни яхши билади. Казакка фақат яхши жанг майдони керак. Уни ўзимиз танлаймиз!» деди у.

Равшановнинг назарича, Коваленконинг фикрида жон бор эди. Ҳозирги замон урушида отлиқ қўшин стратегияси ҳам, тактикаси ҳам шуни талаб қиларди. Отлиқ аскарни отига мос, ўзига хос майдонда жангга солсанг — душман учун қирон, деб биларди Равшанов ҳам.

Фарғона отлиқ аскарлар полкининг командири майор Ваҳобов шўх йигитга ўхшаб кўрингани билан, муҳим масалаларда ўйчан, фикрловчи, ҳар ишда етти ўлчаб бир кесувчилардан эди. Равшанов уни Халхинголдан биларди. Халхинголда унинг эскадрони фронт орқасидаги япон оғир тўплар батареясини яқсон қилиб, полкига келганди.

— Менимча, отлиқ қўшин ҳар қандай қулай шароитда ҳам ёрдамга муҳтож,— деди Ваҳобов.— Айниқса, тўп билан танк кўмаги зарур! Ҳеч бўлмаса, бу хил ёрдам душман таянч пунктларини штурм қилишда сув билан ҳаводай керак!

— Душман таянч пунктини штурм қилишда дедингизми? Бу эски гап-ку,— деди Равшанов.

— Тўғри, эски гап. Отлиқлар уни айланиб ўтишга қодир.

Аммо... Танк полки ҳамкорлигида отлиқлар ҳам зирх кучига айланади.

«Танкчилар билан отлиқлар ҳамжиҳат бўлсалар, отлиқлар дивизияси қудратли кучга айланиши турган гап! — кўнглидан ўтказди Равшанов.— Аммо бу урушда отлиқ аскарга қилич билан карабин озлик қилади. Унга катта-кичик гранаталар ҳам керак. Танклар учраганида жуда қўл келадиган бошқа енгил қурол ҳам керак».

Равшанов дивначартни ҳузурига чақириб, ҳамма полкларни гранаталар билан таъминлашни буюрди, сўнгра дивинтендантни топтириб, «қанча чана, қанча чанги тайёр бўлди?» деб сўради. Интендант «базада йўқ экан» деб қутулмоқчи эди, Равшанов «топасиз!» деб буюрди.

«Интендантликка қолган ишга қор ёғади» деди-да, дивизия инженерлик хизмати бошлиғини чақирди.

— Ҳозирги урушни нима деб биласиз?

Тўсатдан берилган бу саволдан инженер-майор ҳайрон бўлиб қолди-да, оғзига келган жавобни қилди:

— Энг даҳшатли сўқиш, деб биламан.

— Бас, шундай экан, нега инженерлик хизмати жим турибди?

— Қўлимиздан келган ҳамма тайёрликни қиляпмиз.

— Ясама бўлса ҳам, чана билан чанги ясаш қўлларингиздан келадими?

— Уйлаб кўрамиз.

— Уйлашга вақт йўқ! Қилиш керак! Мен пулемётларни кўчиб юрувчи ўт очиш нуқталарига айлантиришим керак.

— Тачанкалар етарли-ку!

— Тачанкани гупчагини мойлаб омборга қўйинг. Юкларга чана билан чангилар керак! Аскарлар учун спорт чангилари топинглар.

Инженер-майор буйруқни олгач, чиқиб кетди.

Равшанов отлиқ аскар ва командирлардан уч нарсани қаттиқ талаб қилди. «Эгарда пухта ўтириб, узангига қаттиқ таяна билмаган ютқизади... Чангида юриб, йўл-йўлакай жанг олиб борганинг қўли баланд, ошиғи олчи бўлади... Керагида отдан тушиб, найзабозлилар қилиш санъатини эгалламаган ҳеч ким қолмасин! Кимда-ким шу уч талабнинг бирортасини унутаркан, яхшиси, ўзини отлиқ ҳисобламасин ва кўзимга кўринмасин!»

Равшанов Лочинга миниб, гоҳ ўрмонда, гоҳ очиқ жойда ўзи ҳам машқ қилди. У от минини унутмаган бўлгани билан от устида машқ қилиш, айиқса, қиличбозлик ҳадисини унутаёзган эди. Шуларни у тинмай ўрганди.

Дивкомнинг отбоқари отларини жиловлаб турган пайтда унинг олдига Глаша югуриб келди-да, энтикиб сўради:

— Генерал қаерда, штабдами? Ҳозир бирор ёққа кетмоқчи эмасми, а? — Кейин у отбоқарга дағдаға билан деди, — тез айт, Коля, генерал бирор ёққа кетаётгани йўқми?

Отлар қулоғини чимириб, олдида пайдо бўлган қизга салом бергандай туёқлари билан туқ-туқ ер депсиди. Коля отларини тинчитиб, Глашага жавоб қилди:

— Бор, ишингни қил, Глаша, — деди отбоқар, — генерал кўрса мени хафа қилади.

Глаша тўсатдан унинг қўлидаги тизгинни ушлаб торта бошлади.

— Бу ёққа бер, қиз бола билан гаплашишдан қўрққан одам жиловдор бўла олармиди. Бу ёққа бер тизгинни!

Уларнинг можароси устига генерал Равшанов келиб қолди.

— Нима гап?

Улар генерални қўриб ғоз қотдилар. Николай нима деярни билмай турарди.

— Коля тизгин ушлашни ҳам, отларнинг тилини ҳам билмас экан, — деди Глаша генералнинг саволига жавоб қилгандай.

— Бекор айтади бу шайтон қиз, — деди Николай. — Генералингни топиб берасан, деб ҳол-жонимга қўймапти бу шайтон қиз.

Равшанов санинструктор кийимидаги аскар қизга мулоим боқди-да:

— Николай генералини топиб берди, деб ҳисоблайверинг-да, унинг гуноҳидан ўтинг, — деди Равшанов, — хўш, менда қандай зарур ишингиз бор?

— Штабингиз устидан арз қилмоқчи эдим, — деди Глаша.

Равшанов бу чайир кўринган маҳмадона аскар қизга разм ташлаб олгач, сўради:

— Штаб устидан қанақа арз бор экан?

— Штабагилар қизларни одам қаторига қўшмаяптилар. Масалан, мени разведкада ишлашим мумкин эмасмиш. Бу қанақа феодаллик?! Мен ўнта йигит қилолмаган ишни қилишим мумкин. Бутун бошлиқ разведгуруҳ қилолмаган ишни бир ўзим қила оламан.

Мен Халхинголда ҳалок бўлган отам учун қасос олгани келганман, десам ишонмаяптилар.

— Тўхтанг, тўхтанг, қизим. Отам Халхинголда ҳалок бўлган, дедингизми?.. Қимнинг қизисиз?

— Дадам эскадрон командири бўлган. Генерал Жуков қўлида жанг қилган. Капитан Содиқов...

— Капитан Содиқов?! Бундоқ демайсизми. Дадангизни жуда яхши билардим. Қаҳрамон капитан эди. Баҳодирларча ҳалок бўлганди. Уни ўз қўлим билан дафн қилганман. Ҳали сиз ўша баҳодирнинг қизиман денг?

— Отам учун қасос олгани келганман,— деди Глаша кўзини чақчайтириб.— Самурай нимаю фашист нима — бари бир гўр!

Равшанов оталарча меҳрибон кўз ташлаб, Глашанинг елкасига уриб қўйди.

— Балли, азамат, йигитларча ғайратинг бор экан,— деди Равшанов, уни ўз қизидай билиб сенсираб.— Уйлайманки, мақсадингга етасан қизим! Штабга кириб, ўша «феодал»га менинг номимдан айт, сени разведэскадронга ўтказиб қўйишсин.

«Есть, ўртоқ генерал!» деганича Глаша штаб томонга югуриб кетди.

— Анчайин аскар йигитлар ҳам бас келолмайди, бу қизга,— деди Николай, генералга отни рўпара қиларкан.— Бу шайтон қизни ҳамма танийди. Ундан мен ҳам қўрқаман.

— Шунақа ботирми?

— Қасдлашиб қолса, манман деган одамни от устида ҳам ухлатиб қўяди. Соппа-соғ одамни телбадай ўйнатворади. Инсу жинси бор бу шайтон қизни...

Равшанов отда кетаётиб ўйланиб қолди. «Бу қизнинг разведкага интилишида ҳам гап бор экан-да. «Бутун бошли разведгурух қиллолмайдиган ишни бир ўзим қиламан» дейишида ўзига бирор ишончи бордир-да. Унинг бу хусусиятини ҳисобга олиб қўйган яхши. Урушда кўз илғамас ҳар бир нарса ҳам фавқулудда катта иш бериши турган гап».

Тушки таом бошланди. У биринчи полкдаги қиличбозлик машқидан қайтиб, тушки овқатни Шевелев билан баҳам кўрмоқчи бўлди. Равшанов унинг зўр иштаҳа билан мириқиб овқатланишига ҳавас билан боқди. Шевелевнинг шарпасиз, бежирим, ширин овқатланиши худди Красухиннинг одатини эслатарди.

«Красухиннинг ишлари қалай экан? Ҳали ҳам ўша жойидамикин, ёки уни ҳам жилдиришдиларми? Шарифа нима билан машғул экан?...»

Қадрдонларни қўмсаган кўнгил тушки овқатдан сўнг уларга мактуб ёзишга ундади. Красухинга ёзилган мактуб ҳол-аҳвол сўраб, унга муваффақият тилашдан иборат бўлди. Командирлик қийнамади-ми уни? Қаршисидаги душман безовта қилмаяптими ёки унинг ўзи душманини савалаб турибдими. Летуновнинг авзойи қалай? Ундай одамларга бало ҳам урмайди... Шарифани тинч қўйса бас. Шарифадан дўстлар хабардор бўлсалар кифоя, мен уни Летуновга ем қилиб қўймайман...

Ундан кейинги хати Шарифахонга аталганди. Мана энди Равшанов дилидагини унга бемалолроқ изҳор қила олади. Равшанов Шарифахонни чиндан яхши кўради. Шарифахонсиз унинг ҳаёти зерикарли. Аммо зерикишга ҳаққи йўқ! Янги жойдаги ишга бир эмас, юзта Равшанов ҳам озлик қиладиганга ўхшайди. У билан юз кўришадиган кунлар яқинлашиб қолди. Дивизия рейдга чиқиши билан юз кўришиш, ҳаттоки биргалашиб олишга ҳам йўл очилади.

Ана шундай мазмунда Шарифахонга ҳам мактуб йўллағач, Равшанов китоб қарашга тутинди. Отлиқ тактикасини ва стратегиясига оид китоблар, уставлар орасида ҳали унинг кўзи тушмаганлари ҳам бор эди. Уни бошқа халқларнинг отлиқлари орттирган тажрибалар,

турли усуллар қизиқтирарди. Мўғулларнинг арқон билан овлаш усули унга жуда маъқул келди.

«Яхши усул. Қўллаш керак!»

Бу усулни унинг ўзи синаб кўрди-да, командирларга намойиш қилди. Сўнгра эскадронларда жорий этди.

— Фрицлар кўрмаган, синамаган усул бу. Душманга синашта бўлмаган усул билан жанг қилиш — ғалабанинг калити!— деди у командирларга.

Интендантлар қаёқлардандир арқон топиб келдилар. Бу «янги қурол» билан дастлаб разведкачилар таъминландилар.

— Улоқчилар борми?— Равшанов командирлар орқали суриштирди.

Жами улоқ-кўпкар чопиб, тажриба тўплаган аскарлардан тузилган алоҳида эскадронни Равшанов «махсус топшириқлар эскадрони» деб атади ва бу бўлинмани ўзининг қанотида сақлади.

Ниҳоят, Равшанов отлиқ аскарларининг «қувноқ иши» бошландиган вақт келди. Равшанов душман орқасига «шамшир рейди» бошлаш ҳақида жанговар буйруқ олди.

«Шамшир рейди»нинг мақсади аниқ: фронт линиясини ёриб ўтиб, душманнинг орқасида барча жонли кучини қириб талашдан иборат эди. Уни Равшанов ўзича таҳлил қилиб, бу операцияга «Қирон» деб ном берди.

«Қирон»да қатнашувчи кучларнинг командирлари, хизматчиларнинг бошлиқлари жанг ҳамласи маррасига тўпланиш жойларини ўз хариталарига кўчириб олдилар.

— Душманга қирон!

— Беомон қирон!!

Эскадронларда янграган бу қасамёд ўрмон осмонида ҳам тўлқинларга қўшилиб кетди.

— Биринчи полк бир соатдан кейин йўлга чиқади. Кетидан иккинчи, сўнгра учинчи. Оралиқ 15 минутдан, — деди Равшанов. — Шу вақт ичида лагерда бирорта из қолмасин.

Тревога билан саф тортган полклар Равшановнинг буйруғида кўрсатилган тартибда йўлга чиқдилар.

XIV

Фронт йўли серкатнов эди. Оғир юк ортган машиналар кетма-кет ларзанглаб борарди. Машиналар кетидан сумбаларини баланд кўтариб ўрмалаётган танклардан отлар чўчиб, бурниларини катта очиб пишиқирар, безовта бўларди.

Равшановнинг эскадронлари йўлнинг икки четидан юришга мажбур бўлди. Деясалган қор совуқда қатқалоқ бўлиб қолганди. Олдинги отларнинг туёқларидан кўтарилган оппоқ муз чанг кейинда бораётганларнинг тумшуқларига ёпишиб булдуруққа айланар, тизгинлар, узангилар қиров боғлаб қоларди.

Отлиқлар фронт линиясига яқинлашганлари сари тўпларнинг гумбирлари аниқроқ эшитила бошлади.

Олдиндаги эскадрон фронт йўлидан ўрмон сўқмоғига бурилди. Отларнинг туёқлари андак енгил тортгандай бўлди. Аммо синган шохшабба, дарахтлар оралаб юриш ҳам осон эмасди.

Ниҳоят, тонг отар чоғи тайин қилинган жойга етиб келдилар. Равшанов алоқачи чопқирларни полкларга юбориб, улардан сўнгги маълумотларни олди. Маълумотлар жамлангач, ҳамма қисмлар бехатар маррага етиб келганини аниқлаб, комиссар Шевелев ҳамроҳлигида командарм ҳузурига йўл олдилар.

Командарм афтидан туни билан ухламаганми ёки бирор хавфдан асаби бузилганми, тажангроқ кўринар, бинобарин, овози асабийроқ дўрилларди.

«Хўш, келдингми?» деди-да, Владов гўё Равшановни энди кўраётгандай унинг бошидан оёғирача кўз ташлаб олди. «Сарполар муборак бўлсин» дегиси ҳам келди, аммо янги одам — комиссар Шевелев олдида ўзини босди. Яқиндагина фронт штабига гуноҳкор сифатида жўнатилган полковник отлиқлар генерали формасида, янги миссияда пайдо бўлиши уни таажжубга солганди. «Равшановнинг устида шунча юк борлигини билардилар-ку, делосини чақиртирган эдилар-ку. Наҳотки папкасини очиб кўрмадилар!» деб ўйлади Владов.

Равшановнинг назарида унинг эски таниши, эски қўмондони Владов ҳамон Равшановга шубҳа билан қараётгандай эди. «Кекчи одам экан бу Владов, ҳамон эски гапларни унутолмапти», — деб кўнглидан ўтказди у. — Афсуски яна шунинг қўлига тушдим... Нима қилай, отлиқлар рейдини бошлаш учун Владов армиясининг ҳозирги марраси қулай. Бошқа жойни талаб қилишнинг имкони йўқ». Равшанов бошлаётган ишнинг дастлабки муваффақияти Владовнинг муносабати-га ҳам боғлиқ эди. Равшановнинг назарида унинг муносабати яхшилик томонга ўзгармагандай, у ҳамон дилида тош сақлаб тургандай эди.

Владов ундан вазифа олгани «ихтиёрингизга келдим, ўртоқ генерал, буюринг!» дейишини кутди. Равшанов ундай демади, ўзини мустақил тутди, ҳатто юқоридан махсус топшириқ билан келган оҳангда ва унинг — Владовнинг назарида димоғдорроқ гап қилди.

— Янги тузилган алоҳида отлиқ дивизия Сизнинг полосангиздан душман линиясини ёриб ўтиш учун келди.

— Хабарим бор, — деди Владов совуққина.

— Мана, ёриб ўтиш схемаси... — Равшанов шундай деб, схемани унинг олдига қўйди. — Бунга шароитга қараб аниқлик киритишимиз керак.

Владов схемани чап қўли билан сал нари суриб қўйди.

«Сталиннинг махсус топшириғи Владовга етиб келмабди шекилли. Ёки етиб келгани учун атай тутун қайтаряптими бу индамас. Гаши келдими, ғайирлик қиляптими ё?»

Генерал-лейтенант Владов, комиссар Шевелевга бир қараб олиб, Равшановдан сўради:

— Дивизиянг қаерда, Равшанов?

Равшанов столда ёзиқли турган харитага бориб, хиёл энгашди ва керакли жойини топиб бармоғи билан кўрсатди.

— Мана бу квадратда.

— Талафотсиз етиб келдингми?

— Талафотсиз, ўртоқ генерал-лейтенант. Ставка топширигини бажаришга тайёرمىз! — деди Равшанов. — Бизга йўл очиб берадиган командир билан боғлансам бўладими?

Командарм генерал Владов Кавдивком Равшановга хўмрайиб қараб қўйди-да, салмоқли оҳангда жавоб қилди:

— Афсуски, ҳеч ким сенга йўл очиб беролмайди. Аксинча, ўзинг ҳам йўлтўсарлик қиласан. Мана бу участкада хавфли жой бор, — Владов харитага бармоқ ниқтади. Икки армиянинг оралиғи, менинг чап биқинимга тўғон бўласан.

— Отлар билан-а?

— Йўқ, — деди командарм. — Отларни нарироққа элтиб қўясизларда, борлиқ куч билан пиёда бўлиб, шу оралиққа чўк тушасизлар. Немис шу оралиқдан ёриб киришга уриняпи. Сизлар қалқон бўласизлар. Маррани зудлик билан эгалламасанг кеч қоласан. У ёғи... трибунал.

Равшанов устидан совуқ сув қуйиб юборилгандай бўлди. У дивизияни «қувноқ ишга» шайлаган эди, командарм Владов уни балчиққа ташляпти.

«Владов Олий Бош Қўмондоннинг планларидан бежабармикин? Балки план ўзгаргандир... Ундай бўлса бундан мени нега огоҳ қилмадилар?»

— Менинг вазифам бошқача эди-ку.

— Вазият кўтармайди! — деди Владов тажанглик билан. — Немис бостириб келяпти. Шу аҳволда қаёқдан қандай ёриб ўтасан? Йўлни сенга ким очиб беради? Ердан бериш қўлимдан келмайди, аксинча, армиям районидаги ҳамма борлиқ кучни, шу жумладан сени ҳам немис йўлини тўсишга ташлашим керак бўлиб қолди. Дивизиянг менинг мудофаа районида турибди. Буюраман: зудлик билан маррага бор!

Равшанов аста сўради:

— Жанговар вазифам ўзгараётганидан юқори штаб хабардорми? Владов унга хўмрайб қараб, баланд овоз билан такрорлади:

— Менга армиям районидаги борлиқ кучни немис йўлига қалқон қилиш ҳуқуқи берилган. Буйруқни бажар, Равшанов. Кечиксанг — трибунал!

Равшанов юқори штабнинг бундай фармойиши бор-йўқлигидан беҳабар эди. Командармнинг буйруғини бажаришга мажбур бўлди, аммо бу ҳақда шифровка юборишни кўнглига тугиб қўйди.

— Қўмондоннинг гапи менга ёқмади, — деди Шевелев йўл-йўлакай Равшановга. — Гапини қаранг. Нуқул трибуналдан келади. Биринчи кўришдаёқ шундай совуқ гап қиладими?

Равшанов индамай борарди. Унинг ичида айтадиган гаплари кўп бўлса ҳам ёрилмади. Командармнинг ҳукми вожиб!

— Комиссар! — деди Равшанов Шевелевга. — Одамларни атакага шайлаб қўйгандик. Энди ер кавлашга мажбур қиламиз. Рухий ҳолат торини бошқатдан тортиб, таранглаш керак. Сизга иш кўпайди. Урушда кутилмаган ҳодисалар кўп бўлади. Буниси — ҳали ҳолваси...

Шевелев ҳам шу фикрда эди. У аскарлар ва офицерларни аввалги рухий ҳолатдан янги рухий вазиятга қайта таранглаш тадбирлари ҳақида ўйларди.

«Олға, орқага!» деган гап бўлди-ку. Бу гапларни қайси оғиз билан айтасан? Аммо айтишинг керак. Сен аскарнинг юрагига кирадиган, юрагида юрадиган кучсан, комиссар Шевелев!»

Полклар кутиш жойларига ўрнашиб, отларнинг тақаларини текшириб, эгар-жабдуқлари-ю, ёппа юкларининг ҳолатини текширишга улгурмай, алоқа офицери командармнинг жанговар буйруғини олиб келди. Равшановга оғзаки айтилган гаплар буйруқда батафсилроқ баён қилинганди.

Генерал Равшанов чақирган комсостав кенг қанотли, қалин баргли кекса ольха остига тўпланди.

Биринчи бўлиб казаклар полкининг командири подполковник Коваленко етиб келди. Ундан кейин Фарғона полкининг командири майор Ваҳобов пайдо бўлди. У эллик одим нарида жийронидан сакраб тушди-да, жиловини отбоқарга тутқизиб, Коваленко ёнига келди. У бурқаси ичида ярқираб турган шамширини чап қўли билан кўксига босиб, тезлаб келаркан, Коваленкога ўнг қўли билан честь берди:

— Аълочи қиличбоз суворийлар бошлиғига салом!

— Новатор аскарлар майорига ҳам привет!

— Мен ростдан айтганман, дўстим, — деди Ваҳобов қиличини бурқаси ичига яшириб, унга иккала қўлини узатаркан. — Дон казакларининг қиличда моҳир ўйин қилишини кўриб, чиндан ҳавасим келди.

— Йигитларингизнинг машқига менинг ҳам кўзим тушди. Танкларнинг тўсатдан қилган ҳужумини даф қилиш усулини машқ қилишаётган экан. Аввало кулгим қистади. Танк қаёқдаю от қаёқда! Кейин қарасам, донолик кўринди. Танкка чап бериб гоҳ сўлга, гоҳ ўннга, гоҳ орқага граната ташлаш санъатини ўрганишяпти экан. Бу машқда гап кўп, ўртоқ Ваҳобов. Новаторлик!

— Эртага вазият шуни талаб қиляпти, дўстим. Зирхни қилич билан кесиб бўлмайди-да. Ноиложликдан чиқиш учун шунақа тактика ҳам зарурга ўхшайди.

Коваленко трубкасини лабидан олиб, бармоғи билан чертиб, кулини туширди-да, унинг яна лабига босиб, қуюқ тутунни симирди, кўзларини катта очиб, Ваҳобовга боқди.

— Мен ҳам шу усулни казакларга ўргатяпман. Казакларим қиличининг кучига беҳад ишонадилар. Айтанингиздай танкни қилич билан қиймалаб бўлармиди! Казакка яйраб қилич урадиган жанг майдони керак! Нима ҳам қилардик, Ватан буюрса душман танкига ҳам от солишга мажбурмиз. Вазият шунақа...

Бирин-кетин бутун комсостав ҳозир бўлди.

Тайин қилинган соат ва минутда дивком Равшанов, комиссар Шевелев пайдо бўлдилар. Буларнинг кетидан штаб бошлиғи Белоусов харита қўлтиқлаб турарди.

— Қулайроқ ўтиринглар, ўртоқлар. Сизларга таклиф қиладиган стулларим йўқ, — деди Равшанов.

Ҳар ким ўзига қулай бўлган жойга ўтирди, шитирлатиб хариталарини очиб, планшетларининг устига жойлади, ўткир учли кўк, қизил қаламларини қўлларига олиб, ҳамма гўё бир кўз бўлиб Равшановнинг оғзига термилди.

Ҳамма душман устига атака бошлаш ҳақида буйруқ кутар, қачон қаердан ва ким билан ҳамкорликда ёв бошига ёпирилиш тартибини билмоқ учун бутун вужуди билан тинглашга тайёр турарди.

Равшанов сапёрлар тезликда ясаб қўйган табуреткага ўтириб, ясама стол устидаги харитага кўз ташлаб олдида, аста, салмоқ билан гап бошлади.

Армиямиз участкасидаги вазият оғирлашди. Душманнинг Москвага қилаётган учинчи ҳужуми авжига чиқди. Шу янги вазият туфайли бизнинг вазифамиз ҳам вақтинча ўзгарди. Командарм Владов буюрди: биз зудлик билан мудофаа марраларини эгаллашимиз керак. Буюраман: отлиқ аскарлар пиёда ҳолатига ўтказилсин. Отлар ҳозирги марраларида лагерь ҳолатига кўчирилсин. Ҳар эскадрон штат даражасида отбоқарлар қолдириб, шахсий составни мудофаа жангига ҳозирласин! Муддат икки соат.

Командирларнинг қўлидан қиличи тушгандай бўлди ва бир бировларига ҳайрон қараб қўйдилар. «Мана сенга тўсатдан атака, мана сенга ичкарига рейд...»

Равшанов давом этди.

— Ўйлайманки бу ишларни комиссарлар, сиёсий ходимлар, ўринбосар командирлар ижро қилар. Биз эса мудофаа маррасини кўриб келаемиз.

Комиссар Шевелев генерал Равшановга қараб олди-да, ўрнидан туриб:

— Сиёсий ходимларга рухсат, — деди. — Сиёсий ходимлар ўз қисмларига бориб, дивкомнинг буйруғини изчиллик билан амалга оширсинлар. Огоҳ бўлинглар, командир буйруғи сўзсиз бажарилиши керак, уни муҳокама, мунозара қилиш мутлақо ман этилади.

XV

Вазиятнинг оқибати Олий Бош Қўмондонликка ошкор, армия штабига эса қоронғи эди.

Олий Бош Қўмондонликка маълум бўлишича, генерал-фельдмаршал фон Бокнинг «Марказ» деб аталмиш қудратли қўшинлари 16 ноябрь эрта тонгда Москвага учинчи бор қатъий ҳужум бошлаши керак эди. Маълумки, «Марказ» армиялар гуруҳининг Москвага юриши 30 сентябрда бошланиб, Октябрь ойида совет қуролли кучларининг зарбасидан эсанкираб тўхтагани. Қанча кўп қон қусган бўлса-да, немис қўмондонлиги тактик жиҳатдан бирмунча ютуққа эга бўлди. Вязьма районида фашист қўшинлари бизнинг Ғарбий ва Резерв фронтларимизнинг катта кучини, шимолроқда эса, Брянск фронтининг айрим қисмларини қуршаб олиб, зарба беришга муваффақ бўлди. Бу билан пойтахт бўсағасида хавfli вазият туғилди. Партиямиз Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Москвани ҳимоя қилиш учун бутун Москвани, бутун мамлакатни, жами ресурсларни сафарбар қилди.

Можайск мудофаа линияси жанговар ҳолатга келтирилди. Шу орада Вязьмада қуршовда қолган совет қўшинлари қаттиқ қаршилик кўрсатиб, фон Бокнинг ўн тўрт дивизиясини орқага қайтариб турди. Бу ҳаракат фон Бокнинг юришини секинлатиш билан бирга, қўмондонлигимизга катта имкониятлар очиб берди. Аввало, кенг миқёсда қўшинлар ва қурооллар маневр қилиниб, хавфли жойлар мустаҳкамлаб олинди.

Пойтахт аҳолиси окопга чиқди. Қуроол кўтаришга қурби етган одам борки, ополченслар армиясига қўшилди. Кекса ва ёш, йигит-қизнинг ҳам қўлида милтиқ, граната, ёндирувчи шишалар кўриш мумкин эди. Армия ва халқ бирликда кўрсатган мислсиз жасорати туфайли Гитлернинг Москвага жон-жаҳди билан қилган иккинчи ҳамласи ҳам қон қусди.

Гитлер армияларининг Москвага учинчи ҳамласи Волоколамск райони билан Тула жанубидан юриш бошлаб, Шимол ва Шарқ томондан Москвани айланиб ўтиб, мудофаадаги қўшинларни қуршаб олиш ва янчиб ташлашдан иборат эди. Шу мақсадга Гитлер танланган эллик бир дивизиясини жангга ташлади. Фашист қўшинлари Яхрома Каширага келиб қолди.

Армия штабига маълум бўлишича, Равшанов дивизияси жангга кирадиган участкада душман икки пиёда дивизиямизни мажақлаб ўтиб, Истра сув омбори районини эгаллаш, ундан Москвага йўл очиш ниятида эди. Шу мақсадда немис қўмондонлиги бу участкага икки инфантерия — пиёда дивизия, икки танк дивизияси ва бир неча кўмакчи қисмлар ташлаганди.

Бу кучларнинг қўмондони генерал Штраус Москва учун олиб борган икки ҳужумда адабини еб, ҳушёр тортиб қолгани учунми, бу гал айёрлик қилмоқчи бўлди. Аввало, у, мудофаада турган қўшинларни чалғитиш мақсадида дивизияларнинг гоҳ ўнг, гоҳ чап қанотларига зарба бериб кўрди. Равшанки, дивизиялар ўз қанотларини «Мана ур» деб бўш тутиб бермайдилар. Совет пиёда дивизияларининг қанотларида тиши сингач, генерал Штраус маневр қилишга, заиф жойни топишга мажбур эди.

Ана шундай заиф жой унинг учун гўё икки совет пиёда армияси мудофаасининг ўрталигида эди.

Разведкачиларимиз немис қўмондонлигининг бу маккор планини сезиб қолдилар. Немис қисмлари дивизияларимизнинг қанотларида жанг олиб бораётган айни бир пайтда танклар икки армия оралиги қаршисида тўпланмоқда эди. Уларнинг орқасида, яъни танкларга йўл очиш мақсади билан оғир тўплар батареялари жойлашади. Г. К. Жуков бу ҳақда армия қўмондонлигига кўзингни оч, биқинингга ханжар урмоқчилар, деб командармни катта хавфдан огоҳ қилди.

Равшановнинг фикрича, бу йиртиқни ямаш учун командарм ихтиёрида етарли резерв бор бўлиб, отлиқларни икки буклаб шу тешикка тиқиши шарт эмасди. Сталин тўғри айтди, Владов уставга хилоф ишлар қиляпти... Афсуски ҳозир мунозарага вақт қолмади.

Комиссар Шевелев ҳам шу фикрда эди. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, дейдилар. Танкка қарши отлиқлар... на тактика ва на стратегия рисоласига тўғри...

Бу воқеани жангчилар ҳам ўзаро ўзларича мулоҳаза қилардилар. Комиссар Шевелев уларнинг мулоҳазаларини ўз қулоғи билан эшитди. Бундай ҳазиломуз мулоҳазаларни ҳаммиша Оқсоқол билан Ботиржон бошлаб берардилар. Шунинг учун ҳам уларга отлиқ аскарлар «девоған ростиўйлар» деб ном қўйган эдилар.

Шевелевнинг улар взводига келганини билибми, билмайми, уларнинг аскияларини комиссар эшитаётганини сезибми ёки сезмайми, отлари устидан юklarини тушираркан, иккиси овозининг борича гап сотарди.

— Ботирбой. Табриклайман!

— Нима билан?

— Сувдан чиққан балиқ бўлганинг билан.

— Сени ҳам қутласам майлими, Оқсоқол?

— Нима билан?

— Тулпорингни обмоткага арзонгина алмашганинг билан, ҳе-ҳе-ҳи-ҳи-ҳий... Боладимми! Тузукми.

— Бошлаб бўпсан. Ҳа, майли, сенинг фойданга бир-у, ноль «тузукми». Аммо билиб қўй, кечаги васиятни унутма! «Тузукми».

— Нимаиди?

— Каска масаласи...

— Бош омон бўлса пиёдага каска кўп. Тузукми. Керак бўлса фридан ҳам тортиб олавераман. Тузукми. Аммо оёгингни маҳкам тут, шпорингни олғирлар «шилиб» кетмасин. Виласанми, яна эгарга миң, десалар, йўқолган шпорнинг қўнғироғи минг танга бўлади. Тузукми. Ёнингда ҳеморинг йўғ-у, минг тиллони қаёқдан топасан. Ҳо-ҳо-ҳи-ҳи-ҳий... Икки-ю, нолми? Тузукми.

— Шошилма, укам. Бомбардимон чоғида окопда бошинг билан юмронқозиқ бўлганингда шпоринг қўлимга текинга тушади. Мана буниси бир-у, бир! дейдилар. Билдингми.

Ташқарида отлиқ аскарлардан бири отдан эгар-жабудуқларини ечаркан, кучаниб туриб луқма ташлади:

— Отдан айрилиб, окопга кирмай туриб морадерликни машқ қилишяпсанми, «тузукми», «билдингми»чи отлиқ пиёдалар?

Ботир, жавоб қил унга, дегандай Оқсоқолга имо қилди. Оқсоқол луқмачига юзланиб деди:

— Ҳей, пиёда қолган чавандоз! Эгарни ололмай кучанишингни қара. Отдан тушсанг ҳам, узангидан тушмайсан-а...

У ҳам бўш келмади.

— Мен отлиқ аскарман. Отдан ҳам, узангидан ҳам тушмайман. Сенларни кўриб турибман. Икковинг ҳам тулпорларингни бир қоп гапга сотиб қутулганингдан хурсанд бўляпсан. Лоп-лоп — олақоп тўқийдиган «девоначи ростгўйлар»га офарин!

Бир қоп ёнғоқ тўкилгандай шарақлаб кулги кўтарилди. Жангчиларнинг кулгиси туфайли Шевелев ҳам аскарлар жамоасига қўшилиб олди.

— Хорманглар, азаматлар! — деди у аскарлар ҳазили тўлқинига мостлама овозда табассум билан.

Оқсоқол шоша-пиша жавоб қилди:

— Бор бўлинг, ўртоқ комиссар! Шу ердамидингиз?

— Шу ерда эдим.

— Қачондан бери?

Шевелев кулумсираб гап бошлади:

— Балиқ сувдан чиқиб, отлар омбаткага алмашилгандан бери шпоринг нархи минг тангага чиқди, баъзилар эса, шу паллада отларини жуда арзонга, ҳатто бир тулпорни бир қоп гапга сотиб улгурдилар...

— Боладингиз ўртоқ комиссар, боладингиз! — деди боя бир қоп гап ҳақида «девоначи ростгўйлар»га луқма ташлаган чавандоз. — Мана буни комиссар фойдасига беш-у, ноль деса бўлади.

— Ун-у, ноль сизнинг фойдангизга, ўртоқ комиссар, — деди Оқсоқол, — тан берасанми, Ботир?

— Қойилман.

Ботир ўзини сал ўнглаб олгач, Шевелевга мурожаат қилди:

— Ўртоқ комиссар. Кичкинагина савол берсам майлими?

— Каттароқ савол берсангиз ҳам рухсат.

— Балиқ сув билан тирик, тўғрими?

— Тўғри.

— Отлиқ аскар оти билан кучли. Тузукми?

— Бу ҳам тўғри.

— Бўлмаса нега кучимизни ўрмонда қолдириб, ўзимизни...

Комиссар Шевелевнинг юзи жиддийлашди. Аскарлар жонажон

ҳамроҳлари бўлмиш жанговар тулпорларидан айрилгиси йўқ эди. Унинг назарида Ботирнинг гапида жон бор. «Балиқ сув билан тирик бўлганидай суворий ҳам оти билан кучли. Аммо «Кучимизни ўрмонда қолдириб ўзимиз нима қиламиз?» деган шамасига қўшилиб бўлмайди. Унинг саволини жавобсиз қолдириш мумкин эмас. Ҳамма отлиқ хаёлида шу хил савол айланиб юрибди, шекилли. У гапни қарши саволдан бошлади.

— Ботиржон!

— Лаббай, ўртоқ комиссар!

— Ўзбек халқининг бир мақоли бор. Унинг маъносини яхши биласиз. «Сувни кўрмай туриб этик ечма!» дейди халқ. Шундайми?

— Хўдди шундай, ўртоқ комиссар. Доно мақол. Тузукми.

— Бас, шундай экан, биз фашистнинг афт-башарасини, кирдикорини, намау аъмолини билмай туриб қандай устига от соламиз? Дивком Равшановнинг душман учун жумбоқли планлари бўлса керакки, шунақа кутилмаган тактика қўлланыпти.

— Ўртоқ комиссар,— деди Оқсоқол жиддий оҳангда.— Қандай ҳолатда бўлса ҳам, ёвни қақшатсак бўлгани. Мана мен қўл жангига ҳам тайёрман. Тиш-тирноғимгача қурол!

Шевелев Наманганда туғилиб, Фарғонада ўсиб улғайганди. Уша водийда туғилиб ўсган барча руслар қатори Шевелев ҳам икки тилда баб-баравар гапирар, маҳаллий болалар билан тупроқ чангитиб ўйнар, бир-бировлариникига меҳмонга борар, кези келса ёқалашиб, тўзитиб сўкишиб, ҳатто жиққа муштлашарди. Аммо кек сақламасди. Эртасига яна салом-аликни қанда қилмай, яна ҳеч нарса кўрмагандай апоқ-чапоқ бўлиб кетаверарди.

Унинг яна бир яхши одати бор эди. У ҳам бўлса, тортинишни билмасди. Тўй-томошаларга бемалол аралашиб, киришиб кетарди-да, хизмат бўлса хизмат, базм бўлса маишатдан қайтмасди. Ногора базмларда ҳам «оёқ ўйинига рақс» деса борми, даврани гуллата оларди. Пул қистиргудай бўлсалар, чаққасини тутиб турар, кўпроқ бўлса раҳмат, деб камроқ бўлса, тагин борми? деб қош қоқарди. Тушган пулни эса тўй эгасига берарди. Шу сабабдан унинг сочи малла, юзи сариқ, кўзи кўм-кўк бўлсада, сира-сира ўзбек йигитининг ранг-рўйига ўхшамаса-да, ҳеч ким уни бошқа миллат боласи демасди. Ўзбеклар уни ўз укам, ўз оғам, ўз болам дер эдилар.

Комсомол комитетида ҳамма погонани босиб ўтган, бир оз совет ташкилотида, кейинроқ партия органларида хизмат қилган Шевелев Москвада қизил профессорлар институтини тамомлагач, Ростов-Донга хизматга юборилганди. Ёшлигида отлиқлар қўшинида хизмат қилгани учун уруш бошида уни казаклар полкига сиёсий ходим қилиб тайин қилдилар. Бу хизматда ҳам довонма-довон эгарда ўтириб, отда юриб, янги тузилган отлиқ аскарлар дивизияси комиссарлиги даражасига етди.

Фарғонада тузилган отлиқ аскарлар бригадаси Москва фронтига келаётганида фронт кўрган казаклар полки билан яна кўмакдош айрим қисмлар билан тўлдирилиб, дивизия байроғи остида жангга кириши ҳақида буйруқ олди. Шевелевнинг билишича, бу ғоя шахсан Олий Бош Қўмондондан чиққан эмиш.

Комиссар Шевелев ўз оиласига қириб қолгандай, худди ўз маҳалласида юргандай эди. Ўзбек дўстларини соғиниб қолган эканми, кўринган ўзбек офицерини кучоқлади, қўлини маҳкам қисди.

Уни беҳад шод қилган нарса — дивизия командирининг сиймоси эди. Унинг назарида Темура Равшанов гўё отлиқлар дивизияси командирини бўлиб туғилгандай эди. У «Ҳар жиҳатдан етук, тиниқ фикрли, қаттиқ-қўлли, савлатидан душман чўчийдиган, тоғни талқон қилишга қодир, жангларда чиниққан бундай командир билан ёнма-ён жанг қилишни ўзи учун фахр деб биларди. Бу фикрини Шевелев унинг ўзидан, Равшановдан ҳам яширмади.

Равшановга ҳам унинг, Шевелевнинг ҳамма сифати ёқарди, аммо энг муҳими, Шевелев самимий, софдил, чин рус инсони бўлгани учун ҳам Равшановни ўзига ром қилганди.

«Комиссар Шевелевни менга худо берди — дер эди у ўзига ўзи. Умуман комиссарлардан менинг омадим бор экан. Янги Красухинни топиб олганимдан шодман. Охири бахайр бўлсин. Шевелевга ҳар қанча таянсанг арзийди — юкингни тенгма-тенг кўтара олади. Унга қаттиқроқ таянавер, Равшанов!»

XVI

Тонг ёришиб қолса ҳам осмон булутли чиммат остида эди. Гоҳ ўнгда, гоҳ чапда зениткалар тилга киради. Дарахтларнинг шохлари портловларнинг оппоқ булутчаларини эрмак учун илиб олгандай... Уларнинг оралиғида, баланд-баландларда, осмон денгизида йиртқич наҳангдай немис разведкачи самолёти сузади. У тўппа-тўғри Равшановлар тепасига йўл олди. «Рама» моторининг овози эшитилмаса-да, зениткаларнинг снарядлари портловидан пайдо бўлган оппоқ қалпоқчалар унинг оқимини кўрсатиб турарди.

— Отлардан тушинглар, — деб буюрди Равшанов, рекогносцировкага келаётган командирларга.

Полкларнинг командирлари, дивизия хизматликларининг бошлиқлари отдан тушиб, тизгинларини жиловдорларга тутқиздилар. Жиловдорлар эса, отларни панага тортдилар.

Равшанов мудофаадаги икки армия оралиғида тўхтади. Ўрмондан сизиб чиққан зах сув ўйган жарлик мудофаа нуқтаи-назаридан бўмбўш эди. Душманга тайёр йўл, гўё ўтавер, фриц, деб атай очиб қўйилгандай эди. Онда-сонда ерга тушиб немис автомати гильзаларидан маълумки, бу ерлардан душман разведкаси аллақачон ҳид олган.

«Ҳали ҳам кўр-кўрона урушяпмиз. Ҳали ҳам хушимизни йиғиб ололмаямиз... Шундай хатарли жойни — ўз қанотини, биқинини бўш қўйиб бўладими! Командармнинг кўзи қаёқда экан! — дер эди Равшанов, ўзига ўзи. — Немислар ҳам аҳмоқ экан, уларнинг ўрнида мен бўлсам, аллақачон шу жойдан ёриб ўтардим».

У буркасини ечиб ташлаб, майда буталар оралиғида чўк тушди. Дурбини билан душман томонга разм ташлади: она ернинг чиройли бўлмиш қора ўрмон, қордан оппоқ қалпоқ кийган буталар кўзга ташланди. Отишмалар чангида кирлаб қолган қора кўрпаси устида излар қорайиб кўринди. Ўрмон йўлкалари кенгайтирилиб, снаряддан синган дарахтлар олиб ташланган эди.

«Хужумга йўл очиб қўйишибди бадбахтлар».

Кейин Равшанов жарлик қирғоғига чиқиб, атрофга боқди. Ун томонда сумбалари оппоқ оқариб раста-раста мирзатераклар қомат чўзиб турарди. Унинг қамчи янглиқ новдалари кўкка интилар, исирғасимон жонсиз япроқларини йилтиллашиб шамолда ўйнардди. Чапда майдатароқ арчалар оқ кўрпа устидаги кўк рўжадай қалин қорни қоплаб ётарди. Оралиқларда қучоқ етмас тўнгалар табиат ясаган тайёргина надолбага ўхшарди. «Мудофаага ярайди» деб қўйди генерал, пастда чуқурлик тубида майда буталар, пастак ўсимликлар бўлиб, улар қалин қор остида қолганди.

Сал нарида — ўрмон қирғоғи билан жарлик боши туташган пана жойда комсостав кутаётгани учун у тезлаб орқасига қайтди.

Шу он зениткалар яна ошиқиб отишма бошладилар. Боя «рама» разведка қилган ҳаво йўлида учбурчак бўлиб, орқаларида оқиш лента чўзмаси қолдириб, штурмчилар звеноси учиб келарди. Уларнинг мўлжал олишидан Равшанов сездики, бояги «Рама» унинг отлари тўпланган квадратларни илғаб кетган-у, штурмчиларга хабар қилган.

Ўйлаганидай бўлиб чиқди. Штурмчилар Равшановнинг полклари турган ўрмон устига шўнғий бошлади.

Комиссар Шевелев немис штурмчиларининг бехос пайдо бўлганини сезмай қолди. Шунинг учун у аскар йигитларнинг отларини етаклаб панага қочаётганидан ҳайрон қолди.

— Тўхта! Қаёққа!

Қўшиқлик отлар юк ортган бричкаларини тарақлатиб ҳарёққа қочар, боғлиқ турганлари эса пишқириб, ер депсар, боғлаб қўйилган дарахтларни гир айланиб «ечиб юбор!» дегандай кишнардилар.

Шевелевнинг шундай тепасида моторлар гуриллаб, ўқлар дўли ёғилди. Шевелев ўзини қора қайин остига ташлади. Бошини кўтариб, осмонга қаради. Ҳавода қора думли — фашист тамғали уч самолёт гоҳ кўтарилиб, гоҳ пастга шўнғиб тинмай ўт пуркарди.

«Нега жим ётасан, ахир сен жами аскар-у, жониворга, партбилетининг билан жавобгарсан-ку, нега ўз бошингни асраб ётибсан?!»

Унинг яқинида гўё ўтмас пичоқда бўғизланган жонивордай кимнингдир оти хирилларди. Теварак-атрофда одамларнинг оҳ-воҳи эшитила бошлади. Арқонларини узган яйдоқ отлар Шевелев атрофидан чопиб ўтар, эгаларини қидирибми, яна изига қайтар, тинмай кишнарди. У аранг ўзини қўлга олиб, ўрнидан турди, оёқ-қўлларини қимирлатди, қовурғалари ҳам бут-бутунлигига ишонгач, штаб томон югурди.

Ердамчилар, адъютантлар гоҳ телефонда, гоҳ рацияда кимлар биландир шовқинлаб гаплашмоқда эдилар.

Штабчи офицер Шевелевга юзланди:

— Дивком сизни сўраяпти.

Шевелев рацияга рўпара бўлди.

— Зениткаларимиз нега индамади? — деб сўради Равшанов.

— Улар ҳали отга ортилганича турган эди. Ерга энди туширишаётган эдилар. Улгурмай қолишди.

— Нега улгуришмайди? — деди Равшанов. — Улгурмасликка ҳаққи йўқ! Буни уруш дейдилар. Зениткачилар уйқусида ҳам қўлларини босма билан тортмада тутишлари керак.

Шевелев ўзининг тажрибасизлигини тан олибми, терлаб кетди. Буркасининг этаги билан пешона терини артди.

— Мен ҳозир уларни тузлайман, — деди Шевелев. — Ҳозирнинг ўзида уларнинг олдига бораман. Сизнинг шу гапларингизни ҳам айтаман.

— Талафот каттами? Неча одам, неча от? — Равшанов сўради.

— Ҳисоби олинапти. Ҳарҳолда ўлган ва ярадор бўлганлар бор...

— Жангга кирмай туриб талафот кўряпмиз, денг?

Шевелев жавоб бера олмади. Тер босган юзини яна буркасининг этаги билан сидириб артди-да, ташқарига чиқди. У зенитчи эскадронга кетаётиб, разведка эскадронида қаттиқ шовқинга дуч келди.

— Нима гап? — Шевелев уларнинг олдига борди.

— Манави от жанжали бўляпти, — деди Оқсоқол.

Ботир қора тўриғини қучоқлаб йиғлаб ўтирарди. Унинг устида Оқсоқол пичоқ яланғочлаб турарди.

— Нима гап? — Шевелев бояги саволини такрорлади. Бу гап у, Ботирга тикилиб ундан аниқ жавоб кутди.

— Кўрмайсизми, шундай отни сўйиб юборармиш. Увол эмасми! Бу тулпорда неча-неча фашистни қирмоқчиман. От эмас, самолёт бу!

Қоратўриқ бир неча жойидан ўқ еб қонга беланиб ётарди. Унинг кўзлари гўё, ёрдам бер, дегандай комиссарга ҳам ёлбориб боқди.

— Уртоқ комиссар, ялиниб илтимос қиламан, ветврачга буюринг, отимни тузатиб берсин, — деди Ботир. — Тулпор эмас, танк эди бу жонивор. Тузукми. Неча фашистга қирон бермай ўладиган аҳмоқ йўқ деб бир-биримизга қасам ичганмиз. Тузукми.

Қоратўриқ, рост, дегандай кўзини аста юмиб яна очди...

— Ана кўрдингизми, помкомвзвод Оқсоқол бу отни сўйиб ташламоқчи. Отдан олдин ўзимми сўйсин! Тузукми.

Комиссар помкомвзводга савол назари билан қаради.

— Сўймасак уволига қоламиз, ўртоқ комиссар,— деди у.— Шундай яхши от харом ўлади. Жони томоғида турибди.

Шевелев кимга бўлишувини билмай, бирор мурасага келинглари, дегандай индамай йўлида давом этди. Сал нари боргач, тўхталди-да, орқасига қайрилиб, деди:

— Ботиржон! Менимча помкомвзвод ҳақ. Уруш қурбонсиз бўлмайди...

Комиссардан мадад олган Оқсоқол, Ботирни, нари тур, деди-да, тақдирига тан бериб, бўйинини чўзиб, кўзини юмиб жим ётган отга пичоқ тортиб юборди: «Кўрмайинам куймайинам» деди шекилли, Ботир ўрмон ичига кириб ғойиб бўлди.

Хаял ўтмай кўкда яна штурмчилар пайдо бўлди. Учта эмас, бирданига ўн бешта. Аммо бу гал улар аввалгидай яйраб маневр қилиб бемалол шўнғий олмадилар. «Кўр хассасини бир марта йўқотади». Аввало зениткалар эскадрони ҳушёр эди. Қолаверса, пулемёт эскадрони жим турмади. Аскарларнинг карабинлари ҳам тарс-турс мўлжалга ота бошлади. Хуллас, бу галги ҳужум унча талафот етказмади.

Генерал Равшанов полкларнинг жанговар позицияларини белгилаб бергач, тўплар ва миномётлар учун ўнғай марралар тайин қилди-да, шахсий состав кутиб турган жойга от чоптириб етиб келди. Унғача комиссар Шевелев ўлган ва ярадор бўлганларнинг ҳисобини олиб қўйганди.

— Авиажумум вақтида йигирма тўққиз киши йўқотдик,— деди Шевелев дивкомга маълумот бериб.

Равшанов тегишли хизматлар бошлиқларини чақириб қурбон бўлган баҳодирларни ҳарбий қоидага мувофиқ эъзозлаб дафн қилишни буюрди. Кейин дивсанхизмат бошлиғи медицина майорини топдириб:

— Нега медсан қисм судралиб қолди?!— деб қаттиқ сўради ва буюрди.— Зудлик билан палаткалар қурилсин, ертўлалар ковланиб, медсанэскадронлар ишга солинсин. Бирорта ярадор қаровсиз қолса ўзингиздан кўринг!

Полклардан бирин-кетин дивкомга рапорт кела бошлади.

Ўзининг жарлик биқинидаги янги қўмонда пунктига жўнашдан аввал Равшанов дивинтендантни ҳузурига чақирди. Интендант оқсоқланиб, ранги оқарган ҳолда ўпкасини босолмай кириб келди.

— Ўртоқ генерал!..

Равшанов унинг рапортини тингламай туриб сўроққа тутди.

— Отлар нега кишнаяпти?

— Арпа талаб қилишяпти.

— Нега ем берилмади?

— Аввало қаерда ем едиришни билмадик, шу ердами, янги жойдами?... Кейин авиация ҳужуми бўлди...

— Ўзингиз нонушта қилгандирсиз?

— Ҳа, чой ичиб олганман.

— Отларнинг нафси йўқ, деб ким айтди сизга?

— Тушунаман, ўртоқ генерал!

— Едлаб олинг ва мутлақо эсингиздан чиқарманг, ўзингиздан олдин отлар тўқ бўлсин!

— Хўп бўлади, ўртоқ генерал!

Генерал Равшанов отларни душмanning узоққа отар тўплари ўқи етмайдиган жойга жилдиришни буюрди.

— Герингнинг искаботпарни тополмайдиган жойда сақланглар. Бу ерни учарлар қорага олиб қўйишди.

Хўжаликнинг иккинчи эшелонини шу ерда қолдириб, дивком ўз оператив группаси билан янги КПга кўчиб кетди.

XVII

Оралик мудофаасини Белоусов ромба шаклида қуришни таклиф этганди. У ўзининг фикрини исботлаш учун немис қўмондонлиги

тактикасига ишора қилди. Улар тўғри йўлдан тиккасига юриб, қоқ пешонага уришга ўрганиб қолган. Бу ерда ҳам шу тактикани қўллашса керак. Ўрмон йўлкаларини тўппа-тўғри қилиб тозалаб қўйганлари ҳам шундан далолат. Ромбанинг бош қиррасида авангард, ўрта-биқин қирраларида тиргак қисмлар, охирида резерв. Душман асосий кучлари билан авангардга зарба беради, шу пайт заифлашиб қолган кучи тиргак ўтига дуч келади...

Равшанов Шевелевнинг фикрини билмоқчи бўлиб унга боқди.

— Менимча, Белоусов танкчилар тактикасини қўлламоқчи,— деди Шевелев.— Бизнинг шароитга унча мос эмасга ўхшайди.

Равшанов бир оз ўйлаб олгач, Белоусовга жанговар мудофаа схемасини белгиловчи жанговар буйруқни маълум қилди.

— Мудофаани ташдан хомут шаклида, ичдан қайчи усулида қураминиз...

Белоусов буйруқни ёзишга ёзди-ю, расмийлаштиришга юраги бетламай турди.

— Нега?

— Негаки сиз айтган мудофаа линиясида ўрта очиқ қоляпти. Бу ўртага душман бош суқиб олса кифоя, кейин ютуғини ривожлантира-веради.

— Бунга ким йўл қўяркан?!

— Ҳозиргача шундай бўляпти-ку. Немис ё пона билан ёриб ўтиб, ё айланма йўл билан қуршаб олиб, илгарилаяпти.

— Айланмага юролмайди,— деди Равшанов, салмоқли овозда.— Икки кучли армия юзига чанг солиб, тирнаб, кўзини ўяман деб турибди. Пона қоқмоқчи бўлса айни муддао. Ериб ўтдим, деб чиранган чоғида бўйни хомутга тушади... Бўйнини бўғиб, жиғини эзиб ташлаш қолади, холос.

— Мана, бу — топилдиқ тактика!— деди ўзини тутолмай қувнаб Шевелев.— Бош суққан душман хомутга қамалади. Жиғи эзиб ташланади. Худо ҳаққи, топилдиқ тактика бу!

Штаб бошлиғи Белоусов дивком Равшанов айтганидай қилиб жанговар буйруқ лойиҳасини тайёрлади. Уни Равшанов ўқиб, Шевелевга узатди. У ҳам ўқиб чиққач, «Мана бу антиқа буйруқ бўлди» деди-да, Равшановнинг калтагина қилиб қўйилган имзоси ёнига қўл қўйди.

Равшанов Ваҳобов полкини олдинги позицияга сурди-да, унга маневрли жанг қилишни буюрди. Яъни хомут боғичига юпқагина авангард жойлаб, асосий кучни жарликнинг иккала томонига пистирма шаклида дзотлар, секретларга шайлаб қўйишини буюрди. Унинг фикрича, немис тўплари ҳам, танклари ҳам ўша юпқа авангардга ёпирилиши турган гап. Ҳамла бошланганида авангард чуқур хандақлар орқали икки томонга ўтиб олади. Танклар бош окопларни босиб ўтгандан кейин, авангард яна ўз ўрнини эгаллайди-да, танклар кетидан кетаётган пиёда йўлини тўсади. Чуқурликка кириб олган танклар мина майдонига дуч келади, икки томонидан эса қирувчилар исканжасига йўлиқади. Бунинг учун аскарларда граната етарли, ёндирадиган шишалар муҳайё.

Позициялар қурилиши полкларда шиддат билан борарди. «Чуқурроқ! Чуқурроқ ерга кириб олинглар, чуқурроқ!» дёр эди командирлар аскарларга. «Шовқин бўлмасин, шарпа ҳам эшитилмасин».

Ёр кавлаш ҳамма жойда, шу жумладан резерв полкида ҳам, отхоналарда ҳам, баб-барабар, тўхтовсиз давом этарди.

Оддан тушмай юрган ва бу гал ҳам эгарни тарк этгиси келмаган казаклар немис штурмчиларининг ҳужумларидан кейин ўзлари тугул отларига ҳам ерпаноҳ ясайдиган бўлиб қолдилар.

Равшановнинг бу ҳақда қатагон буйруғи бор эди. Қачон, қаерда бўлмасин, бир дақиқага тўхталсалар ҳам, барча одам ва жониворлар ер паноҳига кирсин, деганди у ўз буйруғида. Шу буйруқни бажармаганларни Равшанов тўппа-тўғри гауптвахтга — вақтли овахтага буюрарди ёки навбатдан ташқари гўнг тозалашга ҳукм қиларди. Бу

масалада кўпроқ хатга тушганлар казаклар эдилар. «Казакнинг жойи эгар, қилични белкуракка алмаштириб нима наф кўрамиз» дер эдилар.

Резервда турган казакларнинг ҳам ўз мудофаа сектори бор эди. Равшанов уларга олдинги позицияларни ёриб ўтган якка-ёлғиз танкларни, суқулиб кирган пиёдаларни қириб ташлаш вазифасини юклаганди. Подполковник Коваленко ўз мудофаасини ана шу мақсадга мослаб қўрган-қалъа шаклида қурмоқда эди.

Окопдаги казакларнинг нималарнидир ачиниб гаплашаётгани дивком Равшановнинг эътиборини ўзига тортди. Унинг назарида казаклар орасида қандайдир ташвишли гаплар, жиддий мунозаралар бораётган эди.

— Ҳорманглар, казаклар!— деди у мунозарани қизитаётган аскарлар олдига келиб.

— Бор бўлинг,— деди уларнинг бири казакча акцент билан.

Казаклар ишларини бас қилиб, белкуракларига суянган ҳолда дивкомга юзландилар.

— Қалай, пиёдаликка ҳам кўникиб қолдиларингизми?— Равшанов сўради.

— Казак ўлгандаям кўникмайди, ўртоқ генерал,— деди бояги казак Грицко.— Казак от билан бирга туғилган, оти билан бирга ўлади. Пиёдаликка кўникиш учун казак онадан бошқатдан туғилиши керак. Бошқатдан туғилганда ҳам Донда эмас, бошқа ерда йўргаклаш зарур.

Казаклар унинг гапини маъқуллагандай ўзаро гурунглаша бошладилар. Баланд бўйли казак Грицко каскасини қўлига олиб, пешона терини энги билан артиб олгач, Равшановга мурожаат қилди:

— Ўртоқ генерал. Бир сўровим бор эди, сўрасам рухсатми?

— Рухсат,— деди Равшанов.

— Ўзи мириқиб терляяпман, аммо олтинранг дончанкам совуқда қолди. Совуққа йўқроқ от эди... Шундан бир хабар олгим келяпти...

— Мени ҳам отим гами босяпти, ўртоқ генерал!— деди шоп мўйловли бикирдан келган қорача казак.— Бир отбоқар ўттиз отни бир бировнинг қўлидан ем тугул қанд ҳам ёмайди.

— Дончанкалардан хавотир бўлманглар, казаклар,— деди уларнинг ўринли ташвишини тушунган Равшанов.— Дончанкаларингизни шахсан дивинтендантга топшириб қўйдим. Келинчаклардай асраб, емак-ичмак, ясан-тусандан хабардор бўлиб туради. Отларни ҳам окопга киритяпмиз.

Казаклар жонланиб кетдилар. Ғала-ғовур бошланди.

— Ўртоқ генерал,— деб гап бошлади, чувакроқ аскар.— Дончанкаларимиз ақлли, «ёт» десак ётади, «тур!» десак туради. Жим тур, десак уч кунлаб пишқирмайди.

— Дончанкаларни мен ҳам яхши кўраман,— деди генерал унинг гапини қувватлаб.— Дончанкалар кавалерия учун туғилган отлар.

— Уша зотли отимни окопимизга келтириб олсам майлими? Ёт, деганимда ётади, тур, деганимда туради. Керак бўлса фриц тепасига учиб бориб разведка қилиб келавераман. Хўп, денг, ўртоқ генерал!— Мурожаат қилди Грицко.

Казаклар орасида яна гурунг бошланди. Ҳазил мутоиба гаплар орасида бир казак кулиб туриб лукма ташлади.

— Бу казакка хўп, десангиз, дончанкаси билан бирга станицада эснаб ётган аёлини ҳам окопига опкеволади.

Окопларда кулги кўтарилди.

— Кулманглар, казаклар,— деди Грицко.— Бу таклифим ўтмаса, бошқаси бор: отларимиз олдига делегация юборайлик. Бориб тафтиш қилишсин. Отбоқарлар немис самолётлари бўғизлаб кетган тулпорлардан қазӣ пишираётган эмишлар.

— Сени бошинг қоқ эмас, Грицко, академия! Бу бошинг билан отбоқарлар подшоси бўлишинг керак!— деди бояги казак мўйловига ёпишган қировми, булдуруқни сидириб ташлаб.

От спорти мастери, деб ном чиқарган қотма казак бу гапдан руҳланиб кетди. Сакраб брустверга чиқиб, қор аралаш, муз тупроққа ўтириб олди.

— Уша комиссияга мени сайлай қолинглар,— деди у казакларга термилиб.

— Сенга бу станица атаман сайлови эмас!— деди Грицко.— Кимни юборишни эсккомлар биладилар. Қолаверса, полккомимиз тайин қиладилар.

Аскар аҳли ҳамма жойда ҳарбий уставлардан ташқари аскар турмуш тарзининг битилмаган қонун-қоидалари билан ҳам яшайди, фикрлайди, ўй-санолари ҳам бир-бировига туташ. Казаклар полкидаги шу хил ҳаётни Равшанов Хоразм полки аскарлари турмушида ҳам кўриб билди.

Хоразм отлиқлари, қорабайирларимизни окопимизга келтириб беринг, демасалар ҳам «ярим жонлари бўлмиш жанговар ҳамроҳлари» ҳақида тинмай ўйлардилар. Ўзлари чой ичганларида «отим сув ичдимикан?» дердилар. Тушки ва кечки овқат чоқларида ҳам «отимга ем бердимикан?» деб ўйлардилар.

Ботир айтгандай аскар билан от — бир жону бир тан дегани эди.

Суворийлар тушунчасида гўё жонни тандан ажратиб қўйилгандай иш қилинаётган бўлса-да, Равшанов бу чорани Москва мудофааси манфаати учун онгли зарурат талаби билан кўрилган фавқулодда тадбир деб биларди.

Генерал Равшанов ўз офицерлари ва аскарларига ҳам шу онгли зарурат гояларини сингдиришини шарт, деб аҳд қилди. Шу сабабдан у ўз одамларига қандайдир йўллар билан нималарнидир исботлаб бериши керак эди. Нимадан бошласин? Нималар десин?

У юқорида зикр қилинган масалаларга дуч келганда оддийгина усул қўллади. У ҳам бўлса, пиёда аскарлар дивизиясидаги дўсти комиссар Красухиннинг усули эди. «Ватан жуғрофий тушунча эмас. Ватан — гоя! Ватан — эркинлик! Ватан — сен яшаб турган жой. Шароитга мослаб гапирадиган бўлсам — қавлаб қўйган окоп ҳам — Ватанинг! Анави қор босиб турган картошказорлар, анави майда кокил ташлаб шабадада шитирлаётган арчалар, балдоғини кўз-кўз қилаётган мирзатерак япроқлари ҳам сеники! Ватанинг — мана шу оёғинг остида турган тупроқдан бошланади. Рўпарангда, олис-олисларда ҳам Ватан ястаниб ётибди. Икки қанотингда, орқангда ҳам Ватанинг! Орқангда унинг қони, унинг жони пойтахт Москва турибди. Қаерда жанг қилсанг ҳам Ватан учун жанг қиласан. Қайси ерда жон берсанг ҳам Ватан учун шаҳид бўласан!»

(Давоми бор)

ЮРАГИМГА ШИРИН ДАРДЛАР СОЛИБ КЕТГАН—ТУРНАЛАР...

Абдували Қутбиддинов

Ойдин мис кўзадан тўкилади нур

Ойдин мис кўзадан тўкилади нур —
 Кумуш товушлару,
 Кумуш қўнғироқ.
 Шудринглар — дарахтлар бўйнидаги дур,
 Ҳаммаси шундаю, ҳаммаси, бироқ...
 Қўлларнинг юзига тортилган чизик,
 Ботқоқлар сипқарар тун сояларин.
 Товушлар ариқдан кетади сузиб,
 Сўзлаб дарё ҳақда ҳикояларни.
 Экинлар ниш урган далалар титраб,
 Қондириб оларкан ташналигини
 Товушлар бўрондай бўжириб берар:
 «Ариқлар дарёнинг қариндошлари...»
 Бўжирик садоси қўрғошин каби
 Эриб куйдираркан дарё елкасин
 Мудраб кетаётган ойдин ёғдунинг
 Жаранглаб синади кумуш кўлкаси.
 Оппоқ булутлар ҳам тортилиб сафга,
 Қасоскор кўтарар вазмин тошларин
 Ва тугар шивирлаб далани ўққа:
 «Ариқлар дарёнинг қариндошлари...»

... Ойдин мис кўзадан тўкилади нур
 Дарёлар оқади жарлар ёқалаб.
 Булутлар кузатиб қўяр денгизга,
 Дарёни кутади бўронлар янграб.

Ҳаммаси шундаю, ҳаммаси, бироқ:
 «Дарёлар денгизнинг қариндошлари...»

Қорлар куйлаб кетди,
 Қорлар мусиқа,
 Мен сенга битмадим бирорга мактуб.
 Қаримсиқ февралнинг ярим белида
 Баҳор келиб қолди.
 Баҳор келиб қолди.

Емғир куйлаб кетди,
 Емғир мусиқа,
 Мен сени кўрмадим тушимда ҳатто —



Журналимиз саҳифаларида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси-
 нинг 60 йиллигини шарафлаб ташкил этилган республикамиз областлари му-
 шоираси давом этади. Навбат Самарқанд ва Навоий области ижодкорларига.

Беғам севгилимнинг титроқ қўйнида
Ерга қуегин бўлган ул Одам Ато.

Осмон куйлаб кетди.
Осмон мусиқа,
Кенгликлар куйини кетди басталаб.
Узилган дафтардай хазонлар мунглиғ.
Апрель ўтиб кетди,
Март ўтиб кетди,
Мен эса қаттиқман, мен эса қаттиқ.

Мана ёз куйлади,
Гўё чирилдоқ.
У ҳам ўтиб кетди мисоли айём.
Дилим жом бўлса ҳам сени эсламади —
У Хайём бўлмаган — Умар Хайём.

Кўзлар куйлаяпти.
Кўзлар мусиқа
Руҳимда уйғонар ҳосил сурурбахш.
Одам Атоликдан ҳеч ким бўлурман,
Қотган бир харсангдан бўлурман, дарё.

Ахир мусиқаман, мен ҳам мусиқа,
Тўрт мисра шеғримга бўламан оҳанг.
Тўрт мисра шеғримга бўламан садо,
Мен балки овозман, мен балки жаранг.

Бизни ажратдилар, азизам юлдуз,
Айиқ буржида ҳам бизга йўқ макон.
Самовий чодирга яширингандик,
Аммо қирқиб қўйди қисқичбақа тонг.
Армон мусиқадир,
Ғамгин мусиқа.

Мовийлик қудуғида рақслар тузганда,
Елғизлик арқонини бўйнимга ўраганда,
Кимдир Абдувалини оҳиста сўраганда,
Қўшиқчи бўлсам эди, ҳеч бўлмаса созанда.

Каптарларим, каптарлар, ҳай-у-ҳаю ҳай-ула.

Бармоқларимни боғлаб қуёшни судрасайдим,
Қоронғу ерда ёниб кул бўлиб титрасайдим,
Туғар пайғимда ногоҳ мени сен чорлаганда —
Қўшиқчи бўлсам эдим, ҳеч бўлмаса созанда.

Каптарларим, каптарлар, ҳай-у-ҳаю, ҳай-ула.

Ададсиз манзилларим боумид оққанида,
Қаттиқ тиканларини қалбимга қоққанида,
Томиримни шимсам-у, ҳаётга бўлиб банда —
Қўшиқчи бўлсам эди, ҳеч бўлмаса созанда.

Каптарларим, каптарлар, ҳай-у-ҳаю, ҳай-ула.

Хайлим ойнасидан недир учиб кетганда,
Севгимни мўмиёлаб тушлар қочиб кетганда,
Муҳаббатим ўзимдан сўраганда ризолик —
Қўшиқчи бўлсам эди, ҳеч бўлмаса созанда.

Каптарларим, каптарлар, ҳай-у-ҳаю, ҳай-ула.

Эски аравасин қуёшга боғлаб,
Баҳор отланади узоқ сафарга.

Ишқилиб, сафари бехатар бўлсин!

Булутлар юзида отиб яхмалак,
Шамол йиқилади сердарахт жарга.

Ишқилиб, сафари бехатар бўлсин!

Силлиқ қоялардан шодон сирғалиб,
Камалак осилар саноқсиз дорга.

Ишқилиб, сафари бехатар бўлсин!

Тупроқлар қўйнида жарангдор, сирли
Бойчечак чиқмоқда бўлиб қўнғироқ.

Ишқилиб, сафари бехатар бўлсин!

Соқовлар тилини тошларга уриб,
Қирғоққа лой ташлаб, очмоқда дудоқ.

Ишқилиб, сафари бехатар бўлсин!

Вужуднинг тубида торини созлаб,
Овозим келмоқда юксалиб, енгиб.

Ишқилиб, сафари бехатар бўлсин!

Чирмовуқ мисоли ўсган томирда —
Чайла ясаб олар қизгина севги.

Ишқилиб, сафари бехатар бўлсин!

Бедазор анқийди чигиртка билан,
Қизиб ўт чиқарар отнинг излари.
Хазонли қишлоқни, машғала ёқиб,
Супуриб чиқади кузнинг сўзлари.
«Боғларни шип-шийдам қилолсам агар
Тозалаб қўёлсам совуқ меҳмонга,
Кейин кетар эдим беташвиш, беғам,
Кейин кетар эдим тағин осмонга.»
Бедазор анқийди чигиртка билан,
Шуғлалар узилар бўшлиқни чирмаб.
Юпун далалар тунд.

Фақат тирноғин

Устирар қайрағоч олисга қараб.

Оғир шаббода ҳам ҳолсизланади

Илиқ водийларни ялайди бехуд.

Силлиқ ой далада, панжаси билан

Қарғалар ёзади эриниб мактуб:

«Аёз ҳам келди, голиб жаҳонгир,

У тоза, ҳеч кимга юқтирмайди гард.

Барча, жамики тириклик, бари

Аёзни ўртаниб севмоқлари шарт».

Барча қишни севди, фақат дераза

Гўё азобланиб, бураб оғрийди.

Совуқ нигоҳларнинг муҳаббатига

Кўникмай тўвакда гуллар қурийди.

Бедазор яшнайти чигиртка билан.

Алҳол термиламан узоқ-узоққа,
Саломлар йўллайман йўқлаб хайрлар.
Салом, кеча!
Салом, кундуз!

Тўқайлар шоголдай йиғлаган пайти
Улакса қидириб юганда ҳасрат,
Чаёнлар ерида мангу фидойи
Бола туғиб ўстирганда муҳаббат,
Боғчаларнинг дарчасидан ярим тун
Тўлқинланиб оқиб кетса бўйлар ҳам,
Ачиб кетган тўзонларнинг бўёғи
Сачраётган пайти туманлар билан —
Салом, туман!
Ажриқ босган дала каби суюкли.
Салом, бўёқ!
Эрталабки туман каби қуюқли.
Салом, тўқай!
Салом, муҳаббат!
Салом, шогол!

... Жавоб йўқлаб термиламан узоққа,
Тўқайларда шоголлар сақлар сукут.
Ялтираган шабнамлардан тўкилар
Самандарлар даласидан қолган ўт.
Салом!
Салом!
Дарёлар таратар сувин бегоқат.
Аёзлар ташийди совуқ ўтинни.
Илонлар ичида ухлар саодат
Кийиб типрагикан ечган пўстинни.
Салом, бахт!
Салом, бахт!
Салом, бахт!

Ҳамида Каримова

Ёмғир томчилади

Ёмғир томчилади, сўнг қуйди шаррос,
Бош эгди бўйсуниб энг баланд тоғлар.
Кел, мен шу ёмғирда бошим ювай деб
Кокилларин секин ёзди ниҳоллар.
Ёмғир томчилари — гўё марварид,
Терилиб бир қатор қотди симларда,
Гулларнинг баргида, ҳўл новдаларда,
Майса мўйловида, яшил чимларда.
Баҳор ёмғирини севаман, чунки
Табиат чўмилган гўдакдек мағсум.
Сочида ялтираб тоза томчилар,
Кўзларида ҳаёт қилар табассум.

Нарзулла Файзиев

— Йўл жабдуғин тузатинг,
Қани тезроқ, онажон.
Оқ йўл тилаб кузатинг,
Кезар бўлдим
Кенг жаҳон.
Сайр эгиб кўрай дунё.

Англай унинг рафторин.
Қалблардан олиб зиё,
Безай умр дафтарин...
— Майли, жону жаҳоним,
Қорачиғи кўзимнинг.
Майли, дилим ғурури,

Қайтармасман сўзингни.
Қаерни қилсанг ҳавас,
Рухсат бергум кўришга.
Сен фақат кетмасанг бас,

Отанг каби урушга...

Эркатош Шукурова

Нечун пайдо бўлар рақобат?
Нечун сочга оқ ҳам оралар?
Нечун бир-бирини қоралар
Ва одамлар қилар шум ғийбат?

Буни билмас сен кирмаган қалб,
Сен кирмаган қалблар кулмайди.
Сен кирган қалблар-чи ҳеч сўнмас,
Сен кирган қалб асло ўлмайди —
Муҳаббат...

Раҳимжон Сатторов

Улуғ Ватан уруши ветеранларига

Она юртдан ёвни бурганлар, яшанг,
Жанг-жадалда жавлон урганлар, яшанг.
Қаҳрамонлик кўрсатиб ҳар жабҳада,
Еру кўкда отни сурганлар, яшанг.
Москвада, Волгада ёв тору мор,
Шум фашистга зарба берганлар, яшанг.
Берлин узра ўрнатиб байроғимиз,
Ғолибона маршда юрганлар, яшанг.
Табрик айлаб, сизни, дўстлар, қутладим,
Бу жаҳонда бахти кулганлар, яшанг.

Бибисора Туробова

Дилимни ҳаяжон, ларзага солиб,
Қадрдон турналар учиб ўтишди.
Узоқдаги дўстлар саломин олиб,
Бизнинг азиз элга кўчиб ўтишди.

Турналар келишди, ёр ҳам келади,
Мени,
шу тупроқни соғинган у ҳам.
Юрт жамолин кўриб кўнгли тўлади,
Кўзларин қувнатар, мен билан кўклам...

Қиз мактуби

Не ҳолга тушасан хатимни ўқиб,
Мен буни ҳалигдан сезяпман.
Умидли кўзларим йўлингга тикиб,
Аччиқ алам билан ёзяпман.

Бир бора титрашинг турган гап,
Сўнг эса гуноҳинг ўйлайсан.
Қаҳрим ўқларига бериб чап,
Узрли жавоб ҳам йўллайсан.

Узрингга қониқмас чанқоқ дил,
Узингни, ўзингни кутади.
Истасанг яқин-ку сўнгсиз йўл,
Соғинчим қўлингдан тутади.

Хатимни олгину йўлга туш,
Бу гавжум Самарқанд сенсиз бўш...

Ермамат Рустамов

Ульяна Громовага

Экран узра қалбга кўчган
Қиз жим. Фашист ўшқирар қақшаб: Бир лаҳзалик олмос ҳақиқат!
Тилинг борми, айтгил бирор сўз!
Ва... кўзларда қоғади даҳшат,
Оқ кўкракка ўйилар юлдуз!
Ким лаб тишлар, кимни ўй қучган,
Дил оғритар ушбу дақиқа.

Залда кўплар қалбини тилиб,
Бир зум ҳақ йўл азобин туйди.
Бир зум... Қиз-чи, ҳеч ўчмас қилиб,
Уни мангу юракка ўйди!..

Сен куйган юраксан,
Сен ярадор ишқ.
Яшаймиз толега шукрона айта.
Сени ёндираркан ҳижрондек қўшиқ,
Менинг ўкинчларим тирилар қайта.
Ўз-ўзимга ортиб кетади ўчим,
Сенга ҳолатимни айтмайман сира.
Пинҳон ўртанамиз иккимиз ҳам жим,
Ҳисмимиз айри-ю хаёллар бирга.
Келгин, ёққанларни ёндирмоқ учун,
Яшайлик муҳаббат қўшиғин айтиб.
Ениб яшолмасак,
Куйдолмасак чин,
Толенинг эшиги очилмас қайтиб...

Зайниддин Баҳриддинов

Тўртликлар

Кузда сув кўзгуси тиниқдир,
Бир зарра ғубор йўқ юзида.
Шу каби тинирмиш инсоннинг
Фикри ҳам умрининг кузида.

Анҳорда ой сузар; тилларанг
Япроқдек, ҳайдар тонг эпкини.
Ватани кенг осмон, лекин ой
Наздимда анҳорнинг тутқуни.

Ҳаллослаган итга қараб дебди оҳу:
Бари бир ҳеч етолмайсан менга, минг қув,
Мен қочаман, ширин жоним асрайин, деб,
Сен қувасан, хизмат ҳақим оқлайин, деб...

Пахта — оппоқ парқу...
Оппоқ парқу қоплади жумла жаҳонни.
Дунё ухлар экан парқу тўшакда,
Туш кўрар ҳар қачон Ўзбекистонни.

Мен ёнмоқ истайман кўкни ёритиб,
Қоронғи кечанинг қоқ ўртасида.
Мен чопмоқ истайман отни ҳоритиб,
Олғир чавандозлар бош тўдасида.

Қаҳратон совуқда, авжи чиллада,
Гуллар узсам дейман, қонатиб қўлим.
Саратон қуёши тигли паллада,
Донлар ўрсам дейман, чатнатиб дилим.

Ширин туйғуларим гул мисол сочиб,
Мен ёзмоқ истайман то нурли наҳор,
Дунёдаги мудроқ кўзларни очиб,
Ўтмоқни истайман ҳаётдан бедор...

Холис

*Илҳомим шод этгувчи қайнар булоғимдир ғазал,
Дилни равшан тугувчи машғал чароғимдир ғазал.*

*Кимки зиқлик дардининг домига бўлса мубтало,
Дафъи савдо қилгали бўстону боғимдир ғазал.*

*Ошиқ аҳлига очар ишқи муҳаббат бобини,
Гаштини сурмоқ учун роҳатли чоғимдир ғазал.*

*Ногаҳон кайфимни вайрон айласа дилхасталик,
Рад этиш тадбирига илмий яроғимдир ғазал.*

*Дилга хушнудлик бериб кайфу ҳаловат илмидан,
Таълим олмоқлик учун билган сабоғимдир ғазал.*

*Мен унга машшота бўлсам зебу зийнат бергувчи,
Сочу зулфингни тарошликка тароғимдир ғазал.*

*Ёки ҳижрон даштида бўлсам қабоҳатга дучор,
Холисо, бўлган таянч, савлатли тоғимдир ғазал.*

Самариддин Сирожиiddинов

*Баҳор келди, чечак кулди, чечакларда менинг бахтим,
Йўлаклар гулга бурканди, йўлакларда менинг бахтим.*

*Севинчим лоззор қирлар, юпанчим оҳу кўзлардир,
Бири раъно, бири барно — малакларда менинг бахтим.*

*Дилимда кашфиёт дарди ва меҳнат завқидан маст мен,
Жўшар илҳом, бу беором юракларда менинг бахтим.*

*Шижоат тўлқини тугён урар ҳар жабҳада, тинмас,
Ҳаёт яшнар, жасоратли билакларда менинг бахтим.*

Магар меҳнат билан пайваст эмас бўлса юрак дарди,
Қачон қулгай эди порлоқ тилакларда менинг бахтим.

Сирожий, ўт бўлиб ёндим, саодат ичра уйғондим,
Замин эрмас, бугун авжи фалакларда менинг бахтим.

Бўлмагай асло киши орзуси йўқ, армони йўқ,
Қайси боғни боғ атарлар жамбулу райҳони йўқ.

Менга армон бўлди умрим боғламоқ минг йил билан,
Чун ҳаёт ширинлигининг ҳадди йўқ, поёни йўқ.

Бўлмагай ширин, ва лекин, умр ҳам дилдорсиз,
Утди зулмат ичра ҳар ким ёри йўқ, жонони йўқ.

Бахтиёрман, соҳиб этди ишқ аталмиш бир жаҳон,
Мендин ўзга бу жаҳоннинг шоҳи йўқ, хоқони йўқ.

Ишқ маним измимдадир, меҳру вафо ҳукмимдадир,
Менга тобе бўлмаган бахт боғи йўқ, бўстони йўқ.

Мен Ватан фарзандиман, нурли ҳаёт дилбандиман,
Ким агар раишқ айламиш, имони йўқ, виждони йўқ.

Менга ёр, гулгун диёр ҳам дўсти содиқ бўлса бас,
Бу Сирожийнинг бўлак орзуси йўқ, армони йўқ.

Сафо келдинг, вафодорим, унутмабсан,
Сенга таъзим, азиз ёрим, унутмабсан.

Кўнгил боғин унутган қушларим қайтди,
Мунаввар бўлди гулзорим, унутмабсан.

Неча оворалар бўлдим сени излаб,
Ташаккур, чеккан озорим унутмабсан.

Ўзингдан сўзла, дилдорим, нечук ҳолинг?
Мени-ку, эй сарахборим, унутмабсан?

Менга сенсан ўшал рағно, ўшал сарв,
Тили болу шакарборим, унутмабсан.

Унутмас бас, Сирожийни, бу олам,
Магар сен тўтигуфторим унутмабсан.

Хайриддин Бегматов

Хотира

«Саъдинов Муҳаммади. 1923—1940»
Едгорлик пойидаги ёзувдан

Қолди бу дунёда сендан хотира:
На бир уй, на бир том, на бир ошиён.
На бир ёр-гулрухсор, танги, бокира
Оргингда соч юлди, қалбида армон.

Агар тирик қолсанг, бир қўл, бир оёқ
Бўлсанг ҳам, сурардинг дунёда даврон.
Қоларди ортингда балки қизалоқ,
Балки қолар эди ўзингдек ўғлон.

Агар тирик қолсанг, шоир бўлардинг,
Қоларди сендан бир ажойиб достон.
Балки ўз ишингга моҳир бўлардинг,
Дехқон бўлар эдинг, пахтакор дехқон.

Ун етти ёшингда кетдинг. Бокира...
Умрингдан қолмади бирон ном-нишон.
Йўқ, йўқ! Сендан қолди буюк хотира,
Озод Ватан қолди, сендан, тоғажон...

Бердимурод Юсупов

Ўроз билан Тўхтасин

I

Чўқишарди икки хўроз,
Ўроз кўриб қолди-ку!
Сенларними шошмай тур, деб
Ҳайдаб, қувиб солди-ку!
Сўнг дон сепди,
Қорни тўйиб,
Иноқлашиб кетишди.
«Қу-қу»лашиб, хурсанд бўлиб,
Хас-хусларни тигишди.
Уша, кичик иши билан
Дўст бўлишни ўргатди,—
Укам — икки қитъа узра

Гўё тинчлик ўрнатди.

II

— Дада, неча олардингиз,
Сиз ўқиган пайтлари?
— Баъзан ёмон олардиму,
«4», «5» эди кўплари.
Нега энди сўраб қолдинг
Сабабини, Тўхтасин?
— Сиз олган шу «ёмон»лардан,
Мен ҳам олдим биттасин.

Самарқанд области

Хосият Бобомуродова

Гул ва ханжар

Оппоқ қор ёритиб тургандай тунни,
Кундузга ўхшайди худди бу оқшом.
Безовта хаёллар қувар уйқумни,
Олис-олисларда милтиллайди шам.

Кўкда юлдузларни аллалайди шам,
Қорга бош қўйганча ухлар сирли кеч.
Қўшиғин яширар муз остига сой,
Фақат мен безовта, фақат мен ногинч.
Табиат ухла деб алла айтар маст,
Ухламоқ мумкинми ахир ушбу дам.
Олисларда кимдир нега ухламас,
Нега олисларда ёнар ёлғиз шам?..

Хиссиз қалбни ўтли юракка
Нўноқ тўқдир қўйгандай қўшиб,
Совуқ тўғли ханжар сопига
Гунча расми қолибди тушиб.
Гулни қирмоқ ханжарнинг касби,
Сиз ёнма-ён қўйманг-да, устам.
Фожия-кў, ханжарни кўрса,
Турганда гул очилмоқ истаб...

Қўмсаш

Хазон япроқдаги безовта жондай...

Кўзларим соғинди далам рангини,
Писанд қилмай қорнинг аччиқ захрини
Юз очган чечакнинг серзавқ тонгини,
Эрий бошлаб қотган сувнинг қаҳрини.

Соғинди...

Чайқалган бугдойзорига
Бобомнинг мафтункор тикилишини.
Бир кучоқ пахтани босиб бағрига,
Дугонамнинг шодон қўл силкишини.
Ним яшил рангдаги оч, ташна гиёҳ
Қордан сўнг кўзимга ўтдай туюлиб
Турган чоқни кўмсаб, дилим сим-сиёҳ.
Кўзимдан ёшларим келди қуюлиб.

Кўзларим, кўрмадинг ҳафталаб, ойлаб
Минг-минг ранглар билан тўлиқ оламни.
Қишлоғим, танимга олгандим жойлаб,
Қандай тўкай энди кетмас аламни?!

Қандай кечирасан, юрагим, қандай:

Қўлларимнинг тортиб кетганин нозик
Умрида кетмонни тутмаган каби.
Тандирдан қизарган нонларни узиб,
Нонўштага ҳадя этмаган каби!

Бузоқ ташналиги, бор меҳри билан,
Онасига қаттиқ интилгани чоқ
Қозикқа боғлардим куч, сеҳрим билан
Сутлар соғар эдим хушбўй ва оппоқ.

Сойдан пақирларни тўлдириб ташиб,
Кўм-кўк экинзорни қилардим ўтоқ.
Бир кўча болани, ҳаддимдан ошиб,
Кўкка ирғитардим баланд ва шитоб.

Кенг ҳовли юзидан барг хазонларни
Супуриб, томдаги қорни курардим.
Пилла қурти учун тонг азонлари
Уйқуни ўчириб баргга борардим.

Чаноқлар тимдалаб, шамоллар ёрган,
Қуёш қорайтирган шу қадоқ қўлим
Бир парча матони белаб зар — нурга
Нозик усулларда тикарди гулни.

Лолалар ёнарди қип-қизил қондай...

Юксак чўққиларга имларди порлаб.
Борини бағримга ҳадя этарди
Лоладай қўшиқни излаб бедор қалб,
Ўтли бир ҳислардан ёниб кетарди.

Сўнг тўйда овозни борича қўйиб,
Ер-ёр айтар эдим келин ёнида.
Орзулар туташган висолни суюб,
Шавқларим сиғмасди кичик жонимга.

Лолалар қўшиғин куйлар чоғимда,
Кетардим ёғдулар аро қоришиб.
Каптарлар қўнарди кўнгил боғимга
Кетарди дунёнинг бағри ёришиб.

Қалбимга қуюлар эди оқ тонгдай:

Майсалар қўёшни эмган кундузлар,
Сойларни ўзига торган юлдузлар,
Илиқ ер бағрига синган илдизлар
Шивири қанчалар соз, сирли эди.

Емғирнинг қўшиғин кутган ниҳоллар,
Апроқларни ўйнаб эсан шамоллар,
Булоқ кўзидаги сирли саволлар
Қанчалар беғубор, пок, нурли эди...

Нақ саратон ерда куйиб, қовжираб,
Оёқяланг бўлиб чопмоқлар қани?
Янгоқларни босиб олиб чирқираб,
Товонимдан тикан топмоқлар қани?'

Шошқин суе оқизиб кетган нонимни
Ушлайин, деб шошиб кечардим суега
Оёғимни шиша кесиб олган онимни
Алмаймасман энди ҳеч бир туйғуга!

Юрак!

Сенсан дўстим, ёлғиз илинжим,
Яхшиям, сен чидаб уриб турибсан.
Ям-яшил далалар олмоқда ҳушим,
Юр, кетдик, хилватда босиб кетар чанг.

Эсиргап Болиев

Суҳбат

Онажоним!
Мерос қилиб қолдириб кетганингиз
Шу мовий осмону
Шу сахий замин,
Шу шовқинли дунё,
қадрдон Ватан
Ҳисобига яшаб келяпман ҳозир...

Музламасин юраклар асло,
Етим бўлиб қолмасин умид.

Ҳайратга юз тутсин-ку, аммо
Рўмол ўраб олмасин йигит...

- Соатсозлар билан алоқанг қалай?
- Йўқ.
- Магнитофон устаси керак...
- Йўқ, уларга ишим тушмаган.
- Ён қўшнинг тиш доктори эмиш,
Тилла тиш ҳам қўярмиш пинҳон.
- Хабарим йўқ, танимайман ҳам.
- Сотувчи қизлардан бордир танишинг?
- Бор.
- Ким? Қаерда?
- Китоб дўкони...
- Фу...

Сочларингки, менга синашта
Езилмаган шеърларимдек кўп.
Бири қалбда
Ва бири бошда
Очиқ-ойдин турар тугилиб.
Кел, уларни ёзайлик,
Бирга!

Маруса Ҳосилова

Ишқми, бахт

Қалбимни маъюслик оламига ғарқ этган
Турналар —
Бугун қайтаётир ўлкамга.
Юрагимга ширин дардлар солиб кетган
Турналар —
Севинч ортаётир елкамга.
Турналар...
Ишқми, бахт
куйларин чалиб,
Эҳ, бунча ўртайсиз дилларни.
Мен эса ҳаяжон,
соғинчга кўмилиб,
Жимгина чўзаман кўлларни...
Турналар!
Соғинчга кўмдим мен йўлларни,
Шу соғинч бағрида кутаман —
Мен сизни...

Гоҳо сўзларингни тинглашга ўзда
Сезсам ихтиёр,
У мендан нимадир кутяпти, деб
Уйламазинҳор.
Кўзларимда ёнган бу илинж эмас,
Бу сўнган дўстликнинг олис шуъласи.

Кўринсанг, юрагим титраб турса гар,
Бир япроқ мисол.
Нега ҳаяжонга кўмилди, дея
Бермагил савол.
Юракни титратган истиқбол эмас,
Ҳув сўнган дўстликнинг сўнг шабадаси.

Сен ҳақингда баъзан ҳайлга толсам,
Шубҳаланма, қўй!
Номингни такрорлаб кўп тилга олсам
Ва қўшилиб кетса барчасига куй,
Шубҳаланма, қўй!
Кўнгулдан кетмаган шўх наво эмас,
Бу сўнган дўстликнинг хаста ноласи...

Кимнингдир эшигин қоқасан,
Солади қулфини.
Кимдир эшигингни қоққанда,
Тушириб оласан зулфини.

Бу — умринг мазмуни.
Бу ростдир, эҳтимол.
Бир аччиқ ҳақиқат айтаман,
Кўнглингга келмасин
Ҳеч малол:
Сен-ку уй эшигин беркигиб
Юргайсан.
Кўнгили эшикларин сенга берклигин
Билмайсан...

Хат

Сиздан кечиб кетолмайман бари бир,
Узоқларда кечаётган кунларим.
Соғинчларда адо бўлди бу бағир,
Она! Сизни туш кўради тунларим...

Қийналаман фақат ҳижрон дардидан,
Кўнгили қўмсар узоқ-яқин, барчани.
Узатинг сиз изларингиз гардидан —
Уқиб бўлгач, юрагимнинг парчасин.

Қалдирғочлар кетар бўлди биз ёндан,
Туйғулар ҳам тиградилар жимгина.
Қийналди-ку маънос юрак ўйлардан,
Қалбни қийнаб исмсиз ўт ёнганда...

Қалдирғочлар кетиб бўлди биз ёндан,
Қанотида олиб кетди хатларим.
Қалдирғочни қўмсаб қолдим мен бунда,
Ингизори бўлиб қолдим хатларнинг...
Қалдирғочлар қайтар бўлди биз ёнга.
Ҳаяжондан мажол йўқдир имларга.
Мақтубларинг умидвори бўлдим мен,
Адашиб у ташлаб кетди кимларга...
Қалдирғочлар қайтиб бўлди биз ёнга...

Одил Ҳотамов

Учиради йилларни эпкин,
Мангуликнинг шудир билгани.
Эртактлардан сузиб келдинг сен —
Ҳаётимнинг оппоқ елкани.
Елканим, суз, агар сен билсанг,
Таширфингдан тошиб, тўлибман,
Эртак бўлиб енгилмагансан,
Енгилмагин ҳаёт бўлиб ҳам...

Кечки майсалар

Турналарсиз қолиб ўксиган кузнинг
Кўнглин кўтаролмас қора қарғалар.
Юз очди яланғоч боғ, дала-тузнинг
Исёни мисоли кечки майсалар.
Улар қиш ҳукмига измин топширган
Доно табиатнинг кечиккан ўйи.
Навбахор субҳида офтоб тоширган
Ва ерга сингиган камалак бўйи.
Улар оҳу мисол елган баҳорнинг
Қутсиз ва унутган ўғай боласи.

Совуқдан увишган туманли тонгни
Йиғлатган ёмғирмас, улар ноласи.
Балки табиатнинг қор, қишга қарши.
Яроқсиз саф тортган аскарлари бу?
Тул кузак ўз абгор умрини тагин
Чўзмоққа бир чора ахтаргани бу?
... Шоир, толиқмагил қиёс, ғазалдан,
Улар қаҳрамондай ҳалок бўладир.
Чунки қисматида бордир азалдан
Оппоқ бойчечакка ўхшаш нишадир...

Ўғлимга

Қутқазиб қолдинг сен ғофил руҳимда
Чўкиб бораётган болалигимни.
Тирик мазмун пайдо қилдинг исмимда
Ва менга эслатдинг оталигимни.

Уйлардим: барчаси бўлгандир унут,
Болалик ва олис ул қишлоқ йўли.
Хайрият, бор экан кўкламги булут,
Хайрият, очилди умримнинг гули.

Уйлардим: ҳаётнинг бори-йўғи шу
Соатлар ҳибс этмиш иш, кеча, кундуз.
Не бахтки, барчасин енгди ишқ, туйғу,
Не бахтки, бошимда порлади юлдуз.

Чехранга боқдим у сўзсиз танг турдим,
Кўриб эрта куннинг ёруғлигини.
Ўғлим, мерос каби сенга топширдим
Буюк инсоният болалигини...

Бедор лаҳзаларнинг сурати каби
Кўкда юлдузчалар ёниб-ўчади.
Титрайди мағшуқа куртаклар лаби
Дарё ўзанидан музлар кўчади.

Кундан-кун узяр мангулик умри
Қушлар ўз тилида тилайди камол.

Ўткинчи қўшиғин хиргойи қилиб,
Дарахтлар танига бош урар шамол.

Ялпиз саломидан мамнун мажнунтол
Қувончин тўкади тошқин сувларга.
Йигитлар тушини ўғирлаб ҳилол,
Мактублар битади сулув қизларга...

Воси Носир

Кенгликларсиз тенглик бўлмас,
Тенгликларсиз кенглик бўлмас.
Кўнглим истар кенгликларни,
Кенгликдаги тенгликларни...

Ажаб фараҳли кеча,
Гўё бу «Минг бир кеча».
Юлдузлар кўнгил оча,
Еғдусин ерга соча,—
Нурга айланар дунё.
Ҳар зарра тупроқ — гавҳар,
Неки, бино, бу — самар,
Эзгуликда тонг отар,
Бўлмаган ҳеч бу қадар.
Нурга айланар дунё...

Навоий области



ОМОН МАТЖОН

ЁЗМОҚ-ЧИЗМОҚ ГАРЧИ УМУМ ТАОМИЛ...

*Гарчи инсон умри фалакдан эҳсон,
У бурчдир, у — нурга мангу эҳтиёж.
Дўстим, тушларингни безасин ҳар тонг
Пушкинона шухрат, пушкинона тож.*

*Шеър — қалбимизнинг ёнмоқлик касби,
Ёзмоқ-чизмоқ гарчи умум таомил.
Замона котиби бўлсак басдир
Пушкиндек хатти рост, пушкиндек одил.*

*Севги — кўксимизда баҳор чалган соз,
Сузгин қарашларда руҳнинг зийнати...
Аёл шаъни учун на буюк эъзоз
Пушкин изтироби, Пушкин тийнати!*

*Зўр жанггоҳлар чўқар сукутга оғир,
Шоирнинг кўзлари — уйғоқ ғалаён,
Элда изҳор эрки қолмаса охир,
Пушкинона қудрат, ўзинг сол исён!*

Даҳолик ҳаммага ёр бўлмас.

Аммо

*Паймонам тубинда қолса жиндак нур,
Тақдир, сен яшашни менга эт раво
Пушкиндек элсевар, пушкиндек мағрур!*

Гулчеҳра Муродалиева

ПУШКИННИНГ НАТАЛЬЯГА АЙТГАН СЎНГГИ СЎЗЛАРИ

*Мен-ку, Сизни севдим. Бир умр севдим —
Йўқ, йўқ. Бундай ишқда бўлмас интиҳо.
Бир тўда ёлғонлар, шовқинлар аро*

Излаганим — Сизсиз, топганим — танҳо.
Йўқ, йўқ! Бундай ишқда бўлмас интиҳо...

Мен-ку, Сизни севдим.
Бўлди. Йиғламанг.
Сиз — софсиз. Бу кўзлар мени алдолмас.
Оҳ, билсангиз эди, ҳатто тангрининг
Мағбудалари ҳам Сизча маъсуммас!
Сиз софсиз. Бу кўзлар мени алдолмас.

Мен-ку, Сизни севдим.
Энди... кетарман.
Бу йўлдан қайтмаслар, бу йўл — мангулик
Ва лекин мени деб куйсангиз бир бор
Демак, мен тирикман,
Минг бора тирик!
Бу йўлдан қайтмаслар,
Бу йўл мангулик.

Мен-ку, Сизни севдим...

◆◆◆◆◆◆◆◆◆◆ АҚЛ ВА МАЪНО ДУРЛАРИ ◆◆◆◆◆◆◆◆◆◆

Дўстлар даврасида ота ўғлига:

— Мушугимиз туғибди, бориб хабар олиб кел,— деди.

Бола қайтиб келиб:

— Учга бола туғибди; иккитаси олапар, биттаси кулранг.

Учовининг ҳам кўзи очилибди...

Гап шу ерга келганда ота:

— Ишни бунақа пишиқ бажаришчи мёндан,— деди.

Бола гапида давом этиб:

— Овқат товоғини ювиб, тозалаб қўйдим, энди идишга сут қўйиб
келаман,— деди.

Ота:

— Боламнинг бу одати онасидан,— деди фахрланиб.

Бир донишманд, пирибадавлат кекса бор эди. У киши қариндош-
уруғлари, болалари, невараларининг оила тутишини синаб кўрмоқчи
бўлди. Агторлардан, боққоллардан сақич, хина, сирға ва яна турли-
туман нарсалар сотиб олиб келди. Қараса, бир тўп қизалоқ «зум-зум»
ўйнаётир. Кекса ўтириб, тугунини ечдида:

— Бу нарсаларни қийқиндига алмаштираман,— деди.

Қизлар дув этиб уй-уйларига кириб кетишди. Сўнг бирин-кетин
бўз, чит, мовут, ипак қийқимларини олиб чиқаверишди... Лекин бир
қизалоқ оёғининг учи билан ерни чизиб, бир четда тураверди.

Кекса унга қараб:

— Сенга ҳеч нарса керак эмасми, қизим?— деди.

— Биз қийқиндиларни ташлаб юбормаймиз, бирор нарсага
яратамиз, жуда бўлмаса, улардан қуроқ тикамиз,— деди қизча.

— Балли, доно қиз экансан. Фаровонлик — тежамкорликдан,
деганлари шу-да!

Чол олиб келган нарсаларидан қизалоқча ҳам ҳадя этди.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ— АДАБИЁТЛАР ДЎСТЛИГИ

Анжей Шипковский,
поляк ёзувчиси

КУЁШ, СУВ ВА ЎЗБЕК НАҚШИ

Меҳмонхонанинг очиқ деразасидан нуфузи икки миллиондан ошган шаҳарнинг шовқини эшитилиб турибди. Тун оққандагина шовқин тиниб, саратонлар кўшиғини бошлайди. Бу хушқим товуш менинг серқуёш ўлкада эканимдан дарак берарди. Гарчи сентябрнинг ўрталари бўлса-да, куннинг ҳарорати 30 даражадан тушмасди. Айтишларича, ёзда иссиқ бундан ҳам ошган, ҳатто 50 даражага етган. Ҳа, куёш ҳалок этиши ҳам мумкин, айна пайтда у одамга хизмат ҳам қилади. «Сув тугаган жойда, ҳаёт тугайди», деган қадимий ўзбек нақли фақат шундай юртдагина тўқилиши табиий бир ҳолдир.

Фарбдан Амударё соҳилларигача бориб туташган, шарқдан эса ҳайдаладиган ерларга ёндашган Қизилқум саҳроси республиканинг катта майдонини эгаллаб ётибди. Одатда Ўзбекистонни икки дарё — Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашгани учун қадим Мовароуннаҳр деб ҳам атаганлар. Яна бу дарёлар орасидан ўз манбаини Олой тоғларининг музликларидан бошлайдиган, суви биллурдай тиниқ Зарафшон водийни чулғаб оқди. Булар, том маънода, ҳаёт манбаидир. Ана шу дарёларнинг суви билан қишлоқ хўжалигининг юз минг гектарлаб ерлари суғорилади. Йилига куёш уч минг соат нур сочиб турадиган ўлкада: кўпгина мамлакатларда яхши маълум бўлган, шу жумладан, Польшада ҳам қўлланилаётган оддий ва мураккаб усуналар ёрдамида сувни ёмғир қилиб ёғдириш орқали суғориш усули ўзини оқламаган бўларди. Тўғрироғи, тупроқни эмас, балки ҳавони намлашдан нарига ўтмасди. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги сувни ҳар бир гўза тупига, сабзавот ва полиз экинларига элтадиган ариқлар системасига асосланади. Ариқларнинг қадимий системаси — бу каналлар шахобчалари: катта-кичик ариқлар, ариқчалар ва сув таралган эгатлардан иборат. Азалдан таркиб топган бу система темир мантқиққа бўйсунди. Уқариқдан эгатлар бўйлаб жилдираб оққан сув самолётдан офтоб яллиғида худди кумуш иплардек товланиб кўринади. Машинага тушиб, ўлкани кезганимда ҳам бу мўъжизани йўл-йўлакай кўп марта томоша қилдим.

Ҳайдалган ер Ўзбекистон умуммайдонининг атиги 8 фоизини ташкил қилиб, тўла-тўқис сунъий йўл билан суғорилади. Шубҳасиз, сув — ҳаёт рамзи ва айна вақтда тараққиёт тимсоли. Чўлдан тортиб олинган янги-янги ерларга, энг аввало сув бошлаб келиш зарур. Хусусан, бу республикада социализмнинг ҳар бир улкан муваффақияти сув билан узвий боғлангандир.

Бу табиати ранг-баранг, соховатли ўлкада менда унутилмас таассурот қолдирган кишилардан бири — кўркам, келишган, Ўзбекистоннинг йирик ёзувчиларидан саналмиш Сарвар Азимов бўлди. У мени ва ҳамроҳим Тадеуш Сливякни иссиқ қарши оларкан, таомилга кўра, чой ва мевалар билан сийлади ҳамда истақларимизни зўр эътибор бериб эшитди. Сарвар Азимов — Ўзбекистон Ёзувчилари союзи правлениесининг раиси, у қатор хорижий мамлакатларда элчи ҳам бўлиб ишлаган: кўп тажриба тўплаган, ҳар қандай одамни бир қарашда англаб олади, десак муболаға қилмаган бўламиз. Унинг Польшадан келган қаламқаш дўстлари оммавий саёҳат маршрутлари бўйлаб кезиш иштиёқида ёнаётган эдилар. Гарчи бу саёҳат йўлларида бутун дунёга машҳур Самарқанд, Бухоро ёки Хива ёдгорликлари жойлашган ва уларни кўриш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлса-да, аймо мақсадимиз — ўлканинг бугуни билан танишиш эди. Уртоқ С. Азимовнинг дам ўтмай бир қарорга келиб маслаҳат бергани ва унинг мароқли ҳикояси Ўзбекистоннинг бугунги қиёфасини кўз ўнгимизда яққол гавдалантирди.

Мен Тошкентнинг маҳобатли ва улуғвор меъморчилигини кўздан кечирарканман, биноларнинг ҳам ҳашаматли, ҳам одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб қурилганини ҳис этдим. Халқлар Дўстлиги саройи каби баланд, улуғвор қошоналарнинг биронтаси ҳам совуқ бетон деворлардангина иборат бўлиб кўзга ташланмайди. Барча замонавий биноларнинг деворлари қадимги ўзбек анъаналарига асосланган тўрнусха нақшлар билан қопланган. Жумладан, Тошкент марказида жойлашган, ичи салқин ҳаво билан совитиладиган «Ўзбекистон» меҳмонхонасида ҳам безашининг ана шу усуллари қўлланилган. Буларнинг ҳаммаси ҳақиқатан ҳам ажойиб таассурот туғдиради. Меъморлар гулу майсалар ва фаввораларга кўмилган ҳар бино ансамблнинг таркибий қисмини ташкил этиши ҳақида қайғурганлар. Бундай гўзаллик ва уйғунликни кўриб, кўз қувонади.

Табиий офатдан кейин ҳаётини қайтадан бошлаган янги Тошкентнинг бугунги манзараси ана шундай. 1966 йил 26 апрель соат 5 дан 29 минут ўтганда, ер қаттиқ силкиниб, қарийб бутун

шаҳар завол кўрди. Зилзиланинг тунда бўлгани, пастак уйларда истиқомат қилувчиларнинг иссиқ туфайли ҳовлиларда тунгани шаҳарни катта қурбон беришдан сақлаб қолди. Бир неча соатдан кейин совет ҳукуматининг раҳбарлари тушган самолёт республика пойтахти аэропортига келиб қўнди. Шу куннинг ўзидаёқ Тошкентни қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилинди. Ана шу умумхалқ ҳашарига бутун қардош совет республикалари фаол қатнашдилар ва ҳамон шаҳарни қайта қўришда давом этмоқдалар. Янги тулар-жой кварталлари, мактаблар, касалхоналар қад кўтарди, гўзал метро қуриляпти... Ўзбек меъморлари бу катта ўзгаришлар олдида эсанкираб қолмади, узоқ истиқболни кўзлаб иш тутди. Анча-мунча камчиликлардан ҳам кўз юмиб кетолмади: фурсатни бой бермади. Шунинг учун ҳам бугунги Тошкент жаҳоннинг энг гўзал пойтахт шаҳарлари қаторига киради. Айни пайтда бу шаҳар аждодлар хотирасини ҳам унутмасликни ёдда тутди.

Халқлар Дўстлиги саройи қошида темирчи уста Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг хотини ҳамда ўн тўрт болани тасвирлаган ажойиб ёдгорлик ўрнатилган. Ун беш миллатнинг ўн беш боласи — темирчи уста қалб меҳри билан фарзандликка олган ва ўз Ватанининг шарафи учун тарбиялаган — уруш етим қилган болалар. Интернационализм ва халқлар дўстлигининг бундан ортиқ ажойиб рамзи бўлиши мумкинми?!

Иккинчи Жаҳон уруши даврида Ўзбекистон ССРнинг Европа қисмидан кўчирилган юз минглаб одамларнинг бошпанасига айланди. Улар орасида поляк оилалари ҳам бор эди. Уруш юклаган мажбуриятларнинг залворидан республиканинг бели қайишди. Фронтга ҳамма нарса — озиқ-овқат ҳам, пахта ҳам, қурол ҳам зарур эди. Оғир меҳнат қилаётганлар учун овқат етишмас эди, лекин бошпанасизлардан ҳеч ким ўз уйини, бир бўрда нонини, бир сиқим гуручинни аямади. Узининг меҳмоннавозлиги билан дунёда шуҳрат қозонган халқлар кўп, аммо улар орасида энг тождори ўзбеклардир, шубҳасиз. Мен бунга фақат тўкин-сочин дастурхон атрофидагина эмас, энг аввало ўзбекларнинг очиқ кўнгиллигини ҳам кўриб иқрор бўлдим. Шундай саховатли қалб эгаларидан бири Адҳам Ҳамдамдир.

Адҳам Ҳамдам — олтиш беш ёшда. Ҳазилини ёқтиради, дам-бадам кулади, латифагўй. У Фарғонадагина эмас, балки бутун Ўзбекистонга танилган шоир, уни каттаю кичик бирдай ҳурмат қилади. Унинг шуҳрат ёғдусидан камини ҳам бир қадар баҳраманд бўлди. Мен Фарғона кўчаларидан ўтаётиб, одамларнинг икки қўлини кўксига қўйиб, Адҳам билан жилмайиб саломлашганликларини кўриб, ўзим ҳам ҳузур қилганимни яширолмайман. Чарақлаган кўёш нури остида ўзбекларнинг меҳмоннавозлигини кўриб, ҳар гал ҳайратга тушаман. Бу ерда ҳар кун узум, анор, нок, олхўри, олма ва шафтоли безаган дастурхон бошида бир неча марта меҳмон бўлмасликнинг илоҳи йўқ. Серҳосил водий — бу ҳудудсиз гўза пайкаллари билан алмашиб турадиган улкан боғдир... Пахта йиғим-терим мавсуми ҳам бошланиб қолганди. Меҳр билан парвариш қилинган колхоз ва совхоз далаларига қисқа фурсат ичида республика «оқ олтин»ини йиғиштириб олиш учун минглаб шаҳарлик, мактаб ўқувчиси ва студентлар ҳашарга келишади.

Адҳам мени «Волга»га ўтказиб, пахта даласига бошлаганда, унинг бир ўйга келганини юз ифодасидан англадим. Мана, ҳадемай биз ўзимизни «Ленинград» колхозининг пахта даласида кўрдик. Катта йўл яқинидаги ишқом остида тўхтадик. Бизни район ва колхоз раҳбарлари қарши олишди. Адҳам кулиб, этакларга ишора қиларкан: «Бир пахта териб кўринг», деб қолди. Республика олти миллион тонналик «оқ олтин» хирмони учун курашни авж олтирган шу қизғин даъда кимнинг ҳам пахта тергиси келмайди, дейсиз. Этакнинг боғичларини буйига ва белимга боғлаб қўйишди, тегишли йўл-йўриқлар беришди.

Шундан сўнг бемалол пахта пайкали оралаб кирдим. Пахта чаноғи тикансиз каштанларга ўхшайдиган бамисоли қабарик шарлар, у — бир неча кун давомида лўппи момиққа тўлиб гуллайтиди. Бу бир тутам момиқни чаноқдан юлқиб, этакка солинади. Албатта, момиққа хас-чўп, ҳазонинг илашишдан эҳтиёт қилинади. Аста-секин эгат оралаб, ҳар бир туп гўзанинг очилган пахтасини топ-тоза териб, белим оғриганда қад ростлайман. Мени изимга қайтариб, бригадир этагимни ечиб олди ва ундаги пахтага қўл солиб, навини аниқлади: мен терган пахта иккинчи навга ўтди. Адҳам, албатта, менинг устимдан кулар, ҳар қалай, жуда оз фурсат бўлса-да, пахта териб, унинг машаққатини ҳис этганимдан завқ олар эди. Мен эса ўзбекларнинг қундалик долзарб юмушига қўлим теккани учун ундан миннатдор эдим.

Пахта — Ўзбекистон иқтисодининг асоси ва фаҳри. 1982 йили олти миллион тоннадан зиёд «оқ олтин» хирмони кўтарилган бўлса, Ўрта Осиёнинг қолган бошқа республикалари икки миллион тоннага яқин пахта топширдилар. Бу ўлкада ўзбек аёлларининг олтин қўллари бежиз мадҳ қилинмайди, чунки улар меҳнатсиз муваффақиятга эришиш асло мумкин эмас. Ахир, бу миллион тонналар мисқоллардан ташкил топади. Ҳар қайси чаноқда атиги 4 грамм пахта бор...

Фарғонанинг «Ленинград» колхози правлениесига ҳам пахта ҳақида гап борди. Правление раиси Неймат Холматов колхознинг бир ярим минг гектарлик майдонидан бир минг юз гектардан кўпроғи пахтага ажратилганини айтди. Қолган ерлар сабзавот ва мева, сут ва тухум етиштиришга мўлжалланган. Бу жами бойликларнинг эгаси — 1400 колхоз аъзоси. Улар оила аъзолари билан биргаликда етти ярим минг жонни ташкил этиб, ана шу ҳўжалик ҳисобига фаровон яшайдилар. Колхозчиларнинг ўртача даромади 1981 йили ҳар ойига 138 сўмдан тушди. Бунга яна ҳар йили томорқада етиштирилган маҳсулотлардан олинган 1300 сўм ҳам қўшилади. Холматовнинг ҳикоя қилишича, колхозчилар мева ва сабзавотларга, ҳатто асосий кўй гўшти маҳсулотига ҳам бир тийин сарф қилишмайди. Бир сўмнинг қадри эса катта. Бизда «Пада» деб аталадиган «Жигули»нинг янги модели саккиз минг сўмдан сал зиёдроқ туради.

— Биласизми, — дея Холматов ҳикоясини давом эттиради бизни паловга таклиф қиларкан, — биз деҳқоннинг даромади саноат ишчисининг иши ҳақидан кам бўлмаслиги учун кўп тадбирларни ишлаб чиқдик. Бу эса эндигина ҳаётга қадам қўйган ҳар бир ёш колхозчига маошдаги тафовутлардан қатъи назар, малакаси ва қизиқиши тақоза этган касбни танлашига имкон беради.

Ажойиб ўзбек маданияти анъаналари адабиётга ҳам даҳлдордир. Темурийлар салтанати замонида буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ижод қилди ва адабиётга эски ўзбек тилини олиб кирди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия Урта Осиёни қўшиб олганидан кейин анъанавий адабиётда демократик тенденциялар пайдо бўлди. Бу ўлкада шоир, драматург йиллар адабиёт Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий қўйди. Сўлим, гўзал тоғ қишлоғи — Ҳамзаобод унинг табаррук номи билан аталади. Мен Ҳамза ишлаган ва вафот этган масканга Адҳам Ҳамдам билан бирга йўл олдим.

Ҳамзаобод жойлашган Шоҳимардонга Қирғизистон орқали йўл ўтади. Шоҳимардон — бу қардош Қирғизистон республикаси майдонидаги кичик бир орол Ўзбекистонга тегишли Шоҳимардон ва Соҳ қишлоқларининг қўшни республикада жойлашгани ўзига хос бир географик ғайри табиийликдир. Ҳар иккала қишлоқда ҳам ўзбеклар яшайди. Бундай ҳоллар кушни республикалар чегарасини ажратишдан кўра кўпроқ бирлаштириб туради. Мен ўзимни бошқа республика территориясида эканимни ва улар орасидаги тафовутни йўл харитасидангина қараб билдим, холос.

Ҳамза Ҳакимзода музейи бу машҳур шоирнинг фақат шахси ҳақидагина эмас, балки у яшаган ва ижод этган мураккаб давр тўғрисида ҳам ҳикоя қилади. Бугун қомусларда Ўзбекистоннинг қўлақлар республикадан юксалиган аграр-саноат ўлкасида айланган қанди ва иқтисодий кўрсаткичлари бўйича совет Урта Осиёда биринчи ўринни эгаллагани қайд этилган. Мана шу тарихий тубдан ўзгаришлар катта фидойилик ва тўкилган қутлуғ қонлар эвазига бўлганини эслаб ўтишни жуда ўринли деб ҳисоблайман. Ана шу эзгу омон ва келажак йўлида ўзбек фидо қилганларнинг бири — Ҳамза Ҳакимзода таъдир.

У давра табиби оиласида дунёга келиб, дастлаб мадрасада таҳсил кўрди, кейинчалик рус-тузем мактабида таълим олди. Йигирма ёшида Тошкент ва Қўқонда ўзбек болалари учун замонавий мактаблар ташкил қилишга киришди. Дарслик ва қўлланмаларни ўзи ёзди. Йигирма беш ёшида «Янги саодат» романини ва «Заҳарли ҳаёт» фожиасини яратди. Биринчи Жаҳон уруши даврида миллий қўшиқлар тўпламини нашр эттиради, инқилоб яқинлашиб келаётгани учун эса публицистик асарлар ёзишга ўтади. 1917 йили у «Кенгаз» ва «Хуррият» журналларини чиқаради. Инқилоб қизғин давларда театр учун пьесалар ёзади, музикали-драматик труппа тузади ва совет ўзбек мактаблари очади. 1920 йилдан большевиклар сафига кирган Ҳамза Ҳакимзода партиянинг ҳар бир топшириғига зўр масъулият билан қарайди. Шоҳимардонда ўзи ташкил этган қишлоқ мактабида ҳам партия даввати билан муаллимлик фаолиятини давом эттирди. У камбағалларни бирлаштирди, хотин-қизларни шафқатсиз мусулмон шариати исканжаси ва зулмдан озод этишда курашди. Илдизи қирқилган дин мутаассиблари учун у ошкора душманга айланади.

Музей экспонатлари ичида «Правда» востанида газетасининг 1929 йил 26 мартда чиққан сони ҳам бор. Унда «Муллалар адиб Ҳамза Ҳакимзодани ўлдирдилар» сарлавҳали мақола босилган эди. Ҳамзага суйқасд қилинганда, у ЎзССР халқ шоири унвонини олганига уч йил тўлган эди. Шоир ўлдирилгандан кейин афсонага айланади. Ҳалок бўлган кунининг 50 йиллиги муносабати билан инқилобчи шоирнинг ҳаёти, ғураши ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи экспозицияли музейи очилди. Музей залларидан бирида пианино ва унинг ёнида ғижжак турибди. У ана шу чолғу асбобларида биринчи ўзбек операси — «Қорасоч»ни яратган эди. Ўзбек авторлари асарларининг бутун жаҳон театрларида намойиш этилган постановкалари афишалари орасида Подз музикали театрида кўрсатилган «Майсаранинг иши» комедиясининг афишаси ҳам бор.

Ўзбек совет адабиёти ва санъати эркин ривожланиб бормоқда. Ана шу катта йўл бошида бир пайтлар оташин шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий турган эди.

Бугун инқилобгача ва инқилоб даври Ўзбекистонини фақат музейлардагина кўриш мумкин. XIX асрнинг охиригача халқлари амирлигида қўл савдоси ҳукм сурган эди. Тошкентдаги Ойбек осмондаги Ўзбекистон буюқлари тарихи музейида хондан Абдурахмон исмли сентиб олинган қўл ҳақидаги ҳужжат сақланади. Марғилон шаҳридаги музейида бўлганимизда, ўша даврга хос яна бир даҳшатли жаҳолатпарастликни тасдиқловчи ҳужжат билан танишдик. 1929 йили паранжисини ташлаб, очикликка чиққан ўзбек аёлларнинг ўз эри ёки акалари қўли билан сўхбатлашишга тўғри келди. Улар хотиржам, босиқ, билимдон, ўз ишининг устаси.

Бу бахт ва ҳурликка озодлик йўлида тўкилган шаҳидлар қони ҳисобига эришилгани ўз ўзидан аён. Бугун хотин-қизларнинг жамиятда муносиб мавқега эгаллаганига ва уларнинг мамлакатда тутган ўрнига юксак баҳо берилаётганига ажабланмасам ҳам бўлади. Ўзбекистон бўйлаб қилган сафаримда ҳамма жойда, барча партия ва совет муассасаларида кўлхоз аёлларининг масъулиятли вазифаларда ишлаётганига дуч келдим. Хотин-қизлар қолхоз правлениеларига, совхоз дирекцияларига, саноат маҳкамаларига ҳам раҳбарлик қилмоқдалар. Хусусан, совет Урта Осиёсида хотин-қизларга эътибор берилганининг катта сиёсий аҳамияти бор. Мен республика ҳаёти билан танишарканман, жуда кўп фаол аёллар билан суҳбатлашишимга тўғри келди. Улар хотиржам, босиқ, билимдон, ўз ишининг устаси.

Ўзларига топширилган иш ҳақида мароқ билан ҳикоя қилишади. Бу маърифатли аёллар орасида қизлар, оналар ва ҳатто бувилар ҳам бор. Синчковлик билан кузатиб, шу нарсага амин бўлдим: улар аёллик нафосатини, латофатини йўқотмаган; раҳбарлик лавозимларида ҳеч кимга ҳеч қандай дағдаға қилмай, камтарлик билан иш юритмоқдалар.

Мен Адҳам Ҳамдамнинг одатдаги ажойиб таклифларига кўникиб қолгандим. Бир куни у мени машинага ўтказиб, соҳилларида дарахт ва буталар ўсиб ётган, сокин, тўлиб оқаётган гўзал дарё бўйига олиб борди. Қаҳваранг сувнинг мавжлари қирғоқлардаги мажнунтолларнинг юшил новдаларини таради. Мен Сирдарё бўйида юрганимизга қаттиқ қотиб-қотиб, одоб юзасидан бу ҳақда Адҳамдан сўрадим. Адҳам эса саволимни эшитиб, роса қишан-қамтиб кулди ва бу Катта Фаргона канали эканини, урушгача шу жойлар ўрни бий чўл бўлганини айтди. Ҳақиқатан ҳам бу канал қурилиши социализмнинг энг кўзга кўринган муваффақиятла-

ерга ағдаради. Бундай ҳолда рудани ташиш харажатлари нолга тенг бўлади. Табиат ўзининг турфа бойликларини аямай, водийни саховат билан сийлаган. Одамлар эса бу бойликлардан оқилона фойдаланишлари керак, холос. Буни — фарғоналиклар эплайди.

— Каналлар ер юзасини худди электр турларидай чулғаб олаёпти, — дейди яна сўзини давом эттириб Зокирова. — Сувми, энергиями, қайси бири муҳимроқ — айтиш қийин. Шунинг учун унисигаям, бунисигаям эътиборни кучайтираёпмиз. Сув билан энергия — биз учун бу бамисоли ҳаёт!..

Кундан-кунга совет Ўзбекистони ҳақидаги тасаввурим бойиб борди. Мен қаерда меҳмон бўлмайин, ўша ерда турли-туман чинни буюмларга дуч келдим. Бу ерда меҳмоннавозликнинг ҳам, илтифотнинг ҳам чек-чегараси йўқ. Водийдаги шу кейинги меҳмондорчиликлардан бирида пахта гулли чойнакдан анча вақт кўз узолмай турганимни Адҳам сезиб қолди-да, дарров мени зарҳалли мўъжизалар яратиладиган чинни заводини бориб кўришимни илтимос қилди. Бу таклиф менга хуш ёқиб, бажонидил кўндим.

Қувасой шахрида бундан тўрт йил бурун қурилган чинни заводига йўл олдик. Биринчи учратган кишимиз — қирқ икки ёшли инженер, корхона турганимни Адҳам сезиб қолди. Мен унинг ҳаёт йўли ҳақида сўраганимда, бу камтар, камсуқум йигит саволларимга жуда қисқа жавоб қайтарарди.

— Мени партия буюкка саккиз йил бурун завод қурилишига юборганди, — дейди у. — Ҳаммаёқ бўм-бўш: ҳувиллаб ётар, кечалари шоқолларнинг улигани эшитиларди. Шундай жойда тўрт йил ичида завод қад кўтариб, 1978 йили ишга туширилди. Ҳозир 2,5 минг ишчимиз бор, уларнинг аксарияти хотин-қизлар...

Заводни кўздан кечирамиз. Кенг, ёруғ, озода цехлар вентиляция ёрдамида жуда яхши шамоллатиб турилади. Бир гуруҳ ёш аёл ишдан бош кўтариб, меҳмонларга жилмайиб қарайди. Ҳаммадан кўра, бадийи нақш цеҳи ўзининг гўзаллиги билан бизни лол қолдирди. Бу жойда кейинчалик бутун жилоси билан кўзни қувонтирадиган гул ва нақшлар яратилади. Завод цехларини туташтирган жуда узун коридор бўйлаб бир неча магазинга дуч келдим. Уларнинг бирида мева ва сабзавотлар, бошқасида хонатлас ва чит матолари сотилади. Хуллас, бу дўконлардан бутун жаҳон аёллари ёқтирадиган турфа-туман атир-упалар, СССРда ва ҳатто энг яхши француз фирмаларида тайёрланган пардоз-андоз ашёларигача харид қилиш мумкин.

Бундан ташқари яна шундоққина завод ёнида меҳмонхонани эслатадиган гўзал, замонавий бино савлат тўкиб турибди. Бу чинни саноати касаба союзлари ходимларига қарашли санаторий ва профилакторий биносидир. Унда завод хотин-қизларидан бир йўла 200 киши ишдан ажралган ёки ажралмаган ҳолда тўла курс муолажа олади. Ажойиб жиҳозланган, даволаш тадбирлари ўтказиладиган кабинетлар, ваннахоналар, ишхоналар, ётоқхоналарни бир-бир кўздан кечирамиз. Ҳаммаёқнинг озадау орасталиги ва жимжимадор Бухоро гиламлари шифохонага гўзаллик ҳамда нафосат бағишлаган. Даволанувчиларнинг ҳам, ҳамшираларнинг ҳам, врачларнинг ҳам — ҳамма-ҳамманинг чеҳраси майин табассумдан ёришган. СССР Конституциясида мамлакат гражданининг соғлигини сақлаш тўғрисида алоҳида модда бор. Мен бу ғамхўрликнинг ёрқин мисолини мана шу завод шифохонасида ҳам яққол кўрдим.

Мен биргина йўл очеркимда Ўзбекистондек гўзал диёрда кўрганларимнинг ҳаммасини жамулжам қилиб, тўқсиз ифодамай олмайман ва бунинг иложи ҳам йўқ. Шарқона бозорларнинг бетакрор буюқларини ёки чеварларнинг толмас, сеҳрли бармоқлари тўқиган ва нақшлари кўзни қамаштирадиган дунёга машҳур гиламларини тасвирлашга ҳам тўхталмадим. Ростини айтсам, бу сафар Ўзбекистонда ўтказилган кўп миллатли совет адабиётининг фестивалида қатнашиш бахтига муяссар бўлган каминанинг ҳис-туйғуларини иншо этишга ана шу саҳифалар камлик қилади.

Сергей Баруздин

ТОШКЕНТ ҲАВОСИДАН ОЛАМАН НАФАС

*Жондек ҳамма учун Россиям менинг,
Менинг ҳам кўксимда офтобим ўша.
Аммо Тошкентнинг ҳам менга бағри кенг,
Менга юртим янглиғ жондош бу гўша.*

*Бир қатор халқлару миллатлар аро —
Бунда биродарлик ҳикмати аён.
Гарчи мен шимолга фарзанд, фуқаро,
Шарқдан бир илиқлик туяябди жон.*

*Мен қашшоқ бўлардим оламда, аниқ,
Қадим ва навқирон тупроқдан айру.
Тошкентга отаман ўзимни ёниб,
Бутун ҳаётимнинг эҳтиёжи бу.*

Тошкент ҳавосини симириб, сўнгра
Қайтмасдан илож йўқ ўз остонаннга.
Аммо кўргач тушдек Тошкентни ўнгда,
Бўлар Москва ҳам азизроқ менга...

* * *

Июнда, қандайдир қорайгандек қош,
Гоҳ булут кун бўйи сепарди ёмғир.
Иккига тўлганди қизалоқда ёш,
Бошланган пайтида жанг-жадал оғир.

Қуёш ўт пуркарди булутсиз палла,
Ёмғирдан кейинги ҳаво зах ва дим.
Худди шундай эди, шундай амалда,
Буни яхши эслар, кўрган бўлса ким.

Қуш эмас, осмонда ёвуз калхатлар
Учарди, санчэй, деб, заминга тумшук.
Қай йўллардан кечди, қай бир бекаатлар —
Саргардон қизалоқ эсламайди, йўқ.

Менинг-чи, у турар кўзим олдидан —
Шарққа бораётир, эғнида нимча.
Сайрар кампирлардек ушоқ ҳолида,
Синган бир ниҳолга ўхшаш етимча.

Мен уни, билсангиз, ўйлаганимдан,
Кечганман, эҳтимол, йўлларки олис.
Ўраб шинелимга, узмай танимдан
Уни асраганман душмандан ёлғиз.

...Ёмғирлар тиндию, тутиб қаддинг рост,
Сен кирдинг хонага, келишган аёл.
Мени ҳаприқтирди негадир бехос —
Бу ўша қизалоқ, деган бир хаёл...

Омон МУХТОРОВ таржимаси

Владислав Шошин,
Ленинград.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚАЛБИМ ҲАМРОЗИ

Йиллар ўтар тўлқиндай тигиз,
Унутмагай лекин хотира
Шафақ ичра тўлғонган олис
Ахчақуйма уфқини сира.
Тақдиримиз ҳар бир қадамда
Бир кашф ила туташигани рост.
Бизларга бу Фурманов ҳамда
Фрунзедан қолгандир мерос.

Айни шарқдан, мисоли тўрғай
Қўшиқ парвоз этган бешикдан
Чақмоқ каби барқ урар ирғай,
Худди салом йўллаб ёшликдан.

Кезиб кўхна Зарафшон бўйин,
Кўтарамиз қадаҳларни шод!
«Азиз дўстлар, бизлардан кейин
Бўлсин замин янада обод!»

Уйқум қочса Нева сасидан,
Тўш уради Амуга хуррам.
Битта эрур бизларнинг Ватан
Ва ажралмас йўлларимиз ҳам.
Октябрдан бугунга қадар,
Тақдиримиз туташдир муқим.
Аму узра ётган далалар
Менга азиз худди ўз уйим.

Салом сенга, эй куйчи ўлка,
Орзудаги боғи баркамол!
Пойдор бўлсин, кўрмасин кўлка
Ўз қўлинг-ла яратган иқбол.
Самолётлар тўрт ёндан қатор
Келаётир қушдай сен томон:
Бир кўрганлар кўрай дер такрор
Чиройингни, жон Ўзбекистон!

Хусниддин ШАРИПОВ таржимаси.

◆◆◆◆◆ АҚЛ ВА МАЪНО ДУРЛАРИ ◆◆◆◆◆

Ота ўғлига чақа пул бериб:

— Узимизга, сигиримизга, товуқларимизга егулик бирор нарса харид қил,— деди.

Ўғил ўйлаб-ўйлаб, охири битта қовун соғиб олди-да:

— Дада, қовунни ўзимиз еймиз, пўчоғини сигирга, уруғини товуқларга берамиз,— деди.

— Балли, ўғлим,— деди ота қувониб.

Ешгина бир қизча қўшнисиникидан чўғ сўраб чиқибди.

— Ола қол, қизим, лекин куракчанг йўқ-ку, қандай қилиб олиб чиқиб кетасан?— дебди қўшни кампир.

— Рухсат бўлса бас, уёғи осон,— дебди қизча.

Қизалоқ кафтига кул ёзиб, устига чўғ қўйиб, бемалол кетаверибди.

Етти ёшли Моцарт концерт берарди. Бир кун унга ўн тўрт ёшли йигитча:

— Қандай ёқимли музика басталагансан, офарин. Мен ҳеч қачон бундай чалолмасам керак,— деди.

— Нима учун, сен каттасан-ку, ўзингни синаб кўр. Қўлингдан келмаса, нота ёзишни ўрган.

— Ҳа, мен ёзаман... шеърлар.

— Бу ҳам жуда қизиқ. Яхши шеърлар ёзиш, эҳтимол, музика басталашдан ҳам қийин бўлса керак.

— Нима учун, жуда осон. Сен синаб кўр.

Вольфганг Моцартнинг суҳбатдоши Иоганн Гёте эди.

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ: КУВОНЧЛАР, ТАШВИШЛАР, УМИДЛАР

Худойберди Тўхтабоев

ИЖОБИЙ ҚАҲРАМОН — ДАВР ФАРЗАНДИ

Чиндан ҳам шундай: ҳар бир давр ва замоннинг «ўз» ижобий қаҳрамонлари бўлган. Шунинг учун ҳам «ўз» сўзини тирноқ ичида ёзаяпмизки, қаҳрамон гарчи ўзи яшаган даврнинг идеаллари ва тенденциялари асосида яратилса-да, халқ руҳини чинакам акс эттирса, бошқа даврларнинг ҳам сеvimли қаҳрамонларига айланиши мумкин. Гурўғли, Алпомиш, Фарҳод, Ширин, Тоҳир ва Зуҳра образлари бир даврнинг эмас, балки барча замонларнинг сеvimли қаҳрамонларидир. Лекин шундай бўлса ҳам, бари бир, адабий қаҳрамон ўзи яратилган даврнинг фарзандидир. Асар ёзиш ва образ яратишдан мақсад ўша даврнинг муҳим гапини айтиш у ёки бу муомалага китобхон эътиборини тортиш, давр тенденцияларига қаҳрамон орқали муносабат билдиришдан иборат, шундай эмасми? Образ яратишдан мақсад ўқувчига ҳаётда йўлдош бўладиган, ҳамсуҳбат бўладиган, намуна олса арзийдиган, маънавияти ўзиникидан бирмунча юксак, мардликка ва жасоратга ундайдиган киши образини яратишдир, шундай эмасми? Бу фикр болалар адабиётига ҳам, катталар адабиётига ҳам тааллуқлидир. Болалар адабиёти билан катталар адабиёти ўртасида фарқ йўқ, балки баён услубида, албатта, фарқ бўлиши керак, дейди машҳур рус танқидчиси Белинский. Шу ақидадан келиб чиқадиган бўлсак, демак, катталар адабиётида яратилган ижобий қаҳрамон билан болалар адабиётида яратилган ижобий қаҳрамон ўртасида фарқ бўлиши табиийдир. Қаҳрамон қандай яратилгани, қандай талқин этилганига қараб асар болаларга аталганми ёки катталарга бағишланганми сезиб олиш мумкин. Хўш, бугунги ўзбек совет болалар адабиётида ижобий қаҳрамон, яъни давр фарзанди образини яратиш қандай бормоқда, биз нималарга эришдик, нималарга эришолмадик? Қайси қаҳрамонларимиз шўҳрат қозониб ўқувчилар ўртасида оғиздан-оғизга ўтиб юрибдию, қайси қаҳрамонларимиз китоб саҳифасидан ташқарига чиқолмай қолиб кетмоқда? Бу борада бизнинг аргизулик ютуқларимиз ҳам бор. Ҳаким Назир, Фарҳод Мусажонов, Носир Фозилов, Латиф Маҳмудов, Эргаш Раимов сингари ижодкорлар анча-мунча ишлар қилиб қўйишди. Ҳаким Назирнинг мағзи тўқ, маънавияти бой роман ва қиссаларида, Фарҳод Мусажоновнинг ахлоқ йўналишидаги қувноқ ҳикояларида, Латиф Маҳмудовнинг лирик кайфият яратувчи

асарларида намуна олсанг арзийдиган, эргашсанг янглиштирмайдиган катта-кичик образлар яратилмоқда. Бу муаллифларнинг асарлари бугунги кун болаларининг маънавияти бутун, руҳий олами бой бўлиб шаклланишларига яхши хизмат қилмоқда. Шу билан бирга инсониятнинг маънавий дунёси ўсиб, ҳа-миша бойиб турганидек, болаликнинг ҳам маънавий эҳтиёжи, диди ва талаби ўсиб борар экан-да. Билими ва дунёни тушуниши ўсиб кетган 80-йилларнинг болаларини ҳалабула асар ҳам, ҳалабула қаҳрамон ҳам қаноатлантирмайди. Марк Твен, Сент Экзюпери, Аркадий Гайдар, Николай Носов асарларини ўз она тили ва гоҳо оригиналида ҳам ўқиётган болалар, бундан сўнг ўқийдиган асарларни ҳам ана шу ёзувчиларнинг китобларидан кам бўлмаслигини талаб қилмоқдалар. Худди шу талабдан келиб чиқиб, ятадиган бўлсак, бугунги ўзбек болалар нарсидан хусусан ижобий қаҳрамон яратиш борасида баъзи бир камчиликлар яққол кўзга ташланмоқда. Биринчидан, болалар адабиёти учун гоят муҳим бўлган фантазия етишмаяпти. Ҳаётда юз берган воқеаларни шундайлигича қайта ҳикоя қилиб бериш бу ҳали бадий адабиёт деган сўз эмас. Масалан, Муқимжон Ниёзовнинг асарларида шу хил камчилик очик сезилади. Марк Твеннинг «Том Сойернинг бошидан кечирганлари» ёки Николай Носовнинг «Билмасвойнинг бошидан кечирганлари»ни олинг. Бу асарларда ҳам ҳаёт ҳақиқати тасвирланган. Лекин бу ҳақиқат қаҳрамон дунёсини бойроқ, кенгроқ тасвирлашга ҳалақит бермаган-ку, шундай эмасми? Майда, маънавий олами қашшоқ, бўйи ҳам ангишвонадан кичкина образлар кўпайиб қолмоқда. Бундай қаҳрамонлар ўқувчи қалбини ўзига ром этолмайди, ўқувчини ишонтиролмайди ва демак, унга намуна ҳам бўлолмайди. Бизнинг болалар адабиётимиздаги учинчи камчилик, яъни тўлақонли ижобий қаҳрамон яратишга ҳалақит бераётган сабаблардан яна бири — бу адабиётимизнинг миллий хусусиятини ҳисобга олмаётганлигимиздадир. Соф реалистик тасвирни асосга олганмиз, бу яхши, албатта. Лекин шу билан бирга бизнинг болалар адабиётимиз маълум маънода эртакдан ўсиб чиққанлигини унутмаслигимиз керак. Эртакка хос саргузаштли воқеалар, қаҳрамонларнинг фавқулодда жасорати тасвирланган асарлар бизнинг болаларга кўпроқ маъқул тушаётганлиги барчамизга маълум. Фафур Фулом-

нинг «Шум бола»си, Анвар Обиджоннинг яқингинада яратилган «Эй ёруғ дунё» асарларини шунинг учун ҳам болалар севиб ўқишмоқдаларки, уларнинг тўқимасига эртатка хос воқеа ва ҳодисалар чиройли сингдириб юборилган. Адабиётимизнинг ютуқларини ҳеч камситмаган ҳолда, кўнглим тўлмаган, бошқалар қатори мени ҳам ташвишлантираётган яна бир ҳодиса ҳақида тўхталмоқчиман. Бу — асарнинг сюжет қурилишига, айтмоқчи бўлган фикримизнинг қисқа ва лўнда бўлишига алоқадор гапдир. Маълумки, бола табиатан эзмаликни ёқтирмайди. Рангларнинг аниқ ва ёрқин бўлишини, тасвирнинг соддалигини, қаҳрамонларнинг мақсадлилигини, ўзи каби оқ кўнгли ва ўзи хоҳлаганидек, жасоратли бўлишини истайди. Фикридан кўра сўзи кўпроқ бўлган, узун арқондек чўзилиб кетган асарни бола умуман хушламайди. Сўнгги икки йил ичида яратилган баъзи бир қисса ва ҳикояларимизда эзмалик шундоққина сезилиб туради. Бир ҳамкасбимизнинг «Уртоқлар» номли ҳикояси журналдан олти саҳифа ўрин олган. Мазмунида «дўстга хиёнат қилмаслик керак», деган гап бор. Аввало бу ғоянинг ҳеч янгилик жойи йўқ, модомики, янгилик жойи йўқ экан шу ғояни ташийдиган ижобий қаҳрамоннинг ҳеч қандай таъсири ҳам бўлмайди. Ҳаммага маълум бўлган гапни тушунтириш учун олти саҳифа ажратишнинг ҳеч кераги ҳам йўқ эди. Лев Толстойда ҳам худди шундай бир ҳикоя бор. У «Икки ўртоқ» деб аталади... Дала йўлидан икки ўртоқ кетиб боради, тўсатдан ён томондан айиқ чиқиб қолади. Ўртоқлардан бири қўрқиб дарахтга чиқиб кетади, иккинчиси ерга ётиб олади. Айиқ келиб ерга ётиб олган боланинг уёқ буёғини ҳидлаб кўради-да, яна йўлида давом этади. Дарахтга чиқиб кетган бола тушиб ўртоғидан «Айиқ қулоғингга нима деб шивирлади?» деб сўрайди. Ўртоғи «Хатар туғилган пайтда дўстингни ёлғиз ташлаб кетма», деб

шивирлади», деб жавоб қайтаради... Кўрииб турибдики, ҳикояда ҳеч қандай тафсилот йўқ. Эҳтимол шунинг учундир, унинг таъсир кучи ҳам, сифати ҳам юқори. Умуман, адабиётимизда тез-тез учраб турадиган эзмалик, гоҳо эски ғояларни такрор-такрор кўтариб чиқиш тўлақонли ижобий қаҳрамон образини яратишга маълум маънода халақит бермоқда. Езувчиларимиз ўртасида эътироз билдиришга арзийдиган бошқа бир кайфият ҳам бор. Баъзи фикрларимиз ҳалон болалар адабиётининг қаҳрамонининг боланинг ўзи бўлиши керак, деган нотўғри фикрда юрибимиз. Албатта, болага бола орқали фикр айтишнинг ёмон жойи йўқ, аксинча кўпгина қулайликларга ҳам эга. Яхши хулқни, яхши фазилатни бола ўз тенгқуридан ўрганса, бу қайтанга яхши ҳам. Шу билан бирга боланинг дунёси фақатгина тенгқуридангина иборат эмаску! Мактабда ўқиётган бола ростгўйлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, меҳрибонлик каби гўзал инсоний фазилатларни фақатгина тенгқуридан эмас, ота-онасидан, муаллимларидан, маҳалла-кўйдаги эътиборли кишилардан ҳам ўрганади. Меҳнат қаҳрамонлари, илм-фан алломалари, жамоат арбоблари, атоқли инқилобчилар — мана шулар ҳам бола учун буюк намунадир, интилса; тақлид қилса арзийдиган шахслардир. Ҳўш, нега энди ана шуларнинг мисолида бола қалби ва руҳида гўзаллиқни тарбиялаш мумкин эмас экан? Сергей Алексеевнинг тарихий асарлари, Аркадий Гайдарнинг «мактаби», Анатолий Алексиннинг бутун ижоди бунга ёрқин мисолдир. Ижобий қаҳрамон ўз даврининг фарзанди экан, давр тенденцияларини ўзида акс эттирувчи шахс экан, даврнинг талаблари ва маънавий гўзаллиқларини, биз ўз ўқувчимизга бола орқали ҳам, катталар образини яратиш орқали ҳам тушунтириш имкониятига эгамиз.

Бердиали Имомов,
филология фанлари доктори

БОЛАЛАР ДРАМАТУРГИЯСИ УФҚИ

Совет кишиларини ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашда адабиёт ва санъат зиммасига алоҳида вазифа юклангандир. Бу муҳим вазифани адо этиш жамиятимиз келажаги бўлган ёш авлодни муносиб тарбиялаш, уни коммунизмнинг илғор қурувчилари этиб етиштириш вазифаси билан боғланган. Партия ва давлат аҳамиятига молик бу ишда болалар адабиёти зиммасига алоҳида тарбиявий вазифа келиб тушади.

Ўзбек болалар драматургияси бошқа жанрларга нисбатан орқароқда қолаётган бўлса-да, кейинги йилларда қувонтирарли юксалиш нишоналари — янги-янги пьесалар пайдо бўла бошлади. Бундай ўсиш куртаклари биринчи навбатда Пўлат Мўмин, Ғатиф Маҳмудов, Эргаш Раимов, Раим Фарҳодий сингари ижодкорларнинг кунт ва чидам билан болалар учун пьесалар ижод этаётганликларида кўринади. Шу ҳисобда Мўхсин Халил, Қўрқмас Маҳмудов, Анвар Обиджон каби ёш қаламкашлар ҳам дадил ижод қилаётдилар.

Болалар драматургиясида Пўлат Мўмин алоҳида ўрин тутаётганлигини қайд этиш керак. Унинг қатор драматик асарлари ёш томошабинларнинг меҳрини қозонди. Натигада, муаллиф болалар учун пьесалар яратиш ишига жиддий қиришди. Кейинги йилларда у шу жанрда «Оқ фил йўқолди», «Баҳодирнинг ботирлиги» асарларини ёзди.

Унинг пьесаларида характерлар ҳаётийлигини ошириш ва уларни янада таъсирчан этиш ҳамда замондошларимизнинг реалистик образларини яратишга оид, драматик маҳоратнинг турли масалаларига доир эътирозлар билдириш мумкин, албатта. Лекин, энг муҳими, Пўлат Мўмин асарларида ҳаёт ҳодисалари ва тарбиявий масалаларни болалар ва ўсмирлар психологиясига мувофиқ равишда ишонarli ва таъсирли тарзда ифодалайди. Шунинг учун унинг пьесалари асосида қўйилган спектакллар ёш томошабинлар эътиборини қозонмоқда.

Болалар драматургияси соҳасида фаол

ижод этаётган яна бир драматург Латиф Маҳмудов пьесаларида мактаб ҳаёти, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатлар ҳақида, турли ёшдаги болаларга мансуб ахлоқий-педагогик масалалар тўғрисида қизиқарли фикр юритилади. Юмор туйғуси, болалар психологиясини чуқур идрок эта билиш Латиф Маҳмудов пьесаларининг услубий жиҳатларини характерловчи таъсирбахш хусусиятлардир.

Болалар ва ўсмирлар учун пьесалар яратувчи муаллифлар сафида таниқли ёзувчи ва драматург Улмас Умарбековнинг кўринаётганлиги ҳам қувончли ҳол. У ўзининг бу сирадаги асарларида болалар ва ўсмирлар образларини ижтимоий ҳодисалар бағрида, катталар қаторида ўз ўрнига эга бўлган кишилар сифатида кўрсатаётганлиги ибратлидир. Шу маънода унинг колхоз тузуми йилларидаги ёш авлод синфий онгининг ўсиши акс эттирилган «Бўронли йиллар» номли бир пардали пьесаси ажрალი туради. Унда болаларнинг реалистик образлари катталар кураши фониде ишонарли ифодаланган.

Утган йили Пулат Мўминнинг «Она болам дейди, бола онам дейди» номли яна бир эртақ-пьесаси босилиб чиқди. Асарнинг гуманистик пафосини табиатга меҳр-муҳаббатда бўлиш, она-болалик бурчдорлигини унутмаслик масалалари ташкил этади. Драматург реалистик ва рамзий образлар муносабатида қизиқарли сюжет яратади.

Асар сюжети лўнда ва драматизмга бой: Азамат исми боланинг эркалиги ва хархашаси орқасида унинг отаси Лочин Бургут боласини тутиб келади. Она бургут пайт пойлаб Азаматни кўтариб, осмонга учиб кетади. Бургут боласини қайтаришга, қуш ҳам Азаматни олиб келиб қўяди. Шунинг ҳам айтиш керакки, пьесада образлараро муносабатларда етарли асосланмаган нуқталар, персонажларга мансуб хусусиятларни типиклаштиришга мансуб етишмовчиликлар, тавсифий ўринлар очиқ сезилади. Она бургут боласидан айрилган дамларда изтиробга тушса-да, ўз ғанимларига қарши кураш олиб бормайди. Лочиннинг ови эса четда давом этади ва у ҳақда изоҳ берилади. Она бургутга тойчоқнинг ёрдам беришида мантиқ кам. Персонажлар ишонтирарли кечинмаларга, зарур драматик ҳолатларга тушмайди. Бундай етишмовчиликлар образларнинг ёрқин бўлишига имкон бермаган.

Анчадан бери болалар драматургияси соҳасида қалам тебратиб келаётган драматурглардан бири Иброҳим Хўжааҳмаднинг «Каптар ва қора мушук» пьесасида тинчликни ардоқлаш ғояси жўн талқин этилади. Улмас, Ёдгор каби болаларнинг мушук оғзидан каптарни олиб қолишлари саҳна асари учун зарур драматизмга молик ҳолатларни мавжуд этолмайди. Плакатда каптар суратининг пайдо бўлиши, уни тинчлик рамзи сифатида талқин этиш драматик ҳаракатдан узвий равишда келиб чиқмайди, ва иллюстрация тусини олади. Шарофат образининг эса сезиларли ўрни кўринмайди. Кундалик оддий ҳодисаларни шунчаки диалог шаклида ифодалаш билан саҳна асари пайдо бўлавермайди.

Пьесалар талабчанлик билан нашр этилиши зарур. Лекин ҳамма вақт шундай бўлмаётир. «Ёш гардия» нашриёти «Мактаб саҳнаси» номли пьесалар тўпламини эълон қилди. Албатта, бундай тўпламининг юзага келиши қувончли ҳодиса. Унда Улмас Умарбе-

ков, Наримон Орифжоновларнинг пьесалари қаторида Эргаш Раимовнинг ёвузликка қарши бирдам бўлиб курашишга қақирувчи «Янги йил саргузаштлари» эртақ-пьесаси саҳнавий таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Бироқ бошқа аксар пьесалар ғоявий-бадий савияси жиҳатидан китобхонни қониқтирмайди. Энг ачинарлиси «Мактаб саҳнаси» тўпламида таржима асарлар, ҳажман кўп ўрин олган. Уларда характерларни жонли ва ҳаётий кўрсатиш, таъсирчанликни таъминлаш, драматизмни ўринларни содир этиш маҳорати ибрат бўларли савияда эмас.

С. Завельская билан В. Пасточкин ҳамкорлигида И. Зверев ҳикоялари асосида яратилган «Еттинчи «Б»нинг «озодлик» олган етти кунни» номли каттагина пьесаси эса зарур драматик моҳият билан таъминланмаган. Масаланинг, асосан, ким ким билан бирга ўтириши керак, деган беҳуда ва жўн тортишув атрофида қолиши, майдақашлик жиддийроқ таълим-тарбиявий, ахлоқий муаммо ўртага қўйилмаганлиги, жиддий конфликт содир этилмаганлиги сабабли образлар характерини қизиқарли ёритиш юзага чиқмаган.

Унга ўзбек болалар драматургиясидан биронта йирикроқ пьеса киритилмаганлиги ҳам кишини афсуслантиради. Тўпламининг учдан икки қисмини таржима асарлар билан тўлдириш шарт эмас эди. Ваҳоланки, Республика ўзбек ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган кўпгина пьесалар ҳануз китобхонлар ҳўкмига ҳавола этилгани йўқ. Еки Ҳамид Олимжоннинг «Семурғ» достони асосида яратилган саҳна асарига ўрин берилганидечи? Миллий адабиётлар юзини, аввало, оригинал асарлар белгилашини унутмаслигимиз зарур.

Болалар ва ўсмирлар драматургиясиде ўтган йили кўринган янги номлар орасида Салоҳиддин Сирожиқидиновнинг «Беозор лайлакларга тегманг» номли пьесаси «Камалак» номли тўпламда (Нафур Фулом номидеги Адабиёт ва санъат нашриёти) босилди. Пьеса қизиқарли ва таъсирчан хусусиятлари, драматик моҳияти билан китобхонни ўзига оғдира олади. Бундай яхши хусусият муаллифнинг жанр сирларига ошнолигини кўрсатади. Пьесада табиатга муҳаббат ва уни асраб-ардоқлаш мотиви кишиларнинг беозор лайлакларга муносабати орқали очилади. Успирин йигитча Рустам уясидан тушиб кетган лайлакчаларни инига қўйиб тушаётиб, дарахдан йиқилади ва тўтқаноқ дардига йўлиқади. Аммо у шу ҳолда ҳам лайлакларга озор берувчиларга бўш келмайди. Рустам қўшнларига билан уришиб қолгани учун Азамат чўлоқ ўғли аламиндан лайлаклардан бирини отади. Шу баҳона ўртада низо чиқади. Чўлоқнинг даъвосига асосан Рустамни жиннихонага ётқизадилар. Шифоҳондан чиққач, ўқдан яраланган лайлакни тўқайдан топади. Бироқ унинг касали яна кўзғайди ва вафот этади. Ана шу ихчам ва лўнда сюжет чизғида меҳрибон она Машҳура опа, фикри-хаёли лайлакларда бўлган Рустам, унинг меҳрибон укаси ҳамда бешафқат Азамат чўлоқ жонли тасаввур қилинади. Асар қизиқиб ўқилади.

Лекин кўриниш — эпизодлар майдалиги, конфликт чизғининг изчил бўртиб турмаслиги, персонажлар касб-корининг номаълумлиги ўқувчини қониқтирмайди. Хусусан, Азаматнинг чўлоқлиги сабаби очилмаганлиги турли хаёллар туғдиради: чўлоқлик нафрат,

Гармония ва ҳақиқат. Тоғи ислом

таъқиб рамзи эмас. Ҳаётимизда аксар чўқлар уруш ёки меҳнат ветеранларидир. Шу вайжани унинг ёвузлик табиитини асослаш керак эди. Масаланинг энг нозик ва муҳим томони социалистик реализм адабиётининг туб эстетик негизи бўлган ижобий, яъни бош қаҳрамон масаласига бориб, тақалади. Гап шундаки, бош қаҳрамон аввало ақли расо шахс бўлиши зарур. Тўғри, бадий асарларда телба кишилар образи турли ва хилма-хил кўринишда учрайди. Бунинг учун йигит ва ўсмир бола образи мавжуд иккита асарнигина эслатаман: Пушкиннинг «Борис Годунов» трагедиясидаги Телба бола ва Мустей Каримнинг «Ой тутилган тунда» трагедиясидаги Девона йигит образларини хотирга келтирсак, улар ёрдамчи ва эпизодлик моҳиятда қатнашади. Шунга қарамай, улар санъаткорлик маҳорати, туйфайли, авторлар ғоясини чуқур ва таъсирчан ифодалашда алоҳида аҳамиятга эга. Бунда ана шу образларнинг ҳаётий ва ҳаққонийлиги, ниҳоятда индивидуал қиёфада гавдалантирилганлиги ҳал қилувчи ўринда туради. Шу мисолнинг ўзиёқ реалистик адабиёт намуналарида бош қаҳрамон қиёфасига бефарқ қарамаслик зарурлигини кўрсатади.

Пьесадаги яна бир етишмовчилик шундаки, унда олга сурилган ғоя эстетик яхлитлик ва изчиллик касб этмаган. Чунки беозор лайлакларни ўз инига қўйиб тушиб инсонийлик кўрсатган Рустам асар охирида вафот этади: китобхон «бу ҳол одабийлиги учун дучор этилган қисмат-ку!» деган нохуш ўйга тушишга ҳақли. Аксинча, лайлаклардан бирини отган ярамас Азамат чўлоқни «жин» урмаслиги юқоридаги таассуротни кучайтиради ва автор ниятида зидлик пайдо қилади. Асарларда ғоявий тиниқлик ҳамиша балқиб туриши даркор.

Болалар драматургиясидаги камчиликларни ўйлаганда, ёш авлодни нури келажакка талпинтирувчи, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва бошқа эзгу туйғуларга чорловчи, романтик парвозли, жўшқин, йирик ва маҳлиё этувчи ижобий қаҳрамонларни гавдалантириш маҳорати етишмаётганлиги, жанрий ва тематик чекланганлик ҳукми сураётганлиги сезилиб қолади. Айниқса, ёш авлоднинг тенгдошлари, замондошлари характерлари ҳаётий, ёрқин ва баркамол савияда ижод этилган, бахтимиз учун курашганларнинг тақлид қилса арзигулик, намунавий образлари таъсирчан акс этган реалистик товланишлардаги пьесалар пайдо бўлмаётир. Фантазияга бой эртаклар ва бошқа услубдаги сахна асарлари, албатта, зарур. Аммо улар, болалар ва ўсмирларнинг тенгдош ва замондошлари олами реалистик характерларда типиклаштирилган пьесалар ўрнини босолмайди.

Хуллас, ҳозирги сахна асарлари, орасида умидли учқунлар мавжуд бўлса-да, болалар драматургияси мавзу ва образлар ранг-баранглиги жиҳатидан давр талабидан орқада: ўқитувчи — тарбиячилар ва бошқа соҳа кишиларининг мураккаб ҳамда шарафли ишларини йирик, такрорланмас, оригинал характерлар орқали акс эттириш, пионер ва ўқувчиларнинг хушчақчақ ҳамда юмор ҳисли ёқимтой, ҳар жиҳатдан ибрат буларли йирик образларини драматургик усулларда гавдалантириш иши қониқтирарли даражада эмас. Буни шундан ҳам кўриш мумкинки, рус совет болалар ва ўсмирлар драматургиясидаги А. Салдинскийнинг «Барабанчи қиз», С. Михалковнинг «Қизил галстук», Л. Гераскинанинг

«Етуклик аттестати», «Унинг истиқболли», В. Катаевнинг оригинал услубдаги «Гул — еттигулбарг» каби реалистик ва романтик майллар кучли асарларга қамти тура оладиган пьесалар бизда ҳануз йўқ.

Бу соҳадаги ижодий ишларни давримиз, жамиятимиз талабларига муносиб савияга кўтариш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган баъзи мулоҳаза ва тақлифларни жамонатчилик ҳукмига ҳавола этишни лозим топаман.

Драматургия адабий турлар орасида, Горький айтганидек, энг қийин соҳа ҳисобланса, болалар драматургиясида ғоявий-эстетик, сахнавийлик талаблари устига педагогик масалаларни қўйишлиши натижада ижод масъуляти янада ортади. Шу жиҳатдан келиб чиқилса, болалар ва ўсмирлар адабиётимиз бағрида юксалиб бораётган кичкинтойлар драматургияси катталарнинг махсус раҳнамолига муҳтождир. Бунинг учун Ўзбекистон Ёзувчилар союзи қошида махсус болалар драматургияси кенгаши тузилиши ўйлаб кўрилса ёмон бўлмас.

Адабий танқиднинг фаоллиги, талабчан ва фидойилиги болалар адабиётини, шу ҳисобда драматургиясини кенг тараққий эттиришга сезиларли туртки берувчи ижтимоий омиллардандир. Ҳозирги болалар адабиёти танқидчилиги, айрим ва жуда оз вакиллар демаса, давр талабларидан анча орқада. Шу дағача бу ижод соҳаси тараққиёти босқичларини умумлаштирувчи, ижодий жанрлар бўйича эришилган ютуқларни, уларнинг ўзига мансубликда ривожланиш йўлларини, поэтикасини ва бошқа долзарб масалаларни кенг қамраб олувчи тадқиқотлар майдонга келмади. Ахир олтмиш йилдан ортиқ мuddатли ўзбек совет болалар адабиёти ўз тарихида шеърлардан поэмалар ижод этишга, кичик насрий намуналардан йирик эпик тур бўлган романчиликнинг турлича асарларига, мўъжазгина диалоглар шаклидан том маънодаги рангбаранг драма ва комедиялар яратишга ҳам бўлган босқичларни босиб ўтди. Бундай юксалиш йўллари ҳануз ўз тадқиқотчиларига интизор. Утмишдаги ютуқларни умумлаштириш ва улардан ибратли томонларни кўз кўз қилиш келажакдаги тараққиёт учун намунадир.

Адабий-бадий танқиднинг ижтимоий бурчи сўз санъатининг ривожланишига таъсир кўрсатиш эканини ҳис этган чоғда, кичкинтойлар драматургияси айниқса эътибордан четда қолаётганлиги ачинтиради. Яратилаётган пьеса, ва спектакллар вақтида муносиб ҳамда, профессионал даражада баҳосини олмаётир. Кейинги йилларда пайдо бўлган айрим махсус тадқиқотларда болалар драматургияси қай савияда ёритилганлигига размолиш кифоя. Чунончи, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти тайёрлаган «Ўзбек совет болалар адабиёти тарихи очерки» (1978), «Болалар адабиёти ва замонавийлик» (1981) китоблари ўзига яраша ҳодиса, албатта. Бироқ уларда ўзбек болалар драматургияси материаллари ниҳоятда хира, юзани, эътиборсиз ифода этилган. Буни шундан ҳам кўриш мумкинки, таҳлилда сахна асарлари спецификасини авторлар мутлақо инобатга олишмайди. Тўғрироғи, проза намуналари қандай таҳлил қилинса, пьесалар ўшандай йўсинда назардан ўтказилади. Бунинг устига болалар учун салмоқли асарлар ижод

қилиб, бу соҳага сезиларли ҳисса қўшган Фулом Зафарий, Баҳром Раҳмонов, Асқад Мухтор сингари сўз санъаткорларига эътибор берилмайди. Яна ижодий қирралари болалар драматургияси билан боғланган бошқа санъаткорларнинг пьесалари муносиб равишда таҳлил қилинмаган. Масалан, «Пўлат Мўмин» очеркида мазкур пьесалар ижодкори бўлган бу санъаткорнинг фақат биргина «Қовоқвой билан Чаноқвой» эртак-комедияси на-ридан-бери таҳлилга тортилган. Адибнинг бошқа пьесалари эътибордан дариг қолган. Зафар Диёр, Шукур Саъдулла сингари ёзув-

чиларга бағишланган материалларда уларнинг асарлари профессионал таҳлил қилинмайди ва жунгина изоҳлашдан нарига ўтилмайди. Юқоридаги ҳар икки китобда айрим фигуралар хусусида очерклар яратиш йўлидан борилади, жанрлар тараққиётини кўрсатувчи, умумлашма моҳиятли тадқиқотлар яратишдан қочилади. Ваҳоланки, ҳар иккала китобнинг номланиши шундай эътироз билдиришга асос беради.

Адабий журналлар ҳамда газеталар саҳифаларида болалар драматургияси адабиётнинг ажралмас ва муҳим қисми сифатида тегишли масалаларда муносиб ўрин олишини истардим.

Пўлат Мўмин

ҚАҲРАМОННИНГ ЖОЗИБА КУЧИ

Ижобий қаҳрамонга мисол кўпинча насрий асарлардан олинади. Бу бир жиҳатдан тўғри, албатта. Лекин болалар шеърлятида ҳам бунга намуналар кўп топилади.

Совет болалар адабиётининг йирик усталари Владимир Маяковский, Самиул Маршак, Агния Барто, Сергей Михалков, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Қуддус Муҳаммадий шеърлятида ўрناق бўладиган ижобий қаҳрамонларни учратиш мумкин.

Владимир Маяковскийнинг «Ким бўлсам экан?» шеърлятидаги ҳар бир хунар эгасини ўқувчи севади, ўрناق олади, ўша соҳани орзу қилиб қолади.

Самиул Маршакнинг «Номаялум қаҳрамон воқеаси» шеърлятида оддийгина воқеа тасвирланади. Номаялум йигитча йўлда кетаётиб, қаҳрамонлик қилишни ўйламаган ҳолда, ўт тушган бинодан бир қизалоқни олиб чиқади-да, онасига топширади (бу асли ўт ўчирувчиларнинг вазифаси эди) ва юриб бораётган трамвайга чиқиб кетади. Гўё унинг учун ҳеч нима бўлмагандай. Шоир онанинг тилидан унга чуқур миннатдорчилик ҳам билдиртирмайди. Шеърни ўқиган китобхон, турган гап, ҳайратда қолади. Қаҳрамоннинг тантилигига тан беради. Унинг ишини такрорлагиси келади. Самиул Маршак қаҳрамонни номаялум қолдиришида сир бор. Бу баҳонада бошқаларни ҳам қаҳрамонликка ундайди. Асарнинг кучи ана шунда. Самиул Маршакнинг кичик воқеадан катта санъаткорлик билан чинакам ижобий қаҳрамон намунасини яратиш маҳоратини ўргансак арзийди.

Болаларнинг севимли шоирларидан яна бири Сергей Михалковнинг «Стёпа амаки»си ҳам ижобий қаҳрамоннинг ёрқин намунаси бўлиб келмоқда. Уни катталар ҳам, болалар ҳам бирдай севади. Уқувчи Стёпа амакининг ҳар бир жасоратига, ишига, яшашига ҳавас билан қарайди. Ундан янги-янги қаҳрамонликлар кутади. Шу сабабдан бўлса керак, китобхон шоирни ўз ҳолига қўймайди, ундан Стёпа амаки ҳаётига доир воқеаларнинг давомини кутади. Шунинг натижаси сифатида шоир «Стёпа амаки — милиционер», «Стёпа амаки ва Егор» ва ҳатто «Стёпа амаки — ветеран» деган бўлимларини ёзиб берди. Ушбу туркумининг сўнгги китобини ўзбек тилига таржима

қилиш давомида мен ундан кўп нарса ўргандим. Катталар ҳаётидан намуна бўладиган воқеаларни ёзиш зарурлигини пайқадим.

Устозлар ижодини мутолаа этиш доимо мароқли. Бунда ижоднинг янги-янги сирлари очилади. Улуғ шоиримиз Фафур Фуломнинг болаларга, ўсмирларга аталган шеърлярида давр нафаси, тадаби, фарзандлар вазифаси ва ўрни юксак маҳорат билан куйланади. Кўпчилик шеърляри шу кеча-кундузда ёзилгандай ярақлаб кўринади. «Билиб қўйки, сени Ватан кутади» шеърли ижобий қаҳрамонларни сафга қаҳраётгандай туюлади. Фафур Фулом ушбу шеърлятида қаҳрамонларни билан баҳслашади, уларнинг кўнглини кўтариб руҳлантиради.

Шу ерда устоз Фафур Фуломнинг ўзбек болалар шеърлятида жуда катта ўрни борлигини, биз — болалар шоирлари ўрганишимиз лозим бўлган ўрناق намунаси эканлигини айтиб ўтмоқчиман. У болаларга катта мавзуларда, тўлиб-тошиб, севиниб шеърлар ёзганининг гувоҳи бўлганман. Унинг болаларга яратган барча асарлари ўз охори билан доимо хизматдалигини таъкидлашни истардим. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР Езувчилар союзи болалар ва ўсмирлар учун яратилган энг яхши асарлар муаллифини Фафур Фулом мукофоти билан тақдирлайди.

Устоз Фафур Фулом ҳатто салбий қаҳрамонларни тузатиб ижобий қаҳрамонга айлантириш йўлини ҳам топади. Бунга шеърхонни ишонтиради. «Аҳмад ёмон бола эмас-ку, аммо...» шеърини эсланг-а.

Бу усул болалар шеърлятида кўп қўлланилмоқда. Менинг «Салимжон-нимжон» деган шеърим қўшиқ бўлиб кетган. Гоҳо мактабларда бўлган учрашуларда уни ўқиганимда, баъзи шу исмдаги болалар ранжишганини, хижолат бўлишганини пайқаганман. Бир куни ёшликдаги Салимжон деган дўстимникига бордим, у мени фарзандлари билан таништирди. Лекин фарзандларининг менга унча рўйхуш бермаётгани сезилиб турарди. Кейинроқ дўстимдан бунинг сабабини сўрадим. У олдинга сир бой бермади-ю, кейин гапнинг ростини айтди. Болалари унга: «Нега қалин оғайнингиз бўлса, сизни ёзади» деб нолишибди. Шундан сўнг бундан хулоса чиқа-

риб: «Салимжон — энди полвон» деган янги шеър ёздим. Кейин эшитсам, дўстимнинг болалари бундан мамнун бўлишибди. Қаранг, ижобий қаҳрамонни китобхон қанчалик яхши кўради.

Биз ҳадеб болалардаги ёмон томонларни ёзавермай, яхшиликни ошириб, бўрттириб ёзасан, уларга ёқаркан. Ундан намуна олишаркан. Бунинг учун ҳаётдан янги-янги қаҳрамонлар топиш керак. Шунда китобхон ҳам, ўзинг ҳам хурсанд бўласан.

Ёз ойлари эди. Бир куни пахтазордан ўтиб кетаётганимда уватдаги қурий-қурий деб қолган ғўза тупига кўзи тушди. Синчиклаб қарасам, чанқаб қолипти. Яшнаётган ғўзаларни кўрган сарим ўша ғўза тупи кўз ўнгимга келаверадиган бўлди. Уни шеърга деталь қилиб олмоқчи бўлдим. Унга ачинадиган қаҳрамонимни изладим. Топдим. Кейин «Чанқалган ғўза — яхши маза», деган шеърим ёзилди. Унда қаҳрамоним ғўзаларнинг тагини юмшатаётган дадасига олиб кетаётган яхна чойидан ўша ғўзани суғорганини, у жонланиб, барқ уриб кетганлигини тасвирладим. Буни асосан ўқувчига ибрат бўлсин, деб ёздим. «Ўт юракли ўтбосар» шеърим ҳам пахтазордан олган илҳомимнинг меваси. Устозларнинг «ҳаётни ўрганиш зарур», деган иборасида ҳикмат кўп экан. Шеър бўладиган, ибрат бўладиган мавзулар ижодкорни кутмоқда.

Биз ҳаётга шоирона кўз билан қарашимиз, устозлардан чуқур ўрганишимиз керакка ўхшайди. Бу ўринда атоқли болалар шоири Қуддус Мухаммадий ижоди диққатга сазовор. Унинг энг биринчи ютуғи шоирона топқирлигида, юморга бойлигида, халқчиллигида, фикрни болаларбop қилиб ифодалашида. Шоирнинг шеърларида ўзи танлаб олган ижобий қаҳрамонлари бор. Шулардан бири шеърларидан-шеърларига ўтиб юрадиган Эркинжон образидир. Унинг орзулари, ишлари ёш китобхонларга ибрат қилиб кўрсатилади.

Ҳозирги ўзбек болалар шеърлятига Илёс Муслим, Толиб Йўлдош, Турсунбой Адашбоев, Сафар Барноев, Йўлдош Сулаймон, Ҳамидулла Ёқубов, Рауф Толипов, Анвар Обиджон, Тўлқин Илҳомов, Султон Жаббор, Қамбар

Ўтаев, Абдусайд Кўчимов, Кавсар Турдиева, Ҳамза Имонбердиев сингари турли бўғинга мансуб ижодкорлар ҳисса кўшмоқдалар. Буларнинг шеърларидан ҳам ижобий қаҳрамонга мисоллар келтириш мумкин. Айниқса, Сафар Барноевнинг ўсмирлар учун қатталар ҳаётдан олиб ёзаётган шеърларида ижобий қаҳрамоннинг ибратли намуналари кўзга ташланмоқда.

Лекин кейинги пайтларда ижобий қаҳрамон яратаман деб, болаларни яхшиликка чорлайман деб қуруқ насихатга берилиш ҳоллари учрамоқда. «Яхши бўлади» қабилдаги фикрга қўрилган шеърлар кўпаймоқда. Оддий хабарни шеърга солиш усули кучаймоқда. Баъзида болаларнинг ёмонликлари ўта бўрттириб кўрсатилади. Бу — «Қош қўяман деб кўзи чиқариш»га олиб келмоқда.

1952 йили Москвада бутуниттифоқ болалар ёзувчиларнинг кенгаши кетаётган кунлар эди. Бир куни деворий газета чиқарилди. Ундаги суратлардан бирида ниҳолга арава миҳи билан «Ниҳолларни асранг», деб эълон ёзилган ва тагида атоқли болалар шоири Самуил Маршакнинг қуйидаги шеъри бор эди:

**Болалар китобин кўрсангиз баъзан,
Насихатдан роса қоқилади миҳ.
Бундай дидактика миҳидан чиндан,
Болалар китоби қурийди, эҳ-эҳ!
Насихат зарур-ку, зарурмас фақат —
Жонли ниҳолларни тешиб миҳ қоқмоқ.
Жонли асарларга зарур насихат,
Ҳеч қандай бирор миҳ зарурмас бироқ.**

Биз болалар шоирлари устоз гапларининг мағзини шимишимиз зарур. Айниқса, ижобий қаҳрамон намуналарини ёзганимизда «қаҳрамон бўл, яхши бўл», деб насихат эмас, «номаълум қаҳрамон воқеаси»га ўхшатиб кўрсатишимиз керак экан.

Хуллас, ҳозирги болалар ва ўсмирлар шеърлятигимиз олдида жуда катта вазифалар турибди. Уларнинг энг биринчиси маҳорат масаласи. Кичик китобхонлар, шеърсеварлар биздан дўстликка, жасоратга, ҳунарга, илму-фанга чорловчи шеърлар кутишмоқда.

Исмоил Саъдуллаев

МАҲОРАТНИНГ БИР ҚИРРАСИ

Болалар ҳаётидаги айрим қарама-қаршиликлар ота-она, дўстлари ёки коллектив орасидагина руй берадиган нерса эмас, у ҳаётнинг энг арзимас икир-чикирлари доирасида ҳам кечади. Шунингдек, у худди улкан зиддиятлар сингари, кўп қирралли, кўп маъноли бўлиб, камол топаётган характерга ўз муҳрини босади. Улуғ санъаткор Л. Толстой айтганидек, энг арзимас икир-чикирлар ҳам характернинг шаклланишига кўмаклашади.

Бироқ ҳар қандай зиддият ҳам, қаҳрамон қисматига боғлангани билан характер яратилавермайди. Шу нуқтаи назардан Латиф Маҳмудовнинг саргузашт романи — «Қопга яширинган одам»ни кўздан кечирайлик.

Асарда катталарнинг турмуш ташвишлари

билан боғлиқ ҳолда болалар характерининг камол топиш роғоналари кўрсатилади. Бу жуда муҳим ва зарур масала.

Муаллиф Равшан фаолиятини характерлайдиган лавҳаларга кўпроқ урғу бериб боради. Масалан, сирли воқеа жумбоғининг очилишида ҳам, мактабда спорт иншооти қурилишида ҳам Равшан ташаббускор, барчага намуна.

Тўғри, қаҳрамон характерига бундай хислатларнинг ривожланишига колхоздаги шунча ташвишларига қарамай, бот-бот мактабга кириб, ўқиш, тарбия ишлари билан қизиқиб, ўқувчилар илтимосларини ҳам эътиборга олиб юрвчи дадаси Мўминжон ака таъсири кучли бўлгандир.

Булар яхши, бироқ асарда ҳаёт воқеалари

ри, қахрамонларнинг ҳаракат доираси роман жанрига хос бўлган кўламда давом этмайди. Асардаги сюжет йўналишлари характерларнинг пишиб боришига хизмат қила олмаган. Шунингдек, романдаги кўпгина воқеалар, персонажлар орасидаги тўқнашувлар (бу конфликтлар Мулладўстнинг сирли ҳаракатлари ва қурилиш жараёнларида рўй беради) бир оз китобий бўлиб қолганлигидан ташқари, чуқур мазмунга эга эмас.

Асарда кўпгина қахрамонлар мавжуд. Лекин уларнинг фаолияти тор доирада тасвирланганлиги сабабли, китобхонда яхлит тасаввур ҳосил бўлмайди. Аслида мана шу характерлар турли зиддиятларда гавдаланганда эди, қахрамонларнинг ички дунёси янада ойдинлашиб, ҳар бир характер алоҳида маъно касб этган бўларди.

Бош қахрамон — Равшан образини олиб кўрайлик. У меҳнатқар, одобли, ташаббускор, ҳаракатчан, хуллас намунали қилиб кўрсатишга лойиқ бола.

Бироқ бундай хусусиятлар унинг қиёфасидаги асл белгилар эмас. Унда характернинг етакчи хусусияти ҳисобланган ирода йўналиши сифатида бўртиб кўринмайди.

Маълумки, ҳар қандай характер мағзини курашлар, ҳаётий тўқнашувлар ташкил этади. Инсон характери ижтимоий муносабатлар оламида шаклланади, курашларда тобланади.

Шундай экан, болалар адабиётида ҳам, ўйлаб топилган сунъий ёки бурттирма конфликтлар билан қахрамон қисмати ҳал қилиш мумкин эмас. Ҳаёт ҳодисаларини тўғри, ҳаққоний тасвирлаш йўлидан борган маъқул. Фақат бунда асосий масала — болалар табиатини чуқур санъаткорона англаш муҳим.

Характер яратишда қахрамон монологининг моҳирона яратилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда монолог, фақат бадий асарда иштирок этувчи шахсларнинг ўз-ўзига ёки ўзгаларга қаратилган нутқидангина иборат бўлмасдан, балки у қахрамон характерини, унинг ички оламини очувчи асосий воситадир.

Тўғри, насрий асарларда қахрамон монологи кам учрайди. Бироқ гап унинг қанчалик кўплиги ёки озлигида эмас, балки теран маъно касб этишидадир.

Н. Дубовнинг «Оғир синов» романи бош қахрамони Алексей Горбачевнинг заводга ишга қайта тикланиб, завод эшигидан кириш пайтида рўй берган руҳий монологи катта аҳамиятга эга. Мазкур монолог Алексей характерига рўй берган ички ўзгаришларни ҳам, барқарор фазилатларни ҳам яққол кўрсатади.

Бундай усул салбий характер тасвирида ҳам муҳим восита ҳисобланади. Худойберди Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» романидаги салбий образ — Ҳамдамбой ҳаётида шундай ҳолатни кўради. У ўғли Замонбек Намоз ботир тўдаси томонидан ўлдирилгандан кейин худодан илтижо тилаб шундай нола қилади: «Э, парвардигори олам, сенга нима қилмишим ёқмадики, менинг бошимга бунчалик қаро кунларни соласан. Суюкли фарзандимдан ҳам жудо қилдинг... Ахир ўзинг қуръони шарифда «Ал-қасосу минал ҳаф» деб битиб қўйибсан-ку. Демак, қасос олмоқ мусулмон банданг учун ҳам қарзу ҳам фарздир. Демак, менинг ҳам қалбимда қасос ўтини ўзинг ёқмоқдасан, эй худо. Қонга-қон, жонга-жон оламан. Суюклигим, суянган тоғим. Замонбекнинг бир қошиқ қони

учун кофир Намоз авлодининг ҳаммасини бўғизлайман...»

Умуман олганда, Х. Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» романи болалар адабиётининг мавзу уфқини кенгайтирди. Ҳа, инқилобий курашларнинг ёрқин картиналари Намоз ва унинг дўстлари образларида ўзининг ҳаққоний ифодасини топган. Лекин роман хусусида сўз юритган айрим танқидчилар асарнинг адабиётимизда тутган ўрнини таҳлил қилиш ўрнига асоссиз равишда нуқсонларини излаш билан ўралашиб қолдилар. Масалан, А. Шаропов куйидаги фикрларни ўртага ташлайди. «Баъзи ўринларда ўқувчи қайси қахрамоннинг тақдири нима бўлганини, уни қаерда ўққа учганини ҳам сезмай қолади. У ёки бу қахрамон тақдиридаги энг фожиали дақиқалар ўта осонликча ҳал бўлади. Китобхон бундай нуқталарга лоқайдлик билан муносабатда бўлади, ишонмайди.»

Танқидчининг фикрлари далилланмагани учун ўқувчиларни ишонтириши қийин.

Шунингдек, болалар учун ёзилган асарларда персонажлар орасида рўй берадиган диалогларнинг вазифаси ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Бунда, фақат А. Макаренко таъкидлаганидек «диалог жўшқин бўлиши, кишининг руҳий кечинмасини кўрсатибгина қолмай, характерини ҳам очиб бериши лозим.»

Шу ўринда тез-тез кўзга ташланиб қолаётган битта нуқсонни таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Гап шундаки, сўнги йилларда эълон қилинган айрим ҳикоялар ва қиссаларда қахрамонлар орасида рўй берадиган диалогларнинг мазмунига етарли даражада эътибор берилмаётир. Бу ҳол истеъдодли адибларнинг асарларида бот-бот учраб қолаётир. Чунончи, Эргаш Раимовнинг бир қатор фазилатларга эга бўлган «Кўз илғамас шуъла-лар» деб номланган қиссасида ҳам шу хилдаги нуқсонларнинг изларини учратамиз: Фикримизни далиллаш мақсадида бир мисол келтириш билан чекланамиз:

- Амаки, тишлайдими.
 - Тишламайди, тойчоғим, тишламайди.
 - Вуй, нега думи йўқ айиғингизни, амаки?
 - Ростданми?
 - Ростдан.
 - Олдига борсам майлими, мен айиқдан қўрқмайман.
 - Йўқ.
 - Қачон ўйнатасиз, амаки, ҳозирми?
 - Эртага, эртага. Бозор бошига йиғиларасизлар.
 - Э — э, ҳозир ўйната қолинг?
 - Ҳозир дам оламиз. Тўхтаҳон чарчаган.
 - Вой, оти Тўхтаҳонми? Айиқни оти-я?
 - Мах, мах, Тўхтаҳон, мах, мах!
 - Ва-а, Шарифанинг опасини оти ҳам Тўхтаҳон!
 - Ва-а!
 - Қизми, амаки, айиғингиз?
 - Ҳа, қиз бола.
 - Ва-а, қиз экан, қиз экан.
 - Ҳа-а, қизларни ёмон кўрасанми дейман-а? Ростини айт, ёмон кўрасанми?
 - Йў-ўқ. Яхши кўраман.
 - Эҳ-е! Болалар! Тolib қизларни яхши кўрар экан!
 - Дадангга айтаман, дадангга айтаман.»
- Диалоглар шу тахлитда давом қилаверади. Лекин улар қахрамонлар руҳий дунёсини очишга тўла хизмат қилмайди.
- Бу хилдаги мисолларни истаганча келтириш мумкин.

Характер мукамаллигини таъмин этади-
ган воситалардан яна бири автор нутқи ҳисоб-
ланади. Характер учун автор нутқининг асо-
сий хизмати, унинг китобхон учун равшан
бўлмаган томонларига урғу бериб боришдир.
Ва шу орқали қаҳрамон характерининг номаъ-
лум хислатлари ҳақида китобхонни мушоҳада
қилишга чорлашдир.

Ёзувчи Ҳаким Назирнинг «Лочин қанотлари»
романидаги муаллиф нутқининг, қуйидаги
қисмини эслайлик. Автор Турғун характери-
нинг китобхон учун ҳали аён бўлмаган хис-
латлари ҳақида шундай дейди: «Турғун ўз
дадасига ўхшаш суюги бузук, пичагина гердай-
ган. Уртача ўқувчи-ку, синфдошларидан
ўзини баланд олиб юриши бор. Оиланинг
арзандаси. Яхши кийинади. Дадаси буюртма
қилиб тиктирган ғарчли амиркон этигини
ёзда ҳам кўз-кўз қилиб оёғидан қўямас, сариқ
чий духоба шимини тиззасидан этик кўнжига
бир қарич тушириб қўяр, ўқитувчилар тақиқ-
лашига қарамай, соч ўстириб, чаккасигача
осилтириб юришни яхши кўрарди. Кўпчиликка
унча аралашвермасди.

Мана энди унга ўртоқларининг қадри били-
ниб қолди. Бутунлай четга чиқиб қолишдан
кўрқди. Ким нима деса даяр, деб оқсоқлан-
ганча аста-секин чорвоққа чиқиб борди.»

Тўғри, китобхон бундан олдин ҳам Турғун
характерини у ёки бу даражада тушунган эди.
Бироқ муаллифнинг бу нутқидан кейин китоб-
хоннинг Турғун ҳақидаги фикри чуқурлашмай-
ди.

Эзмалик қилиш, китобхоннинг тушунмай
қолишдан хавфсираш иллатини А. Обид-
жоннинг «Эй ёруғ дунё», Э. Раимовнинг «Кўз
илғамас шўлалар» киссаларида ҳам учратиш
мумкин.

Шундай қилиб, болалар адабиётида мукам-
мал характер яратишда санъаткорнинг маҳор-
ати — асосан характернинг индивидуал,
типик хусусиятларини таъминлашда, унинг
психологик сифатлари билан шахс ирода йў-
налишининг бирлигини сақлашда ва шулар
асосида характерлараро зиддиятлардан ус-
талиқ билан фойдаланиш орқали қаҳрамон-
нинг руҳий оламини монолог ва диалоглар-
да акс эттиришда намоён бўлади.

Файзулла Салаев

СЕҲРЛИ ЖИЛОЛАР

Гап болалар адабиёти ва унинг таъсир-
чанлиги ҳақида борар экан, адабиётимизнинг
энг ёш жабҳаси — илмий-фантастика бораси-
да қўлга киритилган ютуқ ва ҳал қилиниши
лозим бўлган масалалар хусусида ҳам фикр-
лашиб олиш жоиздир. Фантаст ёзувчилари-
миз яратган шу куннинг ва келажакнинг
қатор ижтимоий-фалсафий, маънавий ва тех-
никавий муаммоларини ўзига хос акс эттир-
ган катта-кичик асарлар ёш китобхонлар-
нинг ҳам меҳрини тортмоқда.

Айрим фантаст-ёзувчилар китобхонни яқин
ва узоқ келажакдаги планеталараро ва галак-
тикалараро саёҳатга таклиф қилса, баъзилари
олис ўтмишга етаклайди, тарих қаъридан
замондошимиз учун ибрат манбаларини то-
пиб, турмуш, ҳаёт муаммолари, инсоният
тақдири тўғрисида ўйлашга ундайди. Хуллас,
ҳар бир адибнинг ўзига хос услуби ва мавзу
излаши ўзбек миллий фантастикасининг уфқи
тобора кенгайиб бораётганлигидан дарак бе-
ради.

Китобхонлар илмий-фантастик асарлар
орқали илмий башоратлар қилишга ўрганиб
қолишган. Ж. Верн, Г. Уэллс, А. Толстой,
А. Беляев, А. Азимов, Р. Брэдбери сингари
адибларнинг асарларида тасвирланган техни-
ка воситаларининг аксарияти сал вақт ўтмай
рўёбга чиққанлиги кўпчиликка маълум факт-
дир. Генрих Альтовнинг тадқиқ қилишича,
буюк фантаст Ж. Верннинг 108 башоратидан
фақат ўнтасигина ғайриилмий деб топилган,
холос. А. Беляев ўртага ташлаган 50 та илмий
фаразнинг 47 таси рўёбга чиққан... Узининг
ижодий йўлини шу жанрдан бошлаган Ҳожи-
акбар Шайхов киссаларида ҳам бундай илмий
фаразлар учрайди, уларнинг асосийси ўзга
сайёралардаги онгли ва онсиз жонзодлар
мавжудлиги ҳақидаги гипотезалардир. Тўғри,
қоинотда инсоннинг ёлғиз эмаслиги борасида

кўп йиллардан буён илм аҳллари ва фантаст-
лар қизгин баҳс юритиб келадилар. Бироқ,
Ҳожиакбар Шайхов гипотезалари бутунлай
бошқача характерга эга. У қўшни сайёра
ва галактикадаги жонзодлар ҳаётини, сайёра-
лар тарихи ва табиати билан боғлиқ ҳолда
ўзига хос тарзда фараз қилади. Верга сайёра-
сидаги ғорда яшайдиган, кўзидан сеҳрли нур
таратувчи қора-илон, илон кўзидидаги нурдан
зарарланган кон хизматчиларини муолажа
қилиш воситалари ва усуллари мана шундай
илмий-бадий асослаш натижасида ҳаётин
ҳақиқат даражасига қўтарилган фаразлардир.
Рея сайёрасидаги неорганик ҳаёт вакиллари,
«қора курт»лар — жонли тошлар ҳақида ҳам
худди шундай фикрни айтиш мумкин.

Албатта, илмий фантастиканинг асосий мақ-
сади фақат гипотезаларни ўртага ташлашгина
эмас, балки, бадий адабиётнинг бир соҳаси
сифатида инсон ва инсоният масалаларини
таҳлил қилиш — инсоншунослик ҳамдир. Ил-
мий таҳлил билан руҳий таҳлилнинг ўзаро
диалектик бирликда тасвирлиниши илмий-
фантастик адабиётнинг энг муҳим нуқтала-
ридан бири ҳисобланади.

Илмий-фантастика соҳасида муваффақият-
ли қалам тебратаётган носирлардан яна бири
Тоҳир Малиқдир. Унинг «Чорраҳада қолган
одамлар» асари кенг плани. Воқеалар рес-
публикаимиз территорияси ва узоқ сайёра
Тангда бўлиб ўтади. Цивилизацияда ерга нис-
батан анча илгарилаб кетган тангликлар асри-
мизнинг бошларидаёқ Ерни ўрганиш ниятида
экспедиция уюштирадилар. Сафар бошлиги,
сермулоҳаза ва ирода эгаси Рҳақ ерликлар
ҳаётини ўрганаркан, одамларнинг «ўзаро са-
мимияти, меҳри, муҳаббати, олижаноблиги,
дўстлиги, айни чоқда адовати, қаҳри, макри,
пасткашлиги, бир-бирига ёвлиги» уни ниҳоят-
да қизиқтиради. Ерликлар орасига қўшилиб

олиб, муносабатлар хилма-хиллиги сабабларини билишга интилади. Зукколик билан пишиб етилаётган инқилобий дунёқараш моҳиятини англаб етди. Унда Ер ва ерликларга нисбатан илиқ меҳр уйғонади. Шу меҳр умрбод уни ерда олиб қолади.

Ўзбек фантастикаси муаллифларининг сафи йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги қувончли ҳодисадир. Кейинги йилларда Маҳкам Маҳмудов, Обид Юсупов, Анвар Обиджон ва Қудрат Дўстмухамедов сингари ёзувчиларнинг шу жанрдаги асарлари чоп этилди.

Анвар Обиджоннинг «Эй ёруғ дунё» қиссаси ёш китобхонлар учун мўлжалланган. Китоб қаҳрамонлари — тоштақалиқ Аламазон ва Эшмат. Улар дўст бўлсалар-да, бир-бирига сира ўхшамайди. Аламазон бўш вақт топибди дегунча, китоб мутолаа қилади, турли қизиқарли ўйинлар ўйлаб топади. Эшмат унинг акси — дангаса, қолаверса овқатни яхши кўради. Аламазоннинг кистови билан икки дўст Жандағорда хазина топиб, одамларга ёрдам беришга отланишади. Жандағор саргузашти болаларнинг сарагини-саракка, пучагини-пучакка қиқаради. Улар ёруғ дунёдан ажралиб қолган иккинчи олам — Юлдузистон мамлакатига кириб қоладилар. Мамлакатда зулм ҳукмрон. Подшоҳ Искирт Биринчи ийжиқлиги ва бешафқатлиги билан бутун мамлакат одамларини ўзи сингари исқиртга айлантирган. Искирт Биринчининг зуғумидан қўрққан Эшмат сира иккиланмай исқиртликни қабул қилади. Аламазон эса, ўқиган китобларига содиқ қолиб, ўзи тенги подшоҳ қилмишидан кулади. Жосус сифатида зиндонга ташланади.

Аламазон ақли, иродасини ишга солиб,

Искирт Биринчи сиёсатига қарши кураш олиб боради. Пировард натижада Искирт Биринчи ва унинг гумашталари устидан ғалабага эришади.

Қисса услуб жиҳатдан ниҳоятда ўзига хос. Қаҳрамонлар ва воқеалар тасвирида асар руҳига мос ўйноқлик мавжуд. Драматик ситуациялар ҳам комик бўёқлар билан чиқилади.

Хўш, мазкур асарда фантастик фонни ва ундаги барча ҳодисаларни, характерларни кўтариб турган устун нима? Ойсиз, Қуёшсиз мамлакат Юлдузистон ўқувчини ишонтиради-ми? Сира иккиланмай «ҳа» деб жавоб бериш мумкин. Бу ёзувчининг муваффақиятидан далolat беради. Бироқ, асар ниҳоясига келиб маълум бўладики, Юлдузистонга саёҳат бу — Аламазоннинг туши. Тоғаси профессор Оғабек Туркониининг ғайриоддий дорисини еб ухлаган Аламазоннинг туши. Тўғри, дорининг хусусиятлари ҳақидаги батафсил ҳикоя Юлдузистон тўғрисидаги тушни реалликка яқинлаштиради. Бироқ бари бир туш ўқувчида тушдай таассурот қолдиради. Афсуски, кейинги пайтда бундай асарлар кўпаймоқда. Бу билан характер яратишда, психологик таҳлил-да бадий восита ролини ўйнаб келаётган туш тасвирини бутунлай кераксиз демоқчи эмасмиз, албатта.

Умуман олганда илмий фантастик асар қиммати фантастик бўёқларнинг қуюқ ёки рангсизлиги илмий гипотезаларнинг ҳақиқатга яқинлиги ёхуд узоклиги билан ўлчанмайди. Асосий гап айтимлоқчи бўлган фалсафий фикрнинг теранлигида, кўтарилган масаланинг салмоғидадир.

Қурдош Қаҳрамонов

ТАНҚИДЧИЛИКДАГИ МУҲИМ МАВЗУ

Болалар адабиётининг ижобий қаҳрамони қандай бўлиши лозим, деган саволга бир қатор танқидчилар: бизга Павел Корчагин, Стёпа амаки, Темур типидagi қаҳрамонлар керак, деб жавоб бермоқдалар. Бундай фикр фақат ўзбек танқидчилигидагина эмас, балки иттифоқ миқёсида ҳам мавжуд. Бугунги давра суҳбатда ҳам ана шу гап таъкидланмоқда.

Бу бежиз эмас. Чунки Павел Корчагин, Стёпа амаки, Темур, Олег Кошевой сингари қаҳрамонлар бугунги кун китобхонларига ҳам битмас-туганмас завқ-шавқ бағишлайди, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Танқидчиликнинг ижобий қаҳрамон масаласига доир изланишларини кузатганда, Пўлат Мўмин тўғри таъкидлаганидек, кўпроқ проза асарлари асосида фикр юритиш майли кўринадди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Сўнги даврларда ўзбек болалар прозаси янги босқичга кўтарилди. Ҳаким Назир, Комил Икромов, Худойберди Тўхтабоев, Темур Пўлатов, Эргаш Раимов сингари ижодкорлар яратган қаҳрамонлар ёш китобхонларнинг севимли дўстига айланди.

Поэзия ва драматургияда эса аҳвол бошқачароқ. Кичкинтой китобхонларнинг назарига тушиб, дарҳол ёд бўлиб кетадиган қаҳрамон-

лар бугунги кун поэзиясида кам яратилапти. Кўпгина шоирларда ўз-ўзини такрорлаш ҳолатлари юз бераёттир. Улар кўпинча бир вақтлар чоп этилган шеърларининг у ер-бу ерини янгилаш эвазига қайта-қайта нашр қилишмоқда.

Шеърятнинг ижобий қаҳрамонларидаги бир хиллик, айниқса, мажозий характердаги образларда кучайиб кетди. Шоирларимиз томонидан яратилаётган кўплаб кўю кўзи, эчки — улоқ, хўроз-у, товўқ образлари қуйиб қўйгандек бир-бирига ўхшайди. Ваҳоланки, бу хил шеърларда ҳам оригиналликка эришиш мумкинлигини ёш шоир Анвар Обиджон бир туркум шеърларида исботлаб берди. Шоирнинг «Баҳромнинг ҳикоялари» китобидаги «Сиз эшитмаган кўшиқлар» туркумига кирган шеърларида мажозий образларнинг энг характерли белгиси — парандаларнинг ўзига хос овози, чигирткаларнинг чириллаши, сигирнинг «мў-мў»си ва ҳоказолар ҳам маълум поэтик маъно касб этади.

Шоирнинг «Чигиртканинг кўшиғи» шеърини олиб кўрайлик:

**Ўз қорнимни ўйлайман,
Чирик-чирик.
Қорним тўйса, куйлайман,
Чирик-чирик...**

**Ўлжа пойлаб турибман,
Чирик-чирик.
Шундай яшаб юрибман,
Тирикчилик!**

Кўриниб турибдики, шеър содда, сўзлар оддий. Аммо унда ифодаланаётган маъночи! Шеърнинг таъсир кучи-чи! Шоирнинг маҳорати шундаки, у чигиртканинг оддий «чирик-чирик»ини тақоррлаш орқали иккита муҳим масалани ёритиб беради. Биринчидан чигиртканинг ўзига хослигини гавдалантирса, иккинчидан, шеърда ифодаланаётган маънонинг моҳиятини очади. Асарга ҳаётда айрим кишилар ҳам худди чигиртка мисол бир хил қўшиқни айтиб, ўлжа пойлаб кун кечиради, деган гап сингдирилиб юборилади. «Чирик-чирик» билан «тирикчилик» сўзлари фақат қофия учунгина эмас, балки маъно ифодалаш нуқтаи назаридан ҳам мустақкам боғланган. Бу каби шеърларни ўқиганда болалар адабиёти ҳам нақадар катта куч эканлигини тўла ҳис қилиш мумкин.

Афсуски, юқорида таъкидланганидек, болалар шеъриятида мажозий характерларни яратишда шартлиликка риоя қилинмай, жўн фикр айтиш ҳоллари содир бўлаётир.

Матёқуб Қўшжонов «Алдашга-ку бола яхшия» мақоласида шартлилик хусусида сўз юритар экан, шундай ёздади: «Болалар адабиётининг шу хусусиятига боғлиқ бир масала туғилади: шартлиликнинг чеки борми? Ёки ҳар бир ёзувчи ҳаёт ва табиат сирларини истаганича ажойибот шаклида беравериши, нарса ва жониворларни тилга киргизиб, инсон қиёфасида истаганича акс эттира бериши, ҳайвонлар ҳаётида бўладиган воқеаларни одам ҳаётига кўчира бериши мумкинми?»

Танқидчи конкрет шеър ва ҳикоялар таҳлили орқали болалар адабиётида ҳам шартлиликнинг меъёри борлиги, у ҳам бадий ижоднинг умумий қондаларига бўйсунганини кўрсатиб беради.

Мунаққид ёш қаламкаш А. Азизнинг «Қарғалар» шеъри ҳақида гапирар экан, шеърни мисрама-мисра таҳлил қилиш жараёнида ўз муносабатини билдириб боради. Биз танқидчи муносабатини билиш баробарида асар мазмуни билан ҳам танишамиз. Шеър «қарғаларнинг уясиам, боласиям йўқ, чунки бир марта қорга тухум қўйса тухуми музлаб қолибди. Шундан бери қарғалар тухум қўймасдан қорда йўрғалаб юраверади», деган мазмуни ифодалайди. Танқидчи шеър мазмуни билан китобхонни таништиргандан сўнг яна ўз мулоҳазасини давом эттириб дейди: «Шоир шеърдан ечилиши қийин бўлган яна бошқа бир «муаммо» яратибди: қарғалар тухум қўймас экан, бола очмас экан, шунча қарға қаердан пайдо бўлди экан? Қарғаларни кўп яшайдиган паррандалар қаторига киритишди, аммо шоир айтганидек, кўпаймасдан, «ўйнаб, йўрғалаб» юра бериши учун ҳар бир қарға миллион йиллар яшаши, умуман дунёни тарк этмайдиган жонивор бўлиши керак!» Мунаққид шеърнинг камчилигини кўрсатиш билангина чекланмайди, балки ёш қаламкашга айтмоқчи бўлган гапи орқали — болалар адабиётининг мақсад ва вазифаларини яна бир қарра ўқитишни ният қилади:

«Дунё сирларини тушунган одамлар шу шеърни ўқиб: «Ҳа, ҳаёлига келибди, ёзибдида», — деб журнални ёпиб қўя қолиши мумкин. Саҳифанинг эгалари — кичкинтойлар ўқисалар-чи? Улар то катта бўлиб, табиат

сирларини яхши билиб олгунча «дунёда уя қурмайдиган, бола очмайдиган» паррандалар ҳам бор деб юрмасмиканлар?» Бу фикрлар гарчи мулоҳаза тариқасида айтилса ҳам нишонга аниқ тегади.

Салоҳиддин Мамажонов, Бердиали Имомов, Соҳиба Ирисхўжаеваларнинг болалар шеъриятига бағишланган мақолаларида ҳам бу каби камчиликлар жиддий танқид қилинади. Шундай бўлса ҳам ижобий қаҳрамон яратиш борасидаги нуқсонларнинг туб моҳияти, айниқса насихатбозликка айланган риторик шеърлар кўпайишининг асосий манбалари эътибордан соқит қилинмоқда ёки юзаки қаралмоқда.

Баъзи ҳолларда руҳий дунёси етарли очилмай, қаҳрамон сифатида тўла шаклланиб улгурмаган образларни мақташ ҳоллари ҳам содир бўлаётир.

Чунончи, Бердиали Имомов ўзининг «Пўлат Мўмин» адабий портретида шоирнинг «Вақтида бахт топганлар» дostonи ҳақида фикр юритар экан, қайта ишларни натижасида асарнинг «ғоят зарур темадаги» қаҳрамонлари ҳаётий чиққан, дейди. Ажабланарлики шундаки, ўз фикрини асардаги асосий қаҳрамонлар таҳлили билан эмас, балки эпизодик, дostonнинг икки жойида — боши ва ўрта-сида кўриниш берган Суюн образи орқали ишботламоқчи бўлади:

«Акаси Қизилқумга кетаётганида ўзида йўқ хурсанд Суюн қалбининг мусоффо ва самимий туйғулларини шоир ёрқин поэтик деталларда таъсирли чизади. Кўз олдимизда акаси қаҳрамонлигидан мақтаниб, керилиб, газеталарга ҳабар ёзиб юрган бу ёш қаҳрамон болалар психологиясига мансуб хусусиятларда ёрқин гавдаланади, ўзига китобхонларда меҳр орттиради... Автор ўз қаҳрамони қалбида кечувчи бундай психологик тебранишларни усталик билан ифодалайди.»

Афсуски, мунаққид ўз даъвосини чинакам таҳлил билан асосламайди. Асардан келтирилган қисқа парча ҳам танқидчи фикрининг тўғрилигига хизмат қилмайди. Аслида эса бу дoston Пўлат Мўмин маҳорати даражасида эмас. Асарнинг бош қаҳрамонлари ун йиллик мактабни тугатиб Газлига бориб ишлашга қарор қилган икки ёш — Эргаш ва Санақул образлари ижодкорнинг турли хил баёнлари остида кўмилиб қолган. Санақул икки йил Газлида юради-ю, унинг характерига оид бирорта ўзгаришни сезмаймиз, бирдан бир газ қувури ёрилгач, кўрқиб қишлоғига қайтиб келади. Қишлоқда укасидан битта дашном эшитиб, яна Газлига қайтиб кетади. Бу ўринда қаҳрамон характеридаги муҳим ўзгаришлар — Газлига бориш, у ердан кўрқоқлик қилиб қочиш ва укасининг бир оғиз таънаси билан яна қайтиб кетиши — бирортаси бадий далилланмайди. Асар қуруқ тафсилотларга бурканган баёндан иборат бўлиб қолган.

Бу камчиликларни танқидчи ҳам сезгандай бўлади ва «... газчиларнинг меҳнат жараёнидаги қийинчиликлари, Санақулга тўқнаш келган ижобий қуллар етарли очилмайди. Унинг характеридаги иллат жиддий зарбасиз, биргина укасининг дашноми билан барҳам топади, бунда реализм сустроқ сезилади», дея тан олади.

Бир асар ҳақида бундай икки хил фикр юритиш, руҳий дунёси етарли очилмаган қаҳрамонларни мақташ на адабиёт ривожига ва на шоир ижодига фойда беради.

Валентин Оскоцкий

ТАМАРАХОНИМ

Агар Тамарахоним адресини билмасангиз, ташвиш чекманг, биринчи бўлмасаям, ҳар қалай учинчи киши унинг уйига олиб борадиган йўлни кўрсатиб қўяди. Шунда СССР халқ артисти деган фахрий унвоннинг чиндан ҳам умумхалқ эътирофига сазовор эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз. Мен йўл сўрашга зарурат сезмасдим. Сабаби, оқсоқол ёзувчи Назир Сафаров ҳамроҳ эди ва бизни қутишаётганини аниқ билардим. Ҳаммаси бир оғиз гапдан бошланди. Ёзувчиларнинг Тошкент яқинидаги ижод боғида Сергей Бородиннинг беваси, Рауза Якубовна Бородина билан кўришиб қолиб, ундан Тамарахоним қалай, деб сўрадим.

— Ҳар доимгидай, тиниб-тинчимайди, — жавоб берди суҳбатдошим. Ҳозир ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб, музей билан овора. Уйда жуда ажойиб музей ташкил қилган. Эҳтимол, уни том маънодаги росмана музей деб бўлмас — кўргазма залидир ё шунчаки экспозициядир — лекин гап номда эмас-ку. Бу ишга у бутун куч-ғайратини сарфляпти. Унинг куч-ғайратини эса ўзингиз биласиз. Музейдаги нарсаларни кўрган одам ҳайратга тушади.

Шу ерда озгина лирик чекиниш қилмоқчиман. Менинг Тамарахоним санъатига, унинг янги-янги қиёфаларга кира олишдек ноёб иқтидорига нисбатан аллақачон туғилган муҳаббатим артистка билан бўлган бир қанча унутилмас учрашувларда кучая борди. Уни дастлаб яқиндан 1958 йили, Тошкентда Осие ва Африка ёзувчилари конференцияси ўтаётган кунларда Ғафур Ғулومнинг уйида кўрганман. Ушанда Ғафур Ғулум Хитой ва Цейлондан келган делегацияларни уйига меҳмонга чақирганди. Тамарахоним ўтиришнинг юраги эди — у рақсга тушар, меҳмонларнинг хитоб ва қарсақлари остида куйлар эди. Ҳатто ниҳоятда осойишта, ҳар қандай ҳаяжонли ҳолатда ҳам ўзини тута оладиган оғир-босиқ, майин табассумли инсон Эми Сяо ҳам баланд овоз билан «Офарин!» деб юборди.

— Ватанимизга қайтишда сизнинг овозингизни ҳам олиб кетамиз, бутун хитой халқи ҳам эшитиб қўйсин, — деди хайрлашув чоғида адиба Се Бин-синь ҳаяжонланиб.

Орадан бир йил ўтгандан кейинги учрашувимиз ҳам концерт залида эмас, оила даврасида, Ўзбекистонда совет адабиёти ва санъати кунлари пайтида, Сергей Петрович Бородиннинг хонадонида юз берди. Уй меҳмонлар билан тўла эди. Лекин Тамарахоним одамларнинг зичлигидан, текилинчдан тортиниб-қимтиниб ўтирмай, рақсга тушди, қўшиқлар айтиб берди. Ва ниҳоят, бундан атиги икки йил бурун, С. П. Бородиннинг ёдгорлик уй-музеи очилишида яна учрашдик... Ёзувчи ва унинг оиласининг қадрдон дўсти Тамарахоним тантананда фаол иштирок этди. Бу сафар у қўшиқ айтмади, рақсга ҳам тушмади. Фақат мамлакат бўйлаб қилган сафарлари, чет элларда бўлган гастроллари ҳақидаги хотираларидан сўзлаб берди. Ушанда шахсий хотираларгина эмас, балки ғаройиб тарихий воқеалар билан чапишиб кетган ҳар хил можаролар, кулгили ҳодисалар ҳам Тамарахонимнинг гапга чечанлиги, жонли, таъсирли ҳикоя қилиш маҳорати туфайли менда ўчмас таассурот қолдирган эди.

Хотирам қатламларига сингиб кетган концерт кечалари ва давра суҳбатлари музей хусусидаги суҳбат асносида бирдан сўзлар оҳанги-ю ҳар бир имо-ишора ва ҳатти-ҳаракатгача тасаввуримда жонланиб кетди. Тамарахоним хонадонида сени фақат артистканинг шунчаки ижодий тақдири билан бўладиган учрашувгина кутмаётганини ҳис қила туриб, йўқ, йўқ, аён била туриб, ошиқиб, орзиқиб бормаслик мумкинмиди?

Ахир унинг тақдири, санъатдаги йўли кўплаб, жуда кўплаб халқ талантларининг тақдири ва, ижод йўллари билан бирлашиб кетмаганми? Бу тақдир ва йўллар ўзида катта бир даврни — Советлар тарихидаги ўн йилликлар, Октябрдан кейинги дастлабки йиллардан тортган, бизнинг кунларимизгача бўлган вақтни ифода этмайдими? Халқнинг маънавий парвоз йилларини, унинг инқилоб шарофати билан қанот ёзган ижодий куч-қудрати гуркираган паллани ёрқин гавдалантирувчи ўзбек миллий театри вужудга келган ва юксалаётган тарихий даврни-чи?..

Мана, Тамарахоним бизни останада кутиб олди ва меҳмонлар билан лиқ тўла залга таклиф қилди. Бироқ томоша қилишни бошлашимиздан олдин қисқача изоҳ беради:

— Ҳозир сиз кўрадиган нарсалар менинг саҳнадаги ҳаётимни акс эттиради. Кўргазмага ўзим кийиб рақсга тушган ва кўшиқ айтган либосларни, ўзим учун қимматли бўлган ёдгорликлар, хотира дафтарлари, суратларни кўйдим. Турган гап, булар ҳаммаси эмас. Ҳаммасига жой ҳам етишмайди. Қолаверса, мен ўзим йиққан ёдгорликларнинг бир қисмини илгарироқ Инқилоб музейига, яна бир қисмини эса Бахрушин номидаги Театр музейига бериб юборгандим. Бир қанча қимматбаҳо нарсалар Тошкент зилзиласи пайтида йўқ бўлиб кетди. Бу ердаги асосий бойликларим — либослар. Улар икки юздан ортиқ. Ҳар бирини ҳеч бўлмаганда бир марта кийиб саҳнага чиққанман. Бу ерда уриниб, путурдан кетган либослар ҳам бор эди, уларни ўз кучим билан мутахассислар ёрдамида қайта тиклашга тўғри келди. Масалан, ҳинд безаклари, фарғоналик ва хивалик қўли гул усталар томонидан ясалган айрим буюмларга дейarli янгидан «Ҳаёт» бағишланди, десам бўлади. Бу қимматли бойликларим зилзила пайтида шундай аҳволга тушиб қолувдики, уларни қайта тиклашнинг имкони бўлмаса керак, деб қўрққандим... Қани, энди марҳамат...

Тамарахоним билан бирга концерт программалари — серғулу даврлар, шиддатли ўн йилликлар бўйлаб саёҳат қилар эканман, артистканинг ижрочилик маҳоратидан зални ларзага келтиришган томошабинларнинг ҳаяжонини, завқ-шавқини яна бир қайта ҳис этдим. Истеъдодли раққоса, хонанда ва балетмейстернинг бутун ижодий йўли кўз олдимдан бир-бир ўтди. Шу ўринда Тамарахонимнинг уй-музеи тўғрисидаги ҳикояга, «Ташкент театральный» (1979, № 3) информатсион бюллетени машҳур санъаткорнинг саҳнадаги фаолиятига 60 йил тўлиши муносабати билан chop этилган махсус сонидани унинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни илова қилиш жоиз, деб ўйладим. Ахир ҳар бир экспонат — у хоҳ либос, ёки портрет, хоҳ театр эълони ёки фотосурат, хоҳ китоб ёки газета парчаси бўлсин — артистканинг ҳаёти ва фаолиятига алоқадор-ку, бу материалларнинг ҳар бири қатида уй бекаси мароқ билан ҳикоя қилаётган ажабтовур, бетакорор, фавқулодда тарихий ҳодисалар ўз инъикосини топган-ку! «Езиб олиш керак эди!» — дея хитоб қилардим ичимда афсусланиб, ўзимни койиб, ахир битта магнитофон ола келиш қийин иш эмас эди-ку, кичкина ёндафтар билан келаверибман, аттанг...

— Қани, марҳамат. Мана бу кўҳна ўзбек либосидан, унинг ёнидаги паранжидан бошлаймиз. Бу либосни кийиб саҳнага кўч чиққанман. Унинг кўкрак қисмидаги безак-нақшга эътибор қилдиларингизми? Уни менга ким ҳаёда қилган деб ўйлайсизлар? Ҳамза...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, жамоат арбоби ва бастакор, ўзбек совет драматургиясининг асосчиси, миллий театр ижодкори Ҳамза Ҳакимзода Нийёзий Тамарахонимнинг ижодий парвози тўғрисида башорат қилганлардан бири эди. Унинг марҳамати билан 1919 йили «Шарқ» номли агитбригада поездда бўлажак артистка ўзининг илк чиқишларини намойиш этди. Ушанда агитпоездга раҳбарлик қилган Ҳамзага кимдир концертга ўн уч яшар Тамара Петросьяни, Фарғона яқинидаги Горчаково кишлоғилик темирйўл ишчисининг қизини ҳам таклиф этиш керак, деб маслаҳат бериб қолди. «Тамара, — дейилди унинг таржимаи ҳоли ёзилган юқоридаги бюллетенда, — халқ орасида ном қозонган Ҳамзанинг кўшиқларини ижро этар, лекин шу кўшиқларнинг муаллифи қошида туриб куйлаётганини хаёлигаям келтирмас эди. Еш артистканинг дастлабки дадил қадами ана шундай воқеа бўлди: у ростакам концертда инқилоб аскарлари ва ишчи-деҳқонлар эрки йўлида курашаётганлар учун куйлади, рақсга тушди.»

— Паранжи-чи? — эслатдим мен. — Уям саҳнага чиқишга хизмат қилганми?

— Унчаликмас. Бу паранжи босмачилардан қочиб омон қолган кунимдан хотира. Бу воқеа ҳам ўша, 1919 йили, Ҳамза билан учрашувимдан кейин кўп ўтмай юз берган. Босмачилар концерт берилаётган саҳнани ўраб олишди, отишма бошланди. Бизларни саҳнага чиқишга қўймай, ҳар томондан тош

ёғдиришарди. Йўлакда, тўс-тўпалонда кимдир тушириб қолдирган бўлса керак, мана шу паранжи ётарди. Машхур Юсуфжон қизиқ паранжини ердан олиб менга кийдириб қўйди: босмачилар таниб қолишмасин, деган-да...

Тамарахоним инқилобдан кейинги ўша йилларда халқ ҳофизи Муҳиддин Қориеқубов тузган этнографик концерт ансамблидаги ягона аёл эди. Бу халқ ҳофизининг сурати музейнинг энг тўридан жой олган. Республика шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб тез-тез, узоқ-узоқ сафарларга чиқиб турган мазкур ансамбль фақат ўзбек халқининг қўшиқ ва рақс санъатини тарғиб қилиш билангина чекланмас, балки омма орасида сиёсий маърифат ёйиш ва одамларни тарбиялаш, уларда инқилобий рух пайдо этишда ҳам беқиёс хизмат ётарди. У маҳалда шунчаки артистка бўлиш камлик қиларди, деб эслайди Тамарахоним.

Инқилоб туфайли «ичкари» деб номланган азалий зулумотдан октябр ўй ҳаёт кенгликларига чиққан аёл зотининг янги турмуш, саодатли тақдири учун курашда саҳна — жанг майдонига, артист — курашчига айланган эди. Мана, 1922 йил таржиман ҳолига оид хроникадан бир саҳифа:

«Бир куни, Марғилонда концерт берилаётган эди, саҳна ортидан Раҳима деган қизалоқ кириб келиб, Тамарахонимдан арзи-додини эшитишни ўтиниб сўрайди. У артистка бўлишни жуда-жуда хоҳлашини лекин бундан ақаси хабар топса, уни омон қўймаслигини алам билан гапирди. Тамара Раҳимага тасалли берди, қиз қочадиган бўлди, улар учрашув жойи ва вақтини келишиб олишади. Бироқ синглиси ортидан тушган ақаси Тамарага пичоқ ўқталиб, Раҳимани уйига олиб кетади. Тамара вокзалда уни кутаётган гуруппа томонга қараб чопарди, йўлнинг ўнг-терсига ҳам қарамай тор кўчалардан қоқилиб-сукулиб югурарди. Ниҳоят, у тўхтади ва йиғлаб юборди. Ярим очиқ эшиклардан кампирлар уни қизиқсиниб кузатишар эди, атрофига бир зумда болалар ва қизалоқлар тўпланишди. Тамара кўз-ёшларини артиб йўлга тушганда унинг орқасидан деворлар оша тошлар, ҳақоратлар ёғилди. Тамарани концертлари орқали, яхши кўриб қолишган болалар унинг атрофига занжирдай тизилдилар, артистлар тўғрисида фақат «Бетини очиб, шайтоннинг кўнглини овлайди», деган миш-мишларнигина эшитган хотинлардан мудофаа қиладилар. Шунда Тамара қўшиқ айта бошлайди — у ўзининг кичкинтой ҳимоячилари завқ-шавқидан дадилланиб, меҳри товланиб жарангдор овозда баралла куйлайди...»

Музейдаги фотосуратлар орасида 1927 йилда кўпчилик тушган сурат эътиборга молик. Ундаги баъзи ўзбек аёллари Тамарахоним кўмагида паранжи ташлаган. Умуман, Тамарахоним ҳар қандай хавф-хатарларга қасдма-қасд (унинг икки сафдоши мутаассиблар қўлида ҳалок бўлишган) мардоналик кўрсатиб, ўз ортидан эргаштирган ва санъат даргоҳига етаклаб кирган қиз-жувонларнинг сон-саногига етиш қийин. «Унлаб ёш раққос ва раққосалар Тамарахонимнинг репертуаридан ўрганишган, — дейилади юқоридаги манбада. — Қишлоқларда ва шаҳарларда, оилавий ва оммавий сайилларда Тамарахоним рақслари мавзуда, унинг қадамни кенг ташлаб, қўл-оёқларини эркин ҳаракатлантириш, бутун гавдасини баралла, дадил ўйната олишдек ижро услубларидан фойдаланган ҳолда рақсга тушувчи аёллар сони кўпая боради. Тамарахоним рақслари шу тариқа ўша йиллар халқ турмушининг узвий бўлагига айланади.» Тамарахоним кундалигидаги унинг 1933 йил Хоразм воҳасига сафари тўғрисида ҳикоя қилувчи лавҳалар диққатга сазовордир: «Хоразм менда жуда ажойиб таассурот қилдирди. Маҳаллий аҳолининг ўзига хос турмуши, шеваси, айниқса, уларнинг санъати — ҳамма-ҳаммаси мен учун қизиқ, қимматли эди. Хоразм рақслари мени лол қилиб қўйди. Ўзбекистонда яшаб туриб Хоразм рақсларини билмаслик ақлга сиғмайдиган гап! Шиддатли, мардонавор рақслар... Мен тўйларга, сайилларга ва бошқа маросимларга бориб, сеҳрлангандай қайтар ва тунлари ўз хонамда кўрган рақсларимни қайта-қайта такрорлар эдим. Мен Хоразм шевасини, муомаласини қандай ўрганиб, қачон хоразмча куйлаб, рақсга туша бошлаганимни пайқаймай ҳам қолдим. Тўрт ойда бу юрт одамлари билан шундай киришиб кетдимки, энди уларсиз яшашни тасаввур қилолмасдим. Мен чинакам хоразмликка айландим, менга битмас-туганмас завқ бағишлаган ва мураккаб усул ҳамда оҳанглари билан қалбимга ҳадик солган рақслар энди ўз мулким бўлиб қолди...»

Бироқ бир нарсани алоҳида таъкидлаш зарур: халқ ижодидаги рақсга тушиш ва қўшиқ айтиш анъаналарини зўр эътибор билан ўрганиб, ўзлаштирган Тамарахоним ўзининг санъатдаги дастлабки қадамлариданок, гарчи мерос сифатида келаётган образлардан моҳирона фойдаланса-да, ўз репертуарини шунчаки қайтариқлардан иборат бўлишидан қаноатланмас эди. У халқ санъатидаги образларга дунёни революцион қайта қуриш руҳи билан суғорилган янги мазмун бахш этди. Концерт программаларини тузиш жараёнида

ишчи ва деҳқонларнинг Улуғ Октябрь тонгидаги намоиши билан боғлиқ олис хотираларни эслаб, узоқ-узоқ хаёлга чўмиши бежиз эмас: «Кўчада қуёшда қорайган, бақувват одамлар ўтиб боришар, уларнинг юзидан бахт нури ёғилаётгандай эди. Тўсатдан бир нечаси ўйинга тушиб кетишди. Кейин, қолганлар ҳам уларга қўшилишди. Энди Фарғона томон илгарилаётган намоишчилар ёппасига ўйинга тушар эдилар! Бу — мен шу маҳалгача кўрган ўйинлардан тамом бошқача ўйин эди. Бу — шижоат рақси эди. Одамлар катта-катта қадам ташлаб, тез-тез ўтиб боришар, бармоқларини қарсиллатишар, гоҳ-гоҳ товонларида гир айланиб, яна йўлда давом этишарди. Мен биринчи марта катта сайилда Юсуфжон қизиқ билан ўйинга тушар эканман, ана шу шижоат рақси кўз олдимдан бир лаҳза кетмас, ўшандай ўйнагим келар эди...»

Музейга намоиш учун қўйилган ўзбекча либослар Тамарахонимнинг урушгача бўлган даврдаги ижодий изланишлари билан дахлдор. Уларнинг ҳар бири маълум бир область ё район, айтишлик Фарғона ё Қўқон, Самарқанд ё Тошкент аҳлининг ўзига хос урф-одатлари, анъана ва расм-русумлари ҳақида муайян тасаввур уйғотиши билан қимматлидир. Хоразм либосларининг тарихи Хива хонлигининг олис замонларига бориб тақалади, уларнинг феруза ва маржонлардан иборат зеб-зийнатлари 150 йилдан зиёд ўмр кўрмоқда, олтин тангалар шодасида эса 1800 йил қайд этилган. Бухоролик зардўзлар томонидан тикилган қадимий қўйлақда Тамарахоним ана шу элга хос рақсларни ижро этган, унинг ёнгинасида осифлик турган яна бир бухороча либосда эса Москвада ўтган ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги (1937 йил) пайтида «Фарҳод ва Ширин» музыкали спектаклида қўшиқлар куйлаган.

Йигирманчи-ўттизинчи йиллари Тамарахонимнинг эстрада ва театр сахнасидаги истеъдоди барабар гуллаб бошлади. У катта концерт программалари ижро этиш билан бирга, музыкали драматик спектаклларда бир йўла уч қиёфада — раққоса, хонанда ва актриса қиёфаларида ўз маҳоратини намоиш қилар эди. Айни вақтда у балетмейстер сифатида «Уйғониш» рақс-сюитасини (1932 йил), «Гуландом» балетини (1939 йил) сахналаштиради. Анъанавий халқ рақслари асосида янги, хореография билан вокал, музикийлик билан сахналашган томошалар омухталаниб кетган ялла-қўшиқлар жанрини яратган Тамарахоним санъатининг асосий моҳиятини, бизнингча, «синтез» деган сўз мукамалроқ ифодаласа керак. Тамарахоним халқлар ижодининг Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ олимпиадасида (1930 йил), декоратив санъатнинг Париждаги халқро кўргазмасида (1925 йил), халқ ижодининг 1935 йили Лондонда ўтказилган биринчи халқро фестивалида вокал-рақс драматик сахнанинг ўз оҳанги, усулига эга бўлган ҳақиқий намоёндаси сифатида тан олинди. Хуллас, музейдаги либослар Тамарахоним санъатининг нималарга қодир эканлигидан далолат берувчи ўзига хос ажойиб далиллардир.

Мамлакат бўйлаб қилинган узоқ-яқин сафарлар ҳам Тамарахонимнинг рақс ва қўшиқ репертуарини сезиларли даражада бойитди, албатта. Ўзбекистон хореографик санъати секин-аста концерт программаларининг таркибий қисмига айлана бошлайди ва бу программалардан Туркменистон ва Қозоғистон, Молдавия ва Эстония, Белоруссия ва Украина ҳамда бошқа қардош халқларнинг қўшиқ ва рақслари мустаҳкам ўрин ола боради. Шу билан бирга ана шу йилларга оид сахна хўжалиги ҳам бойийди, музейда рус, украин, молдава халқларининг безаклари туширилган қўйлақлар, бош кийимлар анчагина. Бу либослар Тамарахонимга яна шу жиҳати билан жуда қадрлики, улар қардош республикаларнинг хор коллективлари ва рақс ансамбллари томонидан қилинган тўёналардир. Грузия, Арманистон, Озарбайжон либосларига, ўтмишдаги усталар томонидан ишланган нақшинкор безакларга ва халқ ҳунармандлигига оид бошқа буюмларга алоҳида жой ажратилган.

— Мана бу кийим қирғизларники, буниси татарларники, наригиси чувашларники, унинг ёнидагиси эса ёқутларники, — дея давом этади музей бекаси. — Туркманларники чинакам қўл меҳнатининг маҳсули. Кашгасига бир эътибор беринглар-а: 70 йил нарёғидаги буюм, лекин ранги сираям ўнгмаган. Ҳар бир либосга фотосурат қадалган: Тамарахоним ана шу либос билан сахнада...

Тамарахоним ижодий лабораториясига кириб борган санъатшуносларнинг кузатиш ва хулосаларидан келиб чиққан ҳолда, актрисанинг ижрочилик маҳоратини намоиш этишда либосларнинг нечоғлик қиммат касб этганлиги борасида қисқача мулоҳаза билдириш учун яна бир лирик чекиниш қилишга тўғри келади. Бу борада «Ўзбекистоннинг рақс санъати» (Тошкент, 1960) номли сермазmun китобнинг ҳамда Тамарахоним фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи бир қатор монографик тадқиқотларнинг муаллифи Л. Авдеева бошқаларга нисбатан муфассалроқ фикр юритган. Либос, — деб таъкидлайди тадқиқотчи, — Тамарахоним учун концертга тайёргарликда ҳам, концертнинг

Ўзида ҳам таассуротларни умумлаштиришга ёрдам берувчи омил бўлиб, саҳнавий образ мотивининг худди сўзлар ва оҳанг каби, куй ва хатти-ҳаракат каби таркибий қисмидир. Актриса янги қўшиқ ё рақсга ўзига хос либос танлашни сўнгги, зарур шарт деб билган, шу йўл билан мавзу тугаллигига, шакл такомиллигига эришган.

Тамарахоним учун, либос, энг муҳими — кўп қиррали образларга (бир концерт давомида ўн беш — йигирмалаб қиёфага!) кира олиш воситасидир... Ўрикниқидек бодроқ — бодроқ оппоқ гуллари толим-толим қора сочлар билан уйқашиб кетган энгил, ҳарир кўйлак — ўзбекча рақс тимсоли... Қўкракка қадаладиган зеби-зийнатларнинг севикли маҳбуб ҳадыя этган рўмолни оқизиб кетаётган ариқ шилдирашини эслатувчи оҳиста жананг-журунги — хоразмча қўшиқ билан ҳамдоҳангдир... Энгил пойафзал, бошга кийиладиган оғир безаклар, энглари узун кўйлак, белдан юқорироқдан боғланадиган лента — корейсча рақсда майда, сассиз қадамлар, доиравий, майин ҳаракатлар гаровидир.

Тамарахонимнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги ижодий сафарлари янада сермазмун ва ранг-барангдир: Кавказ, Эрон, Узоқ Шарқ, Мўғулистон Халқ Республикаси, ўша пайтда гитлерчилар қуршовидан эндигина халос этилган Киев, 1-Украина фронти, Совет Армиясини бажонидил қарши олган Австрия ва Венгрия... 1943 йилнинг январида у раҳбарлик қилган ансамбль жанговар самолётлар ишлаб чиқаришга ҳисса қўшиш мақсадида олдинига 50 минг, кейин яна 40 минг сўм йигиб бергани учун Олий Бош Қўмондонликнинг ташаккурига сазовор бўлади. Мудофаамиз фондига актриса шахсан ўз ҳисобидан катта маблағ, шу жумладан, ўзига берилган СССР Давлат мукофотининг пулини ҳам инъом этди: ана шу пуллар ҳисобига ишланган танкнинг макети ҳам музейда турибди. Икки муҳим ҳужжат Узоқ Шарқ сафарига тааллуқли: Тамарахонимга Совет армиясининг капитани деган ҳарбий унвон бериш тўғрисидаги буйруқ ва гувоҳнома... Гувоҳномада эса қуйидаги сўзлар битилган: «Ушбу берилди ҳақиқатан ўртоқ Тамарахонимга шу мазмундаким, унга «Бельгийский браунинг» системасидаги 52978 сонли шахсий қуролини олиб юришга ижозат этилади. Д. В. фронтининг артиллерия қўмондони, артиллерия генерал-лейтенанти Парсегов...»

1942 йили Потига кириб бораётган «Париж коммунаси» кемасининг палубасида Тамарахоним ўз концерт программасига биринчи марта хорийжий қўшиқ асосидаги рақсини киритади — бу испан қўшиғи «Те кьеро» эди. Шундан сўнг унинг репертуаридан чет мамлакатларнинг қўшиқ ва рақслари тобора кўпроқ жой ола бошлади. Тамарахонимнинг 50 йиллик ижодий фаолияти мобайнида қарор топган репертуаридаги уч юздан зиёд ялла-рақс-саксон олти халқ санъатидан тузилган гулдастадир. «Менинг мақсадим — дейди у ўз концертлари ҳақида гапира туриб, — томошабинни ер шари бўйлаб саёҳат қилдириш, токи у ўзим билан бирга Мўғулистоннинг ясси адирларидан гулгун Узбекистон боғларига, қудратли Волга қирғоқларидан Албания тоғларининг қорли чўққиларига, Норвегиянинг зилол кўлларида афсонавий Ганг соҳилларига яшин тезлигида парвоз этсин. Акс ҳолда, мен саҳнада яхши образ яратолмаган, томошабинни мафтун қилолмаган, қисқаси, ниятимга эришолмаган бўламан. У шунчаки бешавқ, бепарво томошабин бўлиб қолади, холос...» Гоят камтарлик билан айтилган сўнги мулоҳаза баҳсталабдир. Тамарахоним концертдан завқ-шавқ олмайдиган, бепарво томошабин бўлмаган...

Эълонлар кетидан яна либослар, уларнинг тамғасида янги-янги географик номлар кўзга чалинади: альбанча тўй сарполари, эрон, норвег, болгар, румин кийимлари.

— Мен Руминияга бормаганман, — дея ҳикоя қилади Тамарахоним. — Руминча ялла ўрганмоқчи бўлдим у нота сўраб Бухарестга хат ёздим. Уёқдан нота билан бирга мана шу либосни ҳам юборишган...

У Испанияда ҳам бўлмаган. Бироқ испан кийимида, ана шу халқнинг хусусан, миллий озодлик урушлари авж олган йилларда оммалашган қўшиқ ва рақслари ижросини кўрган Долорес Ибаррури қаттиқ ҳаяжонланиб, «Кўз олдимида Ватанимни намоён этдингиз», дея актрисага ташаккур изҳор этган эди.

Қумушдан жило берилган ва тепа қисмига ранго-ранг қуш патлари қадалган хитойча бош кийимни Тамарахоним музикали спектакллардаги чиқаришда кийган. У билан ёнма-ён осиглик поляк либоси 1947—1948 йиллари Польша бўйлаб қилган гастроль сафари пайтидаги концертларини безаган. Тамарахоним бу концертларга тушган маблағни Варшавани қайта тиклаш учун йиғилган фондга ҳадыя этган. «Совет Иттифоқи ҳақидаги минглаб китоб

ҳам халқларимиз дўстлигига Тамарахонимнинг битта концертчилик хизмат қилиши қийин», деб ёзган эди ўшанда Варшава матбуоти.

— Мана бу араб либоси эса — президент Носирнинг совғаси.

— Сиз Мисрда бўлганмисиз?

— Йўл-йўлакай. Лекин Жамол Абдул Носир мени Тошкентдаги концертда кўрган. У менга: рақсларингизда шарқ аёлларига хос жозибани сақлашга эришибсиз, деганди. Совғани кейин элчихона орқали бериб юборган...

Афғонистон, Индонезия, Туркия, Покистон, Мўғулистон Халқ Республикаси, Корея, Ҳиндистон, Япония, Мексика... Бу мамлакатларнинг кийимлари орасида Жавоҳарлал Неру туҳфа этган сари ҳам бор. Бу либослар билан ёнма-ён бошқа бир қатор эсдалик совғалари ва ёдгорликлар қўйилган. Бали ороллариининг халқ усталари ижодига хос ҳайкалча ана шундай нодир буюмлар сирасига қиради. Ҳосил маъбудасининг ҳайкалчаси — маршал Чойбалсандан, митолга ўймакорлик усулида нақш солинган тилларанг гулдон эса Раж Капурдан совға. Худди шу жойда Тамарахонимнинг Раж Капур билан Ҳиндистондаги учрашувлари пайтида тушган сурати ҳам бор.

— Мингдан ортиқ фотосурат тўпладим, лекин ҳаммасини қўйишга жой йўқ. Сизлар кўрадиган суратлар ҳамир учидан патир, холос. Юрий Гагарин билан, ўша пайтда, ҳали парвозга энди шайланишга вақтда тушган суратим бор. Алексей Толстой билан тушган суратимизда унинг менга ўз китобини тақдим этаётган ҳолатини кўрасиз. Шундай сурат борлиги аниқ эсимда эди-ю, анчагача уни тополмай юрдим. Ниҳоят, ўтган йили сураткаш Г. Зельмининг архивидан негативи чиқиб қолди...

Деворлар оралаб ўтиб, портретларга яқинлашамиз. Уларнинг иккитаси Тоир Салахов, биттаси эса Тамарахонимнинг қизи, профессионал рассом томонидан чизилган.

Портретлар ва суратлар чиндан ҳам ниҳоятда саралаб-саралаб танланган. Уларнинг ҳар бири Тамарахонимнинг ижодий тақдирига у ёки бу даражада алоқадор бўлган кишилардан эзгу хотира сифатида муқаддасдир. Артистка бир қанча улуг номларни хотирасида миннатдорлик билан ёъозлаб сақлаб келади: Булар — Горький, Маяковский, Есенин, 1924 йилиёқ уни «Шарқнинг биринчи қалдирғочи», деб атаган Луначарский, хорижга қилган гастролларидан бирида танишган Айседора Дункан... (Еш ўзбек раққосининг маҳоратига қойил қолган бу прима-балерина унга: умуртқаларингизни санаб, бармоқларингизни ушлаб кўришга ижозат берсангиз, дея ажабтовур илтимос билан мурожаат қилган эди. Инсон, — дея ўз фикрини қизгин исботлашга уринган эди у, — одатий бадан билан бу қадар ғайриоддий, мураккаб ва гўзал машқлар бажаришга қодир эмас). Лекин яна бир фотосурат мени шунчалик ҳайратга солдики, бундай «учрашув» етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди.

— Бу ким, — сўрадим юзларида шижоат, қатъият акс этиб турган кекса аёлни кўрсатиб ва берилажак жавобда мен учун фавқуллода ҳақиқат ойдинлашувини саял-пал ҳис этиб қулоқ тутдим.

— Буми? — Тамарахоним, менинг рофиллигимдан ажабланди чоғи. — Розалия Марковна Плеханова. Биз бу суратни 1925 йили Парижда атайлаб, эсдалик учун олдирганмиз. Ушанда у мени энгил гангренадан омон сақлаб қолганди. Докторлар аллақачон бу энди узоққа бормаиди, деб «башорат» қила бошлашган эди. Розалия Марковна ана шуларга қасдма-қасд муолижага киришиб, мени ҳаётга қайтарган. Ажойиб врач эди...

«Улим хавфидан қутқариб олиш унинг учун биринчи ҳодиса эмас», — деб ўйладим беихтиёр. Назаримда кексайиб қолган Розалия Марковна қиёфасида тез хуруж қиладиган сил касали билан олиша-олиша, ниҳоят унинг ёвуз чангалидан ёш Плехановани халос этиб, тиббиёт олами машъалларини тонг қолдирган Роза Боград фазилатлари мужассамдай туюлди.

Биз неча марталаб ўзимиз, тасаввур қилгандан кўра ғайриоддий, мутлақо кутилмаган тарзда юз берадиган тақдирлар тўқнашувидан ҳайратга тушамиз, лекин ҳаётда маълум даврларни ўзаро боғлаб пайвандлаб турадиган ҳодиса ва нарсалар ҳам кўп.

Эслатиб ўтаман: музейдаги либослар кўриги паранжи билан бошланган эди. Экспозиция ниҳоясида эса елкасида капитанлик нишони билан турган ҳарбий китель диққатингизни тортади. Унинг кўкрак қисмида — Тамарахонимнинг Фарғона канали қурилишига қўшган ҳиссаси учун берилган энг биринчи — «Ҳурмат белгиси» орденидан тортиб, 70 йиллик юбилейи муносабати билан тақдирланган Ленин орденигача бўлган ҳамма мукофотлар қадалган... Тамарахонимнинг ажойиб санъати хусусида замондошлари билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам актрисанинг фидойилигига, жонбозлигига берилган катта мукофотдир. Шулардан айримларини келтираман.

Алексей Толстой: «Тамарахоним! Сиз жасорат кўрсатдингиз, минг-минглаб ўзбек аёллари сизга эргашиб паранжи ташладилар, сиз Совет санъатини Ватан сарҳадларидан хорижий элларга олиб ўтдингиз.»

Гафур Гулом: «Сиз — ўзбек халқи маданиятини акс эттирадиган кўзгусиз.»

Дмитрий Шостакович: «Сизнинг концертларингиз — тинчлик, дўстлик, коммунизм гоёлари тантанаси рамзидир.»

Шунингдек, Мирзо Турсунзода, Майя Плисецкая, Поль Робсонлар ҳам Тамарахоним санъатига ниҳоятда юксак баҳо беришган. Пабло Пикассо эса 1948 йили Вроцлавада ўтган маданият ходимларининг тинчликни сақлашга бағишланган Халқаро конгрессида шундай деган: «Ўзбек актрисаси Тамарахоним ўзининг дўстона концерт-визити билан ушбу залда Гитлернинг нутқларидан қолган шармандали доғни ювиб юборди.» Жавоҳарлал Нерунинг баҳоси энг лўнда, энг мухтасар, айни чоғда энг сермазмундир. «Бизнинг Тамара», деб ёзган эди у. Раж Капурнинг самимий дил сўзлари эса Неру фикри билан ҳамоҳанг бўлиб, уни янада кенгайтиради, бойитади: «Биз Сизни жудаям қадрлаймиз. Бизнинг Сизга бўлган бу меҳр-муҳаббатимиз эса Ҳиндистонда, Сиз ҳиндча рақслар ижро этган лаҳзаларда туғилган. Ушандан буён Сиз — бизникисиз. Сиз, аслида аллақачоноқ фақат ўз юртингизнинг эмас, балки рақс ва кўшиқларингизда ифода этган барча элларнинг фарзандига айлангансиз...»

Мен ана шу самимий изҳори дилларни ўқир эканман, хаёлимдан: «ҳозирча бирон-бир рўйхат ё саёҳатномада қайд этилмаган бу музей фақат артистканинг ўзи учун ё унинг дўстлари ва кўнгил яқинлари учунгина яратилмаган», деган фикр кечди.

У келажакда кенг оммага мўлжалланган ўзбек санъати тарихи музейигина эмас, балки, айни замонда, этнографик музей, халқ ижоди музейига ҳам айланиши мумкин. Шу билан бирга, у энг аввало, интернационализм гоёлари тантанасини тўлақонли ифода этувчи халқлар дўстлиги ва қардошлиги музейидир. «Қўшиқ халқларни бир-бирига яқинлаштиради» — бу ажойиб сўзлар Тамарахонимнинг ижодий шиоридир...

Биз кўрикни тугатиб, энди ажабланадиган нарсга қолмади, деб турган бир пайтимизда, меҳмондўст уй бекасининг хайрлашув олдидан яна бир кутилмаган совға ҳозирлаб тургани аён бўлди. Катта дастурхон атрофида ўтирганимизда у бирдан кейинги йилларда ўзбек ва рус тилларида ёзаётган шеърларидан ўқиб бермоқчи эканлигини айтиб қолди. Унинг эътирофида жон бор: бу шеърлар чиндан ҳам ҳаваскорлик балки хотирот тубида чўкиб қолган бадий таассуротлар ҳосиласидир. Бироқ улар тингловчида самимий туйғулар, ҳаяжон ва эҳтирослар қўзғаш шубҳасиз. Айниқса, «Томошабинларимга» деб аталган шеър шу жиҳатдан эътиборга лойиқ эди. Бунда, актриса саҳнада туриб томошабинлардан бўшаган залга боқади, ҳозиргина ўзи ижро этган кўшиқ ва рақсларни хаёлида қайта жонлантиради, ўзини гўё тун сукунати чўккан хонада ҳис қилиб, томошабин билан суҳбатни давом эттиради, унга ўз қалби ва юрагини очади, у билан бўлажак янги учрашувларга интизорлигини таъкидлайди...

ТОШКЕНТ-МОСКВА, август — сентябрь.

«Литературное обозрение» журнали, 11-сон, 1983 йил.

◆◆◆◆◆ АҚЛ ВА МАЪНО ДУРЛАРИ ◆◆◆◆◆

Норвегиялик машҳур скрипкачи Арве Телефсен бошдан-оёқ эски ва ғижимланган кийим кийиб, Ослонинг серқатнов жойига келиб тўхтади-да, скрипка чала бошлади. «Кўча музиканти» тингловчиларда турли фикрлар уйғотди. Баъзилар уни мақташди, баъзилар, аксинча, танқид қилишди. «Талант борга ўхшайди, аммо техника етишмайди», деганлар ҳам бўлди.

Зикрилла Эгамбердиев
тайёрлаган

Болалар шоирларига дўстона ҳазиллар

Спитамен ҳақида ким қандай ёзар эди?

ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ

Азиз болажонларим,
Қувноқ қақажонларим,
Сизга айтай афсона,
Афсонаки — дурдона:
Алломишдек ҳайқириб,
Элни жангга чақириб,
Спитамен от қўйса,
Юганни азот қўйса,
Титрар эди далалар,
Қўрғонлару қалғалар...

ПУЛАТ МҮМИН

Спитамен дегани
Паҳлавон эди,
Хам ўзига яраша
Қаҳрамон эди.

Ҳозир бизнинг деҳқонлар
Янада полвон,
Ана, чўлу саҳрони
Қилдилар бўстон.

ТОЛИВ ЙҮЛДОШ

Спитамен Доро билан
Ер талашган эси у дам,
Соф туркийдан ташқари, у
Билган, демак, форсийни ҳам.

Юнончалаб Искандарга
Дўқ уришдан эди наф кўп...
Чет тилини ўрган, болам,
Тил билишда жуда гап кўп.

ТУРСУНБОЙ АДАШБОВЕВ

Сугдиёна фожиаси
Едга тушдию шу чоқ,

Спитамен кўйлагига
Ўхшаб кетди Лолатоғ.

Укажонлар, ўша дамни
Эслаш оғир одамга.
Эҳ, ўшликлар ўз вақтида
Боролмади ёрдамга.

МИРАЗИЗ АЪЗАМ

Тингланг,
Эй, трусиги

бир сўм қирқ тийинлик
болакайлар!

Спитамен мард эди,
қалби тўла дард эди;
Кун бермасди зўрларга,
Очкўз тайёрхўрларга.

Афсуски, хиёнат боис,
бир бедийнат боис,
Оламдан ўтди,
Бизни ташлаб кетди...
Мен... мен...

болалар адабиётини
ташлаб кетганимдек.

ЙҮЛДОШ СУЛАЙМОН

Утмиш — уйқудаги бобо,
Уйқусини бузмайин.
Спитамен турсин,
Сизга —
Набиевдан сўзлайин.

МУҲАММАД РАҲМОН

Бақтрия томонда,
Эрамуздан олдинроқ,
Спитамен номи-ла
Йўргакланди чақалоқ.
Билмас Македония,
Билмаски гофил Эрон:

Бошга бир бало бўлиб
Улғаяр бу полопон.

АНВАР ОБИДЖОН

Спитамен отда борар
Дўпир-дўпир.
Юраги дер: «Евни юртдан
Сунур-сунур!»
... Кимдир яшар чигирткадек:
Чирик-чирик.
Бундайларнинг ўй-хаёли
Тирикчилик.

РАУФ ТОЛИБ

Миржалол нега лол?
Чунки, «тарих»ни билмас.
Копток тепар доймо,
Бош қотириб дарс қилмас.
Уқитувчи сўраса
Спитамен, ким дея,
Дер: «Бунақа ўйинчи
«Пахтакор»да ўйқ, ия!»

САФАР БАРНОЕВ

Спитамен роса жанг қилди,
Сардор бўлиб кўплаб юришга.
Дарё-дарё қонлар тўкилди...
Йўл қўймайлик энди урушга!

ҲАБИБ РАҲМАТ

Спитамен — Сўғднинг богири,
Искандарнинг берди додини.

Енгилмасди бировдан, ука...
Мағлуб қилди уни хотини!!!

КАВСАР ТУРДИЕВА

— Ойижоним, ойижон,
Спитамен ким ўзи?
— Наҳот шуни билмайсан,
Ҳозир айтаман, қизим.
Қўшимгузли Искандар
Еган унинг таёғин...
Бор, энди ўйни сунур,
Тушунмайсан уёғин.

ҚАМБАР УТАЕВ

Баъзи шахслар ҳақида
Кимдир кўп,
Ким кам билар.
Спитаменни
Ҳатто...
Исфандиёр ҳам билар.

ҲАМЗА ИМОНБЕРДИЕВ

Мен гапирай, кичкинтойлар,
Сизлар жим солинг қулоқ.
Спитамен ҳикояти
Жуда қизиқ ва узоқ.

Лекин тарих китобида
Езилгандир қисқача.
Уни ўқиб чиқиш мумкин
Санагунча қирққача.

КЕЛГУСИ СОНДА:

Иброҳим Раҳим
Генерал Равшанов
Роман. Охири

Барот Бойқобилов
Юлдузли осмон
Достон

Пабло Неруда
Шеърлар

Раҳимжон Отаев
Никоҳ
Социологик очерк

На узбекском языке

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

№ 6

Орган Союза писателей
Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного
Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1984.

Редакцияга келган бир босма
табоқча бўлган материаллар
авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга,
«Шарқ юлдузи» дан олинди, деб
кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 3.04.84 й.
Босишга рухсат этилди 1.05.84 й.
Қоғоз формати 70×108¹/₁₆.
Фотонабор. Офсет босма усули.
Нашриёт ҳисоб листи 20,2
Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55
Тиражи 166834
Заказ № 3204.
P-09255

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети нашриётининг Меҳнат
Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент — 700029,
Правда Востока кўчаси, 26-уй.

Расҳом Х. Лутфуллаев
Техник редактор М. Аҳмедов
Корректор А. Билолов